FİLOLOJİ VE KÜLTÜR ARAŞTIRMALARI 2

2007 KARABÜK ÜNİVERSİTESİ

O`zDSMI

FARG`ONA DAVLAT UNIVERSITETI * FERGANA STATE UNIVERSITY * FDU 1930 FSU

T.C. KARABÜK ÜNİVERSİTESİ

ÖZBEKİSTAN DEVLET SANAT VE MEDENİYET ENSTİTÜSÜ

ÖZBEKİSTAN FERGANA DEVLET ÜNİVERSİTESİ

FİLOLOJİ VE KÜLTÜR ARAŞTIRMALARI

2

KARABÜK - 2020

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ
КАРАБУК ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ НОМЛИ ТУРК ДУНЁСИ АМАЛИЁТ ВА ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“ТИЛЛАР ВА АДАБИЁТ” КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЛОЛОГИЯ ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

илмий-услубий мақолалар тўплами

№ 2

КАРАБУК - 2020

Kitabın tüm hakları Karabük Üniversitesine aittir
Karabük Üniversitesi Yayınları: 55

Editörler:

Prof. Dr. Nadirhan Hasan

Doç. Dr. Marufjon Yuldashev

Yayın danışmanları:

Doç. Dr. Güzel İsakova

Dr. Öğr. Üyesi Saidbek Boltabayev

BİLİM KURULU:

Prof.Dr. İbrahim Yuldashev (Özbekistan)
Prof.Dr. Abdusalom Umarov (Özbekistan)
Prof.Dr. İbrahim Hakkul (Özbekistan)
Prof.Dr. Nasimhan Rahmanov (Özbekistan)
Prof.Dr. Oltinoy Tojiboyeva (Özbekistan)
Prof.Dr. Dilmurod Kuranov (Özbekistan)
Prof.Dr. Murodkosim Abdiyev (Özbekistan)
Prof.Dr. Shoira Ahmedova (Özbekistan)
Prof.Dr. Tavakkal Choriyev (Özbekistan)
Prof.Dr. Muhammadjon Hakimov (Özbekistan)
Prof.Dr. Nodirkhon Khasanov (Özbekistan)
Doç.Dr. Hamdam İsmailov (Özbekistan)
Doç.Dr. Seyfeddin Seyfullah (Özbekistan)
Doç.Dr. Atabek Rustambekoğlu (Özbekistan)
Doç.Dr. Ziba Kabilova (Özbekistan)
Doç.Dr. Cildiz İsmailova (Türkiye)
Doç.Dr. Zokirjon Rahimov (Özbekistan)
Doç.Dr. Sirderyahan Utanova (Özbekistan)
Dr. Öğr. Üyesi Saidbek Boltabayev (Türkiye)

ISBN 978-605-9554-51-0

Her hakkı mahfuzdur. Bu makaleler kitabında yayımlanan makaleler ve yazılardaki görüş ve düşünceler müelliflerinin görüşleridir. Kitapta yer alan yazıların dil, üslup ve bilimsel mesuliyeti yazarlarına aittir

MUNDARİJA / İÇİNDEKİLER

Takdim ……12

Тожибоева О. Театр санъатида халқ бадиий мероси / **Tacibayeva O**. Tiyatroda toplumsal poetik miras.....……14

Искандарова Ш. Тилшуносликда сўз мустақиллиги муаммоси / **İskenderova Ş**. Dilbilimde sözcük bağimsızlığı sorunu…….....……17

Касимов Н. Ўзбек халқ лапарларининг жанр хусусиятларига айрим чизгилар / **Kasimov N**. Özbek halk türkülerinin tür özellikleri..... ……19

Lutfullayeva D., Davlatova R. Til ta‘limida amaliy mashg‘ulotlarni tashkil etishning ahamiyati/ **Lutfullayeva D., Davlatova R.** Dil eğitiminde uygulamalı derslerin önemi 23

Меликўзиев И. Фильм яратилиши услуб ва тамойиллари / **Melikoziyev İ**. Film yapımında yöntem ve ilkeler.....……28

Юлдашев М. XX аср бошларида Туркистонда ташкил этилган маориф ва хайрия жамиятлари. / **Yuldaşev M**. XX. yüzyıl başında Türkistan’da kurulan eğitim ve hayır vakıfları…….....35

Isakova G. Winged word and their specific peculiarities / **İsakova G**. Güzel sözler ve onların özellikleri…….....39

Расулов Р., Абдуллаева Н. Дипломатия ва дипломатик нутқ / **Rasulov R., Abdullayeva N.** Diplomasi ve diplomasi dilinin özellikleri……42

Мухамедова С. Сравнительный анализ функционально-семантического поля ласкательности в узбекском и азербайджанском языках. / **Muhamedova S**. Özbek Türkçesi ve Azerbaycan Türkçesindeki sevecenlik bildiren sözcüklerin işlevsel ve semantik meydan açısından karşılaştırılması ……...…….....46

Ганиева Ш. Феъл фраземаларнинг темпорал валентлиги ҳақида / **Ganiyeva Ş**. Fiilli deyimlerin zamansal eşitliği hakkında.....……50

Сайфуллаева Р., Ҳамроева Ҳ., Бутунбаева Т., Қаршибоева В. Озод Шарафиддинов публицистикасида қўлланган барқарор бирликлар хусусида / **Sayfullayeva R., Hamrayeva H., Butunbayeva T., Karşıbayeva V**. Azad Şerefiddinov’un yazılarında kullanılan deyimler hakkında…….....…… 53

Мухамедова Ў. Хореография ва бадиий адабиёт / **Muhamedova O**. Koreografi ve bedii edebiyat……..... 56

Ҳамроева Ҳ. Эркин Воҳидовнинг “Раққоса” шеъридаги бадиий ифодалар / **Hamrayeva H.** Erkin Vahidov’un “Rakkâse” şiirindeki poetik ifadeler……..... 59

Қосимова М. Ундовларнинг стилистик имкониятлари / Kasimova M. Ünlemlerin üslup imkânları…….....…… 62

Убайдуллаев А. “Луғати туркий”да кўп маъноли сўзларнинг изоҳланиши / **Ubaydullayev A**. “Lügat-ı Türki”de çok anlamlı sözcüklerin açıklanması.....……..... 65

Гапуров М. Вопросы руководства и творческой эффективности ансамбля / **Gapurov M**. Liderlik sorunu ve topluluğun yaratıcı verimliliği.....……..... 69

Маҳмудова С. Ойдин Ҳожиева шеърияти ва сўз ижодкорлиги. / **Mahmudova S**. Tanınmış Özbek şairi Aydın Haciyeva'nın söz yaratıcılığı.....……73

Маҳмудова С. Оммавий ахборотнинг "оммавий маданият"га таъсири хусусида мулоҳазалар. / **Mahmudova S**. Kitlesel bilginin "kitlesel kültür"e etkisi hakkında görüşler....76

Соатова Н. Шуҳрат ижодида уруш мавзуи тасвири. / **Saatova N**. Şöhret'in eserlerinde savaş konusunun betimlenmesi.……....……79

Муродова М. Ўзбек тўй маросим қўшиқларини ўрганишда Шайх Сулаймон Бухорий луғатининг аҳамияти. / **Muradova M**. Özbek düğün merasimlerindeki türküleri araştırmada Şeyh Süleyman Buhari sözlüğünün önemi…….....83

Исроилова М., Юлдашева Д. Талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантириш масалалари / **İsrailova M., Yuldaşeva D.** Öğrencilerin entelektüel-kültürel açıdan geliştirilmesi meseleleri ....…….....88

Naz Penah. Yabancılara Türkçe öğretiminde motivasyonun önemi.....……93

Раупова Л. Роль культуры общения и национальный менталитет в процессе современном образовании. / **Raupova L**. Çağdaş eğitimde iletişim kültürü ve milli mantalitenin önemi.....103

Жўраева Б. Зарарли ҳашарот номлари асосида шаклланган халқ мақоллари. / Corayeva B. Zararlı böcek adları ile ilgili atasözleri.....…… …….....107

Ҳайитов Ш. Истак ва қисмат / **Hayitov Ş**. İstek ve kısmet……....110

Yunusova G. Türk dünyasi ədəbiyyatşünasliğinda Kamal Abdulla yaradıcılığı.....114

Нормуродова Н. Маданий мулоқотнинг социопрагматик талқини / **Narmuradova N**. Kültürel iletişimin sosyo-pragmatik yorumlanması.....…….....119

Xolmurodova M. O'zbek milliy alifbosi va imlo masalalari. / **Halmuradova M**. Özbek milli alfabesi ve doğru yazım sorunları.....…….....……124

Ramazanova L. 20. yüzyıl başlarında Azerbaycan edebiyatında ilk cengaverlik romanları üzerine karşılaştırmalı araştırma. ..... …….....128

Узаков И. Теоретические аспекты формирования педагогического мышления студентов / **Uzakov İ**. Öğrencilerin pedagojik düşünme yetisini geliştirmenin teorik yönü. 134

Минҳожиддин Мирзо. Миллий ўзликни англаш ва миллий иқтиқлол тафаккурининг шаклланишида адабиётнинг ўрни ва аҳамияти / **Minhaciddin Mirza**. Milli özbilinç ve milli bağımsızlık düşüncesinin şekillenmesinde edebiyatın önemi…….138

Муҳаммадиева Ф. Пиримқул Қодировнинг пейзаж қўллаш маҳорати. / **Muhammediyeva F**. Pirimkul Kadirov'un peyzaj mahareti…….....142

Алимджанова Н. Ўзбекистонда мусиқий-саҳнавий жанрлар ривожи хусусида / **Alimcanova N**. Özbekistan'da müzikal-sahne türünün gelişmesi hakkında..... 146

Холдарова И. Ўзбек тилидаги "яралиш" семали генеронимларнинг валентлик хусусиятлари / **Haldarova İ**. Özbekçedeki "yaratılma" anlamı içeren heneronimlerin değerlik özellikleri……..... 150

Badalbaeva M. Virtual classrooms – flexible English language training……..153

Sultanova D. Improving standards of teaching through continuing professional development.156

Бекчанова С. Қорақалпоқ нақлларида вариантлилик / **Bekçanova S**. Karakalpak anlatılarında varyasyon……..... 159

Насруллаева Г. Антропоцентрик метафоранинг лисоний таснифи. / **Nasrullayeva G**. Antroposentrik metaforların dilbilgisel sınıflandırılması ……..... 162

Акимов Т. Хитой тилидаги мақол ва маталларни ўзбек тилига таржима қилишдаги баъзи бир масалалар / **Akimov T**. Çince atasözü ve deyimlerin Özbekçeye çevirme ile ilgili bazı sorunlar ..……..... 165

Хусанов Ш. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик компетентлик масалалари. / **Husanov** Ş. Uzmanlik eğitiminde pedagojik yeterlilik sorunu…….....170

Sodiqova M. Kelajak avlodni shakillanishida ma'naviy tarbiyaning ahamiyati. / **Sadikova M**. Gelecek nesillerin şekillenmesinde manevi eğitimin önemi..... ……....174

Абдухаликова Д. Наш современник – герой драмы и спектакля. / **Abduhalikova D**. Sahne eserleri kahramanları - bizim zamandaşlarımız ....…….....177

Усманова Х. Санъат ва маданият таълимида таржимага ўргатиш методикаси. / **Usmanova H**. Sanat ve medeniyet eğitiminde uygulamalı çeviri yöntemleri.....……180

Usmanova Kh. Uzbek folklore and its genres as an example of high culture.....184

Ernazarova I. Halima Xudoyberdiyeva she'riyati leksikasida harakat bildiruvchi so'zlar / **Ernazarova İ**. Halime Hudayberdiyeva'nin şiirlerinde eylem bildiren kelimeler.....187

Юмагулова Л. Из истории грамматических разработок русского литературного языка / **Yumagulova L**. Rusça gramer çalışmaları tarihinden.....190

Алимова К., Дауланова Х., Юлдашев А. Терминология по цитологии на узбекском языке: история, проблемы, задачи / **Alimova K., Daulanova H., Yuldashev A**. Özbekçede sitoloji terimlerinin tarihi, sorunları ve çözümleri…….....194

Aliyeva N. The role of innovation in various spheres / **Aliyeva N.** Çeşitli alanlarda inovasyonun rolü..……198

Aliyeva N. Ways of using innovations in foreign language teaching / **Aliyeva N.** Yabancı dil öğretiminde yenilikler kullanmanın yolları…….....201

Аъзам Т. Шеъриятда барқарор бирикмаларнинг ўрни / **Azam T**. Şiirde deyimlerin önemi……..204

Туракулова О. Таълим жараёнида мутолаа маданиятини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида. / **Turakulova A**. Eğitim sürecinde kitap okuma kültürünü geliştirmenin pedagojik sorun olarak ele alınması…….....208

Иногомова Н. О перцептивном и ментальном аспектах семантики группы глаголов с общим значением ‘смотреть’/‘видеть’ в романе Р.Н.Гунтекин «Bir Kadın Düşmanı» и в романе Дж.Вебстер «Daddy-long-legs». / **İnagomova N**. R.N.Güntekin’in “Bir Kadın Düşmanı” ve J.Vebster’in “Daddy-long-legs” eserlerinde kullanılan “görmek” ve “bakmak” anlamındaki fiillerin zihinsel algılama boyutları .....…….....212

Саидакбарова М. Бир мавзунинг бир неча ифодаси./ **Saidakbarova M**. Bir konunun çeşitli ifadeleri …….....215

Shomuradova D. Problem of translation of proper names. / **Şamuradova D**. Özel adların çevirisinde öne çıkan sorunlar…….....218

Миннинқулов И. Инглиз ва ўзбек тилларида “танбеҳ бериш” маъносидаги шарт конструкциялар./ **Minnikulov İ.** İngiliz ve Özbek dillerinde ‘uyarma, tembih etme’ anlamındaki şart cümleleri …….....221

Эшпўлатова С., Зарипбоева Н. Алишер Навоийнинг насрий асарларида нотиқлик ва маданий нутқ масаласи. / **Eşpolatova S., Zaripbayeva N.** Ali Şir Nevai’nin nesrî eserlerinde hatiplik ve kültürel hitabet …….....224

Бакаева Б. Хитой тилида морфемали контракциянинг hébìngfǎ “бирлаштириш” усулига оид хусусиятлар. / **Bakayeva B.** Çince eklemeli yapılardaki hébìngfǎ ‘birleştirme’ yöntemi hakkında.....229

Адилов А. Кино ва театр санъатидаги ифодавийлик масалалари. / **Adilov A.** Sinema ve tiyatro sanatında anlatım sorunları.....233

Асқаров А. “Қорақалпоқфильм” киносида профессионал кадрлар муаммоси. / **Askarov A.** “Karakalpakfilm” sinemalarinda profesyonel kadro sorunu.....237

Tosheva D. “Devonu lug‘otit turk” asarida “qo‘y” lug‘aviy ma’noviy guruhiga oid qarashlar / **Taşeva D.** “Divanü Lugati’t-Türk” eserinde ‘koyun’ leksik-semantik grubuna ait fikirler.....241

Туропова П. Сайёра Тўйчиева ижодида адабий –эстетик идеал категорияси. / **Turapova P**. Seyyara Toyçiyeva eserlerinde edebi-estetik ideal kategorisi.....244

Bakhromova I. The importance of using video and sound effects in teaching English.....248

Ishanbekova N. Ethical principles of teaching. / **İşanbekova N.** Öğretimin etik ilkeleri.....251

To‘rayeva U., **Samandarova G.** Sotsiologik metodning shakllanish omillari va tarixi / **Torayeva U**., **Samandarova G.** Sosyolojik metodun ortaya çıkışı ve gelişmesi…….....253

Astanova G., **Rakhimova N.** The effect of “one thousand and one nights” to the world literature. / **Astanova G., Rakhimova N.** “Bin Bir Gece” eserinin dünya edebiyatına etkisi…257

Ahmadova U. Ommaviy axborot vositalarida perifrazalarning ifodalanishi. / **Ahmadova U.** Kitlesel bilgi araçlarında perifrazların ifade edilmesi.....260

Саидова М., Болтаева М. Фразеологизмы русского языка и их соответствия в узбекском. / **Saidova M., Baltayeva M.** Rusça deyimler ve onlarin Özbekçeye uygunluğu.....263

Boltayeva N. Publitsistik matnlardagi metaforalar xususida / **Baltayeva N.** Gazete metinlerindeki metaforlar hakkında. 267

Ўралова Ҳ. Раҳбар кадрлар фаолиятидаги муаммолар ва уларнинг мақбул ечимлари. / **Oralova H.** Yöneticiler faaliyetindeki sorunlar ve çözümler.....270

Abduvohidova H. Abdulla Oripov lirikasida mumtoz ohanglar. / **Abduvahidova H.** Abdulla Aripov'un şiirlerinde klasik ahenkler.....274

Аллаёров Т. Тўлиқ ва тўлиқсиз императивлар ҳақида. / **Allayarov T.** Tam ve eksik imperatifler hakkında….....278

Ilhomova D. O'zbek va ingliz tillarida o'tgan zamon shakli. / **İlhamova D.** Özbek ve İngiliz dillerinde geçmiş zaman şekli 283

Oripova N. "Shoirning to'yi" yoxud haqiqat aytilgan kun. / **Aripova N**. "Şairin düğünü" veya gerçeklerin dile getirildiği gün 286

Allaberdiyeva M. Abduqayum Yo'ldoshevning "Yolg'on va haqiqat" hikoyasining badiiy–g'oyaviy xususiyatlari. / **Allaberdiyeva M.** Abdukayum Yoldaşev'in "Yalan ve Gerçek" adlı öyküsünün poetik ve ilkesel özellikleri. 290

Xolbekova G. Erkin Vohidov g'azallarida mumtoz tasvir va o'ziga xoslik. / **Halbekova G.** Erkin Vahidov'un gazellerinde klasik tasvir ve kendine özgü hususlar…….....294

Nosirova M. Tohir Malikning "Falak" qissasi haqida. / **Nasirova M.** Tahir Melik'in "Felek" hikayesi hakkında.....297

Нематова Г., Кудратова С. Цели урока и оценивание. / **Nematova G., Kudratova S.** Dersin amacı ve değerlendirme. 300

Niyozova A., **Rajabov M.** Alifbo haqida mulohazalar. / **Niyazova A., Rajabov M.** Alfabe hakkında görüşler. 303

Abdullayeva Z. Odamiylikka chorlovchi doston / **Abdullayeva Z.** İnsanliğa davet eden destan…….....307

Tursunboyeva G. Bobur hayotidagi yolg'izlik - yohud ma`naviy mag'lubiyat tasviri / **Tursunbayeva G.** Babür Şah'in yalnızlığı veya manevi yenilginin tasviri…….....311

Эшонқулова С. "Тарихи анбиё ва ҳукамо" – маънавият дурдонаси / **Eşankulova S.** "Tarih-i Enbiya ve Hükema" maneviyatin inci tanesi. 315

Ҳамидов Д. Ёшлар тарбиясида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни. / **Hamidov D.** Gençler terbiyesinde sosyal ve beşeri fenlerin önemi 318

Mavlonova A. Oilaviy kitobxonlik madaniyatiga erishish – davr talabi. / **Mavlonova A.** Ailece kitap okuma alışkanlığı edinme, zamanın talebidir.....321

Abdusalomova Sh. “O‘g‘ri” konseptining ingliz, o‘zbek va turk tillaridagi qiyosiy tahlili / **Abdusalomova Ş.** “Hırsız” kavramının İngiliz, Özbek ve Türk dillerindeki karşılaştırmalı analizi…….....324

Karimova N. Ijod laboratoriyasiga bir nazar / **Karimova N.** Yazarlık atölyesine bir bakış.....327

Karimova S. Adabiyotda shifokor obrazi. / **Karimova S.** Edebiyatta doktor karakteri….....330

Узаков И. Талабаларнинг педагогик тафаккурини шакллантиришда педагогик тушунчаларни ўрни / **Uzakov İ.** Öğrencilerin pedagojik tefekkürünün şekillenmesinde pedagojik kavramların önemi. 333

Rajabov M. Alisher Navoiy va turk adabiyoti / **Racabov M.** Ali Şir Nevai ve Türk edebiyatı..... 338

Мирзаалиев И. Аёл сўзи билан боғлиқ қадимги туркий мақоллар. / **Mirzaaliyev İ**. Kadın sözcüğü ile ilgili eski Türk atasözleri. 342

Нўъмонова З. Ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти. / **Nomanova Z.** Özbek ve dünya çocuk edebiyatı. 346

Достонов О. Бадиий фильм мажозий тузилишида ҳаракатдаги камера, кадр ичи монтажнинг роли ва аҳамияти. / **Dastanov O**. Filmin mecazi yapısında hareketli kamera, iç montajin rolü ve önemi. 349

Джуманов И., **Шомуродов А.** Нутқий ифода маҳорати масалалари. / **Cumanov İ**., **Şamuradov A**. Vaizlik sanati meseleleri 352

Тўраев М. Театр саҳнасида кечинма санъати. / **Torayev M**. Tiyatro sahnesinde içsellik sanatı.....356

Матназаров Ж. Матназар Абдулҳаким шеъриятида қўлланган баъзи антропонимлар лингвопоэтикаси. / **Matnazarov C**. Matnazar Abdulhekim şiirlerinde kullanılan bazı antroponimlerin lingvopoetik özellikleri 362

Маҳмудов Ж. Табибий ва Огаҳий / **Mahmudov C.** Tabibi ve Agehî 366

Yuldasheva Z. XI-XIII asr yozma yodgorlıklarıdagı folklorızmlar / **Yuldaşeva Z.** XI-XIII yüzyıl yazma eserlerindeki folklorizmler. 369

Юлдашева М. IX-XII асрлар Хеян даврида япон адабиёти. / **Yuldaşeva M.** IX-XII yüzyıl Heian döneminde Japon edebiyatı 372

Жураева Г. Мустақиллик даври ўзбек болалар шеъриятининг мактаб дарсликларида ўқитилиши. / **Corayeva G**. Bağımsızlık dönemi Özbek çocuk şiirinin okul ders kitaplarında verilmesi 376

Хамракулова Х. Ўзбек адабиётида тириклик ва ўлим фалсафасининг акс этиши / **Hamrakulova H**. Özbek edebiyatinda yaşam ve ölüm felsefesinin yansıması…….....379

Jamilova B. O‘zbek bolalar she’riyatida ma’rifiat va tarbiya. / **Camilova B**. Özbek çocuk şiirinde marifet ve edep 384

Расулова З. Ўзбек халқ эртакларида “сеҳрли гилам” образининг бадиий вазифалари / **Rasulova Z.** Özbek halk masallarında “sihirli hali” simgesinin poetik görevi**.** 388

Musurmanov E. From the history of Sino-Uzbek historical and literary relations……. 392

Madiev F. Bâburname’da kullanılan Türkçe, Arapça ve Farsça kökenli kelimelerle günümüz Türkiye Türkçesi ve Özbek Türkçesinin karşılaştırılması……. 396

Мадумаров Ў. Пайғамбарлар зикр этилган ғазал / **Madümarov Ö.** Peygamberlerin zikredildiği gazel..... 403

Таджиев Ҳ. XIX аср охири, XX аср бошида қозоқ шоирлари ижодида диний-маърифий ғоялар / **Taciyev H.** XIX. yüzyıl sonu, XX. yüzyılın başında Kazak şairlerinde dini, marifi düşünceler…..... 406

Топволдиев К. Возникновение интереса к ориентализму в русской классической литературе / **Topvoldiyev K.** The emergence of interest in orientalism in russian classical literature..... 415

Косимов А. К вопросам о трудности переводческой деятельности. / **Kosimov A.** Questions about the difficulties of translation work. …..... 418

Йўлчиев Қ. Лирик макон структураси. / **Yulchiyev K.** The structure in lyrıc of space..…..423

Каримова Н. Поэтическое наследие: время и пространство как основные категории мира / **Karimova N.** Poetic heritage: time and space as the main categories of the world.....428

Турдалиев Д. Об особенностях эпического пира в Русских былинах / **Turdaliev D.** About the features of the epic feast in Russian bylina..... 430

Усманова Н. Риторика и наилучшие варианты дискурса в Русском языке / **Usmanova N.** Rhetoric and the best options for discourse in Russian..….. 436

Мамаджанова Г. Россиеведение и межкультурный диалог / **Mamadjanova G.** Russian studies and intercultural dialogue..... 438

Давлятова Г. Социокультурная модернизация образования в контексте межкультурного взаимодействия / **Davlyatova G.** Socio-cultural modernization of education in the context of intercultural interaction..….. 440

Холматова Д. Научные изыскания по интернационализации терминологии по этнологии / **Halmatova D.** Scientific research on internationalization of terminology in Ethnology 443

Шевченко Е. Пикуль В.С. – мегаодаренный писатель-рассказчик / **Shevchenko E.** Pikul V. S. - mega gifted writer and storyteller..…. 447

Жўраева М. Адабиётшуносликда янги инсон концепцияси / **Corayeva M.** Edebiyat araştırmacılığında yeni insan konsepti..... 449

Habibullayev N., Dostmatov H. Asrlar osha barhayot / **Habibullayev N., Dostmatov H.** Asırlardır hayatta……..... 454

Раҳимов З. “Кўҳна дунё” - полифоник роман / **Rahimov Z.** “Köhne dünya” – polifonik roman... 457

Сабирдинов А. Ойбек ва турк адабиёти / **Sabırdinov A.** Aybek ve Türk edebiyatı.... 460

Абдуллаев А. Рамзий маъно ифодаловчи лисоний воситалар тадқиқига доир / **Abdullayev A.** Sembolik anlam taşıyan lisanî araçların tetkikine dair..... 468

Hikmatillo D., Mahmudova Z. Juft so`zlardagi nutqiy chegaralangan birliklar / **Hikmatillo D., Mahmudova Z.** İkilemelerdeki nutukla ilgili sınırlandırılmış birlikler..... 471

Абдуллаева Э. Язык и межкультурная коммуникация в Узбекистане / **Abdullayeva E.** Language and intercultural communıcatıon in Uzbekistan..... 473

Дўсматов Ҳ., Азамжонов Н. Форс-тожик тилидан ўзлашган айрим сўзларнинг семантик тараққиёти / **Dosmatov H. Azamconov N.** Özbek Türkçesindeki bazı Farsça-Tacikçe alıntı kelimelerin semantik gelişimi.....…….. 476

Киргизова Г. Ўзбек тилига ўзлашган форс-тожикча сўзларда рўй берган фонетик ўзгаришлар ва уларнинг имлоси / **Kırgızova G.** Özbek Türkçesindeki Farsça-Tacikçe alıntı kelimelerde oluşan fonetik değişimler ve onların imlası (ünlüler)..... 479

Khalmatjanova Z. “Kısas-ı Rabguzî” eserinde fiilin fonksiyon şekilleri (sıfat fiili) 483

Qobilova Z. Bir g’azalga to’rt tatabbu / **Kabilova Z.** Bir gazele yazılan dört tetebbu …….491

Очилов Э. Муҳаббат гулшанининг соҳибнавоси / **Açilov E**. Muhabbet gül-bahçesinin sahip-nevâsı 497

Болтабаев С. Туркча–ўзбекча луғат хусусида / **Boltabayev S.** Türkçe-Özbekçe Sözlük üzerine ……..... 504

Tolabayev A. Özbek Şairi Rauf Parfi'nin “Kırım Hayalleri” Şiir Dizisi …….…. 507

Jo‘raboyev O. Davr adabiyotida Amir Umarxon fenomeni / **Rustambekoğlu A.** Dönemin edebiyatında Emir Ömerhan fenomeni …….. 515

Ўтанова С. Шеъриятда анъана ва ворисийлик (Юнус Эмро шеърлари мисолида) / **Utanova S.** Şiirde anane ve halef meselesi (Yunus Emre şiirleri örneğinde) ……..…… 522

Hasan N. Abdurrauf Fıtrat’ın gözüyle Ahmed Yesevî ……. 527
Umarova S. Ilm-umr bezagı, taqdır tuhfası/**Umarova S.** İlim ömrün süsü, kaderin hediyesi.. 535
Doğanay E. İbrahim Hakkul’un ilmi-edebi çalışmaları…… 539
Абдураҳмонова М., Бозорова С. Ўзбек ва турк тилшунослигида сифат сўз туркумига оид қарашлар / **Abdurahmanova M., Bozorova S.** Özbek ve Türk dil biliminde sıfat kelime grubuyla ilgili görüşler…… 556
Бозорова И., Шодиева И. Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ҳақидаги қарашлари / **Bozorova İ., Şadiyeva İ.** Ali Şir Nevaî'nin konuşma kültürü hakkındaki fikirleri ……561
Доронина И. Перспективность развития методики интерактивного обучения / **Doronina İ.** Prospects for the development of interactive learning methods……. 563
Юлбарсова У. Становление и перспективы развития лингвистической герменевтики / **Yulbarisova U.** Formation and prospects of development of linguistic hermeneutics……. 566

Takdim

Eski Çin sınırlarından tâ uzak Avrupa'nın içlerine kadar uzanan Türk illerinin bayrağı, her zaman yükseklerde dalgalanmış, asırlarca büyük devletler, sülaleler, yenilmez imparatorluklar kurup cihana hükmetmiştir. Dünya medeniyeti, ilmî, tıp, iktisat ve siyasetinde önderliği her vakit elinde tutmuştur. Şanlı tarih, sarsılmaz inanç ve namusla İslâm'ın şevketine müşerref olmuştur. Peki, bunların hepsinin nedeni nedir? Kuşkusuz, Türklerin temiz imanı, cesareti ve elbette muhteşem bir Türkçeye sahip olmalarıdır.

Tarihte hiçbir milletin Kaşgarlı Mahmud'un "Divan-ı Lügat'it-Türk"ü gibi dilini, kültürünü, halk bilgeliğini, edebiyatını, nefasetini muhafaza eden bir mirası yoktur, demek yanlış olmaz. Köhne Turan – Ana Türkistan'da geçmişten bu yana tek mefkûre - Vatan sevgisi her şeyden mukaddes sayılmıştır.

Büyük sanatkâr Yusuf Has Hacib bâkî devlet için dört üstün gerektiğini "Kutadgu Bilig" eserinde belirtmiştir. Bunlar: güç-kudret, akıl-feraset, sabır-tahammül ve bilimdir. Bunlara dayanan devletler tarihte hiçbir zaman eksik olmamıştır: Karahanlılar, Samanîler, Harezmşahlar, Selçuklular, Osmanlılar, Timurlular, Babürlüler...

Demek, bugün Türkçe konuşan ülkeler birleşmekteyken, onun bağları sağlamdır. Aşağıda verilen eş anlamlı "bağ" kelimesinde bunu açıkça görebiliriz. Birinci anlam, bağ - dünyanın farklı mıntıkalarına yayılan Türklerin aslen aynı "bağçe"nin ağaçları olmasıdır. İkinci anlam, bağ – birbirine katılarak birleşmek, bir olmaktır.

Öyleyse, bin sene evvel Kaşgarlı Mahmud ile temelleri sağlam inşa edilen Türkçe "bağçe"sinin Yusuf Has Hacib, Ahmed Yesevî, Yunus Emre, Ali Şir Nevâî, Fuzulî, Mahtumkulu, Abay, Cengiz Aytmatov gibi düşünürlerin kalemiyle daha da pekişmesi bizlere ilham versin.

Dil, edebiyat ve kültür meselelerinin gündeme alınması, kitap şeklinde hazırlanması, elbette, bizi daha da yakınlaştırır, birliğimizi, kardeşliğimizi bize hatırlatır. En önemlisi, derin bir bilgi ile dünyaya hükmetmek mümkünken, bu gibi eserler bize yardımcı olurlar; genç araştırmacıları esinlendirir, tekrarların ve yüzeyselliğin önünü keserler. Aradaki coğrafi mesafeleri ve uzun süre devam eden manevî uzaklığı yaklaştırırlar. Zira, 20. yüzyıl cedit edebiyatının fedakâr ve ateşli şairi Abdülhamid Süleyman Çolpan'ın dediği gibi:

Turanlı — unvanımız, Türkistanlı — şanımız,
Vatan — bizim canımız, feda olsun kanımız.

Elinizdeki uluslararası filoloji ve kültür araştırmaları kitabı, geçen sene birincisini yayımladığımız eserin devamı mahiyetinde olup, uzunca bir zaman diliminde oluşturulmuş bir düşüncenin ürünüdür. Sosyal bilimlerin muhtelif dallarında görev yapan akademisyen ve araştırmacıların bir araya gelerek bilim ve kültür hayatımıza kazandırdığı önemli bir çalışmadır. Amacı, Türk halklarının dili, edebiyatı, kültürü ve sanatı hakkında ülkemizin ihtiyaç duyduğu bilimsel çalışmalara katkı sağlamaktır. Bu çerçevede farklı üniversite ve enstitülerde faaliyet yürüten akademisyen, genç araştırmacıların yazıları toplanarak bu eserde takdim edilmiştir.

Karabük Üniversitesi, Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü, Fergana Devlet Üniversitesi ve diğer Türk cumhuriyetlerindeki yüksek eğitim ve araştırma kurumlarının akademisyenleri ve araştırmacılarının yüz yirmiyi aşkın makalesinin yer aldığı eserde manevi hayatımızın rengarenk yönleri farklı boyutlarda kaleme alınmıştır. Kitabın hazırlanmasında önemli katkılarından dolayı Karabük Üniversitesi Rektörü sayın Prof. Dr. Refik Polat'a, Özbekistan Devlet ve Sanat Üniversitesi Rektörü sayın Prof. Dr. İbrahim Yuldashev'e, Fergana Devlet Üniversitesi Rektörü sayın Prof. Dr. Ravshan Maksudov'a ve makaleleriyle kitabın oluşmasına yardımcı olan akademisyen, araştırmacılara saygı ve teşekkürlerimizi sunmaktan mutluluk duyuyoruz.

Türk illerim! Bengü ve mukaddes bağların ebed olsun!

M A K A L E L E R

ТЕАТР САНЪАТИДА ХАЛҚ БАДИИЙ МЕРОСИ

TİYATRODA TOPLUMSAL POETİK MİRAS

Тожибоева Олтиной Қосимовна,
санъатшунослик фанлари доктори,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти профессори.
Prof. Dr. Altınay Tacibayeva
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Özet. *Makalede toplumsal poetik mirasın ulusal tiyatro sanatının gelişmesine yaptığı katkı ele alınmıştır.*

Anahtar kelimeler: *tiyatro, toplumsal yaratıcılık, klasik edebiyat, poetik simge.*

Annotation. *The article deals with the role and importance of the national artistic heritage in the development of the national theatrical art.*

Key words: *theatre, folk art, classical literature, artistic image.*

Театр - инсон маънавиятини шакллантириш, тафаккурини бойитиш воситаси. Қачонки у ўз тараққиётида асрлар қаъридан ўтиб келган халқ бадиий меросига замонавий драматургия нигоҳи, янгича театр унсурларидан келиб чиқиб қараш, унинг бойликларидан баҳраманд бўлишда эскирган анъаналарга зид ўлароқ ўз йўлини ишлаб чиқиш орқали намоён бўлар экан, бунда икки улкан санъат турининг яқинлашуви, жанрлар диффузияси жараёнида юзага келадиган мураккаб вазиятни кузатиш мумкин. Айни шу жараёнда икки санъатнинг бири-бирини бойитиши учун янги имкониятлар, қулай ижодий жараён вужудга келадики, буни таҳлилий кўриб ўтиш санъатлар ўртасидаги ижодий алоқани тадқиқ этиш имконини беради.

Ҳозирда тутқунлик ва турғунликдан озод бўлиб, мустақил ривожланиш даврига ўтилган бир даврда, тан олиб айтиш лозимки, ўзбек театри яқин ўтмишда миллий меросга даврнинг адабий бюрократияси ва сиёсатлаштириш нуқтаи назари билан ёндошиб келди, бунинг оқибатида маънавий қадриятларимиз нисбий ўрганилди. Натижада театрларимиз миллий салоҳият, қадим юксак маданият ва маънавий қадриятларни ўз саҳнасига том маънода олиб кирди, деб айтиш қийин. Эндиликда миллий театрлар ўзларининг халқ бадиий мероси, фольклор-этнографик йўлда тўплаган тажрибаларини қайтадан кўриб чиқиб, истиқболли намуналарини ҳозирда мавжуд европача шаклдаги услубда бадиий йўналиш сифатида тараққий эттирмоғи муҳим бўлади.

Бугунги давр маънавий эҳтиёжларини қодиришда халқ поэтик ижодиётидан мумтоз адабиётга кўчиб, сайқалланган намуналар асосида спектакллар яратиш алоҳида ўрин тутади. Зеро, эпик кўламга ва психологик эҳтиросга тўлиқ бунингдек спектаклларда сўз қудрати - асрлар синовидан ўтган, фикр қуввати - улкан тафаккур нуридан униб чиққан, мушоҳада кучи – азалий ғоялар ва қаҳрамонлар тақдирининг мураккаб оламидан келиб чиққан бўлади. Сўз санъаткорларининг халқ меросидан ижодий фойдаланишдаги маҳоратлари фикрларни мушоҳадор, тушунчаларни халқчил қилишга ва шу тариқа бадиий баркамол асарларни яратилишига йўл очади.

Ислом дини ва тасаввуф таъсиридаги ўзбек мумтоз адабиётининг фикр-мушоҳадага тортувчи, фалсафий қарашларни шакллантирувчи, ахлоқий-таълимий фазилатларни бадиий акс эттирувчи хусусиятлари халқ донишмандлигига асосланган эпик манбалардан озиқланиб, янада тараққий топди. Бу асарларни яратиш жараёни ниҳоятда мураккаб ва қоришиқ ижодий услубга мансуб бўлиб, оғзаки ижод ва ёзма адабиёт ўртасидаги алоқа ҳамда ўзаро таъсирнинг ҳосиласи ўлароқ, нодир намуналар юзага келди. Халқдан олиниб ва яна халқнинг ўзига қайтарилган эпик намуналардаги мавзу, сюжет ва қаҳрамонлар мумтоз адабиёт талқинларида янгича сайқалланди. Ўз навбатида буюк даҳолар халқ

оғзаки ижодининг бойишига ҳам муносиб ҳисса қўшдилар, улар асарларида янгича талқин топган сюжетлар, мавзу ва образлар вақтлар ўтиши билан яна халқ оғзаки ижодиётига кўчиб, кишилар тилида ривоят, эртак ва афсоналарга айланди.

Халқ оғзаки ижоди ва бадиий маданияти ёзма адабиёт воситасида қайта идрок этилар экан, мазкур жараён театр санъатида ўзининг тадрижий такомилини топмоғи лозим. Бунда ўзаро таъсир ва ўзаро алоқалар санъатларнинг янги қирраларини топиши, янги бадиий шаклларни кашф қилиш имконини беради. Хаёлот кенгликлари, тафаккур салоҳияти, рамз, мажоз, ташбеҳ, бадиий ифода воситалари борасидаги қарашларни кенгайтиради, театр санъатидаги фикрлаш оламини бойитади. Агар халқ оғзаки ижодида яратилган эпик асарларда, асосан, қаҳрамонларнинг жасорати, фазилатлари тасвирланган бўлса, айни тасвирлар мумтоз адабиётда образлар характерларини чуқурроқ очиш, улар хатти- ҳаракатларига сабаб бўлаётган омилларни кенгроқ таҳлил килиш ва шу тариқа инсон калбининг ранг-баранг кўринишларда тадқиқ этиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Халқ ижоди асосидаги мумтоз адабиёт ҳамда саҳна санъати муносабатларини ўрганишда унга иккиламчи манба тариқасида ёндошмоқ лозим. Бунда халқ ижоди намунаси мумтоз адабиётда сайқал топиб, ундан театр санъатига кўчиши яъни иккиламчи манбанинг моҳиятини ўрганиш муҳим. Иккиламчи манба дейилганда “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Искандар” сингари асарларнинг дастлаб халқ оғзаки ижодида, сўнгра Низомий Ганжавий, Алишер Навоий сингари улуғ шоирлар достонларида сайқалланиб, ўз жилоси ва бадиий такомилига эга бўлгани ҳолда пьеса ёки инсценировка шаклида драматургия ҳамда театрга кириб келганлиги назарда тутилади.

Маълумки, “Алпомиш”, “Тоҳир ва Зуҳра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” сингари қатор ўзбек халқ достонларига театр ижодкорлари Собир Абдулла, Нажим Довқораев, Айёмий сингари драматурглар талқини орқали мурожаат қилганлар, асарларда асосан пьеса ва фольклор материали етакчи манба бўлган. Бу жиҳатига кўра мазкур ёндошувни бирламчи манба тарзида кўриш мумкин. Агар халқ ижодига бирламчи манба тарзида ёндошган саҳна асарларида фольклор материали муайян драматург нуқтаи назаридан ўрганилгани ҳолда режисёрлик ёндошувига эга бўлган бўлса, иккиламчи манбада ўртадаги муҳим бўғин саналмиш мумтоз адабиёт томонидан сайқалланганлик жараёни туради. Бунингдек асарларга қўл ураркан драматург ва режиссёр бир томондан халқ ижодини чуқур билиши, иккинчи томондан мумтоз адабиётга таянгани ҳолда манбани тўғри англаши, идрок эта олиши, пухта ўзлаштириши, ундаги саҳнавий заҳира воситалари ҳамда яширин имкониятларини хис қилиши ҳамда ифода этиш даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Театрнинг мумтоз адабиётга муносабати борасида сўз кетганида манбани англаш, идрок қилиш тушунчасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, мумтоз адабиётда фикрнинг очиқ ифода этилмаслиги, сўзнинг полифониклик хусусияти театрдан айнан идрокни ва англаш заруриятини талаб этади. Қачонки асар бутун кўлами, яширин маъно-ю моҳияти билан тўла идрок этилганида театр ижодкори мавзу ва ифода воситалари, қаҳрамон ва бадиий образлар борасида янги кашфиётларга эришиши мумкин.

Бугунги кун театр санъатида кечаётган бадиий жараёнлардаги қатор муаммоларни хал қилинишида ҳам мумтоз адабиётга йўғрилган иккиламчи манбанинг аҳамияти катта. Маълумки ҳозирги бадиий жараёнларда кечинма санъатининг психологик ижро услуби, пластик хатти-ҳаракатларга қурилган спектакллар таъсирида театрдан сўз қудратига бўлган муносабат бирмунча пасайиб қолди. Саҳнадан айтиладиган сўзнинг маҳобати, куч-қуввати, эҳтироси, жаранги борасида ўйлаб кўриш лозимдек назаримизда. Бу борада ҳам театр учун энг ишончли таянч манба мумтоз адабиёт сарчашмасидан озуқланган халқ бадиий меросидир.

Театр санъати учун халқ бадиий меросига асосланган мумтоз адабиёт улкан хазинадир. Бу мерос саҳна асари учун нафақат адабий пойдевор бўлиб хизмат қилади, балки режиссёрлик изланишига, актёрлик маҳоратига, сценография яратувчи рассом ижодига илҳомбахш манба бўлиб таъсир кўрсата олади. Ижодкордан эса англай билиш,

хис эта олиш талаб этиладики, бу кишининг билими, дунёқараши, тафаккури, фикрлаш тарзи, мушоҳада этиш даражаси билан боғлиқ.

Халқ бадиий поэтик меросида сайқалланган асарлар театрнинг функцияси, ўз олдига қўйган маслаги сари олиб борувчи фаолиятида ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Бу аввало театрнинг воситачилик роли теграсида кетади. Мумтоз асарга хос теран мазмун, сержило шакл ва тасвир гўзаллигидан томошабинни баҳраманд қилиш, унинг ғоялар олами, образлар силсиласи, бадиий ифода воситаларининг чуқур қабатларини тушуниш, ҳайратомуз гўзалликни идрок қила билиш борасида бугунги кун театри адабиёт ва томошабин ўртасида воситачи бўлмоғи лозим.

Аслини олганда театр - инсонни шахс сифатида шаклланишига ёрдам берувчи, кишининг ботиний хис-туйғуларини уйғотиш, фикрлаш ва мушоҳада қилиши учун имконият, шарт шароит яратиб беришга қодир бўлган қудратли кучдир. Бу борада халқ ижодиёти ва мумтоз адабиёт муносабатларини чуқур ўзлаштириши муҳим ўрин тутадики, ана шунда ҳаётнинг бутун силсиласи, драматик, поэтик кўриниши, оқ-қора ва турфа ранглардаги ифодасини идрок қилиш имконияти пайдо бўлади.

Миллий театр санъатимизнинг ўзлигини топиши, қолаверса, жаҳоний эътирофи янада кучайишида бунингдек асарлар ниҳоятда муҳим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.

2. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 2015.

3. Тожибоева О. Эпос ва театр. -Тошкент: San`at, 2017.

4. Қодиров М. Навоий ва саҳна санъати. -Тошкент: ЎМЭ, 2000.

ТИЛШУНОСЛИКДА СЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИ МУАММОСИ
DİLBİLİMDE SÖZCÜK BAĞIMSIZLIĞI SORUNU

Шарифа Искандарова,
филология фанлари доктори, профессор
Фарғона давлат университети (Ўзбекистон)
Prof. Dr. Şarifa İskandarova
Fergana Devlet Üniversitesi

Özet. *Makalede sözcük ve onunla ilgili düşünceler, konuşmacı, konuşma sürecinde katılanların görevi konusu ele alınmıştır.*

Anahtar kelimeler: *leksiko-semantik sistem, sözcük, semik yapı, pragmalingüistik, antropolengüistik, adlandırma, gnoseloji, etnos, etnokültür.*

Abstract. *In this article the issues of word, different viewpoints on its relationships, a speaker, places of communicators in the speech process are discussed.*

Key words: *lexical-semantic system, wors, semic structure, pragmaliguitstics, anthropolinguistics, nomination, epistemology, ethnos, ethnoculture.*

Тилшуносликда лексик-семантик системанинг нима эканлиги, унинг шаклланиши, унда муайян муносабатларнинг етакчилик қилиш борасида турлича талқинлар мавжуд. Хусусан, сўзнинг мустақиллигини эътироф этиш масаласида бир-бирига зид бўлган икки хил қараш кузатилади. Сўзга нисбатан тил бирлиги сифатида ёндашувчилар семик структура асосида ЛСС эътироф этадилар. Аксинча сўз мустақиллигини рад этувчи олимлар семантик майдон асосида системани шакллантириш тарафдори саналадилар [1, 5]. Айнан иккинчи йўналиш тил структурасини сўзловчи шахс билан боғлаб ўрганиш, лингвистик тадқиқот парадигмасига “сўзловчи шахс”ни киритиш натижасида майдонга келди.

Нутқий жараёнда сўзловчи шахсга эътиборнинг тортилиши тилшунослик тарихида катта воқеа бўлди. Чунки структур тилшуносликнинг белгининг белги билан муносабатини ўрганишга асосий эътиборни қаратганлиги натижасида белгининг объект билан, белгининг субъект билан муносабати масаласи тилни соф “шакл” сифатида талқин қилувчи структуралистлар назаридан анча четда қолган эди. Тилшуносликдаги худди шу чекланган томонни тўлдириш ҳаракати туфайли прагмалингвистика, неолингвистика, анрополингвистика номи билан юритилаётган тилшуносликнинг янги йўналишлари пайдо бўлди.

Аниқки, ҳеч бир тилни “тил эгаси”дан ажратган ҳолда тўғри ва тўлиқ ўрганиш мумкин эмас. Ҳар бир нутқ актида сўзловчи шахснинг ўрни сезилиб туради. Нутқий жараёнда коммуникантларнинг тил ҳақидаги билимлари уларнинг бир-бирларини тўғри ва аниқ тушунишлари учун ёрдам беради. Немис олими В.Гумбольдтнинг “тушунишлик ва тушунмаслик” антиномияси ҳам худди шу жараённи ифодалаш учун қўлланилган эди.

Инсоннинг оламни билиш жараёнида номинация катта аҳамиятга эга. Ҳар қандай шахс ўзини қуршаб турган олам узвларини билиш орқали унинг муҳим белгиларига таянган ҳолда ном беради. Шунинг учун ҳам номинация барча тилларга хос универсал ҳодиса сифатида антик даврлардан буён файласуфларни қизиқтириб келади. Номинация нарса ва ҳодисаларни бошқалардан ном бериш орқали ажратиш, фарқлаш билан боғлиқ лингвистик фаолият эканлиги билан бирга, уларни билиш билан алоқадор гносеологик вазифани бажаришга ҳам хизмат қилади.

Ҳар қандай номинатив бирлик борлиқдаги нарса-ҳодисалар, ҳаракат-ҳолатларни номлайди. Бу нарса ва ҳодисалар, ҳаракат ва ҳолатларнинг умумлашган образлари онгимизда акс этади. Ана шу онгда акс этган образ у ёки бу тилнинг акустик сигналлари орқали ифодаланади. Мазкур уч босқич умумий номинация жараёнининг зарурий

компонентлари саналади. Номинация жараёнидаги дастлабки икки компонент, яъни денотат ва сигнификат (концепт) барча тилларнинг номинация жараёни учун умумий бўлиб, учинчи босқичда тиллар ўртасида фарқланиш рўй беради.

Иккинчи босқич оламнинг инсон онгида концептуализациясида намоён бўлади. Борлиқдаги нарсаларнинг хусусий белгиларини четлаштирилган ҳолда, умумий белгиларини концептуаллаштиришда хизмат қилиш барча тиллар учун умумий бўлса ҳам, лекин концептуаллаштирилаётган нарсанинг қайси белгилари умумлаштиришга асос бўлиши билан тиллар ўртасида фарқланиш бўлиши мумкин. Нарсанинг муайян белгиларидан умумлаштиришга қайсиси асос бўлишига кўра тиллар ўртасида фарқланиш бўлиши мумкин. Аксар нарса ва ҳодисаларнинг номланишида халқнинг оламни ўзига хос кўриши, халқнинг образ яратишдаги ўзига хослиги намоён бўлади. Шунинг учун ҳам нарса ва унинг номи ўртасидаги муносабатни, нарсанинг нима учун шундай номланиш сабабини, мотивациясини ёритиш қадимдан олимларни қизиқтириб келган.

Б.А.Серебренниковнинг таъкидича, шартли ва сунъий равишда танланган алоқага ҳеч қачон акс эттириш сифатида қараб бўлмайди. У маъно ва тушунчани ўзаро фарқлаган ҳолда, маънони инъикос категорияси эканини инкор этади [2, 71]. Маъно лингвистиканинг ўрганиш объекти, тушунча эса мантиқнинг ўрганиш объекти саналади, маъно лингвистик белги тузилишига кирса, тушунча ҳукм узв(компонент)идир. Тушунчалар объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган образини акс эттирибгина қолмасдан, балки борлиқда мавжуд бўлмаган, инсоннинг тафаккур олами томонидан ҳосил қилинган нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган образини ҳам акс эттириши мумкин.

Сўз инсонга бевосита кузатишда берилмаган нарса ва ҳодисалар ҳақида ҳам ахборот бера олади. Шунинг учун ҳам ҳайвонот фақат бир оламга - сезги орқали ҳис қилиш мумкин бўлган предметлар оламига эга бўлса, инсон икки оламга - сезги орқали ҳис қиладиган олам билан бирга, сўз орқали ифодаланадиган образлар, муносабат, сифатлар дунёсига эга бўлди [3, 37]. Шунга мувофиқ, сўзларнинг борлиқ (денотатив) маъноси реал ва афсонавий тушунчалар бўлиши ҳам мумкин. Қандай тушунчани ифодалашига мувофиқ, сўзлар ҳам борлиқдаги инсон онгидан ташқарида бўлган нарса ва ҳодисаларни номловчи сўзлар ҳамда инсон томонидан яратилган афсонавий нарса ва ҳодисаларнинг номларини ифодаловчи сўзлар сифатида ажратилади.

Бизга маълумки, у ёки бу халқнинг урф-одатлар йиғиндиси шу халқ этномаданиятининг таркибий қисми саналади. Ҳар қандай этномаданият шу халқнинг тилида ўз ифодасини топади. Демак, шу тил эгаларининг маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари ва бошқаларни ифодаловчи восита ҳамдир. Бу хусусият унинг кумуллятив функциясида намоён бўлади.

Ер юзида истиқомат қилаётган барча халқ ва элатларни яхлит система деб ҳисобласак, бу макросистема таркибидаги алоҳида этнослар муайян белгилари билан, хусусан, тили, келиб чиқиши, моддий ва маънавий маданияти, маиший турмуш тарзи ва психологияси билан бир-биридан ажралиб туради. Демак, дунёдаги барча халқлар умумий белгиларига эга бўлишлари билан бирга, ўзига хос жиҳатларига эга [4; 5]. Ана шу ўзига хос белгилардан бири уларнинг урф-одатларидир.

Кўринадики, урф-одатлар муайян этноснинг бутун этнографик системасида дифференциал белги ролини ўйнар экан, уларнинг тилда ифодаланишини ўрганиш нафақат тилшунослик, балки этнография учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳар бир тилда этнографик тушунчаларни ифодаловчи махсус лексемалар мавжуд бўлиб, улар этнографик лексика гуруҳини ташкил этади ва бу микросистема шу тил макросистемасининг бир бўлаги саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. -Москва, 1976.
2. Серебренников Б.А. О материалистическом подходе к явлением языка. Москва: Наука, 1983.
3. Лурия А.Р. Язык и сознание. – Москва: МГУ, 1979.
4. Жабборов И. Жаҳон халқлари этнографияси. -Тошкент, 1985. - 5-бет.
5. Кодухов В.И. Введение в языкознание. -Москва: Просвещение, 1979.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛАПАРЛАРИНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИГА АЙРИМ ЧИЗГИЛАР

ÖZBEK HALK TÜRKÜLERİNİN TÜR ÖZELLİKLERİ

Prof. Нозим Касимов
Тошкент давлат миллий рақс ва
хореография олий мактаби

Prof. Nazım Kasimov
Taşkent Devlet Milli Raks ve
Koreografi Yüksek Mektebi

Özet. *Makalede lapar olarak bilinen Özbek halk türkülerinin bazı özellikleri, sıralı ve öykü içerikli türkülerin önemi ele alınmıştır.*

Anahtar kelimeler: *folkor, lapar, terme, öykü içerikli türkü, bedihe, gizemli ritüeller, polifoni, diyalog.*

Annotation. *The article discusses features and varieties of the Uzbek of the Lapar folk genre. Attention is paid to the dialogue form in the Lapar genre.*

Key words: *folklore, lapar, terma, improvisation, magic-ritual, polyphony, phratry, dialogue.*

Бадиий сўз саньатида жанрларни тасниф этишнинг ўзига хос тамойиллари мавжуд. Улар сўз санъатининг оғзаки ва ёзма шаклларига қараб фарқланадилар. Масалан, ёзма адабиётда жанрлар ҳаётий қамров ҳамда поэтик тизимнинг умумийлиги жиҳатидан фарқлансалар, фольклорда жанрлар ҳаётий қамров, поэтик тизим яхлитлиги, маиший йўналганлик, ижро ўрни ва шакли ҳамда мусиқа билан алоқадорлик каби тўрт талаб асосида фарқланади (Пропп, 1976: 34-45). Бинобарин, лапар жанрига хос хусусиятларни белгилаганда биз ҳам фольклоршуносликда умумэътироф этилган ана шу жиҳатлар асосида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек халқ лапарларига хос хусусиятлардан бири ва энг асосийси мазкур жанрнинг тарихан тўй маросимлари таркибида ижро этилишини назарда тутмоқ лозим. Чунки жанрнинг маросим билан генетик алоқадорлиги унинг оғзаки ижод анъанасида жуда ҳам қадимий эканлигидан далолат беради. Демак, лапарнинг асосан никоҳ тўйларининг муайян бир узвида - қизлар базмида ижро этилиши унинг тарихан мустақил жанр сифатида вужудга келиб, мустақил тараққий этиб келаётганлигини англатади. Қозоқ, қирғиз фольклоридаги айтыс жанрининг тарихан маросим фольклори, аниқроғи, тўй маросими билан боғлиқлиги ва асосан сўз мубоҳасаси шаклида кечиши, тожик фольклоридаги бадиҳа жанрининг ҳам ижро ўрни ва бажарадиган вазифа нуқтаи-назаридан лапар билан бир хиллиги лапар жанрининг тарихий асослари Марказий Осиё халқлари маросим фольклорида биргина жанрнинг турли номларида кенг тарқалганлигини кўрсатади. Бу хилдаги тўй маросими фольклори нафақат Марказий Осиё халқлари оғзаки ижодида, балки Кавказ халқлари тўй маросимларида ҳам учраяжаклигини кўплаб тадқиқотчилар қайд этадилар (Халилов, 1985: 45-47; Халищаева, 132-133). Демак, ўзбек тўй маросимларига мансуб лапар жанри билан ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан бир хил вазифа адо этувчи жанр Марказий Осиё ва Шимолий Кавказ халқларида ҳам қадимдан мавжуд бўлган.

Жанрнинг қадимий оилавий-маиший маросим билан алоқадорлиги ва турли халқларда турлича ном билан юритилишидан қатъи назар, маросим таркибида бир хил вазифа ўташи ўзбек халқ лапарларининг тарихан фақат маросимга қизиқарлилик ва

шодлик, мусиқийлик ва жонлилик бағишлабгина қолмай, балки ўзига хос магик-ритуал вазифа ўтаганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, жанрнинг ижро ўрни никоҳ тўйидан бир кун олдин, ҳозир қизлар базми деб аталувчи узвида шеърий айтишув тарзида ижро этилиши ва ижрочиларнинг икки жинсга мансуб бўлиши куёв ҳамда келин томон ўртасидаги ритуал тортишув вазифасини ўтаганлигини кўрсатади: халқ лапарлари матнидаги савол-жавоб характеридаги айтишувлар, бу жараёнда сўзга чечанлик ва ҳозиржавоблик қилиш, маросим этикасига риоя қилиш каби талабаларни адо этиш мазкур жанрнинг тарихан тўй маросим таркибида магик-ритуал компонент тарзида вужудга келганлигини ва ҳозиргача сақланиб қолганлигини тасдиқлайди.

Элбек, М.Алавия, О.Собиров, Б.Саримсоқов каби олимларнинг кўрсатишича, лапарларга хос жанр хусусиятларидан бири уларнинг бир-бирига зид икки жинсга мансуб кишилар томонидан ижро этилиши ҳисобланади. Жанр ижрочилари таркибининг бундай хусусияти анча қадимий бўлиб, у яқин вақтларгача сақланиб келди.

Бизнинг назаримизда, лапар ижрочиларининг қиз ва йигитлардан иборатлиги дуал жамият қолдиқларидан иборат бўлиши керак. Чунки бевосита уруғчилик жамияти даврида ҳар бир қабила бир-бирига қиз бериб, қиз оладиган икки уруғга ва ўз ичида бир-бири билан қуда бўлиш ҳуқуқига эга бўлган икки фратрияга бўлинган (Косвен, 1958: 104-128). Бир фратриядан қиз олиш учун куёв томон турли хилдаги синовларни бажарган, турли хилдаги тўловларни тўлаган. Мана шундай ритуал синов кўринишларидан бири келин томоннинг қизлари билан куёв томонидан келган йигитларнинг ўзаро сўз ва ҳозиржавобликда бир-бирларини синаб кўриш саналади. Дарҳақиқат, қизлар базмида, яъна асосий тўйдан бир кун олдин бундай лапар айтиш удуми кейинчалик оддий кўнгилхушлик ва томоша қилиш мақсадида ўтказилувчи анъанавий одатга айланган бўлса ҳам бироқ уруғчилик даврида у жиддий ритуал синов вазифасини ўтаган. Агар мана шу синовда йигит томон енгилса, илгари келин ва куёв ўртасидаги оила қуриш, яъни ҳозирги тил билан айтганда, никоҳ қилиш тўхтатилган. Шунинг учун ҳам лапар айтишга куёв томон шўҳ, сўзга чечан, ҳозиржавоб йигитларни яхшилаб танлаб олиб келишган. Оқибатда, лапар айтишувлари ва уларда ижро этиладиган тўртликлар мазмунан драматизмга бой, кучли ҳис-туйғуларга йўғирилган бўлади.

Фольклор асарларининг асрлар оша авлодлардан-авлодларга етиб боришини таъминловчи анъанавийлик, фольклор жанрлари таркибида доимий янгиланишларни таъминловчи бадиҳагўйлик лапар жанрининг ҳам яратилиш, янгиланиш ва жонли яшашини белгилаб берувчи икки муҳим омил сифатида амал қилиб келади. Мана шу нуқтаи назардан ёндашилса, ўзбек халқ лапарлари матни икки хил характер касб этишини кузатиш мумкин.

1. Лапар ижроси пайтида бир-бирлари билан мусобақалашаётган томонлар жавоб тариқасида тўртлик шаклидаги анъанавий халқ қўшиқларини, ўлан парчаларини келтираверадилар. Мана шунинг учун биз бундай лапарни шартли равишда терма лапарлар деб номлашни лозим топдик. “Оқ олма, қизил олма” тўпламида келтирилган аксарият лапарлар терма лапарларга мисол бўла олади. Анъанавий бошлама тўртлик айтилгач, йигит қуйидаги тўртликни ижро этади:

Дарёнинг нарёғида бир тўп ғўза,
У ғўзанинг тагида олтин кўза.
Жон янга, жоним янга, арзим сизга
Ўйнашга руҳсат беринг қора кўзга.

Мана шундан кейин қиз қуйдаги тўртликни ижро этади:

Оққина каптар боради жойига,
Кўп ошиқ бўлманг бировнинг ёрига.
Кўп ошиқ бўлсанг бировнинг ёрига,
Осишади оқ подшонинг дорига. (Оқ олма, қизил олма. 1972: 135-136)

Лапардан келтирилган икки тўртликка диққат қилинса. Улар ўртасида чуқур мантиқий алоқадорлик, мавзу жиҳатидан ягоналик кузатилмайди. Лекин лапар ижро этиш вазиятни ҳар бир тўртликка ўз вақтида жавоб қайтариш жиҳатидан улар терма лапарни ташкил этадилар. Бундан келиб чиқадиган асосий хулоса шундан иборатки, терма лапарларда ҳар икки томон вакиллари жавоб бериш талабидан келиб чиқиб, ўзлари билган тўртликларни келтираверадилар. Бу нарса терма лапарлардаги мавзу қамровини кенгайтиради.

Терма лапарларда хукмронлик қилган анъанавийлик ижросини анъанавий тўртлик билан бошланиши, жавоб тариқасида келтириладиган тўртликларнинг айни шу пайтда, шу вазиятда тўқилмай, балки халқ қўшиқлари хазинасидаги анъанавий тайёр тўртликларнинг келтирилишида кўзга ташланади.

Мазкур лапарлардаги бадиҳагўйлик эса бир-бирларига жавоб тариқасида ижро этилаётган тўртликларнинг илгариги айтишувларда қайд этилмаган фавқулодда тўртликлардан иборат эканлигида намоён бўлади.

2. Лапарларнинг ягона бир мавзуда, доимо такрорланиб келадиган матнларга асосланган шакли. Бундай лапарларни биз шартли равишда воқеабанд лапарлар деб номлашни лозим топдик.

Воқеабанд лапарлар, одатда, йигит ва қиз ўртасида савол-жавоб шаклида ижро этилиб, савол тариқасида берилган ҳар бир шартни инкор этадиган жавоб қайтарилади. Шу боис воқеабанд лапарлар кескин драматизм руҳида кечиб, айтишув шиддатли тус олади. Мана шундай лапарлардан бири профессор Б.Саримсоқов томонидан айтишув шаклидаги лирик қўшиқ тарзда талқин этилади (Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, 1990: 160).

Албатта, мазкур лапар кейинги пайтларда лирик қўшиқ ўрнида ҳам ижро этилиб келинди. Лекин бу матннинг тарихий асослари, яъни пайдо бўлиш жараёни лапар жанрига алоқадордир. Чунки у кўп вақтлар мобайнида лапар айтиш жарайнида қайта-қайта ижро этилиш оқибатида барқарор анъанавий матнга эга бўлди. Кейинчалик лапар мазмунининг таъсирчанлиги, матннинг кескин айтишув тарзида ижро этилиши, лапар воқеабандлигининг кучли драматизмга эгалиги сабабли алоҳида қўшиқ сифатида ҳам ижро этилишга кўчди. Бироқ бу дегани материалнинг генетик жиҳатдан лапар билан алоҳида эмаслигини англатмайди. Бизнингча, бу айтишув халқ лапарларининг соф воқеабанд шаклига мансуб. Ана шу лапарлардан бир неча бандларни келтирайлик:

Йигит: - Сен сой чумчуғи бўлсанг,
Сойларга қараб учсанг,
Мен тоғ каптари бўлиб.
Орқангдан қувиб борсам,
Ёр, унда на қилғайсан?
Қиз: - Сен тоғ каптари бўлсанг,
Орқамдан қувиб юрсанг,
Мен олғир лочин бўлиб,
Чангалга олиб қолсам,
Ёр, унда на қилғайсан.

Мана шу тариқа воқеабанд лапар йигит ва қизнинг бир-бирини рад этувчи савол ва жавоблари тарзида давом этади. Шундай лапар айтишлар йигит ва қизнинг ақл-заковатда, сўзга чечанликда бир-бирларидан қолишмаслигини синовдан ўтказишнинг воситаларидан бири ҳам ҳисобланади.

Лапарларнинг жанр хусусиятларини белгилаганда уларнинг ўзига хос композицияга - диалогик (мулоқот) шаклига эга эканликларини ҳам унутмаслик лозим. Чунки лирик қўшиқлар воқеликни шахснинг онгий кечинмалари воситасида бадиий акс эттириш маълум ҳақиқат бўлса-да, бироқ ана шу кечинмаларни қай йўсинда, қандай шаклларда тингловчига етказиш халқ лирикаси жанрлари, хусусан, лапарлар учун ҳам муҳим муаммо ҳисобланади.

Нутқнинг икки шахс ўртасида савол-жавоб, савол-акс жавоб тарзда кечиши тингловчиларда мазкур жанрга бўлган қизиқишни кучайтиради. Чунки икки лирик образнинг драматизмга тўла қалб кечинмаларини бутун жўшқинлиги, зиддиятлиги билан ифодалаш тингловчиларнинг диққат-эътиборини, фикр-зикрини чўлғаб олиши табиий ҳолдир. Мана шунинг учун ҳам диалогик нутқ шакли лапар жанрининг етакчи композицион усули, бош эстетик тамойили даражасига кўтарилган.

Демак, лапар жанрига хос диалог шаклидаги композиция, бир томондан, асардаги образларнинг руҳий кечинмаларини, ана шу кечинмалар замиридаги драматик таранглиқни тингловчиларга бутун мураккаблиги билан етказишга хизмат қилса, иккинчи томондан асарни оддий баёнчиликдан қутқаради. Баёнчилик эса, лирик жанрлар учун хос хусусият эмас. Учинчи томондан, ҳар бир тўртликнинг ўзга шахс томонидан ижро этилиши асардаги полифониянинг (кўповозлиликнинг) кучайишига олиб келади. Полифонияда эса лирик қаҳрамонларнинг ҳаётга бўлган муносабатлари аниқ ва лўнда ифодаланади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, диалог шакли лапар жанри учун фақат шаклий хусусият эмас, балки жанрнинг ҳаётий, ғоявий-эстетик вазифасини тўла акс этишга хизмат қилувчи композицион усулдир. Эстетик жиҳатдан қаралса, диалогик шакл лирик қаҳрамонни асар воқеалари ичига олиб киради. Унинг қалб кечинмаларини ўз тили орқали очишга имкон беради. Шунинг учун ҳам бундай нутқ шакли асарга самимийлик бағишлайди, образларнинг фаоллигини таъминлайди. Асарни ўз нутқи билан иштирок этиш ва ана шу нутқ воситасида ўзлигини намоён этиш жиҳатидан лапар жанри адабий турлардан драматик турга яқин турса, руҳий ҳолат ва қалб кечинмаларни самимий, бевосита, ифодалаш билан лирик турга мансуб жанрлардан бирини ташкил этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, икки адабий турга хос хусусиятларни жамулжам этганлиги учун ҳам лапарлар кучли драматизмга эга бўлган дил ёнишларини бутун ҳарорати ва мураккаблиги билан ифодалайди. Лапарларга хос бундай синкретизм жанрнинг қадимийлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. -Тошкент: ЎзФАН, 1959.
2. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. - Тошкент: Фан, 1974.
3. Косвен М.О. Очерки истории первобытной культуры. -Москва: Наука, 1958.
4. Касимов Н. Ўзбек халқ лапарлари. - Тошкент: Наврўз. 2019.
5. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари /Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи М.Алавия. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972.
6. Пропп В.Я. Принципы классификации фольклорных жанров //Пропп В.Я. Фольклор и действительность. -Москва, 1976.
7. Саримсоқов Б. Ўлан жанри //Ўзбек фольклори очерклари. Уч жилдлик. - Тошкент, 1988. -1-жилд.
8. Саримсоқов Б. Лапарлар //Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Тошкент, 1990.
9. Собиров О. Ўзбек совет фольклори очерки. - Тошкент: Фан, 1971.
10. Халилов Х.М. Народы Дагестана //Семейно-обрядовая поэзия народов Северного Кавказа. -Махачкала, 1985.
11. Халищева Т.А. Осетины // Семейно-обрядовая поэзия народов Северного Кавказа. -Махачкала, 1985.
12. Элбек. Лапарлар //Билим ўчоғи. 1922. -№1.
13. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Тошкент: Ўқитувчи, 1990.

TIL TA‘LIMIDA AMALIY MASHG‘ULOTLARNI TASHKIL ETISHNING AHAMIYATI

DİL EĞİTİMİNDE UYGULAMALI DERSLERİN ÖNEMİ

D.E.Lutfullayeva f.f.d., prof.
A.Navoiy nomidagi Toshkent davlat
o‘zbek tili va adabiyoti universiteti
R.H.Davlatova f.f.n., dots.
Navoiy davlat pedagogika instituti

Prof. Dr. Durdona Lutfullayeva
Ali Şir Nevai adındaki Taşkent devlet
Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi
Doç. Dr. R. Davlatova
Nevai devlet Pedagoji Enstitüsü

Özet. *Makalede yüksek eğitim kurumlarında "Çağdaş Özbek Edebi Dili" uygulamalı derslerini nasıl düzenlemek gerektiği hakkındaki fikirler ileri sürülmüştür.*

Anahtar kelimeler: *uygulamalı ders, ekip olarak çalışmak, lengüsitik analiz, karşılaştırma metodu, yetenek, alıştırma.*

Annotation. *This article discusses the importance of organising practical classes in "Modern Uzbek literary language" at universities. Practical training guidelines are outlined and discussed about the expected results of such exercises.*

Key words: *practical exercises, working as a team, working individually, linguistic analysis, method of compare, ability, experience, independent thinking.*

Аннотация. *В данной статье описывается значение организаций практических занятий по предмету "Современный узбекский язык" в высших учебных заведениях. В статье излагается рекомендация по организации практических занятий и ведётся дискуссия об ожидаемых результатах этих занятий.*

Опорные слова: *практические занятия, работа в группе, индивидуальная работа, лингвистический анализ, сравнительный метод, способность, навык, самостоятельное мышление.*

Bugungi kunda milliy tilimizni har jihatdan chuqur va ilmiy, yangicha yondashuvlar asosida o‘rganish, uning qo‘llanish imkoniyatlarini yanada kengaytirish davr talabiga aylandi. Bu jarayonda respublikamiz birinchi Prezidenti aytganlaridek, “Hozirgi tez o‘zgarayotgan globallashuv davrida o‘zbek tili va adabiyotining o‘ziga xos xususiyatlari, tarixiy taraqqiyoti, uning bugungi holati va istiqboli bilan bog‘liq masalalarni chuqur o‘rganish, bu borada olib borilayotgan ilmiy tadqiqot ishlari samaradorligini kuchaytirish, ta‘lim-tarbiya tizimining barcha bo‘g‘inlarida o‘zbek tili va adabiyoti fanini o‘qitishning hamda ushbu soha bo‘yicha yuqori malakali kadrlar tayyorlashning sifatini tubdan oshirish” dolzarb vazifalar hisoblanadi [1].

Ma’lumki, til serqirra va murakkab lisoniy tuzilmadir. Tilshunoslik mana shu serqirra va murakkkab tuzilmaning lingvistik xususiyatlarini o‘rganish qatorida uning inson nutqiy faoliyatida amaliy qo‘llanishi bilan bog‘liq funksional imkoniyatlarini ham yanada chuqur o‘rganishga e’tibor qaratmoqda. Xususan, tilning bevosita kuzatishda berilmagan xususiyatlarini idrokiy usulda o‘rganishga harakat uning tadqiq obyektining tizimli lisoniy struktura doirasidan tashqariga olib chiqmoqda.

Til − insonga berilgan oliy ne’mat. Inson tildan foydalanishda unga o‘z ta’sirini o‘tkazishi, uni “o‘z izmiga solishga” urinishi tabiiy. O‘z o‘rnida til ham inson ijtimoiy hayotini izga solishga yordam beruvchi qudratli kuchdir. Til va undan foydalanuvchi shaxs o‘rtasidagi bunday munosabatlar tilda o‘z ifodasini topmay qolmaydi, albatta. Tilshunoslik til va undan foydalanuvchi shaxs o‘rtasidagi mana shu muammolar tadqiqi bilan ham shug‘ullanishi lozim.

Tilning inson nutqiy faoliyatida amaliy qo‘llanishi bilan bog‘liq funksional imkoniyatlarini chuqur o‘rganishga oliy o‘quv yurtlarida o‘qitilayotgan “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” fanida ham jiddiy e’tibor qaratilishi lozim.

Sir emaski, har qanday nazariy xulosa amaliy tahlillar asosida yuzaga keladi. Shu nuqtayi nazardan til ta’limida nazariy bilimlarni amaliyotda qo‘llashga qaratilgan mashg‘ulotlarni to‘g‘ri tashkil etish maqsadga muvofiq.

Til ta’limida tilshunoslikda shu kunga qadar erishilgan ilmiy natijalar hamda eng so‘nggi nazariy xulosalar, ilmiy yangiliklarni bir vaqtning o‘zida amaliyotda qo‘llash, ularni o‘quvchilarga tanishtirib borish muhim ahamiyat ega. Mana shu maqsadda oliy o‘quv yurtlari *o‘zbek tili va adabiyoti* ta’lim yo‘nalishida o‘quv reja asosida “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” fanidan ma’ruza va amaliy mashg‘ulotlarni o‘tish rejalashtiriladi. “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” fanidan tashkil etiladigan ma’ruza mashg‘ulotlarida fanning nazariy asoslari o‘rganiladi. Talabalarning mustaqil ishlashlarini ta’minlash, ularni ijodiy fikrlashga o‘rgatish hamda izlanish olib borish ko‘nikmalarini shakllantirish maqsadida o‘zbek tilini o‘qitishda ta’limning amaliy shakli qo‘llanadi. Amaliy mashg‘ulotlarda talabalarning ma’ruza mashg‘ulotida egallagan nazariy bilimlarini mustahkamlash va yanada chuqurlashtirish maqsadida o‘tilgan mavzular bo‘yicha mustaqil tarzda tahlillar, tajribalar olib borish masalasiga jiddiy e’tibor qaratiladi. Shu maqsadda amaliy mashg‘ulotlarni ilmiy-nazariy tafakkurni shakllantirishga yo‘naltirilgan o‘qitishning eng ilg‘or usullaridan foydalangan holda tashkil etish ko‘zda tutiladi.

“Hozirgi o‘zbek adabiy tili” fanidan tashkil etiladigan amaliy mashg‘ulotlar talabalarning amaliy ishlash qobiliyati va ko‘nikmalarini shakllantirishga qaratilgan o‘qituvchi nazoratida amalga oshiriladigan o‘quv mashg‘uloti turidir. Amaliy mashg‘ulotlarni tashkil etish quyidagi masalalar yechimiga xizmat qilishi maqsadga muvofiq:

− ma’ruza davomida hamda mustaqil ta’lim jarayonida egallangan bilimlarning aniq va chuqur egallanishi, mustahkamlanishi;

− kelgusi kasbiy faoliyatida zarur bo‘lgan amaliy ishlash qobiliyati va ko‘nikmalarini shakllantirish;

− qobiliyatlarni rivojlantirish, tushuntirish va o‘rganilganlarni kuzatish;

− talabalarning mustaqil fikrlashini rivojlantirish.

Amaliy mashg‘ulotlarda bajariladigan ishlarning o‘qituvchi nazoratida amalga oshirilishi mavzuga doir ilmiy xulosalarning talabalar tomonidan to‘g‘ri va chuqur o‘zlashtirilishiga yordam beradi. Amaliy mashg‘ulotda mavzu bo‘yicha bajarilishi ko‘zda tutilgan amaliy ishlar nazariy masalani mustaqil tahlil qilishga qaratiladi. Shu sababli har bir amaliy mashg‘ulotda talaba izlanish olib borishi, misollarni qiyoslashi, tahlil qilishi, til qonuniyatlari yuzasidan umumlashma xulosalar chiqarishi va o‘z fikrini to‘liq bayon eta olishi lozim bo‘ladi.

Amaliy mashg‘ulotlarda unumli qo‘llaniladigan ish turlaridan biri mashqdir. Mashqlar asosini ma’ruzada o‘rgatilgan nazariy ma’lumotlarni muhokama qiluvchi, tahlil etuvchi misollar tashkil etishi lozim. Asosiy e’tibor nazariy bilimlarni amaliyotga tatbiq etishga qaratilgan, talabalarni mantiqiy fikrlashga undaydigan, xulosalarini mustaqil tarzda ifoda eta olishga imkon yaratuvchi amaliy mashqlar ustida ishlashga qaratiladi. Xususan, amaliy mashqlarda masala yechimini topish, jadvallar bilan ishlash, fanga oid tushunchalarning mohiyatini aniqlash kabilardan foydalanish talabalarning til bilimlarini amaliy qo‘llash ko‘nikmasini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Amaliy mashg‘ulotlarda talabalarning mashqlarni bajarishlarida fikrlash va tushunish qobiliyatini shakllantirishga maxsus e’tibor qaratilishi talab etiladi.

Amaliy mashg‘ulotlarda qo‘yilgan maqsad nafaqat o‘qituvchiga, balki talabaga ham oldindan ma’lum bo‘lishi lozim. Amaliy mashg‘ulotlarda mashqlar uzviyligini shunday ta’minlash lozimki, talaba bajarilayotgan topshiriqning murakkablik darajasi oshib borayotganligini hatto sezmay qolishi lozim.

Mashg‘ulot mobaynida talabalar bilim va qobiliyatlarini namoyon etish imkoniyatiga ega bo‘lmog‘i lozim. Shuning uchun topshiriqlarni belgilashda va mashg‘ulot rejasini tuzishda o‘qituvchi har bir talabaning qiziqishi va tayyorgarligini inobatga olishi, ularning bilim

darajasini e’tibordan qochirmasligi lozim. Bu o‘rinda pedagogning mashg‘ulotga o‘ziga xos yondashuvi muhim o‘rin tutadi.

Amaliy mashg‘ulotlarni o‘tkazishda takrorlash mashqining ahamiyatini qayd etish lozim. Ammo takrorlash mashqlari bir xillikka asoslanmasligi, aksincha, nazariy bilimlarni mustahkamlashga qaratilishi, yangicha yondashuvlar asosida tashkil etilishi lozim.

Amaliy mashg‘ulotlarda amaliy ishlar mavzu mohiyatidan kelib chiqqan holda belgilanishi lozim. Bunda amaliy topshiriqlarning quyidagi turlaridan foydalanish mumkin:

1. Jamoa bo‘lib ishlashga qaratilgan amaliy topshiriqlar.
2. Yakka tartibda ishlashga qaratilgan amaliy topshiriqlar [2].

Masalan, “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” fanidan “Gap” mavzusi bo‘yicha tashkil etiladigan amaliy mashg‘ulotda talabalarga quyidagi muammoli vaziyat ustida ishlash topshirig‘ini taqdim etish mumkin: *Bir donishmanddan insonning yaxshi va yomon sifatlari haqidagi fikrini so‘rabdilar. U hech narsa demay, quyidagi uch tasvirni ko‘rsatibdi:*

Muammo yechimi uchun talabalarga quyidagi savollar beriladi:

1. Donishmand nima demoqchi?

2. Sizningcha, qaysi bola yaxshi?

3. Ko‘rsatilgan tasvirdan qanday xulosa qilish mumkin?

Amaliy mashg‘ulotda mazkur muammoni hal etish uchun talabalarga quyidagi topshiriqlar beriladi:

−kichik guruhlarga bo‘lining va muammo uchun qo‘yilgan savollarni muhokama qiling;

− barcha javoblarni umumlashtiring;

− berilgan muammoning mavzuga aloqadorligini aniqlang.

Talabalar muammoni yechishlari uchun quyidagi yo‘naltiruvchi slayd taqdim etiladi.

Muammo yechimi quyidagicha:

Bola qabul qilayotgan axborotga turli nuqtayi nazardan yondashish mumkin: *bilim, maslahat, g‘iybat* va hokazo. Shuning uchun tasvirdagi bolalarga bir tomonlama baho berib bo‘lmaydi. Agar 1-tasvirdagi bola qabul qilayotgan axborot *«bilim»*, *«maslahat»* sifatida talqin etilsa, u holda bu bolaga salbiy; axborot *«g‘iybat»* sifatida talqin etilsa, bolaga ijobiy baho berish mumkin.

2-tasvirdagi bola qabul qilayotgan axborot *«bilim»* tarzida baholansa, u holda bu bolaga ijobiy baho (chunki bilimni o‘rganib, o‘zgalarga ham o‘rgatilsa yoki hayotga tatbiq etilsa, foydalidir), axborot *«g‘iybat»* sifatida talqin etilsa, salbiy baho berish mumkin.

3-tasvirdagi bola qabul qilayotgan axborot *«bilim»* sifatida talqin etilsa, u holda bu bolaga salbiy baho, axborot *«g‘iybat», «maslahat»* tarzida talqin etilsa, ijobiy baho berish mumkin.

Berilgan yechim, albatta, yagona yechim emas. Bu o‘rinda talabalarning mustaqil fikrlari inobatga olinishi maqsadga muvofiq.

Mazkur vaziyatning mavzuga aloqadorligi shundaki, aksariyat axborot tinglovchiga *gap* shaklida yetkaziladi. Shuning uchun ham gap nutqiy muloqotda aloqa vositasi sifatida e’tirof etiladi.

Topshiriqdan kutiladigan natija: talabalar jamoa bo‘lib ishlashga, nazariy bilimlarini amaliy qo‘llashga, tatbiq etishga, muammo tahliliga turlicha yondashuvlarni amalga oshirishga, jamoada bildirilgan fikrlarning eng maqbulini tanlash, umumlashtirish va bu jarayonda qaror qabul qilishga o‘rganadilar.

Yakka tartibda ishlash rejalashtiriladigan amaliy mashg‘ulotlarda ham talabalarni mustaqil izlanish va ijodiy fikrlashga undaydigan amaliy mashqlardan foydalanish maqsadga muvofiq. Masalan:

1-topshiriq: “Ota-onam o‘gitlari” mavzusida ma‘rifiy matn yozing. ***Eslab ko‘ring, ota-onangiz sizga qanday o‘gitlar bergan?*** Matnni yozishda bog‘lovchisiz qo‘shma gaplardan foydalaning.

2-topshiriq. Berilgan matnda tushirib qoldirilgan fe‘l turkumiga oid so‘zlarni tiklang va ma‘no turini belgilang.

Donishmand

Nar lochin yemish _____. Moda lochin o‘ljani polaponlariga _____. Biron falokat bo‘lib, moda lochin _____, nar lochin har qancha yemish topib keltirmasin, baribir, polaponlar ochidan _____. Negaki, nar lochin o‘ljani bolalariga _____ berishni _____...

Tabiat naqadar beshafqat, tabiat naqadar dono! (O‘.Hoshimov)

Amaliy mashg‘ulotlarda mavzu mohiyatidan kelib chiqqan holda til birliklarini lingvistik tahlil qilish, faktik materiallarni qiyoslash asosida umumlashma xulosalar chiqarish, turli jadvallar bilan ishlash, matnni lingvistik tahlil qilish, ilmiy manbalar ustida ishlash va ularga munosabat bildirish, ilmiy sharhlar yozish kabi turli amaliy topshiriqlardan foydalanish ham mumkin. O‘qituvchi ulardan ma’qulini (talabalarning bilim darajasi, belgilangan vaqt kabilar asosida) ixtiyoriy tanlab mashg‘ulotni tashkil etishi mumkin bo‘ladi.

Amaliy mashg‘ulotlar so‘ngida talabalarga, albatta, uyga vazifa berish lozim. Bunday topshiriqlar talabalarni mustaqil izlanishlar olib borishga, mavzuga doir umumlashma xulosalar chiqarishga undaydi. Masalan:

1. Badiiy ijod namunalaridan nutq fe‘llari ishtirok etgan 10 ta gap toping. Nutq fe‘llarining gapdagi sintaktik vazifasini aniqlang.

2. Ilmiy manbalar asosida *sodda gaplarda semantik-sintaktik asimmetriya* terminiga izoh yozing.

3. Kuzatuvlaringiz asosida *«Bolalar nutqida yordamchi so‘zlarning qo‘llanishi»* mavzusida ilmiy xulosa yozing.

Xullas, “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” fanidan amaliy mashg‘ulotlarning maqsadli tashkil etilishi til ta‘limining sifat-samaradorligini oshirish bilan birga, mashg‘ulotlarda quyidagi natijalarga ersihish imkonini yaratadi:

1. Mavzu bo‘yicha nazariy bilimlar mustaqil o‘zlashtiriladi.

2. Mavzuga aloqador ilmiy manbalarni tahlil qilish asosida mavjud nazariy qarashlarga munosabat bildirish ko‘nikmasi shakllantiriladi.

4. Til va nutq birliklarini farqlash ko‘nikmasi shakllantiriladi.

5. Og‘zaki va yozma nutqini izchil, to‘g‘ri, maqsadga muvofiq, mantiqli bayon etish malakasi hosil qilinadi.

6. Nazariy xulosalarni daliliy misollar asosida izohlay olish hamda umumlashtirish ko‘nikmasi rivojlantiriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning 2016-yil 13-maydagi “Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universitetini tashkil etish to‘g‘risida”gi Farmoni.

2. Lutfullayeva D., Davlatova R., Saparniyozova M. «Hozirgi o‘zbek adabiy tili» 2-qism. –Toshkent: “Iqtisod-Moliya”, 2018. -280 b.

3. Lutfullayeva D., Saparniyozova M. «Hozirgi o‘zbek adabiy tili» fanidan laboratoriya mashg‘ulotlari. // Til va adabiyot ta‘limi. –Toshkent, 2015. № 12. –B.19-20.

4. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. – Toshkent: Universitet, 2006.

5. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent, 2009.

ФИЛЬМ ЯРАТИЛИШИ УСЛУБ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

FİLM YAPIMINDA YÖNTEM VE İLKELER

Иқбол Меликўзиев,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Овоз режиссёрлиги ва операторлик
маҳорати кафедраси мудири, в.б.профессор

Prof. İkbal Melikuziyev
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Özet: Makalede film yapımcısının film yapımındaki doğal ve yapay ışıkların görevi ve sanatsal karakterler ortaya çıkarmak için kullandığı yöntemler ele alınmıştır.
Anahtar kelimeler: film operatörü, film yapımcısı, film eleştirmeni, görüntü, ışık, yansıma, duruş, görüntü, plastik, ritim, kompozisyon, montaj, senaryo, stil.

Annotation: This article is about the role of the filmmaker in artificial, natural lights in film making, and the problem of artistic image creation.
Keywords: cinematographer, filmmaker, film critic, image, light, reflection, posture, image, plastic, rhythm, composition, editing, scenario, style.

Кириш. Кино санъати инсонлар қалбига гўзаллик уруғини сепувчи сирли ижод соҳасидир. Қарийб юз йилдирки, бу санъат тури юртимизда ўзининг етук усталарини ва юксак ижодий маҳсулини ярата олди. Санъатнинг барча турларини ўз ичига қамраб олган кино тасвир орқали томошабинга янги дунёни намоён эта бошлади. Кинодраматург, режиссёр билан бир қаторда кинооператор ижодкор сифатида бу санъат турининг тўла қонли яратилишида ижодий майдонга келди.

Кинотасвирнинг ёритилиши: Кинотасвир ёритилиши бу – сунъий ёки табиий харакатдаги турли шаклдаги объектларни ёритишдир. Бу ёруғлик орқали нур сезувчи материалда, тўғри экспонаметрия қилинганлиги натижасида чизиқли вазн ва шаклга эга предметлар, ранг ва жилолар, нихоят уларнинг уст тузилмалари бадиий ва техник вазифани бажаришни таъминлайди.

Ёритиш характери:Кино ёритишнинг вазифаси олинган тасвир характери икки турга бўлинади – **ёруғлик ва қоронғулик** хамда **жилолилик** (светотеневое и тональное).

Ёруғлик ва қоронғулик: Ёруғлик ва қоронғулик ёритилишда тасвир объекти йўналтирилган ёруғлик билан берилиб, унда нурлар объект элементлари (бўлаклари) тенг бурчакларга тушиш характерларига эга. Тасвирдаги шакл ва объект бўлакларининг вазни ва шакли асосан, ўша элементларнинг ёритилиши кўз илғаганлиги учун тасвирга олиниб, ёруғлик нурларининг турли йўналишига мўлжалланган нисбийлик, хамда бўлакларнинг (элемент) ёруғлик коеффитсиенти турлилигидадир. Тасвирга олинадиган объектнинг уст текислиги тасвирга яхши тушишининг оқибатида юз беради. Тасвирга олинадиган баъзи объектларнинг рангларини (жило) зарур холларда воқейликни яхши намоиш этишда кинооператор учун қўшимча имкониятлар ҳам беради.

Асосий йўналтирувчи ёруғлик: Асосий йўналтирувчи ёритиш (тасвирловчи ёритиш, хал этувчи ёритиш) кадрда объектдаги сюжетнинг муҳим нуқталари ва кўпроқ актёрнинг қиёфасига йўналтирилади. Одатда, ёритиш йўналтирилган ёруғлик орқали амалга оширилади, (персонаж) қахрамоннинг барча харакат фазаларини доимо қўллаб туради. Маълум даражада ёруғликнинг самарасига (эффект) эришилса, йўналтирилган ёруғлик тасвирга олинаётган объектнинг кичик қисмига тушиши мумкин. (юзнинг бир қисмига). Ёритиш миқдори бу ҳолда одатда ўзгармайди.



Асосий йўналтирувчи ёруғликнинг турли нуқталардан қўйилганда берадиган ёруғлик самаралари (эффектлари).

Кўпчилик холларда асосий йўналтирилган ёруғлик объектга бир мунча ёнидан ва кинотасвир аппаратурасининг оптик ўқига нисбатан юқоридан 30-60° бурчакдан тушади. Айнан шу бурчаклардан ёруғ-қоронғулик ёритилиши йўналтирилган ёруғлик тасвирга олинаётган объектнинг бўлакларига берилади. Одатда, асосий йўналтирилган ёруғликни таъминлаш мақсадида битта ёритиш чироғи (прибор) ишлатилади, соялар чизиқлари парчаланмаслигини тўлиқ таъминлайди.

Умумий кўриниш (план) ёки актёрларнинг сезиларли жойларида ўзгариш бўлса, тасвирга олинишда бир неча ёритиш чироқлари қўлланилади. Асосан йўналтирилган ёритиш бўлиб, параллел йўналтирилган ёруғлик яқинлиги, ёритиш учун френел линзалар мавжуд кинопрожекторлар (чироқ) ҳамда йўналтирилган сочиқ ёруғлик берувчи ёритиш ускуналаридан фойдаланилади. Ёритиш миқдори асосий йўналтирувчи ёруғликни бўлиб ёритишнинг экспозицион назоратини баҳолаш мезонидир, ёки баъзида уни хал этувчи нуқта калит (ключ) деб юритилади. Ташқарида (натурада) тасвирга олишда йўналтирувчи ёритиш ролини одатда қуёш нуридан фойдаланилади.

***Тўлдирувчи ёруғлик*:** Тўлдирувчи ёруғлик (экспозция ёруғи) тасвирга олинувчи объектни бир мэъёрда ёритади.

Тасвирга олинаётган маконнинг қайсидир даражада ёритилиши, деталларини ишлашда зарурий ва қониқарли натижага эришишда ҳамда рангларнинг кўринишини ва тасвирий объектларнинг деталларини кўриш имконини беради. Ёритиш ускуналари берган нурларнинг асосий йўналиши бу тўлдирувчи ёруғлик бўлиб улар тахминан кинотасвир аппаратининг оптик ўқига паралелл жойлашган бўлади. Шу билан бирга, қайд этилган йўналишдан фарқ этиши мумкин, чунки тўлдирувчи ёруғлик кўринадиган сояни (қора) бермайди. Ёруғлик қоронғи ёритиш ишлаганда тўлдирувчи ёруғлик кўп холда бўлмайди. Тўлдирувчи ёруғликни яратиш учун текисловчи ёруғликка қўлланган чироқ ускуналари ишлатилади.

Тўлдирувчи ёруғликнинг яна бир тури юқориги ёруғлик бўлиб, одатда катта декорацияларга, яъни ташқари (натура) манзараларни тақлид этишда ишлатилади. Унинг вазифаси – ташқи манзарага хос ҳаво бўшлиғининг кенглиги, умумий кўринишдаги (план) жойлашган предметларнинг ёритилишига хизмат қилади. Юқори ёритишни таъминлашда кўп холда ойнаванд чўғланиш лампалари ва йўналтирилган сийрак узун ўлчовли чўғланиш галлоген лампалари ишлатилади.

Моделлаштирувчи ёриткич объектнинг соя тушган томонларини нисбий ёритиб, зарур ранглар ва зичлигини яратишда доғлар ва жилвалар орқали юзага келади. Моделлаштирувчи ёритиш учун асосан Френелнинг линзалик прожектори қўлланади.

Чизиқли ёритиш учун (контровой) тасвирга олинаётган объектни орқа томондан ёритади, одатда юқоридан объектнинг бўлакларини чизги чегараларини пардозлашга хизмат қилиб, улар ўз навбатида асосий рангдан (фон) олд томонда жойлашган бўлиб ранг ва жилолар яқинлигини тўлдиради.

Тасвирга олинаётган объектниннг орқа томонидаги ёруғлик асосий йўналтирувчи ёритишнинг микдоридан икки ёки уч баробар ортиқча бўлиши мумкин. Чизгили ёритиши учун кўпчилик холда Френелнинг линзалик кинопрожектори ишлатилади, узоқ масофаларга махсус «Контрсвет» прожекторлари қўлланади.

Асосий ранг, ёритилган текисликни, сахна орқа пардаларини ва деворларни, бунда ёруғликни тенг тарқатишга хизмат қилади. Асосий ранг ёритишни амалга ошириш учун тарқоқ ёриткич ускуналаридан, узоқ масофаларни ёритишга эса Френелнинг линзалалик кинопрожекторлари ёки ойнаванд лампалик ускуналар ишлатилади. Самара берувчи ёриткич (эффект) декорациялар (ёки безаклар) ва тасвирга олинаётган объектларда керакли равишдаги шакллар ва жилоларни юзага келтиради. Зичлик ва ранг одатда кадрдан ташқаридаги тахминий харакатнинг самарасини ошириш учун ёритиш манбаалари сифатида хизмат қилади.

Самара (эффект) берувчи ёруғликка эришишда Френелнинг линзалик кинопрожектори қўлланади. Тасвирга олинишда қайд этилган ёритиш услубларининг барчалари қўлланиши шарт эмас. Кўп холларда икки ёки уч хили етарлидир. Жилолар ёритишини яратиш учун бита тўлдирувчи ёритиш ускунасининг ўзи кифоя. Баъзида битта ёритиш ускуна ёки бир нечтаси иккита ёритиш самарасини таъминлаш манбааси сифатида хизмат қилиши мисол учун, текисловчи ва тўлдирувчи ҳамда асосий йўналтирган нур ва ниҳоят самарали (эффектли) ёритишлардир.

Ташқарида тасвирга олиш ва табиий интерьерларда одатда сунъий ёритишлар қўлланса, текисловчи ёритиш ролини ўйнайди шу билан бирга объект соялари, ёруғликнинг камлигини кўпайтиради холос.

Кинотасвирга олишнинг экспозицион усули: Яхши чоп этиладиган ва тўғри экспонометрия қилинган кинонегатив дейилиши мумкин, қачонки оптик зичланган участкада тасвирга олинган қахрамонларнинг қиёфалари оқ бўлиши интервали 0,8-1,0 гача бўлиши керак. Сюжети муҳим бўлган соя ва ёруғлик зичлиги негатив тасманинг эгрилик тавсифи (характеристика кривой) шартли равишда тўғри чизиқликка қабул қилинишдан чиқмаслиги керак.

Инсон юзида қайд этилган участкада оптик зичликни олиш учун акс бериш коэффициенти 0,3 бунда ёруғликни сезувчанлиги С бўлган негатив кинотасманинг яхши чиқарилиши ва тасвирга олиниш Ф кадр кинокамера очиқ бурчак обтюратор ва самарали (эффектини) объективда унинг нисбий тешиги юзнинг участкаси берилган ёруғлик қуйдагига баробар:

$$Э_{06} = \frac{95000\ Ф\ н^2\ Э}{а\ С}$$

Тасвирга олиш тезлиги 24-25 кадр/с обтюратор очиқ бурчаги 160-180^0 бўлса қуйидаги формулани беради:

$$Е\ 06 = \frac{13400\ н^2\ Э}{С}$$

Келтирилган бу формула кўпчилик кинооператорларнинг назарий хисоби натижаси бўлиб, уларни текшириш ва тадқиқотларини ўрганишдан келиб чиқилди. Формулада коэффициент захираси 1,5-2 хисобга олинган. Шу формула базасида тузилган қуйидаги жадвал. Бунда, айтайлик горизонтал ётиқ ёки тик тушган йўналиш эмас, балки

перпендикуляр ёруғликнинг ахамияти келтирилиб, ускунада текисликнинг ёруғликни қабул қилиш максимал берилиши у эса ўз навбатида ёритиш ускунасига йўналтирилганлиги натижасида хал этувчи ёруғликка эришилади.

Кинотасвирга олишда ёритишининг экспометрик назорати: Кинотасвирга бўлган асосий талаб шундан иборатки, бутун фильм давомида ҳар бир қатнашаётган қахрамоннинг юз тасвирини беришда доимий зичликни сақлаб боришдир. Бу талаб филмнинг барча сахналарига таълуқли, унинг сюжетни ёритилишидан қатъий назар ўзгариш бўлишида (ёруғлик «кундузми» ёки ёритилиш «кечани» ифода этишидами) фақатгина ёритишнинг умумий фарқланувчи (контраст) томони ўзгаради, шунда ҳам ёруғлик ва участка ҳамда соялар теранлиги ундаги йўналишларнинг тақсимланишини эътироф этиш зарур. Юздаги, ҳаттоки, кичкина участкалар бўлсада, асосий йўналтирилган хал этувчи (ключевой) ёритиш услуби қўлланган тақдирда ҳам ўзгариш юз бермайди.

Албатта, баъзи холларда Махсус самарали (эффект) ёритиш услубини қўлланиши негативда юз тасвирининг зичлиги камайтирилиши, баъзида тасманинг пардаси (вуал) даражасигача зичлигини тушуриш ёки мисол учун тасвирнинг тоза шарпасини олишга эришиш мумкинлигини айтиш керак.

Табиий, инсон юзи қорамтир ёки пардозланган холда негативда зичлик камайганлигини ифода этиши, оқ рангли юзини, бир пайтнинг ўзида кинотасвирга олинишда ёруғликни экспонометрик назорати асосида сунъий ёритиш қўллансада, операторнинг юзга танлаган ёритиш микдорини доимо сақлаб боришга қаратилган тадбир.

Тасвирга олинаётган саҳнанинг ёки бўлакларнинг ёритилиши ва ёруғлиги, оператор томонидан ўз фикри ҳамда талабга таяниб, тасвирга олинган материални келажакда фойдаланиш эҳтимоли ҳам назарга олиниб унинг ёритилиши ва ёруғлигининг мувозанатини (баланс) сақлаб бориш унинг зиммасига юкланади.

Табиий ёритишда кинотасвирга олинаётган жараёнда баъзида объектнинг ёритилиши ёки ёруғликни назорати сезиларли ўзгаришларни беради. Назорат натижалари асос бўлиб энди объективнинг тешигига нисбатан ўзгартирилади.

Табиий шароитларда тасвирга олиш: Табиатда тасвирга олишда киноплёнка ҳоҳ рангли ҳоҳ оқ-қора бўлсин, композицияни тасвирий ифодасини очишда ёруғликнинг роли жуда катта. Рангли киноплёнкага тасвирга олиш пайтида тушаётган ёруғликнинг ранги, соя ва ранг ўртасидаги ўзгариш, тасвирнинг колористик ҳал килинишида асосий вазифани бажаради. Табиатда тасвирга олишдан олдин, кинооператор табиий ёруғлик рангининг ўзгариб туришини инобатга олиши ва технологик томонлама бунинг ечимини топиши зарур.

Тасвирга олиш технологиясини кўриб чиқишда оператор фотографияда ишлатилган ва ишлатилиб келинаётган ёритиш турлари назариясини (рисующий, фоновой, моделирующий, заполняю заполняющий, контровой) яхшилаб билиб олиши зарур.

Табиатда рангли киноплёнкага тасвирга олишда соя ва колористика принциплари тасвирга олиш йўналиши ўзгаришидан қатъий назар, сақланиб қолиши зарур. Чунки кинони тасвирга олаётган пайтимизда колористик кетма-кетлик планларга мос келмаса хатто чиройли манзарадан ҳам воз кечишимизга тўғри келади.

Табиий ёруғликнинг характери нафақат унинг рангида, унинг тўғрилигида ёки унинг юмшоқлигида, балки, у бошқа характерга ҳам эгадир. Масалан:

1) қуёшнинг юқори ҳолати бир объектда олинаётган планларнинг турли хил масштаблилигини оширишимизга имконият беради.

2) табиий ёритишда ёруғликнинг рангининг хаққонийлиги ва оддийлиги ўртасидаги муносабатдлар соя ва ёруғлик ўртасидаги ўтишда яққол кўриниб туради.

Бу рангларнинг соя ва ёруғ ўртасидаги хаққонийлиги тасвирнинг табиийлигини оширади. Тасвирий аксент беришимизга эса мана шу манат-у рангларнинг муносабатларини оз-моз ўзгартириш билан эришсак бўлади.

3) ёруғлик ва колористик ҳал килинишларни ўзгартириш куйидагича, бунда алохида кадрларнинг тасвирга олиш йўналишини ўзгартириш билан амалга оширилади.

4) ҳаводаги тутун ва хавонинг енгил булутлар билан қопланганлиги ёруғликнинг сочилишига сабаб бўлади ва шу туфайли тасвирга олиш йўналишини ўзгартиришимизга имконият беради.

5) осмондаги булутлар нафақат ёруғлик рангини ўзгартиради балки фоннинг ифодасини олдинги пландаги объектга мослаштириб беради.

Ёритгичларни белгилашда ҳоҳ у сунъий бўлсин ҳоҳ табиий, уларни рисующий, заполняющий, фоновой, моделирующий ва контровой турларга ажратамиз.

Рисующий (асосий) ёруғлик бу тасвирга олинаётган объектга асосий ёруғлик сифатида ёритилади. Бу ёруғлик билан объектнинг формаси кўрсатилади ва рангли аксент ҳосил килинади. Тасвирга олиш линиясига муносиб холда рисующий ёруғлик бир неча йўналишга жойлашади, яъни, олд ёруғлик (фронтал ёруғлик), ён, олд-ён, орқа-ён, ва контравой. Ёруғлик жойлашишининг баланд-пастлигига қараб юқори рисующий ва пастги рисующий ҳам дейилади.

Табиий шароитда рисуюший ёруғлик билан тасвирга олишда қуёш нури тўғри йўналтирилган холда ёки булутлар орқали сочиқ холда объектга тушади. Рисующий ёруғлик табиатда ўзгариш ҳусусиятига эга. Масалан: атмосферанинг ҳолатига, қуёшнинг горизонт устидаги жойлашишига қараб ва куёш атрофидаги нур сочиш майдонига қараб унинг ранги ўзгаради.

Ҳаводаги тутун микдори ва унинг зичлиги ортиши билан мана шу нур сочиш майдони кенгаяди яъни бизга шу ҳолатда кўринади ва соя контури шу тушаётган ёруғлик ранги, тўғрилигига қараб унинг кескинлиги ортади ёки камаяди.

Заполняющий (тўлдирувчи) ёруғлик бу объектнинг ёруғлик кам бўлган жойини ёритувчи ёруғлик тури хисобланади ва у кескин булмаган соя қолдириши зарур. Табиатда тасвирга олиш жараёнида тўлдирувчи ёруғлик, асосан мовий осмон ёрдамида, ва қуёш нурини қайтарувчи булутлар ёрдамида ва шу билан бирга тўлдирувчи ёруғлик ерга тушаётган ёруғликнинг қайтариши ва ер устидаги барча объектлардан қайтаётган ёруғлик туфайли хам хосил бўлади.



Шунинг учун хам баъзи пайтларда тасвирга олаётганимизда ердан ва осмондан моз қайтаётган ёруғликларнинг ранглари ўртасида оз-ўзгаришлар содир бўлиб туради.

Моделирующий ёруғлик: Бу ёруғлик ёрдамида объектнинг формаси ва объектнинг ранги ва тон перспективасининг ўзгариши ҳам тўлиқ кўрсатиб берилади. Табиий шароитда тасвирга олинаётган пайтда моделируюший ёруғлик қўшимча ёритгичлар ва ёруғлик қайтарувчи мосламалар билан чиқариб берилади.

Моделирующий ёруғлик сунъий ёритгичлар ёрдамида узатилса, у холда, ёруғликнинг рангини қўшимча светофилтрлар ёрдамида хосил килинади агар моделирующий ёруғликни табиий ёруғликдан фойдаланиб ёруғлик қайтаргичлар билан хосил килинса, у холда рангли қайтаргичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Контровой ёруғликдан фойдаланишдан мақсад бунда биринчи пландаги объектни фондан ажратиб беришдир хамда тасвирга олинаётган сахнада тутун мавжуд бўлса ёки табиатнинг ўзи хосил килган туман

бўлса у ҳолда контровой ёруғлик маълум бир характер бериш учун ва фон перспективасини очиб беришда ишлатилади. Табиий шароитда тасирга олаётган пайтда контровой ёруғлик махсус сунъий ёритгичлар ёрдамида камдан кам хосил килинади асосан контровой ёруғлик қуёш нурларидан фойдаланилган холда хосил килинади.

Фон ёруғлигидан кинооператорларимиз олдинги объект ёруғлигининг ранги ва фон ёруғлигининг ранги билан мослаштирган холда фойдаланишади. Табиий шароитда фонта осмондан тушаётган ёруғлик ёрдамида ва қуёшнинг тўгридан-тўғри соя хосил қилган нуридан фойдаланишади. Табиий шароитда тасвирга олаётганда булутли осмон баъзи тасвирларда биринчи планга қараганда фоннинг ёруғлиги рангли бўлиб қолади.

Табиий ёруғлик характеристикаси: Табиий ёруғлик уч хил турли рангдаги ёруғлик нури туфайли хосил бўлади яъни 1) қуёшдан тушаётган тўғри нур, 2) булутлар ва ҳаво тутунлари орқали ўтаётган тарқоқ нур, 3) қуёшнинг, мовий осмон орқали қайтаётган тарқоқ нурлари. Шундай турдаги ёруғлик нурларининг йиғиндиси бизга турли характерисикадаги табиий ёруғликни беради. Юқорида айтиб ўтганимиздек табиий ёруғлик икки рангдан ташкил топади; тўғри қуёшнинг оқ нури ва қуёш нурининг мовий осмондан қайтаётган хаворанг сифат ёруғлигидир.

Эрталабки ҳавода тасвирга олиш. Рангли тасвирга олишнинг энг яхши вақти бу эрталабки ҳаводир. Эрталабки вақтда соялар жуда тиниқ бўлади ва ердан унча балан бўлмаган ҳаводаги тугун перспектива хосил қилади. Горизонтал тўғри бўлган рисующий ёруғликнинг ортиши туфайли ернинг устки қисмида рангли нурларнинг ортиши қутилади. Эрталабки ҳаво тутунлари рангларни уйғунлаштириб ҳаворангсифат ёки қизғишроқ ҳаворанг колорит хосил қилади. Горизонтдан 25-30 градус бурчак остида тасвирга олинган киноепизотларга эътибор берсак, улар янада илиқроқ тасвирга ва тилларанг-сарғиш колоритга эга бўлади. Қуёш горизонтан қанчалик кўтарилса тасвир шунча ёрқинлашиб боради.

Куннинг ярмида тасвирга олиш. Қуёш горизонтниг энг юқори нуқтасига етганда ернинг ҳарорати ошиб ердаги хаво тутунлари аста секинлик билан йўқолиб боради. Бундай пайтда юмшоқ бўлган ёруғлик ўрнига кундузги контрастли ёруғлик келади. Бунда соя ва ёруғлик ўртасидаги интервал ортиб объектнинг юқори қисми ёритилиб пастки қисмлари сояда қолиб кўринмай кетади. Шу билан бирга ёруғлик ранги хам кескин ўзгаради.

Кундузги тасвирга олиш ишларида кинооператор кўпинча қуёшни контровой ёруғлик сифатида фойдаланади. Сабаби, актёрнинг кўзларига халақит қилмаслик учун. Унинг формаси эса қайтарилган ёруғликлар ёрдамида ёритилади.Қуёшни олд томондан ёки ёндан фойдаланилганда кинооператор сояни сусайтириш учун у керакли бўлган матолардан фойдаланади. Натижа жуда қониқарли чиқади.

Ўрмонзорда тасвирга олиш. Ўрмонда тасвирга олишда энг қулай пайт бу куннинг ярмидир. Чунки куннинг бошида ва кунниг охирида ўрмонда ёруғлик жуда кам бўлади. Рангли тасвирга олишда баъзи пайтларда ёзнинг очиқ ҳавосида ўрмонда ёруғлик камлиги яхшигина сезилиб туради. Шундай пайтда кинооператор экспозитсияни кучайтиришга мажбур бўлади. Ўрмонда рангли тасвирга олишда ўрмоннинг сўқмоқларида ва осмон кўриниб турадиган жойлари кинооператорга анча ёрдам беради. Янада яхши натижаларга эришиш учун ўрмон четларини танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки у ерда бемалол ёруғлик қайтаргичларидан фойдаланиш мумкин.

Булутли ҳавода тасвирга олиш. Булутли ҳавода ёруғликнинг кескинлиги камайиб майинлиги ортади. Булутнинг зичлиги ошиши билан ёруғлик турларининг ранглари бир хиллашиб боради (рисующий, заполняющий ва х.к.). Ёруғлик интервали камайиб хамма ёққа бир хил рангдаги ёруғлик тарқалади.

Булутли ҳавода нурнинг сочилиши ва ранги ортади. Масалан; сариқ нур, тўқсариқ ва ҳатто қизил рангларга бўлинади. Шунинг учун осмонни қуюқ булут қоплаганда нурнинг ранги кўкимтирдан кулранггача ёки кулрангсифат қизил рангларга ўзгаради.

Хулоса: Кинооператор санъати бадиий ижод қилишда турли ва мураккаб техникани фильм олиш жараёнида мохирона қўлланишидир. Замонавий техник воситалар оператор учун амалда саҳналаштиришга ёзилган сценарийдаги тафаккур ва тасаввурларни тасвирга туширишдир. Шу билан бирга тасвирга олишдаги техникани чуқур билганлиги драматургик ва тасвирий масалаларнинг ечимини топишдаги, унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга қаратилгандир.

Операторнинг тасвирга олиш нуқталари, объективларнинг фокус масофаларини танлаш ва аниқлашга катта эътибор қаратилган. Кино тасвирга олиш жараёнида, олинажак объектнинг ёритилиши натижада нурлар тарқалиши контрастнинг ўзгариш қонуниятлари хам кўриб чиқилган. Бу масала юзасидан шуни хам айтиш керакки, умумий контраст тушиши билан қиёфаланмай балки деталлар ёритишидан хосил бўлган ёруғлик ва сояларнинг мувозанати ёки пропорцияси бузилишига ҳам эътибор бериш лозим.

Фойдананилган адабиётлар:

1. Исмаилов А.И. Кинотелеоператорское мастерство. Учебник. –Ташкент, 2004.
2. Меликўзиев И.М. Кино-телеоператорлик маҳорати (бадиий фотография шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари). Дарслик. –Тошкент, 2018.
3. Исмаилов М.Н., Меликўзиев И.М. Методика определение времени и условие экспонирования с помощю фотоекспонометра. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2007.
4. Меликўзиев И.М. Кўп камераларда тасвирга олиш услуби. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2009.
5. Исмаилов А.И. Меликўзиев И.М. Технические и творческие возможности видеокамеры. Дарслик. –Тошкент, 2009.

XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАОРИФ ВА ХАЙРИЯ ЖАМИЯТЛАРИ

XX. YÜZYIL BAŞLARINDA TÜRKİSTAN'DA KURULAN EĞİTİM VE HAYIR VAKIFLARI

Маъруфжон Юлдашев
ЎзДСМИ "Тиллар ва адабиёт"
кафедраси профессори в.б.,
филология фанлари доктори

Prof. Dr. Marufjon Yuldashev
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Özet. 20. yüzyılın başında Türkistan'da ortaya çıkan Ceditçilik - yenilenme hareketi, ülkenin sosyal, politik ve ekonomik açıdan bağımsız olmasını amaç edinen ve kısa bir süre içinde ulusal devletçiliğin temellerini oluşturan büyük bir hareketti. Mahmud Hoca Behbudi, Munavvarkari Abdurashidhanov, Ubaydulla Hocayev, Abidcan Mahmudov, Fitrat, Çolpan, Saidnasir Mircalilov gibi aydınlar, halkı ulusal bağımsızlık bayrağı altında birleştirerek milli devlet kurma yolunda ilk adımı attılar. Yurtiçinde ve yurtdışındaki eğitim kurumlarında okuyan gençleri desteklemek için "Turon", "Kömek", "Imdodiya", "Şura-i İslam", "Türk adam merkeziyet" gibi eğitim-öğretim vakıflarını oluşturdular. Bu vakıflar arasında, yurtdışında okuyan gençlere finansal destek sağlamayı amaçlayan "Kömek" (Yardım) Vakfı fevkalade önemli bir yardımlaşma kurumuydu. Bildiride, 20. yüzyılın başlarında ilerici aydınların oluşturduğu vakıflar ve onların faaliyetleri, özellikle de "Kömek" vakfının kuruluşu, topluluk üyeleri, ekonomik imkanları, faaliyetleri, vakfa toplumun bakışı ve vakfın kapatılması konuları ele alınmıştır.

Anahtar kelimeler. Türkistan, Cedit hareketi, Vakıflar, "Kömek" Vakfı.

Аннотация. XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати ўз олдига ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий мақсадларни қўйган, миллий давлатчилик асосларини қисқа фурсат ичида шакллантиришни уддалаган буюк бир ҳаракат эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Обиджон Маҳмудов, Фитрат, Чўлпон, Саидносир Миржалилов каби зиёлилар маҳаллий халқни миллий истиқлол байроғи остида бирлаштириш орқали миллий давлатни барпо этиш йўлидаги илк қадамни амалга оширганлар. Улар мамлакат ичида ва хорижий давлатларда замонавий билим юртларида таҳсил олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Турон", "Кўмак", "Имдодия" "Шўрои ислом", "Турк адам марказият" сингари маърифий-таълимий вақфларни туздилар. Бу вақфлар ичида хорижий мамлакатларда ўқиётган ёшларга моддий ёрдам кўрсатишни мақсад қилган "Кўмак" хайрия жамиятининг ўрни беқиёс. Маърузада XX аср бошларида тараққийпарвар жадидчи зиёлилар ташкил этган жамиятлар ва уларнинг фаолияти, хусусан, "Кўмак" вақфининг ташкил этилиши, жамият аъзолари, иқтисодий имконлари, фаолияти, бу вақфга халқнинг муносабати ва вақфнинг тугатилиши ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Туркистон, жадид ҳаракати, вақфлар, "Кўмак" вақфи.

"Ceditçilik hareketi, 19. yüzyılın sonları ve 20. yüzyılın başlarında Türkistan'da varlığını sürdüren çağın çok gerisinde kalan ekonomik, sosyal ve kültürel şartlarda yaşamaya mecbur bırakılan insanların aydınlanmasına, toplumdaki sosyal ve kültürel reformlara ve nihayetinde ulusal bağımsızlık fikirlerinin gerçekleştirilmesine yönelik bir hareket olarak ortaya çıkmıştır.

Hareket, Şubat 1917 devrimine kadar, ilk aşamalarından itibaren ulusal bir özgürlük faaliyeti olarak öne çıktı. Ceditçiler arasından önde gelen bilim adamları, endüstri ve tarım

alanlarında çağdaş eğitim görmüş uzmanlar, kültür ve sanat kişileri yetişti. Onlar bağımsız ve çağdaş bir ülke kurma hayalıyle fevkalade özveriyle gayret ettiler.

Ceditçiler, Türkistan bağımsızlığı mücadelesinde esas olarak aşağıdaki alanlara odaklandı: yeni yöntem okulları ağını genişletmek; yetenekli gençleri yurtdışında okumak için göndermek; farklı eğitim topluluklarının ve tiyatro gruplarının oluşumu; gazete ve dergi yayınlamak; Türkistan'da ulusal bir demokratik devlet kurmak, halkın sosyal ve politik bilincini artırmak.

Bu ancak aydınlardan oluşan güçlü bir parti kurmakla mümkün olurdu. Ceditçilerin ana fikirleri ve amaçları şuydu: Türkistan'ın ortaçağın geri kalmışlığı ve din cahilliğinden kurtarılması, Şeriat'ın reformu, Türkistan'da özerk bir hükümet kurulması için mücadele, Buhara ve Hiva'da anayasal monarşi ve parlamento ve daha sonra demokratik bir cumhuriyetin kurulması.

Bununla birlikte müreffeh bir toplum oluşturmak, istikrarlı bir ulusal para biriminin oluşturulması ve milli ordunun kurulması. Cedit aydınları gazete ve yeni tip okullar aracılığıyla toplumu bilinçlendirmeye çalıştılar. Bu hareketler sayesinde Taşkent, Fergana, Buhara, Semerkant ve Hiva'da, aydın ve ileri görüşlü zengin insanlar tarafından çeşitli vakıf ve cemiyyetler kuruldu.

Türkistan'da Cedit hareketinin oluşumu ve gelişiminde Mahmudkhoja Behbudi, Abdukadir Shakuri, Saidahmad Siddiqui-Ajziy (Samarkand), Munnavarqori Abdurashidhonov, Abdulla Avloni, Ubaydulla Hoca Asadullahodjaev, Taşpolatbek Narbotabekov (Taşkent), Fıtrat, Fayzulla Hocayev, Usman Hoca (Osman Hoca Polathocayev), Abdulvohid Burhonov, Sadriddin Ayni, Abdulkadir Muhitdinov (Buhara), Obidjon Mahmudov, Hamza, Cholpon, Ishakxon İbrat, Muhammadsharif Sufizoda (Fergana Vadisi), Polvonniyaz Hoci Yusupov, Boboxun Salimov (Harezm) ve benzeri aydınların emeği büyüktür. (4.)

Türk halklarının kaderi için önemli bir görev üstlenen Ceditçiler, Ocak 1906'da St. Petersburg'da gerçekleşen Rusya Müslüman Halklar Kurultayına (temsilcilerini göndererek liderleriyle temasa geçerler. Özellikle, Rusya Devlet Dumasına Türkistan'dan seçilen ilk milletvekili Taşkentli Abduvohidqori Abduraufkariyev, bu alandaki organizasyonel yetenekleri ile tanınır ve daha sonra Munavvarqori Abdurashidhanov ile birlikte "Şura-i İslam" vakfını kurar.

Türkistan'daki Rus gizli polis teşkilatı da, Cedidçileri Özbek ticaretçilerinin ve sanayicilerinin desteklemekte olduğundan tedirgin oluyordu ve yeni nesiller üzerinde zararlı bir etki yapabileceği korkusuyla Ceditçilerle ciddi bir hesap yapmak gerektiği çağrısında bulundu. 1916 yılındaki Ulusal Özgürlük ayaklanması ve 1917 yılında gerçekleşen Rusya Şubat devrimi, ülkedeki Cedit hareketinin yoğunlaşmasında ve Ceditlerin faaliyetlerinde ortaya çıkan keskin değişikliklerde büyük rol oynadı. Ceditçilerin eğitimsel ve ideolojik cephedeki mücadelesi açık bir politik mücadele haline geldi ve hareket olarak yeni bir düzeye geçti. (4.)

Cedit basını, kendi temsilcilerinin görüşlerini ifade ederken, "halkı her zaman uykudan uyandıran" halkın bilincinin anahtarı" olduğunu vurgulamakla birlikte, Türkistan halkını düşünce özgürlüğü ve büyük siyasi mücadele için hazırlıyordu. Bu süre zarfında "Erk", "Turon", "Öğretmenler Cemiyeti" gibi Vakıflar ortaya çıktı. (4.)

"Türkistan'da bugüne kadar üstesinden gelinemeyen alanlardan biri vakıflardır. Devrimden bu yana yüzlerce komisyon kuruldu. Çeşitli projeler yapıldı. Ancak beklenen sonuç elde edilemedi. ... Diğer gelişmiş İslam ülkelerinde yaşayan toplumların bunu fark edeli çok oldu ve bu konudaki gereksiz tartışmaları ortadan kaldırdılar. Vakfın çalışmalarını düzene getirerek, eğitim bütçesinin büyük bir kısmını vakftan elde etmeye başladılar." (3.)

Mahmudhoca Behbudi, Münevverkari Abdureşithanov, Ubaydullah hocayev, Abidcan Mahmudov, Fıtrat, Çolpan, Saidnasır Mircalalov ve benzeri Ceditçiler yerli halkı istiklal bayrağı altına birlştirerek ve yönetimi kendi ellerine alarak milli devlet kurmaya doğru ilk adımlarını atmışlardır. Onlar tarihi şartları doğru değerlendirerek "Turan", "İmdadiye" ve benzeri eğitime öncelik veren vakıflar, "Şura-i İslam", "Türk Adam Merkeziyet" ve buna benzer ulusalcı siyasi hareketleri destekleyen vakıfları kurdular. (1., S.3.)

12 Mayıs 1909 yılında Taşkent'te Türkistanlı Ceditçilerin kurduğu "Cemiyet-i Hayriye" vakfı yerli öğrencileri yurt dışında okutmayı hedefleyen ilk ciddi kuruluş olarak tarihe geçmiştir. Bu vakıf yardımıyla gençler Rusya'nın petersburg, Saratov, Kazan, Ufa, Orenburg şehirlerindeki yüksek okul ve medreselere okumaya gönderilir. Rusya dışında İstanbul ve kahire gibi büyük şehirlerdeki eğitim kurumlarına da öğrenci gönderir.

18 Temmuz 1909 yılında Buhara'da Ceditçilar tarafından kurulan "Terbiye-i Etfal" vakfı aynı yıl içerisinde Fıtrat, Osmanhoca Polathoca oğlu, Ata Hoca, Mazhar Burhanov gibi yetenekli gençleri İstanbul'a göndererek eğitim almasına destek çıkar. Buhara'dan yurt dışına eğitim almaya gönderilen gençler sayısı 1911'de 15 iken, 1912'de 30 kişi olduğu tespit edilmiştir. Bu öğrenciler içinden Fıtrat, gazi Alim Yunusov, Halid Said Hocayev, Esan Efendi Musayev gibi bilim adamları, Mustafa Çokayev, Ubaydullah Hocayev, Narbotabekov gibi siyaset ve hukuk adamları çıkmıştır. (1., S.3.)

"Kömek" Vakfının ortaya çıkışını Selimhan Tillahanov kendi makalesinde şu tarzda betimler: "Kömek" cemiyetinin amacı Türkistanlı öğrencilere yüksek eğitim imkanları sunmak, yurt dışına ve Rusya'ya giderek öğrencilere destek çıkmaktır. Cemiyet ilk önce "Taşkent Darülfünun'u ve diğer okullarda okumakta olan öğrencilerin karşılaştıkları zorlukları gördükten sonra yurt dışındaki öğrencilerin durumunun daha da zor olduğunu göz önünde bulundurarak bu karar alındı" der.

"Rusya'da ve yurt dışındaki öğrencilerin muhtemel karşılacakları zorlukları dikkate alarak, 1. Seyyidhoca. 2. İbrahim Arifhanov. 3. Kemal Dadahoca. 4. Rızki Rahimi. 5. Abduvahid Cehangir. 6. Tölegen Momınoğlu. 7. Açil hoca. 8. Ahmed şakuri. 9. Tahir Şakiri. 10. Selimhan Tillahanovlar bir araya gelerek 2 Mayıs 1922'de "Kömek" adı altında bir cemiyeti hayriye kurumunu açtılar." (2., S.4.)

1922-23 eğitim-öğretim yılında yüzlerce Türkistanlı gençler Almanya'nın Berlin, Rusya'nın Moskova, Petersburg, Azerbaycan'ın Bakü, Gence şehirlerine eğitim almaya giderler. Onlar, esas olarak Fıtrat ve Fayzullah Hocayev'in sağladığı Buhara Halk Cumhuriyeti mali destek, "Kömek" vakfı tarafından toplanan paralar ve bazıları ailelerinin desteği ile okudular.

Gazi Alim Yunusov, 1922-23 yıllarında sadece "Kömek" vakfı tarafından yurt dışına gönderilen öğrenci sayısının 200'ü aştığını yazar.

"Kömek" cemiyetinin liderlerinden Ahmadjon Ibragimov, Almanya'ya geldiği gün Berlin'den Türkistan'a bir mektup gönderdi ve cemiyetin daha da geliştirilmesi için önerilerde bulundu.

Makalede, "Kömek" vakfının kısa sürede Rusya ve Avrupa'ya birkaç öğrenci göndermeyi başardı. Yapılan güzel işlerin sürdürülmesi ve güçlendirilmesi gerek. Bu "Kömek" cemiyetindeki arkadaşların en önemli görevidir.

Türkistan'ın gelecek yıllarda yurt dışına binlerce öğrenci göndereceğine inanıyorum. "Kömek" öğrencileri, gittiği yerde birleşir ve "Kömek"in imajını daha da yükseltir, dendi. (1., S.4.)

Taşkent'teki bir grup genç eğitimcinin girişimi ile, Berlin Yüksek Ziraat Okulunda okuyan bir öğrencimiz Abdulvahhob için aşağıdaki maddi destek sağlandı: Sayyi Nosir Mirjalil 20.000 sum, Talibjon Musaboy 10 sum altın, Abdulhamid Süleyman – 7500, Najmiddin Sherahmedov – 5000, Hamidullo Arifjon ve Holmuhammad Akhundiler 4000'er sum, Muhiddin Usmaniy, Munavvarqori, Zufar Nosiriy'ler 3.500'er sum, Shokirjon Rahim, Abdunabi Hacı 2,500'er sum, Teshabek Otabekov, Muhammadjonqori Rahimi ve Asadulla Hujakhonov 2,500'er sum, Salimhon Tillahan 1200 sum, 6 Aralık edebi gecesinden elde edilen net kar 75.000 sum. Toplam: 139 700 sum. Bu paralar öğrenci Abduvahhob'a gönderildi. M. Usmaniy. Türkistan. 18 Aralık 1922. (1., S.5.)

Sonuç olarak, 20. yüzyılın başında Türkistan'da ortaya çıkan Ceditçilik - yenilenme hareketi, ülkenin sosyal, politik ve ekonomik açıdan bağımsız olmasını amaç edinen ve kısa bir süre içinde ulusal devletçiliğin temellerini oluşturan büyük bir hareketti. Yurtiçinde ve yurtdışındaki eğitim kurumlarında okuyan gençleri desteklemek için "Turon", "Kömek", "Imdodiya", "Şura-i İslam", "Türk adam merkeziyet" gibi eğitim-öğretim vakıflarını

oluşturdular. Bu vakıflar arasında, yurtdışında okuyan gençlere finansal destek sağlamayı amaçlayan “Kömek” (Yardım) Vakfı fevkalade önemli bir yardımlaşma kurumu olarak tarihe geçmiştir. Aydınlar, yazar ve şairler, halkı, özellikle zenginleri bilinçlenmeye, yardımlaşmanın önemine ve “Kömek” hayriye cemiyetinin millet için yaptığı fevkalade hizmetlerini anlatan eserler yazdı. Bu tür kurumlar, XX. Yüzyıl başlarında Türkistan'ın aydınlanması ve kalkınmasında önemli rol oynamışlardır.

Edebiyatlar:

1. Ирзаев Б. Туркистон жадидларининг “Кўмак” ташкилоти. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент, 2016.
2. Салимхон. Кўмакнинг жавоби // Туркистон. 1923 йил 29 июл.
3. Мунаввар Қори. Туркистонда вақф ишлари. «Ҳақиқат» журнали, 1922 йил, 2-сон, 13-15-бетлар. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Бойбўта Дўстқораев
4. Насафий А. XX аср бошида Туркистон... http://e-tarix.uz/vatan-tarixi/735-maqola.html
5. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. А.Навоий номидаги ЎзМК нашриёти, Тошкент, 2007.
6. Фитрат. Шарқ сиёсати. Танланган асарлар. 3-жилд. Тошкент, Маънавият нашриёти.2002.

WINGED WORD AND THEIR SPECIFIC PECULIARITIES

GÜZEL SÖZLER VE ONLARIN ÖZELLİKLERİ

Isakova Guzalkhon Ne'matovna,
Doctor of philosophy, docent
Tashkent State Dental Institute

Doç. Dr. Güzelhan İSAKOVA
Taşkent Devlet Stomotoloji Enstitüsü

Özet. Güzel sözlerin milli ve dünya kültüründe büyük rolü vardır. Onlar büyük filozofların, bilim adamlarının, yazarların ve devlet adamlarının sözleridir. Güzel sözler, aforizmaların içerikleri, kullanım alanları ve kökeni farklıdır. Bu makalede, güzel sözlerin tarihi ve benzer ifadeler arasındaki farklar hakkındaki fikirler öne sürülmüştür.

Anahtar kelimeler. Güzel sözler, aforizmaler, deyimler, alıntılar.

Annotation. Winged words have a great role in the national and the world culture. They are the words of great philosophers, scientists, writers and statesmen. Winged words differ with their aphoristic character, content, wide usage and exact origin. In this article it is spoken about the history and differences between winged words.

Key words. Winged words, trimmed, figurative, general, aphoristic, character, richness of content, vide usage, wide consumption, phraseological units, aphorisms and quotations.

Winged words have a significant place in the world culture. These words are the words used in ornamented forms by famous philosophers, scholars, writers and statesmen. Winged words give image and clearness to the speech. They are widely used in various languages speaking countries. In the language they have peculiar forms. They are often used as characteristics of social, daily and spiritual conditions.

Winged words have peculiarities of being encompassing, richness in content, widely used and having definite sources. These propeties make them differ from other types of speech. They make philosophical thoughts briefer, exact and figurative. Besides, they help to express the content of complicated situations more simply and common.

The origin of winged words goes back as far as the antique period. For the first time they were used in Homer`s "Odyssey" and "Iliad", who lived in IX century BC. In his works the author used winged words as poetic images. According to the sources, winged words were used as special terms in the article by the historian, philosopher and critic T.Korley (1795-1881), later they could be found in the book "Geflugelte Worte" by the famous German scientist G.Buchman (1822-1884). As the given book was published for several times the winged words used in the book became very popular. Buchman considered winged words as the words broadly aggrandizing the motherland and belonging to different languages. In Buchman`s one can meet winged words used by Greek, Latin, German, French, Italian writers and also there are historical words regarding to Bible.

The first investigation of winged words in the Russian language was commenced by S.V.Maksimov. He published his book "Крылатые слова" ("Winged words") in 1891. He had his own approach of interpretation of winged words. At the preface to the book he writes that he had tried to arrange transitory words that lost their primary meanings or became babblers.

In XX century the term attracted most Russian linguists` attention. They carried research on determining the difference from other types of speech and compiling them in a dictionary. In the books "Русская мысль и речь. Свое и чужое. Опыт русской фразеологии" ("Russian thought and speech. Own and others. Experience of Russian phraseology"), he interprets word

expressions belonging to Bible and mythology, great people`s thoughts, proverbs, names of mythological and artistic characters.

In the books “Крылатые слова. Справочник цитаты и афоризма” (“Winged words. Reference book of quotation and aphorisms”) (1970) S.G.Zaymovsky differs winged words from folk proverbs and sayings explaining that they are only parts of definite people`s speech.

In the Russian linguistics questions on winged words find their definition to a certain extent in the book “Литературные цитаты. Образные выражения” (“Literary quotes. Figurative expressions”) by N.S. and M.G.Ashukins. They commented winged words with a lot of examples. V.P.Berkov studied many winged words that hadn`t been investigated in the Russian linguistics before. And also, G.L.Permyakov, V.G.Kostomarov and E.M.Verezhagin considered them as a separative unit of language.

In the recent years S.G.Shulezhkova published a number of books on Russian winged words. She analyses winged words of different spheres considering them as a separate unit of language.

Unfortunately, in Uzbek dictionaries winged words were not depicted as terms. They have never been an object of the research. Taking into consideration all peculiarities of winged words, we decided to call all units in English, French, German and Russian winged words.

Winged words in Latin and French have been studied to a certain extent. For instance, I.N.Timashkova`s book “Les citations françaises” (Leningrad, 1974) is devoted to French winged words. N.O.Ovrutsky`s book “Крылатые латынские изречения в литературе” (“Winged Latin saying in literatures”) (Kiev, 1962) is considered a textbook dedicated to the winged words. But under the term winged words there are phraseological units, aphorisms. In the book “Почему так говорят по-французски” (“Why do they say so in French” (1968) A.G.Nazaryan considers French winged words phraseological units. But we think that it is necessary to distinguish between winged words and phraseological units.

It is known that, a language unit consisting of two or more words and having a single meaning is called a phrase logical unit or phraseologisms. For instance, “*Tomdan tarasha tushganday*” (Uzbek) (word by word meaning is ‘*a stick suddenly fell from the roof*’). It isn`t formed within the process of speech, but it is used as ready-made construction. In all sources dedicated to French lexicology phraselogisms are defined in that way (*prendre part*).

French phraseological phrases with their specific peculiarities have been deeply studied by the Sweden linguist Sh.Bally. According to their combination level he divides them into two groups, that is, free word combination and permanent word combinations. In the Russian linguistics the academic V.V.Vinogradov made a great contribution to the study of phraseological units. He expressed valuable thoughts on the structure and grammar features of phraseological phrases.

In general, scientists` thoughts differ about phraseologisms. Most scientists include steady unites in the composition of phraseologisms; others include permanent units in the composition of phraseologisms. Some other scientists include proverbs, aphorisms and winged words while the others don`t do this. However, in spite the thoughts differ from one another, researchers emphasize that all phraseologisms have steadiness, variance, a single value in content, figurativeness and effectiveness.

We believe that there is a difference between winged words and phraseological units. Firstly, they differ in the structure. It has been already mentioned that phraseologisms cannot consist of only one word. For example, *“Ko`zini shamg`alat qilmok”* (Uzbek) (word by word translation is ‘to do something without being noticed’). But winged words *can* consist of one word. For instance, “*Tartuffe”, “Alfonse”.* Secondly, meaning peculiarities of phrase logical units can find their reflections in winged words as well. But the signs of association to any phenomena are peculiar only to the winged words. Thirdly, the winged words have a certain author or source, and the phraseology does not have situation.

It is clear that aphorisms are wise words. This kind of definition can be found in Uzbek and French dictionaries as well. Aphorism tend to peculiarities of generalization, simplicity,

stained thoughts and artistry. Most of them belong to morals. For example, "*Oz demak hikmatga bois, oz emak sihatga bois*" (Uzbek) (it means 'if you speak not too much- you are clever, and if you eat not too much –you are healthy'); *La colere vient, la raison s`en va (*French*).* Aphorisms are easily understood, as they are always used in their meanings. At the same time this feature is close to proverbs and sayings too.

So, if we compare winged words with aphorisms you can see the followings: aphorisms are used in their own meanings and the winged words have transitive meanings. Aphorisms are clear, and winged words are understood only by the situation they appear, otherwise they are difficult to understand.

It should be noted, that phraselogical units, aphorisms and winged words are united by many properties, and there are categorical properties that distinguish between them. This is evident in that they have a certain source or an author.

Tin French winged words are called the term "citation". In the French encyclopedic dictionary "Le Petit Larousse" it is explained that this term was originated from Latin. There were given three definitions of the term, first of which says that 'it is the extract taken from a definite author (*Mautons de Panurge – a crazy crowd of people. F.Rabolle).* Under the French term "citation" we distinguish both *quote* and *winged words*. Because both of them have a certain author or source. They mostly involve different approaches. And their authors are surely mentioned.

"Citations" as we consider them winged words differ with definite peculiarities. They are the words, word combinations or statements that they describe everyday often encountered events in a figurative way. Such properties help rapid assimilation actively be used in speech.

Above we settled on the origin and their content of the term quote. We tried to reveal that in French both the word quote and a winged word are expressed by the word "citation" and showed their reasons. Shortly to say, their mutual combining property is that they both belong to a certain author, in other words they have their own author. At the same time, they have some features that help to distinguish them from one another. The quote can be used to prove something that is correct or wrong. It is observed that they can have volume as winged words. They are always used in their sense.

References:

1. Dictionary of the Uzbek Language. Volumes 1-5. State Publishing House "Uzbek National Encyclopedia".-Tashkent, 2006-2008.
2. Timeskova I.N. Les citations françaises. -Leningrad, 1974.
3. Nazaryan A.G. Why do they say so in French.- Moscow, 1968
4. La Petite Larousse. Dictionnaire encyclopedique. –Paris, 1993

ДИПЛОМАТИЯ ВА ДИПЛОМАТИК НУТҚ

DİPLOMASİ VE DİPLOMASİ DİLİNİN ÖZELLİKLERİ

Равшанхўжа Расулов,
филология фанлари доктори, профессор
Н.Абдуллаева, ўкитувчи
Чирчиқ давлат педагогика институти (Ўзбекистон)

Prof. Dr. Revşenhoca Rasulov
Okut. N.Abdullayeva
Çırçık Devlet Pedagoji Enstitüsü

Özet. Makalede Özbek diplomasi dilinin özelliklerinden bahsedilmiştir. Diplomasi, diplomasi dili, diplomasi diliyle ilgili çalışmalar hakkında bilgi verilmiştir.
Anahtar kelimeler: Diplomasi dili, elçi, devlet, uluslararası iletişim, bilgi.

Аннотация. Статья посвящена изучению особенностей терминологии узбекской дипломатии. В работе освещаются понятие дипломатия и дипломатическая речь. Выявлены специфические особенности дипломатической речи.
Ключевые слова: Дипломатическая речь, посол, государство, международный, переписка, новость.

Annotation. The article focuses on learning specificity of Uzbek diplomatic speech. The concept of diplomatic speech, its meaning, the role of this speech in the world and national art of speech are widely described. Analyzing not only the searched works about diplomatic speech, here is shown the problematic part also. The peculiarity and specificity of the diplomatic speech have been identified and the theoretical point of view are summarized.
Key words: Diplomatic speech, ambassador, state, international, correspondence, news.

Ўзбек халқи учун дипломатия ва дипломат тушунчалари янгилик эмас (Азамат Зиё, 2000, 366). Ҳозирги замонавий ўзбек дипломатияси 1991 йилда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб ташкил топди (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2012, 38).

“Дипломатия – Давлатнинг ташқи халқаро сиёсатини амалга ошириш, чет мамлакатлар билан алоқа қилиш соҳасидаги фаолияти” дир (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006, 24). Дипломатия ташқи сиёсатга оид бўлиб, мазкур сиёсатнинг фаол қуроли ҳисобланади.

Дипломатия термини дастлаб француз тилида пайдо бўлиб, XVIII асрда (1729-1797 йилларда) Эдмунд Бурк томонидан инглиз тилига киритилган. XX асрнинг иккинчи ярмида эса “дипломатия” термини рус тили орқали ўзбек тилига кириб келган (О.Бўриев, 2011, 109).

Тилнинг намоён бўлиши нутқий жараёнга, нутқ фаолиятига боғлиқ бўлиб, бунда нутқ конкрет нутқий муҳитга асосланади (Неъматов Ҳ. Расулов Р., 1995, 7). Демак, дипломатик нутқнинг намоён бўлиши дипломатик фаолиятли муҳитни талаб этади. Дипломатик фаолиятли муҳит эса фақат ва фақат давлат мустақил бўлгандагина мавжуд бўлади. Дипломатик нутқни ўрганишга бўлган қизиқиш ва ундан фойдаланишга бўлган эҳтиёж барча даврларда ва барча давлатларда доимо муҳим аҳамиятга эга бўлган (Никольсон Г., 1941, 22. Ковалев А.Н., 1984, 24).

Нотиқлик санъатининг антик даврга оид адабиётларида дипломатик нутқ кенгаш нутқи ва кенгашув нутқи (сиёсий нутқ, маслаҳатлашув нутқи) таркибида ўрганилган бўлиб , унинг хусусиятлари ҳақида шундай дейилади: “Юнон давлатларида VI асрдан

бошлаб, бизнинг эрамизгача элчи этиб, жамиятнинг энг яхши нотиқларини, зукко адвокатларини тайинлашган. Улар фақат ва фақат энг жозибадор, сержило сўзлардан фойдаланишлари шарт бўлган” (Никольсон, 1941, 22).

Демосфен ёзганидек: “Элчилар қўл остида на кемалар, на пиёдалар ва на қўрғонлар бор. Уларнинг ягона қуроли бу сўзлар ва қулай имкониятлардир. Муҳим музокаралар кетаётган пайтда бундай имкониятлар жуда кам бўлади. Агар бу имконият қўлдан бой берилса, демак, у бутун умрга йўқотилади. Қулай фурсатдан фойдалана олмай сустлашган элчи нафақат имкониятни қўлдан бой беради, балки уларни бошқариш ҳуқуқини ҳам йўқотади” (Израэльян В.Л.,1990, 13).

Дипломатик нутқ ўзбек тилида азалдан мавжуд бўлиб, бу ҳақда “Ўзбек дипломатияси тарихидан” асарида қимматли маълумотлар келтирилади. Жумладан: Элчининг ишлари мутлоқ сўз(лар)дан иборат, (яъни сўзлар орқали битади). Сўзи яхши бўлса, (у) тилагини топади. “Азизим, – дея ҳукмдорга мурожаат қилади Хожа Самандар, – элчини бирор жойга жўнатишда ниҳоятда катта эътибор ва аҳамият бергин, унга сафар моҳияти ва мазмунини чуқур тушунтир. Чунки элчи подшоҳнинг тилидир. Унинг камолоти, ақли, тажрибаси гуфторида – нутқида ойдинлашади”.

Оқил элчи хуш каломлар дилга пайванд қилгуси,
Икки ёвни бир-бирига дўсту дилбанд қилгуси.

(Хожа Самандар Термизий. “Дастур ул-мулк” асари)

ХХ асрдан бошлаб, ўзбек тилшунослигида – нутқ маданияти фанида дипломатик нутқ ижтимоий-сиёсий нотиқликнинг бир тури сифатида ўрганила бошланди. Дипломатик нутқнинг илк таърифи С.Иномхўжаевнинг “Нотиқлик санъати асослари” китобида келтирилади: “Дипломатик нутқ – давлат аҳамиятидаги расмий нутқ бўлиб, халқаро мавқега эга эканлиги билан характерланади” (Расулов Р., Мўйдинов Қ., 2009, 131; Иномхўжаев С. 1982, 157).

Тадқиқотчи Ж.Ш.Сафаров дипломатик нутқнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида шундай дейди: “Возникновение дипломатической речи уходит своими корнями в глубь веков, в эпоху формирования политических отношений между возникавшими в то время государствами” (Сафаров Ж.Ш. 2000, 45). Тилшунос А.Ҳ.Арипова дипломатик нутққа қуйидагича таъриф беради: “Дипломатик нутқ: Бирор давлат вакили (дипломатик шахснинг) расмий нутқидир” (Арипова А.Ҳ., 2002, 73). Сиёсатшунос Б.А.Омонов эса “Дипломатик нутқ – давлат аҳамиятидаги расмий нутқ бўлиб, у халқаро мавқега эга” (Омонов Б.А., 2004, 56) деб, С.Иномхўжаевнинг таърифига тўлиқ қўшилади. Айни вақтда тадқиқотчи дипломатик нутқни кимлар амалга оширишини ҳам айтиб ўтади. Масалан, *“... шунингдек, ҳозирги давр давлат арбоблари, ташқи ишлар вазирлиги, масъул ходиларнинг расмий сафар чоғидаги нутқлари дипломатик нутққа мисол бўла олади”.* Қайд этилган фикрлардан маълум бўлдики, дипломатик нутқ субъекти: дипломатик шахс, давлат арбоблари, ташқи ишлар вазирлиги ва масъул ходимлардир.

“Дипломатик тил асослари” ўқув қўлланмасида дипломатик тил ҳақида шундай фикр берилади: “Дипломатик тил ... бирор инсоннинг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, руҳий ҳолатини акс эттирмайди, илмий тушунчаларни ифодаламайди, балки бир бутун халқнинг ёки мамлакатнинг манфаатларини ифода этади” (Кўчимов Ш., 2002, 29). Тил ва нутқнинг ўзаро диалектик муносабати нуқтаи назаридан “дипломатик тил”га берилган ушбу таъриф бевосита дипломатик нутққа ҳам тегишлидир.

Дипломатик нутқ:

VI асрларда – энг жозибадор, сержило сўзлардан иборат бўлган.

VIII – X асрларда – Ислом динининг кенг тарқалиш даври бўлиб, дипломатик нутқ Қуръон оятлари ва ҳадислардан тузилган (Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, 1992, 151).

XIV - XIX асрларда – Темурийлар, Бобурийлар ва хонликлар даврида доимий босқинлар ва урушлар таъсирида дипломатик нутқ сулҳ тузиш учун хизмат қилган. Бундай пайтларда дипломатик нутқ вакиллари вазифасини обрўли зодагонлар, маҳалла оқсоқоллари, масжид имомлари ва жасур навкарлар ўтаганлар (Ҳўжаев М., 2008, 303).

XX асрда – Шўро даври, мустамлакачи совет сиёсатининг тарғибот-ташвиқот ишлари дипломатик нутққа жойлаштирилган.

XXI асрда эса дипломатик нутқ – халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш воситаси бўлиб, унда томонлар манфаатининг тенглиги асосий меъёр қилиб олинди (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 38).

XXI асргача бўлган даврларда дипломатик нутқнинг муҳим хусусияти ахборот етказиш бўлса, XXI асрдан бошлаб эса бу вазифа доираси, қамрови кенгайиб, чуқурлашиб, ахборот алмашувига ўтилди. Аниқроғи, дипломатик муносабатлар ва манфаатлар тенглик асосида олиб борилгани учун дипломатик нутқда ҳам тарафларнинг тенг ахборот алмашуви йўлга қўйилди.

Хуллас, ҳозирда дипломатик нутқ ҳақида сўз борганда, давлатлар ўртасидаги нодир ахборотларнинг алмашуви назарда тутилади. Шунга кўра, дипломатик нутқнинг асосини, моҳиятини энг нодир, энг муҳим ахборот, тенги йўқ хабар, маълумот ташкил қилади. Дипломатик нутқнинг яна бир жиҳати, унинг диалог шаклида амалга ошишидир. Бу хусусият дипломатик нутқ тарихидан то ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда.

Ижтимоий-сиёсий нотиқлик таркибидаги сиёсий нутқ, диний нутқ, ҳарбий ватанпарварлик нутқи кабилар оммага қаратилганлиги, унда нотиқнинг бир ўзи ҳаракатланиши, фаоллиги билан аҳамиятли бўлса, дипломатик нутқ эса ҳар икки томоннинг фаол иштироки асосига қурилгани – диалог шаклига эгалиги билан бошқа нутқ турларидан ажралиб туради.

Хулоса шуки:

1. Дипломатик нутқнинг вазифаси ахборот етказиш – ахборот алмашиш.

2. Дипломатик нутқ асосида унинг мезони бўлган энг муҳим, энг нодир ахборот, маълумот ётади.

3. Дипломатик нутқ диалог шаклига эга.

4. Дипломатик нутқ томонларнинг тенглиги – тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга ошади.

5. Дипломатик нутқ моҳиятан-мазмунан халқлар – мамлакатларнинг умумий манфаатларини, қарашларини ифодалайди.

6. Дипломатик нутқ халқларнинг – мамлакатларнинг мустақиллик белгисидир. Уларнинг тенглик асосида ахборот алмашув ҳуқуқига эгалигидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Тошкент, 2000, 366.
2. Ҳайруллаев М.М. Ўзбек дипломатияси тарихидан. – Тошкент, 2003, -376 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2012, -38 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1- том. – Тошкент, 2006, -24 б.
5. Бўриев О. Буюк сиймолар. Соҳибқирон Амир Темур. – Тошкент, 2011, -109 б.
6. Неъматов Ҳ. Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент, 1995, -7 б.
7. Никольсон Г. Дипломатия. –Москва, 1941, с.22.
8. Ковалев АН. Азбука дипломатии, Москва, 1984, с.24.
9. Израэльян В.Л. Дипломаты лицом к лицу. –Москва: 1990, с.13.
10. Расулов Р., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. – Тошкент, 2009, -131 б.
11. Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари. –Тошкент, 1982, -157 б.
12. Омонов Б.А. Сиёсий етакчи нутқ маданиятининг жамиятни демократиялаштириш жараёнларига таъсири. Дис. ...сиё.фан.ном. – Тошкент, 2004, -56 б.
13. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. Ҳадис 4. – Тошкент: Қомус, 1992, -151 б.
14. Сафаров Ж.Ш. Структура дипломатического дискурса и его лексико-фразеологический состав: Дис. ...канд.фил.наук. –Самарқанд, 2000, с.45.
15. Кўчимов Ш. Дипломатик тил асослари. – Тошкент, 2002, -29 б.

16. Арипова А.Ҳ. Нотиқлик нутқининг лисоний-услубий воситалари: Дис. ...фил.фан.ном. – Тошкент, 2002, -73 б.
17. Кўчимов Ш. Дипломатик тил асослари. – Тошкент, 2002, -29 б.
18. Ҳўжаев М. Шермуҳаммадбек қўрбоши. – Тошкент, 2008, -303 б.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ФУНКЦИОНАЛЬНО-СЕМАНТИЧЕСКОГО ПОЛЯ ЛАСКАТЕЛЬНОСТИ В УЗБЕКСКОМ И АЗЕРБАЙДЖАНСКОМ ЯЗЫКАХ

ÖZBEK VE AZERBAYCAN DİLLERİNDEKİ SEVECENLİK BİLDİREN SÖZCÜKLERİN İŞLEVSEL VE SEMANTİK MEYDAN AÇISINDAN KARŞILAŞTIRILMASI

Саодат Мухамедова,
доктор филологических наук, профессор, заведующий кафедрой
Ташкентского государственного университета узбекского языка
и литературы имени Алишера Навои. Ташкент, Узбекистан

Prof. Dr. Saadet Muhamedova
Ali Şir Nevai adındaki Taşkent Devlet
Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi

Özet. Makalede Özbek ve Azerbaycan dillerindeki “sevecenlik” bildiren sözcüklerin işlevsel ve anlamsal özellikleri karşılaştırmalı olarak analiz edilmiştir. Makalede, Özbek ve Azerbaycan dillerindeki sevecenlik bildiren sözcüklerin sosyo-lengüistik özellikleri hakkında fikir yürütülmüştür.

Anahtar kelimeler: “sevecenlik” bildiren kelimelerin işlevsel ve semantik alanı, karşılaştırmalı analiz, sevecenlik bildiren fonetik, morfolojik, leksik, deyimsel, sentaktik dil birimleri.

Резюме. В данной статье приводиться сравнительный анализ функционально-семантического поля ласкательности в узбекском и азербайджанском языках. В функционально-семантическое поле ласкательности входят фонетические, лексические, фразеологические и синтаксические единицы языка и речи, которые имеют значение «ласкать, баловать, нежить». Выявляются именно какие фонетические, лексические, фразеологические и синтаксические единицы языка и речи выражают ласкательность. В статье также определены общие и отличительные признаки единиц речи и языка, которые входят в функционально-семантическое поле ласкательности в узбекском и азербайджанском языках.

Ключевые слова: функционально-семантическое поле ласкательности, сравнительный анализ, фонетические, лексические, фразеологические и синтаксические единицы языка и речи.

Abstract. In the following article, comparative analysis of functional semantic field of petting in Uzbek and Azerbaijan languages is conducted. The functional semantic field of petting includes phonetical, lexical, idiomatic and syntactic burdens of language, which gives the meaning of "petting, pamper, undead". Idintieged what exact phonetic, lexical, phraseological and syntactic lingual and speech units represent petting form. In the article, the common and differential indications of burdens of language which are the parts of functional semantic fields of petting in Uzbek and Azerbaijan languages are also determined.

Key words: of functional semantic field of petting, comparative analysis, phonetic, lexical, phraseological and syntactic lingual and speech.

В настоящей статье нам хотелось бы в примерах показать насколько близкое и различное функционально-семантическое поле ласкательности в узбекском и азербайджанском языках. Сравнение проведено с учетом новых направлений языкознания, т.е. в настоящей статье помимо интралингвистических особенностей анализируются также социолингвистические, гендерные, лингвокультурологические, национально-культурные особенности функционально-семантического поля ласкательности в узбекском и азербайджанском языках.

Какие единицы входят в функционально-семантическое поле (сокр. ФСП) ласкательности? В данное ФСП входят фонетические, лексические, фразеологические и синтаксические единицы языка и речи, которые имеют значение «ласкать, баловать, нежить» (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1981: 420).

Фонетические средства выражения ласкательности: в узбекской речи (особенно в колыбельных песнях) гласные *о, а, ё* произносятся с ласкательным оттенком, некоторые звуки меняются во время произношения, некоторые гласные удлиняются (Жамолхонов, 2013: 36). Например:

Ой қизим онам қизим, аллаё алла
Ақиллигим, доно қизим, аллаё алла
Эсли хушли қиз бўлсанг, аллаё алла
Ёруғ пешонам қизим, аллаё алла (Мардонова, 2012: 109).

В азербайджанском языке также:

Laylay dedim yatasan,
Qızıl gülə batasan,
Qızıl güllər içində
Şirin yuxu tapasan.
Laylay balam, a layla,
Körpə balam, a layla…

В обеих языках огромную роль в выражении ласкательности играют интонация, ударение и созвучие.

Морфологическими средствами выражения ФСП ласкательности узбекского языка являются специальные морфемы (некоторые из них также считаются и уменьшительными аффиксами) (Усманов, 2010 (1964): 39). Они следующие: ***-лоқ*** (*қизалоқ*), ***-жон, -бой, -бек, -той***, ***-мирза, -қул*** (эти суффиксы в основном присоединяются к мужским именам, очень популярно присоеденение аффикса ***–жон:*** *Рустамжон, Азизжон* и т.д., также к словам обозначающим братство и родство *–укажон, акажон, опажон*), ***-хон, -нисо, -биби, -бека, -бекач, -пошша, -гул*** (эти суффиксы в основном присоединяются к женским именам – *Азизахон, Гулнорахон, Мехринисо*), ***-гина*** (*болагинам*), ***-ча (****қизча, болача****), -чоқ*** *(тойчоқ)****, -чак, -кай*** (*болакай)* и т.д.

Морфологическими средствами выражения ФСП ласкательности азербайджанского языка также являются специальные суффиксы: -can (*anacan*), - ciyəz (*bacıciyəzim, anaciyəzim*), -cıq (*atcıq)*, -cik (*evcik*), -cığaz (*qızcığaz*), -ça (*meydança*), -çe (*dilekçe*). Иногда суффиксы -çik, çik-(ev- evcık) (хотя они и уменьшительные суффиксы) могут выражать значение ласкательности (Xelilov, 2007: 88).

Остальные средства выражения ласкательности - *bəy, bala, xan, xanım* и т.д. пишутся отдельно, то есть они не являются аффиксами - *Əli bey, Əli bala, Qulu xan, Sədaqət xanım*.

Значит, данные морфологические средства в двух языках имеют и общие и различительные черты: общие – это специальные аффиксы, которые выражают ласкательность, отличительные - в узбекском языке *-хон, -жон, -биби, -бек* (*Маликахон, Раҳимжон, Мастурабиби*) пишутся слитно, а в азербайджанском языке эти единицы пишутся отдельно, хотя они тоже выполняют ту же функцию.

В узбекском языке притяжательные суффиксы *–м, -им* могут присоединятся к словам, которые обозначают ласкательность *-тойчоғ+им, бўталоғ+им, асал+им.* И в азербайджанском языке притяжательные суффиксы *–м, -им* могут присоединятся к словам, которые обозначают ласкательность -bala+m, can+ım, şəkər+im, maral+ım, ceyran+ım, qaymağ+ım (Xelilov, 2007: 93).

Лексическими средствами выражения ФСП ласкательности узбекского языка являются специальные лексические и фразеологические единицы (*эркатойим, жоним, айланай, ўргилай, асалим, шакарим, новвотим, гиргиттонинг бўлай, қурбонинг бўлай,*

кўзимнинг оқу қораси, жонимни қоқай, лочиним, чирағим, баҳодирим, ботирим, полвоним) (Ўзбек тили лексикологияси, 1981: 58).

Азербайджанский язык тоже очень богат лексическими средствами выражения ФСП ласкательности. Наблюдается многообразие специальных лексических и фразеологических единиц (balam, canım, şəkərim, maralım, ceyranım, qaymağım, canımın canı, ürəyim, balım, ciyərim, ciyərparam, gözümün işığı, gözümün nuru, başımın tacı, həyatım, quzum, quzu balam, məstanım, əzizim, canım-ciyərim, başına döndüyüm, mənim balam, qurban olduğum, ömrüm-günüm, gözümün işığı, mələyim, qizilgülüm, bənövşəm, evimin dirəyi) (Xelilov, 2007: 93).

Синтаксическими средствами выражения ФСП ласкательности азербайджанского языка также являются словосочетания, простые и сложные предложения. К этому можно привести очень много примеров: *Sən mənim günəşim, ulduzumsan. Mənim balaca qızım. Sən çox gözəlsən. Sən çox füsünkarsan. Sən çox şirinsən. Sən çox hissiyatlısan. Sən çox dadlısan. Sənə minlərlə gül vermək istərdim, amma güllər solar, sənə ömrümü vermək istərdim, amma bir gün öləcəyəm, sənə sadəcə sevgimi verirəm ki, o, əbədi yaşayacaq!* **(**Xelilov, 2007: 270).

В социолингвитическом аспекте средства выражения ласкательности в узбекском языке различаются по следующим параметрам: а) **по диалектам** – в Ташкенте - *ойижон*, в Коканде, Маргилане, Самарканде - *аяжон*, в Ташкенте - *айланий, ўргилий, мани асалим*, в Хорезме - *ананайин, ўргилайин, манин асалим*, только в Бухаре употребляются *тиллочам (моя золотка), тилло қизим (золотая девочка*) и т.д.; б) **по возрасту** – некоторые средства выражения ласкательности употребляют только люди старшего поколения (*айланай, ўргилай, илоҳим менга ўхшагин, уйингга буғдой тўлсин, илоҳим бахтингни берсин),* а некоторые только молодежь (*жоним, асалим, дўмбоғим, шоколадим*); в) **по адресату** - некоторые средства выражения ласкательности адресованы только к старшим (*онажон, бувижон, дадажон, суянган тоғим, ишонган боғим*), некоторые адресованы только к молодым и к детям *(фаришстам, нозигим, асалим, шакарим, шириним, новвотим, ҳаётим, қўғирчоғим, оппоғим, тойчоғим, ақллигим, дўмбоғим*).

В социолингвитическом аспекте средства выражения ласкательности в азербайджанском языке различаются такими же параметрами: а) **по диалектам** – (например, *anacan* в разных диалектах употребляется по разному – *anacan (в* Баку, Джебраиле, Шемкире), *ciyican, cijican* (в Кахе, Закатале, Шеки). Здесь большую роль играет местность, а вернее районы, почти у каждого по-своему. Например, на западе республики есть район по имени Газах, где часто употребляют слово "ölöm qabağında" (умру перед тобой). А слово "ölöm" правильно пишется "ölüm") и еще, например, в Шеки, где родился поэт Бахтияр Вахабзаде, часто употребляется ласкательное выражение gözüü yiim (сьем твои глаза). При этом слово gözünü (-ни должно было быть) шекинцы употребляют как gözüü и т.д.; б) **по возрасту** – некоторые средства выражения ласкательности употребляют только люди старшего поколения (Ömrün uzun olsun! Yaman gün görməyəsən! Yorulmayasınız! İşiniz irəli! İşiniz avand olsun. Xeyirli-uğurlu olsun! Gözümün işığı), а некоторые только молодежь (səndən xoşum gəlir, xoşuma gəlirsən, hər şeyim, əvəzolunmazım, qəlbim, ürəyim, canım, can); в) **по адресату** - некоторые средства выражения ласкательности адресованы только к старшим (Balan gözünə çıraq olsun! Göz dolusu görəsən! Bəhərini yeyəsən! Neyləyim, necə eləyim deməyəsən! Nəvə-nəticə toyu görəsən! Nənəni Allah pir eləsin! Nəvə-nəticəndən yarıyasan! Yüz yaşın olsun! Allah ağbirçəklikdən əskik eləməsin! İli Allah ağsaqqallıqdan əskik eləməsin!), некоторые же средства выражения ласкательности адресованы только к молодым и к детям (can, eşqım, sevdiyim, birdənəm, yeganəm, bəbəyim, körpəm, balacam**,** yavrum, şəkərim, balım, aslanım, yaraşıqlım, gözəlim, nəfəsim) (Xelilov, 2007: 270).

В двух языках родители любя, лаская, балуя ребенка могут сказать своему ребенку – «отам», «онам», «atam», «anam». Удивительное сходство!

Отличительная черта двух языков в социолингвистическом плане: в азербайджанском языке молодой человек своей возлюбленной может говорит «bəlam». В узбекском языке это совсем не наблюдается.

В азербайджанском языке слово *xatun* имеет положительную окраску и используются как ласкательное слово. А в узбекском языке наоборот.

Вывод. При сравнении функционально-семантического поля ласкательности в узбекском и азербайджанском языках обнаружены и выявлены и общие особенности, присущие двум языкам (культурам), и дифференции между ними. Анализ интралингвистических, социолингвистических, гендерных, лингвокультуралогических, национально-культурных особенностей функционально-семантического поля ласкательности в узбекском и азербайджанском языках открывает возможность для проведения более широких исследований по сравнительному языкознанию. Очень многие единицы языка и речи узбекского и азербайджанского языков ждут своего анализа. Надеемся, что исследования такого рода будут еще больше укрепить дружеские связи между нашими народами и могут быть полезным при создании нового узбекско-азербайджанского словаря.

Использованная литература:

1. Жамолхонов Ҳ. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. -Тошкент, 2013.

2. Мардонова Г. Онам айтган аллалар. –Тошкент: Тафаккур, 2012.

3. Усмонов С. Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. –Тошкент, 2010 (1964).

4. Buludxan Xelilov. Müasir Azərbaycan dilinin morfologiyası. -Bakı, 2007.

5. Buludxan Xelilov. Müasir Azərbaycan dilinin leksikologiyası: leksikologiya, semasiologiya, etimologiya, onomalogiya, frazeologiya, leksikografiya, söz yaradıcılığı. -Bakı, 2008.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Москва, 1981.

7. Ўзбек тили лексикологияси. -Тошкент, 1981.

ФЕЪЛ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ ТЕМПОРАЛ ВАЛЕНТЛИГИ ҲАҚИДА

FİİLLİ DEYİMLERİN ZAMANSAL EŞİTLİĞİ HAKKINDA

Шодия Ганиева,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
ФарДУ катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)

Dr. Şadiye Ganiyeva
Fergana Devlet Üniversitesi

Özet. Makalede fiilli deyimlerin semantik özellikleri, zamansal eşitliğin ifade araçları ile ilgili fikirler ileri sürülmüştür.

Anahtar kelimeler: eşitlik, obligatör eşitlik, deyim, yüklem, temporal eşitlik, aktan, agens.

Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы глагольных фразем, их семантическая осебенность, валентность, о средствах выражения темпоральности.

Ключевые слова: валентность, облигаторная валентность, фразеологизм, предикат, темпоральная валентность, компонентный анализ, актант, субъектная валентность, объектная валентность, агенс.

Abstract. In this article the issues of verbal phrasemes, their semantic peculiarities, valence, and means of expressing temporality are discussed.

Key words: valence, obligatory valence, phraseologism, predicate, temporal valence, componential analysis, part of sentence, subjective valence, agence.

Маълумки, валентлик назариясига ўтган асрнинг ўрталарида асос солинди. Г.Хельбиг немис тили материалларига таянган ҳолда феъл туркумига мансуб бирликларнинг валентлик моделларини тавсия қилди. Г.Хельбиг лексик валентликни мантиқий-грамматик, семантик ва синтактик валентликларга ажратади [1].

«Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” китобининг нашр этилиши валентлик назариясининг доирасини янада кенгайтирди. Китобда муаллифлар гап предикат валентликларининг кенгайиши натижаси бўлиб, у синтактик алоқанинг негизи эканлигини асослаб бердилар [2, 42-44].

Профессор Р.Расулов «валентлик, бир томондан, жонли нутқни – сўзлар орасидаги синтактик алоқани, сўзларнинг ўзаро бирикувини таъминлайди, иккинчи томондан, сўзлар орасидаги синтактик алоқада, сўзларнинг бирикувида реаллашади, таъсир қилувчи «куч»га айланади. Бинобарин, синтактик алоқадан валентлик келиб чиқмайди, балки валентликдан синтактик алоқа келиб чиқади. Валентлик – ички имконият (потенция) бўлса, синтактик алоқа унинг рўёбга чиқишидир», - деб таъкидлайди [3, 38].

Профессор М.Миртожиев ўзбек тилида феъл валентликлари бўйича ўзининг кузатишларини баён қилиш орқали валентлик назариясини янги материаллар билан тўлдирди. Муаллиф ўзбек тилидаги гап бўлакларининг семантик-синтактик номутаносиблиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди [4].

Ўзбек тилидаги феъл фраземалар предикат бўлганда доимо замон категориясига эга бўлади. Шунинг учун улар темпорал (пайт) валентлигига эга бўлади. Кўп ҳолларда ўзбек тилида бу валентлик лексик воситалар билан тўлдирилмаслиги мумкин, бунинг асосий сабаби кесимнинг замон қўшимчалари билан тусланишидир. Феъл фраземаларнинг пайт валентлиги турли воситалар ёрдамида тўлдирилади, уларни шунга кўра гуруҳлаш мумкин.

Лексик бирликлар ёрдамида:

ФБнинг пайт валентлигини лексик воситалар ёрдамида тўлдирилиши энг кўп тарқалган ҳолатдир. Пайт валентлиги қуйидаги лексик воситалар ёрдамида тўлдирилиши мумкин:

Равишлар ёрдамида:

Масалан, қуйидаги мисолда “ўтган замон” семали равиш ўтган замон шаклидаги ФБнинг темпорал валентлигини тўлдириб келмоқда: *Олдин келгиндилар* ***зўр келди,*** *биз чекиниб юрдик* (П.Қодиров).

Бу парчада *зўр келмоқ* фраземаси иштирок этган бўлиб, унинг маънолари таркибида “ҳаракат”, “кучаймоқ”, айни вақтда, “пайт” семалари мавжуд. Бу гапда *олдин* равиши фразеологизмнинг темпорал валентлигини тўлдириш учун хизмат қилмоқда. Гап предикати позициясидаги ибораниг ўтган замон шаклида қўлланилиши эса унинг актанти, хусусан, темпорал валентлигини тўлдириб келаётган актантнинг ўтган замонга тегишли бўлишини талаб этмоқда.

Шунингдек*: Ҳали сениям* ***кунингни кўрсатаман****, бола*! (Т.Малик)

Ушбу парчада *кунини кўрсатмоқ* фраземаси иштирок этган бўлиб, унинг маънолари доирасида “ҳаракат”, “мақсад”, “жазолаш”, “ўч олиш” ва “пайт” семалари мавжуд. Бу ерда предикат функциясидаги фразеологизмнинг келаси замон кўрсаткичи билан ифодаланиши унга боғланиб келаётган актантларнинг мутаносиб ҳолда келаси замон маъносини талаб қилади. Шунга кўра, бу гапда фразеологизмнинг темпорал валентлигини тўлдиришга хизмат қилган пайт равиши “келаси замон” семасига ҳам эга бўлмоқда: *ҳали кунингни кўрсатаман* тарзида.

Темпорал валентлик айрим ўринларда равишларнинг такрор қўлланилиши орқали ҳам тўлдирилиши мумкин: *У кунни эсласам, ҳали-ҳали* ***жоним ачийди*** (Т.Тўла).

Ушбу гапда *жони ачимоқ* фразеологизмининг темпорал валентлиги *ҳали-ҳали* такрорий равиши ёрдамида тўлдирилмоқда. Равишнинг такрор ишлатилиши натижасида “пайт” семаси билан бирга “давомийлик” семаси ҳам юзага чиқмоқда.

Равиш ўрнида қўлланувчи олмошлар ёрдамида: *Ўтган иш ўтди-ку!... Қачон* ***юзингизга солдик?*** (С.Аҳмад) Бу гапда иштирок этган *юзига солмоқ* фразеологизмининг маънолари таркибида “ҳаракат”, “эслатмоқ”, “пичинг”, “пайт” сингари семалар мавжуд бўлиб, бу ерда равиш ўрнида қўлланилган *қачон* олмоши фразеологизмнинг темпорал валентлигини тўлдиришга хизмат қилмоқда.

Равиш ўрнида қўлланувчи сўроқ олмоши ФБ қайси замон шаклида бўлишидан қатъи назар, унинг пайт валентлигини тўлдира олади.

Фразеологик бирликлар ёрдамида: *Нормурод полвоннинг кўзи очиқ туриб, унинг эли* ***ерга қарайди****ми*? (Т.Мурод) Бу гапда *кўзи очиқ туриб* ва *ерга қарамоқ* фразеологизмлари иштирок этган. Предикат позициясида келган *ерга қарамоқ* фразеологизмининг маънолари таркибида “руҳий ҳолат”, “номус”, “пайт” каби семалар бўлиб, унинг темпорал валентлиги *кўзи очиқ туриб* фразеологик бирлиги орқали тўлдирилмоқда.

Синтактик бирикмалар ёрдамида:

Бунда феъл шаклли ФБнинг темпорал валентлиги бир эмас, бир неча лексик бирликлар орқали тўлдирилади.

Қоронғида ҳеч нарса кўринмайди, фақат яшин чақнаганда Ганганинг қирғоқларига тошиб чиққан оқиш тўлқинлари таҳдидли ярқираб ***кўзга ташланади*** **(**П.Қодиров). Ушбу парчада *кўзга ташланмоқ* фразеологизми иштирок этган бўлиб, унинг маънолари таркибида “ҳолат”, “кўринмоқ” ҳамда “пайт” семалари мавжуд. Гапда *кўзга ташланмоқ* фразеологизми предикат позициясида келмоқда, унинг актантлари бўлиб келаётган *яшин чақнаганда* бирикмаси темпорал валентлигини, *Ганганинг қирғоқларига тошиб чиққан оқиш тўлқинлари* бирикмаси субъект валентлигини, *таҳдидли* сўзи ҳолат валентлигини тўлдирмоқда.

- *Мажлис ўтқазгунимча* ***эна сутим оғзимга келди*** (Т.Малик).

Берилган гапда *она сути оғзига келмоқ* фраземаси иштирок этган, унинг маънолари таркибида “ҳаракат”, “қийналиш”, “натижа”, шунингдек, “пайт” семалари мавжуд. Бу

ўринда фразеологизмнинг пайт валентлиги *мажлис ўтқазгунимча* ифодаси воситасида тўлдирилмоқда.

Мухбир ука, шу топгача менинг ***гапимни биров икки қилмаган****-а!* (Т.Малик). Ушбу гапда *гапини икки қилмоқ* фразеологизми иштирок этмоқда, унинг маънолари таркибида "ҳаракат", "нутқ", "ҳурмат" семалари мавжуд бўлиб, гапда иштирок этаётган ибора таркибидаги *–ган* аффикси пайт ифодаловчи бўлакни талаб қилиши натижасида темпорал валентликка эга бўлмоқда. Унинг темпорал валентлиги пайт ҳоли позициясидаги *шу топгача* бирикмаси орқали тўлдирилмоқда. Гапдаги *гапимни биров икки қилмаган* фразеологизми ўтган замон кўрсаткичида бўлганлиги сабабли унга мос ҳолда *шу топгача* бирикмаси иштирок этмоқда.

Демак, ФБнинг темпорал валентлиги асосан пайт маъносини ифодаловчи лексик бирликлар ёрдамида тўлдирилиши билан бирга, баъзи ҳолларда ФБ билан ифодаланган ҳаракат пайтини билдиришда синтактик бирликларнинг ҳам аҳамияти катта. ФБ кесим вазифасида келганда унинг темпорал валентлиги лексик-синтактик бирликлар ёрдамида тўлдирилмаса, юқорида таъкидланганидек, грамматик воситалар (замон категорияси) ёрдамида ҳамма вақт пайт маъноси англашилади.

Мен шунақа келинчаклигимда ойингиз қувиб юборсалар ҳам ***орага тушмас эдингиз****-ку! (П.*Қодиров*)*

Фразеологик бирликларда темпорал валентлик облигатор (мажбурий) ёки факультатив бўлиши мумкин. Бу фраземаларнинг мазмуний мундарижаси билан узвий боғланади. Жумладан, *кўнглига чироқ ёқмоқ* ФБи "субъект" семали ФБ бўлиб, унда агенс валентлиги облигатор ҳисобланади. Энди қуйидаги гапга эътибор қиламиз: *Уни кўриши ҳамон Собиталининг қоронғи* ***кўнглига чироқ ёқилгандай бўлди*** (Т.Малик).

Бу гапда иштирок этган фраземанинг агенс (облигатор) валентлиги аниқловчи позициясида келган *Собиталининг* сўзи воситасида тўлдирилмоқда. Шунингдек, пайт ҳоли позициясида келган *уни кўриши ҳамон* бирикмаси фразеологик бирликнинг темпорал валентлигини тўлдириш учун қўлланилмоқда. Айтиш мумкинки, *уни кўриши ҳамон* ифодаси пайт мазмуни билан бирга сабаб маъносини ҳам ифодалашга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. -Москва, 1978.

2. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Акбаров А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Тошкент: Фан, 1992.

3. Расулов Р. Сўз валентлиги ва синтактик алоқа // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1992. - № 5-6.

4. Миртожиев М. Гап бўлакларида семантик-синтактик номутаносиблик. -Тошкент: Университет, 2008.

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ПУБЛИЦИСТИКАСИДА ҚЎЛЛАНГАН БАРҚАРОР БИРЛИКЛАР ХУСУСИДА

AZAD ŞEREFİDDİNOV'UN YAZILARINDA KULLANILAN DEYİMLER HAKKINDA

Р.Р.Сайфуллаева, ф.ф.д.,проф.,
Ҳ.Ҳ.Ҳамроева, ф.ф.н.,
Т.Бутунбаева, В.Қаршибоева,
тадқиқотчилар (Ўзбекистон)

Prof. Dr. R.Sayfullayeva;
Dr. H.Hamrayeva; Ar. Gör. T.Butunbayeva;
Ar. Gör. B. Karşıbayeva (Özbekistan)

Özet. Makalede tanınmış Özbek edebiyat bilimcisi, alim ve yazar Azad Şerefiddinov'un yazılarında öne çıkan üslup özellikleri, eserlerinde kullanılan deyim ve atasözleri ele alınmıştır.
Anahtar kelimeler: dil, atasözü, deyim, üslup, yeni sözcükler.

Annotation. The article describes the literary style of the famous literary scientist and writer Ozod Sharafiddinov, their proverbs, expressions and phraseology.
Key words: language, sociology, proverbs, phraseology, national vocabulary, style, neologism.

Резюме. В статье обсуждаются выдающиеся стилевые особенности известного узбекского литературоведа, ученого и писателя Азада Шерефиддинова, идиомы и пословицы, использованные в его произведениях.
Ключевые слова: язык, пословица, идиома, стиль, новые слова.

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли сўз санъаткори Озод Шарафиддинов публицистикасининг таъсирчанлигини таъминловчи воситалардан бири унда юксак маҳорат билан қўлланган барқарор бирлик (мақол ва ибора)лардир.

Иборалар. Тил ва маънавият муштараклиги ибораларда яққол кўзга ташланади. Иборалар халқ турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти, эътиқоди, маиший ҳаёти, дунёқарашини, айрим кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворини бошқа бирликларга нисбатан тўла ва ёрқин, турфа бўёқларда акс эттириши билан характерланади. Шу боисдан уларнинг бошқа тилдаги муқобилини қидириш кўпинча самарасиз кечади.

Фразеологизмларни ўрганиш тарихи қарийб икки асрга яқин вақтни ўз ичига олади. Бу борада Ш.Раҳматуллаев, Я.Д.Пинхасов, А.Шомақсудов, М.Рўзиқулова, А.Рафиев, Б.Йўлдошев, А.Маматов каби тилшуносларимиз ва уларнинг издошлари ҳамда шогирдларининг илмий изланишларида алоҳида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Публицистик услуб лексикасида бўлгани каби унинг иборалари мажмуи ҳам кузатилганда унда сўзлашув, бадиий, илмий услубга хос фразеологизмлар эркин қўлланганини кўриш мумкин. Сўзлашув услубига хос фразеологик бирликлар тил фразеологик бирликлари тизимида кенг қамровли бўлиб, тадқиқотчилар улар барча фразеологик бирликларнинг қарийб ярмидан кўпроғини ташкил этиши ҳақидаги хулосага келишган (Раҳматуллаев, 1978: 380; Бозорбоев, 2001: 3-4). Бу услубга хосланган фразеологизмларнинг шаклланиши ва тараққиёти, уларнинг шаклий ва маъновий муносабатлари таҳлили Б.Ўринбоев (Ўринбоев, 1979: 16-18; Ўринбоев, 1982: 42-45; Ўринбоев, Ўринбоева, 1991: 88-91), услубий хусусиятлари Б.Йўлдошев тадқиқотларида

учрайди (Йўлдошев, 1999: 88-96). Бироқ ўзбек тилида фразеологизмларнинг публицистик услубда қўлланиш хусусиятлари ҳақида махсус монографик тадқиқот яратилмаган.

Озод Шарафиддинов етук сўз санъаткори сифатида сўзлашув, илмий ва бадиий услуб фразеологизмларидан унумли фойдаланиб, воқеликни реал ифодалаш ва ўқувчига эстетик таъсир этиш вазифаларини уйғун тарзда амалга оширишга эришган. Қуйида уларнинг баъзи бирлари ҳақида фикр юритилади.

Ижодкор публицистик нутқида қўлланган иборалар ижобий ёки салбий бўёғи билан яққол ажралиб туради. Адиб бунда ё ўз муносабатини ёхуд тилга олинаётган шахс муносабатини ифодалаш мақсадида иборалардан фойдаланади. Масалан, ўзганинг муносабатини ифодалашда ҳам ўзининг ушбу «ўзга»га муносабати намоён бўлади. Дейлик, халқлар тарихида машъум хизматлари билан ном қолдирган большевикларга салбий муносабатини ифодалашда уларнинг ўз нутқидан фойдаланади: «*1918 йилнинг бошларида кўкракларига пулемёт ленталарини айқаш-уйқаш тақиб олган, тиззаларига осилиб тушган маузер таққан, бошларига матрос шапкаларини қийғоч қўндириб олган, кайфдан зўрга оёқда турган соқчилар Петроград кўчаларидан бирида енгил машинани тўхтатиб, унинг яхши кийинган эгасини тушириб юбориб, машинани тортиб олишади. Машина эгасининг «Мен Фёдор Шаляпинман, хонандаман» деб қилган таваллолари фойда бермади, уни «тезроқ* ***туёғингни шиқиллатиб қол****, буржуй, бекорга отиб ташлаймиз!» деб ҳақорат қилишади*». (Д.ў., 148-б.). Юқоридаги *айқаш-уйқаш тақиб олган, қийғоч қўндириб олган, кайфдан зўрга оёқда турган, тортиб олишади* бирликлари адибнинг большевикларга муносабатини ифодаласа, ажратилган ибора большевикларнинг ўз тили орқали ўзларини фош этиши, шу билан биргаликда, адибнинг салбий муносабати намоён бўлишидир. Қуйидаги жумладаги *донги кетган* ибораси адибнинг рус санъатига юксак ҳурматини ифода этиш учун қўлланган: *Петербург кўчасидаги инқилобчи матрослар омилиги важиданми ёки синфий нафратининг зўрлигиданми, бутун дунёга* ***донги кетган****, рус санъатининг ифтихори бўлган буюк санъаткордан узр сўрашни хаёлларига ҳам келтирган эмас.* (Д.ў., 149-б.). Ёки *Бу ўринда яна бир савол туғилади - хўп, большевикларнинг-ку* ***ниятлари*** *шу қадар қора экан, бироқ улар қандай қилиб бу ниятларини амалга оширишга эришганлар* (Д.ў., 152-б.), ***Кекирдакка зўр бериш****, Жириновскиёна тарзда* ***оғзига келганни қайтармай*** *алаҳлаш ҳам "демократия эмиш"* (Д.ў., 157-б.) ибораларида ҳам бунинг ёрқин намунасини кузатамиз.

Адиб ўз публицистикасида **ачиниш, бефарқлик, ғазаб, нафрат** каби муносабатларини ифодалашда ҳам ибораларнинг нозик маъно оттенкаларидан моҳирона фойдаланади. Масалан, истеъдодли шоира Саида Зуннунованинг шахсиятига муносабатида зиддиятли ҳолатлар кўзга ташланади. Гоҳ ёшгина шоиранинг қатъиятидан ҳайратга тушади. Шунинг баробарида унга ачинади. Ҳамда Саида Зуннунованинг айбсиз эканлигини қалбан ҳис қилади. Бунда сўз ва иборалар тизими муносабатнинг ижобийга ўсишини кўрсатади: *Саидаси* ***тушмагур*** *эса, ўзи* ***жинқарчадай*** *бўла туриб, «чиқадиган эрим йўқ, эрим гуноҳсиз» деб* ***оёқ тираб туриб олди.*** *Саидага ачинамиз — ҳар қалай, нима бўлганда ҳам ўзимизга ўхшаган толиба, турмушга чиқиб, ҳали бирор-бир рўшнолик кўргани йўқ, энди эса «ҳе» йўқ, «бе» йўқ,* ***боши очиқ қолса****, алам қилади-да* (Д.ў., 60-б.) Бу ҳолат *тушмагур*, *жинқарчадай* сўзлари, *оёқ тираб туриб олди*, *боши очиқ қолса* иборалари орқали берилган. Муаллифнинг таажжуби *жинқарча* сўзидаги салбий ифода бўёғи билан тасдиқланган бўлса, ижобий муносабат «эридан ажралмоқ» тушунчасининг ибора (*боши очиқ қолмоқ*) орқали эвфемик маъно сифатида воқеланишидир. Саида Зуннуновага ижобий муносабат ўзига салбий муносабат билан ҳам уйғунлашади. Бу *томоша қилиб*, *бақрайиб туравердик* бирликлари орқали ифодаланган: *Хуллас, Саида эридан ажрамади, уни университетдан ҳайдадилар. Биз эса* ***томоша қилиб, бақрайиб туравердик*** *(Д.ў., 60-б.)*. Бу ўзига салбий муносабатнинг ибора даражасидаги кучли ифодасидир.

Публицист қўллаган умумхалқ лексикасига доир **шойиста, ношойиста** сўзлари изоҳли луғатларимизда акс этмаган. Табиийки, қўлланиши чегараланган лексика бирликларининг адабий тил лексикасида акс этмаганлигини ижтимоий шартланмаганлик

белгиси билан изоҳлаш мумкин. Бироқ уларнинг баъзилари адабий тил лексикаси таркибидаги ўз маънодошларига нисбатан услубий вазифа бажаришда устун эканлигини юқорида кузатдик. *Шойиста* сўзининг ўзига хос маънодош ва зид маънолилари бўлгани каби, *ношойиста* сўзи ҳам шу каби ўзига хос қаторлар ташкил этади.

Умуман олганда, умумхалқ лексикасига хос *шойиста* лексемаси ва бу лексема асос бўлган ҳосилаларни қўллашда Озод Шарафиддинов сўз санъаткори сифатида алоҳида ажралиб туради. Бу сўзлар унинг нутқида анча фаоллашганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.

2. Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фанлари номзоди … дисс. автореф. – Тошкент, 2001.

3. Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқи. – Тошкент: Фан, 1979.

4. Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи. – Тошкент: Фан, 1982.

5. Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. - Тошкент: Фан, 1991.

6. Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд, 1999. – Б. 88-96.

7. Шарафиддинов О. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2019.

ХОРЕОГРАФИЯ ВА БАДИИЙ АДАБИЁТ

KOREOGRAFİ VE BEDİİ EDEBİYAT

Ўғилой Мухамедова Низамовна,
Ташкент давлат миллий рақс ва хореография
олий мактаби профессори (Ўзбекистон)

Prof. Oğilay Muhamedova
Taşkent Devlet Milli Raks ve Koreografi
Yüksek mektebi (Özbekistan)

Özet. makalede edebiyatın bale sanatını ne şekilde etkilediği, edebiyat ve bale sanatının ortak yanları hakkında fikir ileri sürülmüştür. Bale sahnesinde destan ve masalların icrası ile ilgili görüşler sunulmuştur.
Anahtar kelimeler: Koreografi, müzik, tiyatro, dans.

Аннотация. Кульминацией этого исследования является литература балетов и ее содержание. Тогда в сегодняшнем репертуаре много классических балетов. И есть много интересных тем. Нашей главной открыть эту проблему и решить ее. Я поддерживаю много книг и статей в этом исследовании.
Ключевые слова: Хореография, синтетика, музыка, театр, танцы.

Annotation. Culimination of this researches is literature of the ballets and its content. Then todays repertoire have a lot of classic ballets. And there are many interesting themes. Our main open this problems and resolve its. I support a lot of books and articles in this research.
Key words: Choreography, synthetic, music, theater, dance.

Авваламбор санъатнинг янги ижод жараёнида энг биринчи бўлиб адабиёт ўзига йўл очади. Ўз даврининг ўзгаришларини энг аниқ, қудратли ҳалқнинг фикр ва уйларини талқин этишда адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Шеър ва оҳанг биргаликда уйғунлашиб рақс дунёга келган. Шунинг учун ҳам рақс томошабинларнинг айнан юрагига кириб боради. Унинг мўъжизавий кучи ҳам айнан шунда. Ҳар бир давр хореография санъатининг ривожланиши давомида адабиётда тил устида шахсий кашфиётлар ва рақснинг янги ифодали воситалари шаклланган. Ўз вақтида бадиий фикрлар билан бойиб борган рақс санъати жуда юқори поғоналарга кўтарилди. Кўп бастакорлар биргина бадиий лавҳага ўзларининг кўплаб мусиқаларини яратдилар. Шу бир хил мавзуда яратилган ёзувчиларнинг асарларидан, шоирларнинг шеъри ва бастакорларнинг мусиқаларидан балетмейстер ўзининг дунёқарашига, руҳиятига, фикрларига мос асарни танлайди. Адабиёт “инсон руҳиятини” тушунишда балетга жуда катта ёрдами теккан, бадиий образ яратишда унга кўмаклашган. Жуда кўп бадиий асарлар балетмейстерларни илҳомлантирган, янги хореографик асарлар яратилишига туртки бўлган.

Хореография асосий теран фикрни, бадиий асардаги драматик тўқнашувларни ва образлар дунёсини очиб беришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам балет санъати ноёб санъат ҳисобланади.

Хореография ва бадиий адабиёт масаласида тадқиқот олиб бориш жараёнида кўплаб илмий адабиётларни тафтиш қилишга тўғри келди. Хусусан, Л.Авдеевaнинг хореография санъатига бағишланган қатор монография, ўқув қўлланма ва тадқиқотларидан фойдаланилди. Давр талабига мос янги хореографик асарнинг яратилиши - кўпқиррали жараён бўлиб, ўзига хос ижодий ёндошувни талаб этади. Ижодий жараён давомида хоҳ у рақс, хореографик саҳна, спектакл бўлсин, балетмейстер бадиий адабиёт билан алоқада бўлади. Айнан мана шу жараёнда пишиқ, пухта ва композицион

етук асар дунёга келади. Зеро, бадиий адабиётга мурожаат қилган ҳолда ёзилган либретто эртанги мувоффақиятли балет спектаклдан дарак демакдир.

Хореография – синтетик санъат. У тасвирий санъат, мусиқа, театр санъати билан бевосита боғлиқ ҳолда шаклланади. Зеро, раққос ва раққосадан ҳам мусиқий, ҳам актёрлик маҳоратини эгаллаш талаб этилади. Шу маънода рақс ўз ичига қатор санъат турларини қамраб олади ва кашф қилади. Шу билан бирга рақс бадиий адабиёт билан ҳам узвий боғланган. Хореография санъатида адабиётлардан лавҳалар, бадиий образлар ва табиийки адабий асарларнинг драматургиясидан фаол фойдаланилган. Поэзия, проза, драматургияда дунёга келган образлар хореография арбобларини ўзига жалб этган. Бугунги кунда, айнан балет спектакллари учун ёзилган асарлар деярли топилмасада, балетмейстрларимиз ўзларининг спектакллари учун бадиий адабиётнинг нодир дурдонларидан либреттолар ёзиб, сўнг янги асарлар устида иш олиб бормоқда.

Балет алоҳида санъат тури сифатида ривожланиш давридаёқ асосий урғу адабиётга қаратилган. Адабиёт нафақат балет театрининг, балки хореография санъатвининг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Балет спектаклларида асосан бадиий адабиётнинг барча турларига мурожаат бўлган. Хусусан, роман, эссе, эртак, ҳикоя, новелла, достон асосида саҳналаштирилган балет спектакллар театрларнинг репертуарларида кўп учрайди. Балет санъати драмадан кўп ижодий билимларни ўзлаштирган.

Даставвал танланган мавзуни назарий таҳлил қилсак, бадиий адабиётда сюжет деб воқеалар тизимига айтилади. Сюжетлар ёрдамида ёзувчи жамоавий тўқнашувларни, қаҳрамонлар характерларини уларнинг ҳаракатлари ва бир-бирларига муносабатлари орқали очиб беради. Саҳнада жонланаётган сюжет хаётий муҳим жараёнларни акс эттиради. Шу билан бирга сюжетда албатта тўқнашув бўлиши, ундан ўсиб чиқувчи тугун, кульминация яъни (юқори нуқта) ва ҳаракатнинг ечими акс эттирилиши шарт. Сюжетга ўз навбатида фабула- яъни воқеалар тасвирининг кетма-кетлиги, далиллар, қаҳрамонлар ҳаракатини бадиий ҳикоя қилиш киради. Айни мана шу қонуниятга бўйсунган ҳолда дунёга келган саҳна асари томошабинлар олқишига сазовор бўлади. Асарларда юксак қаҳрамонлик, миллий менталитетимизга мос танланган бадиий адабиёт сарчашмалари кўриниб туради. Мумтоз бадиий адабиётга мурожаатга асосий эътибор қаратаёган ижодкорларнинг саъй-ҳаракатлари билан саҳна юзини кўраётган спектакллар биздан кейин албатта келажак авлодларга етиб боради.

Хореография драматургиясининг ифодали воситалари ўз ичига:

- хореографик матн, пантомима, имо-ишора;
- рақс чизмаси, мизансаҳна;
- сюжет,кетма-кетлик, воқеалар қатори;
- мусиқа.

Энди мазкур ифода воситаларини бирма-бир кўриб чиқамиз. Хореографик мант дейилганда Спектакл учун ёзилган либретто тушунилади. Масалан, “Томарис” 60-70 бетлик улкан адабий-бадиий асар. Уни балетмейстр ёки балериналар тўлалигича саҳнага олиб чиқа олмайди. Сабаби, сўзсиз фақат хатти-ҳаракатларнинг ўзи билан 70 саҳифалик адабий асарни саҳнада жонлантириш мушкул. Шу сабабли, асар либреттоси ёзилади. Кўриб турганимиздек, биргина “Томарис” балет спектакли мисолида тадқиқотга назар ташлар эканмиз спектаклга ишланган декорация, мизансаҳнанинг ўзи кўзни қувонтиради. Хореография драматургиясининг ташқи томони-бу рақслар, уларнинг тили, ижро маҳорати, образнинг ёрқинлиги, ҳаракатнинг шиддаткорлиги. Бу-мусиқий ва саҳнавий безаклар, либослар, фабула (кетма-кетлик).Фабула хореография драматургиясининг рақс режиссурасида туғилади ва ўз ичига фикрни, рақс матнини, тирик ва жонсиз образлар тузилмасини, ижодий қувватни, муаллифнинг дунёга келган асар ва қаҳрамонларга муносабатини қамраб олади.

Мумтоз адабиёт асосида саҳналаштирилаётган балетларда, одатда унинг аниқ шаклини ва саҳнадаги талқинини мусиқа ва хореография аниқлайди. Балетмейстер янги хореографик спектаклни яратиш жараёнида албатта рақснинг ифодали воситаларидан

фойдаланиши, рақс асардаги лавҳа услубига мос келиши керак. Агар хореографик асар бадиий адабиёт асосида саҳналаштирилган бўлсаю, юзувчининг асаридаги воқеаларга, мазмун-моҳиятига мос келмаса, демак балет либреттосининг муаллифи асарнинг мантиқий ечимини топа олмаган.

Бугунги кунда хореография учун адабиёт билан ўзаро боғлиқлик кўпроқ эркин фантазия, ҳаёлотлар орқали берилади. Балет саҳналаридан тушмай ижро этилаётган спектаклларда кўпроқ фантазияга ўрин берилган. Рақс орқали образлар дунёси, фикр, бадиий асардаги асосий тўқнашувлар очиб берилади. Балетмейстер асарга ўз нуқтаи назаридан ёндошади, ўзининг ғоясини илгари суради. Аммо бадиий йўқотишлар шунақанги катталашиб кетадики, дадил мақсадлар ҳам йўққа чиқиади. Алоҳида ҳолларда рақс мустақил асарга айланади ва адабиётга дахлдорлиги камайади.

Бадиий адабиётнинг хореография санъатининг ривожланишига қўшаётган ҳиссаси, умуман олганда жуда сермаҳсулдир. Машҳур бадиий асарлар асносида саҳналаштирилаётган спектакллар балет театрларини маънан жуда бойитди ва муҳим ютуқларидан бирига айланди деб баралла айтса бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авдеева Л. Танцевальное искууство Узбекистана. –Ташкент: “Адабиёт ва санъат”, 1960.

2. Авдеева Л. Балет Узбекистана. –Ташкент: “Адабиёт ва санъат”. 1973.

3. Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. –Тошкент: “Ўзбекрақс”, 2001.

4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент: “Давлат илмий нашриёти”, 2006 йил 12 том 502б.

ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ “РАҚҚОСА” ШЕЪРИДАГИ БАДИИЙ ИФОДАЛАР

ERKİN VAHİDOV’UN “RAKKÂSA” ŞİİRİNDEKİ POETİK İFADELER

Ҳулкар Ҳамроева,
филология фанлари номзоди
Тошкент давлат миллий рақс ва
хореография олий мактаби (Ўзбекистон)

Dr. Hülker Hamrayeva
Taşkent Devlet Milli Raks ve Koreografi
Yüksek mektebi (Özbekistan)

Özet. Makalede şair Erkin Vahidov’un “Rakkâsa” şiirindeki poetik karakter oluşturma açısından kendine özgü yöntemi, şairin teşbih ve deyimlerden istifade mahareti açıklanmıştır.
Anahtar kelimeler: üslup, rakkâsa, dansöz, benzetme, deyim, betimleme araçları.

Annotation: The article highlights the individuality of the poet Erkin Vohidov’s poem “Rakkosa” in the creation of a poetic image, and the poet's ability to use specific expressions and phrases.
Key words: stylistics, fiction, dancer, imitation, expression, visual means.

Резюме. В статье представлен уникальный метод поэта Эркина Вахидова с точки зрения создания поэтического персонажа в поэме “Раккаса”, умения извлекать пользу из поэзии и идиом.
Ключевые слова: стиль, раккаса, танцовщица живота, аналогия, идиома, инструменты описания.

Бадиий асар тилини лингвистик ва стилистик жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали муайян асар бадииятини таъминловчи омиллардан бири сифатида муаллифнинг сўз қўллаш маҳорати ўрганилади. Олимларнинг фикрича, “бадиий адабиёт стилистикаси муаммолари характери тилшунос ва адабиётшуносларнинг биргаликдаги ҳаракатини ёки бир таҳлилда ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик, шу билан бирга яна санъатшунослик маҳоратини бирлаштиришни талаб қилади (Степанов, 1966: 21).

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Раққоса” шеъри унинг энг гўзал асарларидан бири. Шоир раққосани шунчалик мафтункор, оҳорли ташбеҳлар ва рамзлар билан тасвирлайдики, бир ўқиганда шеър муҳаббат, севги ҳақида ёзилгандек таассурот қолдиради. Маълумки, ҳар қандай рақс куй ва қўшиқдаги мазмун, руҳ, сеҳрнинг ҳаракат ифодасидир. Латиф ноз, истиғно ва карашма билан гоҳ инсоннинг ички изтиробларини, гоҳ кўнгилнинг ойдин орзулари, романтик хаёлларини ифодалаётган рақс қалб сурати, нафосат тимсолидир.

Базм аро ноз бирла жонон ўйнаса,
Не ажаб, жисмим аро жон ўйнаса. (Э.Воҳидов, 2016: 423)

Инсон ҳиссиётларини жунбушга келтириб, уни гўзаллик ва нафосат оламига етакловчи мўъжизани шоир “базм аро” учратади. Базм аро ноз бирла ўйнаётган жонон шунчалар кўзни қамаштирадиган даражада сирли ва гўзалки, унга боқиб “жон” ўйнаб кетди. Шоир халқ орасида кўп ишлатиладиган *“юраги ўйнади”* иборасини қайта ишлаб, *“жон ўйнаса”* шаклида қўллаяпти. “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”да *“юраги ўйнади”* – а) юрак уриши одатдагидан кўра тезлашди ва кучайди; б) қалби ҳаяжонга тўлди; (Раҳматуллаев, 1992: 320) маъносини билдиради.

Силкиниб гуллар чаманда уйғонур,
Қарси бармоқ бирла хандон ўйнаса.

Жононнинг нозларидан ва бармоқларнинг “қарси”дан чаманда гуллар бир-бир уйғониб, улар ҳам нозанин раққоса мисол силкинадилар. “Қарси бармоқ” ҳақида Ўзбекистон халқ артисти Г.Матёқубова шундай изоҳ беради: “Лазги” рақсининг ўзлигини белгиловчи яна бир рақс ҳаракати борки, бу “қарс”, яъни иккала қўлнинг бармоқларини бир-бирига уриб, дастбанд, яъни қарсиллатиб мусиқага мос товуш ҳосил қилиш. Бу рақс ҳаракати ҳам “Лазги” рақсининг асосини белгилайди” (Матёқубова, Эшжонова, 2017: 28). Яна шоир раққоса бармоқларининг “қарси”ни балки хандон писта чақилганда ҳосил бўладиган товушга ҳам ўхшатаётган бўлиши мумкин.

Оқ нилуфар сувда оққандек эрур,
Оқ кийиб сокин хиромон ўйнаса.

Раққосанинг мавжли ҳаракати нилуфар гулига қиёсланяпти. Нилуфар форсчадан олинган бўлиб, йирик баргли, чиройли, катта – катта гулли, сувда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик (ЎТИЛ, 2006. 3 жилд: 38). Хиромон сўзи ҳам форсчадан олинган, у латиф, назокатли юрадиган, виқорли қадам ташловчи; чиройли юрадиган, ноз-таманно билан қадам босадиган каби маъноларни билдиради.. Демак, раққосанинг қадам босишлари ҳам шу даражада нафиски, шоир унда латофат ва ноз-таманнони кўряпти.

Ногиҳон кўнглимда ёнгай минг чироқ
Нур сочиб хуршиди тобон ўйнаса.

Шоир *“ичига чироқ ёқилгандек бўлди”,* иборасини *“кўнгилда ёнгай минг чироқ”* шаклида қўллаяпти. Бу иборанинг маъноси *“қўнглидаги ғашлик тарқади”* (Раҳматуллаев, 1992: 115) Раққосанинг гўзал чеҳраси кўнгилда ёққан “минг чироқ”нинг нури шунчалар ўткирки, у порлоқ қуёшни ёдга солади. ЎТИЛда “хуршиди тобон” бирикмаси форсчадан олинган бўлиб, *ёрқин нур сочувчи порлоқ қуёш; ёрнинг гўзал юзига ишора”* эканлиги айтилган.

Даврада ўйнар пари, андоқ бўлур.
Ой тўлиб юлдузли осмон ўйнаса.

“Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати” да ойга шундай таъриф берилган. *Ой - чиройли, гўзал. Асосан аёллар ҳақида. Тўлмоқ янада гўзаллашмоқ.* Рақс жараёнида раққосанинг гўзаллигига гўзаллик қўшилиб, унинг ҳаракатлари ой тўлганда юлдузлари жимирлаб турган осмонни ёдга соляпти. Тилшунос олимлар ўхшатишнинг икки турини фарқлашади: “Агар икки предмет ёки тушунча улар ўртасидаги фарқни кўрсатиш мақсадида қиёсланган бўлса, соф қиёсий конструкция шаклланади, қиёслаш ўхшатиш мақсадини кўзда тутганда эса ўхшатиш конструкцияси шаклланади” (Маҳмудов, Худойберганова, 2013: 5).

Шеър ўзининг кўтаринки романтик руҳи, майин лиризмга уйғунлашган жўшқин эҳтироси билан ўқувчини мафтун этади. Ҳаёт, гўзаллик ва эзгуликни улуғловчи, шу сифатлари билан бизнинг қалбимизни ҳам нурлантириб, чароғон қилгувчи туйғуларни ҳис қиламиз.

Кўлда оққуш рақси бундоқ бўлмагай,
Бунча бўлмас тоғда жайрон ўйнаса.

Шоир раққосанинг нафосатини гоҳ кўлда сузиб юрган оққушнинг сокин таманносига ўхшатса, гоҳ унинг ҳаракатларида тоғ-у тошларда сакраб юрган жайроннинг шиддатига қиёслар экан, улардан-да ортиқ нафосат кўради. Биз юқоридаги сатрларда раққосанинг *парига, ойга, оққушга ва жайронга* қиёсланишида ўхшатиш конструкцияларини кузатамиз.

Онча мушк оро эмас гулшан аро,
Ел туриб жамбилу райҳон ўйнаса.

Ундан таралаётган ифор шунчалар нафис ва жозибки, ел туриб, гулшандаги жами жамбилу райҳонлар ўйнаб, хушбўйлик таратсалар ҳам, чаманзорга раққосачалик мушк - муаттарлик билан оро бўла олмайдилар.

Кўз сузиб кўзимни ҳайратга солур,
Маст қилур бошимни мастон ўйнаса.

Раққосанинг оний нигоҳ ташлаганида “эътиборни жалб қилиш мақсадида ноз карашма билан” (Раҳматуллаев, 1992: 146) сузилган кўзи ҳам шоирни ҳайратга солади, ҳам бошини айлантирадиган даражада маст қилади.

Рақсини соғинди жон, оҳ келса-ю,
Дил уйида бўлса меҳмон, ўйнаса.
Зарра армон қолмагай кўнглимда ёр,
Қолмайин кўнглида армон ўйнаса.

Дил (“*кишининг ички руҳий дунёси, ички ҳис туйғуларининг маркази”)* (ЎТИЛ, 1 жилд: 612) уйида гўзал рақснинг меҳмон бўлишини шоир орзу қилади, чунки бу жозиб рақс унга жон бағишлайди, унинг руҳини кўтаради, кўнглини барча афсус-надоматлардан фориғ қилади. *Армон – кучли истак, орзу. 1. Кўнгилга тугилган, лекин ҳали юзага чиқмаган, амалга ошмаган орзу ният. 2. Кўнгилга тугилган орзу ниятнинг рўёбга чиқмаслигидан афсус надомат. 3. Амалга ошмаган орзу-ниятдан афсусланмоқ* (ЎТИЛ, 2006). *“Кўнгилда армон қолмасин”* жумласи аввалги мисрада мухлисга нисбатан, кейинги мисрада раққосага нисбатан қўлланиб, рақс санъат тушунчаси икки томонлама маънавий эҳтиёж эканлигига ишора қилинмоқда.

Э.Воҳидов лисоний маҳорати юксак, атоқли сўз санъаткори сифатида шеърий санъатлар, бадиий тасвир воситалари, иборалар ва рамзлардан, тилнинг маъновий имкониятларидан, сўзларнинг ички товланишларидан бағоят усталик билан фойдаланган. “Раққоса” гўзалликка ошуфта инсон кўнглидаги орзу-армонлар, ички изтироблар, зиддиятнинг нозик нисбати сифатида дунёга келган. Унинг ўзига хос тилсими ҳам бор. Қанча уринмайлик, шоир қайси рақс ҳақида сўз юритаётганлигини топишимиз маҳол, у муаллифнинг сири бўлиб, жумбоқлигича қолади. Шеър китобхоннинг эстетик энергиясини маънавий энергияга айлантиради. “Раққоса” шоирнинг бидиий тасвир воситаларидан, тилнинг ички имкониятларидан, рамз ва сўз ўйинларидан фойдаланишдаги ўзига хос кашфиёти сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ва айнан, адабиёт, тил ва санъатни уйғунлаштира олиш хусусияти, билан ўқувчини ҳам ўзига тортади, ҳам унинг хотирасида қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воҳидов Э. Сайланма. –Тошкент: “Шарқ” Нашриёт-Матбаа Акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2016.

2. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. –Тошкент: Фан, 1977.

3. Матёқубова Г., Эшжонова Ш., “Лазги”, Урганч. “Қуванчбек Машҳура” МЧЖ нашриёти, 2017.

4. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013.

5. Раҳматуллаев Ш. “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”. Қомуслар Бош таҳририяти. -Тошкент: 1992.

6. Степанов А.В. Основные понятия стилистики. -Москва, изд. МГУ, 1966,

7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, -Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006, 1-3 жилдлар.

УНДОВЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ
ÜNLEMLERİN ÜSLUP İMKANLARI

Маърифат Қосимова,
филология фанлари номзоди
Андижон давлат университети қошидаги
академик лицей ўқитувчиси (Ўзбекистон)

Dr. Marifet Kasimova
Andican Devlet Üniversitesi
Akademik Lise (Özbekistan)

Özet: Makalede çağdaş dilbilimde yapılan ünlemlerle ilgili çalışmaların öneminden bahsedilmiştir. Tanınmış Özbek yazar Tagay Murad eserlerinde kullanılan ünlemlerin özellikleri açıklanmıştır.

Anahtar kelimeler: ünlemler, introduktif alaka, subjektif alaka, semantik alaka, “üçüncü dereceli yapılar”.

Annotation: The article gives a brief overview of the study of motivations in modern linguistics and explains the author Togai Murad's specific approach to the use of consonants in the character's speech.

Key words: vocabulary, introductory communication, subjective attitude, meaningful relation, “tertiary units”.

XX аср жаҳон тилшунослигининг асосий хусусияти тилга тизим сифатида ёндашиш деб кўрсатилар экан, жумладан, гап ҳам “маълум элементларнинг ўзаро грамматик ва мазмуний муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида талқин этилди” (Сайфуллаев, 2000: 3).

Ўзбек тилшунослигида синтактик сатҳ бирликларининг систем-структур тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, уларнинг янги-янги диалектик қонуниятларини очишда Ғ.Абдураҳмонов, А.Р.Сайфуллаев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ҳ.Неъматовларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Систем тилшуносликда муайян жумла узвларини гап бўлакларига ажратиш юзасидан ҳам хилма-хил қарашлар юзага келди. Анъанавий тилшуносликда гап бўлакларига ажратишда фақат тобе боғланиш ҳамда мустақил сўз туркумлари кўзда тутилган ва натижада тобе вазиятда бўлмаган ёки алоҳида типдаги сўз туркумларига кирган, лекин мазмунан гапни тўлдирган ҳамда нутқий жараёнда турли маъно нозикликларини юзага келтирган айрим бирлик(ундалма, кириш ва ундов)лар эътибордан четда қолдириб келинган.

Дастлаб Ғ.Абдураҳмонов кириш, киритма, ундалма ва ажратилган гап бўлакларини ҳам гапнинг муайян бир қисми сифатида унинг мазмунан кенгайишига сабаб бўлган алоҳида бўлаги сифатида таъкидлайди, лекин қандай алоҳида гап бўлаги эканлигини изоҳламайди. А.Р.Сайфуллаев Ғ.Абдураҳмоновнинг бу фикрини мантиқан ривожлантиради, фақат ажратилган бўлакларни алоҳида бўлак сифатида қарашни инкор этган ҳолда, ундалма ва киришнинг гап бўлаги бўла олишини таъкидлайди. Бизнингча, бу ўринда А.Р.Сайфуллаевнинг эътирози ўринли. Дарҳақиқат, ажратилган бўлак алоҳида гап бўлаги эмас, гапдаги мавжуд айрим гап бўлагининг ўзгартирилган варианти ҳисобланади. Тилшунослигимизда таркибида ундалма, кириш ва киритмалар, ажратилган бўлаклар қатнашган гапларни мураккаблашган содда гаплар атамаси билан ажратиш анъанаси бор.

А.Нурмонов содда гапларнинг мураккаблашувини анча мураккаб табиатли ҳодиса сифатида баҳолаб, икки гуруҳга бўлади:

1) ҳам шаклий, ҳам мазмуний мураккаблашув;

2) мазмуний мураккаблашув.

Олим улар ўртасидаги фарқни қуйидагича изоҳлайди:

1) ажратилган бўлаклар иштирок этганда шаклий мураккаблашиш кузатилмайди;

2) ундалма ва киришлар иштирок этган гаплар икки томонлама мураккаблашади: грамматик алоқанинг тури (тобе алоқа ва тобе эмаслик) икки хил бўлиши билан бирга, мазмун ҳам мураккаблашади. Гапнинг асосий қисмида ифодаланган объектив мазмунга сўзловчининг субъектив муносабати ва тингловчи субъект қўшилади (Маҳмудов, Нурмонов,1995: 98).

Кўринадики, ундалма ва киришлар иштирок этган гап фақат мазмун томондангина эмас, шаклий томондан ҳам мураккаблашади. Гап таркибида тобе алоқа билан биргаликда тобе бўлмаган, грамматик алоқа ҳисобланмаган алоқа ҳам мавжуд бўлади. Бундай алоқани интродуктив алоқа деб номлаш қабул қилинган.

А.Сайфуллаев кириш ва ундалмаларни грамматик алоқадан ташқаридаги бўлаклар сифатида бегоналаштириш мантиққа хилоф эканлигини таъкидлаб, уларни “гапнинг учинчи даражали бўлаклари” деб атайди.

Бизнингча, А.Нурмонов ва А.Р.Сайфуллаевларнинг бу борадаги ишларида масалага тўғри ёндашилганини эътироф этган ҳолда, яна бир лисоний бирлик – ундовлар эътибордан четда қолдирилганини таъкидламоқчимиз. Бу ўринда ундов сўзларнинг қуйидаги ҳолатда ундалма таркибида келиши назарда тутилмайди.

«- *Эй, чучела*, йўл бўлсин? – дейди». (Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. 1994: 13).

«*Ў-ў, Жамолиддинов*, нима бало, ўлиб-пўлиб қолдингми?» (Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. 1994: 52).

Ундов сўзлар, кўпинча, гапда кириш сўзга ўхшаш вазифа бажариб, ундов бўлиб келади.

«*Ия*, ҳали намоз ўқишни билмайсизми?» (Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. 2001: 144).

«*Ай*, бир аёлимиз бор-да, *ай,* бир аёлимиз бор-да!» (Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. 1994: 95).

Бундай ундовлар гап мазмунига эмоционал бўёқ бериб, унинг прагматик ҳолатини ўзгартириши мумкин. Масалан, *“Вой*, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин, дадаси!..” (М.М.Дўст. Лолазор. 1998) жумласининг турли ундовлар билан ўзгарган вариантларида турли семалар юзага чиқади:

1. *Эркаланиш семаси:* Вой, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин, дадаси!..

2. *Кутилмаганлик семаси:* Э – э, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин, дадаси!..

3. *Норозилик семаси:* Уф-ф, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин, дадаси!..

4. *Зарда семаси:* Бас, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин, дадаси!..

Шунинглек, ундов сўзларнинг ундалма вазифасида келиши ҳам кузатилади. Бундай ҳолатда ҳам сўзловчининг тингловчига муносабати ифодаланади.

М: “*Ай*, сенга айтяпман, - дедим” (Тоғай Мурод, Отамдан қолган далалар. 1994: 101).

“*Ў-ўй*, жуҳуди атлас олиб берсин, - дейди” (Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. 1994: 95).

Ушбу мисолларда биринчи жумладаги ундалмада ўзаро яқинлик, иккинчи жумлада эса ялиниш маънолари ифодаланган.

Бундан кўринадики, ундалма ва киришлар сингари ундовларнинг ҳам грамматик жиҳатдан тобеланиши кучсиз бўлса-да, семантик жиҳатдан боғланиши кучли даражада эканлиги маълум бўлади. Демак, гап семантикасига таъсир этиш, гапда маълум бир грамматик – семантик вазифаларни бажаришини назарда тутиб, ундовларни ҳам (ундов сўзларни эмас) кириш ва ундалмалар қаторида “учинчи даражали бўлаклар”га киритиш мумкин экан.

Гапнинг учинчи даражали бўлаклари – ундалма, кириш ва ундовлар ифодалаган муносабат гап орқали ифодаланаётган синтактик вазият ёки унинг маълум унсури билан

сўзловчи ўртасидаги муносабатдир. Бундай муносабат “субъектив муносабатни ифодалайди” (Маҳмудов, Нурмонов, 1995: 99).

Мураккаблашган содда гаплардаги бундай муносабат гапнинг мазмунини кенгайтиради. Ундалмалар ундаш муносабатини, киришлар модал муносабатларни ифодаласа (Маҳмудов, Нурмонов, 1995: 99), ундовлар сезиш ва таъсирланиш муносабатини ифодалайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек тилида гап бўлакларининг семантикаси ва грамматикаси. –Тошкент: Фан, 2000. - 128 б.

2. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. - 230 б.

3. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. –Тошкент: Шарқ, 1994. - 270 б.

4. Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. –Тошкент: Шарқ, 1994. - 461 б.

5. Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. –Тошкент: Шарқ, 2001. - 206 б.

6. Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор. –Тошкент: Шарқ, 1998. - 559 б.

“ЛУҒАТИ ТУРКИЙ”ДА КЎП МАЪНОЛИСЎЗЛАРНИНГ ИЗОҲЛАНИШИ

“LÜGAT-I TÜRKİ”DE ÇOK ANLAMLI SÖZCÜKLERİN AÇIKLANMASI

Алишер Убайдуллаев,
филология фанлари номзоди
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат
техника университети (Ўзбекистон)

Dr. Alişer Ubaydullayev
İslam Kerimov adındaki Taşkent
Devlet Teknik Üniversitesi

Özet. Makalede 18. Yüzyılda Hindistan’da yaşayan Fazlullah Han’ın yazdığı “Lügat-ı Türki” eserinde çok anlamlı kelimelerin açıklama tarzı ele alınmıştır. Bu sözlük o dönem leksikogarfisinin en önemli eseri olmakla birlikte Türk dillerinin tarihi gelişmesini göstermesi bakımından gayet önemli kaynaktır.

Anahtar kelimeler: çok anlamlı kelimeler, esas anlam, yan anlam, eşsesli kelimeler, eşanlamlı kelimeler, zıt anlamlı kelimeler, leksikoloji, leksikografi.

Аннотация. В настоящей статье исследуется толкование многозначных слов в «Словаре тюркского языка», составленного представителем тюркского племени барлос Фазлуллаханом в XVIII векев Индии. Эта работа является важным источником для объединения уже существующих словарей, основных лексических единиц в них и способствует развитию лексикографии тюркских языков, в частности узбекской лексикографии.

Ключевые слова: лексема, однозначное, многозначное, прямое, переносное, омоним, синоним, антоним, пароним, лексикология, лексикография.

Annotation. This article explores the interpretation of polysemantic words in the “Dictionary of the Turkic Language”, compiled by Fazlullahan, a representative of the Turkic tribe Barlos in the 18thcentury in India. This work is an important source for combining existing dictionaries, the main lexical units in them and contributes to the development of lexicography of the Turkic languages, in particular Uzbek lexicography.

Key words: lexeme, polysemantic, monosemantic, literal, figurative, homonym, synonym, antonym, paronym, lexicology, lexicography.

Луғатшунослик тарихидан маълумки, қатор қўлёзма луғатлар муайян мақсадларда тузилган. Уларнинг ҳар бири оригинал, бири иккинчисини такрорламайди. “Луғати туркий” даги лексик бирликлар “Девону луғотит турк” ва XV-XIX асрларда тузилган “Бадоеъул-луғат”, “Санглоҳ”, “Абушқа”, “Луғати атрокия” каби луғат материалларига қиёсланганда, фонетик, лексик-семантик фарқларни кўриш мумкин. “Луғати туркий” икки тилли – туркий - форсий луғатлардан ҳисобланади.

Лексемаларни диахрон жиҳатдан ўрганишда тилнинг ривожланиш босқичларига алоҳида эътибор қаратилади. Шунинг учун тарихий жараёнлар сўз маъноларининг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Сўз маъноси истеъмол доирасининг кенгайиши, унинг маъно оттенкасидаги ўзгаришлар ҳам тил тараққиётида ўзига хос мавқени эгаллайди (Абдушукуров, 2008:118). Сўзларнинг янги маънолар билан бойиб бориши қонуний жараён ҳисобланади. Лексикада ҳар бир лексема маъносининг ўзгариши, янги маънода қўлланиши, истеъмолдан чиқиши, унинг пассивлашиши ва фаоллашиши каби жараёнлар кузатилади. Шу нуқтаи назардан сўз маъносини тарихийлик асосида текшириб аниқлаш

янги сўзларнинг юзага келиши қонуниятларини очиб беришда айниқса аҳамиятлидир (Муталлибов, 1959: 167). Сўз тарихан жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Янги лексеманинг маъно нозикликлари тилда, халқ жонли сўзлашув тилида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Ҳар бир лексик бирлик ўрни билан бир-бирига яқин ёки алоҳида-алоҳида тушунчаларни англатиши мумкин. Сўз маънолари ва маъно нозикликлари бош ва кўчма маънолар каби алоҳидаликка эгалиги билан ажралиб туради. Сўз маъноларидан бири индивидуал тарзда, бошқа ҳолатлари эса кишилар томонидан кўчма маъно ҳосил қилиш жиҳатларига кўра ажратилади. Аслида сўз маъносининг кенгайиш, ривожланиш қонуниятларини ўрганиш сўзларнинг омонимик, синонимик, паронимик, антонимик ва кўпмаънолилик хусусиятларини аниқлаш, тилнинг луғат бойлигини кузатиш, турли луғатлар тузишга катта ёрдам беради (Ўзбек тили лексикологияси, 1981: 198). Шаклан бир хилликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ маънонинг бир шаклда учраши ҳолларини матнда кўриш мумкин (Неъматов, Бозоров, 1993: 18).

“Луғати туркий”да изоҳланган лексик бирликлар тизимида бир, икки, уч маъноли сўзлар борлиги қайд этилади. Толе Имоний Ҳиравий, Маҳдийхон, Носирий каби ўтмишда яшаб ўтган луғатшунослар мумтоз асарлар тилидаги сўзларни изоҳлашда турли усуллардан фойдаланганлар (Боровков, 1961: 9; Ҳасанов, 1989: 98; Умаров, 1994: 48). “Луғати туркий” муаллифи Фазлуллахон барлос ҳам улар изидан бориб, сўз маъноларини турли усулларда изоҳлаган. Бу усулларни ўрганиш ўзбек лексикографияси тарихи учун катта аҳамиятга эга.Луғатнавис “Луғати туркий”даги луғат мақолаларини форсча изоҳлайди. Бу анъана “Санглоҳ”, “Абушқа”, “Луғати атрокия” каби асарларнинг бой тажрибасидан бошланган.

Фазлуллахон барлос ўз даврининг ўқимишли, билимдон зиёлиси сифатида сўз маъноларини очишда шарқ луғатчилик анъаналарини давом эттирди. У ҳар бир лексик бирликнинг барча маъноларини қайд этишга ҳаракат қилган. Луғатда бир маъноли лексемалардан ташқари, икки маъноли ва уч маъноли сўзлар кўплаб учрайди. Изланишлар жараёнида бир маъноли ва кўп маъноли сўзларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилдик. Натижада “Луғати туркий”нинг ҳар тўрт қисмида ҳам бундай сўзлар борлиги аниқланди (Луғат қўлёзмаси. 1[а]–53[б] бетлар). Фазлуллахон барлос луғатда сўзларнинг асл маъносидан ташқари, бошқа маъноларини ҳам қайд қилишга ҳаракат қилган. Қуйида кўп маъноли лексик бирликлар ҳақида фикр юритамиз.

اسراماق (7б) ба ҳамзаи мамдуда ва сукуни сини муҳмала ва фатҳаи ройи муҳмала нигаҳ доштан ва парвариш кун. Таржимаси: а:срамақ – **а:** чўзиқ унлиси билан, нуқтасиз **с** устида сукун, нуқтасиз **р, а** унлиси билан, форсча *нигаҳ доштан ва парвариш кун.*

Луғатда бу сўз – *асрамоқ, парвариш қилмоқ* каби маъноларда берилган. Ушбу лексема бир қатор ёзма манбаларда - *сақламоқ, қўриқламоқ, тарбияламоқ, боқмоқ, эҳтиётламоқ* каби маъноларда учрайди. *Асрамоқ* сўзи қадимги туркий руник ёдномаларида, **МК** ва **“Ўғузнома”**да учрамайди. **ҚБ**да **асрақ** - *тарбияланувчи;* **Бад.Л.**да **асрамоқ** - *сақланмоқ, қўриқланмоқ;* ҳозирги уйғур, ўзбек ва қипчоқ тилларида юқоридаги маъноларда учрайди (Наджип, 1979: 196-197).

قولاچ (37б) ба тафхими заммаи қоф ва фатҳа лом ва сукуни жими форсий кашиши камон ва паймоиш миқдори ду даст. Таржимаси: қулач – **қ** кенг **у** билан, **л** фатҳали, форсий **ж,** яъни **ч** сукунли, форсча *кашиши камон ва паймоиш миқдори ду даст.*

Мазкур лексема луғатда икки маъноли сўз сифатида қўлланган. Туркий тиллар тарихига бағишланган илмий асарларда, жумладан, Маҳмуд Кошғарий “ДЛТ” асарида **қулач (қулоч)** сўзи “Асли **қол а:ч** – *қўл оч – қўлни оч, қулочни ёз*” дандир деб ҳисоблайди ва “бір қулач барчїн – *бир қулоч шоҳи*” мисолини келтиради (ДЛТ, 1, 340). Шунингдек, **туркм.***гулач*// **қ.қалп.***қулаш*// **тува.***қулаш*// **чуваш.** *халас, чалаш*// **тожик.** *қулоч*// Радлов луғатида: *қулач, қулаш, қулац, қулас* (РАЛ, 975, 976; Боровков, 218). -2,5 аршин (к) каби кўринишлари таъкидланади (Ўзбек шевалари лексикаси, 1966: 365).

اور (14б) ба тафхими заммаи ҳамза ва сукуни ро баланд ва осмон. Таржимаси: ор - бошида кенг **о** унли, **р** сукунли, форсча *баланд ва осмон.*

“Луғати туркий”да ушбу лексема икки маъноли сўз сифатида қўлланилган. **Ор** сўзи кўпчилик туркий тилларда, шунингдек, бу тилларга оид обидаларда ва луғатларда учрайди. Чунончи: ДЛТ да اور*ору - ўра.* Буғдой, шолғом ва бошқа нарсаларни сақлаш учун қазилган чуқур (I-том, 115).

В.В.Радлов луғатида **ор** - *чуқур, зовур* (“яма”, “ровъ”); Л.З. Будаговнинг қайд этишича, қоз. қирғ. тил. اور (о) *“ариқ”, “зовур”, “чуқур”* (“канава”, “яма”, “ров”); олт. тил. оро *“хандақ”, “чуқур”* (“окопъ”, “валъ”, “батарея”); ҳозирги қирғиз, ҳозирги уйғур тилларида ҳам шу маъноларда, ҳозирги ўзбек тилида*ўр, ўра, жарлик, чуқур, дон ёки сабзавот сақланадиган чуқурлик* маъносида қўлланиши ҳақида маълумотлар келтирилган (Ўзбек шевалари лексикаси, 1966: 393).

آل (17б) ба фатҳи ҳамза мамдуда ва сукуни лом сурх ва ба маънии нигар ҳам омада аст. Таржимаси: ал – бошида чўзиқ, кенг **а:**, **л** устида сукун, форсча *сурх ва нигар.*

“Луғати туркий”да қўлланган **ал** сўзи форсчага **сурх** ва **нигар**, яъни **қизил** ва **оч қизил** деб таржима қилинган. Бу лексема Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” достони лексикасида – *пушти,оч қизил, хом, ёш* каби маъноларда қайд этилади:

Чечäк тег солды кетти еңдä алы (35/9)

Қылурлар кӧк йаш ўзрä ал сўсўн нуш (31/16)

Ушбу лексема қадимги туркий, эски туркий, эски ўзбек тили ёдномаларида турлича шаклларда қўлланилиб келган. Жумладан, қадимги туркий-рун ёзуви ёдгорликлари, **МК**да *оч қизил;***Атеб**, **АЗ**, **Рабғ.**, **ШС**, **Мн**да *ал..;* ҳозирги ўзбек тилида ол-“алый”, аз., тат., баш. ал; қоз. тилларида алқызыл-«бледно-розовый» каби маъноларда қўлланилиши ҳақида фикр билдирилган (Наджип, 224).

قور (37б) ба тафҳими заммаи қоф ва сукуни ро силоҳ ва банди камар. Таржимаси: қур – **қ** кенг **у** билан, **р** устида сукун, форсча *силоҳ ва банди камар.*

Луғатда ушбу лексеманинг– *қурол - аслаҳа; асбоб – анжом* ва *белбоғ* маъносига эгалиги кўрсатилган. Ушбу лексема З.М.Бобурнинг “Бобурнома” ва М.Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарларида: **қур I** – *белбоғ; қурмоқ; ҳозирламоқ; гиришни тортмоқ;* **қур II** -*йиғмоқ; тўпламоқ; жам қилмоқ* каби маъноларда қўлланилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади (Дадабоев, 2008: 221).

Чунончи, *индўрмақ* феълини изоҳлар экан, луғатшунос унинг икки маънолилигини қайд этади: 1. Фуруд овардан – эгмоқ. 2. Мутиъ кардан – бўйсунмоқ: ایندورماق (8а) ба тарқиқи касраи ҳамза ва сукуни нун ва заммаи доли муҳмала ва сукуни ройи муҳмала фуруд овардан ва мутиъ кардан ҳам омада. Таржимаси: индўрмақ - бошида кенг унли **и**, нун устида сукун, нуқтасиз дол **у** билан, нуқтасиз **р** устида сукун, форсча *фуруд овардан, мутиъ кардан.*

قروماق (11а) ба тафхими заммаи қоф ва ройи муҳмала хушк шудан ва ба зиёдати тойи қарашат баъд ройи муҳмала ифода таъдия мекунад. Таржимаси: қурумақ - **қ** кенг **у** билан, **р** нуқтасиз, форсча *хушк шудан ва таъдия мекунад.*

قچقرماق (11а) ба касраи аввал ва сукуни жими форсий ва тарқиқи касраи сони ва сукуни ройи муҳмала фарёд кардан ва талабидан. Таржимаси: қычқырмақ - биринчи **қ - ы** билан, форсча **ж,** яъни **ч** сукунли, иккинчи **қ** қисқа **ы** билан, нуқтасиз **р** устида сукун, форсча *фарёд кардан ва талабидан.*

یانماق (12а) ба фатҳаи йо ва сукуни алиф ва нун паҳлу гаштан ба зиёдати лафзи *дур* ба маънии паҳлу гардонидан аст. Таржимаси: йанмақ - **й** фатҳалашган, **а** ва **н** сукунли, форсча *паҳлу гаштан ва паҳлу гардонидан аст.*

یرلقماق (12б)ба фатҳаи йо ва сукуни ройи муҳмала ва фатҳаи лом ва қоф омурзидан ва авф кардан. Таржимаси: йарлақамақ – **й** фатҳали, нуқтасиз **р** сукунли, **л** ва **қ** фатҳали, форсча *омурзидан ва авф кардан.*

Луғатнинг **иккинчи қисмидаги** 17та туркий сўзнинг икки маъноли:استماق ысытмақ – гарм шудан, таб кардан (7а), اسراماق асрамақ – нигаҳ доштан ва парвариш кардан (7б),

سوزلاماق сöзлäмақ – сухан гуфтан ва абдол намоянд (10а),یازماق йазмақ – навиштан, хато кардан, кушодан, навишта шудан, хато шудан, кушода шудан (12а) ва б.

Луғатнинг **учинчи қисмидаги** 140та лексеманинг икки маъноли эканлиги маълум бўлди:آت ат – номи асп ва бигузар (13б),اياغ айағ – пой ва коса (15б), اتاليغ аталығ – тарбият кунанда ва соҳиби ихтиёр (15б), بوتون бутун – имшаб ва дуруст (23а), ياغى йағы – душман ва гиря (49б) ва б.

Фазлуллахон барлос шарқ луғатчилик анъаналарини давом эттириб, имкони борича сўзнинг ҳамма маъноларини қайд этишга ҳаракат қилган. Луғатда бир, икки ва уч маъноли лексик бирликлар борлиги аниқланди. Луғатдаги 1366 та лексемадан 1131 таси бир, 157 таси икки, 26 таси уч маъноли лексик бирликлар ҳисобланади. Бир маъноли ва кўп маъноли туркий сўзлар луғатнинг асосини ташкил этади. Кўп маъноли лексик бирликлар ҳам кўплаб учрайди: от (тўз, қулач, қур, от), сифат (ал, кök), феъл (асрамақ, эндўрмақ). Кўп маъноли сўзларнинг юзага келиши лексик маъно тараққиёти билан боғлиқ.

Мазкур луғат XVIII аср Ҳиндистондаги ўзбек тили, унинг лексик таркиби, ўша давр луғатчилик тамойиллари, ўзбек тили орфографияси ва орфоэпиясига доир муҳим маълумотларни ўзида акс эттирганлиги билан катта илмий аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. - Тошкент: Академия, 2008. -192 б.

2. Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. –Тошкент: Фан, 1959. -Б. 167.

3. Ўзбек тили лексикологияси. -Тошкент: Фан, 1981. -313 б.

4. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Тошкент: Ўқитувчи, 1993.

5. Боровков А.К. Бада ʼи ал-лугат. - Москва, 1961. - С. 9.

6. Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиналари.-Тошкент: Адабиёт ва санъат,1989.

7. Умаров Э.А. Словари староузбекского языка и вопросы фонетики.- Ташкент, 1994. - С. 48.

8. Наджип Э.Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века на материале «Хосрау и Ширин» Кутба. -Москва, 1979. -С.343;

9. Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. -Тошкент: Университет, 2008. -Б. 221.

ВОПРОСЫ РУКОВОДСТВА И ТВОРЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ АНСАМБЛЯ

LİDERLİK SORUNU VE TOPLULUĞUN YARATICI VERİMLİLİĞİ

Гапуров Мирмухсин Камолдинович,
доцент кафедры «Теории и истории искусства»
Ташкентской государственной высшей школы
национального танца и хореографии (Узбекистан)

Doç. Mirmuhsin Gapurov
Taşkent Devlet Milli Raks ve Koreografi
Yüksek Mektebi

Özet. Makalede, bir liderin yüksek akıl, irade, araştırma yeteneği ve becerikliliği, bilgeliği konusunda sürekli çalışma, bağımsız kararlar verme, yeni fikirler verme, yeni girişimler, yeni teknolojileri destekleme, başarma gibi konularla kazanılmış nitelikleri ele almaktadır.

Anahtar kelimeler: yönetim, lider, liderin maneviyatı, sorumluluk, topluluk, takım, karakter, kalite, karar, fikir, teknoloji, yenilik**.**

Аннотация. В данной статье речь ведется о таких приобретаемых качествах руководителя, как высокий ум, сила воли, изыскательская способность и находчивость, постоянная работа над своей эрудицией, рассматриваются такие вопросы, как самостоятельно принимать решения, дать новые идеи, новые инициативы, поддержать новых технологий, достигать эффективности труда и другие.

Ключевые слова: управление, руководитель, духовность руководителя, ответственность, ансамбль, коллектив, характер, качество, решение, идея, технология, инновация.

Annotation. The present article highlights such managerial qualities as high intelligence, strength of will, exploration and resourcefulness, contact work on their erudition. Consider such questions as decide independently, giving new ideas, new initiatives, supporting new technologies and innovations, achieving work efficiency and others.

Key words: management, leader, spirituality leader, responsibility, ensemble, team, character, quality, decision, idea, technology, innovation.

«Культура управления предполагает осуществление управления учитывая деятельность, цели и ценности работников» [1]. Каждый руководитель имеет профессиональные и трудовые навыки, а также ему присущно определенный характер. Вместе с тем как всякий человек имеет целый комплекс таких качеств как потребность, интерес, стремление, характер, настроение, чувства. Некоторые из этих качеств вдохновляют, пробуждают в нем удовольствие, дают возможность эффективно трудиться, а другие его мучают и мешают осуществить трудовую активность. Поэтому для того, чтобы обеспечить эффективность успешной работы руководства, необходимо тщательно и основательно изучать психологию и характер человека.

Характер человека не является врождённым или появившимся объектом. В ходе жизненного процесса на формирование характера оказывает влияние социальная среда и коллектив, которые его окружают. Обычно в некоторых художественных коллективах трудятся честные, добросовестные люди, однако встречаются хотя редко, в коллективах лица, которые равнодушно относятся к своим профессиональным обязанностям.

Каждый член коллектива стремиться строить свой характер так, как ведут себя другие люди в этом обществе. Окружающие всегда оказывают влияние отдельному лицу.

В определенной мере он подражает им, подчиняется общепринятым нормам. Это в свою очередь оказывает влияние на внутреннию атмосферу коллектива. В результате взаимовлияния исполнителя в творческом коллективе, проявляется своеобразная среда отношений. Руководитель коллектива в процессе работы со своими подчиненными должен учитывать их характер и психологические особенности, социально-психологические стороны участников, которыми он руководит. Вместе с тем руководитель коллектива должен создавать такую творческую атмосферу, где работа в коллективе превратилась бы в жизненную потребность каждого члена коллектива. Руководитель своим личным примером, духовным поощрением и поддержкой, доверием, объяснением и пропагандой оказывает влияние на каждого кадра, работающего в этом коллективе и всему коллективу. Он умело воспользуется психологическим влияниям некоторых членов коллектива на других членов коллектива. Систематически ведет воспитательные работы.

Естественно руководитель должен учитывать изменение потребности и интересы работника. В настоящее время исполнители и члены художественных коллективов материально достаточно обеспечены, но их потребность и интересы ощутимо расширяются. Формирующие требования в потребности в коллективе становится ведущим. В связи с этим изменяются основы поощрения деятельности исполнителей художественных коллективов в обществе.

До недавнего времени количество заработной платы, а затем обеспечение удобным условием работы считалось основным условием трудовой активности, то в настоящее время сохранилось важное значение материального поощрения и к нему добавились духовные, социальные и психологические факторы.

«Труд руководителя связан с социальной значимостью, содержанию труда. Каждому коллективу потребуется руководитель. А руководить считается трудом руководителя» [2]. Психологическая суть труда руководителя в том, что он в определенной мере активен чем свой коллектив, закален в социальных условиях, в корне изменяет свой подростковый характер, стремится укрепить свой авторитет перед окружающими своими организационными и предпринимательскими качествами, которых требуют новые условия руководства. Многие молодые руководители, которые по-настоящему интересуются руководящей деятельностью, не всегда знают куда направить своё усердие. Их усилие нужно направить на выполнение различных творческих работ, приносящих выгоду и себе, и обществу в творческих и других областях.

Особенно, молодые руководители художественных коллективов стремятся к самостоятельности, даже не зная то, что они не готовы ещё на это. В начале они должны будут создавать практические условия для установления позитивных отношений в коллективе.

Руководитель должен быть человеком, глубоко знающим и любящим свою специальность, он должен трудиться на благо своей семьи и своего народа. Слово руководитель можно применять по отношению к человеку, который по-настоящему любит свою деятельность.

Руководство требует высокого ума, силы, воли, искания и находчивости, беспрестанно работать над собой и над своей профессией, в необходимых случаях он также должен обладать своими предпринимательскими способностями. Понятно руководителю можно дать следующую характеристику:

1. Руководитель является человеком, который объединяет ресурсы для исполнения и выполнения, ведет плодотворную работу как управляющий основной действующей силой творческого процесса.

2. Руководитель самостоятельно принимает решение при осуществлении любого действия.

3. Руководитель считается творческим человеком, применяющим новые идеи, новые инициативы, новые технологии и инновации в своей деятельности.

4. Труд руководителя является трудной деятельностью, основанной на творчестве. Сила и время, затраченные на нее, иногда не приносят никакой пользы, ансамбль при творческом росте может принести не пользу, наоборот ущерб. Он должен предвидеть это положение и всегда должен быть готов к этому, при необходимости должен перестроить свою деятельность, и поэтому должен найти в себе силу и волю.

Как отмечено выше, руководство занимает одну сторону деятельности.

Другая сторона связана с высокими личностными качествами человека, занимающимся руководящей деятельностью. Руководитель должен быть честным, добросовестным, требовательным, уважающих и почитающих своих подчинённых.

Руководитель должен быть самостоятельным, должен заниматься всеми отраслями творческой деятельности в рамке законодательства. Вместе с тем он должен иметь авторитет среди подчинённых своего коллектива, должен вести себя скромно. Если он глубоко владеет своими родным, а также несколькими иностранными языками и свободно может пользоваться ими, его управленческая деятельность может быть еще эффективнее.

В связи с приобретением независимости и полным правовым гарантированием частной собственности в руководящей деятельности, происходили ряд позитивных изменений. В связи с полным владением исполнительскими и творческими средствами укрепляется заинтересованность руководителя, поэтому в настоящее время все больше применяются новые технологии на занятиях и в исполнительском процессе. В результате повышается количество образцов исполнительства и улучшается их качество.

В настоящее время укрепили своё экономическое положение индивидуальные ансамбли. Однако наблюдения показывают, что с ростом их количества, качество исполнения ими произведений искусства, все больше не отвечает требованиям. Для этого необходимо поднимать духовный уровень руководителя и руководства, воспитывать их культурными, повышать их знания, касающиеся культуры руководства. Сегодня для деятельности играет важную роль общечеловеческие достоинства. Такие достоинства проявляются в межличностных отношениях руководителя и членов ансамбля в виде: межличностное доверие, честность, правдивость, справедливость и обязательно творческое единодушие.

Кроме вышеперечисленных качеств, для формирования психологии руководителя в психологическом отношении и достижения творческой эффективности необходимо формировать следующие достоинства:

- деловитость, предпринимательства, постоянно находить новые возможности;
- эффективно использовать время и положение;
- всегда шагать впереди всех;
- предвидеть все изменения;
- быть решительным, стремительным, терпеливым;
- быть готовым перед встречающимися преградами и трудностями, одолевать их волей и твердостью;
- точно определять свою цель, стремиться достичь её;
- всегда глубоко чувствовать свою обязанность в каждом деле;
- иметь достаточные сведения о научно-практическом и творческом процессе в области искусства;
- подробно планировать деятельность руководителя и придерживаться этого плана;
- входить в доверие членов ансамбля и направлять их в осуществлении своих идей;
- в необходимых случаях рисковать и предвидеть результат своих действий;

В заключении считаем, что современный руководитель таким образом достигнет высокой эффективности в творческой деятельности.

Использованная литература:

1. Словарь основных понятий духовности. -Ташкент, 2009 г. стр.108.

2. Баймурадов Н. Психология руководителя. Учебное пособие. -Ташкент 2009 г. стр.20.

3. Сборник научных трудов Ташкентской государственной высшей школы национального танца и хореографии. –Ташкент: “Стар-полиграф”, 2009. 95-Б.

4. Муминова Н. За внешней легкостю парения. “Узбекистан тудэй”. –Ташкент, 2014-№-22 (405)-Б-7.

ОЙДИН ҲОЖИЕВА ШЕЪРИЯТИ ВА СЎЗ ИЖОДКОРЛИГИ

TANINMIŞ ÖZBEK ŞAİRİ AYDIN HACİYEVA'NIN SÖZ YARATICILIĞI

Севара Маҳмудова,
филология фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Doç. Dr. Severa Mahmudova
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Özet. Makalede Özbekistan Halk Şairi Aydın Haciyeva'nın şiirlerinde öne çıkan söz yaratıcılığı ele alınmıştır. Şairin şiirlerinde kullanılan yeni sözcüklerin lengüastilistik özellikleri analiz edilmiştir.
Anahtar kelimeler: yeni sözcükler, sözcük yapımı, derivasyon, motivasyon.

Annotation. This article is about word - making in the works of the national poetess of Uzbekistan Oydin Khodzhieva, which examines the linguistic features of occasional word formations.
Key words: occasionalism, word formation, derivation, motivation.

Тил антиномияси зиддиятлар, қарама-қаршиликлар асосига қурилган. Тил тизими эса инкорни инкор тамойилида яратилган. Тил бир вақтнинг ўзида изчил бир тизим ҳам, ғайритизим ҳам. Демак, тилнинг моҳияти умумийлик – хусусийлик, доимийлик – муваққатлик, барқарорлик – тадрижийлик, тартиблилик – тартибсизлик, қонунийлик – тасодифийлик сингари хилма-хил зиддиятлар дихатомиясидан иборат (Тошалиева, 1998: 7). Шу боис ҳам ҳозирги давр тилшунослиги синхрония ва диахронияни, тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаб ўрганиш, таҳлилда лисоний ва нолисоний, объектив ва субъектив омилларни узвий алоқадорликда баҳолаш, прагмалингвистика, социолингвистика, психолингвистика, матн лингвистикаси ва матн стилистикасига хос тадқиқот тадбилларига асосланиш заруратини туғдирмоқда.

Тил ва нутқ бирликлари тадқиқига бу тарзда ёндашув мавжуд дарслик ва қўлланмаларда юзакироқ ёритилган. Морфем қайта бўлиниш, окказионал отлашиш, контаминация, аналогия ва аномалия, олинма сўз таркибий қисмларини морфемалаштириш, сўз бирикмалари ва ибораларни соддалаштириш, сўз ясалиш валентлиги ва псевдокоррелятлар каби ҳодисаларни нисбатан кенгроқ ёритиш, атрофлича тавсифлаш орқали ўзбек тилининг, ўзбекча нутқнинг нафосатини ҳис этишга ва ундан ўринли, ижодий, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишга ёрдам беради.

Айниқса давлат тили мақомига эга бўлган, ўзбек тилида, яъни ўз она тилисида миллий ғурур билан эркин ижод қилаётган ижодкорлардан ҳар бирининг луғат заҳирасини сўз ясаш қонуниятлари нуқтаи назаридан илмий, изчил равишда ўрганишни, окказионал сўз ясалиши ва сўз ижодкорлиги масаласини, уларнинг қўлланишидаги функционал-услубий ўзига хосликларни матн услубияти, коммуникатив лингвистика тамойиллари нуқтаи назаридан ёритишни ва шу асосда умумадабий ва услубий меъёрлардан ижодий чекиниш ҳолларининг нутқ маҳорати ва нафосати билан боғлиқ жиҳатларини ўрганишни ҳам тақозо этмоқда.

Бу жиҳатдан назмий матнларга хос яратиқларни лингво-стилистик таҳлил қилиш, илҳом жараёнида туғилган ғайриодатий сўз ва ифодаларни шоирона идрок эта билиш, аён матн таркибида уқиб олиш ва сўз нафосати дунёсидан ҳам ҳиссий-руҳий баҳра олиб, ҳам бу охорли яратиқларнинг, ноодатий қўлланишларнинг умуммиллий луғат ҳазинасидаги ўрнига баҳо бериш давр тилшуносларининг зиммасида.

Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева шеъриятини шу нуқтаи назардан ўрганиш ҳар жиҳатдан аҳамиятли. Аввало, бу “меҳрли шеърият”, ҳар хил кайфиятдаги китобхонда ҳаётга муҳаббат, келажакка ишонч, руҳ поклигига, маънавий баркамолликка эришиш, ибодат масканини бунёд этишга даъват уйғотади. Шу туйғулар замирида туғилган ҳар бир сўз, ҳар бир ифода эса тил тадқиқотчисини бефарқ қолдирмайди.

Шоира ижодига хос ғайриодатий ясалмалар яратилиш усулига кўра хилма-хил. Уларни лингвостилистик табиатига кўра, қўшимчалар воситасида ясалган окказионал ясалмалар, сўз қўшиш йўли билан ҳосил қилган композитив ясалмалар, N+N, N+V таркибли окказионал сўз бирикмалар, P+S тартибидаги окказионал гаплар тарзида гуруҳлаб ўрганиш мумкин. Қуйидаги назмий-матний мисоллар фикримизга далил бўла олади.

I. Содда окказионал ясалмалар. “но” – олд қўшимчаси воситасида:

1) Дупур-дупур келса от,

Қиз қўшиқ бошлар ношод (Ҳожиева, 2010: 16)

2) Нодўстларим қаҳ-қаҳ уришса... (Ҳожиева, 2010: 68)

Ҳар 2 ясалмадаги асос-ўзакнинг “но-” префикси билан онгли бириктирилиши адабий грамматик меъёрларга мос бўлмаса-да, шоиранинг шеърий талаб, шуурий мақсаддан келиб чиққан ҳолда “эмас” инкор сўзининг, “душман” сўз – лексемасининг маънодош сифатида танлаган нутқий ясалмалари қўлланишини ижобий баҳолаш мумкин. “Бенафас”, “бесўз”, “беҳис”, “бедил” ясалмалари ҳақида ҳам шундай фикр билдирса бўлади. Қиёсланг: “тин олмай” // бенафас, сўзсиз // бесўз, ҳиссиз // беҳис, кўнгилсиз // бедил.

1) Юлдузларнинг бенафас, бесўз

Қўшиғига қулоқ солдим лол. (Ҳожиева, 2010: 26)

2) Бесўз, беҳис, бедил нега,

Интилмоқда яна Сиз?! (Ҳожиева, 2010: 58)

II. Композитив окказионализмлар ҳам шоира илгари сураётган ғоя, мақсад, фикрга ҳамоҳанглиги, ўзига хослиги, таъсирчанлиги, охорлилиги ва мавжуд қўшимча сўз андозаларига мувофиқлиги билан диққатни тортади.

1) Ҳовучингда болбулоқ

Шарбатларин тотганман (Ҳожиева, 2010: 105)

2) Сўз демасди Тошҳовли (Ҳожиева, 2010: 17)

III. N+N, A+N таркибли ғайриодатий сўз бирикувларининг ўта фаол қўлланганлиги кузатилади: хаёллар ғарами (102), ҳасрат тоғи, бахт сўқмоғи, дил туманлари (23), ташвиш шамоли (35), бахт кўйлаги, қуёш ўтови (36), туннинг бармоғи (108), меҳнатнинг элаги (109), хаёл сайди (23)4 чўтир тун (108), хаёлчан намозшом (20) ва ш.к.

1) Суяк-суягимдан ўтар бир оғриқ

Недир ул? Хаёллар ғарами ичра (Ҳожиева, 2010: 102)

2) ... гоҳ айланиб хаёл сайдига (Ҳожиева, 2010: 23)

IV. P+S, O+P тарзида бириктирилган, тугалланган фикрга эга бўлган индивидуал окказионал жумлалар, объектли бирикмалар ҳам аёллар дунёсини, аёллар маънавиятини бўрттириб бера олиш билан китобхонлар меҳрини уйғотса, мақсадга мувофиқ, теша тегмаган қўлланишлар луғат заҳирамизни бойитади, нутқий малакамизни оширади:

1) Сен қалбимга қайғулар экдинг,

Шодлик бўлиб кўкарди ул ҳис... (Ҳожиева, 2010: 62)

2) Келармикан, аммо қўлимдан

Парчаланган дилни чегалаш (Ҳожиева, 2010: 65)

3) Юки оғирлашиб ҳансирар боғлар. (Ҳожиева, 2010: 72)

V. Бир ўзакли сўзлардан, маънодош лексемалардан фойдаланишда, янги-янги жуфт сўзларни яратишда ҳам ўзига хос ойдинона қўлланишлар кўп:

1) Тарзинг ойдингина Ой дона бўлгил!

2) ... Қиморбоз ажалга тик мени,

Бўз болам, мен бўзлаб ўлайин (Ҳожиева, 2010: 119)

3) Тошдай қотди Тошҳовли (Ҳожиева, 2010: 17)

4) Нурланади сиёҳ тун (Ҳожиева, 2010: 18)

5. Кимнинг қурби-қуввати

Макри, жаги-тилида (Ҳожиева, 2010: 109)

Рус тилшуноси Земская Е.А. “XX аср охири - XXI аср бошларини ҳатто "окказионализмлар асри" деб номлаган (Земская, 2006: 128). Эҳтимол, тилдаги кўплаб окказионал ясалишлар қисқа муддатда қўлланилиб, тил луғатидан ўрин олмас, лекин шундай бўлса ҳам уларни кузатиш жуда қизиқ ва муҳимдир, чунки тилдаги ҳар бир ҳодиса диққат ва ўрганишга лойиқдир. Бизда ҳам ижодкорларнинг сўз ижодкорлигига бағишланган илмий тадқиқотлар кўпаймоқда. Англашимча, мустақиллик яратиб берган эркин ижодий муҳит, миллий ифтихор, ўзликни англаш туйғуларининг ижодкорлар руҳиятига таъсири боис юзага келаётган, ўзбек тили умумлуғат мулкига мансуб юзлаб ғайриодатий сўз ва сўз бирикувларининг хусусий луғатларини яратиш, бадиий нутққа хос услубий вазифалари, ғайритабиий қонуниятларини ўрганиш келгусининг ишидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тошалиева Севара. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши. – Тошкент: НДА, 1998.

2. Маҳмудова С.И. Сўз яратиш санъати. Ўқув қўлланма. – Тошкент: М.Уйғур номидаги ТДСИ нашри, 2003.

3. Ойдин Ҳожиева. Шом шуълалари. Сайланма. – Тошкент: “SHARQ” НМАК, 2010.

4. Земская Е.А. Современный русский язык. Словообразование. -Москва: Издательство «Флинта», 2006.

ОММАВИЙ АХБОРОТНИНГ “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”ГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

KİTLESEL BİLGİNİN “KİTLESEL KÜLTÜR”E ETKİSİ HAKKINDA GÖRÜŞLER

Севара Маҳмудова,
филология фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Doç. Dr. Severa Mahmudova
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Özet. Makalede “kitlesel kültür”ün şekillenmesinde kitlesel bilginin etkisi ve önemiminden bahsedilmiştir. “Kitlesel kültür” teriminin ortaya çıkışı, konuyla ilgili çalışmalar ve çeşitli bakış açısı kaleme alınmıştır.

Anahtar kelimeler: Kitlesel bilgi araçları, metin, “kitlesel kültür”, dil, üslup, bilgi iletişim kültürü.

Annotation. The present report is devoted to learn the plase of mass media in the formation of popculture.The report gives characteristic to the origin of the term « popculture « , its spread ing, the views concerning to it, its essence and influence to the social system. There are also reflektions on differences among popculture , real culture and art, effects of popculture to the information texts as well.

Key words: means of mass media, text, consciousness, popculture, social consciousness, speech, literary dimension.

“Оммавий маданият” атамаси дастлаб ХХ асрнинг 30-йилларида АҚШ матбуотида пайдо бўлган. Унинг муаллифлари ҳисобланган социолог-файласуфлар Б.Розенберг ва Д.Уайт “оммавий маданият” ҳодисаси билан боғлиқ қатор муаммоларга жавоб топишга уринганлар. Хусусан, ушбу маданиятнинг халқ маданиятидан фарқи, унинг ривожига ижтимоий тизимнинг таъсири, туб негизи – асл моҳияти, “оммавий маданият” муҳитида тарқатувчи ва қабул қилувчи – фойдаланувчининг ўзаро муносабати каби масалаларни ўрганишга ҳаракат қилишган.

Б.Розенбергнинг “оммавий маданият” ҳодисасига муносабати ижобий бўлмаган. Унинг фикрича, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) жамиятдаги ҳар бир шахс учун жуда катта хавф ҳисобланади. Сабаби, ҳали ҳеч қачон ҳаққонийлик билан ёлғон, юксаклик ва тубанлик бу даражада аралашиб, чатишиб, англаб бўлмас даражага келган эмас, дея эътироз билдирган эди (Розенберг Б., Уайт Д. 1957: 26).

Д.Уайтнинг қараши эса бунинг акси бўлган. Ғарб дунёсининг вакилларидан бўлган Маршалл Маклюэн ҳам уни қўллаб-қувватлаган, ҳатто у “электрон аср пайғамбари” номини олган; ОАВнинг, ОМ (оммавий маданият)нинг энг ашаддий ишқибози сифатида ном қозонган.

Аслида оммавий маданият ва оммавий маданий онг ролининг ортишига маданий қадриятларга бўлган талабнинг кучайиши, дам олиш вақтининг ҳаддан зиёд ортиб кетиши сабаб бўлган. Шу боис ёзувчи, сценарист, режиссёр, журналистлар каби ижодий ходимлар армияси кўп миллионли меҳнаткашларни тинчлантириш, бўш вақтини мароқли ўтказиш учун оммавий маданият соҳасида фаолият олиб боришга мажбур бўлдилар.

Булардан ташқари, ОМнинг юзага келиши ва кенг ёйилишига техник тараққиёт – нашриётлар, кинематография, компьютер технологиялари, интернет кабилар ҳам сабабчи. Энг сўнгги техник воситалар ёзувга асосланган ОАВни орқада қолдирди, деса ҳам бўлади.

Кузатишимизча, ОМнинг ҳақиқий маданият ва санъат билан умумий жиҳатлари жуда кам. Аввало, ОМ асарларини яратиш конвейер усулига асосланган. Ижодкор зиёлилар эса бу йўсинда юқори савиядаги оригинал асарларни ярата олмайдилар, чунки бу, аввало, жуда катта маблағ ва вақтни талаб этади. Қолаверса, ижод меваси ҳам ўша маблағ қийматини оқламайди; жамиятнинг фойдасидан кўра зарарига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ОМни умумий, одатий маданият билан бирдек баҳолаш тўғри эмас. Чунки ҳар бир мамлакат, ҳар бир миллат ўзига хос қадриятларга эгаки, уларни бир мезонга солиш, бир қозонда қайнатиш, бирдай қабул қилдиришга уриниш ўта маданиятсизликдир. Таъбир жоиз бўлса, бундай сунъий маданиятни - ОМ маҳсулотини рекламага ўхшатиш мумкин: уни "ишонтириш стратегияси" деб аташади ҳам. Чунки оз-оздан бўлса-да, қайта-қайта такрорлаш эвазига инсон ниманидир ўзлаштира бориши ва унга ўрганиб кетиши, уни ўз фикридай ҳис қила бошлаши исбот талаб қилмайдиган табиий ҳол. Худди мана шу усул ОМнинг босқичма-босқич сингдирилиб борилиши ҳамдир. Бу борада америкалик социолог Артур Майергоффнинг "Кишини бир нарсага ишонтириш учун фикрни унинг миясига сингиб қолмагунча такрорлаш лозим" деган эътирофи айни ҳақиқат.

Бу қараш инсон онгида ишонтириш белгиларини шакллантирувчи тилга ҳам бевосита тааллуқли. Сабаби онг ва тил замонавий ижтимоий-ахборий мулоқот оқимида ягона дискурсни ташкил этувчи унсурлардир.

Зеро, ахборий мулоқот маданияти билан узвий боғлиқ бу масалалар долзарб муаммолардан саналиб, бу хусусда ОАВнинг тили ва услубига доир махсус нашрларда атрофлича фикр билдирилган (Тошалиев, Абдусатторов, 2006: 142). Хусусан, тилнинг ижтимоий табиатидан келиб чиққан ҳолда, тил ва нутқ муносабати, нутқ амаллари, мулоқот турлари, уларнинг вазифалари, услубий хусусиятлари, оммавий мулоқотни шахслантириш муаммолари каби ўта долзарб масалалар тадқиқ қилинганлиги истиқлол даври тил сиёсатининг ОАВ тилига тўлақонли эркин-ижодий муҳит яратиб берганидан далолат.

"Оммавий маданият"нинг шаклланишида, унинг ижобий ва салбий жиҳатларининг инсонлар фаолиятига, руҳиятига таъсирида ОАВ соҳасидаги ҳар бир ижодкорнинг тил билими, малакаси, ўзбекона талаффуз, ўзбекона фикр ифодалаш, ўзбек тилида саводли ёза билиш, ўзбек тили грамматикаси қонуниятларига бефарқ бўлмаслик, ўзбек тилининг турли нутқ услубларига хос хусусиятларни мукаммал билишлари каби масалалар ўта муҳим аҳамият касб этади. Оддий бир мисол. Лексика – очиқ эшик. Сўзларнинг дунё кезиши, халқларнинг бир-биридан сўз олиши табиий ҳол, айниқса, миллатлараро муносабатлар кенгайган ҳозирги даврда. Маркетинг, брокер, менеджер, менеджмент, пейджер, роуминг, сайт, чат, фейсбук, ноутбук, нетбук, планшет, смартфон каби сўзларнинг нутқимизда ўз луғавий бойлигимиздай қўлланаётганлиги салбий ҳол эмас, чунки уларнинг ҳар бири ўз предмети, ўз доираси, ўз вазифасига мос ишлатилаётган замонавий луғавий бирликлар. Бироқ айрим сўзларнинг ҳақиқий салбий маъносини тушуниб етмай, уларнинг асл моҳиятини яшириб уларга романтик бўёқ бериб қўллаш ҳолатларига сира ижобий баҳо бериш мумкин эмас. Масалан, "ёлланма қотил" маъносини бугунги кунда асосан "киллер" сўзи орқали англатиш, унга романтик тус бериш ва шу орқали бундай кишилар фаолиятига муносабат тушунчасининг ўзгартирилиши ўта салбий ҳол (Қиёсланг: рус тилидаги "путана" сўзи ҳам шу мақсадда қўлланяпти).

Шу ўринда рус ёзувчиси Лев Толстойнинг "сўз"га берган баҳосини эслаш ўринли: "Сўз – бу буюк фаолият. Буюклиги шундаки, сўз ёрдамида инсонларни бирлаштириш ҳам, ажратиб юбориш ҳам мумкин. Сўз билан севги ва муҳаббатга ҳам, ёвузлик ва адоватга ҳам хизмат қилиш мумкин. Инсонларни айирувчи сўздан эҳтиёт бўлинг" (Толстой, 1928-1958: 43).

Шундай экан, тил ҳам, нутқ ҳам қанчалик оммавий бўлмасин, у муайян меъёрларга бўйсуниши шарт. Афсуски, бугунги кун матбуотида мана шу талабга ҳар доим ҳам риоя қилиняпти, деб бўлмайди. Қуйидаги мулоҳазалар баъзи бир кузатишлар натижаси.

1. ОАВнинг энг фаоли ҳисобланган радио ва телевидениеда ўзбекона нутқ нафосати етишмайди: Сабаби, сўзларнинг иқтисод қилиниши, фразаларнинг блок шаклида тузилиши, стереотиплар ва штампларга кенг ўрин бериш, тушунилиши қийин варваризмларнинг фаоллашуви, парафрастик қўлланишларнинг нофаоллик касб этиши ва шу кабилар.

2. Кўп ҳолларда ОАВга хос мантиқий ва поэтик тафаккур риторик тафаккур шакллари тазйиқига учрамоқда. Бундан мақсад битта: рекламага хос бўлган исбот талаб қилмайдиган ишонтириш йўриғига эришиш.

3. ОАВ нутқида тушунилиши қийин бўлган сўз ва ифодаларнинг фаоллашуви.Масалан,жаргонизмларнинг,рус тилшуносларининг кузатишича, сўнгги 10 йил давомида ўғрилар лексикасидан 1500га яқин сўз ва ибора муомалага кирган. Ҳатто жаргон сўзлар луғатига эҳтиёж юзага келган. Шунингдек, ОАВ матнида персонификация (шахслантириш) кучаймоқда. Масалан, “У атлас кўйлаклар тикмоқда бугун, ниҳоятда бежирим. Гўзал. Мижозлари мамнун” ёки “Болтабой ака бир сават шафтоли узиб чиқди. Муздеккина. Бирам ширин. Кўзингиз қувнайди. Боғмисан-боғ! Бу боғни бунёд этгунча...” тарзидаги жумлалар ёзма-китобий нутққа оддий сўзлашувга хос жонлилик, табиийлик руҳини, мулоқотга шахслантирилган ифода йўсинини беради.

4. Электрон ОАВ жадал ривожланиши туфайли СМСлар ёзиш кенг ёйилди. СМСларда эса адабий тил меъёрлари билан мутлақо ҳисоблашилмайди. Сўз ва сўз шакллари қандай айтилса, шундай ёзилаверади. Бу инсонларнинг саводхонлигига салбий таъсир кўрсатяпти. Сир эмас, ҳозирги даврга келиб, кишиларнинг 70-80 % ахборотни радио ва телевидение, электрон ОАВлардан олади, 20-30% ахборотгина матбуот нашрларидан ўзлаштирилади. Аён англашилиб турганидек, электрон ОАВларнинг хизмати кучайган, инсонларнинг онгига, тафаккурига, луғат бойлигига таъсири ўта ошган. Натижада, фикрлаш тарзлари ўзгарган, уни баён этиш усуллари ҳам сийқалашган; айниқса, бугунги кун ёшлари электрон ОАВларнинг қулига айланиб қоляпти.

5. ОАВларида услуб ва меъёр муносабатини сақлаб қолиш хусусидаги маълум назарий тавсияларга риоя қилинмаётганлиги ачинарли. Ҳолбуки, махсус манбаларда ўринли таъкидланганидек (Тошалиев, Абдусатторов, 2006: 4), оммавий мулоқот маданияти адабий тил (нутқ) маданияти тараққиёти ва такомилида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, оммавий мулоқот тили адабий тил қўлланишининг энг фаол соҳасидир, тил мулкидаги ўзгаришларни тезкорлик билан қайд этувчи ва синовдан ўтказувчи оммабоп, ҳаммабоп нутқ услубидир. Санъаткор, журналист ёки маданият ходимларининг булардан хабардорлик даражаси, амалиётда фойдалана олиш малакаси шахсий ижодий маҳорат нуқтаи назаридан ҳам, ижтимоий-касбий масъулият ва маданият нуқтаи назаридан ҳам эътиборга моликдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Розенберг Б., Уайт Д. Массовая культура. Популярные искусства а Америке. Перевод с англ/ ed by B/Rosenberg. And D.M.White. -London, 1957.

2. Тошалиев И.Э., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2006.

3. Толстой Л.Н. Полное собрание сочинений в 90 т. –Москва, 1928-1958.

ШУҲРАТ ИЖОДИДА УРУШ МАВЗУИ ТАСВИРИ

ŞÖHRET'İN ESERLERİNDE SAVAŞ KONUSUNUN BETİMLENMESİ

Нодира Соатова,
филология фанлари номзоди, доцент
Жиззах давлат педагогика институти (Ўзбекистон)

Doç. Dr. Nadira Saatova,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü
(Özbekistan)

Özet. Makalede tanınmış şair ve yazar Şöhret'in eserlerinde savaş konusunun nasıl ve ne derecede işlendiği ile ilgili görüşler kaleme alınmıştır.
Anahtar kelimeler: Edebi etki, edebi sanat, tefekkür, dramatik durum, psikolojik durum, edebi ifade, psikolojik analiz.

Аннотация: Эта статья о литературных трудах Шухрата в них показаны героические подвиги людей в годы войны .
Ключевые слова: Литературное влияние, художественное мастерство, размышление, драматическое состояние, душевное переживание, художественное выражение, психологический анализ.

The summary: This article is devoted to the war and the reflection of public's bvavery in Shuhrat's works.
Key words: Literary influence, art skill, reflection, dramatic condition, sincere experience, art expression, the psychological analysis.

Иккинчи жаҳон уруши даври Шуҳрат бадиий ижодида ўзгача аҳамият касб этган. Бу шоирни урушда бевосита иштирок этгани ва урушни ўз кўзи билан кўрганидан бўлса керак. Дарҳақиқат, шоирнинг "Шинелли йиллар" туркуми шеъларида тасвирланган жангчи образи ватан учун жон фидо қиладиган, Ватанни ғоятда севган, унинг тупроғини кўзига тўтиё айлаган инсон образи бўлиши билан бирга "...урушда актив иштирок этсада, урушга нафрат билан қарайди" (Султонов, 1971: 21).

Шуҳрат шеъларида жангчи образини яратилиши хусусида гапирар эканмиз, унинг ижодига хос бир хусусият, яъни цикл–туркум шеърлар яратиш орқали лирик қаҳрамоннинг характерини турли томонларини ёритган шоир эканлигини эътироф этмай иложи йўқ.

"Жангчи блокнотидан" шеърий туркумида ҳаракат қилувчи қаҳрамон орқали, жангчи матонати, ватанпарварлик, инсоний туйғулар, элга, ёрга садоқати каби хислатлар рангли буёқларда очиб берилади. Албатта, бундай туркум шеърлар яратишнинг ўзига хос жанр хусусиятлари, ички қонуниятлари, яъни мазмун ва маъно жиҳатидан алоҳида–алоҳида бўлган шеърларнинг жамисини умум композицион бутунликка бўйсиндириш, ижодкорни қизиқтирган, илҳомлантирган воқеа–таассуротларни лирик кўринишда бадиий тасвирлаш–шоирнинг диққат марказида бўлган.

Бу туркумдаги "Сенинг альбомингга", "Окопда", "Гул", "Кўчат", "Украин қизига", "Қувонч", "Не гуноҳи бор!?", "Қиличини ол", "Жангчи қабри", "Поляк қизига", "Мен тирик", "Дўстимнинг хотираси", "Нишона", "Йўлдан мактуб", "Илтимос", "Пруссиядан мактуб", "Тўрт лавҳа", "Ғалаба дақиқаси", "Ғалаба", "Энди билсам" каби шеърларда инсоний фазилатлар, ёр муҳаббати, ҳижрон, висол онлари, шунинг билан бирга фашистларни қилган хунрезликларини алам ва изтиробли лавҳаларда жонли ва ишонарли

тарзда тасвирлаб берадики, бунга юқорида эътироф қилганимиздек, шоирнинг ҳаётий фактлар, жонли лавҳалар, реал кишилар тақдири асос бўлган.

Демак, ветеран шоир урушнинг қалбида кечган изтиробларини қоғозга тушириб "Шинелли йиллар дафтари" номи билан туркум шеърларини яратади. Шоирнинг урушда кўрган кечирганлари шеърга сиғмасди, унинг ўзи ёзганидек:

Жанговар йилларнинг эртаги узун,

Ҳар ўқнинг учиши ўзи бир достон.

Шу алпозда, Шуҳрат "Шинелли йиллар" романи устида иш бошлади. Лекин минг таассубки, уни охирига етказа олмади. Чунки 50–йиллар Сталин даври қатағонлари қаторида ўтмишни идеаллаштирувчи, шўроларга қарши, фаолият юритувчи гуруҳнинг аъзоси, деган сиёсий айблов билан Шуҳрат 25 йилга озодликдан маҳрум этилиб, шимолий Қозоғистонга сургун қилинган эди. Жамиятда рўй берган бурилишлар оқибатида Шуҳрат оқланиб, яна уйига, ижод қўйнига қайтар экан, 1947–йил бошланиб, яримлаб қолган "Шинелли йиллар" романини ёзиб тугатишга киришди.

Шуҳратнинг "Шинелли йиллар" романинг ўзига хос томонларидан бири шуки, у уруш картинасини унинг дастлабки этапларидан бошлаб, то охиргача бадиий тасвирлашга уринганлиги билан характерлидир. Асардаги оддий солдатдан генералгача бўлган образлар ҳаққоний ва ҳаётийлиги билан қимматлидир. Адиб эътирофидек: "...ўзбек солдат–офицерларининг Улуғ Ватан уруши майдонларидаги жонбозлигини кўрсатиш ниятида воқеани уруш арафасидан бошладим. Асосий материал бўлиб ўз биографиям хизмат қилди. Тўғриси, кўрган–билганларим далда бўлди. Бунга дўстларим ҳаёти, ижодий тўқималарим қўшилиб кетди... Шундай қилиб "Шинелли йиллар" романи дунёга келди!" (Шуҳрат, 1969.7).

Романда, урушнинг бевосита қатнашчиси бўлган Элмуроднинг биографияси талқини жараёнида шафқатсиз, бераҳм, лаънати урушнинг оқибатларини бирма–бир шоҳиди бўлиб борамиз. Мазкур роман фақатгина бош қаҳрамон Элмурод ҳақида бўлмай, катта бир тарихий даврни, авлодлар бир умр унутмайдиган Иккинчи жаҳон уруши манзараларини реал чизишга қаратилган.

Романда, Элмурод олий маълумотли, Ватанини севувчи, шунинг учун курашган ғалабага ўзини ҳиссасини юрак амри билан қўшган образ сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. Мамажон Турдиев, Рашид, Муҳаррам, Йўлдош Отаев, Содиқов каби ватандошларимизни образлари ҳам романда ёрқин буёқларда чизилган. Ёзувчи Элмуроддаги мавжуд инсоний фазилатларни турли муносабатларда оча бориб, ўқувчига маънавий таъсир этиш усулини қўллайди. Элмурод характерининг тарбиявий моҳиятини унинг атрофидаги кишиларга кучли таъсир кўрсатишда, ўз ўртоқларига бўлган самимий муносабатларида, оғир вазиятлар юз берганда сезилади. Масалан, у ўз батальони билан фашист газандалари қуршовида қолади. Озиқ–овқат, қурол–аслаҳа саноқлиқ. Бунинг устига, командир Данильченко оғир ярадор. Душман борган сари ҳужумни кучайтирар, ҳар бир кўринган нарсани нишонга олар эди. Ёзувчи ана шундай қалтис ва мураккаб ситуацияда ўз қаҳрамонини тасвирлар экан, Элмуродда содир бўлаётган ҳар бир ўзгаришни, психологик ҳолатни кўз ўнгидан қочирмайди. Унинг онгида содир бўлаётган душманларга нисбатан ғазаб ва нафрат (ғазабидан титраб, оқариб кетиши) ўқувчи кўз ўнгида намоён бўла боради. У жангчилар ва қолган қурол–аслаҳаларни бирма–бир санаб чиқади, озиқ–овқатларни қаттиқ кузатув остига олади. Энг муҳими, солдатларнинг руҳини чўктирмаслик эканлигини жуда яхши англайди.. Элмуроддаги ана шундай жонбозлик ва ҳаракатчанлик бўлмаганда эди, кўп кунлик қуршовдан ёриб ўтиш мумкин эмас эканлигини, ўқувчи, роман ўқиш жараёнида яхши англайди.

Маълумки, Элмурод бир пайтлар яъни қишлоқдалик даврида Муҳаррам исмли қизни севган эди. Афсуски, уруш туфайли бу севги барбод бўлади. Элмурод армия сафида хизматга боради. Характерлар ривожи давомида шу нарса аниқ бўла борадики, шу Муҳаррамнинг турмуш ўртоғи Рашид Элмуроднинг бўлинма солдатлари қаторида хизмат қила бошлайди. Ҳаётда учраши мумкин бўлмаган тасодиф. Ёзувчи бу икки образни

атайлаб бир–бирига тўқнаш келтиради. Шу орқали Элмуроднинг характерини очиб беради. Элмурод ҳамма воқеадан воқиф, лекин Рашид хабарсиз. У ротада яхши жангчи. Умуман ёзувчи бу икки образни ўч олиш мумкин бўлган қулай пайтларда бир–бирига рўпарў қилади. Романни ўқиётган китобхон бирор воқеа содир бўлишини кутади. Воқеалар ипи таранг тортилади, конфликт жуда кескинлашади. Ўқувчи кўнгилсиз воқеа юз беришига амин бўлиб турган бир пайтда Элмуроддаги одамийлик, инсонпарварлик устун келади. Элмуроднинг олийжаноблиги, ўз солдатларига нисбатан меҳрибонлигини ифодалар экан, ёзувчи психологик ҳолатлар тасвиридан унумли фойдаланади.

Элмурод образи роман сюжетининг асосий йўналишини бошқаради. Романда берилган ёрдамчи характерлар, персонажлар, эпизодларнинг деярли ҳаммаси–Элмурод образининг турли томонларини очишга, бу образ динамикасини таъминлашга қаратилган. Воқеалар давомида Элмуроднинг етук командир бўлиб етишгани кўрсатилади. Романда ҳар бир воқеа–ҳодисалар бири иккинчиси билан боғланган ҳолда кўрсатилади, асарнинг бош сюжет линиясини тўлдириб боради.

Асарнинг композицион марказ ролини ўтовчи Элмуроднинг ҳаёт йўли, аҳлоқий қиёфаси, маънавий дунёси, ички кечинмалари, ундаги типик хусусиятлар–душманга қарши курашда, дўстларига бўлган муносабатларида, оғир дамларда, даҳшатли дақиқаларда, ўзини тутиб идора қилишларида бирма–бир очилиб боради. У қизғин жанг пайтларида ҳам ўзини йўқотмайди. Ҳар бир вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишга мантиқан ишонамиз. Аслида ҳам, адабиёт ва ёзувчининг муқаддас ва олий бурчи ҳам содир бўлаётган воқеа–ҳодисаларга китобхонни ишонтира олиш, қаҳрамоннинг ҳатти–ҳаракатининг ҳақлигини исботлай олишдир. Шунинг учун ҳам Элмурод Улуғ Ватан урушида матонат ва қаҳрамонлик кўрсатган жангчининг типик вакили сифатида китобхон кўз ўнгида гавдаланади. Урушнинг шафқатсиз қонунияти унинг бошига ҳам анча кулфатларни солган. Жанг пайтида унинг иши нуқул ўнгидан келавермайди, курашдан зиён–заҳматсиз чиқмайди. У ҳам бошқалар сингари жанг майдонида баъзан адашади, хатога йўл қўяди, жангга қизиқиб кетиб, майдонда жанг қилаётганда оғир ярадор бўлади, оёғи синади, қорнидан қаттиқ жароҳатланади, ўлим билан юзма–юз келади, севган қизи Зебодан ажралади, хуллас, кўпгина кўргилик ва кулфатларга дучор бўлади. Бу, албатта, ёзувчининг жанг жараёнини яхши билганлиги, ўз кўзи билан кўрганлиги, чуқур ўрганганлиги, тасаввур ва идрок қилганлигидан далолатдир. Ёзувчи воқеликни бўямайди, у қандай бўлса шундайлигича реал акс эттиради. Буни биз бевосита Мамажон Турдиев образида кўрамиз. Ёзувчи Турдиев характерини яратар экан, унинг онгининг шаклланишини сунъий ва ҳиссиз қуруқ баён этиш йўлидан бормайди. Реал, ёрқин, ҳаққоний ва ишонарли тарзда кўрсатишга ҳаракат қилади. Жанг дамлари Турдиевга катта ҳаёт мактаби бўлади. Асардаги Мамажон Турдиев характерларининг ривожини кузатсак, бу образларнинг маънавий аҳлоқий қиёфасини белгиловчи муҳим хусусият–она Ватани, қаҳрамон халқига бўлган меҳр–муҳаббатда эканини англаймиз. Ёзувчи Элмурод, Турдиев образларининг характерини очиб бериш учун жанг картиналарини реал чизишга ҳаракат қилади.

Хуллас, Шуҳрат кўп қиррали истеъдод соҳиби, ўз халқи, ватанига содиқ ижодкор. Унинг асарлари тили содда, равон, халқ тилига яқин, аниқроқ айтганда халқнинг орзу–умид, ўй–кечинмаларини бадиий тасвиридир. Шу сабабдан, Шуҳратнинг адабий мероси ХХ аср ўзбек адабиётининг сара намуналари қаторида туради ва ёш авлодни эзгулик руҳида тарбиялашга бевосита хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1 Султонов И. “Шуҳрат ижоди ҳақида фикрлар”. “Ёш ленинчи” газетаси, 1971, 21 май, № 98.

2. Қаранг. “Ижодий етуклик”. Шуҳрат. Танланган асарлар. Уч жилдлик, биринчи том. – “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1978.

3. Шуҳрат. Танланган асарлар. Уч жилдлик, Иккинчи том. –“Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1980.

4. Шуҳрат. Танланган асарлар. Шинелли йиллар. Уч жилдлик, учинчи жилд – Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1980.

5. Шуҳрат. Шинелли йиллар. – Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги Бадиий Адабиёт” нашриёти, 1968.

ЎЗБЕК ТЎЙ МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ШАЙХ СУЛАЙМОН БУХОРИЙ ЛУҒАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

ÖZBEK DÜĞÜN MERASIMLARINDAKİ TÜRKÜLERİ ARAŞTIRMADA ŞEYH SÜLEYMAN BUHARİ'NİN SÖZLÜĞÜNÜN ÖNEMİ

Матлуба Муродова,
фалсафа доктори, доцент,
Тошкент давлат миллий рақс ва
хореография олий мактаби (Ўзбекистон)

Doç. Dr. Matluba Muradova
Taşkent Devlet Milli Raks ve Koreografi
Yüksek Mektebi (Özbekistan)

Özet. "Lügat-ı Çigatayi ve Türki Osmani" sözlüğü Özbek düğün merasımları ile ilgili çalışmalar için önemli kaynaklardan biridir. 340 sayfadan oluşan mezkûr lügat 1882 yılında yazılmıştır.Makalede Özbek düğünlerinde icra edilen türkülerle ilgili terim ve kavramların "Lügat-ı Çigatayi ve Türki Osmani" nasıl açıklandığı ile ilgili görüşler ileri sürülmüştür.

Anahtar kelimeler. "Lügat-ı Çigatayi ve Türki Osmani", çanka, etnofolklor, türkü, şarkı, koşuk, folklor materyalı.

Summary. The article "Лугати чигатойи ва турки усмоний» is one of the important sources of studying of wedding and ceremonial songs is devoted to manuscript studying "Лугати чигатойи ва турки усмоний". Manuscripts are considered as one of the sources forming a basis of research of genesis, processes of formation and laws of development of a certain stage of the ritual songs being special layer of culture and art thinking of the Turkish people. One of such rare sources is "Лугати чигатойи ва турки усмоний", created in 1882. This work from 340 pages consists of "Introduction", "Rules" and "Dictionary". This article can be an important source for researchers, the masters-students studying the Uzbek wedding ceremonial folklore.

Key words: the Uzbek ritual folklore, a widding ritual, a genre, a song, a poetic context, ethnofolkloristics, folklore materials.

Резюме. Данная статья – "Лугати чигатойи ва турки усмоний" как один из важных источников изучения свадебно-обрядовых песен посвящена изучению рукописи "Лугати чигатойи ва турки усмоний". Рукописи считаются одним из источников, служащих основой исследования генезиса, процессов формирования и законов развития определённого этапа обрядных песен, являющихся особым пластом культуры и художественного мышления тюркских народов. Одним из таких редких источников является "Лугати чигатойи ва турки усмоний", созданный в 1882 году. Это произведение из 340 страниц состоит из "Введения", "Правил" и "Словаря". Эта статья может служить важным источником для исследователей, магистров-студентов, изучающих узбекский свадебный обрядовый фольклор.

Ключевые слова: узбекский обрядовый фольклор, свадебный обряд, жанр "чанка" ("чинка"), песня, поэтический контекст, этнофольклористика, фольклорные материалы.

Туркий халқлар маданияти ва бадиий тафаккурининг ўзига хос қатлами ҳисобланган маросим қўшиқларининг тарихий илдизлари, шаклланиш жараёни ва ҳар бир даврдаги тараққиёт қонуниятларини тадқиқ этишга асос бўладиган манбалардан бири қўлёзмалардир. Чунки қўлёзма ҳолида бизнинг кунларгача етиб келган ёзма манбаларда туркий халқларнинг ўзига хос маросим ва урф-одатлари, расм-русумлари, фольклори ва этнографиясига доир нодир материаллар сақланиб келмоқда. Ана шундай ноёб

манбалардан бири шайх Сулаймон ибн Қудратуллоҳ Бухорийнинг 1882 йилда яратилган “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” асаридир. Ўзбек тилшунослиги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур луғат И.Кинос, Ҳ.Ҳасанов, Х.Рустамова, каби олимлар томонидан тадқиқ этилган бўлса-да, (Ingas Kunos, 1902. Ҳасанов, 1964: 221. Рустамова, 1975: 71) бу манбада келтирилган халқ оғзаки бадиий ижоди намуналари фольклористик нуқтаи назардан ўрганилган эмас. Бизнинг ушбу мақоламиз бу борадаги илк тажрибалардан бири ҳисобланади.

Асар ҳақида сўз юритилар экан шу ўринда шайх Сулаймон Бухорийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. “Шайх Сулаймон Қудратуллоҳ Қундузийнинг ўғлидир. У Қоракўл вилоятининг Қундуз қишлоғидандир. Онаси тарафидан Убайдуллоҳ эшон Қоракўлий ва Яҳё эшон Туркмоний билан қариндошлиги бор”, деб ёзади ўз даврининг олими Шахобиддин охунд Маржоний. Татар олими Маржоний 1881 йилда Шарққа сафарга чиққанида Сулаймон Бухорий билан учрашган эди (Ҳусанов, 2009: 5. Хасанов, 1964:222. Бухорий, 1298 ҳ.й.: 10).

Турк олими Муҳаммад Фуод Купрулзода ўзининг “Миллий татабуълар мажмуаси” номли китобида Шайх Сулаймон ибн Қудратуллоҳ Бухорий ҳақида маълумотлар бериб, уни 1821 йилда Қоракўл вилоятида туғилганлиги ва шу ерда яшаб савод чиқарганлигини таъкидлаб ўтади.

Сулаймон Бухорий Шарқ мумтоз адабиёти билан жуда яхши таниш бўлганлиги, ҳатто ўзи ҳам “Нақший” тахаллуси билан шеърлар битганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. У Осиёда яшовчи халқларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одати, маросимларига қизиқади. Бу қизиқиш уни саёҳатга ундайди. У Эрон, Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон ҳамда Хитой каби мамлакатларда бўлиб, у ердаги халқларнинг урф-одатлари ва маданияти билан танишади. Унинг бу саёҳати ҳақида профессор Х.Ҳасанов ўзининг “Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар” номли китобида батафсил маълумотлар берган. У саёҳат давомида айрим халқларнинг оғзаки ижодиётини, уруғ номларини ва шевалари ҳақида ҳам маълумотлар тўплаган. “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” асарининг муқаддимасида шундай деб ёзади:

Туркманнинг ҳолин бир-бир билдим,
Жинсу миқдорини дафтар қилдим (Бухорий, 1298 ҳ.й. : 10).

Сулаймон Бухорий 1847 йилда саёҳатдан қайтиб Бухоро амири Насуриллохон (1827-1860) билан учрашади. Амир уни Истамбулдаги “Ўзбеклар такяси” (муҳожир ўзбеклар уюшмаси)га раис ҳамда амирликнинг Истамбулдаги шеҳбендери (элчиси) қилиб тайинлайди. У Истамбулда олим ва шоир сифатида жуда тез танилади. У бир нечта илмий жамиятларга аъзо бўлади.

Мунда баъзи ера аъзо бўлдим,
Фахрий хизмат ҳампо бўлдим (Б.10).

Мана шундай илмий жамиятлар бири - Ўрта Осиё туркий қабилаларининг “Муҳожирин” номли илмий жамиятига аъзо этиб сайланади ва тез орада бу илмий жамиятнинг бошлиғи даражасига кўтарилади.

Тахминан 1875 йилларда Венгриянинг Сакден шаҳрида туркийшуносларнинг халқаро анжумани чақирилади. Бу анжуманга “Муҳожирин” илмий жамияти ва чиғатой туркийлари (ўзбеклари) номидан Сулаймон Бухорий вакил этиб юборилади. Сулаймон Бухорий жамиятнинг бир нечта вакиллари билан Венгрияга боради. Уларни можор халқи жуда яхши кутиб олади. Анжуман иштирокчилари Сулаймон Бухорийнинг чиғатой туркийларидан эканлигини билганларидан сўнг чиғатой (эски ўзбек) тилига оид саволлар билан мурожаат қилишади ва олимдан чиғатойча-туркча луғат тузиб беришни илтимос қилишади.

Осиёдан келишим англадилар,
Чиғатой билдигим тингладилар.

Кўп гап урмоққа талошлашдилар,
Бу луғат узра кенгашдилар.

Венгриядан қайтгандан сўнг у чиғатой тили ва адабиётига оид материалларни тўплай бошлади ва луғатни тузишга киришди. Асар “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” номи билан 1881 йилда Истамбулдаги “Меҳрон” матбаасида нашр эттирилади. Бу луғатнинг чоп этилиши нафақат Шарқда балки Ғарбда-Европа олимлари ўртасида ҳам қизиқиш уйғонишига сабаб бўлди. Можор олими Иғонос Кунуш бу луғатни топиш ва Сулаймон Бухорий билан учрашиш учун 1881 йилда Истамбулга келади. Бу учрашув ҳақида у ўзининг “Турк халқ адабиёти” китобида кенг маълумот бериб ўтган. Иғонос Кунуш бу луғатни немис тилига таржима қилиб, 1902 йилда Будапештда нашр қилдиради. Луғатни Европада танилиши ва тарқалишига айнан мана шу можор олимининг хизматлари катта бўлди.

340 саҳифадан иборат бу асар “Муқаддима”, “Қавоид” (яъни “Қоидалар”) ва “Луғат”дан иборат бўлиб, муаллиф ўғуз тиллари ва лаҳжаларининг ўзига хос лексик хусусиятларини ёритиш учун ички алифбога риоя қилинган ҳолда яратган. Луғатда чиғатой тилида кўп ишлатиладиган ҳарфлар, ҳамда жуфт, такрор сўзлар мисол тарзида келтирилган.

Луғатда айрим сўзларнинг маъносини изоҳлаш мақсадида Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Махтумқули, Андалиб, Лутфий, Бобур Ҳусайн Бойқаро, Мунис, Насимий, Нодира, Рабғўзий, Сайқалий, Сўфи Оллоёр, Машраб, Ҳувайдо сингари йирик шоирларда ижодига мансуб асарлардан олинган парчалар билан бир қаторда қўшиқ, ривоят, мақол, матал, топишмоқ, достон, авраш-афсун ва бошқа жанрларга оид фольклор материалларидан ҳам самарали фойдаланган.

Ёрни кўрдим қип-қизил гул юзлари,
Сурма-сурмамиш сип-сияҳдур кўзлари.
Юзи-кўзи афтидан бошқача,
Ўлтуродур тотли-тотли сўзлари (Б. 69).
Ёки: *Бозор борадур қизгина,*
Белбоғ оладур қизгина.
Юз ноз карашмалар билан,
Савдо қиладур қизгина. (Б. 93)

Луғатда келтирилган айрим қўшиқларнинг вариантларини бугунги кунда ижро этилаётган оғзаки ижод намуналарида ҳам учратиш мумкин:

Қўй келодур қўзи билан,
Бир бирининг изи билан.
Менинг ёрим ўйнаб чиқар,
Ҳамсоянинг қизи билан (Б. 50)
Қўй келодур қўзи билан, ҳай ёр-ёр, ёр,
Бир-бирининг изи билан, ҳай ёр-ёр, ёр,
Менинг ёрим ўйнаб чиқар, ҳай ёр-ёр, ёр,
Ҳамсоянинг қизи билан ҳай ёр-ёр, ёр (Оқ олма, қизил олма. –Б.69)
Рўмолимни ювдирдим,
Қаро толга ёйдурдум.
Севиб олган ёримни,
Қароқчига олдурдум (Б. 220).
Рўмолимни ювдирдим, омон-ёр,
Қаро толга ёйдурдум. омон-ёр,
Севиб олган ёримни, омон-ёр,
Қароқчига олдурдум, омон-ёр (Оқ олма қизил олма. – Б.69).
Қизгина қирга қўядур бўзини,

Савдогарга кўрсатади ўзини,
Савдогар савдога кетди мол учун,
Қизгина шайдойи бўлди ёр учун (Б. 246).
Қизлархон томга қўядир бўзини,
Савдогарга кўрсатадир ўзини,
Савдогар савдо қиладир мол учун,
Йигитнинг топган моли кизлар учун
(Оқ олма қизил олма.–Б.139).

“Луғати чиғатойи ва турки усмоний”да тўй маросим фольклорининг бир қатор жанрлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, “чанка” сўзи “келинни кутиб олишаётганда рақсга тушиб айтиладиган қўшиқ, қўшиқнинг охирида ёр-ёр айтилади деб изоҳ берилган. “Чанка” (“чинка”) жанри туркий халқлар фольклорининг қадимий жанрларидан бири бўлиб, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида “яна чангидурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчурув тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъ ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсариҳи матвийи мавқув баҳридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўрниға мазкур қилурлар”, тарзида изоҳланган. Бу атаманинг этимологик асоси қадимги туркийлар тилидаги “овоз”, “садо”, “товуш” маъноларини англатувчи “**чанг//чинг**” сўзидир.

Бундан ташқари, ушбу луғатда тўй маросим фольклорига оид “ўлан”, “ёр-ёр”, “арғуштак” жанрларига доир материаллар ҳам учрайди. Шайх Сулаймон Бухорий ўзи истиқомат қилган Қоракўл воҳаси аҳолисининг тўйларда ижро этиладиган қўшиқларини тўплаб, сўзлар маъносини изоҳлаш мақсадида ўз луғатига ҳам киритган. “Ёр-ёр” жанрига оид матнларда Қоракўл воҳасида оммалашган ўғуз лаҳжасидаги фольклор ижрочилигининг ўзига хос локал хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Ҳой-ҳой ўланг, жон ўланг,
Паноҳ бергин, ёр-ёр.
Бойбаччага доимо,
Сафо бергин, ёр-ёр (79-бет)

Луғатда келтирилган фольклор материалларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, XIX асрнинг иккинчи ярмида Қоракўл воҳасида “Гўрўғли”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Тоҳир ва Зуҳра” сингари достонлар кенг тарқалган бўлиб, бахшилар ижросида Хоразм ваҳаси эпик анъаналари ва туркман достончилигининг таъсири жуда кучли бўлган. Халқ орасида Махтумқули, Андалиб, Мулланафас каби шоирларнинг шеърий асарлари кенг ёйилиши билан бир қаторда, воҳа маросим қўшиқларида ҳам ўғуз тип ижрочилик анъаналари таъсири сезилиб турган. Ушбу луғатдаги фольклор материалларини ўзбек ва туркман халқ бадиий ижодиётининг бевосита оғзаки ижро жараёнида ёзиб олинган ва нашр қилинган намуналари билан қиёсий ўрганиш натижасида тўй маросим қўшиқларининг тарқалиш ареали, XIX аср иккинчи ярмида икки халқ ўртасидаги қадимий адабий алоқаларнинг асосий йўналишлари ва фольклор жанрларининг поэтик эволюциясини тадқиқ этиш лозимлиги адабиётшунослик ва фольклоршуносликнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ingas Kunos. Şejx Sulejman Efendis Çagatay-Osmaniches Wörterbuch. Verkurste und mit deutscher Uberaetsung versehene Ausgabe. – Budapest, 1902.

2. Ҳасанов Ҳ. Шайх Сулаймон Бухорий // Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. – Тошкент, 1964, Б.221-224-бетлар.

3. Рустамова Х. Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чиғатойи ва турки усмоний” асарида қайд этилган лингвистик терминлар // Ўзбек тили ва адабиёти.Тошкент,1975, 2-сон, 71-73 бетлар.

4. Хусанов Н.А. Лексикографическая характеристика словаря шейха Сулеймана Бухари “Лугати чагатайи ва турки усмани”: Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1982.

5. Ҳусанов Н. Шайх Сулаймон Бухорийнинг ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент, 2009.

6. Хасанов Х.Шайх Сулаймон Бухорий.-“Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар”. Тошкент, 1964.

7. Шайх Сулаймон Афанди Бухорий. Луғати чағатойи ва турки усмоний. – Истамбул, 1298 ҳ.й., 10-бет.

ТАЛАБАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-МАДАНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

ÖĞRENCİLERİN ENTELEKTÜEL-KÜLTÜREL AÇIDAN GELİŞTİRİLMESİ MESELELERİ

М.Н.Исроилова, фалсафа доктори, доцент
Д.Ю.Юлдашева, катта ўқитувчи
Тошкент давлат стоматология институти
(Ўзбекистон)

Doç. Dr. M.İsrailova,
Kıdemli Okut. D. Yuldaşeva
Taşkent Devlet Stomotoloji Enstitüsü
(Özbekistan)

Özet. Makalede öğrencilerin entelektüel-kültürel açıdan geliştirlmesi sorunun ve bu sorunun pedagojik-psikolojik yönü, diyagnostik göstergeleri ele alınmıştır.
Anahtar kelimeler: öğrenci, enetelekt, kültür, gelişim, dil, Latin dili.

Abstract. In this article is stated pedagogics and psychologies parameters and diagnostics factors intellectual-cultural development students.
Key words: student, intellect, culture, development, intellectual-cultural development, language, latin language.

Маълумки, мустақил юртимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон манфаатларини мукаммал равишда рўёбга чиқариш, халқимизга фаровон турмуш тарзини ёритиб беришдек эзгу мақсадларга йўналтирмоқда. Ушбу вазифаларни қисқа муддатларда муваффақиятли ҳал қилиниши бугунги кунда нафақат давлатимиз, балки ўзимиз яшаётган жамият ҳар бир аъзосининг бу борадаги собитқадам ва онгли фаолияти билан ҳам боғлиқдир. Мамлакатимизда илгари сурилган кучли давлатдан кучли жамият сари ғоясининг асосида айнан мана шу халқчил моҳият ётади. Кучли жамиятни шакллантириш, авваламбор, инсоннинг жамиятдаги ўрнини англаб етиши билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. Бу ўринда жамият аъзоларининг интеллектуал-маданий ривоожланиш даражаси, уларнинг фикрлаш доираси, дунёқарашининг кенглиги каби омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Демак, интеллектуал-маданий ривожланиш омили мамлакатимиз тараққиётининг бугунги кундаги долзарб вазифаларни рўёбга чиқаришнинг энг асосий воситасига айланди, десак хато қилмаймиз. Шунинг учун ҳам интеллектуал-маданий ривоожланиш масаласининг назарий ва амалий жиҳатларига бугунги кунда мамлакатимизда катта аҳамият берилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини “Юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодни шакллантиришга” [1, 34] йўналтирилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур талаб олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассис кадрлар шахсини касбий, маданий ва ижтимоий жиҳатдан яхлит тарзда шакллантиришни шарт қилиб қўяди.

Республикамизда замонавий мутахассисларни тайёрлашдаги асосий тамойиллар сифатида таълимни инсонпарварлаштириш ва ижтимоий-лаштириш; уларнинг асоси сифатида эса миллий ва умуминсоний маданий қадриятлар аниқ белгилаб олинган. Шу билан бирга, бугунги кунда кадрларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган яхлит таълим жараёни “таълимнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда” [1, 44] амалга оширилиши лозим.

Интеллект муаммоси жаҳон ва миллий доирада кўп тадқиқ этилганига қарамай, ҳозирги вақтгача муаммоли тавсифга эга бўлиб қолмоқда. Чунки бугунги кунгача “интеллект” тушунчасининг хилма-хил таърифлари мавжуд бўлса-да, мазкур шахс сифатини ифода этувчи тушунча тадқиқ этилаётган объектнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олишни алоҳида талаб этади. Ана шу нуқтаи назардан талабаларни интеллектуал ривожлантириш деганда шахснинг мантиқий, абстракт, ижодий фикрлаш ҳамда эгалланган билим, кўникма ва малакаларни амалиётда қўллай олиш доирасини кенгайтириш, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда қўлланиладиган метод ва усуллардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш воситасида субъект-объект (умумий интеллектга доир) ва субъект-субъект (ижтимоий интеллектга оид) тавсифидаги вазифаларни ҳал этиш жараёни тушунилади.

Интеллектуал-маданий ривожланиш – шахс тараққиётининг муҳим тавсифини ўзида ифода этиб, ҳаётий фаолият жараёнида зарур бўладиган мустақиллик, индивидуаллик, билиш фаоллиги, фикрлаш, ўз-ўзини эркин намоён этиш, жамият талабларига мувофиқ фаол ҳаракатланиш, маданий меросни кенг миқёсда ўзлаштириш, юқори маданий савияга эга турмуш тарзини йўлга қўйиш, эгалланган билим, кўникма ва малакаларни амалиётга татбиқ эта олиш қобилиятидир.

Талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантириш яхлит тизим сифатида бир қатор таркибий қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бирлигини талаб этади. Интеллектуал-маданий ривожланиш жараёнининг таркибий қисмлари сифатида мотив, билиш, билиш фаоллиги, мустақиллик, ижодийлик, дунёқараш, илмий дунёқараш, илмий қадриятлар, маданий қадриятлар кабиларни киритиш мумкин.

Интеллектуал кўникмалар ўзида хотиранинг ривожи; идрок этишнинг ривожи; тасаввурларнинг ривожи; диққатнинг ривожини акс эттиради [2, 56].

Интеллект – шахс хусусияти бўлиб, объектив борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни уларнинг ўзига хос алоқалари ва қонуниятлари билан онгимизда аниқ ва чуқур акс эттирадиган қобилиятдир.

Интеллект барча ақлий жараёнларда, биринчи навбатда, тафаккур ва ижодий хаёлда кўринади. У кўпроқ ёрқинроқ янги муаммони мустақил ечишда кузатилади. Интеллектнинг ҳар хил одамларда турли даражада ривожланганлиги туфайли бир нечта сифатлари мавжуддир:

1) ақлнинг тушунарлиги – фикрлар оддийлиги ва ишончлилиги, унда қандайдир ўйланган фикр йўқлиги. Бу нафақат интеллектуал, балки қандайдир маънода ахлоқий хусусиятдир. Чунки ақлнинг тушунарлилиги одатда нафақат ҳаракат учун жавобгарлик, балки фикрлар учун ҳам жавобгарликни ҳис қилишдир;

2) ақлнинг мантиқийлиги – тафаккурдаги қатъий давомийлик ва системалиликдир;

3) ақлнинг чуқурлиги ёки ўйловчанлик – предметларда ва ҳодисаларда ўзига хосликни билиш қобилияти;

4) ақлнинг кенглиги – масаланинг барча томонларини ҳисобга олган ҳолда фикр юритиш қобилияти;

5) ақлнинг юмшоқлиги ва эгилувчанлиги – шаблонлик, стереотипликнинг йўқлиги, фикрлашни ўзгартириш қобилияти;

6) мустақиллик ва оригиналлик. Бу оддий ақл юмшоқлиги бўлмасдан, балки янгилик ақлий фаолиятнинг ижодий хусусияти;

7) ақлнинг танқидийлиги – текширилмаган, шунчаки олинган ҳукмлар йўқлиги, чуқур ўрганилган, таҳлил қилинган, инкорларга жиддий муносабатнинг мавжудлигидир. Инсон ақлининг бу барча индивидуал хусусиятлари меҳнат жараёнида пайдо бўлади, у шаклланади ва ривожланади [3, 37].

В.И.Морасанова “Индивидуал ўз-ўзини бошқариш ва инсон характери” номли мақоласида характер типологияси муаммосига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича, характер типологияси ва хусусиятларини қўйиш муаммоси табиийроқ бўлиб, услубий-

қатъий усулда шахс омили назарияларида ечилади. Бу ерда характер хусусиятлари ва типлари ҳар хил тартибдаги омиллар сифатида қараб чиқилади, шахс тузилишининг сифатий ҳар хил даражаларидек тасвирланади. Муаллиф характер типологиясини ўрганишда психикани тадқиқ қилишга субъектив ёндашиб, англанган ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланиш хусусиятлари нуқтаи назаридан қараб чиқади. Бу ўринда ўз-ўзини бошқариш субъектив фаолликнинг психологик механизми сифатида ўрганилади.

У олиб борган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, индивидуал ўз-ўзини бошқариш нафақат характер кўринишини назорат қилишга имконият яратганини, балки з-ўзини бошқариш характернинг шаклланиши ва шахс йўналишининг ривожланиши билан боғлиқлигини тасдиқлайди [4, 59-68].

Талабаларнинг мотивацион фаолиятининг ривожи ҳам интеллектуал-маданий тараққиётга таъсир этувчи психологик омиллар сирасига киради.

Мотивация – мотивларнинг ҳаракатланиш жараёни, инсонни асосий фаолиятга ундовчи мотивлар йиғиндиси. Мотив эса французчадан таржима қилинганда, ундовчи куч, сабаб деган маънони билдиради.

Э.Ғозиев ва Р.Асомоваларнинг тадқиқотларида таъкидланганидек, мотив ва мотивация тизими шахснинг фаолияти, муомаласи, хатти-ҳаракатининг ички регуляцияси функциясини бажариб, эҳтиёжини қондириш, хоҳиш-истак, эзгу ният, орзу-тилак, майл, ҳис-туйғу, установка, идеал, имон-эътиқод, виждон, мақсад қўя олиш ва бошқаларни амалиётда рўёбга чиқаришнинг бош омили ҳисобланади. Мотив ва мотивация фақат билимларни ўзлаштириш, ўқув малакаларини эгаллаш, муомала маромини қўллаш билан чекланиб қолмасдан, балки шахснинг хулқ-атворини, янги хислатлар намоён бўлишини ҳам изоҳлаб беришга хизмат қилади [5].

Шунингдек, талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришда В.М.Каримова раҳбарлигида янгича ижтимоий-психологик муносабатларга бағишланган тадқиқотлар ҳам диққатга сазовордир. Улар замирида ётган мулоҳазаларни таъкидлаш орқали Ўзбекистонда муносабат тизими мотивацияси шаклланишининг тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида маълум тасаввурларни шакллантириш мумкин [6]. Зеро, инсон муносабатлари унинг хулқ-атворида, ички дунёсининг шаклланишида, барча психологик жараёнларида муҳим бошқарилувчилик ролини ўйнайди.

Педагогик-психологик фанларда қўлга киритилган ютуқлар талабаларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси касбий компетенциялар ҳамда уларни ўзлаштириш жараёнида шаклланган ақлий ҳаракатлар йиғиндиси, маълум бир даражадаги янги билим ва кўникмаларни эгаллашга имкон берувчи фикрлаш жараёнида уларга эркин таяниш билан белгиланади. Талабаларнинг интеллектуал-маданий ривожланиш даражаси ҳақидаги маълумотлар махсус кузатиш ва психологик-педагогик ташхис методлари ёрдамида таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотга оид назарий материалларга таянган ҳолда, интеллектнинг муҳим сифатлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди: *тиришқоқлик; ақлнинг теранлиги; фикрнинг эгилувчанлиги ва мослашувчанлиги; фикрнинг мантиқийлиги; фикрни далиллаш; фикрнинг танқидийлиги; фикрлаш доираси.*

Мазкур сифатлар ўз навбатида талабаларнинг интеллектуал ривожланиш мезонлари тарзида белгилаб олинди. Ҳар бир мезон бўйича талабаларнинг интеллектуал ривожланишининг мавжуд ҳолатини баҳолашга ёрдам берувчи кўрсаткичлар аниқланди ва сўнгра тест ва анкета сўровномалари ёрдамида миқдорий маълумотлар олинди.

Abstract. The article deals with the emergence of a culture of communication in the east, the dissemination of the first scientific views on the culture of communication, the theory of oral oratory and the views of Turkish thinkers on words and speeches, oriental requirements for the education of people, oratory and its features.

Key words: speech ethics, communication, personality, society, grammar, logic, social agreement, inspiration theory

Манбааларда тил, нутқ ва маданият муштараклиги масалалари уйғун ҳолда талқин этилади. Аниқроғи, тил ва маданиятнинг чамбарчас боғлиқлиги ҳақида кўп гапирилади. Буни кундалик ҳаётимизда фаол истеъмолда бўлган *нутқ маданияти, нотиқлиқ санъати* каби атамалардан, халқ орасида машҳур бўлган *оз сўзла, кўп ўйла, ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, яхши сўз жон озиғи, ёмон сўз бош қозиғи, яхши сўз билан илон инидан чиқади, ёмон сўз билан пичоқ қинидан чиқади* каби сон-саноқсиз мақол ва маталлардан ҳам билса бўлади. Демак, бу муаммо “кўҳна ва ҳамиша навқирон” масалалардан. Маданият ўта кенг қамровли тушунча. Кўпчиликка ҳатто унинг моддий ва маънавий турлари борлиги ҳам ёд бўлиб кетган. Лекин тилдаги маданият унинг қайси турига кириши масаласига келганда иккиланиб қоламиз. У моддий маданият таркибига кирадими ёки маънавий маданият унсурими?

Тил, аввало, кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси. Бу нуқтаи назардан у моддий табиатли. Зеро, сезги аъзоси (эшитиш, кўриш каби) га таъсир қилувчи ҳодиса моддий саналади. Демак, кишиларнинг ўзаро алоқа воситаси сифатидаги тилга хос бўлган маданият моддий хусусиятга эга. Лекин, маънавий маданият сифатида қадрланувчи бойлигимиз –қадриятларимиз, боболардан қолган улкан бадиий ва илмий мерос, санъат асарлари бизга тил, яъни унинг асосан, ёзма, баъзан оғзаки кўринишларида етиб келган. Хўш, маънавий маданият “ташувчиси” сифатида у қандай баҳоланмоғи лозим? Биз бу маданиятни ўқиш, эшитиш орқали биламиз, ўзлаштирамиз. Бунда ҳам, эътибор қилинса, тил маънавий маданиятнинг “қобиғи” - моддий ифодаловчиси сифатида юзага чиқади. Шунингдек, кишиларнинг ахлоқий табиати, дунёқараши ҳам тил орқали намоён бўлади. Кўринадики, тил миллатнинг моддий бойлиги, ундаги маданият моддий маданиятдир. Албатта, тил бирликлари шакл ва маъно яхлитлигидан иборат. Аммо тил маданияти ана

шу маънонинг ижтимоий воқеланиши билан белгиланади. Буни яққол тасаввур қилиш учун тил ва нутқни фарқлаш лозим. Маълум бир миллатнинг энг муҳим ўзаро алоқа-аралашув воситаси **тил** дейилади. Унинг минг-минг йиллар давомида шаклланган қонун-қоидалари шу тилда сўзлашувчи барча кишилар учун мажбурий. Барчамизда узоқ замонлар оша йиғилган бойлик – тил имкониятидан фойдаланиш эҳтиёжимиз бор. Тилимиз фикр алмашиш эҳтиёжларимизни тўла қондира олиш даражасида ҳар жиҳатдан мукаммалик касб этган. Ана шу мукаммалик **тил маданияти** дейилади. Тил маданияти миллатнинг умумий маданияти ҳисобланади. Унинг маълум бир киши воқелантирадиган кўриниши **нутқ**дир. Нутқнинг мукаммаллик даражаси **нутқ маданияти** дейилади. Нутқ маданиятида шахснинг тил маданиятидан фойдаланиш даражаси намоён бўлади. Кишининг умумий маданий савияси, билим даражаси, интеллуктуал салоҳияти, фаросати каби омиллар унинг тил маданиятини ўзлаштириб, нутқ маданиятига айлантиришида яққол кўзга ташланади. Шунинг учун тилимиз қанчалик гўзал бўлмасин, баъзи кишиларнинг нутқини эшитганда беихтиёр қулоғингни беркитгинг келади. Айрим кишилар гапирганда сўз тополмай қийналади. Бу унинг тил маданиятидан фойдаланишда зарур бўлган ўқимишлиликнинг етишмаслигидир. Кимлардир товушларни талаффуз қилишда қийналади. Бунда уларнинг соғлиғи тил маданиятини воқелантиришига имкон бермайди. Шундай кишилар борки, улар сўзлаганда сел бўлиб кетасан. Бундай кишиларни сўз санъаткори дейишади. Сўз санъаткорлари тил маданиятини мукаммал даражада нутқ маданиятига айлантира оладилар. Бунинг заминида уларнинг машаққатли меҳнати ҳам ётади. Ўз нутқида юқорида таъкидланган ўзбек тили маданиятини эмас, балки сунъий равишда ўзга тил маданиятини воқелантиришга интилувчилар ҳам учраб туради. Унинг нутқида қўлланган сўз ва иборалар тил маданиятига мувофиқ эмас экан, унинг нутқи ҳам маданийликдан бегона, ўзи эса ҳар қанча чиранмасин, айримлар ўйлаганчалик “жаа маданиятли” киши эмас. Умуман олганда, тил маданиятининг хусусий кўриниши бўлган нутқ маданиятини юксалтириш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Эътибор берилса, оммалашган корейс сериаллари дубляжида қаҳрамонлар бир-бирига шунақа чиройли лутфлар қилишадики, мен бунинг болалар нутқига қанчалик таъсир қилганлигини, улар ҳам шундай гапиришга уринганларини кузатганман. Демак, биринчидан, фақат тил қоидаларини ёдлатмасдан, жонли мулоқот маданиятини шакллантиришнинг турли илғор воситаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш лозим. Иккинчидан, бунда катталарнинг ибрати муҳим аҳамият касб этади. Чунки оилада фарзандаларини болохонадор қилиб ҳақоратлайдиган ота-оналаримиз ҳам йўқ эмас. Ҳашаматли уй, тўкис шароит, сўнгги русумли автомобиль, қимматбаҳо кийим-бош ва сайру-саёҳатларнигина маданият деб биладиган, лекин Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, “ичида ит ўлган” кишилар ҳам учраб туради. Норасмий доираларда ҳар қандай тилда сўзлашиш ихтиёрий бўлса-ю, шевада гапириш айбми? Фақат қаерда қандай гапиришни билиш керак. Бу жамият аъзосининг маданий савияси билан боғлиқ. Рус тилида анжуман бўлаётганда бу тилни била туриб ўзбек тилида сўзлаш жамият одобига номувофиқ бўлгани каби, расмий ҳолатларда ҳам шевада гапириш маъқул эмас. Оила бағрида, қариндош-уруғ ҳузурида, лаҳжадош дўстлар даврасида шевада сўзлашиш нафақат мумкин, балки зарур ҳамдир. Умуман олганда, мукаммал тил маданиятимиз мавжуд. Ундан фойдаланиш кўникмасини ўстириш эса долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Тилни билиш сўзамоллик, маҳмадоналик, гапга чечанлик билан бир нарса эмас. Кундалик, сийқаси чиққан сўзларни айлантириб, соатлаб тинимсиз гапириш мумкин. Лекин сўзларни танлаб қўллаш, ҳар бир ҳодисага мос сўзни ўз ўрнида ишлатиш, сўз воситасида ўзгаларни маҳлиё қилиш, одамлар қалбига йўл топиш бошқа нарса. Олифтагарчилик қилиб вульгар, варвар, ёпишмаган ажнабий сўзларни қўллаш балки “мода”дир, аммо маданият белгиси эмас. айримлар маданият билан модани чалкаштиради. Энг сўзнги урфдаги кийимни кийиш, буюмни ишлатиш маданиятсизлик эмас, лекин маданийлик белгиси ҳам бўла олмайди. Замонавийлик ва замонасозлик мос келмаганлиги каби, маданиятлилик билан модапарастлик ҳам мувофиқ эмас. Дейлик, кекса отахон ва

онахонлар олдида янги неологизмларни қўллаш, аввало, фаросатнинг, қолаверса, маданиятсизликнинг ўзгинаси бўлганлиги каби, “тил учида турган” сўзни тополмаслик тил билимининг етишмаслигидир. Кўринадики, маданий нутқ фақат чиройли ифодаларни қўллаш эмас, балки шахсдаги ички ва ташқи омилларнинг яхлитлигидан иборат. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мулоқот маданиятининг асосий мақсади ёшларнинг мулоқот имкониятларини маданият даражасига кўтаришдан иборат. Бунинг учун нутқ маданиятининг назарий ва амалий муаммолари ҳақида тушунча бериш ҳамда керакли шароитларда улардан фойдаланишни ўргатиш, нафақат ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилган ҳолда ёзма ва оғзаки нутқ тузиш кўникмасини шакллантириш, балки умуман нутқ тузиш, уни баён қилишнинг, яъни нутқнинг нутқий бўлмаган ҳодисаларга муносабатидан келиб чиқадиган ҳолатларга (вазиятга) эътиборли бўлиш кераклигини ҳам шакллантиришдан иборат. Расмий доираларда норасмий, норасмий доираларда расмий нутқ тингловчилар учун ноқулай ҳолатни келтириб чиқаради. Бунинг ёрқин мисолини ёзувчи Абдулла Қаҳҳор “Нутқ” ҳикоясида эрнинг ўз уйида хотинига сўзлаган нутқи мисолида ёрқин ифодалайди:

–Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намуналик бажариб келаётганимизга бир йил бўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга... Сиз билан биз бир йилликоилавий фаолиятимиз натижасида қандай ютуқларга эришдик? Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бумасалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан, ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлиб қолдик. Иккинчидан, ўртоқ рафиқам, оиламизни ташкилийхўжалик жиҳатдан мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамладик. Мен бу бобда фактларга мурожаат қилиб ўтирмайман, чунки орденли онангиз ўзларининг ҳар бир тарихий келишларида бу нарсани айрим равишда қайд қилдилар... (Абдулла Қаҳҳор). Жамиятда бундай ножўя нутқлар учраб туради. Бу нутқ маданиятига эга эмаслик ёки унга риоя қилмаслик натижасида келиб чиқади. Маълумки, нутқнинг юзага чиқишида аниқ бир мақсад – тингловчи ва ўқувчи онги ва ҳиссиётига таъсир қилиш вазифа қилиб қўйилади. Шунинг учун ҳам таъсирчанлик нутқнинг асосий сифатларидан бири саналади ва қолаверса,тўғрилик ва аниқлик ҳам, мантиқийлик ва тозалик ҳам тингловчига таъсир этишга қаратилган бўлади. Бу санаб ўтилгансифатларда лисоний омиллар биринчи планда турса, уларнинг ҳаммасидан фойдаланган ҳолда таъсирчанлик кенг доирада нолисоний омилларни ҳам қамраб олади. Сўзловчининг ўз нутқига муносабати ҳам муҳим, чунки шундай бўлгандагина қуруқ расмиятчиликдан қочиш мумкин. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги алоқа яхши кечади. Нотиқ фикрларини ўзи ёки тингловчилар ҳаётидан олинганмисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилса, мавзуга доирўз фикр-мулоҳазаларини билдирса, нутқ яна ҳам ишонарли ва таъсирли чиқади. Нутқ грамматик жиҳатдан тўғри тузилиши, таъсирчан ибораларнинг қўлланилиши ҳам нутқнинг таъсирчанлигини оширади. Нутқнинг ёрдамчи воситаларидан унумли фойдаланиш унинг самарадорлигини таъминлайди. Масалан, нутқ орасида юморга ўрин бериш, тингловчиларнинг айримларига исмини чиройли айтиб мурожаат қилиш, камтарлик, дадиллик ва журъатлилик кабилар шулар жумласидан.

Масалан, **Иффатли ўзбек аёлининг (ёзма)нутқи:**

Юсуф савдосида беқарор Зулайҳо исмидан, Мажнун ишқида йиғлаган Лайли отидан – сизга бошимдаги сочларимнинг тукларигача беҳад ***салом****. Мендан –* ***ҳадду-ҳисобсиз гуноҳ****, сиздан кечириш. Ўтган ишга саловат. Чунки шу икки йил ичида кечирган қора кунларни эсга олиш менинг учун ўша кунларни қайтадан бошдан кечиришлик сингари. Ул кунларни сиз унутинг, унутманг, аммо* ***мен унутдим****. Шунинг учун сўзимни ўзимнинг охирги ҳам чин бахт ислари ҳидлаган тарихимдан бошлайман. Сиз – қочқоқсиз, нари-бери тил учида менга бир нарса ёзгандек бўлиб қочгансиз, икки йил бўйи Марғилон келиб юришларингизни мен - ўзимча ечдим, лекин топиб ечдим: сизнинг барча машаққатларингиз – душманларингиздан ўч олиш учун бўлганини англадим. Йўқса, мени*

кўрар эдингиз, кўргингиз келмаганда ҳам, ***бошқалар сизни кўрар эдилар, туярэдилар****... Мен каби бахтсиз,* ***мен каби ғовғаси кўп сизни зир келтириб, жондан тўйдирган бўлса, ажаб эмаски, қоча бошлагансиз...*** *Қочсангиз, қочиб кўрингиз, аммо мен бу кундан бошлаб, бировларни қувишга бел боғладим. Отам билан онам рафоқатларида* ***хизматингизга – чўрилигингизга*** *эрта-индин юраман,* ***севганингиз кундошим*** *олдида қадру қийматимнинг нима бўлишини ҳам биламан... Сиз* ***олижанобсиз****: эски қадрдонлар ҳурматига, кўнгил учун кулиб боқарсиз… Лоақал шугина билан ҳам бахтсизни масъуд қиларсиз! Аммо…* ***севганингиз – кенжангизнинг*** *жеркишларидан, қарғишларидан беҳад қўрқаман, ўзимда йўқ қўрқаман. Шу яқин орадаги унинг билан бўладиган масъуд дақиқаларингизда худо йўлига ваъда олингиз – мени оғритмасин, рақибам келди деб ўйламасин. Ниҳояти* ***мақсадим – икки дўстга бир чўрилик ва шу муносабат билан бировларни кўриб юриш...***

Мулоқотда тингловчининг хусусиятини инобатга олиш, унинг кайфитини бузмайдиган, оғир ботмайдиган қилиб сўзлаш, кибрга берилмаслик муҳим бўлиб, мулоқот сифати ва унинг натижасини белгилайди. Мисолларга мурожаат қилсак: Кумуш ўлаётган пайтда унинг Зайнабга айтган сўзларини эсга олайлик. Юқорида кўрсатганимиздек, мулоқотда олий маданият соҳиби бўлган Отабекнинг нутқий хулқида ҳозирги китобхонни ҳайратлантирувчи бир лавҳа мавжуд. Бу ҳам бўлса Кумушбиби ҳалокат жараёнида бўлганида Зайнабга нисбатан "**талоқ**" сўзидан бошқа яна бир қўпол ҳақорат ифодасини ишлатишидадир. Отабек Зайнабни бузуқликка, хиёнатга, сотқинликка ишора қилувчи ҳақорат сўз билан атайди. Лекин романнинг бутун баёнида Зайнабнинг хиёнати ёки бузуқликка майли бўлганлигига ишора қилувчи бир оғиз ҳам сўз ёки шама йўқ. Нега Отабек шу ҳақорат сўзни қўллади ва **отаси, онаси, Кумушбиби, Ойбодоқ** (тўрт гувоҳ) ҳузурида бу сўзни баланд овозда қаҳру ғазаб ва "талоқ" сўзи билан биргаликда ишлатгани ҳозирги китобхон учун мутлақо тушунарсиз. Зеро, яраланган, икки душманини ўлдирган, ашаддий душмани бўлмиш Ҳомидбойнинг ханжарли қўлини қисиб турган Отабекнинг душманини сизлаб гапириши, лекин кўпчилик қариндошлари ҳузурида ҳалол хотинини ҳароми, бузуқ деб сўкиши – у одам ўлдирган бўлса-да – ҳеч ўзаро мос келмайдиган ҳолатлардир. Бу лавҳанинг сири муҳит – Отабек яшаб турган даврнинг мутлақ Қонуни – ўша давр Конституцияси бўлмиш шариат аҳкомлари билан боғлиқ. Ҳозирги китобхон бу аҳкомлардан йироқ бўлганлиги учун ҳам Отабекнинг ҳақорат сўзни ишлатгани сабаблари унга унча аён эмас. Гап шундаки, шариат амрига кўра эр хотинни гувоҳлар ҳузурида бузуқ деб атаса, унинг сўзи исботсиз қабул қилинади. Бу ҳақда Қуръони Каримнинг "Нур" сураси 6-ояти каримасида эрнинг гувоҳларсиз якка ҳолда ўз хотинини ошкор равишда, яъни бошқалар ҳузурида бузуқ деб аташи хотин бузуқлигини кўрган тўрт гувоҳнинг шоҳидлигига тенг эканлигига ишора мавжуддир (Қуръони Карим, 1992: 242). Шариат аҳкомлари бўйича маълумки, эр хотинни талоқ қилса, яна қайта никоҳ қилиб олиши, ҳатто уч талоқ қилганда ҳам, "ҳалола" қилиб (яъни хотинини бошқа бировга никоҳ қилдириб), қайтадан уйланиши ва никоҳ қилиши мумкин. Лекин хотин эр томонидан бузуқликда айбланса, бу эр шу хотинига бошқа уйлана олмайди, яъни ўзи бузуқ деган хотин билан қайтадан эр-хотинлик муносабатларида бўла олмайди. Агар у хотинини бузуқликка ошкоро айбласа ва яна у билан яшаб кетса, ўша давр жамоаси уни **мардуд** санайди ҳамда жамоадан четлаштиради, у билан алоқаларни ботил қилади. Мана шунинг учун Отабек **ўлаётган Кумушбибини тинчлантириш, Зайнабни ҳамда ота-онасини унинг Зайнаб билан яшай олмаслигига ишонтириш мақсадида** Зайнабга қилмишига яраша қатъий ва ўзгармас жазо бериш учун мана шу ҳақорат сўзни қўллаган. Мана шу ижтимоий-этик фондан ажратилган ҳолда Отабек нутқидаги бундай зиддиятли хусусиятни тушуниб бўлмайди. Мана шунинг учун Кумушнинг ўлимидан кейин Зайнаб жинни бўлади; унинг Отабек билан бирга яшашга мутлақо умиди йўқ эди; Отабек ўзи бузуқ деган хотин билан қайтадан яшайдиган пасткаш мардуд номини олмас эди.

Демак, маданиятнинг бошқа турларида бўлгани каби тил маданиятини ўзлаштиришда ҳам қобилият ва меҳнат муҳим роль ўйнайди. Тилнинг маданий

тараққиётида миллатнинг маданий тараққиёти ётади. Ўзбек халқи маданияти бу даражада ривожланмаганда тилимиз ҳам бунчалик кўркли ва рангин, сержило бўлмас эди. Боболаримиз дунё цивилизациясидан озиқланиб, моддий ва маънавий маданиятимизни юксак даражага кўтардилар. Бу маданият намуналарини бирма-бир санаб ўтирмаймиз, албатта. Биргина мисол келтирамиз. Рус шарқшунос олими С.Н.Иванов деган аллома "гўзал форс мумтоз шеъриятининг кичик синглиси бўлган туркий назмиёт юксалиб, опасидан ҳам бўйчан бўлди" деган гўзал ўхшатиш қилган. Демак, форс адабиётидан озиқланган ўзбек адабиёти ундан кўплаб сўз ва ибораларни ҳам ўзлаштирди. Ўзлаштирганда ҳам нафақат ёзилишини, балки талаффузини ҳам айнан олди. Шунинг учун ҳазрат Навоий форс туркийча сўзласа, форс эканлиги билиниб туради, бироқ форсча сўзлаган туркийни ҳеч ким туркий демайди деган. Тил маданияти жамиятда мустаҳкам ўрнашган бўлиб, ҳамма унга риоя қилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима.Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. -Тошкент: Чўлпон, 1992.

2. Дейк Т.А. Ван. Язык. Познание. Коммуникация. – Москва: Наука, 1976.

3. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан. доктори.... дисс. – Тошкент, 2000.

4. Г.И.Тоирова. "Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик, информативлик ва фатика" мавзусидаги диссертацияси, -Тошкент, 2017.

O‘ZBEK MİLLİY ALIFBOSI VA IMLO MASALALARI

ÖZBEK MİLLİ ALFABESİ VE DOĞRU YAZIM SORUNLARI

Xolmurodova Mehrinisa Ibraximovna,
Milliy raqs va xoreografiya oliy maktabi
“Ijtimoiy-gumanitar” fanlar kafedrasi dotsenti,
Mahmud Rajabov,
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat
o‘zbek tili va adabiyoti universiteti talabasi

Doç.Dr. Mehrinisa Halmuradova,
Milli Raks ve Koreografi Yüksek Mektebi,
Öğr. Mahmud Recebov,
Ali Şir Nevai adındaki Taşkent Devlet
Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi.

Özet. Makalede Özbek milli alfabesi, alfabe sorunu, grafemler, alfabedeki yeniden düzenlemesi gereken hususlar, Özbek dilinin elektron sözlüğünü hazırlamada ortaya çıkan sorunlar ele alınmıştır.
Anahtar kelimeler: elektron sözlük, grafem, milli yazı, kapalı hece, ses, dil.

Annotation. The article deals with the issues of Uzbek national writing and the alphabet, graphics in Uzbek phonetics, letters in the alphabet, and some problems in creating the Uzbek electronic dictionary.
Key words: e-dictionary, graphics, national writing, indentation, linguistic events, volume, fluency.

O‘zbek xalqi o‘zining uzoq va murakkab tarixi mobaynida qator inqilob va yangilanishlarni boshidan kechirdi. Bu o‘zgarishlar millat hayotining turli sohalarida ro‘y berib, goh ijobiy, gohida esa o‘zining salbiy oqibatlarini ko‘rsatgan. Albatta, bunday islohotlar yozuv tarixida ham talaygina amalga oshirilgan. Misol uchun, o‘zbek xalqi o‘zining bir necha ming yilliklarni qamrab oluvchi o‘tmishi davomida goh siyosiy, goh ijtimoiy muhit tazyiqi ostida o‘z grafikasini ko‘p marta o‘zgartirishga majbur bo‘lgan.

Bugungi kunda barcha sohalarda bo‘lgani kabi milliy yozuv va alifbo masalasi ham yana qayta ko‘tarildi.

Albatta, alifbodagi birinchi navbatda tahrirga muhtoj harflar “sh”, “ch”, “ng”, “o‘”, “g‘” harflaridir. Bu harflar ikki elementdan tashkil topgan bo‘lib, xoh qo‘lda, xoh kompyuterda bo‘lsin, yozish uchun noqulaylik va ortiqchalik tug‘diradi. Ammo biz faqat shuni o‘zgarishlar uchun asos, deya olmaymiz.

Bugungi o‘zbek tilining elektron lug‘at bazasini yaratishda eng katta g‘ov bo‘luvchi harflar shulardir. Zero, bu harflarga kompyuter ikki belgi sifatida qaraydi. Natijada grammatik vazifalar o‘zbek tili qoidalariga zid bo‘lgan tarzda bajariladi. Masalan, bo‘g‘in ajratish masalasini olaylik. Oddiy dasturda kompyuter bu ishni shunday amalga oshiradi: os-hna, oc-hiq, bo-‘la-di, og-‘a tarzida. Shuningdek, kompyuterda “o‘” va “g‘” harflarining diakretik belgisi tinish belgi sifatida qabul qilinadi va natijada bunday so‘zlarga ikki leksema sifatida qaraladi: O‘zbekiston – O + zbekiston(“ ‘ ” esa ularni ajratuvchi tinish belgisi). Oddiy dasturdagi bunday muammolar katta-katta loyihalarda yanada kattaroq qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi. Aslida ham til xususiyatlariga, “bir harfga bir tovush” (ba’zan xalq tiliga moslashish maqsadida chekinilishi mumkin) tamoyiliga mos bo‘lmagan harflarni kompyuterga tushuntirish esa undan-da ortiq ovoragarchilikka sabab bo‘ladi.

Vaholanki, bugungi kunda tilning mavqeyi va yashovchanlik koeffitsiyenti uning elektronlashish darajasi bilan baholanadi. Yaqinda YUNESKO tashkiloti tomonidan tillar yashovchalik darajasiga ko‘ra qayta tasnif etildi:

1) yo‘qolib ketmaydigan tillar;

2) yo‘qolib ketish ehtimoli mavjud tillar;

3) yo‘qolib ketishi aniq bo‘lgan tillar.

Ushbu tasnifda o‘zbek tili yo‘qolib ketish ehtimoli mavjud bo‘lgan tillar qatoriga qo‘shildi. Dunyo bo‘yicha 50 millionga yaqin (rasmiy ma’lumotlarga ko‘ra, aslida undan ham ko‘p) kishi so‘zlashuvchi bir tilning yo‘qolib ketishi - haqiqiy fojia. Bu fojiaga asosiy sabab esa tilimizning hali ham elektron bazasi yaratilmaganligidadir. Albatta, bunga aybdor faqat shu to‘rtta harf deb baholash noto‘g‘ri. Biroq ularning harakatlarimiz oldidagi asosiy qiyinchilik ekanligi ham ayni haqiqatdir. Shu bois ushbu harflarni tegishli ravishda “ş”, “ç”, “ŏ”, “ğ” tarzida o‘zgartirish maqsadga muvofiqdir. Ushbu belgilarning kompyuter xotirasida yakka belgi sifatida saqlangani hamda turk grafikasi orqali jahon ommasiga tanish ekanligi uning dunyo standartlariga mosligini isbotlasa, shaklan avvalgi grafemalarga o‘xshash ekanligi ba’zi olimlar o‘ylaganidek savodsizlikka olib kelmaydi. Shuningdek, ushbu belgilarning alifboga kiritilishi o‘zbek tili fonetikasi qoidalariga ham zid emas.

Ba’zi mutaxassislar yuqoridagi tovushlarni ifodalash uchun eski grafemalarni qoldirish maqsadida chet tillarida, xususan, ingliz tilida so‘zlarning yozilishi va talaffuzi bir-biridan keskin farq qilinishini ro‘kach qilmoqchi bo‘lishadi. Ammo bu bahona ham, aslida, asossizdir. Chunki hind-yevropa tillari oilasi german tillar guruhiga kiruvchi flektiv tilni oltoy tillari makrooilasi turkiy tillar oilasi qarluq guruhiga mansub agglutinativ til bilan qiyoslash qaysi bir mantiqqa to‘g‘ri keladi?! Binobarin, alifbo tuzishda shu alifbo egasi bo‘lgan til xususiyatlari hisobga olinishi shart. Ingliz, ispan, fransuz, nemis, portugal, italyan kabi flektiv roman-german tillari fonetikasi va grafikasi azaldan shunaqa: ikki-uch harf bir xil tovushni ifodalash uchun xizmat qilishi (masalan, [k] tovushi “c”, “k” va “q” harflari bilan ifodalanishi mumkin: “coat”, “kind”, “quake” (inglizchada), “cebolla”, “kaos”, “quince” (ispanchada), “como”, “kiwi”, “quando” (portugalchada), “cano”, “kiwi”, “quattro” (italyanchada), “cahier, Klaxon”, “quand” (fransuzcha) yoki bir harf ikki-uch tovushni anglatishi (masalan, “c” harfi ingliz, fransuz va ispan tillarida ham [k] (“cake”; “caban”; “casa”), ham [s] (“celebrate”; “ceindre”; “cena”) tovushlarini ifodalasa, portugal, italyan tillarida [k] (“como”; “arco”) va [ch] (“ciao”, “amici”) tovushlarini ifodalashga xizmat qiladi) hamda ikki-uch harf birikishi orqali bir tovush (masalan, [i] tovushi “meat” (inglizchada), [u] tovushi “Ouzbekistan” (fransuzchada), [y] tovushi “me llamo” (ispanchada), [o] tovushi “estou” (portugalchada), [a] tovushi “ciligia” (italyanchada), [x] tovushi “nicht” (nemischada) tarzida) hosil qilinishi mumkin. Ammo turkiy tillar, jumladan, o‘zbek tilida ham bunday xususiyat yo‘q (ba’zan jonli nutq vaziyati buni talab qilishi mumkin. Bunga “x” va “h” imlosi haqida gapirganimizda to‘xtalib o‘tamiz).

Shunday ekan, ayrim kishilarning alifbodan birikmalarni olib tashlagan holda yozuvda s+h, c+h kombinatsiyalari “sh” va “ch” tovushlarini ifodalayverishi haqidagi fikrlari ham til qoidalariga ziddir. Shuning uchun alifbodagi ushbu harflarni taklif etilayotgan tartibda muqobiliga almashtirish o‘zbek tili xususiyatlariga to‘la mos bo‘ladi(birikmalarni xalqaro UNICOD tizimiga kiritishdan ko‘ra bu usul ancha qulay va til qoidalari mos).

Yana hatto shunday fikrlar ham mavjudki, “sh”, “ch”, “o‘”, “g‘” tovushlari o‘zbek tilining o‘ziga xos belgisi emish. Aslida esa ingliz grafik tizimidan olingan bu belgilarda hech qanaqa “o‘zbekonalik” yo‘q. Zero, har qanaqasiga ham lotin yozuvi umumjahon grafik tizimlaridan biri, xolos, o‘zbek milliy yozuvi emas(irvit, yunon, gruzin, arman, xitoy, hind, koreys, yapon, arab yozuvlari singari xalqning “ona yozuvi” emas).

Xalq orasidagi ba’zi ziyoli insonlar esa bu harflar, xususan, “ş” va “ç” grafemalari yozma imloda, ya’ni boshqa harflarga ulash jarayonida muammo tug‘diradi, deb fikr bildirmoqdalar. Ammo sira bunday emas: shaxsiy tajribamiz asosida aytishimiz mumkinki, yozish jarayonida xoh qo‘lni uzib, xoh uzmay bu harflarni boshqa harfga hech qanday muammosiz qo‘shish mumkin. Biroq, aslini olganda, har bir yozuv o‘ziga xos xususiyatga ega. Arab yozuvidagi

harflar so‘zdagi o‘rniga ko‘ra to‘rt xil shaklga ega bo‘ladi hamda belgilar o‘ngdan chapga qarab bir-biriga qo‘shib yoziladi. Xitoy yozuvida esa har bir belgi alohida bir leksik ma’no anglatib, yuqoridan pastga tomon iyerogliflar ulanmay yoziladi. Hind milliy yozuvi — devonagari bo‘g‘inlar asosida tashkil topgan bo‘lib, chapdan o‘ngga tomon qo‘shib yozishga moslangan. Xuddi shu kabi bir asosdan kelib chiqqan lotin va kirill alibolari ham chapdan o‘ngga tomon yozilib, bosh va kichik ko‘rinishdagi harflardan iborat. Ammo bu qarindosh yozuvlarning farqli jihati ham mavjud: kirill yozuvining yozma (qo‘shib yozishga moslangan) ko‘rinishi bo‘lgani holda lotin yozuvi bunday “baxt”dan “bebahra”. Lekin 1993-yilda lotin yozuvi asosidagi o‘zbek grafikasi yaratilgach, jahon tajribasidan chekingan holda lotin grafikasining ham yozma ko‘rinishi ishlab chiqildi. Bu holat garchi katta muammolarga sabab bo‘lmagan bo‘lsa-da, ba’zan katta yoshli avlod tomonidan aytiladigan kirill yozuvining yozma ko‘rinishi chiroyli va jimjimador ekanligi, lotin yozuvidagi bunday shakl esa beso‘naqayligi to‘g‘risidagi gaplarning quloqqa chalinishiga olib keldi. Demakki, taklif etilayotgan “ş” va “ç” grafemalarining yozma shaklda biroz noqulaylik tug‘dirishi aslida barcha lotin harflari uchun taalluqlidir. Hamda bu qator yutuqlardan voz kechish uchun yetarli asos bo‘la olmaydi.

Ushbu harflarni “turklarga taqlid” deb baholovchi ba’zi kaltafahm insonlar esa ilm-fandan yiroq, quruq ayyuhannos soluvchilardan o‘zga kishilar emas. Zero, biz yigirma besh yil “sh”, “ch” “ng” tarzida yetti yot begona bo‘lgan inglizga taqlid qildik. Endi tillarimiz tabiati mushtarak bo‘lgan o‘z qardoshlarimizga “taqliq qilsak”, menimcha, bu ayb sanalmas. Axir Turkiya lotin grafikasidan foydalanishda yuz yillik tajribaga ega. Qolaversa, qardoshlarimiz turkmanlar va ozarbayjonlar ham yozuvda shu to‘rtta tovushni ifodalash uchun mazkur grafemalardan foydalanadilar va bu hech qanaqa salbiy natijani keltirib chiqarmayapti. Yana bizning o‘tgan asrdagi barcha lotin grafikalarida ham ushbu harflar mavjud bo‘lgan, ya’ni ularni faqat turklarga xos deb baholash ham xato. Aksincha, biz taklif etayotgan grafemalar turk dunyosini bir-biriga yanada yaqinlashtirishga, o‘zaro ma’lumot almashinishni osonlashtirishga xizmat qiladi.

Izoh: Biz “o‘” tovushi belgilash uchun “ŏ” grafemasini taklif qildik. Turk, turkman va ozarbayjon alifbolarida bu tovush “ö” harfi bilan ifodalanadi. Biroq, bizningcha, “ŏ” va “ğ” harflari tepasidagi belgilarning bir xil ekanligi ularning xalq tomonidan o‘zlashtirilishini osonlashtiradi.

“ng” tovushi esa alohida muhokamaga sabab bo‘ladigan masaladir. Chunki bu tovush boshqa tillarda, jumladan, turkiy tillarning ham ba’zilarida (masalan, turk tilida) mavjud emas. Shunday ekan, ushbu fonemani ifodalovchi grafemani topish qiyin. Masalaga chuqurroq yondashadigan bo‘lsak, ushbu tovush, aslida, hozirgi o‘zbek adabiy tilida to‘laqonli tovush sifatida ham mavjud emas. Zero, u, aslida, bo‘g‘in boshida kela olmaydi, ya’ni faqat bo‘g‘in oxirida kelishga moslashgan. “si-ngil”, “ko‘-ngil” so‘zlari jonli talaffuzidagi ushbu tovushda ham ikkiga ajralish uchun moyillik bor. Ya’ni “sin-gil”, “ko‘n-gil” tarzida. Faqat bu so‘zlarga egalik shakli qo‘shilib yopiq bo‘g‘in hosil qilingandagina “ng” yuzaga chiqadi: sing-lisi, ko‘ng-li. Boshqa so‘zlardagi ikkinchi bo‘g‘in boshida keluvchi “ng” tovushida ham ikkiga ajralish uchun moyillik seziladi: den-giz, tan-ga, ken-gaymoq.

Yoki aksincha, “n” bilan tugovchi so‘zga “g” bilan boshlanuvchi qo‘shimcha qo‘shilganda ular birlashishga ehtiyoj sezadi: sa-nga, ma-nga tarzida. Demak, “n” va “g” tovushlari ketma-ket kelganda ularning har ikkisi talaffuzda o‘zgarishga uchraydi. Ammo bu o‘zgarish faqat yopiq bo‘g‘in so‘ngidagina alohida tovush sifatida shakllanadi: bodring, chang, singlisi, tanglay kabi. O‘zbek tiliga chetdan kirib kelgan so‘zlar ham tilimiz fonetik qoidalariga bo‘ysunishga majbur. Shunday ekan, “kongress” kabi so‘zlardagi tovush ham (o‘zbeklar talaffuzida) aynan “ng”ning o‘zidir. “Shtanga”, “ko‘ngil”, “menga”, “yanga” kabi so‘zlarda esa “n” va “g” undoshlarining bir-biriga ta’sir qilishi natijasida dominant ottenkadan farq qiluvchi fonema ottenkasi hosil bo‘ladi. Ya’ni “n” “g” ta’sirida tilorqalanadi, “g” esa “n” ta’sirida burun sonoriga xos xususiyatlarni o‘zlashtirishga urinadi. Ammo to‘laqonli birlashish sodir bo‘lmaydi.

Yuqoridagi mulohazalardan ko‘rinib turibdiki, “ng”ni alifboda shu holatda qoldirish mumkin. Chunki bugungi kunda u to‘laqonli alohida tovush emas. Zero, u bir so‘z tarkibidayoq

birdan yuzaga chiqmayapti: ko‘n-gil // ko‘ng-li. Shunday ekan, “n” va “g” harflari birgalikda yopiq bo‘g‘in oxirida kelgandagina bir tovushni, boshqa har qanday holatda ikki tovushni ifoda etadi. Demakki, tilda yaxlit mavjud bo‘lmagan bir tovushning birikma bilan ifodalanishi umumiy tilshunoslik qoidalariga ham zid hodisa emas.

Agar biz ba’zi olimlar aytganidek, turkman (ň) va qozoq (ń) alifbolaridagi kabi “ng” tovushi uchun alohida grafema ajratsak, bir so‘z yozilishida ikki xillik vujudga keladi: keň+ay=ken-gaymoq // kŏn-gil+i = kŏń-li. Bu esa xalq uchun noqulaylik tug‘diradi. Har qanday holda bu ikki harf bir tovushni ifodalaydi, deyish esa tilshunoslik qoidalariga zid. Chunki bunda til jonli nutqdan uziladi.

Qolaversa, bu tovush kombinatsiyasini kompyuterga “tushuntirish”ning ham imkoni bor: n+g+unli emas (“a”, “e”, “i”, “o”, “ŏ”, “u” emaslar, ya’ni bo‘sh joy, undoshlar va tinish belgilari) bo‘lgan taqdirda u bitta harf, aks holda (n+g+unli) bo‘lsa, ularga ikkita harf sifatida qaralsin, degan buyruqni berish kifoya.

Shuningdek, arab alifbosi asosida shakllangan eski o‘zbek, kirill va lotin yozuvlaridagi “نگ” (ba’zi o‘rinlarda arab yozuvi asosidagi uyg‘ur alifbosida bo‘lgani kabi “ng”ning “ڭ” shakli ham uchraydi) / “нг” / “ng” harf birikmalariga xalqimizning ancha asrlik tajribasi borligi uning xalqchilligini ta’min etadi.

To‘g‘ri, ba’zi olimlar qadimgi turkiy til, eski turkiy til va eski o‘zbek tili davrlarida “ng” tovushining, asl turkiy yozuv - o‘rxun-enasoy yozuvida bu tovushni ifodalovchi harfning mavjudligini fikrlarimizga raddiya sifatida keltiradilar. Ammo unutmaslik kerakki, ishlab chiqilayotgan alifbo hozirgi o‘zbek tili me’yorlariga mos kelishi kerak.

Til - ijtimoiy hodisa. Shunday ekan, u jamiyat, ya’ni ijtimoiy muhit ta’sirida o‘zgarib boradi. Tildagi bunday o‘zgarishlar ikki xil amalga oshadi: tilning o‘zidagi lisoniy hodisalar ta’sirida hamda til egasi bo‘lgan xalqning g‘ayrilisoniy ta’siri ostida. O‘tmishda mavjud bo‘lgan “ng” tovushining bugungi kunda ikki tovush sifatida ajralishi ham tilning g‘ayrilisoniy tarzda o‘zgarishi oqibatidir. Yuqorida aytganimizdek, eski o‘zbek yozuvi (“نگ” birikmasi ko‘rinishida; yaxlit “ڭ” harfi esa kamdan-kam, shunda ham uyg‘ur madaniyati ta’siridagi adabiyotlardagina uchraydi)da, kirill yozuvi(“нг”)da hamda 1993-yildan keyingi lotin yozuvi(“ng”)da bu tovush ikki harf bilan belgilandi. Oqibatda inson miyasining ko‘z orqali anglash nuqtasi ularni vaqt o‘tgan sayin ikkiga ajratib bordi. Natijada bu tovush faqat yopiq bo‘g‘in oxiridagina saqlanib qolib, qolgan barcha hollarda ko‘rinishidagi kabi holga keldi. Chunki bunday pozitsiyada ular ikkiga ajralolmasdi(masalan, “chang”[ʧaŋ] ni “chan-g”[ʧang] tarzida talaffuz etib bo‘lmaydi). Natijada hozirgi o‘zbek adabiy tilida biz yuqorida tahlil etib o‘tgan holat vujudga keldi. Shu bois yangi alifboda ushbu tovush uchun “ng” birikmasini ishlatish har tomonlama maqsadga muvofiqdir. Ammo hech qachon mavjud bo‘lmagan va bo‘lmaydigan bosh “Ng” grafemasiga alifbomizda umuman ehtiyoj yo‘q.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Абдуллаев Й. Hamrohim (Ҳамроҳим). -Тошкент: Ўкитувчи,1996.
2. Бегматов Э., Исматуллаев Н. Ўзбек имлоси. -Тошкент: Фан,1979.
3. Джамалханов Х.А. Основм узбекской графики. -Тошкент: Фан,1991.
4. Асанов Э. Янги ўзбек тили лойиҳасига чизгилар. http://www.taraqqiy.uz/2015/06/yangi-ozbekcha/.
5. G.Fridrix logannes. “Istoriya pisma”, perevod s nemetskogo. –Moskow: “Nauka”. 1979.
6. Mahmudov N. “Yozuv tarixidan qisqacha lug‘at ma’lumotnoma”. Toshkent, “Fan”, 1990.

20. YÜZYIL BAŞLARINDA AZERBAYCAN EDEBİYATINDA İLK CENGAVERLİK ROMANLARI ÜZERİNE KARŞILAŞTIRMALI ARAŞTIRMA

Leyla Ramazanova,
Azerbaycan Milli Elmler Akademiyası
Nizami Gencevi adına Edebiyyat İnstitutu
Leylamuellim@gmail.com

Özet. Makalede 20. yüzyılın birinci yarısında Azerbaycan edebiyatında ilk Avrupa romanları ve onların temel özellikleri araştırılmıştır. Cengaver romanlarına, Doğu edebiyatının, özellikle de Nizami Gencevi manzum hikayelerinin etkisi araştırma konusu olarak ele alınmıştır. "Leyla ile Mecnun" manzum hikayesindeki masum aşk, aşktan aklını kaybetme, bir birine aşık sevgililerin ahirette kavuşması ve diğer motifler Avrupa cengaver romanları ile karşılaştırmalı olarak analiz edilmiştir. Makedonyalı İskender karakterinin cengaver romanlarında ve Nizami Gencevi edebi faaliyetindeki tamamen farklı sunumu araştırmalarda yansıtılarak gösterilmiştir. Cengaver romanlarına parodi niteliğinde yazılmış olan "Don Kişot" eseri analiz edilmiş, bahsi geçen dönemde M.Cervantes ve "Don Kişot" hakkında Sovyet ideolojisine uygun olarak söylenmiş fikirlere açıklık getirilmiş, modern edebiyat ilkelerine uygun olarak tekrar gözden geçirilmiştir.

Anahtar Kelimeler: Azerbaycan, Avrupa, edebiyat, roman, cengaver

Summary. The article examines the first European novels in Azerbaijanliterature in the first half of the 20th century and their main features. The influence of Eastern literature, especially Nizami Ganjavi's poems on chivalric novels, has been investigated. The pure love, the madness of love, the reunion of lovers in the afterlife, and other motives in the poem "Leyli and Majnun" have been compared in comparison with European knight novels.

The completedifferent presentation of Alexander the Great inchivalric novels and in Nizami Ganjavi'sworks could be found in research."Don Quixote", written in parody to chivalric novels, was analysed and the ideas coinciding with Soviet ideology which were expressed at that periodabout M.Servantes and Don Quixote were clarified, besides they were reviewed according to the principles of modern literary criticism.

Key words: Azerbaijan, Europe, literary criticism, novel, knight.

Giriş. Azerbaycan edebiyatında araştırmalara konu olan türlerden biri de romandır. Avrupa romanının edebiyatımızın araştırdığı konular arasında önemli bir yere sahip olmasının esas nedenlerinden biri de artık Avrupa romanlarının büyük bir kısmının dilimize çevirisinin yapılmış olmasıdır. Avrupa romanı ile ilk tanışma aynı zamanda onun araştırılmasını gerekli kılmış, yayımlanmış romanlar hakkında edebi rapor benzeri makaleler yazılmıştır. Bu makalelerde Avrupa roman türünün yaranması, gelişim aşamaları ve ayrı ayrı temsilcilerin edebi faaliyetleri gibi konular ele alınıyordu.

Dünya edebiyatında roman türünün yaranmasına ilişkin farklı düşüncelerin olduğu bilinmektedir. "Roman" terimi Roma imparatorluğunun içerisindeki halkların kullandığı değiştirilmiş Latince`ye verilen addır. Roman dili ile yazılan ilk destanlar ve halk edebiyatı örnekleri "roman" olarak adlandırılmıştır. Bu terim daha sonralar edebi türün genel ismi olarak kullanılmaya başladı (1, s.117). Romanlar edebiyatın en eski türleri olan destan, masal, rivayet gibi anlatıma dayalı türlerin yüzyıllardan beri süregelen gelişiminin sonucunda ortaya çıkmış türdür. Avrupa cengaverlik romanları ve destanları da günümüz roman türünün oluşmasında müstesna bir role sahiptirler. Bu romanlarda aşkla fantastik ve maceralı konuların paralel olarak işlenmesi en önemli şartlardan biridir. Bahsi geçen eserlerin eposlardan farkı monologların daha çok kullanılması, manevi izlenimlerin analizi, canlı diyaloglar, olayların vuku bulduğu ortamın ayrıntılı olarak anlatılmasıdır. Çağdaş roman türünün ilk belirtileri cengaverlik romanlarında yansıtılmıştır. 13. yüzyıldan itibaren Avrupada roman sadece düzyazı ile yazılan eserlere verilen ad oldu. Çağdaş roman türünün benzerleri Rönesans döneminde oluşmaya başladı. İlk örnekleri

François Rabelais`in "Gargantua ve Pantagruel", Cervantes`in "Don Kişot" eseri olarak kabul edilir. 17-18.yüzyıllarda daha çok macera ve gezi konulu romanlar yazılmaya başladı. Daniel Defoe`nun "Robinzon Kruzo", Jonathan Swift`in "Gulliverin Gezileri" eserleri bahsi geçen dönemin en güzel örneklerindendir. 19.yüzyılda romantizm ve realizm akımlarının etkisiyle roman türü Avrupa edebiyatında en yüksek noktaya ulaştı. Bu olaydan sonra romantik roman, realist roman, natüralist roman gibi yeni terimler ortaya çıktı. V.Hugo, E.Zola, Honore de Balzac, K.Hamsun, F.Kafka, F. Dostoyevski gibi yazarlar yazdıkları benzersiz romanlarla dünya edebiyatı hazinesini zenginleştirdiler. Böylece, insanın dilekleri, hayalleri, manevi sarsıntıları, bunalımları, en gizli, karışık arzuları, hüzünleri, sonsuz aşkı gibi duygularının okurlara iletilmesinde roman türü en uygun tür olarak ün kazandı. Günümüz edebiyatında da bu tür en popüler edebi tür olmaya ve felsefi, psikolojik, sosyal-siyasi, aşk, dedektif, fanastik gibi türleri ile okurların beğenisini kazanmaya devam etmektedir.

20.yüzyılın ilk yarısında önemli eleştiri yazarı olan alimlerimiz Azerbaycan düzyazı sanatını oluşturan türlere dair kayda değer bilimsel araştırmalar yürütmenin yanı sıra Avrupa edebiyatındaki birçok türler gibi romanlar hakkında da değerli araştırmalar yapmışlar. Dünya edebiyatının en ünlü romanları ve onların yazarları hakkında gerek yıldönümü makalelerinde, yeni yayınlanmış kitapların önsözlerinde, gerekse bağımsız olarak araştırmalar yapılmaktaydı. Azerbaycan okuruna yabancı olan eserlerin içeriği, konusu, yazılmış olduğu dönemin sosyal-siyasi durumu geniş bir biçimde aktarılıyor, bazen de Azerbaycan edebiyatı ile karşılaştırılarak eserin daha rahat kavranabilmesi için çaba sarfediliyordu. Bazı araştırmalar eserin içeriği ile ilgili kısa bilgi vermekle yetinse de, bahsi geçen dönemde Avrupa edebiyatının, Avrupa romanlarının öğrenilmesinde büyük pay sahibi olduğu için edebiyat bilimi açısından değerli araştırmalar sayılmaktadır.

"**Leyla ile Mecnun" ve ilk cengaver romanlarının karşılaştırılması.** 12-13.yüzyıllarda Avrupanın farklı bölgelerinde ortaya çıkan cengaverlik romanlarında Doğu ve dünya edebiyatının ölümsüz eseri "Leyla ile Mecnun" manzum hikayesinin motiflerini görüyoruz. Şehvetsiz, masum aşk, aşkından deliye dönen genç adam, hayatta iken kavuşamayan sevgililerin yan yana defnedilmesi, ahirette kavuşma motiflerinin o dönemde Avrupa edebiyatında yaygın hale gelmiş olduğu görülmektedir. Doğu edebiyatına ait bu edebi parçaların Avrupa edebiyatına geçmesi gerçeğini alimler iki yolla açıklamaya çalışmışlar.

1. İspanya arap işgali altındayken ispanyalılar onların aracılığıyla Doğu edebiyatı ile tanışmışlar. Cordoba ilinde olan arap sarayı ve bu saraydaki şairler aracılığıyla bu motifler kısa sürede tüm Avrupaya yayılmış.

2. İkinci yol Haçlı savaşlarından geri dönen avrupalıların Doğu efsanelerinin, Doğu rivayetlerinin taşıyıcısı olmasıdır. Şu bir gerçek ki, Haçlı seferlerinden sonra Avrupa edebiyatının mündericadında Doğu motiflerinin üstünlüğü gözle görülür biçimde fark edilmeye başladı. Rüyada sevgiliyi görme, rüyada gördüğü hayali bulmak için aramaya başlama, Doğu üslubunun önemli özelliklerinin, genel olarak birçok hususiyetlerinin aynı biçimde tekrarı dikkat çekiyor. (2, s.40).

"Leyla ile Mecnun" manzum hikayesinin bazı özelliklerini kendinde barındıran Avrupa cengaverlik romanlarında masum aşkın anlatılması değil, daha çok macera üzerine kurulmuş olaylar ışığında evli kadınlara aşık olan cengaverlerin sevgi hikayeleri, üzüntü ve ızdırapları anlatılmıştır. Kovalamacalar, takipler, casusluk, saray içi çatışmalar, ürkütücü ve korku yaratan olaylar bahsi geçen romanların eğlenceli yanını oluşturmak için sıkça kullanılmıştır.

Araştırmacı Vagif Arzumanlı Nizami Gencevinin dünya edebiyatındaki yerini, önemini çok güzel belirtmiştir: "Nizami evrensel sanat eserleriyle sadece Doğu rönesansının temelini oluşturmadı. O, edebi faaliyeti ile hem Avrupa Rönesansının birkaç yüzyıl önüne geçti, hem de Doğu edebiyatı, Doğu kültürü ile Batı edebiyatı Batı kültürü arasında güvenilir bir köprü kurdu. Sonralar bu köprüden Doğunun ve Batının onlarca önemli söz üstadı geçti ve kendi edebiyat ve kültürlerini karşılıklı olarak zenginleştirdiler." (3, s.17).

Edebiyatımızda Kurtuvaz edebiyatı ile ilgili ilk ve kapsamlı araştırmanın yazarı profesör Ali Sultanlı 12-13. yüzyıllarda Batıda meydana çıkan bu edebiyat örneklerini bahsi geçen

dönemin en güçlü şairi Nizami Gencevinin eserleri ile karşılaştırmalı olarak analiz etmiş ve araştırmıştır.

Nizaminin izinden giden döneminin modern yazarlarından biri olan, Avrupada aşk romanlarının önemli üstadı olarak bilinen François Marie ve Chretien de Troyes eserlerinde aşk konularını feodal ortama uygun biçimde işlemişler. Ali Sultanlı bu yazarların eserlerini analiz ettikten sonra belirtmiştir: "Eğer biz "Leyla ile Mecnun" destanını tüm içerik güzelliği ve layıkıyla Marie`nin "İonek", "Lanval" ve başka destanları ile karşılaştıracak olursak, sonunculardа işlenmiş konu ve duyguların daha zayıf olduğuna dair hiç şüphe kalmaz. Doğrudur, Marie`nın da kahramanları, işkenceli aşka yakalanmış, aşktan deliye dönmüş kişilerdir. Bazen şair kahramanlık sahneleri işlemiş, aşıkların çöllere düştüğünü anlatmış. Fakat bu eserlerde "Leyla ile Mecnun"da olan derin, gerçek anlam görülmemektedir. De Troyes ise eski Kelt efsanesinin en sert ve en sıradan unsurları olan şövalye aşkı, kadına karşı olan tutku gibi konulara daha çok yer vermiş, bu da eserin ahlaki anlam, insanseverlik ve masum duygulardan yoksun kalmasına neden olmuştur." (2, s.42-43).

12.yüzyılda Avrupa halklarının bir çoğunun edebiyatında yaranan "Tristan ve İsolde" romanı Avrupanın "Leyla ile Mecnun"u sayılmaktadır. (2, s.43). Doğrudur, "Leyla ile Mecnun" manzum hikayesindeki ve "Tristan ve İsolde" romanındaki bazı olaylar iki eseri bir birine yaklaştırıyor. Örneğin, hem Mecnun, hem de Tristan şairdirler, ikisi de bir süre insanlardan ve toplumdan uzakta yaşamlarını sürdürmüş ve ikisinin de akıbeti ölümle sonuçlanmıştır. Fakat benzer olayların yanı sıra, iki eser arasında farklı yönler de yok değildir. Eserler arasındaki en büyük fark masum sevginin, sadakatin tebliği konusudur. Nizami hiç bir ahlaki çerçeveyi aşmadan hem Leyla, hem de Mecnunun masum aşka sadakatini eserin sonuna kadar korumuştur. İki eseri karşılaştıran A.Sultanlı bunu göz önünde bulundurarak anlatıyordu: "Eserlerin genel konusunu gözden geçirecek olursak, söyleyebiliriz ki, "Tristan ve İsolde"da maceracı unsurlar psikolojik analizlerden daha fazladır. "Leyla ile Mecnun"da ise bunun tam tersi bir durum söz konusudur. Bu eserde maceraya benzer olaylar anlatılmamaktadır. Eser baştan sona derin ruhsal analizler üzerine kurulmuştur" (2, s. 44). Dahi düşünür Nizami Gencevinin işlediği aile ahlakı, masum aşk gibi konuların, kendi döneminin sosyal çelişkileri hakkında söylediği fikirlerin, öğütlerin hiç birine cengaverlik romanlarında rastlamak mümkün değildir. Ali Sultanlı "İskendername ve Batı Avrupa edebiyatı" isimli büyük makalesinde de Kurtuvaz edebiyatından bahsetmiştir. O, ayrıca Makedonyalı İskender karakterinin Batı edebiyatı ve Nizaminin edebi faaliyetindeki yeri, farklı özelliklerin karşılaştırılması, Nizami sanatının muhteşemliği ile ilgili değerli fikirler söylemiştir. (4).

Şöyle ki, tarihi şahsiyet olan Makedonyalı İskenderin hayatı, savaşları hakkındaki bilgiyi iki temel kaynaktan elde etmek mümkün: birincisi, tarihi kaynaklardan, ikincisi sözel yolla oluşup gelişim gösteren edebiyattan. Fakat iki kaynak da tarihi gerçeklikten uzaklaşmış, hatta efsaneye dönüşmüştür. Doğu bilimci alim Y. Bertels bahsi geçen konu hakkında şöyle söylemiştir: "İskender efsanesi bizim yüzyıldan önce yaratılmış ve yayılmıştır. Bu efsaneleri ilk defa dünyaya yayan kişilerin İskenderin emrinde olan askerler olduğunu kesin olarak söylemek mümkün" (5, s.105). A.Sultanlı makalede İskender hakkında yazılan ilk roman olan "İskendername"nin yunan edebiyatında yaranmasından, romanın ilk el yazmasının uzun seneler boyunca birçok değişime uğramasından, romanın büyüyerek mevcut şeklini almasından detaylı olarak bahsetmiştir. Bu eseri baz alan ve bu esere dayanarak yazılan yeni iskendernameler, temel olarak, araplar, farslar, suriyeliler, yahudiler, slavlar, fransızlar, almanlar ve b. Doğu ve Batı halkları tarafından oluşturulmuştur.

Batı Avrupa edebiyatında İskender karakteri daha çok cengaver romanlarının süsü olmuştur. Cengaver romanlarında işlenen kahramanlık, macera, aşk gibi konular gizemli İskender karakteri aracılığıyla da okurlara yansıtılmıştır. Antik edebiyat uzmanı A.Sultanlı ilk defa yunanlarca yazıya alınan ve sonralar tüm Avrupa halkları edebiyatında yer alan "İskendername"nin kısa içeriğini okurlara sunmuştur. Cengaver romanlarının kısa içeriğinden belli oluyor ki, İskenderin fiziksel özelliklerinden gelicek savaşlarına kadar herşey macera üzerine kurulmuştur. Avrupalı yazarlardan farklı olarak Nizami "İskendername" eserini yazmak

için sadece yunan kaynaklarını baz almamış, Arap, İran, Bizans yoluyla gelen kaynaklara ve halk rivayetlerine de dayanarak tüm bilgileri ustaca bir araya getirmiştir:

İskender hakkında hiçbir eserde
Bilgi görmedim topluca bir yerde.
Sözlerle doluydu hazine içi,
Ancak her nüsha bir dağınık inci.
Her eski nüshadan temel alarak,
Onu şiirimle süsledim ancak.
En eski tarihi eserlerden ben,
Yahudi, Nasrani, Pehlevilerden
En ince sözleri elime aldım,
Kabuğu çıkardım, temel anlamı buldum. (6, s.54)

Farklı kaynakları baz alan hümanist şair Nizami Avrupa cengaver romanlarından farklı olarak, İskender karakteri şahsında kendi adaletli, halkını düşünen hükümdar ideolojisini tebliğ etmiştir. Nizami hükümdarın akıllı ve adaletli hareketleri ile diğerlerine örnek olması gerektiğini, bilgi ve akılla zulüm ve kötülüğün yok edilebileceğini anlatmaya çalışmıştır.

A.Sultanlı makalede Nizaminin eserindeki ve cengaverlik romanlarındaki İskender karakterini geniş biçimde analiz etmiş ve Batı Avrupa yazarlarının konunun daha çok macera yönünü ele alıp işledikleri sonucuna varmıştır. Onlar eserin karmaşık olay örgüsüne, maceralarla dolu olmasına özen göstermişler. Sonuç olarak İskender de macera romanlarına özgü kahramanlar gibi maceracı bir cengaver olarak anlatılmıştır. A.Sultanlı Nizaminin İskenderini daha çok beğenerek methetmiştir. Sarayların dışında yaşayan Nizami kendi halkının ve tüm dünyanın kusursuz bir yaşam tarzını düşünüyordu. Hükümdarların azgınlığına, sultanların adaletsizliğine kurban giden halkın sosyal felaketinin İskender karakterinin yaranmasına büyük etkisi olmuştur. Şair İskenderi tüm modern hakimlerin tam tersi bir karakter olarak biçimlendirmiştir. Eserin her kısmında İskenderin hürriyet ve barış için verdiği savaş, adalet duygusu, aklı, zekası, dünyayı doğru idare edebilmek için sarfettiği tutkulu çaba kabarık şekilde okurlara aktarılmıştır. Bundan dolayı şair kendisi bazen eserin dışına çıkarak toplum ve insan hakkındaki üstün düşüncelerini tebliğ etmekten çekinmemiştir. (4, s.82). 13. yüzyıldan itibaren Avrupada içerik olarak bir birine benzeyen romanların hiçbirinin yazarı ne dünya görüşü, ne de eserlerin poetik, manevi-ahlaki sunumu konusunda Nizami kadar dünyaca üne sahip olamadı.

"Don Kişot" romanın özellikleri. 14-15. yüzyıllarda yazılan Avrupa cengaverlik romanlarında eski dönemlerin askeri kahramanlıkları, dine, ağaya ve cengaverin perestiş ettiği hanıma karşı duymuş olduğu sadakat, vefa, cengaverlerin adaletsizce yapmış oldukları "kahramanlıklar"ı ve anlamsız maceraları etkisini kaybetmeye başladı. Yeni kültürlü idealler, yeni zevkler, yeni edebi biçimler oluşmaya başladı. Anlamını kaybeden, gençleri boş ve anlamsız maceralara yönlendiren, insan ayağını gerçek yaşamdan kaydıran cengaverlik romanları hakkında eleştiriler yazılıyordu. Miguel de Cervantes`in (1547-1616) "Don Kişot" romanı bu tür cengaver romanlarına karşı yazılmış en mükemmel eserdir. Bunu göz önünde bulunduran profesör M.Refili bu eserin cengaver romanlarına ölümcül darbe indirdiğine işaret ederek yazıyordu: "Don Kişot" eseri yayımlandıktan sonra bir daha cengaver romanı yayımlanmadı. "Don Kişot" bu edebi türün en son halkasından başka birşey değildi. Buna rağmen, cengaverliğin sönmesiyle birlikte gayet çirkin ve komik duruma düşmüş olan cengaver romanlarının etkisini yok etmekte büyük rol oynadı." (7, s.22).

Rönesans döneminin en güçlü temsilcisi M.Cervantes ve "Don Kişot" romanı Azerbaycan edebi fikrinin her zaman için ilgi alanında olmuştur. 1930 yılında bu eserin ilk defa E.Şemizade tarafından "Don Kişot Lomançskiy" (8) ismi ile dilimize çevirisi yapıldı. 1933 yılında M.Arif tarafından yeniden çevirisi yapılan bu eser tekrar yayımlanmıştır (9). Mikayıl Refili bir sene sonra tekrar yayımlanan bu çeviriye "Cervantes ve onun "Don Kişot" eseri" isimli geniş bir ön söz yazmıştır. M.Refili bu araştırmasında Cervantes`in yaşamış olduğu edebi dönemi, hayat ve edebi faaliyetini, Avrupa edebiyatında ilk romanlardan biri olarak kabul gören "Don Kişot" eserinin edebi, sosyal özelliklerini geniş ve kapsamlı olarak analiz etmiş, ilginç

fikirler söylemiştir. Araştırmacı, Cervantes`in İspanya ve Avrupa edebiyatındaki yerinin önemini vurgulamak için şöyle yazıyordu: "Eğer Goethe Almanyanın yüksek mertebeye ulaşmış edebi bir dahisi ise, eğer Puşkin rus edebiyatının muazzam bir şairi ise, eğer Shakespeare İngilterenin ölümsüz bir gurur abidesi ve en dahi şairi ise, Cervantes de bir o kadar İspanyanın en yüksek mertebeye ulaşmış edebi bir dahisidir" (7, s.14).

Ünlü "Don Kişot" eserinin yanı sıra Cervantes yaklaşık yirmi piyesin, birçok novellanın, birkaç romanın yazarıdır. Daima maddi ihtiyaç yüzünden zor zamanlar geçirmiş yazar oldukça ağır şartlarda yaşamını sürdürmüş, savaşta bir kolunu kaybetmiş, birkaç kez habse alınmıştır. Rus kaynaklarından faydalanarak ve döneminin taleplerine uygun olarak M.Refili türk donanmasına esir düşmüş Cervantes`in "korsanlar" tarafından kaçırıldığı ve bu sırada işkencelere maruz kaldığı hakkında fikirler söylemiştir (7, s.16).

Modern dönemde yapılan araştırmalar, kolundan yara almış Cervantes`in esir alındığı sırada hiç bir fiziksel iş yapmadığını gösteriyor. Esir alındığı sırada üzerinden bulunan iki tane referans mektubu ona özel muamele yapılmasına neden olmuştur. Araştırmacı Basire Azizaliyeva çok doğru bir noktaya değinerek söylüyordu: "Orta yüzyıllarda yazılmış edebi örnekleri gözden geçirdiğimizde, özellikle, Osmanlı devletinin hakimiyeti altında olan, ona karşı savaşan Avrupa halkları edebiyatında türk imgesine, tarihi olaylara dayanan konulara sıkça yer verildiğini görmek mümkün.

Fakat tüm bu eserlerde türklere karşı takınılan tavrın objektif olduğunu söylemek mümkün değil. Deniz ve karada muhteşem istihkama sahip, Doğu Avrupa, Güney-Batı Asya, Kuzey Afrika ve Atlantik okyanusu gibi bölgelerde hakimiyet kuran büyük türk devletine karşı Batı ve hıristiyan dünyasında yoğun propaganda yapılmaktaydı ve bu da edebiyata yansıyordu. Akdenizdeki türk donanmaları, onun ünlü amiralleri Batı edebiyatı ve Batı filmlerinde türk korsanları olarak, türk askerleri de haraç toplayan haramiler olarak gösteriliyordu. Bundan dolayı da Batı edebiyatında türklere karşı objektif olmayan bu tutumun nedenlerini araştırmak ve onların düşüncelerinin doğru olmadığını kanıtlamak için bahsi geçen eserleri yazılmış oldukları dönemin tarihi olaylarını da dikkate alarak okumak, tarihsel süreçleri öğrenmek gerekmektedir."(10, s.137). Modern edebiyat biliminde çözülmesi gereken problemlerden biri de Sovyet hakimiyeti döneminde ideolojik baskı nedeniyle yapılmış yanlışları ve doğru olmayan yönleri düzeltmektir.

1605 yılında "Don Kişot" eserinin birinci kısmı basıldı, roman büyük başarıya imza atmış oldu, birçok yabancı dile çevirisi yapıldı. 1616 yılında ikinci kısmı yayımlanan eserin başarı kazanmış olması yaşlı Cervantes`in yüzünü güldürdü. Fakat geçirdiği ağır ve zor yaşam tarzından dolayı çabuk yaşlanan ve bunun yanı sıra uzun süreden beri hasta olan Cervantes sıra süre sonra hayatını kaybetti.

"Don Kişot" eserini doğru değerlendiren A. Sultanlı şöyle yazıyordu: "Don Kişot" cengaverlik romanlarına parodi niteliğinde yazılmış olsa da, onun kapsama alanı ve ideya çerçevesi fazla genişlemiş, büyük bir dönemi gerçekçi çizgilerle yansıtan epope şeklini almıştır. (11, s.299). Cervantes, yaşam sürmüş olduğu dönemden iki yüzyıl geri kalmış, geçmişi hep diri tutan, geçmişle yaşayan, modern yaşamın gerçekliklerini göz ardı eden baş kahramanını mizahi yönden ele almıştır. Zayıf, fakir, kimsesiz Don Kişot kaba bir köylü kadın için uyuz bir kısrağın beline binerken, değirmenleri canavar zannedip onlarla dövüşürken, koyunları bir ordu zannederken okur bu hareketler karşısında tiksinti hissinden ziyade acımayla karışık bir komiklik hisseder.

Eserin diğer kahramanı Sanço Panza da edebiyatımızın araştırma alanı dışında kalmamıştır. M.Refili hem Don Kişot, hem de Sanço Panzayı geçmişini unutmayarak geçmişle yaşamaya devam eden, eski düşünceleri tekrar tekrar gözlerinde canlandıran, eski günlerde, rüyalarda gördükleri olayları gerçek zanneden karakterler olarak değerlendirmiştir. (7, s.28). Bu fakir ispanyalı köylü karakterini önemli edebiyatçı Penah Halilov Azerbaycanlı Memmedhasan amca karakteri ile karşılaştırmalı olarak ele almıştır. Tek sahip oldukları şeyin bir eşek olması ve bu eşeğin onlar için ne kadar değerli oluşu, iki karakterin de sevimli eşeğini kaybetmiş olması bu karakterlerin bir birlerine benzeyen yönleriydi. Araştırmacı, bu karşılaştırmanın sonucu olarak

belirtmiştir: “Cervantes`in “Don Kişot”u onun dönemi için, bizim yazarımızın “hikayeleri” bizim dönemimiz için eski Rönesans taleplerinden daha yüksek zirvenin demokratik, belki de devrimci fikirlerini yansıtmıştır” (12, s.6). Don Kişot karakterini Sanço Panza ile zıt, fakat bir o kadar da birlik içerisinde anlatan Cervantes Sanço Panzayı halktan biri, halkın temsilcisi olarak ebedileştirdi. Sançonun sık sık söylediyi ata sözleri, meseller, bazen gülünç, bazen akıllıca yargılamaları, halk dünya görüşüne dayanan bilgeliyi romana güzellik katan yönlerden biriydi.

“Don Kişot” eserinin ilk baskısının 350. yıl dönümünü kutlama amaçlı 1955 yılında çoğu sayıda makale yayımlandı. Değerli Batı bilimci alimlerimiz A.Sultanlı, M.Refili, A.Ağayev araştırmalarında bu eserin yazılmış olduğu dönemi, yaşam koşullarını irdelemiş, ülke dahilinde irticacı yönetim usulünü yaratan 2. Filippin politikası sonucunda ispan halkının ve önemli yazarın nasıl zorlu yaşam sürdüğünü yorumlamışlar (13). Ayrıca ispanyalı yazarın yaşamı ve edebi faaliyeti kronolojik olarak analiz edilmiştir. Yazılmış olduğu dönemde “Don Kişot”dan bahsedenler eseri cengaver romanlarına ve cengaver geleneklerine zıt bir biçimde kaleme alınmış mizahi eser olarak kabul ettiler. 19.yüzyılda alman romantik akım yazarları ilk kez romanda dram ve komikliğin birleşimini, Don Kişot karakterinin evrensel önem arz ettiğini gösterdiler. M.Refili makalede birçok düşünürün fikirlerini gözden geçirmiş, F.Butverg ve A.Schlegel`in eser hakkında yazmış oldukları fikirleri çok beğenmiş, G.Byron ve İ.Turgenyev`in ise eserin amacını doğru anlayamadıklarını belirtmiştir. M.Refili yazıyordu: “Turgenyev de Byron gibi Cervantes romanının ideolojik gayesini layıkıyla kavrayamamış. Turgenyev kendi sosyal grubunun tarih itibariyle ölüme mahkum olduğunu perdelemek için Don Kişot karakterini canlandırmaya çalışmıştır” (7, s.33). Hayal ve gerçek dünya arasındaki çelişki Don Kişot karakterini karakterize eden en önemli özellik olarak her zaman araştırmacılar tarafından ön plana çekilmiştir.

Sonuç. Sonraki dönemlerde de Cevantes`in edebi faaliyeti ve onun “La Mancha`lı Don Kişot” eseri edebi sürecin odak noktası olmuştur. 1983 yılında P.Halilovun çevirisiyle bu eser Azerbaycan okurları için yeniden canlanmış, kolaylaştırılmış biçimde öğrenciler için tekrar yayımlanmıştır. Son yıllarda da Cervantes`in eserleri latin alfabesi ile farklı yayınevlerinde yayımlanmıştır.

Edebiyat:

1. Əliyev R. Ədəbiyyat nəzəriyyəsi. Bakı: Mütərcim, 2008, 360 s.

2. Sultanlı Ə. “Leyli və Məcnun” və Qərbi Avropa ədəbiyyatı. “Azərbaycan məktəbi” jurnalı, Bakı, 1947, №4, s.38-46.

3. Arzumanlı V. Nizami Gəncəvinin dünya şöhrəti. Bakı: Elm, Azərbaycan Ensiklopediyası, 1997, 184 s.

4. Sultanlı Ə. “İskəndərnamə” və Qərbi Avropa ədəbiyyatı// Nizami almanaxı. Bakı: 1947, s.75-87.

5. Bertels Y. Böyük Azərbaycan şairi Nizami. Epoxası-həyatı-yaradıcılığı. Bakı: EAAzF nəşriyyatı, 1940, 150 s.

6. Nizami Gəncəvi. İskəndərnamə. Bakı: Yazıçı, 1982, 688 s.

7. Rəfili M. Servantes və onun "Don Kixot" əsəri, M.Servantes.Saavedra-Lamançlı Don Kixot, II nəşri, Bakı: 1934, s.9-28.

8. Servantes S.M. Don Kixot Lomançskiy.Tərcümə edəni : E.Şemi-zade. Bakı: Azərnəşr, 1930, 72 s.

9. Servantes S.M. Lamançlı Don Kixot.Tərcümə edəni : M.Arif. Bakı: Azərnəşr, 1933, 242 s.

10. Əzizəliyeva B. Türk əsirliyində qalan ispan yazıçısı. Xəbərlər (Humanitar elmlər), Bakı. Elm, 2017, №2, s.136-140.

11. Sultanlı Ə. Məqalələr. Bakı: Azərbaycan Dövlət Nəşriyyatı, 1971, 327 s.

12. Servantes S.M. Lamançlı Don Kixot.Tərcümə edəni : P.Xəlilov. Bakı: Qanun, Əli və Nino 2011, 640 s.

13. Ağayev Ə. Don Kixot. Ədəbiyyat qəzeti, Bakı, 1955, 5 fevral.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ СТУДЕНТОВ

ÖĞRENCİLERİN PEDAGOJİK DÜŞÜNME YETİSİNİ GELİŞTİRMENİN TEORİK YÖNÜ

Узаков Ибодулло Абдуганиевич,
кандидат педагогических наук, старший преподователь
Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы имени Алишера Навои.

Dr. İbadulla Uzakov
Ali Şir Nevai adındaki Taşkent Devlet
Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi.

Özet. Makalede geleceğin öğretmeni sayılan öğrencilerin felsefi ve pedagojik düşünme yetisini geliştirmenin öneminden bahsedilmiştir.
Anahtar kelimeler. düşünme, dünyagörüş, hafıza, konuşma, gaye, pedagojik temayüller.

Аннотация. В статье раскрываются педагогические аспекты формирования мышления и идейной убежденности будущих учителей, рассматривается философское мировоззрение, которое неразрывно связано с педагогическими принципами.
Ключевые слова: мышление, мировоззрение, память, восприятие, воображение, речь, эмоции, идеи, мысль, образ.

Annotation. The present article deals with pedagogical aspects of forming mode of thinking and spiritual qualities of future student teachers. And there also philosophical outlook which is closely connected with pedagogical principles has been discusser.
Key words: thinking, worldview, memory, perception, imagination, speech, emotions, ideas, thought, image.

Современные условия жизни человеческого общества, сложившиеся на рубеже столетий, ознаменовались клубком глобальных проблем, обусловленных фактором неустойчивости экологической, социально-экономической, политической, угрожающих самому существованию человеческого общества. Крупномасштабные взаимодействия человечества с природой чрезвычайно расширились и практически становятся не контролируемыми.

Это накладывает особую ответственность на всё человечество во всех вопросах жизнедеятельности, в том числе и в вопросах формирования педагогического мышления. Преодоление наметившихся глобальных процессов неустойчивости и неопределённости возможно только на основе концепции нового мышления, новых подходов и принципов решения проблемы формирования педагогического мышления, серьёзного обновления методологических основ, психологии, содержательной структуры и направленности мировоззрения.

Позволим себе небольшой экскурс к авторитетным источникам в области мышления и приведём результаты исследований профессионалов.

Высшие психические функции - сложные процессы прижизненно формирующиеся, социальные по своему происхождению, опосредствованные по психологическому строению и произвольные по способу своего существования [5,52]. К ним относятся: мышление, память, внимание, восприятие, воображение, речь и эмоции.

Есть точка зрения, где мышление определяется как способность человека мыслить, рассуждать, делать умозаключения; особая ступень в процессе отражения сознания объективной действительности [2,78]. В Большом толковом медицинском словаре мышление определяется как «процесс обдумывания чего-либо, создание образа или возникновения идеи (ideation)» [1,104].

Можно подытоживая сказать, что мышление - это процесс последовательного и непрерывного чередования умозаключений и представлений. В силу этого без понятия времени и движения представить процесс мышления невозможно. Всякое понятие определяется нами постольку, поскольку оно связано с понятиями, раньше нами воспринятыми. Таким образом, воспринимает мир как движение, ибо его разум способен отмечать лишь разности состояний или явлений.

Идея или закон отличаются от конкретного представления наличие в них элемента движения. Они направлены на развитие, обобщение и синтез.

Отметим, что процесс мышления очень тесно связан с понятиями веры и воли. Человек способен осуществить действие (мысленно решить проблему) только тогда, когда он верит в своё дело. А вера всегда есть следствие волевых усилий, устраняющих сомнение. Таким образом, никакое волевое действие невозможно без наличия веры, и наоборот, вера неизменно сопутствует всякому волевому действию.

В широкой системе общих методологических принципов особо важное значение приобретают педагогические проблемы: 1) взаимосвязь концепции приоритета общечеловеческих ценностей, гуманизации и фундаментализации образования; 2) демократический стиль мышления (гласность, информационная открытость, компетентность, массовая активность и т.д.); 3) взаимосвязь и взаимообусловленность массового мировоззрения с содержанием современной науки; 4) методологический анализ развития общества и науки как подвижного плюралистического развития исторически сложившихся разных культур и мировоззрений; 5) статус человека как реальной силы истории не только в “массе”, но и как “личности”.

Центральной проблемой мировоззрения является проблема бытия и места человека в нём. “Все мировоззренческие вопросы, - пишет С.Л.Рубинштейн, - ответ на которые определяет то, как человеку жить и в чём искать смысл своей жизни, при всём их неисчерпаемом многообразии и богатстве, сходятся в конечном счёте в одном вопросе – о природе человека (что есть человек) и его место в мире. Нет верного отношения к человеку без верного отношения к миру, и нет верного отношения к миру без верного отношения к человеку” [6,255].

В условиях бурного роста научной информации, перестройки и ускорения темпов глобального обновления, социально-экономических и технических условий жизни общества проблема повышения методологического уровня подготовки специалистов, становления их научного мировоззрения приобретает новое принципиально важное значение.

Философия открывает общие походы к мировоззрению как пониманию человеком общей картины мира, психология помогает понять закономерности внутреннего мира человека.

В курс лекций по педагогике в вузе нельзя, на наш взгляд, ограничиться только определением того, что мировоззрение представляет собой целую и стройную систему философских, экономических и социально-политических взглядов, а следует выделить главную мысль: мировоззрение не может быть безличным, оно “всегда чьё-то, оно выражает позицию определённого субъекта” [3, 314-336].

Задача педагогики не только осознать причастность человека к формированию своего мировоззрения, но и определить характер внутренних условий (характер целостного внутреннего мира человека), внешних условий (социальный мир, роль ведущих и значимых условий в нём) и, определив место человека в системе разных типов общественных отношений (общества, групп, коллектива), найти социально-

психологический механизм, определяющий характер и направленность мировоззрения. Для педагогики как науки о воспитании и образовании важно учесть ещё возрастные периоды формирования мировоззрения.

Л.С. Выготский в работе “Развитие личности и мировоззрение ребёнка” показал, что мировоззрение не является свойством сознания, внесённым извне, ибо, по его мнению, мировоззрение - это не какие-то логические конструкции, а отношения человека к миру. Конечно, отношения формируются в деятельности, соответствующей возрасту ребёнка. Если для малыша манипулятивная деятельность, предметная, сюжетно-ролевая более характерны, чем учебная, то и отношении к миру, и знания о мире он приобретает в этих видах деятельности. Возрастом подлинного мировоззрения Л.С.Выготский считает юношей, когда происходит активно процесс автоматизации человека по отношению к внешней среде, осознание своего места в жизни, для чего требуется полное овладение не только своими действиями, своими мыслями, но и своими помыслами, ценностями и отношениями, то есть своим внутренним миром.

В принципе педагогики понимают, что мировоззрение – это наиболее обобщённая совокупность знаний. Через состав мировоззрения старшие поколения передают младшим определённый опыт интегративного отношения общества к действительности. Этот опыт представлен через систему научных знаний, поэтому мировоззрение и называется научным.

Таким образом, научное мировоззрение целостно или фрагментарно обязательно выступает доступным для каждого учащегося.

Анализ содержания мировоззрения, которое рекомендовалось для усвоения учащимися несколько лет назад, приводит к такому выводу: определённая сфера действительности оказалась непредставленной в этом мировоззрении. Эта сфера – проблемы самого человека, того самого учащегося, который был приобщён к усвоению общественного мировоззрения. Для учащегося мир его жизни – это объект для личностного миропонимания, мироощущения, это серьёзное условие для качества (с общественной и педагогической точек зрения) отношения к тем сторонам действительности, которые представлены в научном общественном мировоззрении. Кроме того, общественное мировоззрение, включающее и систему ценностей, гуманистических в том числе, многое теряет в своём гуманизме, если не выступает подспорьем, прибежищем, основанием, референтом в решении проблем конкретного человека не только обществом, но и им самим.

Компоненты мировоззрения – философские, политические, экономические, естественнонаучные, моральные, эстетические и др.- органически взаимосвязаны и взаимодействуют между собой.

Моральные компоненты мировоззрения, нравственные идеалы определяют главный смысл жизнедеятельности педагога, выступают в роли высшей духовно-нравственной ценности, объединяющей все остальные моральные компоненты мировоззрения, а самое главное воспитывает убеждённую жизненную позицию личности.

Идейная убеждённость как стержневое свойство личности и основной мотив её деятельности по-прежнему представляет собой личностное образование первостепенной важности. Без понимания и осмысления тех моральных, нравственных или научных принципов, ради которых студент преодолевает трудности и препятствия, но не может быть целенаправленной, идейно устремлённой, социально-значимой личности. Можно спорить относительной содержательной значимости идейной позиции личности, но не вызывает сомнений значимость самих идейных позиций. Всё это ещё раз убеждает в необходимости постоянной кропотливой воспитательной работы по формированию в условиях современной высшей школы идейной убежденности как стержневого личностного качества. Идеи демократии, гуманизма, милосердия, права каждого человека живущего и действующего в нашем обществе, живущем в новое время.

Использованная литература:

1. Большой толковый медицинский словарь. Oxford. –Москва, 1999.
2. Большой толковый словарь русского языка. СПб.,1998.
3. Выготский Л.С. Избр. соч 6-ти Т.Т.З.М.,1983, с. 314-336.
4. Выготский Л.С. Психологический словарь. -Москва, 1998.
5. Джураева Б.Р. Формирование педагогической культуры будущих учителей в процессе изучения дисциплин педагогического цикла. Монография. –Ташкент: Фан, 2003. 177 стр.
6. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. -1973, с.255

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИҚЛОЛ ТАФАККУРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

MİLLİ ÖZBİLİNÇ VE MİLLİ BAĞIMSIZLIK DÜŞÜNCESİNİN ŞEKİLLENMESİNDE EDEBİYATIN ÖNEMİ

Минҳожиддин Мирзо (Ҳожиматов)
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг
биринчи ўринбосари (Ўзбекистон)

Minhaciddin Mirza (Hacimatov)
Özbekistan Yazarlar Birliği
Reisinin Birinci Yardımcısı (Özbekistan)

Özet. Makalede çağdaş Özbek şiirindeki milli özbilinçin iafade edilmesi, tanınmış Avar şairi Resul Hamzatov geleneklerinin ortaya çıkışı ve edebi etkisi ele alınmıştır.
Anahtar kelimeler: vatan, milli özbilinç, tarih, ana dili, maneviyat, değer, milli bağımsızlık düşüncesi.

Annotation. This article discusses the manifestation of national self-consciousness in contemporary Uzbek poetry and the manifestation of the traditions of the famous Avar poet Rasul Hamzatov and his literary influence.
Key words: Homeland, national identity, history, mother tongue, spirituality, values, national idea of independence.

Миллатларнинг маънавий тараққиётида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги аввало миллий қадриятларга содиқлик тамойиллари уйғунлигида шаклланади, ривожланади. Зеро, миллий ўзликни англаш ҳар бир халқ, миллат учун ўзлигини сақлаган ҳолда уларни буюк мақсад йўлида бирлаштирувчи умуммиллий ҳаракат, байроқ каби кучли таъсирга эгадир. Бу борада ҳар бир миллат қалби ва руҳиятидаги миллий ўзлик билан боғлиқ қадриятлар бир-бирига таъсир кўрсатади, ижобий тажрибалар асосида бойийди, такомиллашади.

Шу асосда миллий адабиётлар ҳам минг-минг йиллар давомида бир-бирига ўзаро таъсир қилиб, бир-бирини уйғотиб, ривожлантириб келади. “Адабиёт яшаса, миллат яшайди”. Улуғ шоир Чўлпоннинг мазкур пурмаъно сўзи миллий истиқлол тафаккурининг шаклланиши, миллат маънавий камолотида, унинг бадиий сўз воситасида ўзлигини англашида адабиёт нақадар муҳим ўрин тутишини кўрсатиб турибди. Жаҳон адабиёти тарихига назар солсак, у тўхтовсиз равишда муҳташам анъаналар, умри боқий тамойиллар, мустаҳкам негиз ва асосга эга қадриятлардан ҳисобига бойиб бораётгани, бу борада ҳар бир даврда гарчи миллий ўзлик тамойилларида бўлса-да, умуминосний қадриятларни бойитишга ҳисса қўшарлик даражада юксак камолотли адиблар етишиб чиқишини, улар яратган асарлар нафақат ўз халқи ва миллати, балки ўзга халқлар маънавий камолоти, миллий ўзлик тафаккури ва адабиёти ривожига сезиларли таъсир кўрсатиб келаётганининг гувоҳи бўламиз. Ана шундай, XX асрнинг буюк шоирларидан бири Доғистонлик авар шоири Расул Ҳамзатовдир.Унинг оташин ва ёвқур шеърияти миллати ва элатидан қатъий назар ҳар бир ижодкор юрагида она Ватанга бўлган муҳаббат, севги-садоқатни улғайтиради, миллий ғурур ва ифтихорларини баланд овоз ила куйлашга даъват этади.

Расул Хамзатов бадиий сўз воситасида инсониятга бу дунёни, ҳаётни қандай ардоқлашни, ўзга миллатлар билан дўсту қадрдон бўлиб яшашни, Ватанни севишни, севганда ҳам уни бутун борлиғи-ла севишни ўргатди. Унинг қалбида бир умр музаффар

Доғистон бутун салобати, дарду армонлари, орзу умидлари, муҳаббати билан бўй кўрсатиб турди. У Доғистон тарихи, тоғликлар анъанаси, оддий чўпонларнинг қувончу ташвишлари, аёлга муҳаббат, соғинч, қўйингки қайси мавзуда ёзмасин ҳар бир шеъринг замирида Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқат мужассам. Бу улуғ шеърият ҳар бир юракнинг ўз гулзори, ўз булбули бўлиши кераклигини таъкидлайди. Зеро, шоир айтгандай ҳар булбулнинг ўз қўшиғи бор, у дунёнинг турли қитъалари, мамлакатлари, ўлкаларида сайраши мумкин. У қаерда, қайси замонда бўлмасин, аввало, энг муқаддас туйғу – Ватан ҳақида куйлайди.

Булбул қўшиғини тинглаяпсанми,
Унда янграётган тантана тинмас.
Нима ҳақда куйлар англаяпсанми.
Аммо номаълумдир ҳеч кимса билмас.
Иймоним комилдир, ишонч-ла айтгум,
Ватан ҳақидадир бу қўшиқ бонглар.
Агар ўзга мавзу бўлганда шаксиз,
Жонига тегарди аллақачонлар. (Ҳамзатов, 2019: 10)

Гўёки Расул Ҳамзатов 1937-39 йиллардаги қатағонлардан сўнг “жимликка” маҳкум этилган маҳаллий республикалар халқлари қалбида бир муддат қўрқув, таҳлика, иккиланиш ҳолатида турган фикрлар тўғонини бузиб, улар учун ўктам ва озод сўзга йўл очгандай эди. У машҳур “Доғистоним” асарида шарқона адабий анъаналар, чуқур фалсафий хулосалар асосида инсон ўз она тили, миллий қадриятларига энг мустаҳкам ришталар билан боғланганини, бу ришталарсиз унинг нафақат ўзлиги, балки инсоний қиёфаси ҳам йўқолиши мумкинлигини ҳам таъсирчан ва ибратли, ҳикматли воқеалар, ҳам мантиқ нуқтаи назаридан исботлаб бердики, хатто мустабид тузум мафкураси ҳам бу ҳаёт ҳақиқати олдида лол бўлиб қолди.

“Тоғликлар кўпинча ўғлига бобосининг исмини қўяди. Китобим менинг фарзандим. Мен эса Доғистоннинг фарзандиман. Демак, китобимнинг номи - “ДОҒИСТОН”. Бундан ҳам мос, бундан ҳам чиройли, бундан ҳам аниқ ном бўлиши мумкинми? Элчини машинасидаги байроқчадан танийдилар, китобим-менинг ватаним. Ном ўша байроқча...” (Ҳамзатов, 2018: 2).

Расул Ҳамзатов ижодининг моҳияти унинг ҳаётга бўлган муносабати, яъни эстетик принципи билан белгиланади. Шоир ижодидаги шарқона рубобийлик, гўзал самимият баробаридаги ёрқин образлилик ва ҳикматли таъбирнинг ўзбек адабиётига, хусусан замонавий ўзбек шеъриятига ижобий таъсири беқиёсдир. Ўша даврда аксарият ёзувчи ва шоирлар томонидан мустабид тузум тазйиқи остида партиянинг “улуғвор сиёсати”, “пролетар интернационализми”, “Социалистик тузумнинг инсонпарвар моҳияти” зўр бериб “куйланаётган” бир пайтда озодлик руҳи, миллий ғурур, ҳақ сўз ва ҳақиқат, чинакам ватанпарварлик шеъриятнинг асл моҳиятига айланишида Расул Ҳамзатов шеърияти собиқ иттифоқ таркибидаги миллий адабиётлар вакиллари қалбидаги тутқун туйғуларнинг ўзгача бир шижоат, янгича миллий руҳ билан майдонга чиқишига маълум маънода ижобий таъсир кўрсатди.

Шоир ўзининг оташин ва курашчан асарлари билан инсоният бадиий такомили тарихидан муносиб жой олди ва унинг бугунги кундаги тараққиётига ҳам самарали таъсир кўрсатмоқда. “Ҳамзатов ХХ асрнинг энг машҳур шоирларидан бири бўлиб, унинг асарлари дунёнинг 80 тилига таржима қилинган” (“Дагестан”, 2013). Унинг фавқулодда маҳорат ва юксак бадиий маҳорат билан яратган “Доғистоним” бадиаси ижодининг чўққисидир. Асардаги асосий ўринни миллий ўзликни сақлаб қолиш билан боғлиқ жиҳатлар ташкил қилади. 1967 йилда босмадан чиққан бу китоб тезда жаҳон халқлари тилларига ўгирилди ва китобхонларнинг бебаҳо бойлигига айланди. Ўзининг оламшумул муваффақиятидан руҳланган шоир “Доғистоним” асарининг иккинчи китобини 1971 йилда адабиёт мухлисларига тақдим этди. Унинг асарлари кўксида миллий ғурури

чўққилар қадар юксалиб турган ҳар бир тоғлик шоирдек гаплашади. Миллий ўзлигини азиз тутган ҳар бир шоир қалбида эса ўша тоғлик шивирлаб туради.

“Доғистоним” таниқли шоир Э.Воҳидов томонидан ўзбек тилига таржима қилинади ва “Гулистон” журналининг 1968 йил 1, 2, 3, 4, 5, 6,7,8 – сонларида чоп этилади. Кўриниб турибдики, “Доғистоним” дунё юзини кўрган 1967 йилдаёқ Э.Воҳидов унинг таржимасига қўл урган. Журналнинг 1-сонида таржимоннинг мухтасар сўз бошиси ҳам бор: “Чўққилари осмон ўпган Кавказ тоғларининг бағрида бир ўлка бор. Уни Доғистон дейдилар. Дўппидеккина бу ўлкада қирққа яқин тилда сўзлашадиган 1 миллион халқ яшайди. Расул ана шу халқнинг шоири, ана шу халқ шуҳратини бутун Иттифоққа, балки бутун дунёга таратган шоир. “Доғистоним”шоирнинг биринчи насрий асари. Бунда у ўзи ҳақида, ўз халқи ва ўлкаси, унинг ўтмиши ва бугуни ҳақида, хуллас замини ва замони ҳақидаги ўйларини ёзади. Халқнинг адабиётини ўрганиш – унинг ўзини ўрганиш деб бежиз айтмайдилар. Икки халқнинг бир бири билан яқинлиги адабиётларининг яқинлигида намоён бўлади. Ўзбек ва Доғистон халқи ўртасида кўп яқинликлар бор. Ўтмишу бугунимиз, урф - одатларимиз, ҳатто тилимизда ўхшашликлар кўп. Шунинг учун Расул Ҳамзатовнинг сатрларини ўзбек китобхони ўз ёзувчисининг асаридек ўқиши мумкин. Эркин Воҳидов” (Ҳамзатов, 1968: 13).

Расул Ҳамзатов сиймосининг ижодий жасорат тимсоли, юксак адабий маҳорат намунаси сифатида ўзбек адабиётига, атоқли ўзбек адиблари, Ўзбекистон халқ шоирлари Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матчон, Ҳалима Худойбердиева, Анвар Обиджон, Азим Суюн, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Сирожиддин Саййид, Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон, Мирзо Кенжабек, Аъзам Ўктам, Эшқобил Шукур асарларининг ижодий парвози, камолотига ижобий таъсири ҳақида гап кетганда, улар ижодидаги аввало она тили, она юртга муҳаббат, шу асосда инсон эрки, ҳурлиги, миллий қадриятлари асосида миллатга барҳаётлик ва давомийлик бахш этувчи тарихий ҳақиқатлар, ривоятлар, анъаналар саодати ҳақидаги шеърлар эътиборни тортади.

“Ўша йиллари “Гулистон” журнали унутилган қадриятларимизни тиклашга ёрдам берадиган, халқимизнинг ўзлигини англашга ўргатадиган мақола, публицистик чиқишлар, оригинал ва таржима асарларини бирин кетин эълон қила бошлади. Алихонтўра Соғуний томонидан таржима қилиниб, нашга тайёрланган Амир Темурнинг “Тузуклар”и, машҳур авар шоири Расул Ҳамзатовнинг “Доғистоним” асарининг Эркин Воҳидов таржимасида журналда босилиб чиқиши фидойи ва миллатсевар таҳририят жамоасининг саъй-ҳаракати натижасида майдонга келди. Шундай бир шароитда “Ўзбегим” 1968 йилнинг кузида журналда босилиб чиқиши миллатсеварликни миллатчилик сифатида талқин қилиб ўрганган кучларнинг ғазабини қўзғатди”. (Иноғомов, 2016: 67. “Ўзбегим” 1968 йил “Гулистон” журналининг 5 – сонида. Изоҳ бизники – М.Ҳ.)

Албатта, ҳар бир таржима икки миллат орасидаги ижодий-маънавий кўприк вазифасини ўтайди. Яхши асарнинг муваффақиятли таржимаси нафақат миллат дунёқарашига, балки таржимон ижодий камолотига ҳам чексиз таъсир қилади. Гоҳ таржимон асл матндаги ҳарорат ва оташин сўз санъатидан баҳрамандликни туйса, гоҳи асар моҳиятини бор бўйи басти билан чиқаришда ўзидаги бор маҳоратни ишга соладики, гоҳида асл матн бундай ёндошувдан фақат сайқал топади, айрим ҳолларда аслиятдан-да таржима кучлироқ эстетик таъсирга эга бўлади. Бизнинг назаримизда Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси яралишида Соҳибқирон Амир Темурнинг Алихонтўра Соғуний ҳазратлари ўзбек тилига ўгирган “Тузуклар”и, Расул Ҳамзатовнинг “Доғистоним” асарининг таъсири беқиёс бўлган. Айниқса, “Тузуклар”нинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва 1967 йилда “Гулистон” журналида чоп этилиши ўша даврда катта шов шувга сабаб бўлганди. Бу нафақат миллий шоирлар, балки бутун халқ қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиб юборган тарихий ҳодиса эди. Таржима жараёнида Эркин Воҳидов буюк Расул Ҳамзатов кўнгил оғриқлари асносида ўз миллатининг буюк дарди билан ёнади.

“Доғистоним” китобидаги ватан тарихи ва тилига муҳаббат, миллий ўзликни англаш ва топиш ниятида йўлга отланган улуғ йўловчининг изтироблари, бедор аламлари, ҳайқириқлари алангага айланиб, уни ўқиган ҳар бир китобхон қалбига ўт туташарди. Юраги миллат дарди билан ёниб турган шоир Эркин Воҳидов таржимасидаги “Доғистоним” китоби билан танишган синчков китобхон ўзбек шоирининг қалби гўё асар муаллифи билан сирлашиб, дардлашиб, фарёд ураётганини ҳис қилади. Бу ҳолат ҳудди кўкка парвоз қилиш азмида пишқираётган, лекин тушовланган ёвқур арғумоқнинг шиддатини эслатади. Ўз ўрнида ўқувчи ҳам қалбидаги фикр ва ўйларини тафтиш қилади, виждони, иймони уйғониб, миллий ўзлик, саодат қувончи ва изтироблари билан тўлиб тошади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳамзатов Р. “Оқ турналар” (М.Мирзо таржимаси) –Тошкент: “MASHHUR-PRESS”, 2019.

2. Ҳамзатов Р. “Менинг Доғистоним”(А.Мўмин таржимаси). –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018.

3. “Дагестан” Веб сайт Государсвенный вешательный комитет. ”В самом центре Москвы открыт памятник Расулу Гамзатову”. 2013 йил 7 июль.

4. Ҳамзатов Р. “Доғистоним” (Э.Воҳидов таржимаси). “Гулистон” журнали, №1, 1968 йил.

5. Иноғомов Р. “Ўзбегим”нинг дунёга келиши ва изтироблари”. “Шоирлик қисмати” (хотиралар), -Тошкент: “MASHHUR-PRESS”, 2016.

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВНИНГ ПЕЙЗАЖ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

PİRİMKUL KADİROV'UN PEYZAJ MAHARETİ

Фазилат Муҳаммадиева Абдимуродовна,
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш
вазирлигининг "XXI аср технологиялари"
журнали бош муҳаррири (Ўзбекистон)

Fazilet Muhammadiyeva
Özbekistan Cumhuriyeti İnovasyon Gelişme Bakanlığının
"XXI Yüzyıl Teknolojileri" Dergisinin Baş Editörü

Özet. Makalede Özbek edebiyatının usta yazarlarından Pirimkul Kadirov'un tarihi eserlerindeki peyzaj tasviri ele alınmıştır. Yazarın doğa tasvirinde kullandığı estetik yöntemler, yaklaşımlar araştırılmıştır.
Anahtar kelimeler: tarihi eser, peyzaj, doğa tasviri, süje.

Аннотация. В статье исследуется пейзаж, иллюстрируемый в исторических работах Пиримкула Кадырова, одного из самых влиятельных деятелей узбекской литературы. Подробно описаны способность писателя использовать описание природы, роль пейзажа в исторических произведениях и его влияние на читателя.
Ключевые слова: историческое произведение, пейзаж, описание природы, сюжет.

Annotation. This article explores the landscape illustrated in the historical works of Pirimkul Kadyrov, one of the most influential figures in Uzbek literature. The writer's ability to use a description of nature, the role of landscape in historical works and its influence on the reader are described in detail.
Key words: historical work, landscape, description of nature, plot.

Ўзбек насрининг йирик намояндаларидан бири бўлган ёзувчи Пиримқул Қодиров ҳақида гап кетганда, аввало, унинг тарихий асарлари кўз ўнгимизга келади. Ўзининг бир қатор асарлари билан ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган ёзувчининг ҳар бир асари ўзининг ишончлилиги, тарихий ҳақиқат ва воқеаларга бойлиги, сюжети мукаммалиги билан бошқа ёзувчилар ижод намуналаридан ажралиб туради.

Тарихий асар ёзиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун ижодкордан юксак билим, салоҳият, зийраклик талаб қилинади. Ўзгача қобилият соҳиби бўлган бўлган Пиримқул Қодировда бу каби хислатлар мужассам бўлган ва қўрқмасдан тарихни ўз асарлари саҳифаларида жонлантира олган. Адиб асарларини мутолаа қилар экансиз, ҳар бир тарихий шахс, ҳар бир тарихий давр кўз олдингизда намоён бўлади. Асар орқали улар билан сўзлашасиз, ўша даврга саёҳат қиласиз.

Пиримқул Қодировнинг маҳорати шундаки, у ўз асарларида адабий унсурларнинг барчасидан самарали фойдаланган. Сюжет таркибига кирадиган барча компонентларни ўрнида қўллаган. Ёзувчи, айниқса, табиат манзаралари тасвирига алоҳида эътибор қаратади ва кўпгина асарларини ўзига хос пейзаж билан бошлайди.

Аслида, ҳар бир асарда пейзажнинг ўрни муҳим бўлиб, усиз асарнинг таъсирчанлиги ва воқеалар ривожининг ишонарлилигини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ёзувчилар асар яратаётганда ўз ғоявий ниятини китобхонга етказиш учун фақат қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари эмас, балки уларни ўраб турган табиат манзаралари тасвирларидан ҳам кенг фойдаланади.

Табиат тасвири сюжетнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, асарнинг ғоявий-эстетик қувватини ошириш, сюжет ривожини тезлатиш ёки секинлатиш, қаҳрамоннинг

ички дунёсини очиш каби вазифаларни бажаради. Асарда табиат манзарасининг тасвирланиши ёзувчи ўзининг юртига, Ватанига, она табиатга бўлган муносабатини ҳам ифодалайди.

Бадиий асарда пейзаждан икки хил усулда фойдаланилади: қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини табиат тасвири билан параллель равишда тасвирлаш ва қарама-қарши (контраст) усулда тасвирлаш. Пейзаж тасвири орқали муаллиф ўзининг асосий ғоявий ниятини илгари суриши ҳам мумкин. Аммо пейзажлар қаҳрамонларнинг ҳиссий тажрибаларини очишнинг асосий воситаларидан биридир. Бундан ташқари, улар содир бўлаётган нарсаларга муаллифнинг муносабатини етказишга ҳам хизмат қилади.

Бундан ташқари, пейзаж асарнинг ғоявий мазмуни ва характерларни очишда қўшимча бадиий восита ҳамдир. Ёзувчи пейзаж орқали ё бевосита ўз фикрларини баён қилади ёки персонажларнинг ички кечинмаларини кўрсатади. Ҳар иккала ҳолда ҳам пейзаж маълум ғояни ифодалайди. Табиат лавҳалари кўпинча қаҳрамонларнинг кайфияти ва ҳолатига уйғун бўлиб келади. Масалан, Пиримқул Қодиров “Ҳумоюн ва Акбар” романида Хонзода бегимнинг ўй-кечинмалари, кайфиятини қуйидаги пейзаж тасвири орқали ёрқин ифодалайди: “Аграга кўчиб келган Хонзода бегим ўн йилдан бери Ҳиндистонда истиқомат қилаётган бўлса ҳам, ҳанузгача бу ердаги йил фаслларининг ғаройиблигига ўрганолмайди. Унинг назарида, Агранинг кузи ва қиши йўқ, баҳори билан ёзи эса йил бўйи давом этади. Кеч кузда, бегимнинг ёшлиги ўтган Фарғона водийсида дарахтлар баргини дув тўкадиган хазонрезлик пайтида Агранинг ям-яшил хурмозорлари худди ёздагидек мева бериб туради. Қишда, Самарқанднинг мовий гумбазлари оппоқ қор билан безанадиган пайтда Жамна бўйларида донли экинлар бошоқ тортади, токлар эса гулга киради. Ҳут ойининг охирида Тошкентда қиш қировлари энди тугайдиган кезда Ҳиндистоннинг жанубида эртаки узумлар пишади. Наврўз кирганда эса бозорга янги қовун чиқади ва ҳинд далаларида арпа ўрими бошланади. Аградаги Зарафшон боғида баланд гулмоҳур дарахтлари бор. Бу дарахтлар Наврўз арафасида бутун баргларини бирдан тўкади-ю, новдаларидаги шиғил ғунчалар бирваракайига очилади. Шунда япроқсиз новдаларнинг ҳаммаси йирик-йирик қизил гуллар билан қопланади. Улкан гулмоҳур дарахтлари қип-қизил гулханларга ўхшаб кўзни ёндиради. Шунинг учун бу ажойиб дарахтни оловли моҳур ҳам дейишади” (Пиримқул Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар. 1997: 1).

Бу ўринда ёзувчи табиат тасвири орқали ўқувчининг географик билимини оширишни ҳам мақсад қилган. Тасвир шу даражада аниқ ифодалаганки, китобхон бевосита қаҳрамон билан ёнма-ён тургандай бўлади. Бу эса асар сюжетининг муваффақиятли чиқишига хизмат қилган.

Ёки худди шу асарнинг мана бу парчасига эътибор қаратинг: “Тушга яқин ёмғир тинди-ю, булутлар орасидан кўм-кўк осмон ва иссиқ ёз офтоби кўринди. Ганга ҳали ҳам узоқларда ёғаётган жала сувларига тўлиб, лойқаланиб оқаётган бўлса-да, ер аста-секин қурий бошлади. Байрамхон Ганга жанубидаги кенг текислик орқали Шерхоннинг қароргоҳи томон отлиқ борар экан, ёмғирдан кейинги ҳавода бўлиқ ўт-ўланлар ва ранг-баранг дала гуллари қанчалик қулф уриб, яшнаб турганини, осмон тўла қушлар нақадар яйраб учаётганини кўрди-ю, ўзича бир хўрсиниб олди. Ҳинд ери ёз иссиқларига қўшилиб келадиган илиқ ёмғирларга тўйиб, ҳамма тирик жонни, барча гиёҳларни бирваракайига уйғотадиган ва жуда тез ривожга киритадиган мана шу пашкол (ёмғир фасли) фаслида Байрамхон уйдами, боғдами тинчгина ўлтириб китоб ўқишни ёки шеър ёзишни қўмсайди” (Пиримқул Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар. 1997: 33). Бу ўринда ажиб табиат тасвири ўқувчини асарнинг навбатдаги воқеалари томон оҳиста етаклайди. Ўз ўрнида тасвирланган табиат манзараси асарга шундай жозиба бағишлайдики, бу пейзаж китобхон кўз олдида кинотасмаларидай жонланади. “Ҳумоюн ва Акбар” романида ҳам ана шундай изчилликка, аниқликка ва мукаммалликка ва энг асосийси, мўъжизавий табиатнинг бетакрор тасвирларига гувоҳ бўламиз.

Ёзувчи “Она лочин видоси” романида ҳам пейзаж тасвирига алоҳида эътибор қаратиб, табиатнинг ажиб манзарасини моҳирона қаламга олади. “Кузги ёмғирлар ва қавс ойида ёғиб ўтган дастлабки қор ҳаводаги ғуборларни ювиб кетган. Қуёшли осмон беҳад тиниқ. Узоқдаги қорли тоғлар гўё яқин келиб қолган. Самарқанд атрофидаги боғларда олтин куз манзаралари. Заррин дарахтзорларга бурканган қишлоқлардан нарида Шовдор ва Ҳисор тоғлари оппоқ қорга бурканиб, одатдагидан силиқроқ кўринади” (Пиримқул Қодиров. Она лочин видоси. Ziyo.uz. 93-бет). Бу гўзал табиат манзараси тасвири китобхонни роман воқеалари гирдобига, Улуғбек Мирзо тақдирида юз берадиган фожиалар қаърига тортиб кетади. Ўз ўрнида қўлланган пейзаж асарга бадиий бўёқ беради, асарнинг таъсирчанлигини оширади. Пиримқул Қодиров бошқа асарлари қатори ушбу романида ҳам пейзаждан фақат зарур ўринлардагина фойдаланганки, китобхон бевосита воқеалар оқимига шўнғиб кетади.

Ушбу асардаги қуйидаги парча эса китобхонни асар хотимасига тайёрлаётгандай гўё. “Узоқдаги қора булут ичида чақмоқ ялт-юлт қилар, шатир-шутур дўл ёғар, жала ва дўлдан ҳосил бўлган улкан сел Ҳирот дарёсига тушиб, шағирлаб ўтмоқда эди” (Пиримқул Қодиров. Она лочин видоси. Ziyo.uz. 237-бет). Асарда шу тасвирдан кейин яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалаба қилиши, асар қаҳрамонларининг ўз душманларини мардонавор енгиб, зафарли онларни нишонлаш воқеалари қаламга олинади.

Аҳамият бериб қаралса, Пиримқул Қодировнинг ҳар бир асари аниқ ифодага, тиниқ тасвирларга жуда бой. Жумладан, адиб “Юлдузли тунлар” романида ҳам табиат манзараларига жуда кўп ўринларда мурожаат қилади ва шу билан воқеалар ривожини бойитиб боради. Бу эса, албатта, ўқувчини ўша тарихий давр муҳитига олиб киришга хизмат қилган. “Ўшнинг жанубидаги кенг текисликлар, тўлқинсимон қир ва адирлар турли-туман дала гуллари билан безанган. Сап-сариқ қоқилар, кўк-қизғиш нахўтаклар, нопормон эр-баҳолар орасида узоқдан қип-қизил гиламга ўхшаб кўзга ташланадиган – қийғос очилган лолақизғалдоқлар эди. Бобур олисдаги қорли тоғларга қараб борар экан, тиззага чиқадиган юмшоқ кўкат устида отлар ҳам майин қадам ташлаб бораётганини сезарди. Баҳор нафосати ҳозир унинг кўзини эркалаётган бўлса ҳам, аммо дилига таъсир қилолмас эди” (Пиримқул Қодиров. Юлдузли тунлар. 2015: 52).

Воқеаларни бир-бирига кўринмас занжир каби боғлайдиган пейзаж бир қарашда асарга бадиий бўёқ, кайфиятни кўтарувчи илиқлик бағишлайдиган унсурдай кўринади-ю, кўп ўринларда қаҳрамон руҳиятига олиб кирувчи бир восита бўлиб хизмат қилади. Юқоридаги парчада пейзаж худди шундай – китобхонни асар қаҳрамони руҳияти, кечинмалари томон етаклашга хизмат қилган.

“Қора кўзлар” романи дебочасида тасвирланган ажойиб ва бетакрор табиат манзараси китобхонни асар воқеалари томон осон эргаштиради. Мутолаага киришган ўқувчига асарни бир нафасда ўқиб чиқишга тайёрлайди. Руҳиятига ўзгача илиқлик, мусаффолик олиб киради. “Майнинг охирлари. Водийларда барвақт хазон бўлган лолақизғалдоқлар Туркистон тизма тоғининг этакларида энди очилган. Кечаси билан ёмғир ёққан эди. Эрталаб тоғ қаршисидаги кенг текисликдан офтоб чарақлаб чиқди. Тоғдан ошиб ўтолмаган қорамтир булутлар ён-бағирларни бекитиб, сузиб юрарди. Офтоб баландроқ кўтарилди-ю, булутлар тарқаб, тоғларда ҳам ҳаво очилиб кетди. Текисликка ёққан ёмғир тоғ тепасига қор бўлиб тушган экан. Чўққилар аввалгидан ҳам оқроқ ва силлиқроқ. Улардаги пастдаги арчазор ён-бағирларга қор жуда ола тушибди: бир жой қашқа бўлган, бир жойга сал урвоғи теккан. Тоғнинг ярмидан пасти эса ёмғирдан кейин қорайиб, хиёл буғланиб туради ва унча аниқ кўринмайди” (Пиримқул Қодиров. Қора кўзлар. 2018: 1).

Асарни ўқиш жараёнида воқеалар кетма-кетлигини қуйидаги пейзаж тасвирлари боғлаб боради. “Ёғингарчиликдан сўнг ҳаво янада тиниқлашиб, тоғ чўққилари қишлоққа гўё қўл чўзса етгудек яқин келиб қолган. Баланд тоғ ён-бағирларининг у ер-бу ерида эрталаб кўзга ташланган қор урвоқлари ҳозир эриб, кўринмай кетган. Шамол ғуж-ғуж

арчаларнинг ҳидини олиб келади” (Пиримқул Қодиров. Қора кўзлар. 2018: 21). Ёзувчи ушбу асарида ҳам пейзажнинг катта имкониятларидан самарали фойдаланган.

Табиат – сеҳрли куч. У инсонга руҳий хотиржамлик, сокинлик бағишлаб, кайфиятини кўтаради. Шунинг учун бўлса керак, Яратганнинг буюк мўъжизасига қанча қарасак-да, термилсак-да, тўймаймиз. Унинг бағрида соатлаб ўтиргимиз, ширин хаёллар сургимиз келади. Ана шу бетакрор гўзалликни, софликни ҳис қилиб, унинг қудратини китобхонда ҳам уйғота олиш ёзувчи учун буюк маҳорат. Пиримқул Қодиров шундай буюк маҳорат соҳиби эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Пиримқул Қодиров қаламига мансуб асарларда тасвирланган табиат манзараси қаҳрамонлар кайфияти, руҳияти ва воқеалар ривожига чуқур кириб боришга, ёзувчининг ғоявий тушунчасини яхшироқ англашга ёрдам беради. Шунинг учун бўлса керак, адиб асарлари ҳали-ҳануз китобхонлар қўлидан тушмай келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1995.

2. Бобойев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2002.

3. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: “Шарқ” нашриёти, 2002.

4. Пиримқул Қодиров. Ҳумоюн ва Акбар. – Тошкент: “Шарқ” нашриёти. 1997.

5. Пиримқул Қодиров. Она лочин видоси. Ziyo.uz. сайти.

6. Пиримқул Қодиров. Юлдузли тунлар. – Тошкент: “Янги аср авлоди” нашриёти. 2015.

7. Пиримқул Қодиров. Қора кўзлар. – Тошкент: “Шарқ” нашриёти. 2018.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚИЙ-САҲНАВИЙ ЖАНРЛАР РИВОЖИ ХУСУСИДА

ÖZBEKİSTAN'DA MÜZİKAL-SAHNE TÜRÜNÜN GELİŞMESİ HAKKINDA

Алимджанова Нодира Абдугапаровна,
Тошкент давлат миллий рақс ва
хореография олий мактаби
катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)

Kıdemlı Okt. Nadira Alimcanova,
Taşkent Devlet Milli Raks ve Koreografi
Yüksek mektebi (Özbekistan).

Özet. Makalede Özbekistan'da müzikal-sahne türünün ortaya çıkışı ve gelişmesi, tiyatronun toplım hayatndaki yeri, Özbek tiyatrosunun gelişmesi, Alişir Nevai tiyatrosunda sahneye konulan eserler ve besteciler faaliyeti hakkında bilgi verilmiştir.
Anahtar kelimeler: tiyatro, müzikal-sahne türleri, opera, bale, dans sanatı, koreografi.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы развития музыкально-сценических жанров в Узбекистане, деятельность ГАБТ имени Навои, развитие узбекского театрального искусства, освещается творческая деятельность отдельных композиторов.
Ключевые слова: театр, музыкально-сценические жанры, опера, балет, танцевальное искусство, хореография.

Abstract: The article discusses the issues of development of musical scenic genres in Uzbekistan, activity of State Bolshoi Theater named by A.Navoi, development of Uzbek theater art, covers the creative activities of individual composers.
Key words: theater, musical scenic genres, opera, ballet, dance art, choreography.

Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театри ҳақли равишда Ўзбекистоннинг етакчи театри, мамлакатнинг миллий ифтихори, мусиқа-театр маданиятининг маркази ҳисобланади. У ажойиб анъаналарга бой шонли тарихга эга. Бу тарих опера ва балет театри жаҳонда шуҳрат топишига олиб келган юқори даражадаги маданият ҳамда маҳоратнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўтган давр давомида театр муайян ютуқларга эришди, ифода воситалари доираси сайқал топди, тўпланган тажриба такомиллашиб борди, театр миллий ва жаҳон мумтоз меросининг бутун бойлигини ўзида мужассамлаштирди ва ўзбек мусиқа-саҳна санъатининг бетакрор намуналарини яратди.

Ушбу театрнинг тарихи 1920-йиллар ўрталарида миллий маданиятимизнинг кўзга кўринган арбоби, Ўзбекистон халқ артисти Муҳиддин Қори-Ёқубов томонидан профессионал Концерт-этнографик ансамбли ташкил этилиши билан бошланади. Толмас мусиқа ва жамоат арбоби ҳамда истеъдодли ташкилотчи Муҳиддин Қори-Ёқубов академик миллий театр жамоасини яратиш ғоясини ҳаётга татбиқ этиб, бутун республика бўйлаб истеъдодли санъаткорларни излаб топди ва уларни бир жамоага бирлаштирди.

Ўша вақтда ансамбль труппаси ёш ижодий кучлардан иборат бўлиб, кейинчалик улар халқ ва хизмат кўрсатган маданият ходимлари, давлат мукофотлари совриндорлари сифатида танилдилар. Бу артистлар орасида Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Гавҳар Раҳимова, Зуҳур Қобулов, Боборахим Мирзаев, Лутфихоним Саримсоқова, Уста Алим Комилов, Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Карим Зокиров, Пўлатжон Раҳимов, драматурглар Ғулом Зафарий, Шарофиддин Хуршид, Комил Яшин, композитор ва дирижёрлар Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиқовлар бор эди.

Ушбу ижодий жамоа асосида 1929 йил ноябрь ойида Ўзбек давлат мусиқий театри ташкил этилди ва у тарихий ривожланиш жараёнида бугунги кунда Алишер Навоий

номидаги ДАКТ тимсолида хореография, вокал, драматургия ва бошқа кўплаб санъат турларини ўз ичига олган мураккаб тузилмага айланди.

Томошабинлар орасида катта муваффақият қозонган илк миллий спектакллар орасида жамоатчилик диққат марказида турган замонавий мавзулар билан йўғрилган Г.Зафарийнинг "Ҳалима", Т.Жалилов ва М.Ашрафийнинг "Ичкарида" мусиқали драмалари, шунингдек, Алишер Навоий қаламига мансуб "Фарҳод ва Ширин" поэмаси асосида яратилган В.Успенскийнинг спектакли, "Лайли и Мажнун" поэмаси асосида Т.Содиқов ва Н.Мироновнинг спектакли бор эди. Бу мусиқий драмалар миллий опера ва балет асарлари яратилиши учун замин ҳозирлади.

1939 йили композитор Фридрих Таль "Шоҳида" балетини яратди ва у Уста Алим Камоловнинг фаол кўмагида театрда саҳналаштирилди, Мукаррам Турғунбоева эса унда асосий ролни ижро этди. 1943 йилда Сергей Василенконинг балетмейстер Фёдор Лопухов томонидан саҳналаштирилган ҳамда Мели Мусаев рассомлик ва декораторлик қилган "Оқбилак" балети премьераси хореография санъати ривожида муҳим қадам бўлди. "Оқбилак" балети қаҳрамони образи санъаткор М.Турғунбоева томонидан ижро маҳорат билан этилди. 1949 йилда театр репертуари янги ўзбек балети билан бойиди: томошабинлар эътиборига Г.Мушелнинг "Балерина" балети ҳавола этилди. Ушбу балет ўзбек мусиқий театри ривожида салмоқли воқеа бўлди.

Ўзбекистон композиторларининг балет жанрига қизиқиши айнан урушдан сўнгги йилларида анча кучайди. Агар 50 – йилларда замонавий ёки эртак мавзуида ёзилган балетларнинг мусиқали саҳна ривожида эпик қиссалар характери устун турса, 60 - 70 йиллар балетида йирик драматик тўлиқ спектакллар яратишга, кескин, кўпинча фожиавий сюжетларни ифодалашга интилиш сезилади.

Ўзбек мусиқий маданияти тарихи босқичлари сифатида театр саҳнасида янги миллий спектакллар пайдо бўла борди, янги балет спектакллари яратилди. Б.Зейдман, Т.Содиқов, Ю.Ражабий, Д.Зокировларнинг "Зайнаб ва Омон" операси, И.Акбаровнинг "Орзу", Д.Зокиров, Б.Гиенколарнинг "Ойниса" балетлари, А.Козловскийнинг "Улуғбек" операси янги таҳрири кабилардир. М.Ашрафийнинг "Дилором" операси ва С.Юдаковнинг "Майсаранинг иши" ҳажвий операсини алоҳида таъкидлаш лозимки, улар ҳозирги кунга қадар театр репертуаридан муносиб ўрин эгаллаб турибди ва ўзбек опера мусиқаси жавоҳирлари ҳисобланади.

Хилма - хил мавзу ва сюжетларда балет учун анъанавий мавзу бўлган севишганлар тақдири ҳақида (М.Левиевнинг "Сухайл ва Меҳр", И.Акбаровнинг "Лайли ва Мажнун", Мухтор Ашрафийнинг "Севги тумори", Г.Мушельнинг "Бибихоним"), қаҳрамонлик ва ватанпарварлик (М.Ашрафийнинг "Севги ва қилич"), ижтимоий оммабоп мавзуда (А.Козловскийнинг "Тановар" балети) асарлар яратилди ҳамда театр саҳнасини кўрди.

Урушдан кейинги давр балет санъатида Г.Мушельнинг "Раққоса" асари катта аҳамиятга моликдир. Асарнинг мусиқали – хореографик композицияси ўзининг умумий хусусиятларида классик балет спектакли тузилишига таянади. 1950-йилларнинг иккинчи ярмида театрга янги санъаткорлар келиб қўшилиши унинг бадиий мавқеи сезиларли даражада ошишини таъмин этди.

Балет спектаклларнинг ўзгача жанрини И.Акбаровнг "Лайли ва Мажнун" балети ташкил этади. Бир актли балет доирасида мусиқа А.Навоий поэмасининг конкрет сюжетини эмас, балки, унинг эмоционал моҳиятини: икки дил севгиси, бу севги севинчи ва бахти, ҳижрон фожиаси ва ўлимни ифодалайди.

Катта сюжетли балет жанрига 60- йиллар оҳирида М. Ашрафий мурожаат қилади. Унинг "Севги тумори" балети замонавий ҳинд драматурги Б. Гаргининг "Сухан ва Мохивал" поэмасининг мотивлари асосида ёзилган. Балетнинг мусиқали тили ўзбек, хинд, афғон мусиқаларига хос турлича куй ва ритмик хусусиятлари билан суғорилган. Самарканднинг 2500 йиллик тўйига 1970 йилда Г.Мушель уч пардали "Бибихоним" балетини яратди. Асарнинг партитураси спектаклнинг ички тузилиш шакллари, аниқ сақланган тўхтовсиз мусиқали ривожланиш драматургияси намунасидир.

А.Козловскийнинг 3 пардали “Тановор” балети романтик жанр анъаналарида ёзилган бўлиб, миллий ва классик хореогрфия анъаналарининг қўшилишини намоён этади.

Катта балетлар қаторида М.Ашрафийнинг “Севги ва қилич” балетини эътироф этиш мумкин. Балет мусиқаси ўзбек мусиқа санъатининг миллий хусусиятлари билан узвий боғлиқ.

1960–70-йилларда театрда асарларни саҳналаштиришда режиссура ва сценографиянинг роли ошди, драматургиянинг шакллари турлари янада кўпайди, замонавий мавзулар соҳасидаги қизиқарли изланишлар кўзга ташланди. Шу муносабат билан Ж.Вердининг “Трубадур”, “Аида”, “Риголетто”, Н.Римский-Корсаковнинг “Пан Воевода”, М.Мусоргскийнинг “Борис Годунов”, А.Бородиннинг “Князь Игорь”, Ш.Гунонинг “Фауст”, С.Прокофьевнинг “Дуэнья”, Г.Майбороданинг “Арсенал” каби кенг кўламли опера спектакллари, А.Хачатуряннинг “Спартак”, Л.Фейгиннинг “Дон Жуан”, Г.Мушелнинг “Кашмир афсонаси”, Б.Бровциннинг “Семурғ”, Лапутиннинг “Маскарад” балетлари диққатга сазовордир. 70-йиллар ўзига хос саҳна асарлари: Ж.Вердининг “Дон Карлос” ва Молдавияда хизмат кўрсатган санъат арбоби Георгий Геловани саҳналаштирган А.Бородиннинг “Князь Игорь” асари янги талқини ҳамда Россия Халқ артисти Роман Тихомиров томонидан саҳналаштирилган “Суғдиёналик қоплон” операси кабилар билан ажралиб туради.

Балет спектакллари орасида А.Козловскийнинг “Тановар”, М.Ашрафийнинг “Севги ва қилич”, У.Мусаевнинг “Афсоналар водийсида” (“Ҳинд поэмаси”) балетлари илк марта саҳналаштирилиши алоҳида эътирофга лойиқ.

Театр ижодий ҳаётининг шундан кейинги аҳамиятли босқичи А.Петровнинг “Пётр I” операси саҳналаштирилиши билан бошланди. Шу даврда П.Чайковскийнинг “Пиковая дама”, Ш.Гунонинг “Фауст”, “Отелло”, “Бал-Маскарад”, Дж.Вердининг “Аида”, “Травиата”, Ж.Россинининг “Севилья сартароши”, К.Сен-Санснинг “Самсон ва Далила”, Р.Глиэр ва Т.Содиқовнинг “Лайли ва Мажнун” опералари янги талқини, С.Прокофьевнинг “Оловли фаришта” муаллифлик талқинининг Ўзбекистонда илк маротаба саҳналаштирилиши, М.Бафоевнинг янги, “Умар Хайём” операси премьера талқини тақдим этилиши Ўзбекистоннинг опера маданияти тарихига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Дирижёр Д.Абдураҳмонова ва режиссёр Ф.Сафаров томонидан саҳналаштирилган спектакллар Россия ва Германиядаги ижодий сафарлар чоғида бир неча бор намойиш этилди ва нафақат Ўзбекистон, балки узоқ ўлкаларда ҳам шуҳрат қозонди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк даврларидан театр ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Театрнинг турли мамлакатлар санъат усталари билан ижодий ҳамкорлиги кўлами сезиларли даражада кенгайди, янги халқаро ижодий лойиҳалар амалга оширилди.

2005 йил 15 апрелда Г.Алексидзе хореографиясидаги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, театр бадиий раҳбари А.Эргашев мусиқасида саҳналаштирилган ўзига хос “Хумо” миллий балети премьераси бўлиб ўтди. Бу аҳамиятли композиторлик иши муносиб равишда Ўзбекистон Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Театр биносининг 2015 йил октябрь ойида тугалланган реконструкциясидан сўнг Р.Абдуллаевнинг “Садоқат” операси (саҳналаштирувчи – Ф.Сафаров), У.Мусаевнинг “Тўмарис”, А.Аданнинг “Жизель” балетлари янгидан саҳналаштирилди. “Минг бир кеча” балети қайта тикланди. Ж.Вердининг “Аида” операси янгидан қўйилди ва композиторнинг “Реквием” асари биринчи бор саҳналаштирилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авдеева Л. Балет Узбекистана. – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1973.

2. Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана. – Ташкент: 1960.

3. Ванслов В. Статьи о балете. – Москва: 1980.

4. Музыка и хореография современного балета. Сб. статей. –Ленинград, 1977.
5. Соломонова Т. Ўзбек мусиқаси тарихи. – Тошкент, 1981.
6. Хамраева Г. Национальный образ танца. - Ташкент, 2012.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ “ЯРАЛИШ” СЕМАЛИ ГЕНЕРОНИМЛАРНИНГ ВАЛЕНТЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ÖZBEK DİLİNDEKİ “YARATILMA” ANLAMI İÇEREN HİPERONİMLARIN DEĞERLİK ÖZELLİKLERİ

Иродахон Холдарова,
Фарғона давлат университети
катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)

Kıdemlı Okt. İradehan Haldarova
Fergana Devlet Üniversitesi
(Özbekistan)

Özet. Makalede jeneratif leksemler, onların semantik-strüktür özellikleri, jeneratif leksemlerin birikme imkanları, değerlik özellikleri hakkında bilgi verilmiştir.
Anahtar kelimeler: generatif leksemler, sentagmatik, paradigmatik sıra, jenerasyon, yaratılma, nekronim, arkisem, değerlik, jeneratif alan.

Аннотация. В статье рассматриваются генеративные лексемы, их семантико-структурные особенности, возможности связывания генеративных лексем и их валентность.
Ключевые слова: порождающие лексемы, синтагматическое отношение, парадигматический массив, генерация, создание, некроним, архетип, валентность, порождающее поле.

Annotation. The article discusses generative lexemes, their semantic and structural features, the possibility of binding generative lexemes and their valence.
Key words: generating lexemes, syntagmatic relation, paradigmatic array, generation, creation, necronym, archetype, valence, generating field.

Генератив лексемаларни структур-семантик асосда тадқиқ этишда мазкур парадигма доирасига кирган лексемаларни муайян асослар орқали ички гуруҳларга ажратиш, улар ўртасидаги синтагматик муносабатларни таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Биламизки, лингвистик майдон тушунчаси турли тил сатҳларга оид бирликларни маълум бир умумий белги асосида бирлаштириб, бир неча парадигматик қаторларни ўз ичига олади. Бу генератив лексемалар таҳлилида ҳам яққол намоён бўлади.

Луғатларда қайд этилишича, генерация – давомийлик бўлиб, туғилиш маъносини ифодалайди. Ҳар қандай туғилиш (яралиш) маълум тараққиёт, ўсиб-улғайиш, камолот босқичларига эга бўлади, ҳамда унинг охири ўлим билан якунланади. Ўлим жараёни, яъни яралиш ва давомийликнинг охири нехроним деб юритилади. Демак, генерациянинг охири нехроним билан якунланади.

Яралиш, дунёга келиш, давомийлик семалари асосида бирлашган сўзлар – генеронимлар алоҳида бир парадигматик қаторни ташкил этади. *Туғилмоқ, яралмоқ, қўзиламоқ, унмоқ, бўшанмоқ* лексемалари *дунёга келмоқ, юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ, вужудга келмоқ* каби фразеологик бирликлар **яралиш** семаси асосида бир парадигматик қаторни ташкил этади.

Ўлмоқ, ўчмоқ, ўтмоқ, узилмоқ, қуримоқ, қуламоқ каби лексик бирликлар *қазо қилмоқ, нобуд бўлмоқ, ҳалок бўлмоқ, узлатга кетмоқ, оёқ узатмоқ, кўз юммоқ, адо бўлмоқ, чин дунёга кетмоқ, оламдан ўтмоқ* каби фразеологик бирликлар **тугаш - йўқ бўлиш** семаси асосида бир парадигматик қатор бир майдонга – генератив майдонга

бирлашади. Бир майдонга бирлашган бирликлар яралиш ва йўқ бўлиш архисемалари асосида ўзаро зидланади. Сўзнинг мазмун плани, яъни маъно англатиши унинг ифода планига қараганда бирмунча мураккаб саналади [1,13].

Генератив лексемалар бир архисема асосида бирлашса ҳам, улар маълум семалари ҳамда нутқда қўлланиш ва услубий хосланишига кўра зидланади. *Ўлмоқ* – жонли мавжудотларга нисбатан, *қуримоқ* – ўсимликларга нисбатан; *қазо қилмоқ* - катта ёшдаги ёки таниқли, эл орасида ҳурмат эътиборга эга бўлган кишиларга; *нобуд бўлмоқ* гўдакларга нисбатан ишлатилса, *қурбон бўлмоқ, ҳалок бўлмоқ* бирор ҳодиса туфайли содир бўлган ўлимни ифодалайди.

Туғилмоқ, бўшанмоқ лексемалари жонли мавжудотларга нисбатан қўлланилиши билан умумийликни ташкил этса, *бўшанмоқ* лексемаси асосан инсонларгагина нисбатан ишлатилиши билан *туғилмоқ* лексемасига зидланади. *Яралмоқ* лексемаси ўзининг қамрови кенглиги билан ажралиб туради ва унинг архисемасида “ибтидо” тушунча мавжудлиги билан парадигматик қатордаги бошқа бирликлардан фарқланади. *Қўзиламоқ* асосан қўйларга нисбатан қўлланади. Айрим генератив лексемалар фақат бир хил жониворларгагина нисбатан қўлланилиши билан ажралиб туради: *қўзиламоқ* – қўйга, *жўжа очмоқ* – товуққа нисбатан ишлатилади. Парандаларга нисбатан *очиб чиқмоқ* иборасининг ишлатилиши яралиш жараёнининг икки босқичли эканлиги билан характерланади. Биринчи босқичда *туғмоқ* (тухум туғмоқ) иккинчи босқичида *очиб чиқмоқ* лексемаси билан ишлатилади. Қўйга нисбатан *қўзиламоқ* лексемаси қўлланади, аммо молга нисбатан *бузоқламоқ*, отга нисбатан *тойламоқ*, туяга нисбатан *бўталамоқ* деб ишлатиб бўлмайди. Қўйга нисбатан *қўзиламоқ* лексемасининг қўлланилиши қўй ва қўзи сўзларидаги семантик структуранинг – ифода планининг яқинлиги билан боғланади. Чунки ўз ўрнида лексик ва грамматик белгини бирлаштириши билан бошқа сатҳ бирликларидан ажралиб туради.

Кўринадики, генератив лексемалар бир умумий архисема асосида бирлашса ҳам, улар нутқда ифодаланувчи семалари ҳамда қўлланилиши ва услубий хосланиши ҳамда валентлик белгиларига кўра ўзаро зидланади.

Маълумки, валентлик атамаси лотинча «қувват» «куч» деган маънони беради. Бу атама кимёда бир элемент атомининг бошқа элемент атоми билан боғланиш хусусиятини ифодалаш учун қўлланилса, тилшуносликда лексеманинг бошида лексема билан боғланиш қобилиятини ифодалаш учун қўлланилади [2,115]. Сўзларнинг бирикиши, улар орасидаги мантиқий алоқа даставвал тил бирликларининг семантик имкониятига кўра амалга ошади [3,11]. Сўз валентлиги бевосита парадигматик қатордаги бирликларнинг ўзаро муносабатида аниқ бўлади. Уядошлик муносабатида бўлган бирликлар учун умумий белги сифатида шу бирликларнинг маъноси ҳам, шакли ҳам хизмат қилиши мумкин [4,9].

Муайян сўзнинг муайян сўз билан бирикиши унинг семантик имкониятларига кўра содир бўлади [3,11]. Валентлик назарияси юзасидан изланиш олиб борган олим, профессор Р.Расуловнинг ўринли таъкидлашича: “валентлик, бир томондан, жонли нутқни – сўзлар орасидаги синтактик алоқани, сўзларнинг ўзаро бирикувини таъминлайди, иккинчи томондан, сўзлар орасидаги синтактик алоқада, сўзларнинг бирикувида реаллашади, таъсир қилувчи “куч”га айланади. Бинобарин, синтактик алоқадан валентлик келиб чиқмайди, балки валентликдан синтактик алоқа келиб чиқади. Валентлик – ички имконият (потенция) бўлса, синтактик алоқа унинг рўёбга чиқишидир” [5,38].

Бу ҳол генератив лексемаларнинг семантик муносабатида ҳам аниқ намоён бўлади. *ҳомиладор, бўғоз, иккиқат, бўйида бор, оғироёқ, оғирбўй, юкли* каби лексемалар «қорнида боласи бор» семаси асосида бир парадигматик қаторни ташкил этади. Бу ўринда мазкур лексемаларни бир уяга бирлашиш учун уларнинг маъноси хизмат қилади. Гарчи бу лексемалар бир сема асосида уядошлик ҳосил қилса ҳам, улар ўзаро фарқловчи семаларга эгалиги билан ҳар бири алоҳида ажралиб туради. Лексемаларнинг фарқловчи семалари уларнинг валентлик имкониятини белгилайди. Саналган лексемалар фақат жониворларни

ифодаловчи лексемалар билан бирикиш имкониятига эгалиги билан уларнинг валентлик имконияти чекланади. Уларнинг боғланиш имконияти «жони бор» семасига эга ҳар қандай лексик бирликларнинг ҳаммаси билан ҳам юзага чиқмайди. Уларнинг валентлик имконияти асосан одам ва ҳайвон семасига эга лексемалар билангина чекланади.

Генеронимларнинг характерли хусусияти уларнинг валентлик даражаси жинс нуқтаи назаридан, ёш нуқтаи назаридан чегараланиш хусусиятига эга бўлади. Масалан, *ҳомиладор йигит ёки иккиқат гўдак, бўғоз қўзичоқ, бўғоз қўчқор* сифатида қўллаб бўлмайди.

Нехронимлар бундай хусусиятга эга бўлмайди. Чунки генероним «яралиш», «яратиш» семасига эга бўлиб, бундай имконият табиий-биологик-физиологик жараён сифатида ҳар қандай жонзотга мансуб эмас. Нехроним «мотам», «аза», «ўлим», «тугаш» семаси асосида ҳар қандай тирик мавжудотга кўчма маънода жонсиз мавжудотга ҳам таъллуқли: совуқда кўчатлар ўлиб кетди. Бу ўринда «қуримоқ» сўзини қўллаб бўлмайди. Чунки «қуримоқ» лексемаси «номи йўқолиш» семасига тенг бўлиб, аста-секин юз берадиган жараённи ифодалайди. «Ниҳоллар ўлди совуқда» бу қуригани йўқ, аммо кўкламайди маъносини ифодалайди. Генеронимлар жинс, ёш нуқтаи назардангина эмас, балки жонзотларнинг турига қараб ҳам боғланиш имконияти чекланади. Масалан *ҳомиладор, оғироёқ, бўйида бор, оғирбўй* каби бирликлар аёлларга нисбатан, *бўғоз* ҳайвонларга нисбатан, *иккиқат* – одам ва ҳайвонларга нисбатан қўлланилади.

«Қорнида боласи бор» семасига эга генеронимлар ўзида жинс «сема»сини ҳам ифодалайди. Шунинг учун эр ва аёл, эркак ва урғочи, нар ва мода сингари жинсларни умумлаштирувчи семага эга лексемалар билан боғланиш даражаси чекланган бўлади. Масалан, бўғоз одам ишлатилса грамматик алоқа ва грамматик муносабат юзага чиқади, аммо мантиқий алоқа ва мантиқий муносабатда номунофиқлик юзага келади. Чунки одам лексемасида эркак ва аёлни бирлаштирувчи сема мавжуд, *ҳомиладор аёл, ҳомиладор жувон* бирикмаларида грамматик, семантик ва мантиқий мувофиқлик юзага келади.

Демак, «қорнида боласи бор» архисемали лексемалар валент имкониятига кўра бошқа лексемалардан фарқланади. Чунки бундай лексемалар ўзида мавжуд архисемадан ташқари «ёш», «жинс» семаларини ифодалайди. Бу эса уларнинг валентлик имкониятини белгилайди.

Тилимиздаги яралиш белгисига эга бўлган генеронимлар ўз ички семалари билан бирга асосида бошқа бирликларга боғланиш имкониятига эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Собиров А.Ш. ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филология фанл.док. дис... автореф. – Тошкент, 2005.

2. Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. -Тошкент: Ўқитувчи, 2001.

3. Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. - Тошкент: Фан, 1989.

4. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Морфология). -Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.

5. Расулов Р. Сўз валентлиги ва синтактик алоқа // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1992.- № 5-6.

VIRTUAL CLASSROOMS – FLEXIBLE ENGLISH LANGUAGE TRAINING

Badalbaeva Malokhat Yulchievna, senior teacher
«Humanitarian and Social-Economical Disciplines» Department
Institute of Fire Safety of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan, Tashkent

Abstract. Compared to previous generations, the educational process that students and teachers are currently going through is quite different. Primarily, the main cause of changes in education is due to the fast development of modern technology. Because of technology, students are eligible to learn beyond the classroom. Nowadays, teachers and students are able to use the internet to contact each other off university grounds. Instead of sitting face-to-face in a classroom, teachers can now educate their students anywhere, anytime.

Key words: English teachers, modern technology, virtual classroom, broadband Internet access, distance teaching.

Аннотация. По сравнению с предыдущими поколениями образовательный процесс, через который проходят студенты и преподаватели, совершенно другой. Прежде всего, основная причина изменений в образовании связана с быстрым развитием современных технологий. Из-за технологии студенты имеют возможность учиться вне аудитории. В настоящее время преподаватели и студенты могут использовать Интернет, чтобы общаться друг с другом за пределами вуза. Вместо того, чтобы сидеть лицом к лицу в аудитории, преподаватели теперь могут обучать своих студентов где угодно и когда угодно.

Ключевые слова: Преподаватели английского языка, современные технологии, виртуальный класс, широкополосный доступ в Интернет, дистанционное обучение.

Perhaps you heard about virtual language classrooms and how the Internet has modernized distance teaching. Communication in a virtual classroom goes by means of electronic media like in an existent school. Students in a virtual classroom acquire language knowledge and skills by studying movies, texts, pictures, and by accomplishing various home assignments. Subsequent discussions help students to deepen their knowledge, develop their language and critical thinking skills. Discussion forums, chat rooms, voice mail and e-mail are often used for communication.

What is a Virtual Classroom? Unlike a physical classroom where the teacher and students are all in the same room, in a Virtual Classroom the teacher and the students are all sitting in front of their computers somewhere. They are able to listen and speak to each other using their computers and microphones through the internet. This is what we call a virtual classroom.

It is actually very similar to a physical classroom, in that:

- When one person speaks, the rest of the people in the room will be able to listen.
- A student need to "raise hand" to request to speak, typically by clicking a button on the screen.
- There will be a white board where the teacher can write down key words, sentences.

With the ever-growing accessibility of the Internet, it is natural that the educational community is involved into making use of the tremendous resource of Virtual Classroom. Use of the Internet and Web are leading to significant changes in educational models. Effective exploitation of these changes requires adequate attention to understanding the technology, the educational process and issues, students' characteristics.

While this use of the Internet is increasing, a traditional classroom has been shifted to e-learning and advancements in communication tools have been easily adapted to learning methods. Learning by computer can be easy as communication with a professor and fellow

classmates via email. Though, e-learning can be defined as an approach to facilitate and enhance learning by means of the Internet as students can read posted material online and download it for further access.

As far as students won't be in classroom with a teacher and classmates, they will need to be capable of autonomous learning. Instructor will provide them with a syllabus, course documents, and required readings. The interaction between a teacher and students will be supported via e-mail, discussion board, forums etc. Since the class doesn't meet face-to-face at a scheduled time, students will have to learn independently. They will be responsible for keeping up with the assigned reading and completing assignments according to the timeline on the syllabus.

The growing popularity of e-learning has introduced new terms to education, as Virtual Classroom, where students will be present with their teacher and peers in a classroom. They will not be present physically in the classroom but connected to the classroom via the Internet. Virtual Classroom aims to stimulate the experience of attending a class over the web. So, everyone is able to see other participant virtually using webcam and microphone with ear-phones.

Though as the term 'virtual' means a simulation of the real thing, Virtual Classroom is a simulated classroom via the Internet, which provides a convenient communication environment for distance learners just like traditional face-to-face classroom. A Virtual Classroom allows learners to attend classes from anywhere in the world and aims to provide a learning experience that is similar to a real classroom.

When we go to a university we have a schedule of lectures, which we must attend. Students must arrive on time, and when they enter the classroom, they find a teacher, peers, blackboard or whiteboard, overhead projector, optionally a television screen with videos. Likewise, a Virtual Classroom is a scheduled, online, teacher-led training session where teachers and learners interact together using computers linked to a network such as the Internet.

A Virtual Classroom enables to bring learners from around the world together online in highly interactive virtual classes while greatly reducing the travel, time, and expenses of on-site teaching programs. It can be used as a solution for live delivery and interaction that addresses the entire process of creating and managing our teaching-learning process. It facilitates instructor and students in teaching and learning events, such as seminars, online discussions or live training for colleagues.

As usual in a Virtual Classroom there are a facilitator and learners and many participants present. They can talk with each other as in traditional classroom via chat, using voice and web camera. Similarly presenter uses whiteboard, gives notes/ resources, and gives presentation as in any traditional classroom.

And now, when virtual classroom can be visualized as a classroom where a lecture or session is conducted using the Internet, there is an idea to discuss some advantages that virtual classroom offers over traditional classroom.

Virtual classroom allows learners and teachers to attend a single live training session from any place of the world, but they have to have a computer and perfect Internet connection. If learners miss a traditional classroom-based training session, they have very little opportunity to engage in the learning experience that took place. The good idea of Virtual Classroom is the given opportunity for those students who miss a lesson or training session by this or that reason to review the performance of any class activities or lecture as it has a facility to record a session and can be replayed afterwards.

It is worth of Virtual Classroom activities to be organized more quickly than traditional classroom-based training. Classrooms and projectors do not need to be reserved; materials do not need to be distributed. The sessions are easier to schedule or reschedule since attendees will not be traveling to the venue of the session. In a Virtual Classroom environment, learners can talk to a teacher and to each other, and although this communication is not as rich as in a traditional classroom, it still can help learners, since it is one to one. Because of these advantages, concept

of virtual classroom is getting very popular. Since it allows learners to attend sessions from anywhere in the world, it is very useful for distant learners and for people who cannot meet face to face because of lack of time. In spite of all the advantages, it has some faults also. Below, we are describing some of the limitations of virtual classroom.

Being familiar with the procedure of the traditional classroom, teachers and students understand the concepts of hand raising, the blackboard, assignments, and so forth. With a virtual classroom, all the participants have to be familiar with the way the virtual classroom works before virtual classroom-based training starts. Besides this, attending virtual classroom training is restricted to a certain scheduled time. Technical issues such as bandwidth speed of connection or power failure may cause problem while presentation is going on. Below is a Mind Map of Virtual Classrooms overview. They are available in the Internet. Some of them are free to use, but others are commercial ones.

If you want to create a virtual classroom you need to do the following:

1. Familiarize yourself with more Internet opportunities.
2. Revise international copyright laws.
3. Choose a good host for your website.
4. Find software which would enable you to interact with your students through chat sessions or forums.
5. Study carefully all information below.

If you want to create your own virtual classroom you will need the following tools:

1. Broadband Internet access.
2. Audio microphone, speaker and a web cam.
3. A shared screen (‘the whiteboard’) on which both the student and you can write (there is a software called Whiteboard Software).
4. Digital pen mouse for writing, drawing and highlighting text.
5. Your own website.

If you are serious about online tutoring you need to have your own website to be able to promote your services as well as to communicate with your students. You will also need to get Whiteboard Software. Meanwhile, you can download an online course management system, a free software package Moodle which will give you a better idea how to create an effective online learning community. You might also want to recommend your students to install Babylon software. In any case, you will still need to design your own website. The effectiveness of educational technology on student learning depends not only on what outcomes are targeted and how the technology is integrated into instruction, but also on how teachers assess student performance in classrooms and adjust instruction accordingly. Technology offers teachers a broad range of tools to collect and analyze data, and richer sets of student data to guide instructional decisions.

References:

1. Bax, S (2011) Normalisation revisited: The effective use of technology in language education. IJCALLT 1/2: 1–15.

2. Cavus, N and Ibrahim, D (2009) m-Learning: An experiment in using SMS to support learning new English language words. British Journal of Educational Technology 40/1: 78–91.

3. Cheung, CK and Slavin, RE (2012) How features of educational technology applications affect student reading outcomes: A meta-analysis. Educational Research Review 7/3: 198–215.

4. Sokolova V.V. Culture of Speech and Culture of Communication. -Moskva, 1995.

5. Goldin V.E. Speech and etiquette. -Moskva, Enlightenment, 2003.

IMPROVING STANDARDS OF TEACHING THROUGH CONTINUING PROFESSIONAL DEVELOPMENT

Sultanova Dilfuza Tillayevna,
senior teacher «English language» department,
TSUE Uzbekistan, Tashkent

Annotation. In this article we would like to discuss the role of English as the global language and its impacts on our profession as English teachers. Foreign languages open doors to development and give access to international education. English has roles as both an international and a global language. As an international language, English has played role as the tool of communication among people from different countries, in other words, English is used to bridge linguistic odd among people in international communities.

Key words: English language, international education, technological facilities, computer and Internet technology.

Аннотация. В этой статье мы хотели бы обсудить роль английского языка как глобального языка и его влияние на нашу профессию преподавателя английского языка. Иностранные языки открывают двери для развития и дают доступ к международному образованию. Английский язык играет роль как международного, так и глобального языка. В качестве международного языка английский является инструментом общения между людьми из разных стран.

Ключевые слова: Английский язык, международное образование, технологическое оснащение, компьютерные и интернет-технологии.

It is well known that our new life is highly affected by the era of information technology, and technology plays an important role in today's human society development. Based on this fact, it is indispensable to take advantage of the modern technological facilities in aiding the task of English language education. Students trying to learn English as a second language need further language support. They need to practice in hearing language, reading language, speaking language, and writing language in order to develop their experience and skills. For doing such tasks, they are in need of using various tools which can help them learn the language easily and effectively.

The term New Technology includes communication techniques for language teaching in which the personal computer plays a central role. There are, however, other technological tools that can be utilized in language learning besides computers. Each technological tool has its specific benefits and application with one of the four language parts (speaking, listening, reading, and writing). However, in order to use these techniques successfully, the ELL student should be familiar with using computers and internet, and capable of interacting with these techniques. The effect of technology has become huge in teaching and learning the language in addition to the instructor's role. In other words, the role of the instructor together with the role of the technology can lead to advanced learning results.

Learning a new language is a challenging task. It demands hundreds of hours of study and dedicated, regular practice. It is also an immensely rewarding experience; learning a new language opens doors to new cultures and even new ways of thinking. Learning English can be a challenging and daunting task. Fortunately, technological advancements have now made learning the English language much more easy, fun, and convenient. One technologically advanced method that has improved the way people learn English is the Internet. This modern form of communication has opened the world to a whole new way of learning the English language. The vast resources on the Web makes learning English a less intimidating undertaking.

The Internet offers a wealth of information and unlimited resources that teachers can use in order to expose students to authentic language use. Exposure, however, is not enough to trigger language acquisition. Students need to be involved in tasks that integrate the use of computers and enhance language acquisition.

When one embarks on the process of learning English, they require a number of learning materials such as text books, videos, and audio tapes. Traditionally, it was difficult to locate all of the appropriate educational materials. It took a lot of time an effort to find the most appropriate learning tools. Now, with a simple click of the mouse, one has a world full of materials that they can access. For instance, sites such as YouTube contain many video lessons on learning to speak English.

In recent years, integrating computers and Internet technology in teaching and learning process changed the way in which instruction was delivered to students. The Internet plays a great role in foreign language teaching and learning. Learners have access to many English language resources if they use computers and Internet in language classes. They can improve their listening, speaking, reading, and writing skills through real world situation. Because of the widespread use of computers and Internet in educational settings, language teachers are motivated to implement this technology in their classes in order to facilitate language teaching and learning process. Educators are the real representatives of utilizing technologies in language learning.

One important factor which influences the use of educational technology in classes is the attitudes of teachers toward integrating Internet in their language classes. Teachers' attitudes toward technology use can be concerned as a facilitating or hindering factor, which give them more comfort or obstacle to utilize technology in their educational environments. Computers and Internet technology are the most effective tools among various existing technological aids in teaching and learning languages. Integrating and applying computers and Internet in a learning environment can strengthen the way that students acquire a foreign language effectively. Hence, teachers' attitudes play a fundamental role in the real utilization of technologies in classrooms.

Using the Internet can facilitate the development of language skills, employability skills, and critical literacy.

Language skills:

– Skimming and scanning;
– Reading narratives, charts, and graphs;
– Accessing ESOL and life skills content sites;
– Writing: completing forms, emailing requesting information.

Employability skills:

– Analyzing and evaluating information;
– Decision making;
– Problem solving;
– Technology skills.

Learning the English language will improve job opportunities and open up the doors to career advancement. Because the Internet has become a big part of most people's lives, the wealth of information posted from all over the world makes it a valuable tool when learning to speak and write the English language.

Computers and the Internet are a great resource for classroom teachers! Teachers can find suggestions, lesson plans, practical support, information, and materials through the Internet. In fact, using a computer can make a teacher's life easier and more efficient. The leaders' website provides an extensive list of Internet links designed to help teachers of reading and writing. This list of links covers most of the types of websites discussed below. Here are some of the many ways in which teachers can make computer and Internet technology work for them.

One particularly practical feature of many of the new teacher websites currently available on the Internet is the provision of ready-made lesson plans and suggested activities on a broad

array of topics. When teachers become aware of how to find information online, they can help their students begin to tap into this huge resource. This skill is useful to students not only for accomplishing their homework, but also as a survival skill in the modern workplace. In addition, there are some websites that offer online help from teachers for students who need assistance with their homework.

Teachers should make sure they investigate the quality of this homework help before recommending a website. There are many online resources specifically tailored to the needs of parents. Teachers who are aware of these resources can recommend useful websites to the parents of their students. So the Internet is an exciting resource for teachers. Using the Internet can make teachers' lives simpler and can provide more information and resources than ever available before. The Internet is a way for students and teachers to learn and to connect with others. Last but not least, the Internet can be just plain fun for students and teachers alike.

The implementation of Internet resources in the context of EFL classes as research study concludes that the integration of web-based activities and tools are useful for language teachers and learners who are disposed to incorporate these resources in their EFL classes. To sum up, the internet was seen as an important support during the study to foster learners' autonomy and motivation, instead of providing teachers and students with resources that allow them to have a significant language learning and teaching process, as the web exposes users to an amount of information which is helpful, interesting and adaptable as well as for English learning or teaching purposes. It was also found that despite the fact that the web supplies students with information and valuable sources, the teacher's monitoring is in the students' thinking for rising up their confidence to perform with the target language since the facilitator helps with clarifications and support to those reluctant students and those who lacked the technological abilities needed during the interaction with the exercises on the web.

As it is well known, the World Wide Web is appealing for the learners, which became a great advantage for teachers in the study, who incorporated web resources in the context of EFL classes, to maintain students' positive attitude and engage them towards the process of language learning. In addition, it was evidenced that even though students were willing to learn and practice the language using web resources as it has been mentioned before, they had gaps and insecurity when they were exposed to the development of the web-based activities, this is why students and researchers have highlighted through observation and interviews, the importance of basic computer management skills for a successful accomplishment and creation of exercises through web tools.

Teaching for Success uses high-quality continuing professional development opportunities to help teachers and teacher educators improve their performance and achieve better results from their learners.

References:

1. Albirini A. Teachers' attitudes toward information and communication technologies: The case of Syrian EFL teachers. Computers and Education, (2016). 373-398 p.

2. Kim H. Teachers as a barrier to technology-integrated language teaching. English Teaching, (2015). 57(2), 35-64.

3. Rost M. New technologies in language education: Opportunities for professional growth. (2014). Retrieved from http://www.longman.com/pdf.

4. Bax, S (2011) Normalisation revisited: The effective use of technology in language education. IJCALLT 1/2: 1–15.

5. Cavus, N and Ibrahim, D (2009) m-Learning: An experiment in using SMS to support learning new English language words. British Journal of Educational Technology.

ҚОРАҚАЛПОҚ НАҚЛЛАРИДА ВАРИАНТЛИЛИК

KARAKALPAK ANLATILARINDA VARYASON

Бекчанова Сайёра Базарбаевна,
Нукус давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)

Kıdemli Okt. Seyyara Bekçanova
Nukus Devlet Pedagoji Enstitüsü

Özet. Folklor eserlerine özgü varyason Karakalpakların “Kolın keldi Annakul, sırnayındı bılğap ur” anlatısının (nakıl) üç türü analizi ile açıklanmıştır. “Nakıl” türündeki varyasonun ortaya çıkışı, karşılaştırmalı analizi hakkında bilgi verilmiştir.
Anahtar kelimeler. Karakalpak folkloru, nakıl, anlatı türleri, varyason, terim.

Аннотация. Данная статья посвящена явлению вариативность в фольклорных текстах. Автор анализируют три варианта притча «Қолың келди Аннақул, сырнайынды былғап ур» (Пробил твой час Аннакул, играй свою флейту как душе угодно.) Варианты притча анализируются в сопоставительном плане в различных жанрах и выявляется идейно жанровые, литературные и оригинальные значения притчы. В конце работы даётся итоговое заключение на анализ.
Ключевые слова: каракалпакских фольклор, жанр “притча” (нақл), термин.

Annotation. The article deals with variations of the literary materialas and their folk peculiarities. It was analysed three variants of proverbs «Ko‘lin keldi Annaqul surnayingdi bilg‘ap ur» (It’s high time Annakulto play your flute as you like). There is given three variants of this proverb in folk janre, moreover it is compared with other materials of Folk and identified content varieties of janre. At the end of the work there is depisted final conclusion about analysis.
Key words: Karakalpak folk, proverb genre, term, parable.

Вариантлилик ҳодисаси фольклоршуносликдаги бирламчи манбаларни ўрганиш шу фан соҳасидаги назарий муаммоларнинг тўғри ечимларга келишида муҳим роль ўйнайди. Бу ҳодиса фольклор асарлари учун типик ҳолатдир. Мустақил вариантларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ўзига хос тарихга эга. У ёки бу жанрдаги вариантларни аниқлаб, уларни қиёсий ўрганиш эса ушбу жанрнинг ғоявий, бадиий ва мукаммал намунасини аниқлаш имконини берибгина қолмай, у ҳақида керакли хулосаларни чиқаришга асос бўлади. Фольклор асарлари табиатига хос вариантлилик ҳодисаси ана шундай муаммолардан ҳисобланади.

Вариантлилик ва версиялилик ёзма ижодда деярли кўзга ташланмайди. Чунки бир асарнинг муайян муаллиф томонидан турли ўзгаришлар билан ўқувчига тақдим этилиши сон ва сифат жиҳатидан вариантлиликнинг вужудга келишига имкон бермайди. Баъзи ҳоллардагина ёзма адабиётдаги вариантлилик ҳақида фикр юритиш мумкин. Шундай қилиб, вариантлилик деганда, асарнинг бир халқ доирасида сюжет ва композицион ўзгаришлар билан ижро этилиши тушунилади. Ҳар бир ижрочи ўзи ижро этаётган асарга маҳаллий шароитдаги ўзгаришларни, дунёқарашини, аҳоли ўртасида алоҳида эсда қоладиган воқеаларни сингдириб бориши оқибатида ўз нусхасини яратади. Бу нусха бошқа ижрочиларникидан воқеаларни ифодалаш, образларни яратиш, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш жиҳатларига кўра ўзига хосликка эга бўлади.

Халқ ижодиёти намуналари жонли ижро жараёнида хилма-хил вариантлардагина яшайди. Вариантлик – фольклорнинг жонли яшаш тарзи. «Вариантлик, – деб ёзади

Т.Мирзаев, – фольклор табиати, унинг эстетикаси, яратилиши ва жонли оғзаки ижрода яшаш қонуниятлари ҳамда функциясидан келиб чиққан хусусиятидир. У фольклорнинг ҳамма томонлари ва элементларини – сюжети, образлилиги, стилистикасини, умуман, поэтикаси ва жанр хусусиятларини қамраб олувчи белгисидир» (Т.Мирзаев, 1979: 71).

Бинобарин, вариант – маълум бир асарнинг жонли оғзаки эпик анъана заминида вужудга келган, бир-бирини инкор этмасдан ёнма-ён яшай оладиган ва ўзаро фақланувчи турли-туман матнларидир.

Халқ ижодиётида вариантлар бир-бирларидан, аввало, асар матнининг сақланиши, сўнгра эса, бадиий шаклининг ўзгариб туриши, айтайлик, банд ё байт таркибининг ўзгариб туриши, бир матннинг гоҳ у ва гоҳ бошқа бир жанр таркибида ўрин алмаштириши натижасида фарқлилик касб этади. Шу сабабли фольклорда ҳар бир вариант тўла ва тенг ҳуқуққа эга мустақил асар саналади.

“Халқ ижоди бу чинакам маънодаги доимий ўзгариш, доимий ҳаракатдаги санъатдир. Яъни, халқ ижоди намуналари ҳар галги ижрода анъаналарнинг давомийлигини сақлаган ҳолда муттасил янгиланиб, ўзгариб, мукаммаллашиб бораверади. Шунинг учун ҳам халқ ижоди намуналари кўплаб вариантлиликка эга. Ана шу вариантлилик халқ оғзаки ижодининг ўзига хослигини таъминлаб берувчи энг муҳим жиҳатлардан биридир.” (Фольклор – миллатнинг боқий тарихи. “Ёшлик”, 2014 йил 8-сон. Фольклоршунос Жаббор Эшонқул билан мулоқот.) Шундай қилиб, вариантлилик фольклор асарларининг халқчиллигини ҳамда тарқалиш чегарасини белгилайди, фольклорда кечаётган ўзгаришларнинг сабабларини ўрганиш асосида халқ ижодиётидаги жараёнларга хос қонуниятларни очиш учун бой материал беради.

Вариантлилик фольклордаги бошқа жанрлар қатори нақлларда ҳам асосий ҳодиса сифатида кузатилади. Ўзбек ва қорақалпоқ фольклорида нақлларнинг вариантлари халқларнинг ҳар бирида алоҳида, ҳатто ўз ичидаги вариантлар сифатида ҳам учрайди. Бунга мисол сифатида қорақалпоқ фольклоридаги «Қолың келди аннақул, сырнайынды былғап ур» нақлининг учта вариантидаги фарқли ва ўзига хос жиҳатларни очишга ҳаракат қиламиз.

«Қолың келди Аннақул, сырнайынды былғап ур» нақлининг биринчи вариантида воқеалар қуйидагича баён қилинади:

«*XIX әсрдің биринши ярымында өзбеклердің Қоңырат династиясынан Аннақул деген адам хан болған. Ол таққа отырыў менен басып алыўшылық урысларды күшейткен. Әскерлерди сақлаў ушын халыққа салықты басып салады. Соның себебинен Аннақул ханға «Садаған кетейн Аннақул, енди сырнайыңды былғап ур! Халық енди сени тыңламайды» деген. Бул онғы ўақытларда «Садаған кетин Аннақул, сырнаыйнды балғап ур!» деген турақлы афоризмлик гәпке айланып кеткен. Ўақыттың өтиўи менен «садаған кетейн Аннақул» деген гәп «қолың келди Аннақул, сырнайынды былғап ур!» деген гәпке айналған»* (А.Пахраддинов, 1989. 1-вариант).

Нақлнинг иккинчи варианти эса қуйидагича баён қилинади:

«*Аннақул Хийўаға хан болған. Оның тусында Қоңыратлы қарақалпақлар Хийўаға бағынбаған. Сол себепли Аннқул хан көп әскер менен келип Қоңырат қаласын жетпис күн қамал етип турған. Халыққа сырттан азық-аўқат, қурал-жарақ келмеген. Хийўаның әскерлериниң изинен азық-аўқат жетип турған соң Қоңыратты асықпай қамал етип жата берген. Жетпис күнде қаланың халқы өлиўге келген. Жеўге азық-аўқат қалмаған. Ҳамме аштан қырылатуғын болғаннан кейин қаланың қариялары ойласық қылып, “Бәрше жанды аштан өлтиргеннен гөре жаўға берилейик. Ол өлтиргенин өлтирсин. Өлтирмегенин қалдырар”, деп жаўға каланың дәрўазасын ашып берипти. Ҳақыйқаттанда Аннақул хан жеңилген халыққа қолынан келгенин ислеген. Сонда халық «Қолың келди Аннақул, сырнайынды былғап ур», деген екен дейди»* (А.Пахраддинов, 1989. 2-вариант).

Учинчи вариантда эса умуман бошқа ҳолатни кузатиш мумкин.

«Қарақалпақлардың қара мойын урыўында Аннақул деген бир адам болыс болыпты. Ол Хийўа ханының салығын еки-үш есе қылып халыққа арттырып салады екен. Салық жыйнағанда Аннақулдын қасында жүрген адамы сырнай шертеди екен. Аннақул аўылларға салық жыйнаўға шықса, сырнайшы аўылдын бир шетине келгеннен сырнайын шертеди екен. Ел Аннақулдын сырнайының даўысын еситиўден, оның елге салық жыйнаўға шыққанлығын түсине қояды екен. Болыстың сырнайы шертилиўден адамлардың жаны қалмайды екен, «Қолың келди Аннақул, сырнайынды былғап ур!» - деп суўық демин алады екен. Елдеги бул гәп усы Аннақулға байланыслы шығыпты деседи» (А.Пахраддинов, 1989. 3-вариант).

Қорақалпоқ фольклоридаги бу вариантлар билан танишиб, бир-бири билан қиёслаганда қуйидагича хулосага келиш мумкин. Биринчи ва иккинчи вариантдаги нақлларнинг мазмунан бир-бирига яқинлиги кузатилади. Лекин бу яқинлик билан бирга уларда ўзига хос жиҳатлар ҳам намоён бўлади. Биринчи ва иккинчи вариантда Аннақул хон сифатида гавдаланади. Аникроғи, иккала вариантда ҳам ёвуз образ сифатида тасвирланган. Биринчи вариантдаги хон босқинчи ва солиқларни кўп солганлиги сабабли шу нақл воқеаси келиб чиққанлиги баён қилиниб, воқеалар умумий тарзда келтирилади. Айрим пайтларда бу нақлнинг *«Садаған кетин Аннақул, сырнайыңды былғап ур!»* формада айтилиши ҳам эътироф этилади.

Иккинчи вариант воқеалари нисбатан кенг ифодаланади. Аннақул хон бўлган даврда Қўнғирот қорақалпоқлари унга бўйсунмаган. Шу сабабли Аннақул бу халқни қамал қилиш воқеалари баён қилинади. Бу нақлда образлар кўплиги, воқеалар ривожи ўзгачалиги билан фарқланади. ***Аннақул, аскарлар, қариялар ва халқ*** образлари тасвирланади. Бу вариантда эътибор қиладиган яна бир жиҳат борки, у ҳам бўлса, қамалнинг муддатигача аниқ айтиб кетилади. «*Жетпис күнде қаланың халқы өлиўге келген».*

Учинчи вариант воқеалари айнан Аннақул ва сурнайчи образларининг борлиги билан нақл номига мос келиши, мазмунан яқинлиги аниқ воқеалар замирада баён қилинади. Ҳеч иккиланмасдан бу нақлни қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намунаси деб бемалол айтишимиз мумкин. Чунки, Аннақул қорақалпоқларнинг ***қара мойын*** уруғига мансублиги, ***болыс*** мансабининг келтирилиши, ёрдамчиси сурнай чалиб ҳалқни огоҳлантириши ва бу ҳаракатлари орқали уларга нисбатан *«Қолың келди Аннақул, сырнайынды былғап ур!»* нақлининг айтилиши мантиқан мослиги билан изоҳланади. Сюжет чизиғида ҳам учинчи варантда кетма-кетлик ва воқеалар мутаносиблиги ва мантиқан алоқадорлик яққол намоён бўлган. ***Аннақул – болис – солиқ йиғиш – сурнай чалиш – Аннақул келганлиги*** белгиси.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, биринчи вариантда «қўлингдан келганини қил» *(қолыңнан келгенин қыла бер),* деган маъно англашилса, иккинчи вариантда «биз мағлуб бўлдик, энди қўлингдан келганини ишла» (*биз сизден жеңилдик, енди қолыңнан келгенини ислей ғой*), маъносида хулосаланади. Учинчи вариант эса «Қўлинг келди Аннақул сурнайингни билғаб ур*» (Қолың келди Аннақул, сырнайынды билғап ур),* маъноси билан изоҳланади. Ўзбек фольклорида бу нақл «Давринг кепти – сур бегим, давронинг кепти ур бегим» (Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов, 1990: 85) тарзида келтирилади. Бу нақлларнинг ҳар хил маънода қўлланилиши вариантларни келиб чиқишига сабаб бўлган деган хулосага келишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пахраддинов А. Мәнили гәплер ҳәм халқ әпсаналары. -Нукус, “Қарақалпақстан”, 1989.

2. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. –Тошкент: “Фан”, 1979, -71 б.

3. Фольклор – миллатнинг боқий тарихи. “Ёшлик”, 2014 йил 8-сон. Фольклоршунос. Жаббор Эшонқул билан мулоқот. Суҳбатдош: Гулноз Мўминова.

4. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. –Тошкент, 1990.

АНТРОПОЦЕНТРИК МЕТАФОРАНИНГ ЛИСОНИЙ ТАСНИФИ

ANTROPOSENTRİK METAFORLARIN DİLBİLGİSEL SINIFLANDIRILMASI

Гулшан Насруллаева,
Тошкент ахборот технологиялари университети
Қарши филиали катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)

Kıdemli Okt. Gülşen Nasrullayeva
Taşkent Bilişim Teknolojileri Üniversitesi
Karşı Şubesi (Özbekistan)

Özet. Makalede Мазкур antroposentrik metaforların dilbilgisel sınıflandırılması ve kognitif mekanizması ile ilgili fikirler ileri sürülmüştür.
Anahtar kelimeler: dil, konuşma, sınıflandırma, metafor, leksem.

Annotation: This article discusses the linguistic metaphor and the cognitive mechanism of anthropocentric metaphor.
Key words: language, speech, classification, speech phenomenon, metaphor, lexeme.

Тасниф борлиқни идрок этиш усулидир. Умуман олганда, илмий тадқиқ аслида тасниф демакдир. Таснифнинг тўғри амалга оширилиши объектнинг холис илмий талқинини ишлаб чиқиш, унинг барқарор сифатларини беқарор ва ўткинчи жиҳатларидан фарқлашда асосий роль ўйнайди. Тасниф нарса ва ҳодисаларни барқарор белгилари асосида тартиблаш йўли билан гуруҳларга ажратиш демакдир. Тасниф система унсурларининг системавий муносабатларини тўғри очиш йўлидан борар экан, илмий хулосаларнинг барқарорлиги ва яшовчанлиги таъминланади. Фалсафа ва мантиққа доир адабиётларда, махсус манбаларда тасниф қуйидаги тамойилларга асосланиши лозимлиги таъкидланади:

“1) таснифланган бўлаклар ҳажми таснифланаётган бутунлик ҳажмига тенг бўлиши;

2) тасниф бир асосда амалга оширилиши;

3) тасниф (таснифланган) гуруҳлари бир-бирини инкор қилиши;

4) тасниф узлуксиз бўлиши, яъни унда “сакраш” бўлмаслиги лозим.” (Сайфуллаева ва бошқ. 2006).

Антропоцентрик метафора ўзининг серқирралиги ва мураккаб табиати билан характерланади. Унда, аввало, лисоний ва нолисоний омиллар қоришган ҳолда намоён бўлади. Шу маънода таснифни лисоний ва нолисоний омилларга ажратиш асосида бошлаш маъқулдир.Антропоцентрик метафоранинг лисоний таснифи, аввало, тилнинг дихотомик бўлинишига таянади. Тил лисон ва нутқдан иборат бўлганлиги каби антропоцентрик метафоралар ҳам лисоний ёки нутқийлиги билан фарқланади. Лисон нутқда воқеланар экан, унинг ғайриодатий қўлланилиши бир қарашда лисонга дахлсиздек туюлади. Масалан, семеманинг нутқий метафорик қўлланишида шу ҳолат кўзга ташланади. Лекин бу ғайриодатийлик вақт ўтиши билан одатга айланиб боради ва қўлланиш тез-тез рўй бериб туради. Натижада окказионал нутқий маъно узуаллашади. Нутқий ҳодисаларнинг, хусусан, нутқий маъноларнинг лисонийлашуви тадрижий хусусиятга эга. Лисонийлашув бир неча босқичда кечади. Нутқий маънонинг лисонийлашишини қуйидагича тартиблаш мумкин:

1) нутқий маъно;

2) лисонийлашаётган маъно;

3) лисонийлашган маъно.

Нутқий маъно ижтимоийлашмаган, ўзида окказионликни сақлаб турган, матн орқали англашиладиган маънодир. Масалан, *мушук* сўзи одамларга нисбатан қўлланган “писмиқ”, “ичидан пишган” маъносига эга бўлиб, ҳамма ҳам уни шу маънода тушунавермайди ва бундай қўлланишдаги маънони изоҳлашда қарашлар турлича бўлиши мумкин. Кўпчилик томонидан эътироф этилмаганлиги боис улар луғатлардан ўрин берилмаган.

Лисонийлашаётган метафорик маъноларда лисонга интилиш миқдорий ўзгаришлари меъёр бўғини атрофида бўлиб, уларни гоҳ луғатлар “илғайди”, гоҳ нутқий маъно сифатида эътибордан четда қолади. Масалан, пари, фаришта, ой каби сўзларнинг метафорик маънолари шундай маънолар типидандир. Учинчи тип ҳосила маънолар соф лисоний моҳият касб этган маънолар билан қўлланилиши нутқ шароитига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда махсус синтагматик қуршовларда намоён бўлувчи соф нутқий маънолар орасидаги вазиятни эгаллайди ва уларни шартли равишда лисонийлашмаган ҳосила маънолар сифатида бериш маъқул. [иш] лексемасининг “меҳнат, юмуш” маъноси бош маъно бўлса, “лавозим, хизмат” маъноси лисонийлашаётган маъно сифатида қаралиши мумкин.Лисонийлашган метафорик маънолар барқарорлиги, ижтимоийлашганлиги, луғатлардан ўрин олганлиги билан характерланади.

Лисонийлашган маъноларнинг айримлари қўлланиш ва ижтимоийлик нуқтаи назаридан бош маънолардан ҳам ўтиб кетади ва уларни ўз соясида қолдиради. *Қуралай, туллак, мегажин, ўқ* сўзларининг метафорик маънолари лисонийлашишнинг юқори даражада эканлиги билан эътиборлидир.Баъзи муаллифлар ҳосила маънонинг лисонийлашувини бошқачароқ талқин қиладилар: “Соф нутқий ҳосила маъноларнинг лисонга интилишини очиш ҳам қатор ижтимоий-лисоний омилларга таянади. Айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, ҳосила маъноларнинг лисон ва нутққа муносабати жиҳатидан қуйидаги таснифини бериш мумкин:

1) лисонийлашган ва ҳосилавийлигини йўқотган маъно;
2) лисонийлашган ҳосила маъно;
3) лисонийлашаётган ҳосила маъно;
4)нутқий ҳосила маъно.

Сўзларнинг умумий лисоний қийматини тиклаш билан биргаликда уларнинг лексикографик тавсифини бериш ва замонавий изоҳли луғатлар яратишда ҳам кўп маънолиликнинг лисон ва нутққа муносабатини аниқ ва қатъий белгилаб олиш муҳим илмий-методологик аҳамиятга эга.” (Сайфуллаева ва бошқ. 2006).

Феъл туркумида учрайдиган антропоцентрик метафоралар бадиий адабиётда кўплаб учрайди ва жонлантириш санъатини ҳосил қилишда иштирок этади.

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз ***уялиб****, бошини букиб,*
Айтадир*: “Мен уни тушда* ***кўрамен****.*
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!” ... (Чўлпон. Гўзал).

Тоғ ортидан кўтарилди ой,
Сўлим қирғоқ нур-ла ***ўпишди****.*
Кўзгу бўлди жимжит оққан сой,
Ойнинг акси сувларни ***қучди*** (Зулфия. Сой кечаси)

Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида ҳам феъл антропоцентрик метафорик маънолар шарҳланган.Умуман олганда, сўз туркумлари доирасида антропоцентрик метафоралар турли-туман бўлиб, уларнинг таснифини ҳар бир туркум ичида ўша туркумларнинг ички бўлинишларига мувофиқ равишда яна давом эттириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Ҳ., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2006. – 391 б.

2. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013.

3. Чўлпон Сайланма. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

4. Зулфия Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2015.

ХИТОЙ ТИЛИДАГИ МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШДАГИ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАР

ÇİNCE ATASÖZÜ VE DEYİMLERİN ÖZBEKÇEYE ÇEVİRME İLE İLGİLİ BAZI SORUNLAR

Акимов Таир,
Тошкент давлат шарқшунослик институти
катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)

Kıdemli Okt. Tair Akimov
Taşkent Devlet Şarkşınaslık Enstitüsü

Özet. Makalede Çin atasözleri ve deyimlerini Özbekçeye aktarma konusunda dikkat edilmesi gereken hususlar ele alınmıştır.
Anahtar kelimeler: Atasözü, deyim, aforizma, folklor, Çince, çeviri, çeviri yöntemleri.

Abstract. Proverbs-sayings are a vivid example of folklore, reflecting the centuries-old life of the people, their worldview, precepts and moral teachings, which are improved from century to century and transmitted from generation to generation. The customs and traditions of each nation are reflected in proverbs. In this article, we tried to study some of the problems with translating Chinese proverbs and sayings into Uzbek.
Key words and expressions: proverbs, sayings, folklore, translation of Chinese proverbs in Uzbek language, translation methods.

Аннотация. Пословицы-поговорки являются ярким примером устного народного творчества, отражающими вековую жизнь народа, его мировоззрение, наставления и нравоучения, которые совершенствуются от века к веку и передаются от поколения к поколению. Обычаи и традиции каждого народа отражены в пословицах. В этой статье мы попытались изучить некоторые проблемы с переводом китайских пословиц и поговорок на узбекский язык.
Ключевые слова и фразы: пословицы, поговорки, устное народное творчество, перевод китайских пословиц на узбекский язык, методы перевода.

Маълумки**, мақол** - ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам, образли ва ҳикматли ибора. **Матал** - Тугал маъно ифодаламайдиган образли ибора, ҳикматли сўз. Мисол: (Туянинг думи ерга текканда).

Мақол-маталлар халқ оғзаки ижодиётининг маҳсули бўлиб, халқнинг асрий ҳаёти, дунёқараши, ўткир фикрлари асрдан-асрга сайқаллашиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда. Унинг тили ихчам, ўхшатилиши жонли, маъноси чуқур ва ўткирдир. Мақол боғ бўлса матал шу боғнинг гули бўлиб, мақол-маталлар ақл - идрок, қувонч ва ғам, муҳаббат ва макр, ишонч ва ишончсизлик, ҳақиқат ва бўҳтон, меҳнатсеварлик ва танбаллик, яхшилик ва ёмонлик каби инсоннинг ўзига хос фазилатларини ифодалайди. Халқ оғзаки ижодининг кўпчилик жанрларида, жумладан, мақолларда халқ жамиятидаги муносабатлар, ҳодиса, ҳолатларни содда, равшан ифодалаш мақсадида табиатдаги ўз хусусиятлари билан шунга мос келадиган турли нарсалар (ҳайвонлар, жисмлар) образларидан усталик билан фойдаланган.

Шер - мард, ботирларга; қўй - ювош табиатли одамларга; тулки - айёр одамларга; чумоли - меҳнаткаш, мазлумларга; қарға - кўпинча қора ниятли одамларга; гул - қизларга ўхшатиш орқали инсонлардаги ижобий ва салбий образларни кўрсатиб берган. Мақоллар фикрни лўнда, аниқ ва образли қилиб ифодалашда нутқимиз учун жуда ҳам зарур бўлган

восита ҳисобланади. М.Шолохов: «Мақол ва маталлар қанотланиб асрдан - асрларга, авлоддан-авлодларга кўчиб юради ва ўшбу халқ донишмандлиги парвоз қилаётган урф-одатларнинг ниҳояси кўринмайди» [1, 3].

饱汉不知饿汉饥 bao han bu zhi e han ji [2, 26] - Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ.

天下乌鸦一般黑 tianxia wuya yiban hei [3] - Осмондаги қарғаларнинг ҳаммаси қопқора (Қаерга борсанг қозоннинг қулоғи тўрт; Хўроз ҳамма жойда бир хил қичқаради).

乌鸦的翅膀遮不住太阳 wuya de chipang zhe buzhu taiyang [4] - Қарғанинг қаноти қуёшни ёпа олмас (Ойни этак билан ёпиб бўлмас).

Мажозан: хиёнат, жиноят, айб, гуноҳ қилиб қўйган одам буни яширишга ҳар қанча уринмасин, барибир бир кунмас, бир кун ошкор бўлади. Қўлга тушиб, жазосини олади деган маънода қўлланилади.

Вариянти: (сояни чопиб, йўқотиб бўлмайди; чўғни ўраб, бекитиб бўлмас; касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади; қинғир ишнинг қийиғи қириқ йилдан кейин ҳам чиқади).

三十年河东，三十年河西 sanshi nian he dong, sanshi nian he xi - дарё ўттиз йил шарққа оқса, ўттиз йил ғарбга оқади (ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ). Мушкул аҳволга тушиб қолган кишиларга тасалли берганда, уларни юпатганда, сабр тоқатга ундаганда қўлланиладиган мақол.

Тоғ тоғ билан учрашмас, одам одам билан учрашади - 山和山无法相会，人与人总会相逢。 Shan he shan wu fa xiang hui, ren yu ren zong hui xiang feng. Мазкур мақолни XI асрнинг машҳур олим, тилшунос Маҳмуд Қошғарий шундай изоҳлаган: “икки тоғ бир бирига қовушмайди, чунки улар жойларида турғундир. Одамлар, кўп вақт ўтиб кетса ҳам, бир-бирлари билан учрашади” [5, 167]. Бу мақол, икки киши уришиб қолса ёки бир-бирларни алдаб кетса қўлланади. Бир кун яна қайта учрашиб қоламиз, сен ундай бўлмағир гапларни гапирма деган маънода ҳам айтилади.

Мақол ва маталларда миллатнинг ақл-фаросати ва миллий маданияти сингган бўлиб, улар ҳар бир миллатнинг тилида ҳар хил ўхшатишлар билан акс эттирилади. Улар шакл ва маъно жиҳатдан миллатларнинг ўз тилига хос услуб билан ифодаланиб, меҳнаткаш халқнинг жонли тилида бўлсин ёки адабий тилида бўлсин кенг қўлланилиб келмоқда.

Ўзбек хитойшунослигида хитой тилидаги мақол ва маталлар ҳали яхши ўрганилмаган долзарб масаллардан бири бўлиб, уларнинг фарқи, ўзига хос хуссусиятлари, унда ифода қилинган жонли мазмунлар ва ўхшатишлар тадқиқ қилинмади. Бу - тил тадқиқот идоралари ва тилшунос ходимлари олдидаги муҳим бир вазифа. Бундан ташқари, яна хитой тилидаги мақол-маталларни ўзбек тилига тўғри таржима қилиш, таржимонларнинг олдига қўйилган жиддий масалларнинг бири бўлиб келмоқда.

三思而后行san si er hou xing - маъноси: уч марта ўйлаб, сўнг юр. (ўзбекчаси: етти ўлчаб, бир кес; дилда пишир, тилда гапир; аввал ўйла кейин сўйла) . Жамиятда ўзаро муносабатларда сўзлашиш одобига қатъий риоя қилиш зарур. Инсон ҳар бир гапирадиган сўзини аввал ўйлаб олиши, сўнг сўзлаши керак. Ўйламай айтилган сўз кишини кўпчилик орасида уялтириб қўйишга, ҳатто фожиали аҳволларга дучор бўлишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

树高千丈，叶落归根shu gao qian zhang, ye luo gui gen [6] - дарахт қанча баланд бўлса ҳам, барги барибир ерга тушади (ўзбекчаси: от айланиб қозиғини топар, эр айланиб ёзиғини топар) Одамлар отни далада, ўтлаб юрсин деб, уни узун арқонга боғлаб, қозиқ қоқиб қўядилар. От ён атрофда ўтлаб юрверади-ю, аммо қоқилган қозиқдан узоққа кетиб қололмайди, айланиб-айланиб яна шу ерга келиб қолаверади. Мақолда ана шу ҳол мисолга олинган. Хитойчада эса отнинг ўрнига дарахтни мисол қилиб ифодалаган. Дарахт қанча баланд бўлса ҳам, барги барибир дарахт атрофига тушади деб берилган. Бирор сабаб билан ўз юрти, оиласи ёки иш жойидан бошқа ерларга кетиб қолган одам бир кун ўзи

туғилиб ўсган жойига қайтиб келиб, ўз ишини давом эттиради. Бу мақол шундай вазиятларда ишлатилади.

Доно халқимиз орасида олдиндан «эр кўрки соқол, сўз кўрки мақол» деган мақол бор. Ҳар қандай киши ўз фикрнининг таъсир қилиш кучини ошириш ва ўз мақсадини тўғри, ўз жойида ифодалаш учун мақол-маталларга мурожаат қилади. Ўз пайтида ва ўз жойида қўлланиланадиган мақол-маталлар тилимизнинг ифодалаш кучини ва бадиийлигини оширади.

Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин [7, 62] - 不经厨子手,难得五味香bu jing chuzi shou, nan de wu wei xiang;

Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қора ер қиладиган ҳам хотин [8, 226] - 妻贤夫祸少qi xian fu huo shao.

Мақол-маталлар жуда бой бўлиб, қадим-қадимдан халқимиз орасида кенг тарқалиб, ажойиб бадий ва маданият меросларн қаторида авлоддан –авлодга давомлашиб, бойиб мукаммаллашиб келмоқда. Унга ворислик қилиш, уни танитиш ва кейинги авлодларга етказиш бизнинг бош тортиб бўлмайдиган бурчимиз.

Хитой тилидаги мақол-маталларни ўзбек тилига таржима қилишда икки тилнинг шакли, ифодалаш усули, урф-одатлар, яшаш жойлари, маданияти ўхшаш бўлмаганлиги сабабли таржима қилиш қийин бўлиб, бу кўп изланишларни талаб қилади.

Мақол-маталларда шу миллатнинг урф-одатлари акс эттирилади. Мақол-маталларда ҳар бир миллатнинг миллий урф-одатлари ва маданияти сингган бўлади. Шунинг учун мақол-маталларда ўша миллатнинг тўйлари, кийиниш ва овқатланиш маданиятлари, уларнинг характерларини ифодалашда муҳим рол ўйнайди. Инсонлар бу аломатларни оддий сўзлар билан эмас, аниқ ўхшатишлар билан ифодалаган.

客来茶当酒,意好水也甜 ke lai cha dang jiu, yi hao shui ye tian – меҳмон келса чой шаробдек бўлсин, илиқ сўзларинг ширин сувдек бўлсин. Ўзбекчаси: Буғдой нонинг бўлмаса, буғдой сўзинг бўлсин. Меҳмонга мезбоннинг нозу-неъматлари эмас, балки очиқ чеҳра, хуш муомала, ширин сўзлари бўлса кифоя. Бу хитой тилида «чой», «шароб» орқали ифодаланса, ўзбек тилида «нон» орқали ифодаланиб, миллий турмуш урф-одат кучли акс этган.

看菜吃饭，量体裁衣 kan cai chi fan, liang ti cai yi – кўрпангга қараб оёқ узат.

Мақол-маталларда шу миллат яшаб турган жуғрофий муҳит акс эттирилади.

Табий муҳит бир миллатнинг шаклланишига таъсир кўрсатиб қолмай, балки шу миллатнинг урф-одатиги ҳам таъсир кўрсатади. Шунга, бир миллат яшаб турган жуғрофий муҳит шу миллат тилидаги мақол-маталларда акс этиши табийдир. Бир миллат ўз тилидаги мақол-маталларда ўзига таниш бўлган жисмларни ўхшатиш сифатида қўллангандан бошқа, ўзига яхши таниш бўлган табиат ҳодисаларни ҳам ўхшатиш сифатида қўлланади. Шунинг учун ҳар бир миллатнинг тилидаги мақол-маталларнинг пайдо бўлишида, шу миллат яшаётган табий муҳитга хос бўлган тоғ, дарё, климат ва ер номлари ҳам акс этган бўлади.

无风不起浪wu feng bu qi lang – шамол бўлмаса, денгизда тўлқин бўлмайди; “шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди” [9]. Бу мисолдан кўринадики, хитойликлар денгиз, дарё, кўллар атрофида яшаганлиги учун бу иборада денгиз тўлқини келтирилган. Биз бу иборани “шамол бўлмаса, денгизда тўлқин бўлмас” деб ўзбек тилига таржима қилсак, ўқувчиларга бироз ғалати билинади. Ўзбек халқи эса яшаган жойида дарахтлар экиб, боғу - бўстон қилиб, озода яшаб ўрганган халқ бўлганлиги учун “шамол бўлмаса, дарахт учи қимирламас” деб берсак, айни муддаодир. Шунинг учун ҳар икки халқнинг яшаш муҳитини, урф-одатларни билмоғимиз даркор.

Мақол-маталларни таржима қилиш усуллари.

1. Қисқартириб таржима қилиш. Мақол-маталларни таржима қилиш одатдаги сўз бирикмаларини таржима қилишга ўхшамайди. Чунки мақол-маталларда ўхшатиш кучли, аниқ ва равшан бўлади. Уларда шакл икки бўлак бўлиб, ўзаро мослаштирилган,

турли стилистик воситалар кўп қўлланилади. Бу ҳол мақол-маталларни маҳорат билан таржима қилишни талаб қилади.

不顶千里浪,哪里来皖斤鱼 bu ding qian li lang,na li lai wan jing yu - Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат.

2. Кенгайтириб таржима қилиш. Хитойча ва ўзбекча мақол-маталларнинг баъзилари маъно жиҳатдан ўзаро мос келса ҳам, баъзида хитой тилидаги содда гапли мақол-маталларни ўзбек тилига таржима қилганда қўшма гапли мақол-маталлар сифатида кенгайтириб таржима қилиш усулни қўллашга тўғри келади.

胳膊折了袖里藏 ge bo zhe le xiu li cang - қўл синса енг ичида, бош ёрилса дўппи ичида.

Мақол-маталлар бир бутун бўлиб, уларнинг таркибидаги ҳар қандай сўзни хоҳлаганча ўзгартиришга ёки қисқартиришга бўлмайди. Шунинг учун, ўзбек тилига мослаштириб, таржимани қилиш керак.

3) Оҳангдошлик хусусиятини сақлаб қолиш. Мақол-маталларда ҳам халқ қўшиқларига ўхшаш ритм ва қофия жуда кучли бўлади. Таржимада ритм ва қофияни имкон қадар айънан ифодалашга ҳаракат қилиш керак.

靠山的爱上山,靠海的爱上滩kao shan de ai shang shan, kao hai de ai shang tan - Тоғда яшаган тоғни қумсар, боғда яшаган боғни.

Хитой тилидаги ушбу мақолда «山shan-тоғ» билан «滩tan-соҳил» сўзлари бир-бирига қофиядош бўлиб келган, ўзбек тилига таржима қилганда «тоғ» билан «боғ» сўзлари билан берилди ва хитой тилидаги мақол-маталлардаги қофия айнан сақланиб қолинган.

4) Яримини айнан, яримини мос келтириб таржима қилиш. Хитой тилидаги қўшма гапли мақол-маталлар ўзбек тилидаги қўшма гапли мақол-маталлар тузилишига мос келса ҳам, лекин улар маъно жиҳатдан бутунлай тенг қимматли бўлмайди, яъни хитойча қўшма гапли мақол-маталларнинг бир бўлаги ўзбек тилида маъно жиҳатда айнан ифодаланиб, яна бир бўлаги айнан ифодаланмаслиги мумкин.

话多不甜，胶多不粘 hua duo bu tian, jiao duo bu zhan - кўп гапнинг тами йўқ, кўп елим ёпишмас. Ўзбекчаси: кўп гап - эшака юк.

俭吃有剩，俭穿有新 jian chi you sheng, jian chuan you xin – отни аяган от минар, тўнни аяган тўн кияр [10].

5) Қарама-қарши маънода таржима қилиш. Хитой тили билан ўзбек тилидаги гапларнинг синтак шакли ўхшаш бўлмаганлиги сабабли, ўхшаш бир маънодаги мақол-маталлар хитой тилида инкор шаклда берилса, ўзбек тилида тасдиқ маънода келиши мумкин. Хитой тилида тасдиқ маънода келган мақол-маталлар ўзбек тилида инкор шаклда келиши мумкин, бироқ маъноси ўзгармайди.

小孩口里出真言 xiao hai kou li chu zhen yan – кичик бола рост гапиради. Ўзбекчаси: кичик бола ёлғон гапирмас.

6) Сўзма- сўз таржима қилиш. Баъзи-бир мақол-маталларни сўзма-сўз ўзбек тилига таржима қилса ҳам бўлади.

花美在外边，人美在里边 hua mei zai wai bian, Ren mei zai li bian - гулнинг гўзаллиги ташқарида, одамнинг гўзаллиги ичида.

多年邻居变成亲 duo nian lin ju biancheng qin - узоқ йиллик қўшни қариндош бўлур.

7) Маъносини мос келтириб таржима қилиш. Хитой тилидаги мақол-маталлардаги ўхшатиш ўзбек тилидаги ўхшатишларга тўғри келмайди ва ундаги миллий услуб, хусусият ўзгача бўлганлиги сабабли маъносига қараб таржима қилиш лозим.

狐狸做梦也想鸡 huli zuomeng ye xiang ji – тулки тушида ҳам товуқни ўйлайди. Ўзбекчаси: мушук тушида ҳам сичқонни кўради.

情人眼里出西施 qingren yanli chu xi shi - «西施xi shi» одамнинг исми бўлиб, у гўзалларнинг гўзали деб қаралган. Бу мақол чин кўнгилдан яхши кўрган одам учун, у

киши янада чиройли кўринади деган маънода қўлланади. Ўзбек тилида «чиройли чиройлик эмас, севган чиройлик» деган мақолга тўғри келади. Сўзма-сўз таржима қилсак «севган одамга шиши кўринар» бўлади, бу тушунарсиз бўлиб, нима демоқчи бўлганлиги аниқ бўлмай қолади. Шунинг учун мақол ва маталларни ўзбек тилига таржима қилганда, унинг нима ҳақида гапиралаётганини яхши тушуниб, ўзбек тилидаги эквивалентини берсак мақсадга мувофиқ келади.

Шуни хулоса қилиб айтмоқчимиз-ки, юқорида биз таржима қилишдаги баъзи бир муаммоларни ўрганишга ҳаракат қилдик. Лекин яна ўрганиладиган нозик томонлари ҳам жуда кўпдир. Хитой тилидаги мақол-маталларни ўзбек тилига таржима қилиш катта изланиш ва ўйланишни талаб қилади.

Бир тилдан бошқа тилга мақол-маталларни таржима қилиш, таржимашуносликнинг энг мураккаб соҳаларидан бири бўлиб, ҳар икки миллатнинг урф-одатларини, маданиятини яхши билгандагина таржима чиройли, равшан ва аниқ қилиб ўқувчига етказиб берилиши мумкин. Биз бу соҳада яна кўпгина изланишлар, ўрганишлар олиб боришимиз даркор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шолохов М. Пословицы русского народа сборник. –Москва, 1957.
2. Китайско - русский словарь. –Пекин, 1990.
3. 现代汉语 高等教育出版社　北京 1986年 299页
4. 中国俗语 江苏常热新华印刷厂 1997年 412页
5. Кошғарий М. Девону луғат турк. 3 том.
6. 常用谚语词典 上海辞书出版社 1987年 294 页
7. Ўзбек халқ мақоллари. –Тошкент, 1981.
8. Ўзбек халқ мақоллари. - Тошкент, 1981.
9. Шомақсудов Ш. Ҳикматнома. –Тошкент, 1990.
10. Мирзаев Т., Мусоқулов А., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. –Тошкент, 2019.

МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИК МАСАЛАЛАРИ

UZMANLIK EĞİTİMİNDE PEDAGOJİK YETERLİLİK SORUNU

Хусанов Шерзод Тиркашалиевич,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари
университети катта ўқитувчи (Ўзбекистон)

Kıdemli Okt. Şerzad Husanov,
Muhammed el-Harezmi
Taşkent Bilişim Teknolojileri Üniversitesi

Özet. Makalede Özbekistan'daki eğitim sistemi, uzman yetiştirme sürecinde yeterlilik sorununun ortaya çıkışı ve benzeri konular ele alınmıştır..
Anahtar kelimeler: eğitim, pedagoji, uzmanlık, yeterlilik, eğitim sistemi**.**

Аннотация: В статье анализируются проблемы системы образования в Узбекистане и причины их возникновения. Изучены вопросы подготовки квалифицированных, компетентных кадров и существующих решений..
Ключевые слова: образование, педагог, компетентность, специальность.

Summary. The article analyzes the problems of the education system in Uzbekistan and their causes. The issues of training qualified, competent personnel and possible solutions to the problem were studied.
Key words: education, teacher, competition, profession, qualification.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича бир қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар "2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"га ҳамоҳанг равишда олиб борилмоқда. Мазкур ҳужжатда таълим ва илм-фан ривожига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, олий таълим сифатини ва самарадорлигини ошириш тизими белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 август куни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилишда кадрлар масаласига эътибор қаратди. "Мени энг катта хавф нимада, деган савол қийнайди. Энг катта хавф - кадрлар савияси, билими, илми ва фидойилигида. Минг афсуски, энг оғир масала шу..." дея фикр билдирди президент (https://kun.uz/02944562, 2019).

Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда олий таълим муассасалари олдига ҳар томонлама билимли ва малакали, меҳнат бозорида рақобатбардош бўла оладиган, масъулиятли, ўз касбининг ҳақиқий маънодаги устаси бўлган миллий кадрларни тайёрлашдан вазифаси турибди.

Жамиятимиз ҳаётидаги ривожланиш ва ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ёш мутахассислар ўз фаолиятларида қатор муаммоларга дуч келадилар. Бу муаммолар уларнинг олий таълим тизимида қанчалик самарали ва фойдали билим ва малака эгаллаганлари билан боғлиқ бўлади. Доимий ривожланиб борадиган соҳалар, масалан АКТ соҳасида, рақамли медиа ва телевизион технологиялар соҳасида фаолият юритувчиги ёш мутахассислар олдида айниқса янги талабларга, дунё стандартларига тезкор равишда

мослашиш, замонавий меҳнат бозорида рақобатга дош бера олишдек компетентликка оид бир қатор жиддий масалалар юзага келади.

Ҳар томонлама ривожланган, профессионал тайёргарлиги юқори бўлган компетентли кадрларни тайёрлаш учун аввало талабаларга билим берадиган педагог кадрларнинг ўзлари ҳам компетентли бўлиши зарур. Компетентлилик тушунчасини қисқа қилиб ўз соҳаси бўйича чуқур назарий билимга, амалий кўникма ва малакага эга бўлиш, ўз истеъдодини, билим ва тафаккурини намоён этиш, шахсий илмий ва ижодий салоҳиятини юксалтириш, ўз касбининг аҳамиятини англаган ҳолда дунё меҳнат бозорида ўз ўрнини топишга интилиш дея таърифлашимиз мумкин.

Замонавий олий таълим тизимида фаолият юритадиган профессор-ўқитувчи ўз фанини ўқитишда нафақат компетентли бўлиши, балки замонавий ўқув, таълим усуллари ва технологияларини чуқур ўзлаштирган, улардан самарали ва мақсадли фойдалана оладиган бўлиши ҳам керак.

Афсуски, бугунги кунда ватанимизнинг турли олий таълим масканларида ўз соҳасини чуқур билмайдиган, амалиётдаги ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақида юзаки тасаввургагина эга бўлган, дарс жараёнида ўқитаётган технологияни ўзи ҳам билмайдиган, саводсиз педагоглар ҳам борлиги жуда ачинарли ҳолат.

Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби педагогика соҳасида ҳам бир қатор муаммолар тўпланиб қолган. Тор йўналишдаги, айниқса кино ва телевидение, монтаж, махсус эффектлар, 2D ва 3D графика ва анимация, мусиқа, рангтасвир соҳалари бўйича мутаҳассислик фанларини ўқитиш учун ёш педагог кадрларнинг етишмаслиги ана шундай муаммоларнинг энг жиддийларидан бири деб ҳисоблашимиз мумкин.

Шу ўринда ўринли савол туғилади: агар ватанимиздаги олий таълим масканларида билим даражаси ва соҳа бўйича малакаси етарли бўлмаган ёш профессор-ўқитувчилар фаолият юритиб келаётган бўлса уларни ким ва қандай мезонлар асосида ишга қабул қилди? Бу муаммонинг туб моҳиятини англаш учун 20 йил аввалроққа назар ташлаймиз.

Ўтган даврларда ватанимиз таълим тизими бир нечта кучли зарбаларни қабул қилиб олди. Биринчи зарба: ватанимиз мустақилликка эришганидан кейинги даврларда, аниқроғи 1992-1997 йиллардаги ўтиш даврига ҳос бўлган иқтисодий қийинчиликлар, ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимида рўй берган кескин салбий ўзгаришлар, маош беришда бир неча ойлик узилишлар сабаб кўплаб мактаб ўқитувчилари ўзларини бозорга урдилар. Натижада мактабларда кадрлар етишмовчилиги юзага келди. Биология, Кимё, Физика, Математика ва бошқа шу каби тор йўналишдаги фанлардан ҳам кадрлар йўқлиги боис дарсларда узилишлар бўлмаслиги учун номутахассис ўқитувчилар дарс ўтишига мажбур бўлган. Натижада таълим сифати жуда пасайиб кетди. Ўқитувчининг халқ ичидаги обрўсига путур етди. Ёшларда, одамларда илм олишга, зиёли бўлишга қизиқиши сўнаёзди.

Иккинчи зарба: ўрта таълим тизимидаги муаммолар олий таълим тизимини ҳам четлаб ўтмади. Юқоридаги муаммолар сабаб олий таълим масканларида ҳам ўз-ўзидан таълим сифати пасайди, иқтисодий қийинчиликлар сабаб коррупция ва пораҳўрлик авж олди. Ёшларда келажакка нисбатан ишонч ва умид йўқолди. Марказдан ажратиладиган моддий техник воситалар, реактивлар, лаборатория ускуналари таъминотида узилишлар сабаб дарслар фақат қоғозлардагина ўтила бошланди. Бу муаммолар айниқса ўқитиш жараёнида кўп маблағ талаб қиладиган тор йўналишдаги соҳаларда яққол кўзга ташланди. Илмий тадқиқот ишлари сусайди. ОТМларда педагогик фаолият юритишга, илм билан шуғулланишга интиладиган ёшлар жуда камчиликни ташкил қиларди. Алал оқибат педагоглар орасида ёшга доир ўзига ҳос “жарлик” ҳосил бўлди. Педагоглар орасида катта ёшли авлоднинг ўртача ёши 55-75 ёш бўлса, ёш авлоднинг ўртача ёши 25-35 ёшга тўғри келади. 40-55 ёш орасидаги ўрта ёшли педагоглар сони жуда озчиликни ташкил қилиши ватанимиздаги қарийб барча ОТМларда кузатилаётган муаммоли ҳолатлардан биридир.

Учинчи зарба: юртимизда мустақиллик йилларида кўплаб соҳаларда малакали кадрларга нисбатан юзага келган эхтиёж, олиб борилган таълимга оид сиёсат натижасида

бир нечта янги ОТМлари ташкил этилди, янги таълим йўналишлари очилди. Бу ўз навбатида ана шу янги таълим йўналишлари бўйича мутаҳассислик фанларидан дарс бера оладиган педагогик кадрларга нисбатан ҳам эхтиёжни кучайтирди. Муаммонинг энг оғриқли нуқтаси шунда эдики, ватанимизда аввал мавжуд бўлмаган тамомила янги йўналиш очилгани билан айнан шу йўналиш бўйича янги киритилган мутахассислик фанларидан дарс берадиган профессор-ўқитувчиларни қаердан топамиз деган савол ўйлаб ҳам кўрилмади.

Педагогларнинг жамиятдаги қадр-қиммати, обрўси тушиб кетганлиги, маошнинг камлиги сабаб айрим профессор-ўқитувчилар ўзларини ўз соҳалари бўйича ишлаб-чиқариш корхоналарига ураётган бир пайтда юқори билимли ва малакали, бунинг устига ватанимиз учун жуда янги бўлган соҳалар бўйича педагог кадрларни топиш осон эмасди.

Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида билим ва малакасидан қатъий назар кимдаки тегишли диплом мавжуд бўлса ОТМларга педагог сифатида ишга олинди. Бунинг оқибатида таълим сифати янада пасайди. Бу муаммо ҳозирги кунгача ҳам долзарблигича қолмоқда. Педагоглик фаолияти учун мутлақо компетентли бўлмаган шахсларнинг олий таълим тизимида ишлаши, иқтисодий муаммолар, институт ва университетлардаги материал техник базанинг қашшоқлиги натижасида ўз соҳалари бўйича оз бўлсада билимга эга бўлган профессор-ўқитувчилар ҳам дарс бериш жараёнида кўплаб муаммоларга дуч келдилар.

Тўртинчи зарба: Ўтган йилларда таълим самарадорлигини ошириш мақсадида, профессор-ўқитувчиларни ўз устида ишлашларини, чет тили ва ахборот технологияларини ўрганишга рағбатлантириш, ватанимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва таълимга оид ислоҳотларнинг туб моҳияти ҳақида аниқ фикрига эга бўлишларига эришиш мақсадида уларни турли аттестация ва текширувлардан ўтказиб турилди. Афсуски, бу аттестацияларнинг барчаси ҳам ҳалол мезонлар асосида ўтказилмади. Айрим одамларнинг субъектив қарашлари ва ноҳолис баҳолари сабаб қанчадан-қанча илмий салоҳиятли ва кўп йиллик тажриба ва чуқур билимга эга бўлган профессор-ўқитувчилар иш жойларидан очиқчасига ҳайдалди. Натижада ватанимиз таълим тизими янада оғирроқ ахволга тушди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда ватанимиз олий таълим тизимида мавжуд бўлган малакали педагог кадрлар етишмовчилиги масаласи юзага келишига комплекс муаммолар сабаб бўлган.

Айни кунларда энг оғриқли бўлиб турган масалалардан бири айрим ҳолларда муайян лавозимга компетенли бўлмаган шахсларнинг ушбу вазифаларга тайинланаётганлигидир. Бу профессор-ўқитувчи ёки раҳбар ҳодим бўлсин, соҳа ҳақида етарли билим ва малакага эга бўлмасдан туриб жуда масъулиятли лавозимларда фаолият юритмоқдалар.

Олий таълим масканларида нисбатан янги таълим йўналишлари бўйича ўқитиладиган мутаҳассислик фанларидан дарс беришда ушбу соҳани тушунмайдиган ўқитувчиларга ҳам дарслар ишониб топширилмоқда. Тўғри, юқорида санаб ўтилган сабаблар туфайли юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун вақт керак. Қолаверса, янги ташкил этилган таълим йўналишлари бўйича, айниқса 3D графика, анимация, монтаж, телеоператорлик, рақамли медиа технологиялари каби тор мутаҳассисликлар бўйича дарс берадиган мутахассис педагоглар кўчада қалашиб ётгани йўқ.

Соҳа корхоналарида фаолият юритадиган етук мутахассисларни педагоглик фаолиятига жалб этишда ҳам муаммолар йиғилиб қолган. Бугунги кунда педагоглар олдига қўйилаётган вазифалар ва талаблар жуда кўпайиб кетган. Масалан, олий таълим тизимида фаолият юритадиган педагог ҳодим аввало илмий даражага эга бўлиши, илмий фаолият билан шуғулланиши, чет тилларини яхши билиши, ахборот технологияларини яхши ўзлаштирган бўлиши, таълим тизимидаги меъёрий ва ишчи ҳужжатларни юрита билиши, замонавий таълим методлари ва технологияларини мукаммал билиш ва фаолиятида самарали қўллай билиши, энг асосийси педагоглик истеъдоди бўлиши зарур. Бу талабларга ҳамма ҳам мос келавермайди, қолаверса қўйилаётган талабларни кўрган

соҳа мутаҳассиси бундай “бош оғриқлар”ни зиммасига олишдан воз кечиб қўяқолади. Натижада яна ўша биз “етарли билим ва малакага эга эмас” деб баҳолаган профессор-ўқитувчи сифатида ишга олинадилар.

Бир қарашда бу жараёнлар бошидан ўтиш даври қийинчиликларини ўтказаётган ёш давлат учун табиий жараёндек туюлиши мумкин. Лекин, гап ватанимиз келажаги бўлган ёш авлод тақдири, уларнинг эртанги куни, ҳаёт йўллари ҳақида кетар экан бу масалага асло панжа остидан қараб бўлмайди.

Мутахассислик фанларидан дарсларни ҳар томонлама билимли ва айниқса шу соҳада бир неча йиллик амалий тажрибага, малакага эга бўлган, нима ҳақида, қандай технология ҳақида гапираётганини, унинг қандай ишлашини ва қай мақсадларда фойдаланилишини биладиган, мавжуд технологиянинг барча ютуқлари ва камчиликларини яхши биладиган педагоглар дарс беришлари шарт. Талабаларга дарс давомида юзаки билим берадиган, ўзи хатто кўрмаган технологияси ҳақида чўпчак айтиб чиқиб кетадиган компетенциясиз ўқитувчилардан кечиш даври келди, назаримизда.

Юқорида санаб ўтганимиз тор соҳалар бўйича ҳам аслида назарий ва амалий билим, малака ва педагоглик маҳоратига эга бўлган, ёш профессор-ўқитувчилар етарлича топилади. Фақат профессор-ўқитувчиларга юклатиладиган турли топшириқларнинг кўплиги, ойлик маошларнинг камлиги, “университет биносига боғлаб қўядиган” иш режими боис улар педагоглик фаолияти билан шуғулланишдан ўзларини тортмоқдалар. Афсуски, бу муаммони бартараф этиш учун яна камида 10 йил керак бўлади. Бунинг учун аввало ёшлар ўртасида педагоглик ва илмий фаолиятга қизиқишни уйғотиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш лозим.

Ватанимизда таълим тизимини ривожлантириш педагогларнинг касбий малакасини ошириш муаммосини назарий ривожлантириш ва амалий ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ экан, ҳар бир педагог кадр ўз-ўзини ҳар томонлама ривожлантиришга уриниши, ўз соҳасини нафақат назарий балки амалий томондан ҳам чуқур билишга интилмоғи, ўз соҳаси бўйича ишлаб чиқариш жараёни билан шуғулланиб туриши, ундаги ютуқ ва камчиликлар ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида илмий тафаккур қила олиши, билим беришнинг янги йўлларини ўзлаштириши, педагогик фаолиятда шаклланиб қолган стереотиплардан узоқлашган ҳолда, профессионал тўсиқ ва қийинчиликларни бартараф этишда ўзини намоён эта олиши керак.

“Ўқитувчи ўз фанини яхши билиши керак! Ана шунда у хатто жуда даҳал одам бўлса ҳам ҳурматга эга бўлади, диққат билан тингланади. Бироқ, педагог қанчалик меҳрибон бўлишидан қатъий назар, талабаларни ширинликлар билан сийласа ҳам, агар ўз фанини чуқур билмаса абадий масҳара ва кулги объектига айланади, турли таъна ва дашномларга дучор бўлади. Бунинг ҳаммасига сабаб ўқитувчининг билимсизлигидир! (Макаренко, 1981: 129)

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон учун «энг катта хавф»ни айтди. Мақола, https://kun.uz/02944562, 2019.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000.

3. Макаренко А.С. “Педагог поэмаси”. 1981.

4. Тохтаходжаева М. Педагогика. –Тошкент: “Шарқ”, 2010.

5. Лопухов А. М. Словарь терминов и понятий по обществознанию: 7-е изд. - Москва: Айрис-пресс, 2013.

KELAJAK AVLODNI SHAKILLANISHIDA MA'NAVIY TARBIYANING AHAMIYATI

GELECEK NESİLLERİN ŞEKİLLENMESİNDE MANEVİ EĞİTİMİN ÖNEMİ

Sodiqova Muqaddam,
O'zbekiston davlat san'at va madaniyat
instituti katta o'qituvchisi (O'zbekiston)

Kıdemli Okt. Mukaddem Sadikova,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Özet: Makalede gençlerin eğitiminde dikkat edilmesi gereken hususlar, özellikle, vatanseverlik, insanilik, yardımseverlik ve benzeri manevi konuların önemi kaleme alınmıştır.
Anahtar kelimeler: eğitim, marifet, medeniyet, ahlak, estetik, kitlesel kültür.

Annotation. The present article deals with the questions regarding to the education and upbringing of young geretatio that are our future. Ot is of necessity to absorb sense of patriotism, humanism to forther development of the society, thus we prepare deserving generation to the heritage remained from our great ancient scholars.
Key words: upbringing, education, enlightenment, morality, modesty, aesthetics, pop culture.

"Agar mendan sizni nima qiynaydi?"deb so'rasangiz,
farzandlarimizning ta'lim va tarbiyasi deb javob beraman.

Shavkat Mirziyoyev

Respublikamiz mustaqillikka erishgandan boshlab barcha jabhalarda rivojlanish davri boshlandi, xalqimiz hayotida ko'pgina tub o'zgarishlar yuz berdi. Bu o'zgarishlar ta'lim-tarbiya jarayoniga, xususan estetik ta'lim va tarbiyaga o'z ta'sirini ko'rsatdi. Zero, ta'lim-tarbiya jarayonini to'g'ri yo'lga qo'ymasdan turib jamiyatni har tomonlama yuksak darajada rivojlantirib bo'lmaydi. Chunki jamiyat taraqqiyoti ko'p jihatdan shu jamiyat a'zolarining qanchalik bilimli, ongli, axloqiy jihatdan yetuk tarbiyalanganlik darajasiga bog'liq. Mamlakatimizda qator o'tkazilayotgan islohotlarning muhim vazifalaridan biri yosh avlodni ma'rifatli, madaniyatli qilib tarbiyalashdan iborat. Yoshlarni komil inson darajasiga ko'tarish, bilim darajasini oshirish, har tomonlama yetuk shaxs qilib tarbiyalash maqsadida yurtimizda ko'pgina sharoitlar yaratilmoqda. Shu o'rinda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning quyidagi fikrlarini aytib o'tish joizdir. "Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgaryapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug'zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidandir" [4]. Darhaqiqat, yurtboshimiz ta'kidlaganlaridek bugungi kun yoshlarining kelajagi porloq bo'lishi uchun tarbiyaga alohida etibor bermog'imiz darkor.

Hozirda ta'lim - tarbiyaning turli sohalarida islohatlar amalga oshirilmoqda. Bundan asosiy maqsad esa ta'lim muassasalarida tahsil olayotgan yosh avlodning dunyoqarashini kengaytirib, ularning estetik didni, estetik ruhini shakllantirishdir. Yoshlarni go'zallik, nafosat olamida tarbiyalash barchamizning oldimizga qo'yilgan vazifalaridan biri bo'lib qoldi. O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimov "Jamiyatimiz hayotida hal etuvchi masalalar ichida ma'lumot olishda tarbiya tizimini kardinal tarzida qayta qurish bo'yicha

qonun loyihalari yangi davr talabi darajasiga ko'tarish imkoniyatlarini berish bilan birga garmonik rivojlanayotgan kelgusi avlodni tarbiyalashdan iboratdir" [3] – deb bejizga ta'kidlamaganlar. Shunday ekan jamiyatning qoloq bo'lib qomasligi uchun tarbiyaning ahamiyati nechog'lik muhim ekanligini har birimiz anglab yetmog'imiz, kelajak avlodning ravnaqi uchun tarbiyani bugundan boshlamog'imiz lozim.

Hech kimga sir emaski mustaqillikka erishganimizdan so'ng ijtimoiy hayotimizning barcha sohalarida tub islohotlar amalga oshirildi. Xususan ta'lim-tarbiyada tizimini rivojlantirish davlat siyosati darajasiga ko'tarilgani hech kimga sir emas. Bugungi kun yoshlarining jahon andozalariga mos sharoitlarda zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni egallashlari, jismoniy va ma'naviy jihatdan yetuk insonlar bo'lib voyaga yetishlarini ta'minlash bugungi kunning asosiy vazifasidir. Shuni aytib o'tish kerakki hozirda yoshlarning qobiliyatini, iste'dodini, intellektual salohiyatini ro'yobga chiqarish, ular qalbida ona yurtga sadoqat va fidoyilik tuyg'ularini kamol toptirish borasida ulkan ishlar amalga oshirilmoqda.

Har to'kisda bir ayb deganlaridek, yoshlar uchun qanchalik shart- sharoitlar yaratilyotgan bo'lsada, ba'zi yoshlarimizning so'zlash va kiyinish madaniyatining o'zimizning mentalitetimizga to'g'ri kelmasligi ko'nglimizni biroz xijil qiladi. Ko'pchilik inson atrofidagi odamlardan andoza oladi va buni to'g'ri deb biladi. Shu o'rinda Jadidchilik harakatining rahnamosi Abdulla Avloniyning tarbiya biz uchun yo – hayot, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidir deya takidlaganlari beixtiyor yodimizga tushadi.

Qadimgi Yunon faylasuyi Suqrotning falsafiy va pedagogik qarashlarida tarbiyadan kutilgan maqsad insonni bilishlarini bilib olishga erishish, uni yuksak axloqli qilib kamol toptirishdir. U o'z ta`limotida mardlik, donolik, mo'tadillik, adolatlilik tushunchalarini belgilab beradi. Uning fikricha mardlik qo'rquvni daf qilish, donolik jamiyat qonunlariga rioya qilish mo'tadillik o'z xissiyotlariga erk bermaslik, adolat yaxshilikni amalga oshirish yo'llarini o'rgatishdir. Deya takidi. Suqrotning ta'limoticha inson eng avvalo, umumiy axloq me'zonlarini, inson uchun muqaddas bo'lgan fazilatlarni egallab olishi kerak

Yunonistonning, mashhur mumtoz faylasufi. Platon tarbiyani tashkil etish haqidagi fikrlarini "Davlat" va "Qonunlar" asarlaridan bayon etadi. Uning fikricha, kattalarning bolalarga ko'rsatgan ta'siri, bolalarda axloqiy sifatlarning tarkib topishida ko'rinadi. His – tuyg'uga ta'sir etish kichik yoshdagi bolalarni tarbiyalashni asosiy hisoblaydi. Platon o'yin, adabiy asarlardan o'qib berishni, afsonalarni hikoya qilishni tarbiya vositasi hisoblaydi. Uning ta'kidlashicha, kattalar bolalar o'yinini kuzatib turishlari, lekin ularning o'yiniga qandaydir yangilik kiritmasligi kerak. Platon "Davlat" asarida bolalarni yoshligidan ijtimoiy tarbiyalash g'oyasini olg'a suradi va uni tashkil etishning muayyan tuzimini taklif etadi. Qadimiy Yunon mutafakkiri Aristotel o'zining axloqqa oid «Nikohma etikasi», «Endem etikasi» asarlarida tarbiyaning maqsadi tabiat bilan bog'liq bo'lgan insonni tadrijiy rivojlantirishdan iboratligini, aql va irodani rivojlantirish muxim ekanligini aytadi. Uning ta'limotiga ko'ra, bolalarning yosh xususiyati xisobga olingan holda kerak. Aristotel tarbiya muddatini 21 yil, bola tu g'ilgandan 7 yoshgacha, 7 yoshdan 14 yoshgacha, 14 yoshdan 21 yoshgacha deb belgiladi. U bolaning har bir davridagi o'ziga xos xususiyatni ko'rsatadi, har bir davrda amalga oshiriladigan tarbiyaning maqsadi, mazmuni va usullarini bayon etadi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, insonni ta'lim – tarbiya orqali qayta tarbiyalash, aqliy qobilyatni o'stirish mumkin. Voiz Al–Koshifiy o'zining pedagogik qarashlaricha bolalarda mustaqil fikrlash qobiliyatini o'stirish masalasiga aloxida e'tibor beradi. Ota – onalar, muallimlar yosh avlodning tarbiyasiga aloxida ahamiyat berishlari kerak. Bu masalada oilaviy hamda tashqi muxit muxim o'rin tutadi. Bola to'g'ri so'zli, vadaga vafodor, yaxshi xulqli qilib tarbyalanishi kerak. Shundagina u jamiyatga kerakli shaxs bo'lib yetishadi.

Yuksak ma'naviyatli yoshlarni tarbiyalash va ularning ma'naviy barkamolligini shakllantirish vazifasi bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biri ekanligi hech kimga sir emas. Globallashuv jarayoni va uning salbiy oqibatlaridan biri bo'lmish ommaviy madaniyatning yoshlar onggiga ta'siri nuqtai nazaridan olib qaralganda, ma`naviyati yuksak, aqlan barkamol va ma`nan yetuk shaxslarni yetishtirish birmuncha mas`uliyatli va jiddiy vazifadir. Yoshlarning

ma`naviyatini yuksaltirish uchun ular ongida ma`naviyat tushunchasini chuqur singdirish, qolaversa, Birinchi Prezidentimiz I.Karimov ta`biri bilan aytganda “Ma’naviyatni tushunish, anglash uchun avvalo insonni tushunish, anglash kerak” ligini ya'ni insonning o‘zligini, qadr-qimmatini anglamog‘i uchun qo‘ldan kelgan barcha chora-tadbirlarni ko‘rish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Islom Karimov. “Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch”. –Toshkent: Ma’naviyat”, 2015. To’rtinchi bob, Vatanimiz taraqqiyotining mustahkam poydevori. 139-140 b.

2. Boqijon To‘xliyev, Tohir Shermurodov, Shoira Isayeva. Adabiyot (majmua). – Toshkent, 2015. 20 b.

3. Yakubova Shaxnoza. Kasb-hunar kolejlarida estitik tarbiyani amalga oshirishning innovatsion uslublari. –Urganch, 20015. 4 b.

4. Internet ma’lumotlari SAVIYA.UZ

НАШ СОВРЕМЕННИК – ГЕРОЙ ДРАМЫ И СПЕКТАКЛЯ

SAHNE ESERLERİ KAHRAMANLARI BİZİM ZAMANDAŞLARIMIZ

Д.А.Абдухаликова,
старший преподаватель,
Государственный институт
искусств и культуры Узбекистана

Kıdemli Okt. D. Abduhalikova,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Özet. Makalede sahne eserlerine taşınan çağdaş konular ve karakterler, özellikle, kahramanların bizim tanıdığımız, bildiğimiz yaşıtlarımız arasından seçilmesi ve bunun önemi hakkında fikirler ileri sürülmüştür.

Anahtar kelimeler. Rol, tiyatro, yazar, sanatçı, yönetmen, izleyici, sahne, karakter, hayat, şahsiyet, ressam, oyun, Vatan kısmeti, halk.

Аннотация. В статье говорится о роли театра в жизни общества. О том, как действует театр на личность, на человека. Также ведется разговор об актерах, о ролях, которые они исполняют. Человек находит своё отражение в репертуаре театра, в драматических и сценических образах.

Ключевые слова: Роль, театр, драматург, актер, режиссер, зритель, сцена, характер, жизнь, личность, художник, спектакль, судьба Родины, люди.

Annotation. This article is about the role of the theatre in our life and how it influences on people. It is also about the actors and his/her role. Person can find his/her image in the plays and roles.

Key words: A role, a theatre, a writer, an actor, a director, audience, a stage, a character, life, personality, an artist, a play, destiny of the country, people.

Цель и значение искусства, в том числе театрального, – отражение действительности и влияние на неё, показ человека во всех параметрах и воспитание его как цельной, гармонически развитой личности. Нашим идеалом должен быть цельный, действительный, всесторонний, совершенный, образованный человек. Драматургия и театр вносили и вносят огромный вклад в выполнение задач, стоящих перед всем нашим искусством. Театр отражает жизнь самостоятельно, и одновременно он коллективный художник. Человек находит своё отражение в репертуаре театра, в драматических и сценических образах. Говорится о взаимосвязи и нерасторжимости понятий *Человек* и *Родина*, о Мире – что это не только вопрос безопасности, и о крупнейших проблемах современной цивилизации. В актере, исполняющего роль, в сочетании с авторским образом заложен образ героя – современника или представителя прошлого – в его неповторимом, индивидуальном, сегодняшнем изображении. Развиваясь, общественные отношения и человек находит своё отражение в репертуаре театра, в драматических и сценических образах. «Ведь актерское ремесло, – говорит актер А.Джигарханян, – изменяется ровно настолько, насколько меняется человечество» [3,19]. Цель данной статьи – показать, какие проблемы личности отражаются в современных пьесах и при их постановке на сцене. Это отражение – результат тех процессов, которые происходят в действительности, и ответ на потребности жизни, на потребности воспитания человека.

Воспитание социальной ответственности личности, всесторонний показ общества и человека в нем, его общественной ценности предстают важнейшими функциями искусства, ибо эстетическое воспитание сочетается с задачей научить жить «по законам

красоты». Важнейшей темой, определяющей воспитательную функцию драмы и театра, является тема любви к Родине, подвига во имя людей и их счастья. Этот мотив проходит через многие современные произведения искусства. Фактически почти каждая пьеса и спектакль, говорящие о сегодняшнем дне, проникнуты духом патриотизма. Любовь к Родине – это защита её не только в бою, но и в борьбе с любыми враждебными проявлениями, умножение её богатства, труд, обеспечивающий её процветание на благо народа. Еще в 1967 г. в журнале «Театр» была опубликована пьеса В. Лаврентьева «Человек и глобус». Его действие относится к периоду войны и послевоенного времени до 1959 г. Но пьеса имеет отношение и к проблемам сегодняшнего дня. Когда мы говорим о взаимосвязи и нерасторжимости понятий *Человек* и *Родина*, мы не можем не думать о взаимосвязи человека и человечества, человека и мира, так как чувство Родины в настоящее время неразрывно связано с осознанием её положения среди других стран и народов на Земле. Мир – это не только вопрос безопасности. Это и важнейшая предпосылка для решения крупнейших проблем современной цивилизации. А с ними связана само будущее человечества. Да, будущее всей планеты, с которым уже нельзя не считаться, решая проблемы сегодняшнего дня, какими бы сложными и трудными они ни были само по себе. Вопросы, поднятые в пьесе, – это вопросы войны и мира, жизни и смерти человечества, добра и зла, любви к Родине и человеку, ненависти к врагам. Они даны «в масштабе глобуса», если использовать слова героя драмы. Жанр пьесы обозначен автором как «Драматическая хроника начало атомной эры». В ней рассказывается об открытии атомной энергии и создании атомного оружия ученым Барминым и его товарищами. В центре пьесы образ ученого бесконечно преданного своему делу и Родине, сильного духом, бесстрашного и напористого. По точному замечанию М.Кнебель, «Человек и глобус» – это «драма-размышление», в ней «интересы государства переплетаются с движениями научной мысли, вступают в контакт с этим движением» [4, 4].

В.Лаврентьев показывает, что любовь к Родине неразрывно связана у героев драмы с интернациональным чувством любви ко всем народам Земли, Пьеса и спектакль Малого театра по ней публицистичны. Они заканчиваются монологом – прямым обращением Бармина к зрителю: «То, что я делал, называют наукой. То, что я делал называют политикой. Я сам скажу, что я делал, чем занимался, – я любил жизнь, любил людей. В этом был весь мой труд, весь смысл моего дела. Я хотел изгнать из души людей страх преждевременной гибели, утвердить понятие, что нет, не было и не будет более прекрасной, непреходящей ценности на земле, чем счастливая жизнь каждого человека. Люди, никогда не забывайте Хиросиму! Не будьте равнодушными, доверчивыми, слепыми. Нет счастья без борьбы… Полного счастье вам, друзья! Полного счастья…» [5, 191-192]. Герой обращается к своим современникам и потомкам, чтобы напомнить им о том, чего не должно повториться, чтобы подчеркнуть, что судьба Родины, земли, человечества в масштабах глобуса – в руках самих людей. Любовь к Родине утверждается и воспитывают произведения о стойкости и мужестве всего народа в годы Великой Отечественной войны. Большое патриотическое чувство, гордость за советского человека вызывает спектакль Московского театра драмы и комедии на Таганке «А зори здесь тихие…» по повести Б.Васильева. Зори, действительно, тихие в краю, где происходят события, а голоса девчат из отряда зенитчиц звонкие и молодые. По своим чувствам и мыслям, мироощущению эти девчата близки и дороги нам. Они кажутся нашими современницами – трудно поверить, что сегодня им было бы, будь они живы, уже немало лет. Спектакль суров и лаконичен, действие идет без перерыва. Здесь глубоко и тонко разработаны характеры в отличие от более ранних работ Ю.Любимова, в котором порой не были проявлены в полную меру индивидуальности. Пять девушек отправились вместе со старшиной Васковым на боевое задание, и все пятеро погибли. Они были очень разные, эти девчата, по-разному сложились их судьбы до войны (и об этом рассказывает спектакль), но теперь все жили одним, главным стремлением – защитить свою свободу,

родную землю, Родину от фашистов. Героини погибли, защищая эту свободу. Действие пьесы многогранно раскрывает перед зрителем путь их по жизни и об этой последней, смертной и победной тропе. В спектакле часто звучат песни, в том числе пять песен отпеваний после гибели каждой из девушек, когда погибшие вместе с подругами и Васковым поют скорбную и возвышенную песнь – всякий раз другую. Эти недолгие минуты отзываются в сердце зрителя мыслью о ценности человеческой жизни на земле, чувством скорби о погибших, желанием жить, действовать, бороться за Человека. Когда кончается спектакль, в фойе театра полутемно – горят пять светильников, пять вечных огней как память об этих девушках и еще тысячах и миллионах погибших в войну. Художник заставляет зрителя, уходя из театра, не начинать разговора о мелких, подчас незначительных вещах, а думать и чувствовать на том же высоком накале, на котором шел спектакль. Драматургия и театр непосредственно связаны действительностью. Черпают из неё и тематику. И характеры, а главное – стремятся познать те проблемы, которые ставит жизнь. Она многомерна и многообразна, нелегко отразить её, выделив в индивидуальном облике современника его характерные черты. Без изучения и отбора жизненного материала идея остается отвлеченной. «Цветы фантазии без почвы – не цветы. Дорог тот полет фантазии, тот художественный вымысел, который имеет корни в жизни», писал Н.Погодин. Одна из основных целей их творчества – показ человека нового типа, личности, порожденной действительностью, устремленной в будущее, активно действующей, многогранной. Процесс формирования морали происходит во всех сферах человеческой деятельности: в области производственного труда, труда ученого, писателя, в семейной жизни или просто в той обстановке, где живет человек. В борении в преодолении трудностей познаётся характер. Поэтому драматург режиссер, актер, раскрывая живую, конкретную личность, не могут и не должны представлять ее путь схематически, как непрерывное восхождение по ступеням радостей и побед. Бывают на этом пути и неожиданные препятствия, и серьезные осложнения. Познать природу конфликта, творчески осмыслить и художественно обобщить характер современника с целью воспитания зрителя – трудоёмкая и в то же время почетная и ответственная задача, постоянно стоящая перед всеми писателями и театрами. Но для этого необходимо глубокое постижение современной жизни, утверждение на разнообразном материале и различными способами нового типа связи между личностью и обществом, когда она не отделяет себя от общества и её интересы не противостоят ему, а соответствуют логике его исторического развития.

Реальные жизненные конфликты, отраженные в драме и на сцене, характеры, вбирающие в себя время, выражающие его существо, помогают читателю и зрителю осознать перспективу общественного развития, связь настоящего с будущим. Драматургия и театр ставят вопросы, созревающие в обществе, по возможности отвечают на них и стремятся вести к той необходимой гармонии развития, которой так жаждет человек и за которую он борется. Воспитание у человека правильного отношения к труду, мировоззрения, патриотизма, интернационализма, высоких нравственных качеств и эстетических вкусов является большой задачей всего нашего общества, их идеологических и творческих помощников в воспитании масс – литературы и искусства.

Использованная литература:

1. Станиславский К.С. Собр. соч. в 8-ми томах. - Москва, 1959 г. т. 6.
2. Сурина Т. Литературная газета». 23 мая 1973 г.
3. «Актеры – роли-жизнь». Сборник. - Москва, 1972, стр. 19.
4. Журнал «Театр». -Москва, №6, 1970 г.
5. Журнал «Театр». -Москва, № 10, 1967 г.
6. Журнал «Театр». - Ташкент, № 3, 2018 г.

САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ТАЪЛИМИДА ТАРЖИМАГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

SANAT VE MEDENİYET EĞİTİMİNDE UYGULAMALI ÇEVİRİ YÖNTEMLERİ

Усманова Хумора Аҳмаджоновна,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)

Kıdemli Okt. Humara Usmanova
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Özet. Makalede İngilizce derslerinde öğrencilere sanat ve kültüre yönelik metinlerin çevirisinde dikkate alınması gereken yöntemlerden bahsedilmiştir
Anahtar kelimeler: eğitim, yöntem, dil, çeviri, uygulamalı ders.

Аннотация. В статье дается обзор методики преподавания перевода на занятии английского языка в области образование искусств и культуры. А также показано как его применять на практике и даны примеры.
Ключевые слова: образование, метод, перевод, язык, процесс, лексика, практические занятия.

Annotation. The article discusses how to teach translation into English language classes in the education of Arts and culture. It also provides examples of how the translation method is used in practice and how students apply it.
Key words: education, method, translation, language, process, vocabulary, practical exercises.

3. Hirik E. Türkiye Türkçesi Görme Duyu Fiillerinde Anlam ve Kelime Sikliği İlişkisi // SUTAD, Sayı 41. 2017. S. 53-74.

4. Levin B. English Verb Classes and Alternations. – Chicago, 1993. 336 p.

5. Palmer F.R. The English verb. Doctoral dissertation. – London, 1988.284 p.

6. Viberg Å. The verbs of perception: A typological study. – Berlin: Mouton de Gruyter, 1984. 306 p.

7. Webster J. Daddy-Long-Legs. New-York, 2014. 174 p.

8. Исламджанова Х. Языковая концептуализация визуального восприятия в русском языке // ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фарғона давлат университети, Тил ва жаҳон ҳамжамияти халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Фарғона, 2004. 20-28-бетлар.

9. Сиддиқов З. Ўзбек ва турк тилларида кўрув лексемалари семантикаси: Филол.ф.н. ... дисс. - Тошкент, 2000. -166 б.

БИР МАВЗУНИНГ БИР НЕЧА ИФОДАСИ

BİR KONUNUN ÇEŞİTLİ İFADELERİ

М.Саидакбарова,
Қўқон давлат педагогика институти
ўқитувчиси (Ўзбекистон).

Okt. M. Saidakbarova
Kokand Devlet Pedagoji Enstitüsü

Özet. Ali Şir Nevai'nin nesirde yazılmış eserlerinde de şiirsel parçalar çokça kullanlmıştır. Makalede tarih ve bilimsel içerikli eserlerindeki şiir parçaları tahlil edilmiştir.

Anahtar kelimeler: şiir, Ali Şir Nevai, şiir sanatları, vezin, poetik, makalat, nesir, düzyazı.

Annotatsion. Prose and poems in Alisher Navoi's works. On poetie works that the autor did not take into account in his lyric legacy such as ("Tarixi mulki ajam", "Tarixi anbiyo va hukamo"). Poems of the poet in scientitie-philologieal, historicial and prose works. Poems of the Poet are mentioned in the writing of other authors and which are learned from these sources.

Key words: lyric poems, productive creator, art and expression, template and rhyme, historical and prosaic, official office, poetic ability, poetry, eventually.

Алишер Навоийнинг бир мавзуга турли жанрлардаги асарларида қайта-қайта мурожаат қилишига тарихий вазият ҳамда шарт-шароит ҳам сабаб бўлган. Масалан, Ҳусайн Бойқаронинг ўз ўғиллари билан қайта-қайта низо ва нифоқларга бориши, ҳатто ота-болаларнинг бир-бирига қилич кўтариши мозийни чуқур билувчи донишманд, истиқболни кўра оладиган давлат арбоби, шоир ва мутафаккир Алишер Навоийни кўп бора изтиробга солгани табиий. Шунинг учун ҳам у гоҳ лирик шеърларида, гоҳ эпик достонларида, баъзан эса тарихга оид асарларида ота-ўғил низолари яхшиликка олиб келмаслигини, бебақо дунёда фақат эзгу ном билан боқий қолиш мумкинлигини таъкидлашдан чарчамаган эди.

Фикримизча, бу ҳолатнинг илмий-назарий жиҳатлари ҳам мавжуд. Зеро, Алишер Навоий ғоят сермаҳсул ижодкор бўлган. Аммо сермаҳсуллик унинг юксак бадиий маҳоратига путур етказмаган. Аммо бошқа бир мулоҳаза ҳам туғилади. Нима учун Навоийнинг ўзи айрим шеърий асарларини масалан, "Тарихи мулуки Ажам" ҳамда "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарлари таркибидаги шеърларни лирик меросига қўшмайди. Бизга маълумки, шоир ҳатто "Хамса" га кирган достонларининг хотимасида ҳар бир достон неча минг байтдан ташкил топганини қайд этиб боради.

Юқоридаги сингари ҳолатлар профессор А.Рустамов томонидан қуйидагича изоҳланади: Шоирлар ўз завқини бадиий ифодалаш санъатини эгаллаган завқ аҳлидир. Шеърни назмдан фарқ қилиш керак. Назм - вазн ва қофияли нутқ бўлиб, у шеър хусусиятларидан холи бўлиши мумкин. Масалан вазн ва қофияга солинган илмий рисолалар ҳамда барча завқ натижаси бўлмаган баёнлар назм, лекин шеър эмас" (Рустамов, 1979).

Навоийшунос А.Ҳайитметов фикрича, "Хазойин-ул маоний" ва "Девони Фоний" ҳеч шубҳасиз, шоир лирик меросининг асосий қисмини ташкил этади. Лекин шоир мероси шу икки девондагина иборат дейиш тўғри эмас. "Чиҳл ҳадис", "Назмул жавоҳир", "Фусули арбаа" каби номларга эга бўлган асарлар таркибидаги шеърлар ҳам шоир лирикасининг маълум бир қисми эканлиги ўз-ўзидан равшандир.

Шоир лирик меросининг чегараси бу хил асарлар билан ҳам тугамайди. Бундан бошқа ҳам шоир шеърларининг катта ва муҳим тизмаси борки, уларсиз улуғ шоир

шеърияти кўп нарсани йўқотган бўлар эди. Бу тизмага тааллуқли шеърларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Шоирнинг илмий - филологик, тарихий ва насрий асарлари таркибидаги шеърлари.

2. Шоирнинг бошқа муаллифларнинг асарларида эслатилган ва ўша манбалар орқали бизга маълум бўлган шеърлари.

Шоир ижодий кўламининг улуғворлигини таъкидлаш учун ҳозирча тўла текширилмаган ва қатъий хулоса чиқарилмаган қуйидаги фаразни ҳам илгари суриш мумкин: “Хазойин-ул маоний”га тартиб бериш 1498 йилда тугалланганлигини инобатга олинса, шоир умрининг қолган йилларида ҳам шеърият билан муттасил шуғулланганлиги равшан.

Фикримизча, Алишер Навоий ҳам назм ва шеър ҳақида Форобий сингари ўтмиш алломалари билан ҳамфикр бўлган. Масалан, шоирнинг ўзи “Сирож-ул муслимин” сингари шеърий йўлда ёзилган асарларини лирик мероси сирасига, бирор расмий девони таркибига киритмаган. Чунки бу ислом рукнларини “элга мақолат” қилиш учунгина назмга солинган рисоладир. Чунки ислом асосларини назм йўли билан баён этиш, асосан, уларнинг одамлар хотирасига тез ўрнашиши, кенг тарқалишига хизмат қилади, холос. Бу йўналишдаги асарлардан шоирнинг ўзи ҳам, бошқалар ҳам завқ олишни эмас, наф кўришни назарда тутадилар. Шунингдек, ўзининг “Ҳикмат”лари билан Шарқ оламида машҳур бўлган Хожа Аҳмад Яссавийни Алишер Навоий “Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидир”, дея улуғласа-да, унинг шеърий мероси, назмий қобилияти ҳақида ҳеч нарса демайди. Бу масала кўпдан буён турли мунозараларга ҳам сабаб бўлиб келмоқда. Бизнинг фикримизча, Хожа Аҳмад Яссавий ўзининг тасаввуфий ғоялари эл-юрт орасида тезроқ ёйилишини ва кўнгилларга чуқурроқ ўрнашишини назарда тутиб, ўз ҳикматларини назм билан айтган. Бу ҳикматлар оддий халқ тилига яқин бўлганлиги, оғзаки ижод намуналари билан ҳамоҳанглиги ва Хожа Аҳмад Яссавийнинг муриду мухлислари турли табақалардан иборат бўлганлиги учун кенг тарқалган ва шу кунларгача ҳам севиб ўқилади.Турк олими доктор Мустафо Эсоннинг фикрича: “Мутасаввиф шоир учун шеър санъат унсури эмас, ғояни қаршисидаги инсонга етказувчи бир воситадир.

Шеър воситаси билан қаршисидаги инсон ила бир хилда, бир тилда сўзлашиш, айтилган гапларни қарши тараф ҳолида англаши керак. Шунинг учун ҳам бу намуналар дарҳол ва ҳар доим яланғоч тил билан ва эшитувчининг савиясига кўра ифода этилганидир” (Доктор Мустафо Эсон, 1994, 8-январ).

Алишер Навоийнинг адиб Аҳмад Югнакийга берган таърифи ҳам диққатга сазовор ва биз сўз юритаётган мавзуни янада ойдинлаштиришга хизмат қилади: “Адиб Аҳмад” тили турк алфози билан мавоиз ва насоиҳка гўё эрмиш. Хейли элнинг муқтадоси эрмиш. Балки аксар турк улусида ҳикмат ва нукталари шоеъдур. Назм тариқи билан айтур эрмиш...” (Алишер Навоий, 15-жилд, 156-бет).

Агар чуқурроқ эътибор бериб қарасак, адиб Аҳмад бу ерда шоир сифатида эмас, балки ҳикматларни, фойдали насиҳатларни “назм тариқи” билан, яъни шеърга солиб айтувчи донишманд сифатида намоён бўлади.

Шеър ва назмни бир-биридан фарқлаш, санъат унсури бўлган шеърни маълум талаблар ҳамда қоидалар асосида баҳолаш Алишер Навоий даври учун табиий ҳолга айланган эди. Бу, албатта, бадиий адабиёт - сўз санъатининг ўзига хос тараққиёти қонуниятлари билан изоҳланади. Шунингдек, ўз даврида шоир сифатида ҳам ном қозонган машҳур ҳаким Абу Али ибн Сино олим ва донишманд киши сифатида Навоий томонидан эҳтиром билан тилга олинса-да, унинг “табъи назми” яъни шеърияти ҳақида ишоралар учрамайди.

Шеър ва назм ўртасидаги фарқни принципиал идрок этиш, ижод аҳлини “мажоз ва ҳақиқат тариқи” йўналишларида қалам тебратувчиларга ажратиш Навоийда ўспиринлик чоғларидаёқ шаклланган, дея хулоса чиқариш мумкин. Ўзининг “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида Алишер Навоий Саид Насимий ижоди ҳақида “Назми ўзга ранг

тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибтур” дея баҳо бериши ҳам ана шу нуқтаи назарни ифодалайди. Фикримизча, Саид Насимий услубидаги соддалик, айтилаётган фикр мажоз пардасига ўта ўралмагани учун ҳам Навоий беихтиёр Лутфий ижодини унинг шеъриятидан устун қўяди. Алишер Навоийнинг юқоридаги фикри кейинчалик ҳам ўзгармаганлигини “Насойим-ул муҳаббат” асарида Насимийга берилган таъриф ва тавсифдан ҳам илғаб олиш мумкин. Ҳар ҳолда Навоийнинг лирик ижодда мажоз тариқини устун кўрганлиги англашилади. Чунки ранг-баранг тасвирий воситалар, тасаввуфий истилоҳлар шоир бадиий ифодасига кенг йўл ва имкониятлар, ижодий хаёлотига эса нисбатан кенг эрк ва қанот бағишлаган. Лирик асарни субъект – шоир орқали қабул қилар эканмиз, унинг ҳиссий - эмоционал таъсирчанлиги ёки бадиий жиҳатдан бўшлиги, ижтимоий - фалсафий салмоқдорлиги ёки онгимизда из қолдиришга қодир эмаслиги ана шу субъектнинг салоҳияти билан боғлиқдир. Закий салоҳият эса чинакам истеъдодга мансуб. Истеъдод, ўз навбатида, кучли шахсият соҳибларининг индивидуал фазилат ва нодир қобилиятларини бор бўйича майдонга чиқишига замин ҳозирлайди. Истеъдодли сўз санъаткорининг индивидуаллиги у яратаётган лирик асарларда образлар ёрқинлигини, воқеликнинг тўлақонли ифодасини, ғоявий - фалсафий йўналишлар баёнида қатъиятлиликни келтириб чиқаради. Истеъдод, юқорида айтилган ижодкор шахс психофизиологик имкониятларининг тўлақонли намоён бўлишидир.

Табиатдаги, жамиятдаги жараён ҳамда воқеа-ҳодисаларни ҳассослик билан туйиш, теран нигоҳ билан илғай билишгина эмас, улардан келиб чиқадиган поэтик хулосаларни нозик кечинмалар, рангин туйғулар билан қоришиқ ҳолда юксак бадиий ифодалай олиш хусусияти ҳам чинакам истеъдод нишонасидир. Алишер Навоий сиймосида юқорида санаб ўтилган хислат ва фазилатлар барқ урганлиги учун ҳам унинг лирик шеърияти мумтоз адабиётимизнинг нодир намуналари сифатида абадиятга дахлдор бўлиб қолди. Тарихга оид ёки илмий филологик асарлари таркибидаги назмий хулосалар эса, гарчи улар муайян лирик жанрга алоқадор бўлса-да, насрий баённинг шеърий хулосаси, ёхуд “қиссадан ҳисса” функциясини бажаради, холос.

Алишер Навоий ижодининг кенг кўламлилиги ва салмоқдорлиги, унинг шахсияти, бетакрор истеъдоди билан боғлиқ ҳодисадир. Сермаҳсуллик ва салмоқдорлик юксак бадиият билан уйғунлашгани улуғ шоир адабий меросининг ўзбек мумтоз лирикасидаги ўзига хос ўрнини белгилайди.

Алишер Навоий лирикага оид асарнинг етакчи функцияси, энг аввало кишиларга эстетик завқ бериш, ҳамда уларда бадиий дид ва савияни тарбиялаш эканлигини доимо назарда тутган. Шунинг учун ҳам “Эл нафи учун” яратилган асарларини, гарчи улар назмий характерда бўлсалар ҳам, қалб кечинмалари ва туйғуларининг кўзгуси бўлмиш лирик шеърлари сирасига киритмаган. Бу ҳам улуғ шоирнинг ўз даври адабий муҳитида етакчи сиймолардан бўлганлиги, келгуси даврлар ижодкорларига ибрат кўрсатганлигини англатади. Қолаверса, бу ҳол Алишер Навоийнинг кучли шахсияти, барқарор дунёқараши, изчил ижодий тамойилининг принципиал кўринишларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Вақфия. –Тошкент: “Фан”, 1991.
2. Алишер Навоий. Асарлар. XV жилдлик. –Тошкент: “Фан”, 1967. В.188.
3. Маънавият сарчашмаси. “Сирли олам” ойномаси. 1994, 4-сон. В.2.
4. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. –Тошкент: “Фан”, 2007.
5. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. -Тошкент, 1979.
6. Доктор Мустафо Эсон. Бир дарёнинг ирмоқлари. “Ўзбекистон овози” газетаси, 1994, 8-январ.
7. Қаюмов А. Алишер Навоий ижодининг жаҳоншумул аҳамияти. (Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган Халқаро илмий- назарий анжуман материаллари).

PROBLEM OF TRANSLATION OF PROPER NAMES

ÖZEL ADLARIN ÇEVİRİSİNDE ÖNE ÇIKAN SORUNLAR

Shomuradova Dilbar
Teacher of UzSIAC (Uzbekistan)

Dilber ŞAMURADOVA
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Özet. Makalede özel adların başka bir dile aktarmada öne çıkan sorunlar dile getirilmiştir. Çözüm olarak tavsiye edilen fikirler edebi eserlerden alınan örnekler aracılığıyla detaylandırılmıştır.

Anahtar kelimeler: özel adlar, çeviri teorisi, gramer, edebi eser, yer adları, dilbilim, sözlükbilim, adbilim.

Annotation. This article is devoted to the problem of translation of proper nouns. There given some important facts, definitions and examples, which are taken from different literature. The problem of translation of proper names are discussed from several points of view.

Key words: proper names, translation, grammar, fiction and science literature, geographical names, names of musicals, lexicography, morphological analyses.

Аннотация. Данная статья посвящена проблеме перевода имен собственных. Здесь приведены некоторые важные факты, определения и примеры, которые взяты из различной литературы. А так же проблема перевода собственных имен тщательно обсуждается с нескольких точек зрения.

Ключевые слова: собственные имена, перевод, грамматика, художественная и научная литература, географические названия, названия мюзиклов, лексикография, морфологический анализ.

"Proper names are never translated" seems to be a rule deeply rooted in many people's minds. Yet looking at translated texts we find that translators do all sorts of things with proper names: non-translation, non-translation that leads to a different pronunciation in the target language, transcription or transliteration from non-Latin alphabets, morphological adaptation to the target language, cultural adaptation, substitution, and so on. It is interesting to note, moreover, that translators do not always use the same techniques with all the proper names of a particular text they are translating.

Unlike generic nouns, proper names are mono-referential, but they are by no means mono-functional. Their main function is to identify an individual referent. It has often been claimed that proper names lack descriptive meaning: "An ordinary personal name is, roughly, a word, used referring, of which the use is not dictated by any descriptive meaning the word may have" (Albin V., 2003: 23).

In the real world, proper names may be non-descriptive, but they are obviously not non-informative: If we are familiar with the culture in question, a proper name can tell us whether the referent is a female or male person (Alice – Bill), maybe even about their age or their geographical origin within the same language community or from another country, a pet (there are "typical" names for dogs, cats, horses, canaries, etc., like Pussy or Fury), a place (Mount Everest), etc. Such indicators may lead us astray in real life, but they can be assumed to be intentional in fiction. Titles and forms of address can also be problematic in translation. The translation of proper names has often been considered as a simple automatic process of transference from one language into another, due to the view that proper names are mere labels used to identify a person or a thing. This is exactly what Vendler purports when he writes that

“proper names have no meaning (in the sense of ‘sense’ and not of ‘reference’), which is borne out by the fact that they do not require translation into another language” (Vendler, 1975: 117).

Basically the same is maintained by Sciarone, who argues, in a much similar vein, that the view that proper names have no meaning (from the point of view of the language system) is corroborated by the general practice of leaving them unchanged in translation (Sciarone, 1967: 86). It has been shown, however, by authors like Searle (1975) or Vendler (1975) that this view is mistaken: proper names, beyond their identifying function, may also carry ‘senses’.

Grammatically, proper nouns behave very much in the same way in the sentence as common nouns. There are, however, well-known co-occurrence restrictions that distinguish them from common nouns. The most important among them are:

1. Proper nouns (PN) do not accept demonstrative pronouns as determiners. One would not normally say *this John just bought a car*. However, supposing there are several Johns out of whom you wish to single out a particular one, you are already using John as a common noun meaning 'any person called John'.

2. PNs do not accept restrictive adjectives or restrictive relative clauses. In the sentence *the Old Shakespeare felt the closeness of his death* one is implicitly comparing one of several manifestations in time of the person called Shakespeare with the rest, therefore, one is using the word as a common noun in the grammatical sense. The same applies to sentences such as *she is no longer the Eve she used to be*. One may deny this only at the price of more or less *ad hoc* explanations about the character of the noun in question. Another way of putting this would be to say that we have to do with two homonymous words *John* or *Shakespeare* respectively, one of which is a proper noun, the other a common noun. When in a given speech situation we have a unique reference, we are dealing with a proper noun, otherwise with a common noun.

3. Opposition between definite and indefinite is neutralized in PNs (a given PN either invariably takes zero articles as in *John*, *London*, or invariably takes the definite article as in *the Strand*, *the Haymarket*, *and the Queen Elizabeth*). A seeming counterexample such as *that is not the John I was talking about* is an instance of *John* being used as a common noun as seen above. In other words, a noun's status as either common or proper is ultimately determined by situational factors. If in a given speech situation, there is a possibility of what looks like a proper noun having multiple referents (*this John*, *two Johns*) we have to do with a common noun homonymous with a proper noun.

Prototypical **proper names** (that is, names without a descriptive content) are handled by associating with them empty logical entries. In other (less prototypical) cases a name may also have a logical entry (or, in the case of a composite name, it may include several logical entries which combine to make up the logical content of the name) which is partly or fully definitional. Names of countries seldom pose a problem to the translator. There are lists of the official names of countries in Persian and English that should be consulted. In a few cases, variation does occur depending on the degree of formality involved. The basic rule concerning personal names is that they are left untranslated. In some cases, transliteration or transcription may be needed depending on the language. There are however, exceptions to this basic rule. A trivial one is that in certain languages (Chinese and Japanese, for instance) the order of a person's first and last name is the opposite to the most common Western order of first name + last name. In Europe, Hungarian last names come before first names. Names of musicals, operas and ballets are sometimes retained in translation. *My Fair Lady*, *West Side Story* and *Così fan tutte* are known all over the world by the original names, a notable exception being Russia, where only translated name are used. In spite of the “translation rule” quoted above, there are no rules for the translation of proper names. In non-fictional texts, it seems to be a convention to use the target-culture eponyms of a source-culture name, if there is one, but if a translator prefers to use the source-culture form, nobody will mind as long as it is clear what place the name refers to. Perhaps the audience will think that the translator is showing off her knowledge too much.

To sum up, PNs can be treated in a number of ways in translation:

1. They can be imported unchanged from the SL text;

2. They can be modified to fit the phonological/graphological system of the TL. This, of course, is something that has or has not been done for the translator by his/her speech community in the case of conventional place names like *Prague, the Hague, Rome* etc.;

3. They can be expanded with a gloss to make up for the TL reader's lack of world knowledge in the target culture;

4. On occasion, they might be omitted altogether (perhaps replaced with a paraphrase) if considered peripheral in terms of the central message of the text or if retaining them would be more likely to cause the reader to pause in puzzlement. True, this would be more likely to happen in interpretation, but could not be ruled out altogether in translation, either.

References:

1. Albin V. What's in a name: Juliet's Question Revisited. In Translation Journal 7(4). October 2003.

2. Vendler D. *Relevance*. Basil Blackwell. – Oxford, 1975.

3. Sciarone J. R. The Problem of Proper Names. In: Steinberg, (eds.) 134–141. 1967.

4. Carroll J. Alice in Wonderland and Through the Looking Glass. -New York: Grosset& Dunlap 1946.

5. Nord, C. “It’s Tea-Time in Wonderland: culture-markers in fictional texts.” In: HeinerPürschel et al. (eds.): Intercultural Communication. Proceedings of the 17th International. 1994.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ТАНБЕҲ БЕРИШ” МАЪНОСИДАГИ ШАРТ КОНСТРУКЦИЯЛАР

İNGLİZ VE ÖZBEK DİLLERİNDE ‘UYARMA, TEMBİH ETME’ ANLAMINDAKİ ŞART CÜMLELERİ

Минниқулов Ислом,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети ўқитувчиси (Ўзбекистон)

Okt. İslam Minnikulov,
Özbekistan Devlet Cihan Dilleri Üniversitesi.

Özet. Makalede İngliz ve özbek dillerindeki şart bildiren cümlelerin konuşma sürecinde ortaya çıkan anlam katmanları analiz edilmiştir. Makalede şart bildirme şekillerinin ekspresif ve pragmatik yönleri incelenmiştir.

Anahtar kelimeler: şart, şart kipi, şart bildirme şekli, konuşma, ekspresif, performatif, ilokutif.

Аннотация. В статье анализируется выражение условных конструкций на английском и узбекском языках как перформативного речевого акта в определенном коммуникативном контексте и, в частности, раскрывается прагматический аспект условных форм для функционирования в качестве выразительного речевого акта.

Ключевые слова: условие, условные отношения, условная форма, речевой акт, выразительный речевой акт, перформативный речевой акт, иллокутивная сила.

Abstract: The article analyses the expression of conditional constructions in English and Uzbek as a performative speech act in a certain communicative context and in particular, the pragmatic aspect of conditional forms to function as an expressive speech act is revealed.

Key words: condition, conditional relationship, conditional form, speech act, expressive speech act, performative speech act, illocutionary force.

Ж. Сёрльнинг таърифига кўра, экспрессив нутқ актлари пропозиционал мазмундаги маълум хатти-ҳаракатнинг ҳолати ҳақидаги мувофиқ шароитда аниқланган маълум психологик ҳолатни ифодалайди (Ж.Сёрль, 1976: 12). Демак, аниқ бўладики, экспрессив нутқ актлари маълум конверсацион шароитда мулоқот иштирокчиларининг психологик-эмоционал ҳолатини ифодалайди.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатли формалар **“койиш ёки танбеҳ бериш”** мазмунидаги экспрессив нутқ акти бўлиб келиши мумкин.

“If you had only summoned me a little earlier, I might have been able to do more, buy you more time!” *said Snape furiously. He looked down at the broken ring and the sword. “Did you think that breaking the ring would break the curse?”*

“Something like that . . . I was delirious, no doubt. . . .” said Dumbledore. With an effort he straightened himself in his chair.

“Well, really, this makes matters much more straightforward.” Snape looked utterly perplexed. Dumbledore smiled [Rowling, 2007, 681].

Контекст: Хакимжон хизматкоридан олган газетда Мингбошини ёмонлаб ёзилган беш-олти оғиз сўзни ўқиркан, Мингбоши ғазаб отига миниб, ҳадеб Мирёқубни сўрар эди. Сўнгра асабий ҳолда ичкарига кирар экан, учала хотинига бақириб, “Елкамда ўн путдан ўттиз пут юким бор” дейди, буни эшитиб Хадичахон қайтарма қилдириб бераман деб турибди:

Мингбоши: Аёлларнинг билгани ирим, билгани қайтарма, билгани азайимхон... Қовоғи учса ҳам азайимхонга чопади...

Хадичахон: *Ўзингиз, ўз оғзингиз билан «юк босди», демадингизми?*

Мингбоши: «Юк босди», деган бўлсам «қандай юк?» деб сўрагин-да, баччағар! *Учаланг кам юкмисан менга? (*Чўлпон, 2015: 96).

Мисолларда ***"If you had only summoned me a little earlier, I might have been able to do more, buy you more time!"*** ва ***"Аёлларнинг билгани ирим, билгани қайтарма, билгани азайимхон... Қовоғи учса ҳам азайимхонга чопади...", "«Юк босди», деган бўлсам «қандай юк?» деб сўрагин-да, баччағар!"*** шарт формалари синтактик тил бирлик (шарт эргаш гапли қўшма гап) воситасида ифодаланган бўлиб, "койиш, танбеҳ" мазмунидаги нутқ акти вазифасини бажариш мақсадида қўлланилган. Инглиз тилидаги мисолдан маълумки, мазкур шарт конструкциясининг бундай прагматик аспекти ўтган нореал шарт формаси орқали имплицит тарзда юзага чиқади. Бироқ, ўзбек тили мисолидан аён бўлишича, сўзловчи ўз нутқида шарт конструкциясидан ташқари "баччағар" лексик бирлигини ҳам қўллар экан, "койиш, танбеҳ" экспрессив актини эксплицит тарзда бажаришга уринади.

Шунингдек, қиёсланаётган тилларда шарт муносабатли конструкцияларнинг "койиш ёки танбеҳ бериш" мазмунидаги нутқ акти вазифасини бажаришига мисол сифатида қуйидаги мулоқот парчаларини келтириш мумкин:

"Mr. Crouch, I – I never suggested you had anything to do with it!" Amos Diggory muttered again, now reddening behind his scrubby brown beard.

"If you accuse my elf, you accuse me, Diggory!" *shouted Mr. Crouch. "Where else would she have learned to conjure it?"*

"She – she might've picked it up anywhere –" (Rowling, 2000: 137).

Контекст: Асар қаҳрамони онаси билан опасиникига машинада кетаётиб, кўчада уч ёшлардаги йиғлаётган болани онасининг илтимоси билан олиш учун тўхтайди. Асар қаҳрамони ўриндиқни кир қилади деб эътироз билдирса-да, онасининг раъини қайтаролмай миндирди. Она-бола манзилига келиб тушиб қолди.

Асар қаҳрамони: *Қизиқсиз, ҳамманинг ишига аралашаверасизми?*

Онаси: *Нима ҳамманинг иши?*

Асар қаҳрамони: *Бировнинг боласи бўлса...* ***Йиғласа, сизга нима?*** *Йиғлаб-йиғлаб овунади* (Ў.Ҳошимов, 2012: 25-26).

Мисолларда алоҳида кўрсатилган шарт формалари тилнинг синтактик қатламида ифодаланган бўлиб, ўз маъносидан ташқари "танбеҳ" мазмунидаги экспрессив актни имплицит тарзда бажармоқда. Яъни, сўзловчи ўз нутқида шарт муносабатли гапларни ифодалаш орқали тингловчига "танбеҳ" берар экан, адресатга эмоционал таъсир ўтказиб, ўз прагматик интенциясини ифода этмоқда.

Шундай қилиб, таҳлил натижаларига таянган ҳолда қуйидаги хулосаларни шакллантиришимиз мумкин:

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт формалар маълум коммуникатив контекстда "танбеҳ" мазмунидаги экспрессив нутқ акти вазифасини бажарар экан, бунда контекст ва коммуникатив мақсад муҳим аҳамиятга эга;

Қиёсланаётган тилларда "танбеҳ бериш" мазмунидаги нутқ акти вазифасини бажараётган шарт конструкцияларнинг тилнинг синтактик сатҳида имплицит ва эксплицит тарзда ифодаланиши ўхшаш хусусиятдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. John R. Searle. A classification of illocutionary acts//Language in society, Vol. 5, No. 1, 1976. -P. 1-23.

2. Rowling J.K. Harry Potter and The Deathly Hallows. New York: Harry Potter Publishing Rights, 2007. - 759 p.

3. Чўлпон. Кеча ва кундуз: Роман. -Тошкент: "Янги аср авлоди", 2015. -332 б.

4. Rowling J.K. Harry Potter and The Goblet of Fire. New York: Scholastic Press, 2000. - 755 p.
5. Ўткир Хошимов. Дунёнинг ишлари: Қисса. -Тошкент: “Meriyus” ХНМК, 2012. - 272 б.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИДА НОТИҚЛИК ВА МАДАНИЙ НУТҚ МАСАЛАСИ

ALİ ŞİR NEVAİ'NİN NESRÎ ESERLERİNDE HATİPLİK VE KÜLTÜREL HİTABET

С.Эшпўлатова,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
қошидаги лицей ўқитувчиси
Н.Зарипбоева,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
қошидаги лицей ўқувчиси.

S. Eşpolatova,
Ali Şir Nevai Taşkent Devlet Özbek
Dili ve Edebiyatı Üniversitesi.
N. Zaripbayeva,
Ali Şir Nevai Taşkent Devlet Özbek
Dili ve Edebiyatı Üniversitesi.

Özet. Makalede doğu ülkelerinde iletişim kültürünün ortaya çıkışı, iletişim ve konuşma kültürünün ana çizgileri, konuşma kültürü, vaizlik ve vaaz kültürü ile ilgili Ali Şir Nevai'nin yazıları kaleme alınmıştır.
Anahtar kelimeler: vaizlik sanatı, iletişim, vaiz, toplum, Ali Şir Nevai.

Abstract. The article deals with the emergence of a culture of communication in the east, the dissemination of the first scientific views on the culture of communication, the theory of oral oratory and the views of Turkish thinkers on words and speeches, oriental requirements for the education of people, oratory and its features.
Key words: speech ethics, communication, personality, society, grammar, logic, social agreement, inspiration theory

Маданий гапиришга интилиш тушунчаси барча халқлар тилларида қадимдан мавжуд ҳодисадир. Бу тушунча одоб ва нафосат талаблари билан алоқадор тушунчадир. Демак, нутқ маданияти тушунчаси ҳар бир халқ тили ва миллат маънавиятини белгиловчи ёки кўрсатувчи одоб ва нафосат категориясидир. Ҳозирги нутқ маданияти атамаси билан юритилаётган ҳодиса ва илмий муаммо анча кенг мазмунга эгадир. Нутқ маданияти миллатнинг умумий маданиятини кўтариш, одамларга маълум тилнинг мавқеини белгилашга, тарбиялашга хизмат қилувчи фаолият ҳамдир. Нутқ маданияти тўғрисида гап борар экан, табиийки нутқда қўлланилган ўринли ёки ўринсиз сўзларнинг қўлланиши тўғрисида баҳс боради. Қўлланган тил бирлиги тўғри ёки нотўғри дейилганда, албатта маълум бир ўлчов (мезон)га асосланганлиги тайин. Мана шу ўлчов (мезон) тилштилшуносликда **адабий тил меъёри** деб юритилади.

Адабий меъёрнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари мавжуд бўлиб, оғзаки адабий меъёрнинг ривожланишига халқ қизиқчилари, аскиячилар, маърифатгўй халқ шоир-бахшилари катта ҳисса қўшсалар, ёзма адабий меъёрнинг шаклланишида белгиланган ёзув шакли асосида ёзиб қолдириладиган ёзма адабиётнинг хизмати чексиздир. Меъёрийлик хусусияти адабий тилнинг марказий ва энг муҳим белгисидир. Меъёрийлик адабий тил нормаларининг ўзига хос моҳиятидан иборат бўлиб, адабий, тилнинг поливалентлик, умумхалқийлик, умуммажбурийлик хусусиятлари мана шу хусусиятсиз амалга оша

олмайди. Чинакам маънода нормативликка эришган, адабий нормалари шаклланган тилгина ўзининг умуммиллий алоқавий (коммуникатив) вазифаларини чинакам маънода амалга ошира олади. Шу туфайли ҳам, меъёрийлик адабий тилда (ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклида) меъёр тушунчасини белгиловчи хусусият ҳисобланади. Адабий тилнинг меъёрийлиги ҳақида гап борганда, адабий тилнинг ўзига хос, сифат жиҳатдан фарқли бўлган нормалари кўзда тутилади. Чунки лисоний норма фақат адабий тилгагина хос белги эмас, балки тил яшаш шаклларинииг барчаси учун тааллуқлидир.

Адабий тилга хос лисоний норма ва меъёрийлик ўзига хос бўлган меъёр ва меъёрийликдир. Мана шундай сабабларга кўра, баъзи тадқиқотчилар адабий тилни умумий ва оддий маънодаги меъёрийлик характерлай олмаслигини таъкидлашади. Чунки меъёр, меъёрийлик лаҳжаларга ҳам хосдир. Адабий тил тилнинг бошқа яшаш шаклларидан меъёрий бўлгани билан фарқлаимайди, балки ўз меъёрининг ўзига хослиги, сифатий белгиларга эгалиги адабий меъёр эканлиги билан фарқланади. Демак, тилнинг яшаш шаклларини (масалан, адабий тил ва лаҳжалар, шеваларни) меъёрли ёки меъёрсиз деб қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Гап бу ерда тил турли типларининг қандай сифатга эга бўлган нормаларга эгалигида. Англашиладики, адабий тил нормали бўлган ягона ҳодиса эмас. Аммо ўзига хос нормаларга эга бўлган тилдир. Адабий тил ижтимоий сиёсий ва илмий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида алоқа қуроли даражасига кўтарилади. Бу ҳол адабий тилни маданият ва цивилизациянинг воситачисига, бунга доир тушунча ва тасаввурларни ифодаловчи, ўзида сақловчи ва кейинги наслларга етказувчи қуролга айлантиради. Адабий тилда ижтимоий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларига оид бой билимлар мужассамланган бўлади. Шунингдек, адабий тил абстракт ва мантиқий фикрлашнинг амалга ошишида ҳам восита вазифасини бажаради. Адабий тилга хос келтирилган хусусиятлар адабий тилнинг оғзаки шакли учун ҳам ҳосдир. Чунки ҳозирги пайтда сўзланган оғзаки нутқни табиий ҳолда ёзиб олиш ва узоқ давр сақлашнинг кенг техникавий усул ва имкониятлари мавжуд. Адабий тил вазифасининг кенгайиши, унда мураккаб услубий тармоқларнинг юзага келиши, адабий тил восита ва имкониятларининг ривож топишини ва бой бўлишини тақозо қилади. Шу сабабли ҳам адабий тил халқ тилининг бошқа кўринишларига нисбатан бой луғавий фонди, такомиллашган грамматик қурилишига эгалиги ҳамда услубий тармоқларининг ривож топганлиги билан фарқланади. Адабий тилда мана шу услублар талабига кўра синонимик воситалар, луғавий вариантлар, кўп маъноли сўзлар, хилма-хил маъноларни ифода қилувчи луғавий бирликлар, сўз шакллари ривож топади. Буларнинг барчаси адабий тилга кўп қиррали мураккаб тушунчалар ва фикрларни тушунарли ва осон ифодалаш имконини беради. Аммо адабий тилнинг луғат таркиби ва грамматик тузилиши жуда кўп сонли ва бой воситаларнинг шунчаки аралаш-қуралаш йиғиндисидангина иборат эмас. Адабий тилнинг луғат таркиби, грамматик тузилиши лаҳжа ва шевалардан фарқли равишда муайян қонун-қоидаларга бўйсунади, улар сараланган, ишланган, баҳоланган бўлади. Лисоний норма адабий тил учун ҳам, лаҳжа ва шевалар, турли ижтимоий жаргонлар учун ҳам хосдир. Аммо *адабий тил нормали тилгина эмас, нормаланган - муайян нормаларга солинган тилдир.* Нормаланганлик, нормалашга муҳтожлик адабий тилнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Адабий тилнинг луғавий (сўз қўллаш) нормалари, морфологик ва синтактик нормалари, имловий ва талаффуз нормалари мавжуд. Адабий тил нормаси табиий шакллашган нормалар билан бир қаторда онгли ишланган, онгли баҳоланган нормалардан ҳам иборатдир. Бу нормалар муайян грамматик қоидалар, дарслик ва қўлланмаларда, лексикографик тадқиқотларда жамланган бўлади. Адабий тилнинг нормаланиши, бу нормаларнинг муайян қоидаларга олиниши аслида адабий тилнинг умумхалқ қуроли, умумхалқ мулки эканлиги билан боғлиқдир. Адабий тил ўзаро алоқа воситаси сифатида ўзи хизмат қилаётган миллатнинг барча вакили учун умумийдир. Адабий тилнинг қабул қилинган, қоидалаштирилган нормаларига барча жойда, барча кишилар (ёзувда ва сўзловчилар) томонидан бир хилда амал қилинади. Чунки адабий тил ушбу тил эгаси бўлган барча томонидан *миллий тилнинг намунали ва ишланган шакли* деб

қабул қилинади ва тан олинади. Шунга кўра ҳам адабий тилнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган ва маъқулланган нормаларига, бу нормаларга доир қоидаларга амал қилиш, унга бўйсуниш ҳамма учун мажбурийдир. Бундай умуммажбурий нормалар ва қоидалар адабий тилнинг сўз қўллаш ва сўз ясаш, гап тузиш, сўзларни ёзиш ва талаффуз қилиш каби барча соҳаларида ҳам мавжуддир. Адабий тилда тўғри сўзлаш ва ёзиш учун мана шу нормалар, улар ҳақидаги қоидаларни билиш, ўзлаштириш лозим. Мана шу нормаларнинг шаклланиши, жамият тараққиётида сингишига алоқадор асосли фикрларнинг пайдо бўлишида буюк алломаларнинг хизматлари беқиёсдир. Бу мавзуда сўз кетганда Ҳазрат Навоийнинг хизматлари алоҳида тан олиниб эътироф этилади.

Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири- бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз. Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга таранум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса. Навоийнинг назарида лаҳзада мангуликдаги салмоқ, мангуликда эса лаҳзанинг билдиримлиги мавжуд. Вақтнинг қадрига етиб, ундан ақл бовар қилмас даражада унумли фойдаланган, вақтнинг нақадар беҳудуд мўъжиза эканлигини ўз умри билан исбот этган одамларнинг бу ҳақдаги фикрлари, шаксиз, беқиёс нуфузга эгадир. Файласуфлар айтганидек, ўзи мақтовга муносиб одамнинг мақтовидагина субут бўлади. Алишер Навоий ана шундай сиймолардандир. Алишер Навоий азал ва абадга маҳлиё бўлиб, кечаётган дамни қадрламаслик ақлдан бўлмаслигини, вақт олдимиздан оқаётган дарё ва уни ардоқлаш ҳар бир инсоннинг қутлуғ бурчи эканлигини уқтиради.

Яна пандноманинг наср шаклидаги энг юксак намунасини Навоий умрининг сўнггида яратди. Бу унинг «Маҳбубул - қулуб» асаридир. Бунда адиб ўз давридаги ижтимоий–сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига нигоҳ ташлаб, жамият ҳаётидан, кўрган-билганларидан панднома шаклида янги хулосалар чиқарди. Бу – ўз даврининг энг илғор нуқтаи назардан ёзилган ахлоқий китоби, қонун-қоидалари мажмуи, хулосалари бўлиб, бу асари билан Навоий ўзбек насри ривожига катта ҳисса қўшди ва адабиётимизни янги бир юксакликка кўтарди. Шоирнинг «Яхши либос танга оройиш, яхши қўлдош – жонга осойиш», «Фосиқдан ҳаё тилама, золимдан вафо тилама» каби гаплари эса халқ мақолига айланиб кетган. Навоий сабр-қаноатни улуғлаб, бир байтда ҳар қандай ёж кийган одам шоҳ бўлавермайди, ҳатто шоҳликни ҳам назарга илмайдиган, тамагирликдан мутлақо узоқ одам ҳақиқий шоҳдир дейди (Жумаев, 2010). Улуғ мутафаккир ва буюк шоир Алишер Навоий қаламига мансуб “Маҳбуб ул-қулуб” асари барчамиз учун йирик насрий мерос ҳисобланади. “Маҳбуб ул-қулуб” “Қалбларга севимли бўлган китоб” маъносини беради. Уни “Дилларга ошно асар” ёки “Қалбларга яқин китоб” деб таржима қилиш ҳам мумкин. Навоий мазкур асарни умрининг сўнгида 906 (1500 – 1501) йилда яратган. Навоийшунос олима С.Ғаниева таъкидлаганидек: “У муаллифнинг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси ва хулосаларининг йиғиндисидир” (Навоий, 1983: 112). Унинг турли вақтда кўчирилган бир қанча қўлёзмалари Тошкент, Санкт-Петербург, Париж ва Истанбул кутубхоналарида сақланмоқда. Асарнинг композицион қурилиши ўзига хос бўлиб, у 3 қисм, 127 та танбеҳ, 13 та ҳикоятдан иборат. Адабиётшунос олим Ш.Сирожиддиновнинг қайд этишича, асарнинг уч қисмга бўлиниши бежиз эмас. Навоийнинг мақсади бўлган панд-насиҳат ва танбеҳлар туркуми учинчи қисмда келтирилган. Биринчи ва иккинчи қисмдаги мулоҳазаларни келтиришдан мақсад нима эди? Навоий панд-насиҳатдан олдин ўқувчига жамият ҳақида, уни асраб турувчи маънавий устунлар ҳақида билим ва тушунча бериб ўтишни зарур деб билади. Шу боисдан асарни дабдурустдан қуруқ насиҳат қилишдан

бошлашни маъқул кўрмайди. Дастлаб у ўқувчини муайян тайёргарликдан ўтказган” (http://uzbekistonovozi.uz/uz/ articles/index.php). Асарнинг биринчи қисми “Соир ун-носнинг афъол ва аҳволи кайфияти” (“Ҳар хил тоифа одамлар феъл-атвори ва аҳволи кайфияти”) деб номланади ва у 40 фаслдан иборат. Мазкур қисмда “эгаллаган вазифаси, кўрсатилажак таъсири жиҳатидан жамият тараққиётида белгили мавқега эга қирқ тўққиз тоифа аҳлининг феъл-атвори, аҳволи хусусида фикр юритилади. Бу сафда шоҳдан гадогача бўлган аксарият тоифа аъзоларини учратиш мумкин” (Воҳидов, Эшонқулов, 2006: 432).

“Маҳбуб ул-қулуб” да сажъ ва бошқа бадиий санъат турларидан моҳирона фойдаланилган. Навоий фикрларини далиллаш мақсадида ҳар бир тоифага берилган тавсифдан сўнг шеърий изоҳлар келтиради. Чунончи, ҳисоб-китобларга кўра, биринчи қисмда 7 та маснавий, 17 та байт, 3 та назм, 6 та рубоий ва 7 та қитъа берилган. (Асарнинг муқаддима қисмида 2 та қитъа, 2 та маснавий, 1 та рубоий, 1 та байт баён этилган) .“Маҳбуб ул-қулуб” нинг иккинчи қисми “Ҳамида афъол ва замима хисол хосияти” (“Яхши феъллар ва ёмон хислатлар хосияти”) деб номланган бўлиб, унда комилликка эришиш йўли, тасаввуф тамойиллари ҳақида фикр юритилади. “Ушбу қисмдан ёмонликлардан мосиво бўлишнинг энг тўғри йўли нафсни риёзат билан мавҳ этиб сабр-у қаноат билан пок яшаш, руҳни чиниқтира бориб, ҳамида ахлоққа эришиш хусусида фикр юритилади. Нафсни мағлуб этиб, илоҳий файздан баҳра олишнинг дастлабки бекати-тавбадир. Тавбадан мурод ҳақ йўлига кирган соликнинг барча ёмон ишлардан огоҳ бўлиб, улардан буткул воз кечиши, ҳар тарафлама покланишдир” (Воҳидов, Эшонқулов, 2006: 435). Мазкур қисмдан 1 та маснавий, 3 та қитъа, 4 та рубоий, 14 та байт ўрин олган; назм жанридаги намуналар келтирилмаган. Асарнинг учинчи қисми “Мутафарриқа фавоид ва амсол сурати” (“Турли фойдали маслаҳатлар ва мақоллар”) деб номланган. “Бу бўлимда одоб ва ахлоқ масалаларига доир тўрт юзга яқин мақол ва ҳикматли сўзлар танбеҳлар шаклида қўлланилган бўлиб, адиб улар орқали панд-насиҳат бериб, гўзал инсоний фазилатларни эгаллашга, ёмон иллатлардан сақланишга, илм ўрганишга, яхшиларга ёр, муҳтожларга мададкор бўлиб, халқ ва Холиқ олдидаги бурч, вазифаларини ҳалол адо этишга даъват этади” (Машарипова, 2006: 77). Бу қисмда 56 та байт, 17 та қитъа, 12 та маснавий, 7 та рубоий, 3 та назм келтирилган. Пандномада жами 22 маснавий, 19 рубоий, 90 байт, 29 қитъа, 6 назм бор. Умуман олганда, “Маҳбуб ул-қулуб” даги ҳар бир танбеҳ, байт ёки қитъа ҳаётий ҳикмат даражасига кўтарилганки, бу танбеҳлар замирига халқнинг кўп асрлик ҳаёт тажрибаси давомида тўплаган мақол ва маталларининг мазмуни сингдирилган” (Машарипова, 2006: 78). Китоб ҳар бир инсон эгаллаши лозим бўлган гўзал хулқ, юксак маънавият мезонлари ҳақида атрофлича маълумот беради. У ўз умри интиҳосида ҳам миллат ва халқ дарди билан яшади. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида жамият билан боғлиқ орзу умидларини ифодалади. Унда жамият ҳаётини юксалтириш, уни тўғри йўлга солиш ва шахс маънавиятини тарбиялаш каби ўзининг сўнгги армонларини васият қилиб қолдирди. Кўринадики, пандноманинг наср шаклидаги энг юксак намунасини Навоий умрининг сўнггида яратди. Бунда адиб ўз давридаги ижтимоий–сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларига нигоҳ ташлаб, жамият ҳаётидан, кўрган-билганларидан панднома шаклида янги хулосалар чиқарди. Бу – ўз даврининг энг илғор нуқтаи назардан ёзилган ахлоқий китоби, қонун-қоидалари мажмуи, хулосалари бўлиб, бу асари билан Навоий ўзбек насри ривожига катта ҳисса қўшди ва адабиётимизни янги бир юксакликка кўтарди. Шоирнинг «Яхши либос танга оройиш, яхши қўлдош – жонга осойиш», «Фосиқдан ҳаё тилама, золимдан вафо тилама» каби гаплари эса халқ мақолига айланиб кетган. Навоий сабр-қаноатни улуғлаб, бир байтда ҳар қандай тожж кийган одам шоҳ бўлавермайди, ҳатто шоҳликни ҳам назарга илмайдиган, таъмагирликдан мутлақо узоқ одам ҳақиқий шоҳдир дейди. (Жумаев, 2010).

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Навоий асарларининг хоҳлаган саҳифасини ўқиб, бугун учун бир ажиб хулоса топиш мумкин. Бу самимий ва тиниқ, аниқ ва пухта, қалб эҳтироси-ю, ақл қудрати бўртиб турган ўзбекона жумлалар замирида буюк бир шахс,

кучли бир тийнат, теран бир нуқтаи назар, қатъий бир сийрат, бугунги тушунчалар билан айтганда, юксак даражада тизимлашган миллий мафкура бор. Шу маънода қарайдиган бўлсак, Навоий пандномалари беқиёс маънавий бойлигимиз бўлиб, биз, айниқса, ёшлар унинг намуналарини мунтазам равишда ўқиб-ўрганмоғимиз, улардан ўзимизга тўғри хулоса чиқара билмоғимиз ва энг муҳими, бугунги ҳаётимизга, хулқ-ахлоқимизга, тарбиявий ишларимизга тўғри тадбиқ этмоғимиз ва эта билмоғимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1-6-томлар. -Тошкент: Фан. 1986-1990.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 7-11-жилдлар. -Тошкент: Фан, 1991.
3. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 112 Б.
4. Йўлдош Парда. Алишер Навоий. Уммондан дурлар. «Шарқ» нашриётматбаа концерни бош таҳририяти. -Тошкент, 2000.
5. Кайковус. Қобуснома. -Тошкент: Мерос, 1992.
6. Qurbonova M., Yo`ldoshev M. Matn tilshunosligi. -Toshkent: Universitet, 2014.
7. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. -Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.
8. Мумтоз адабиёт намуналари. 1-жилд. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Н.Раҳмонов. – Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2002.
9. Воҳидов Р, Эшонқулов Ҳ. Ўзбек мумтоз адабиёт тарихи. -Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.
10. Комилов Н. Хизр чашмаси. – Тошкент, 2005.
11. Жумаев Н. Навоий ижодида комил инсон масаласи. // Маърифат 2010. 6-феврал.
12. Машарипова З. “Маҳбуб ул-қулуб” ҳикматларида халқ мақоллари”. // Навоийга армуғон. 5-китоб. -Тошкент, 2006. 77-бет.

ХИТОЙ ТИЛИДА МОРФЕМАЛИ КОНТРАКЦИЯНИНГ *HÉBÌNGFĂ* “БИРЛАШТИРИШ” УСУЛИГА ОИД ХУСУСИЯТЛАР

ÇİNCE EKLEMELİ YAPILARDAKİ *HÉBÌNGFĂ* ‘BİRLEŞTİRME’ YÖNTEMİ HAKKINDA

Бакаева Барно,
Тошкент давлат шарқшунослик институти
докторанти (Ўзбекистон).

Berna BAKAYEVA,
Taşkent Devlet Şarkşınaslık Enstitüsü
Doktora Öğrencisi.

Özet. Makalede Çince eklemeli yapıların birleştirilmesinde başvurulan yöntemler ele alınmıştır. Birleşik kısa kalıpların yapısal özellikleri, “hébìngfă” olarak bilinen birleştirme şeklinin çeşitleri ve kuralından bahsedilmiştir.

Anahtar kelimeler: ekleme, morfem, alıntı sözcük, terim, kök, birleşik kısaltma sözcük, birleşik sözcük, kısım.

Абстракт. Данная статья посвящена морфемной контракции 合并法 hébìngfă, которая представляет собой один из широко используемых способов словообразования в китайском языке. Типы и особенности способов образования морфемной контракции анализированы с помощью примеров на китайском языке.

Опорные слова и выражения: морфема, контракция, заимствованное слово, термин, корень слова, сокращенное слово, словосочетание, компонент.

Abstract. This article is devoted to the morpheme contraction合并法 hébìngfă, which is one of the widely used methods of word formation in Chinese. The article describes in detail the grammatical features of morpheme contraction in Chinese. Scientific research is aimed at identifying positions: analyzing the methods of morpheme contraction.

Reference words: morpheme, contraction, loan word, the term, the root of the word, phrase, component.

Контракция янги сўз ясалишининг асосий жараёнларидан бири бўлиб, хитой тилида бўғинлар қисқариши талабига мувофиқ рўёбга чиқади (1). Динг Сиужу контракция ўзининг ясалиш усулларига эга, қисқариши, бўғин тушиб қолиши, сонлар ёрдамида умумлашиш, шу билан бирга ҳар бир ясалиш усули ўзига қатор моделларни мужассамлаштиради (2), деб изоҳлаган. Тилнинг асосий бирликлари, сўз, ибора, гапнинг ясалиши бирикиш йўли билан амалга оширилади, контракция эса тилнинг одатий қонуниятларидан ташқари ўзига хос қисқариш усуллари ва моделлари орқали ҳосил бўлади.

Хитой тилида морфемали контракциянинг қуйидагича усуллари мавжуд: 抽取法 chouqufa “ажратиш орқали қисқартириш” усули; 合并法 hebingfa “бирлаштириш” усули; 数字统括法shuzi tongkuofa “сон ёрдамида умумлаштириш” усули ҳамда махсус усуллар. 合并法hebingfa “бирлаштириш” бир неча тенг ҳуқуқли сўзлар компонентларининг бирикиш жараёни ҳисобланувчи морфемали контракция усулидир. Ушбу қисқариш усули турли хил бўлгани учун қуйидаги ҳолатларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

同素归纳式tóngsù guīnà shì Умумий компонентга ажратилган модел. Сўзнинг охирги компоненти ҳар бир келтирилган сўзнинг охирги компонентлари билан бир хил

бўлса, уларни умумлаштириш мумкин ва бу умумий морфемани ташкил этади. Морфема умумлаштирилганидан сўнг ҳосил қилиниш усули морфемали контракциядир: 婴儿yīngér, 幼儿yòuér – 婴幼儿yīngyòuér (гўдак); 进口jìnkǒu, 出口chūkǒu – 进出口jìnchūkǒu (экспорт ва импорт);国内guónèi, 国外guówài – 国内外guónèiwài (мамлакат ичида ва ташқарисида); 冤案yuānàn, 假案jiǎ'àn, 错案cuòàn – 冤假错案yuānjiǎcuòàn (ишни қалбакилаштириб хато жазо белгилаш);

主素归纳式 Асосий компонент ажратилган модел. Ҳар бир келтирилган оригинал сўзнинг асосий компонентлари умумлаштирилади, сўзларнинг семантик жиҳатдан бир турга мансублиги ушбу контракция усулининг асосий шарти ҳисобланади. 亚洲 Yazhou, 非洲 Feizhou, 拉丁美洲 Lading Meizhou – 亚非拉 Ya Fei La Осиё, Африка, Лотин Америкаси; Ушбу мисол умумий компонент "洲" Zhou "материк" тушириб қолдирилади.

Хитой тилида мураккаб қисқартма сўзлар ясалиш қонуниятлари ҳамда грамматик хусусиятларга эга. Мураккаб сўз ва сўз бирикмаларининг структуравий алоқаси, одатда, беш хил бўлади: боғловчи (копулятив) модел, атрибутив модел, феъл-обектли модел, феъл-натижавий модел ва субект-предикатив модел. Лекин замонавий хитой тили морфемали контракциясида фақатгина тўрт хил сўз ясалиш модели копулятив, феъл-обектли, атрибутив, субект-предикатив моделлари мавжуддир.

Копулятив модел: 妇女幼儿fùnǚ yòuér – 妇幼fùyòu (аёллар ва болалар/ она ва бола); Феъл-обектли модел: 投入生产tóurù shēngchǎn – 投产tóuchǎn (ишлаб чиқаришга инвестиция киритмоқ); Атрибутив модел: 地下铁道dìxià ti dào – 地铁dìtiě; 网上聊天wǎngshàng liáotiān – 网聊wǎngliáo (интернет орқали суҳбатлашмоқ); Субект-предикатив модел: 电能耗损diànnéng hàosǔn – 电损diànsǔn (электр энергиясини сарфламоқ); 死刑缓期执行sǐxíng huǎnqī zhíxíng – 死缓sǐhuǎn (ўлим жазоси);

Юқорида келтирилган мисоллардан шуни кўриш мумкинки, замонавий хитой тилида морфемали контракциясининг структуравий алоқаси, одатда, оригинал сўзники билан бир хил бўлади. Фақат копулятив моделдаги сўзнинг "бирлаштириш" усули орқали ясалган қисқартмаси структуравий алоқаси жиҳатидан атрибутив моделда бўлади, масалан: "军属烈属jūnshǔ lièshǔ→军烈属jūnlièshǔ" (вафот этган ҳарбийларнинг оила аъзолари); "中学小学zhōngxué xiǎoxué→中小学zhōngxiǎoxué" (бошланғич ва ўрта мактаб) ва ҳ.к. Бундай ҳолатлар одатда кўп эмас.

Гап бўлаклари хитой тили грамматикасининг муҳим категорияси саналади. Сўз ва сўз бирикмаси категориясига кирувчи бирликлар гап бўлаклари сифатида ўзининг грамматик функциясига эга: гапдаги жойлашиши, гапда маълум бир синтактик вазифани бажара олиши ёки муайян грамматик тил бирликлари билан бирикиши. Хитой тилида мураккаб қисқартма сўзлар отлашган, феъллашган, сифатлашган турдаги гап бўлакларига бўлинади.

Отлашган мураккаб қисқартма сўзлар равиш билан (масалан: "不" bú (йўқ), "很" hěn (жуда)) ва вақтни ифодаловчи ёрдамчи сўз билан бирика олмайди (масалан: "了" le (ўтган замонни ифодаловчи қўшимча), "着" zhe (давомийликни ифодаловчи қўшимча)). Одатда миқдорни ифодаловчи сўзлар билан бирикади: 三十五名干警sānshíwǔ míng gànjǐng (ўттиз бешта хавфсизлик хизмати ишчиси); 三中全会sān zhōngquánhuì (учинчи умумхитой пленуми), 三条地铁sān tiáo dìtiě (уч метро йўли). Отлашган қисқартмалар гапда эга ва тўлдирувчи вазифасини бажаради, масалан: 中纪委发出通知zhōngjìwěi fāchū tōngzhī

(марказий назорат комиссиясининг эълони) (эга); **中国女排荣**获世界冠军zhōngguó nǚpái rónghuò shìjiè guànjūn (Хитойнинг воллейбол бўйича аёллар жамоаси жаҳон чемпионлигини қўлга киритди) (эга); **我国争取**实现四化wǒguó zhēngqǔ shíxiàn sìhuà (Хитой тўрт модернизатсияни амалга ошириш имконини қўлга киритди) (тўлдирувчи); **厂**长非常关心青工chángzhǎng fēicháng guānxīn qīnggōng (Завод раҳбари ёш ишчиларга жуда ҳам меҳрибон) (тўлдирувчи). Отлашган қисқартмалар аниқловчи вазифасида келиши мумкин, масалан:

世界人民要维护亚太地区的和平shìjiè rénmín yào wéihù yàtài dìqūde hépíng (Дунё аҳолиси Осиё ва Тинч океани ҳудудидаги тинчликни асраши керак). **政府**应当重视信访工作zhèngfǔ yīngdāng zhòngshì xìnfǎng gōngzuò (Ҳокимият ОАВ ишига аҳамият бериши лозим). Кўришимиз мумкинки, отлашган мураккаб қисқартма сўзларнинг характери от сўз туркумидаги сўзлар характери билан кўп жиҳатдан ўхшашдир.

Феъллашган мураккаб қисқартма сўзлар равиш билан ҳам (даражани ифодаловчи равишлардан ташқари), вақтни ифодаловчи кўмакчилар билан ҳам бирика олади. Масалан: **即刻建交**jíkè jiànjiāo (**建立外交关系**jiànlì wàijiāo guānxi) (зудлик билан дипломатик алоқаларни ўрнатмоқ). **大力超**产dàlì chāochǎn (**超**额生产chāoé shēngchǎn) (бор куч билан ишлаб чиқариш режасини ортиғи билан бажармоқ). Феълли қисқартмалардан олдин ҳол келиши ҳам мумкин: **限期扭**亏xiànqī niǔkuī (**扭**转亏损niúzhuǎn kuīsǔn) (чекланган вақт ичида зарарни фойдага айлантирмоқ). **限期扭**亏xiànqī niǔkuī (**扭**转亏损niúzhuǎn kuīsǔn) (жиддий ҳар томонлама кўриб чиқиш). Кўриш мумкинки, феъллашган қисқартма сўзлар феълнинг характери билан ўхшаш грамматик хусусиятларга эга. Фарқли томони шундаки, феъл, одатда, такрорланиб келади (редупликатсия), масалан: **走走**zǒu zou (юрмоқ), **商量商量**shāngliɑng shāngliɑng (муҳокама қилмоқ), 唠唠叨叨làoláo dāodāo (кўп гапирмоқ). Лекин, феъллашган қисқартма сўзлар такрорланиб келиш (редупликатсия) хусусиятига эга эмас, бу феъллашган хитой тили мураккаб қисқартмаларининг фарқ қилувчи грамматик хусусиятидир.

Сифатлашган мураккаб қисқартмаларнинг сони нисбатан кам, одатда, аниқловчи вазифасида келади. Масалан: **高级**gāojí, **精密**jīngmì, **尖端**jiānduān→**高精尖**gāojīngjiān (юқори аниқ ва ўткир) ва ҳ.к. Аммо, сифатлашган қисқартмалар такрорланмайди, мана шу жиҳатлари билан сифат гап бўлагидан фарқ қилади. Сифатларнинг аксариятини такрорлаш мумкин, масалан, биз "**很漂亮**" hěn piàoliɑng (жуда чиройли)ни "**漂漂亮亮**" piāopiào liɑngliàng дейишимиз мумкин, лекин хитой тили мураккаб қисқартма сўзи бўлган "**很高精尖**" hěn gāojīngjiān (юқори аниқ ва ўткир)га нисбатан биз "**高高精精尖尖**" gāogāo jīngjīng jiānjiān дея олмаймиз, кўриш мумкинки, оригинал сўз, сифатлашган сўз ёки сўз бирикмаси контракцияга учраганидан сўнг гап бўлаклари характери жиҳатидан чекланишларга учрайди.

Танлаб олинган ижтимоий-сиёсий матнлар асосида умумий 1832 та мураккаб қисқартма сўз ажратиб олинди ва морфемали контракция усуллари асосида квантитатив таҳлил этилди, ундан бир турдаги компонентларни бирлаштириш усули асосида ясалган мураккаб қисқартма сўзларнинг сони 55 тани ташкил этади, яъни умумий мураккаб қисқартма сўзлар миқдорининг 2.71%; **出入境**chūrùjìng – **出境入境**chūjìng rùjìng (чегарадан кириб чиқиш); **差旅**费chāilǚfèi – **差**费旅费chàfèi lǚfèi (йўл харажатлари); **全面做好离退休干部工作** (Нафақага чиқиш бўйича ишларни комплекс пухта бажармоқ) (8). **推**进公民身份tuījìn gōngmín shēnfèn (фуқароликка тавсия этмоқ), **出入境管理**chūrùjìng guánlǐ (чегарадан кириб чиқишни бошқариш), **合力化解**执行难hélì huàjiě zhíxíng nán

(амалга ошириш қийинчиликларини самарали ҳал этмоқ) (9). Биринчи мисолда келтирилган “离退休” lítuìxiū – “离休退休” líxiū tuìxiū (нафақага чиқмоқ)нинг қисқартмаси, иккинчи мисолда келтирилган “出境入境” chūjìng rùjìng (чегарадан кирмоқ, чиқмоқ)нинг қисқартмаси, иккаласи ҳам бир турдаги компонентларни бирлаштириш усули ёрдамида ясалган мураккаб қисқартма сўзлардир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 郑阳寿.缩略语简论. 山东教育学院学报, 2000. – 44-45页.
2. 丁秀菊. 缩略语产生探析. 山东大学学报, 2003. – 90-93页.
3. 葛本议. 汉语汉语词汇学. – 山东人民出版社，1981. 256 页.
4. 闵龙华. 简略语. 北京. 2005. 244 页.
5. 现代汉语词典. 第6版, 2012. 667 页.
6. 钟嘉陵. 现代汉语缩略语词典. – 齐鲁书社, 1986. – 序言.
7. 袁辉. 现代汉语缩略语词典. 语文出版社, 2002. 572 页.
8. http://news.sina.com.cn/c/2007-10-24/205814157282.html «中共十七大报告» “Zhōnggòng shíqí dà bàogào” (Xitoy kommunistik Partiyasi o‘n yettinchi hisoboti).
9. http://www.gov.cn/test/201211/13/content_2264164.html «2010年最高人民检察院工作报告» (Oliy xalq prokuraturaning 2010-yil ish hisoboti).

КИНО ВА ТЕАТР САНЪАТИДАГИ ИФОДАВИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ

SİNEMA VE TİYATRO SANATINDAKİ ANLATIM SORUNLARI

Анвар Адилов,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Anvar Adilov,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Özet. Makalede sinema ve tiyatronun kendine özgü yönleri ve anlatım teknikleri ile ilgili fikirler kaleme alınmıştır.
Anahtar kelimeler: Sinema, tiyatro, oyuncu, sahne, süje, yapımcı.

Аннотация. В статье расматривается особое значение искусство кинематографии и театра.
Ключевые слова: Кинематография, театр, партер, актёр, кинокамера, спектакль, сюжет, режиссёр.

Annotation. The article discusses the special significance of the art of cinema and theater.
Key words: Cinematography, theater, stalls, actor, movie camera, performance, plot, director

Аввало шуни бир ўйлаб кўрайлик: театрда тасвирланадиган воқеа билан кинематографияда тасвирланадиган воқеа ўртасидаги принципиал, тафовут нимадан иборат?

Театр саҳнаси уч тарафи берк, тўртинчи – олд тарафи эса томоша залига очиб қўйилган қутидан иборат. Парда очилган вақтда зални тўлдириб ўтирган томошабинларни кўз олдимизга келтирайлик. Уларнинг ҳаммаси саҳнадаги воқеадан турли даражада узоқда турадилар. Баъзи одамлар партерда, актёрлардан 3-4 метр узоқликдаги биринчи қаторда ўтирсалар, бошқалари эса жуда узоқда, саҳнадан 100 -150 метр масофадаги қаторларда, яъни, амфитеатрда ўтирадилар. Шунга қарамай, актёр ўз ҳаракатини театр ибораси билан айтганда, ҳамма томошабинларга “етказиши” керак. Табиийки бунга эришиш учун у маълум даражада овози ва қўл ҳаракатининг табиийлигини бузиб, воқеанинг ҳар дақиқа эшитиладиган ва кўриладиган бўлиши учун саҳна ҳақиқати доирасида қолган ҳолда, овозини баландлатади ва қўл ҳаракатларини ортиқчароқ қилади. Бу ҳол эса, ўз навбатида ҳаддан ташқари “бўрттириш”га олиб келади.

Алоҳида актёрлик техникаси бўлишининг зарурати натижасида юзага келган бу шарт ҳозирги кундаги, ҳатто энг яхши театрларда ҳам бузилмас қонун бўлиб қолмоқда ва актердан хаётийликни маълум даражада бузишни талаб этмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, томоша санъати бундан истесно, аммо бу мактабни илгари сурувчилар бу каби камчиликлардан ҳоли эмас.

Агарда биз, Станиславский услубига назар ташласак, ҳаёт ҳақиқатини қидириш билан воқеанинг актёр томонидан томошабинга етказишдаги техника қийинчиликлари ўртасидаги ана шу зиддиятни минимум даражасида камайтиришга интилиш борлигини кўрамиз. Лекин шу системани эгаллаш ва томошабинга етказиш актёрдан катта куч, юқори малакани талаб қилади.

Кинода бундай чекловчи шарт мутлақо йўқ. Чунки кино объективининг “кўзи” актёрга керакли масофада яқинлашишга қобилдир. Иккита энг муҳим воситага кўриш ва эшитиш қобилиятига эга бўлган кинокамера бизни ўраб турган оламга бамисоли одамдай кира олади ва ўқи атрофида 360 га бемалол айланиб, оламни ҳам эшитади, ҳам кўради.

Самолётга ёки вертолётга ўрнатилган кинокамера осмонга исталган баландликкача кўтарила олади, денгиз тубига туша олади, хатто чумолиларнинг инига кириб уларнинг хаётидан бизларни воқиф этмоқда. Бу аппарат инсон бардош бера олмайдиган ҳар қандай тезликдаги харакатни ҳам тасвирга олаверади. Кинематографиянинг ва техниканинг тезкор ривожи эса бизни бошқа сайёрага ҳам саёхат қилдириш имкониятига эгадир. Биргина мисол “Аватар” киноси бизларни “Пандора” сайёраси билан таништирди.

Шундай қилиб, бизнинг иборамиз билан айтганда, кинематографиядаги воқеа макон жиҳатидан чагарасиздир, мислсиз бадиий воситалар орқали эса, режиссёр, оператор, рассом томошабинга бунданда кучли таъсир этиши кино соҳасининг катта ютуғидир.

Аммо кинематоргафиянинг афзалликлари шулар билангина чекланиб қолмайди. Унинг энг муҳим афзалликларидан бири, теваракдаги ҳаётга нисбатан кино объективининг актив позицияда туришидир. Ана шу бепаён қудратни маълум мақсадга, барча манзаралар орасидан энг муҳимларини танлаб, кўзланган ғоянинг моҳиятини очиб беришга ва жонли ифода этишга ҳизмат қилиши керак. Шуни айтиш керакки, мана шундай вақтда санъаткор ҳақиқий, изчил реалистми – йўқми, буни аниқлаб олиш жуда осон бўлади.

Кинематографиянинг асосий афзаллиги ҳаётий тарқоқ деталларни тутиб олиш орқали воқеликни табақалаштириш, уни майда, бир-бирига боғланмаган элементларга “парчалаб” юбориш қобилиятига эгалигидир.

Реалист санъаткор кинематографиянинг кучини ва унинг ҳақиқий вазифасини аксинча тушунадилар. Уларнинг фикрича кинематографиянинг кучи ҳаётдаги муҳим кўринишларни иккинчи даражали кўринишлардан ажратиб олиш, реал ҳаётни тўлароқ ва чуқурроқ очиб бериш учун уни бадиий шаклга солиш қобилиятига эга. Бошқача айтганда эзгуликка ва ёвузлик бирдай ҳизмат қилиши мумкин.

Табиийки, одам диққат этиборнинг асосий объекти. Унга шу қадар яқин бора олиш, унинг нафас олишини эшитиш, кўз қорачиғига келиб қараш, лабларининг сал-пал қимирлашини ҳам кўриш ва керак бўлса, шу заҳотиёқ унинг олдидан 100 метр орқага узоқлашиш, кино қаҳрамон ҳаракат қилиб турган бутун вазиятни кўриш мумкин.

Шу вақтда экран қаршисида ўтирган томошабин гўё қаҳрамоннинг кетидан боради. Кино қаҳрамон эса уни қўлидан тутиб, уни жуда ажойиб реал ҳаёт сари саёҳатга, бу ҳаётнинг барча такрорланмас хислатлари ва хусусиятлари кўрсатишга бошлаб кетади.

Ана шу хусусият кинематографни XXI асрда яшаётган кишиларга чинакам мухокама, киноактёр олдида бадиий ижоднинг энг мураккаб, энг нозик элементларини томошабинга етказишнинг илгари маълум бўлмаган усулларини очиб берди.

Кинематографнинг яна бир хусусияти борки, ҳали биз бу хусусиятни шу чоққача чинакам қадрлашга ўрганмадик, уни ўз тажрибамизда жуда кўп ҳолларда менсимаймиз. Кинокамеранинг актёр ҳаракатини умрбод ёзиб қолиш қобилияти назарда тутиляпти. Бу хусусият кинематографга рассомлик, ҳайкалтарошликка хос бўлган кучни бахш этади. Фарқи шуки, рассом чизган полотно ёки ҳайкалтарош яратган асар фақат бир лаҳзанигина акс эттириб қолдирган бўлса, кинематограф ривожланиб турган воқеани акс эттириб қолдиради.

Театрдаги ҳар бир режиссёр спектакль ҳаёти мураккаб, баъзан фожиали диалектикага эга эканлигини билади. Спектакль ҳаётининг давомийлиги кўпдан-кўп тасодифий таъсирларга ва актёрнинг мана шу кунги кайфиятига боғлиқдир. Спектакль такроран қўйилиш жараёнида узлуксиз ўзгариб туради ва режиссёр зўр бериб, талабчанлик билан репетициялар қилиш орқали премьерага эришгач барча муваффақиятлар кўпинча ўн бешинчи-йигирманчи спектаклга борганда, сочилиб, йўқолиб, нурсизланиб қолади. Қўл ҳаракатларининг ифодалилиги йўқолади, интонация дағаллашади ва ниҳоят, спектакль “қарийди”. Яна бир муаммо кўп иқтидорли актёрлар театрни баъзи бир сабабларга кўра тарк этишга мажбур бўлишлилигидир.

Кинематографда бундай ҳол бўлмайди. Чунки воқеа бирваракай умрбод қоладиган қилиб тасвирга олинади.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтиш керак. Киноактёр ана шундай афзалликка эга бўла туриб, бундан ҳамма вақт тўлалигича фойдаланмаяпти. Баъзан актёрлар “воқеа натижасини кўрсатган”, яъни юзаки ўйнаган ўртамиёна ва бўш картинани кўриб қолсангиз, актёр иштирок этган бу воқеа умрбод ёзиб қолдиришга сира арзимас экан деб ўйлайсан.

Киноактёр ижодининг спецификаси қанчалик афзалликларга эга бўлмасин, ўзига хос алоҳида қийинчиликлари ҳам бор. Масалан, актёр кинода бошдан-оёқ бир меёрда давом этувчи воқеадан ташқари, оз ёки кўп даражада чўзиладиган воқеа парчаси чегарасида ижод қилиш керак, бу парча кўпинча 5-10 дақиқа давом этади, холос.

Яна актёр одатда сюжет ривожи мантиқан изчил бўлмаган вазиятда тасвирга олиш жараёнининг қулайликларига мослашган ҳолда ишлайди. Масалан, у павильонда аввал саҳналарнинг изчил бўлишидан қатъий назар, ҳаммасини ижро этади ва кўпинча қаҳрамони ҳаёт бўла туриб, унинг ҳалок бўлиш пайтини ўйнашга мажбур бўлади.

Кинода актёр томошабин билан бевосита алоқа боғлаш имкониятидан маҳрумдир. Театрда эса бу актёр ижодининг энг қимматли хусусияти ҳисобланади. Актёр кинода суяна олиши мумкин бўлган бирдан-бир томошабин режиссёрдир. Кўпинча актёрнинг назарида у парчани мукаммал ўйнагандек туюлса, режиссёрни бу ижро қониқтирмайди. Режиссёр ўз ғоясининг нозик томонларини актёрга тушунтириб беради.

Актёр баъзан ишлаш учун энг қийин бўлган вазиятда, жазирама иссиқ ёки қаҳратон совуқда ишлашга мажбур бўлади. Актёр ана шу ҳолатларда ҳам ўзи ўйнаётган образнинг барча хусусиятларини сақлаб қолиши: дарёга ёки денгизга чўкиши, аскарликнинг ҳамма юкларини кўтариб камера кетидан югуриши, чуқур кавлаб ичига тушиб олиши ва шу кабиларни қилиши керак.

Албатта, ҳақиқий санъаткор бўлган киноактёр учун худди ана шу қийинчиликлар алоҳида, мисли йуқ роҳат бағишлайди, ролни чуқур, ҳаётий қилиб, мукаммал ишлашда унга ёрдам беради. Бунинг устига дунёга танилишнинг энг қиска йўли бу кино.

Барча санъат турларини ўз ичига олган кинематография санъати, хозирги кунда жуда тез ривожланиб бормоқда. Бунга юқори технологиялар сабаб бўлмоқда дейиш мумкин. 100 йиллдан ошган кинонинг тарихи жуда кўп кашфиётларга бой бўлди. Албатта, шу билан бу санъатнинг очилмаган қирралари тугади, дегани эмас. Соҳа мутаҳассислари изланишдан тўхтаб қолмасдан, киноиндустрия соҳасини ривожлантириш, соҳанинг энг янги ютуқларини ўзлаштириш ва кинематографиянинг имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиб келишмоқда, бунга ғарб мамлакатларининг шу соҳада эришган ютуқлари мисол бўлмоқда. “Матрица”, “Трансформер”, шунингдек 3D форматида олинаётган фильмлар компьютер графикасининг энг юқори даражадаги махсулот. Фильм ғоясини очиб бериш учун юқори технологиялардан фойдаланган ижодий гуруҳ, томошабин қалбида кучли тасвирий таассурот қолдирган. Юртимизда олинаётган “Ватан”, “Ўтов”, “Қўрғошин” каби кино асарларда компьютер графикаси ишлатилмасада, драматургия жихатдан мукаммаллиги, фильмни тасвирга олиш анъаналарга содиқ қолган ҳолда ишлаш, яъни диалоглардан кам фойдаланиб, фикрни тасвир орқали етказиш маҳорати, дунёнинг нуфузли кинофестивалларида қўлга кириталаётган мукофотлардан ўз исботини топмоқда.

Ҳозирги кунда кинематография, касби ва ёшидан қатъий назар, ҳар қандай нозик табли томошабиннинг истагини қондириш учун шай. Дунё “катта экранларда” беллаша оладиган кино маҳсулот, ривожланиб бораётган мамлакатимизда яратилса, ҳам маънавий ҳам иқтисодий ютуқларимиздан бири бўларди. Аҳир, бу мислсиз “қудрат” миллионлаб томошабинларни экран қаршисига йиға оладиган кучга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Файзиев Х. Операторское искусство в современных узбекских кино и видеофильмах и вопросы подготовки профессиональных специалистов. “Санъат таълими”. Йилнома тўплам. -Тошкент, ТДСИ, 2010.

2. Исмаилов А.И. Кинотелеоператорское мастерство. Учебник. –Ташкент, 2004.

3. Меликўзиев И.М. Кино-телеоператорлик маҳорати (бадиий фотография шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари). Дарслик. –Тошкент, 2018.

4. Исмаилов М.Н., Меликўзиев И.М. Методика определение времени и условие экспонирования с помощю фотоекспонометра. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2007.

5. Меликўзиев И.М. Кўп камераларда тасвирга олиш услуби. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2009.

“ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” КИНОСИДА ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАР МУАММОСИ

“KARAKALPAKFİLM” SİNEMALARINDA PROFESYONEL KADRO SORUNU

Асқаров Азиз Асенбаевич,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Нукус филиали ўқитувчиси (Ўзбекистон).

Okt. Aziz ASkarov,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü
Nukus Şubesi (Özbekistan)

Özet: Makalede Karakalpakistan sinema sanatında uzman oyuncu ve yapımcıların eksik olması ve bu boşluğu doldurma önerileri, sahne eserlerinin kalitesi sorunu kaleme alınmıştır.
Anahtar kelimeler: sinema, opertaör, tecrübe, kalite, sahne sanatı.

Аннотация: В статье изучается вопросы нехватки профессионалных кадров в киноискусстве Каракалпакстана и исследованы проблемы изобразительного решения в каракалпакских художественных фильмах.
Ключевые слова: кино, оператор, опыт, качество, экранное искусство.

Summary: In article are studied questions of the lack of the professional personnel, in the cinema art of Karakalpakstan, also are explored the problems of image decisions in the Karakalpak feature films.
Key words: : cinema, operator, experience, quality, screen art.

Профессионал етук кадрлар жамиятнинг ҳар қандай соҳаси ривожида асосий таянч нуқтадир. Истеъдодли, янгиликка интилувчан ёшлар кино санъати учун зарур. Қорақалпоқ киносида профессионал кадрларга бўлган талаб аллақачон пайдо бўлган.

Киностудияда кўп йиллардан буён ишлаб малакасини ошириб келаётган кино усталари етишиб улгурган. Лекин, уларнинг орасида кино соҳаси бўйича институтни битирганлари жуда кам. Фикримизнинг тасдиғи учун баъзи бир маълумотларни келтириб ўтишимиз лозим. “Қорақалпоқфильм” киностудиясининг раҳбари М.Низанов студияда кўп йиллардан буён самарали ишлаб келмоқда. М.Низановнинг асли мутахассислиги журналистика. У Қорақалпоғистон телевидениесида журналист ва бош муҳаррир бўлиб ишлаган. У киносценаристлик йўналишида олийгохни тамомламаган бўлсада, “Қорақалпоқфильм” киностдиясида яратилаётган бадиий фильмларнинг сценарийлари (“Танка”, “Курорт”, “Ўғри”, “Меҳригиё”) айнан М.Низанов томонидан ёзилган.

Киностудияда бугунги кунда режиссёр сифатида ижод қилиб келаётган мутахассислардан бири Т.Қалимбетов эса Тошкент Театр ва рассомчилик институти “Театр санъати” факультетининг “Драма театри режиссёрлиги” бўлимини тугатган, мутахассислиги - драма режиссёрлиги. Т.Қалимбетовнинг ижодий йўли ҳам бевосита кино санъати билан боғлиқ. Унинг суратга олган фильмлари ноодатий режиссёрлик ёндашуви, ўзига хос режиссёрлик топилмаларига эга. Унинг фильмлари ҳалқаро фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Режиссёр Б.Низаматдинов ҳам Тошкент Театр ва рассомчилик институтининг “Театр санъати” факультетининг “Драма театри актёрлиги” бўлимини тугатган. У кейинчалик “Кино, телерадио санъати” факультетининг “Телевидение ва радио режиссёрлиги” бўлимини тугатган.

Юқорида номлари келтирилган икки мутахассис кино соҳаси бўйича назарий билимга эга бўлган мутахассислардир. Режиссёр сифатида иш юритаётган бошқа

шахсларнинг хеч бири нафақат бадиий кино, балки умуман кино соҳаси бўйича назарий билимга эга бўлмаган инсонлардир.

Студияда кинооператорларидан фақатгина А.Аскаров Ўзбекистон Киночилар уйи қошидаги киномеханиклар тайёрлаш махсус курсини тамомлаган бўлиб у ҳам ўз касби бўйича олий маълумотга эга эмас. Кинооператорлардан яна бири Б.Дилмуратов эса ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган ва фақатгина устоз-шогирд анъаналари хос равишда аввалига ассистент, кейин эса операторлик билан шуғуллана бошлаган. Студиянинг бошқа операторлари, Қорақалпоғистон телевидениесидан шартнома асосида жалб этилаётган бошқа операторлар, монтажчи Й.Жуманиёзов ҳам ўз мутахассислиги бўйича етарли назарий билимга эга эмас.

Режиссёрлик ва операторлик соҳасида олий маълумотга эга бўлган кадрларнинг камлиги яратилаётган фильмларнинг бадиий савиясига, техник сифатига салбий таъсирини кўрсатмоқда. Студияда яратилаётган фильмларнинг сифат кўрсаткичлари томошабин истаётган даражада юқори эмаслиги, фильмларнинг сарф ҳаражатларини қоплаш масаласига аҳамиятнинг қаратилмаётганлиги асосий муаммолардан биридир.

“Қорақалпоқфильм” режиссёр, монтажчи ва кинооператорларининг олий маълумотга эга бўлмаганлиги, уларнинг бадиий фильмларда ишлаш тажрибалари етарли эмаслиги муаммони янада долзарблаштиради. Улар фақат операторлик санъатини ёки монтажнинг техник томонинигина яхши биладиган ёшлар. Уларга бадиий кино сохасида тажриба етишмайди. Муаммолардан яна бири бугунги кун давр руҳини сеза оладиган янги авлоднинг етишмаслигидир (Асқаров, 2013: 58).

Киностудиянинг бундай “ўтириб қолишига” тадбиркорликнинг йўқлиги ва энг асосийси, соҳани яхши тушунадиган мутахассисларнинг етишмаслиги сабаб бўлган. Студия ижодкорларига бирдамлик ва янгича иштиёқ етишмаяпти деб айтиш мумкин.

Бугунги бозор иқтисодиёти даврида ҳар бир раҳбар табдиркор бўлиши керак. Студия “Ўзбекфильм” киностудиясидан ўрнак олган ҳолда ҳусусий киностудиялар билан ҳамкорликда фильмлар яратиш тажрибасига қўл уришлари ҳам мумкин. “Ўзбекфильм” киностудияси томонидан ана шундай тажриба натижаси сифатида яратилган “Телба”, “Жазо”, “Севгинатор” каби кинокартиналар иқтисодий томондан кутилган ижобий натижаларни берди.

Яхши асар ва сценарий масаласи барча замонларда ҳам энг асосий масалалардан бири бўлиб келган. Мутахассислар томонидан бу масала ўзига хос тарзда “оғриқли масала” деб аталиши ҳам бежиз эмас. Лекин, шунга қарамай бир-биридан мазмунли ва кучли бадиий асосга эга бўлган, тасвирий жихатдан бой ва ифодали бўлган асарлар яратилган ва яратиб ҳам келинмоқда. Унинг устига миллий адибларимиз ва классик адабиёт намоёндалари томонидан яратилган бири-биридан бақувват бадиий асарлар ҳам етарли. Шундай экан, бугунги миллий кино санъатимиз ва шу билан бирга “Қорақалпоқфильм” киностудияси ижодкорларининг ҳам олдида турган энг асосий вазифа юқори технологиялар асри бўлган, тезкор XXI асрда миллий кино санъатимизнинг ўз овозини сақлаб қолишга ва келажак авлод тарбиясида, уни миллий мафкурамиз давомчилари бўлган комил инсон қилиб тарбиялаш жараёнидаги ўзининг ўрнини сақлаб қолишига эришишдир.

Бугунги кунга келиб, бозор иқтисодиёти даврида республикамизда ҳам ёш кино ижодкорлар кино санъатимизга янгидан жон бағишлаётганини кузатишимиз мумкин. Кинотеатрларимизда бугун 20 номдан ортиқ фильмлар намойиш этилмоқда. Хусусий киностудиялар фильмларни яратишга 40 млн. сўмдан 250 млн. сўмгача бўлган ораликда маблағ сарфланади. Бугунги кун кино бозорида хатто яратилишига 25 млн. сўмдан кам маблағ сарфланган фильмларни ҳам учратиш мумкин (Қ.Файзуллаев билан сухбат. 22.03.2013). “Қорақалпоқфильм” киностудиясида яратилаётган 1 та тўлиқ метражли бадиий фильм учун тахминан 100-150 млн. сўм атрофида маблағ ажратилади. Студия техник, бадиий жиҳатдан паст савияли фильмларни яратмоқда, бунинг устига бу

фильмлар ўзига сарфланган ҳаражатларни оқламаяпти. Демак, студия фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш лозим. Муаммо яна кадрлар масаласига бориб тақалмоқда.

Яратилган фильмларнинг умумий сифати яхши эмас ёки мақтов даражасида эмас. Лекин, бадиий фильмлар яратиш борасида катта тажриба тўплаб улгурмаган "Қорақалпоқфильм" киностудияси ижодкорларининг танқид ва камчиликлардан қўрқмай тўлиқ метражли бадиий фильм яратишга бўлган интилишларининг ўзи ҳам киностудиянинг эртанги фаолияти бугунги кунга нисбатан самарали бўлишига умид уйғотади.

Студия томонидан сўнгги йилларда кўплаб бадиий фильмлар яратилди. Уларнинг сифат даражаси ҳам турлича. Яратилган фильмларда айрим камчиликлар кўзга ташланади. Бунинг асосий сабаби киностудиянинг бадиий фильмлар яратиш соҳасида етарли тажриба тўплаб улгурмаганликлари, студия мутахассислари орасида кино соҳасида олий маълумотли мутахассисларнинг йўқлиги, замонавий техник воситалар билан паст даражада таъминланганлик, техник воситалардан ўз ўрнида фойдалана олиш малакасининг пастлиги, тасвирга олишдаги муаммолар, ишни ташкил этиш малакасининг етишмаслиги, студияни янада ривожлантиришда бюджетдан ташқари (ҳомийлар) маблағларни жалб қилишни йўлга қўйилмаганлиги каби муаммоларни долзарб деб ҳисоблаш мумкин.

Хўш, бу муаммоларнинг асл моҳияти нимада, нега айнан санаб ўтилган муаммолар пайдо бўлмоқда? Бунга бир неча сабаблар бўлиши мумкин. Биринчидан, касбга, ижодга бўлган меҳрнинг йўқлиги. Чунки ўз касбини, санъатни сидқидилдан севган инсон учун ҳеч қачон моддий манфаатдорлик биринчи ўринда турмайди. Бунга кўплаб эл суйган устоз санъаткорлар хаётини мисол қилиб келтиришнинг ўзи кифоя.

Иккинчидан, ўз касбининг асл моҳиятини тўлиқ англаб етмаслик ва касбий ғурурнинг шаклланмаганлиги. Яъни, дунёқараш, ижодкор сифатида ўз шахсий фикри йўқлиги, ўз асарга нисбатан ўз нуқтаи назарининг, муносабатнинг, ижодий ёндашувнинг йўқлиги ёки ўта сустлиги. Асарга нисбатан муносабат ҳар доим янгилик яратилишига сабаб бўлади.

Учинчидан, ёш операторларда назарий билимларнинг камлиги ёки умуман йўқлиги. Яъни, фақатгина амалий ишлаш жараёнида орттирилган озгина тажрибага суяниб иш кўриш. Олинаётган тасвирнинг драматургик кучи, унинг техник талаблари, қўлланилаётган муайян усулнинг тасвирий таъсир кучини ва қўллаш ўрнини билмаслик ва билишга интилмаслик.

Тўртинчидан, эринчоқлик, яъни назарий билимларга эга бўлиб ҳам уларни амалда қўллашдан эриниш, ўзбўларчиликка ташлаб қўйиш ёки "бўлаверадида" қабилида иш кўриш ва хоказолар.

Ушбу муаммони ҳал қилиш, ҳозирги ўзбек фильмларимизда операторларнинг тасвирий-ифодавий ижод маҳоратларини ошириш учун аввало: ёш авлодни тарбиялашда мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги "Ёш техниклар", "Фото хаваскорлик" каби техник тўгараклар фаолиятини қоғозда эмас, ҳақиқатда қайта ташкил қилиш ва ислоҳ қилиш. Қолаверса, шу мутахассисликлар тайёрланадиган коллеж, институтларда моддий техник базани сон ва сифат кўрсаткичларини ошириш ҳисобига билим бериш сифатини оширишга эришиш лозим;

Иккинчидан, операторларнинг бадиий дидларини, дунёқарашини, касбий ғурурларини тарбиялаш йўлида етук мутаҳассис устозлар тажрибасидан фойдаланиш, "Устоз-шогирд" анъаналари руҳида ёш операторлар ишини ҳар томонлама назорат қилиб туриш. Машхур устоз операторлар билан ижодий учрашувлар ўтказиб бориш ва шу йўл билан операторларнинг касбга нисбатан дунёқарашларини орттириш;

Учинчидан, студияда бадиий фильмлар яратаётган студиялар ва мутахассис операторлар ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириш лозим. Яъни ўзаро соғлом ижодий рақобат натижасида ўсиш жадаллашади ва янги замонавий техник воситалардан фойдаланиш малакасига эришишга интилиш соҳанинг янада ривожланишини

таъминлайди (Хусанов, 2016: 232). Бу жараённи рағбатлантириш учун давлат миқёсидаги кинофестивалларда “Энг яхши операторлик иши”, “Йилнинг энг яхши фильми” каби номинациялар киритиш, моддий рағбатлантириш каби ислохотларни амалга ошириш лозим.

“Қорақалпоқфильм” киностудияси ижодий жамоаси мавжуд муаммолар ва қийинчиликларга қарамай баҳолиқудрат ижод қилиб келишмоқда. Техник томондан камчиликлар, мутахассислар, айниқса ёш кадрларнинг етишмаслиги, кинофильмларга янгича услуб, янгича руҳ олиб кира оладиган ёш авлоднинг етишмаслиги шароитида студия ижодкорлари замонавий руҳдаги, бадиий мукаммал фильмларни яратишга интилмоқдалар.

Киностудиядаги барча муаммоларнинг илдизи аввало кино санъатини севадиган, унинг барча томонларини яхши тушунадиган, сергайрат, тадбиркор рахбар, замон рухини яхши хис этадиган, ёшларни ўз фикри ортидан эргаштира оладиган драматург ва режиссёрлар, замонавий техник воситаларни, кино санъатининг тасвирий оламини, тасвирий ифода воситаларини яхши билган ва амалда қўллай оладиган кино операторлари ва рассомлари, худди шундай овоз режиссёрлари ва овоз ёзиш, дубляж бўйича мутахассислар, малакали ва санъатсевар ёш кадрларнинг йўқлиги билан боғлиқ. Бу масалаларга ечим топиш қорақалпоқ халқи маданиятини, миллий кино санъатини ривожлантириш йўлида қўйилган залворли қадами бўлади.

“Қорақалпоқфильм” киностудияси ижодий жамоаси мавжуд муаммолар ва қийинчиликларга қарамай баҳолиқудрат ижод қилиб келишмоқда. Техник томондан камчиликлар, мутахассислар, айниқса ёш кадрларнинг етишмаслиги, кинофильмларга янгича услуб, янгича рух олиб кира оладиган ёш авлоднинг етишмаслиги шароитида студия ижодкорлари замонавий рухдаги, бадиий мукаммал фильмларни яратишга интилмоқдалар. Лекин билимларнинг етишмаслиги, техник камчиликлар ўз сўзини айтяпти.

Ўзбекистон республикасининг биринчи президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг 14 сессиясида кадрлар тайёрлаш аҳамиятини таъкидлаб, шундай деганди: “Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрлар ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ” (Каримов, 2000: 248).

Давлатимиз раҳбарияти томонидан кино санъатига қилинаётган эътибор, уни ўзини ўзи ривожлантириб борадиган соҳага айлантириш йўлида қилинаётган харакатлар ҳам қилинаётган ислоҳотларнинг бир кўринишидир. Қорақалпоқфильм кино ижодкорлари, айниқса кино операторлари бу фикрлардан ўзларига кераклича хулоса чиқариб олсалар яхши бўларди.

Иш бор жойда камчиликларнинг бўлиши табиий хол албатта. Бироқ хар қандай шароитда ҳам ижодкор хаёт файласуфи сифатида бошқаларга йўлчи юлдуз бўла олмоғи ва умуминсоний ғоялари ортидан халқни эргаштира олиши керак бўлади. Бунинг учун эса у ҳаммадан бир қадам олдинда юрмоғи керак. “Қорақалпоқфильм” киностудияси ижодкорлари ана шу ҳақиқатни унутмасалар бас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Давр-Кўзгу” студияси раҳбари, продюсер Қ.Файзуллаев билан ўтказилган суҳбат. 22.03.2013.

2. Асқаров А. Қорақалпоқ киносида операторлик маҳорати масалалари. Магистрлик диссертацияси. 2013.

3. Хусанов Ш.Т. Замонавий кинематографда юқори технологиялардан фойдаланиш масалалари. -Тошкент: Ўзбекистон ва санъати ва маданияти иаълимнинг долзарб муаммолари. Мақолалар тўплами. ЎзДСМИ, 2016.

4. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000.

“DEVONU LUG‘OTIT TURK” ASARIDA “QO‘Y” LUG‘AVIY MA’NOVIY GURUHIGA OID QARASHLAR

“DİVAN-I LÜGAT’İT TÜRK” ESERİNDE ‘KOYUN’ LEKSİK-SEMANTİK GRUBUNA AİT FİKİRLER

Tosheva Dildora,
Buxoro davlat universiteti o’qituvchisi
Sharipova Maftuna,
Buxoro davlat universiteti II bosqich magistranti.

Dildora TAŞEVA,
Meftuna ŞARIPOVA,
Buhara Devlet Üniversitesi

Özet. Makalede “Divan-ı Lügat’it Türk” eserindeki “koyun” leksik-semantik grubuna ait birimler ele alınmıştır. Koyun hayvanı ile ilgili kavramlar analiz edilmiştir.
Anahtar kelimeler: atasözü, leksik-semantik grub, derecelenme, koyun.

Annotation. The article deals with a number of unities concerning to lingvistic and spiritual groups of the word “sheep” of the “Devonu lug’otit turk” work. The processes related to the word “sheep” animal are descriled and analyzed.
Key words: proverb, lexical spiritual group, graduation, livestock, sheep.

XI asrda yashab ijod etgan etnograf, filolog, qiyosiy-tarixiy tilshunoslik asoschisi Mahmud ibn Husayn ibn Muhammad Qoshg‘ariyning bahosiga jahon xazinalari kamlik qiluvchi [1,4] “Devonu lug‘otit turk” asari – butun turkiy xalqlarning nodir manbasi. S.Rustamora ta’kidlaganidek: “Devonu lug‘otit turk”da turklarning hayot kechirishi uchun zarur ashyolarning nomlari, urug‘, qabilalarning nomlari, faxriy unvonlari, turli lavozimlarning nomlari, oziq-ovqat, yovvoyi va **uy hayvonlari**, parrandalar va yovvoyi qushlarning nomlari, o‘simliklarning nomlari, astrologik atamalar, xalq taqvimi, oy, hafta, kunlarning nomlari, jo‘g‘rofiy atamalar, shahrlar, turli kasalliklar nomlari, anatomik atamalar, metallar va minerallarning nomlari, harbiy atamalar va ma’muriy vazifalarga oid atamalar bor [4, 124-125]. Kitob o‘zida shu qadar ko‘plab rang-barang ma’lumotlarni mujassam etganki, ularni tahlil va tavsif qilish uchun ko‘p yillar kerak bo‘ladi [1,4]. Chunonchi, uy hayvonlari turkiy xalqlar turmushida alohida o‘rin egallaydi.

Qo‘y – go‘sht, jun, sut va teri olish uchun boqiladigan juft tuyoqli, kavsh qaytaruvchi uy hayvoni [6, 464]. Qo‘ylar yovvoyi qo‘y – *muflon*dan kelib chiqqan. Qo‘y bundan 8 ming yil avval xonakilashtirilgan [5, 198].

Qo‘y asrlar mobaynida inson hayotida muhim oziq-ovqat mahsuloti (go‘shtli, yog‘i), kiyim-kechak (teri, juni) sifatida katta rol o‘ynagan [7, 129].

“Devonu lug‘otit turk” asaridagi “qo‘y” LMGi bilan bog‘liq birliklarni quyidagicha izohlash mumkin:

Qo‘y saqlanadigan joy nomlari:

Ag‘il – og‘il, **qo‘y og‘ilxonasi**; o‘g‘uzlar qo‘yning qiyini ag‘il deydilar. Bir-biriga yaqin turgani natijasida kelib chiqqan. Chunonchi, yomg‘irni ham, bulutni ham sama deb aytilgani kabi (I,56). Ikki xil tushunchaning aynan bir xil nomlanishi natijasida, o‘zbek va uyg‘ur tillari orasida farqlanish ko‘rsatilgan.

Qasi – **qo‘y** va boshqalarni sovuqdan saqlash uchun yog‘ochdan qilingan **og‘ilxona**. Boshqasi ham shunday. Qasi badim – og‘ilxona soldim (III, 244).

Yoshiga ko‘ra darajalanishi:

Devondagi qo‘y nomlari ma’lum bir leksik paradigmalarda o‘zaro mazmun o‘xshashliklari va farqlari asosida muayyan qatorlarga, guruhlarga birlashishi ham mumkin.

Masalan, ularning yoshini ifoda etadigan darajalanish qatori ham shular jumlasiga kiradi: balder qozi – ertagi qo‘zi (I,425). Baqlan – baqlan qozi – yosh va semiz qo‘zi (I,415). Toqli – to‘qli, olti oylik qo‘chqor, qo‘zi (I,405). Tishak – ikki yoshli qo‘y (I,368). O‘TILda **g‘o‘non –** ikki yashar ayg‘ir yoki qo‘chqor tarzida izohlangan [6, 464]. Bundan tashqari, **do‘nan** - ikki yoshga to‘lib, uch yoshga qadam qo‘ygan qo‘y yoki echki [6,675] tarzida izohlangan. Demak, turkiy xalqlar ikki yoshli qo‘yni turli nomlar bilan atagan. Irk – qo‘y, to‘rt yoshga qadam qo‘ygan qo‘y (I,78). Man: man jashlig‘ koj – to‘rt yashar qo‘y. Bu so‘z qo‘ydan boshqaga qo‘llanmaydi (III,172).

A’zolari va mahsuloti bilan bog‘liq nomlar tasnifi.

1) yungi va u bilan bog‘liq mahsulotlar nomi:

a) ot so‘z turkumi: Qars – tuya yoki **qo‘y yungi**dan qilingan kiyim (I,333).

Jo‘n – yung, tuya yoki **qo‘yning yungi** (III,373).

b) fe’l so‘z turkumi: Utuldi – yungi kuydirildi, utildi. Koj bashi o‘to‘ldi – **qo‘y** kallasining **yungi** utib olindi. Boshqasida ham qo‘llanadi (I,201). Junlatti – yungini qirtirdi, oldirdi, kestirdi. Ol kojug‘ junlatti – u **qo‘yning yungi**ni kestirdi. Tuya uchun ham bu so‘z qo‘llanadi. (junlatur, junlatmaq) (II,415). Junladi – yungini qirqdi. Ol kojun junladi – u **qo‘yining yungi**ni qirqdi. (junlar, junlamaq) (III,412). Qirqdi: ol kojun qirdi – **qo‘yning yungini** qirqdi. Boshqasi ham shunday. (qirqar, qirqmak) (III,428).

2) terisi va u bilan bog‘liq mahsulotlar nomi:

a) ot so‘z turkumi: ichmak – qo‘zi terisidan qilingan po‘stin (I,127). Qujqa – teri. Bu so‘z aslida teriga qo‘llansa ham, ba’zan po‘stinga ham qo‘llanadi. Ol kojug‘ qujqaladi – u qo‘yning terisini qaynoq suvda tozaladi. Teri tukdan tozalandi va ochiq ko‘rindi (III,188).

b) fe’l so‘z turkumi: jo‘zto‘rdi: ol anar koj jo‘zto‘rdi – u unga qo‘y terisini shildirdi. Boshqasi ham shunday (III,105). Sojushdi – shilib olishdi. Ol mana teri sojushdi – u menga qo‘y terisini shildirishga yordam berdi. Boshqasi ham shunday. Shuningdek, bu so‘z tuxum po‘chog‘ini, daraxt po‘stlog‘ini ajratishda ham qo‘llanadi. (sojushur, sojurmaq) (III,205). Sojuldi – shilindi. Koj terisi sojuldi – qo‘y terisi shilindi (III,207). Sojdi – er kojug‘ sojdi – odam qo‘y terisini shildi. Boshqasi ham shunday. (sojar, sojmaq) (III, 262).

3) a’zosi bilan bog‘liq nomlar:

a) ot so‘z turkumi: karko‘k – qo‘yning qat-qat qorni ichidagi katakchalarga o‘xshash narsa (II,334). Qosh – har bir juft narsa. Shundan olinib, qaychiga qosh bichak deyiladi, juft pichoq demakdir (arg‘ucha). Maqolda shunday kelgan: qorqmish kishiga koj bashi qosh ko‘ro‘no‘r – qo‘rqqan odamga har qo‘yning boshi juft ko‘rinadi. Bu maqol har narsadan qo‘rqqan, hatto, u narsani xayol qilganda ham, har vaqt qo‘rqadigan kishiga nisbatan aytiladi (III,139).

b) fe’l so‘z turkumi: meniladi: er meniladi – odam miyani yedi. Asli to‘g‘risi shudir. So‘ng bu so‘z miya uchun qo‘y so‘yish kerak degan ma’nodadir. Bu qo‘yning eng qimmatli a’zosidir. Birov hurmati uchun **qo‘y** so‘yilib, **miya** taqdim qilish eng buyuk hurmatdir. So‘ng bu so‘z o‘rnida yaxshi taomi bor har bir odam uchun ham ataladigan bo‘lgan (III,413). Eritti – ol kozi eritti – u **qo‘zi**ni axta qildi. (**moyagi**ni chiqirib oldi) (I,215). Bu jarayon erkak qo‘zilar ustida amalga oshiriladi. Mayin junli va yarim mayin junli qo‘ylar bahorda jun qirqimi oldidan, bir yoshligida bonitirovka qilinadi. Barra terisi uchun boqiladigan qo‘ylar 1-2 kunligida, po‘stinbop qo‘ylar esa 7-8 oyligida, dag‘al junli boshqa qo‘ylar (shu jumladan go‘shtdor-yog‘dor qo‘ylar) kuzda jun qirqimi oldidan bonitirovka qilinadi [8,213]. Bu jarayon erkak qo‘zilar ustida amalga oshiriladi. Ular naslchilikka emas, balki mahsulot manbaiga xizmat qiladi. Cho‘jdi – cho‘zdi. Urag‘ut jip cho‘jdi – xotin ipni cho‘zdi. **Qo‘y ichagi,** arqon kabi tortib cho‘zish mumkin bo‘lgan har bir narsaga ham bu so‘z qo‘llanadi. Bu so‘z ham ikki jag‘ orasidagi j bilan aytiladi. (cho‘jar, cho‘jmak) (II,16). Cho‘jto‘rdi – cho‘zdirdi. Ol jipig‘ cho‘jto‘rdi – boshashgan arqanni torttirdi. Qo‘y ichagini artishga ham bu so‘z qo‘llanadi. (cho‘jto‘rur, cho‘jto‘rmak) (II,209).

4) qiyi (o‘g‘it):

a) ot so‘z turkumi: in – **qo‘y qiyi**; bu so‘zning jin shakli ham bor (I,84). Jin shaklining mavjudligini quyidagicha izohlash mumkin: qipchoq shevasida odatdagi *y* o‘rniga qorishiq *j* undoshi talaffuz etiladi: *jol joq, jorgek, joman, jil, jiladi* va b.(ad.-orf. Yo‘l, yo‘q, yo‘rgak,

yomon, yil, yig‘ladi). *Uzum* so‘zi (qadimda yuzum shaklida ishlatilgan bo‘lsa kerak) boshida ham *j* aytiladi: juzum [3,16]. In sozining ham yin bo‘lishi ehtimoldan holi emas. Chalma – chalma, **qo‘y,** tuya va boshqa mollar **qiyi**dan kesib olib, qishda yoqish uchun quritiladigan tezak (I,407). Jin – tezak. Koj juni – **qo‘y qumalog‘i** (III,11). Mo‘no‘zlandi – shoxlandi, shox chiqardi. Qozi mo‘no‘zlandi – qo‘zi shox chiqardi. Boshqasi ham shunday. (mo‘no‘zlanur, mo‘no‘zlanmak) (III,415).

Xulosa qilib aytganda, ushbu nodir asarda “qo’y” LMGi aksariyat ijobiy ma’noda qo’llangan. Qo’y hayvonining yoshiga ko’ra darajanishi, a’zosi, mahsuloti, hayot kechirishi, ko’payishi izohlangan. Asarni o’rganish davomida XI asrda qo’y hayvoni xalqimizning o’tmishdagi hayotida, turmush tarzida qanday o’rin tutganini kuzatdik. Xalqimizning boy tarixini har tomonlama o‘rganish, uning taraqqiyot bosqichlariga xos jihatlarni umumlashtirish bugungi kuning muhim masalalaridan hisoblanadi. Demak, “Devonu lug‘otit turk” asari o‘zbek xalqi tarixida muhim ahamiyatga ega noyob. Uni o’rganish, tadqiq qilish biz avlodlarning asosiy vazifamizdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Абдулаҳатов Н., Тошпўлатов И., Носирова У., Жўрабаева У. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги лексик бирликлар тадқиқи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 53.

2. Koshg‘ariy M. Devonu lug‘otit turk. Uch tomlik. I tom. - Toshkent: Fan, 1960. –B. 499. II tom. - Toshkent: Fan, 1961. – B. 427. III tom. - Toshkent: Fan, 1961. – B. 463.

3. Mirzayev M. O‘zbek tilining Buxoro gruppa shevalari. . – Toshkent: Fan, 1969. – B. 160.

4. Рустамора С. Маҳмуд Кошғарий ва унинг “Девону луғотит турк” асари // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, № 2, 1996. – Б. 156.

5. Zoologiya. 7-sinf: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik/O. Mavlonov. – Tuzatilgan va to‘ldirilgan to‘rtinchi nashri. – Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2017. – B. 208.

6. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildlik. 1-jild. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti, 2008 . – B. 464.

7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2005. – Б. 528.

8. Chorvachilik. – Toshkent: O‘qituvchi, 1980. – B. 380.

САЙЁРА ТЎЙЧИЕВА ИЖОДИДА АДАБИЙ –ЭСТЕТИК ИДЕАЛ КАТЕГОРИЯСИ

SEYYARA TOYÇİYEVA ESERLERİNDE EDEBİ-ESTETİK İDEAL KATEGORİSİ

Туропова Паризод,
Жиззах давлат педагогика институти
тадқиқотчиси (Ўзбекистон)

Ar. Gör. Perizad Turapova,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü.

Özet. Makalede tanınmış Özbek şairi Seyyara Toyçiyeva eserlerindeki poetik ideal konusu tahlil edilmiştir.
Anahtar kelimeler: Poetik sanatlar, lirik ifade, lirik kahraman, fikir, süreç.

The summary. This article is devoted to investigate literatuval, aesthetic ideal category in Sayyora To'ychiyeva's works.
Key words: Fiction art, poetic thinking, lyrical allure, lyrical expression, the lyrical hero, concept, process.

Аннотация. Эта статья о идеальных категориях литературно-эстетических изучений, она посвящена трудам С.Туйчиева.
Ключевые слова: Художественное искусство, поэтическое мышление, лирическое заманчивость, лирическое выражение, лирический герой, понятие, процесс.

Истиқлол даври ўзбек адабиётида ижодкорларнинг турли мавзуларда эркин ижод қилиш имкониятлари юзага келди. Қалам аҳли ўз асарларида шўролар тузуми давридаги каби бутун эътиборини партия ғояларини кўр–кўрона бажарадиган шахслар тарбиясига хизмат қиладиган асарлар яратишга эмас, балки инсон руҳиятини, унинг тарбиясига йўналтирилган асарлар ёзишга киришдилар. Бу борада улар асрлар давомида шаклланган миллий адабий анъаналаримиз ва жаҳон адабиёти анъаналарига суяндилар.

Чунончи: "Истиқлол даври ўзбек шеърияти мазмун моҳияти билан миллий адабиётимиз анъаналарига, жаҳон шеърияти ютуқларига таяниб, уларни ижобий ўзлаштириб, шакл ва мазмун такомилида янги босқичга кўтармоқда. Шоирларимизнинг бадиий–эстетик изланишлари образлар тизими, услубий ўзига хос хусусиятлари билан кўзга ташланади. Бу изланишлар шеъриятимизнинг мазмун–мундарижасидаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқ"(Саидғаниева, 1997: 3).

Дарҳақиқат, Истиқлол даври ўзбек шеъриятида ижодкорга ўз ғояси, адабий–эстетик идеалларини тараннум этиш учун кенг имкониятлар очди. Хусусан, Ватан озодлиги билан боғлиқ адабий–эстетик идеалларнинг янги қирралари кўзга ташлана бошлади. Назм аҳли ўқувчиларга асрлар давомида орзу қилинган Истиқлолнинг қадрига етиш, уни мустаҳкамлаш, бунинг учун халқимиз тимсолида кўришни истаган идеалларни тақдим қилдилар. Жиззахлик шоира Сайёра Тўйчиева ижодида бундай адабий–эстетик идеалларнинг ўзига хос, халқ руҳиятига яқин, замон билан ҳамнафаслигини кўришимиз мумкин. Унинг иккинчи тўплами "Мен сени қизғонаман"га кирган шеърларнинг мавзу кўлами хусусида Н.Ҳотамов қуйидагича сўз юритган: "... Сайёра олима–фалсафа фанлари номзоди, вилоятда давлат ва жамоат ишларининг фаол масул ходимаси бўлгани учун унинг шеърларида инсон тақдири, эл–юрт ғами, ватан меҳри, фарзандлар камолоти ғоялари кўтаринки руҳда тасвирланади, теран фалсафий ва ҳаётий хулосалар тасдиқланиб, ярамас иллатлар қораланади ва инкор этилади. Бу шеърларда истиқлол руҳи, мустақил мамлакатимиз фарзандларини эл–юрт, ватан учун содиқ ва ҳалол хизмат қилишга,

диёнатли ва жасур бўлишга чорлаш руҳи шоира табиатига мос жўшқин кайфиятда куйланади. Чунончи, истиқлол мавзусида яратилган “Ўзимнинг элим” шеърида шоира:

Сени етти иқлим тан олгани рост,
Мадҳинг қўшиқ бўлиб таралгани рост,
Воз кечган хешларинг талпингани рост,
Шавкатингдан айланай, ўзимнинг элим...
Шарқнинг дарвозасин эгаси – ўзбек,
Мусулмон дунёсин эркаси – ўзбек,
Энг тўкин дастурхоннинг бекаси – ўзбек,
Неъматингдан айланай, ўзимнинг элим,

деб мустақил мамлакатимиз бўй–бастини, шон–у шавкатини ғоят тўғри ифодаласа, “Ўзбегим” шеърида ўзбек халқи, жонажон юртимиз ва ота–боболаримиз хотираси ҳақида теран фикрлар билдириб, бир–биримизни авайлаб асрашга, Туркистон халқларини бир ёқадан бош чиқариб, истиқолни ҳимоя қилишга, тинч–тотувликка даъват этади:

Элимиздан яхши чиқса, болам дейлик,
Ёмон чиқса, инсофга кел сен ҳам дейлик,
Биргалашиб Туркистоннинг ғамин ейлик,
Бир–биринги асра энди, жон ўзбегим (Тўйчиева, 1996: 6-7).

Умуман, шеър етти банддан иборат. Мунаққид келтирган бандлардан ташқари бандларнинг ҳар бири юқоридаги каби даъват билан тугайди. Унгача шоир халқимизга хос ҳалоллик, тантилик, шаҳдамлик каби хислатларни эсга олади. Улуғбек, Бобур каби боболаримиз борлиги, Қодирий ва Чўлпонларнинг бевақт келганлиги, Темурийлар давлатининг шонли кунларини ёдга солади. Юртимизнинг валломатлар юрти эканлигини айтади. Албатта, булар шунчаки статистик ҳисоботлар эмас. Шоира булар орқали халқимзнинг руҳиятида яна ўша шижоат, тантилик, жасурликнинг қайта тикланиши, Бобур ва Улуғбек сингари фарзандлар етишиб чиқишини исташини билдирган. Юртимизнинг шон–у шавкати яна темурийлар давридагидек бўлиши билан боғлик идеалларини баён қилади. Шоира ўзбек халқи бир–бирини асраши керак деган фикрининг мағзига нурафшон кунларга қанчалар машаққатлар, йўқотишлар билан етиб келганимиздан кейин, энди Бобур–у Улуғбекларга қилинган хиёнатлар бўлмасин, Қодири–ю Чўлпон сингари алломаларимизни асрайлик деган ғояни ҳам илгари суради. Халқимизнинг барча жараёнларнинг фарқига борадиган, юксак тафаккурга эга бўлиб бирлашиши – идеал бўлишини хоҳлайди.

Сайёра Тўйчиева ўзбек халқининг ниҳоятда ватанпарвар бўлишини истайди. Ватаннинг ҳар бир зарраси, тупроғини қадрлашини хоҳлайди. Бунинг учун шоира Ўзбекистоннинг буюклиги, ундай ватан ҳеч қаерда топилмаслигини турли ракурслардан туриб ўқувчилар шуурига етказишга интилади. Жумладан, унинг “Хорижлик ўзбеклар қўшиғи” шеърида:

Ўзбек юртим, она юртим, озод юртим,
Сендан айру юриб, айтгин не ҳам кўрдим,
Қайда бўлмай меҳр деган илинж тердим,
Юрагимнинг теграсида қолган Ватан (Тўйчиева, 2008: 22), дейди. Шеърда тақдир тақозоси билан Ўзбекистондан чиқиб кетишга мажбур бўлиб, кейин қайтиб кела олмаган ватандошларимизнинг бутун ички дардлари, руҳий кечинмалари, Ватанни кўриш орзуси, Ватаннинг ҳар бир гўшаси, райҳони–ю қалдирғочлари тушларига кириб чиқаётганлиги тасвирланган. Бу тасвирлар ҳақиқий маънода Ватан соғинчи билан яшаётган ўзбекнинг дил изҳорлари. Уни ўқиган ўқувчи бир лаҳзага бўлса ҳам тафаккурга бориши, ўйлаб кўриши, ўзи учун оддий кўринган райҳон ҳиди–ю қалдирғочларнинг ини, кўкламнинг таровати аслида ниҳоятда бебаҳо эканлигини ақл тарозисидан ўтказиши аниқ.

Истиқлол халқимизга барча томондан эркинлик берди. Лекин Истиқлолнинг илк йилларида қўлга киритилган мустақилликнинг қиммати айрим калтабин шахслар томонидан қадрланмади. Ҳали ҳамон эски тузумни қўмсовчилар учраб турарди. Ана

шундай кунларда уларнинг кўзини очиш, келажакка теран ақл билан қараш, Истиқлолнинг мазмун–моҳиятини англатиш зарурати долзарб масала сифатида кўрина бошлади. Мамлакатимизнинг қисқа вақт ичида ҳам иқтисод, ҳам маънавият соҳасида эришган ютуқларини бутун дунё тан олиб турса–да, ана шундай кўра олмасларнинг кўзини очиш шарт бўлди. Юқоридаги каби адабий–эстетик идеаллар, юртимизнинг жаҳон миқёсида бўй–бастининг юксалиб бораётганлиги, Мустақилликнинг қадр–қимматини кўрсатишга қаратилган "Мадҳия" шеърида ҳам тараннум этилади:

Нью–Ёркдан кўринса бўйларинг сенинг,
Ўзбекча таралса куйларинг сенинг,
Имондан бичилган кўйлагинг сенинг,
Иффатингдан айланай, ўзимнинг элим (Тўйчиева, 2008: 15).

Истиқлол туфайли кўплаб соҳаларга эркинлик берилди. Лекин бу эркинликлардан юртимизнинг ғанимлари фойдаланишга интилдилар. Ҳали ғўр, билимсиз, ҳаётий тажриба эга бўлмаган ёшларни ёт ғоялар билан йўлдан урдилар. Уларни манқурт, ўз юртига душман болалар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилдилар. Оқибатда, кўплаб ёшлар бузғунчи кучларнинг ваъдалари, кўрсатмаларига эргашдилар. Кўр–кўрона уларнинг манфаатига хизмат қилдилар. Чет давлатларга кетиб, ғанимларнинг қўлида қўғирчоқ бўлдилар. Шоира ана шундай ёшларнинг тақдирини кўриб ич–ичидан куяди. Уларга она сифатида мурожаат қилади. "Қайтгин, болам" шеъри ана шундай йўлидан адашган ёшларга қарата айтилган панд–насиҳат мазмунига эга. Жумладан,

Ватансизлар Ватан қадрин қайдан билсин,
Падаркушлар ота қадрин қайдан билсин,
Ярим кўнглим, болам, сенсиз қайдан тўлсин,
Қайтгин, болам, қучоғимга қайтгин, болам,

деб ҳайқиради муаллиф. Ушбу шеърнинг бошқа бир бандида эса:

Эл юзига оёқ тираб шайх бўлмассан,
Саргардону сарсон юртда бахт кўрмассан,
Кеч бўлади, кейин сира улгурмассан,
Қайтгин, болам, қучоғимга қайтгин, болам! (Тўйчиева, 2008: 19), мисралар берилади.

"Биз кечиримли халқмиз" шеъри ҳам юқоридаги каби йўлидан адашган ёшларга қаратилган. Шеърда ўзбек халқининг бағрикенглиги, кечиримлилиги айтилади. Тарихда ўтган Ватан хоинлари, падаркушларнинг тақдири ҳақида сўз юритилади. Ватанга хиёнат қилганларнинг тақдири ҳеч қачон яхшилик билан якун топмаслиги таъкидланади. Бунинг аксича, шоира юртимиз ёшларининг ватанпарвар бўлиши, Ватаннинг бугуни ва эртасини қадрлаш, ўтган кунини ёддан чиқармайдиган шахс бўлиб вояга етишини хоҳлайди.

Сайёра Тўйчиеванинг булар билан бирга "Ўзбекистоним", "Ўзингга буюрсин, элим!", "Ўзбекистон полвонлари", "Азиз элга", "Нидо", "Пок нома битдим", "Темур фарёди", "Аёлини алқаган эли", "Ватан", "Хуш келибсан, Наврўзим", "Ўз элимга сиғиндим" каби шеърларида Ватан тараққиёти, унинг мустақиллиги мустаҳкамланиши, дунё мамлакатлари ўртасида ўз ўрнига эга бўлишида ҳар бир фуқаро масъул эканлиги айтилади. Шунингдек, мазкур шеърларда халқимизнинг асрлар давомидаги тажрибалари маҳсули сифатида юзага келган "Куч бирликда", "Бўлинганни бўри ер" деган мақолларнинг мазмуни ҳам ўз аксини топган. Шу билан бирга шоиранинг Истиқлол, Ватан озодлиги, Истиқлолни мустаҳкамлаш билан боғлиқ адабий–эстетик идеаллари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий каби миллатпарвар, ватанпарвар, маърифатпарвар ижодкорларимизнинг идеаллари билан ҳамоҳанглик касб этади.

Хуллас, Сайёра Тўйчиева Ватан озодлиги, Истиқлол ва уни мустаҳкамлаш билан боғлик адабий–эстетик идеалларида, юртимиз аҳолиси Истиқлолдан кейин юз бераётган тараққиёт, юксалишлар, қурилиш, бунёдкорликлар, тақдим этилган имкониятларни қарлайдиган, қадрига етадиган кишилар бўлишини орзу қилади. Шоиранинг ўз адабий–эстетик идеаллари орқали ёшларни адашмасликка, аждодлари руҳидан мадад олишга,

уларнинг ишини давом эттиришга, давлатимиз довруғини темурийлар давридагидек даражага кўтаришга ҳисса қўшишга чорлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сайдганиева Г.Ш. Истиқлол даври лирикасида строфика ва ритмнинг поэтик образ яратишдаги ўрни: Филол. фанлари номзоди … дис. автореф. – Т.:, 1997.

2. Сувонқулов И. Сангзор садолари. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.

3. Султонмурд Олим. Истиқлол - бахтим, саодатим...-Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутабхонаси нашриёти, 2007.

4. Тўйчиева С. Мен сени қизғонаман. –Тошкент: Фан, 1996.

5. Тўйчиева С. Санамгина. –Тошкент: Фан, 2008.

THE IMPORTANCE OF USING VIDEO AND SOUND EFFECTS IN TEACHING ENGLISH

I.T.Bakhromova,
Branch of RSU of oil and gas named after
I.M.Gubkin in Tashkent city (Uzbekistan)

Özet. Makalede İngliz dili öğretiminde medya araçlarından yararlanma, audio-vizual araçların kullanılması ve önemi hakkındaki fikirler ileri sürülmüştür.
Anahtar kelimeler: faaliyet, gösterge, fikir, tasavvur, tasvir, ilhamlandırma.

Аннотация. В данной статье рассказывается о важности и необходимости использования видео и аудио средств в преподавании английского языка и о том, как организовать урок с использованием других коммуникативных средств.
Ключевые слова: активность, действительный, пригодность, допустимость, концепция, наглядный, случайный, картина, вызывать.

Annotation. The given article is about the importance of using video and sound effects in teaching English and how to organize the lesson with the use of media and other communicative means.
Key words: activity, authentic, availability, affordability, concept, visual, random, scene, prompt.

Овладение богатством русского языка студентами национальной аудитории предполагает также изучение фразеологии, как одного из средств развития стилистических навыков, повышения культуры речи.

Изучение фразеологического фонда языка каждого народа обогащает не только языковой опыт, но и духовный мир человека. Это особо значимо в процессе обучения русскому языку нерусских. При этом сопоставление фразеологических единиц способствует глубокому постижению их семантики, что создаёт предпосылки для активного введения усвоенных выражений в собственную речь. Это особо значимо в процессе обучения узбекскому и русскому языкам студентов.

В узбекской фразеологии нет чёткого разграничения между различными типами устойчивых единиц языка. Так, для обозначения фразеологизмов в узбекском языке используют термин «фразеологик ибора» (фразеологический оборот, фразеологическое выражение, фразеологизм)1; «иборалар», (идиома), реже – «барқарор (турғун) сўз бирикмалари» (устойчивые словосочетания).

Сопоставительный аспект изучения фразеологических единиц диктуется необходимостью обращения к языковому опыту нерусских языков, имеющемуся у них на родном языке. Принцип сопоставительный подачи фразеологизмов сложен, так как необходимо учитывать межязыковой характер на уровне семантики, структуры, грамматической природы фразеологической единицы.

Умело и вдумчиво отобранные фразеологизмы предают речи экспрессивность и яркость, способствуют лучшему её восприятию. Главная задача работы над фразеологическими выражениями – расширение активного лексического запаса студентов, формирование у них навыков осознанного использование фразеологических средств языка в различных целях и в различных условиях речевого общения.

В связи с этим особую важность приобретает метод сопоставления.

Остановимся на некоторых семантических признаках фразеологизмах русского языка и их соответствии в узбекском.

Признано, что самый трудный вид работы при переводе это подача содержания фразеологизмов. Здесь очень важно отношение образности и экспрессивности, рекомендуются следующие способы передачи фразеологизмов, предусматривающие:

1). Полное сохранение иноязычного образа;

2). Частичное изменение образности;

3). Полную замену образа;

4). Снятие образности.

Первым способом передают фразеологические единицы, носящие интернациональный характер (это фразеологические эквиваленты, различные кальки), вторым – частичные эквиваленты, когда образность компонентов может совпадать или заменяться близкой ей по значению. При этом может быть расхождение грамматического, лексического и структурного характера. Замена образности при переводе (четвертый способ) используются с целью сохранения экспрессивности в случае глубоко национального её характера. И, наконец, перевод без сохранения образности – это, как правила, не фразеологическая передача, а лексическая т.е. при помощи выразительных слов.

Выборки, сделанные из фразеологических словарей, позволять сказать, что меньшее количество примеров представляют фразеологизмы – эквиваленты, передающиеся первым способом. К ним относятся фразеологизмы – эквиваленты, являющиеся кальками. Например:

Задрать нос - (прост.) Зазнаваться, важничать, чваниться. «Тебе дело говорят, а ты **нос дерёшь.** Точно умнее тебя и на свете – то никого».

Бурнини (осмонга) кутармок (Букв. Поднять нос к верху). Зазнаваться, важничать. Почтачини бурни кутарилиб колибти. «Хат борми?» - десам - Йук, - деб кетаверади. (И.Рахим «Чин мухаббат». – Почтальон задрал нос. Спрашиваю: «Есть письмо?», а он отвечает «нет» и шагает дальше.

Большое количество фразеологических единиц – эквивалентов передается вторым способом, например:

Широкая натура - Человек не мелочный, открытый, щедрый во всех проявлениях.

Семен Богачев был … человек в высшей степени энергичный и, что называется **широкая натура,** и поэтому рамки тульской деятельности оказались ему тесны.

Юраги дарё (кенг) - (букв. Сердце его, что река). Человек огромной выдержки. – Хамманинг юраги сеникига ухшаган дарёми? – Разве у всех, как у тебя , такая же **широкая натура.**

Как (будто, словно, точно**) снег на голову. –** Совершенно неожиданно, внезапно (появляться, пребывать, являться). Обещанной телеграммой Валентин не послал и явился в Кузнецк **как снег на голову**.

Томдан тараша тушгандай – (букв. Как щепка, упавшая с крыши). Вдруг, неожиданно и грубо. Кизик, тупа – тузук йигит, у йук – бу йук томдан тараша тушгандай

килиб, бирдан совчи юборгани канакаси. – Интересно, парень не плохой, но что это значить: ни с того ни сего посылать сватов, **как снег на голову.**

Выше названных парах фразеологизмов – эквивалентов русского и узбекского языков при различии в лексико - грамматической организации наблюдается - в большей или меньшей степени - совпадение образных значений.

Фразеологизмы – эквиваленты широкая натура – юраги дарё (кенг) – единицы с частично совпадающими образными значениями, а различие у них –лексического характера. Если в русском фразеологизме основным компонентом является слово **натура,** то в узбекском **– юрак** (сердце**).**

Частичные совпадающие образные значения при различии лексического характера наблюдается и во второй паре фразеологизмов – эквивалентов. Во фразеологизме **как** (будто, словно, точно) **снег на голову** с образным значением «совершенно неожиданно, внезапно» основным компонентом является словно снег, а в узбекском эквиваленте **томдан тараша тушгандай**, имеющем образное значение «вдруг, неожиданно и грубо», основной компонент – **тараша** (щепка).

Для выявления уровня владения студентами фразеологическим богатством русского языка и понимания особенностей фразеологизмов, нами даны упражнения по сопоставлению фразеологизмов русского и узбекского языков.

Упражнение 1. Прочитайте примеры. Переведите на русский язык выделенные фразеологизмы. Объясните их значения.

1.Менга нима? Индамай қуя қоламан. Лекин сен хали ёшсан, менга «кўз- кулоқ» бул» деб топширилган, лекин индамасам тумшугимга туширади. (М.Горький). 2. Қулинг ўргилсин этикча булибти-да, ўзиям! (Б.Полевой). 3. Ёмғир челаклаб қуйгандай қуярди. 4. Бу **пашшага** хам **озор бермайди** (Л.Н.Толстой). 5. Сувдан қуруқ чиқди.6. Красновнинг ўнг қўли. (М.Шолохов).

Упражнение 2. Прочитайте примеры. Вместо точек посставьте в контекст нужный по смыслу фразеологизм из тех, что помещены справа

1. Часа через два пароход придёт , и к утру нас.... (А.Серафимович)	на тебе
2. Старики свиделись и немного загрустнули; Прасковья Павловна даже послезилась. -....- сказал Семён Иванович, в грустном изумлении простирая руки.(Салтыков – Щедрин).	и след простынет ни души
3. Что ты, что ты, Данилушка? Неуж тебе ....наскучил? (Бажов).	сколько лет, сколько зим!
4. И вот - ...., она, оказывается , правда горевала , что он такой молчаливый и неласковый.(В.Шукшин).	белый свет
5. На площади - .... . (М.Шолохов).	

Упражнение 3. Составьте предложения со следующими фразеологизмами.

1. Сбить с толку (кого?)
2. Играть на руку (кого?)
3. Свести с ума(кого?)
4. Заговаривать зубы(кому?)
5.Ломать голову(над чем?)
6. Отвести глаза (кому?)
7.Свести на нет (что?)
8. Лить воду на мельницу (кого?)

Упражнение 4. Составьте предложения со следующими фразеологизмами.

1. Из рук вон (плохо)
2. Как рукой сняло (что?)
3. Руки связаны (у кого?)
4. Излить (изливать) душу (перед кем?)

5. Стоять над душой (у кого)
6. Под рукой (иметь что-то)
7. Сходить (сойти) с рук, (кому?)

Упражнение 5. Проведите сопоставительный анализ приведённых ниже русских и узбекских фразеологических единиц; выделите их сходства или различия на семантическом, лексико-грамматическом уровне, на уровне образности и ситуации употребления; придумайте ситуации, в которых можно было бы употребить данные выражения.

Как дважды два – Қозоқнинг тўққиз пулидай, Беш қўлдай; Как две капли – Бир олманинг икки палласидай; Бир мири ҳаён, уч мири зиён – Пользы на пятак, убытку на пятнадцать.

Семантическая классификация фразеологических единиц русского и узбекского языков в целом совпадает по самым основным рубрикам, связанным с характеристикой человека, однако узбекские и русские фразеологизмы, как правило, существенно различаются по представлению внутренней формы фразеологизма.

В целях углубленного изучения фразеологии русского языка студентами национальной аудитории, а также для достижения большой эффективности при этом, прежде всего следует особо выделять образные значения фразеологизмов – эквивалентов других языков.

Таким образом**,** внутренняя форма фразеологизмов близкой тематики крайне редко совпадает в разносистемных языках, в том числе в узбекском и русском; можно даже утверждать, что в деталях совпадение внутренней формы однотипных фразеологизмов невозможно из-за различия в грамматических оформлениях, вследствие чего полная эквивалентность фразеологических единиц практически невозможно**.**

Использованная литература:

1. Азизов А.А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языка. – Ташкент,1995.
2. Фразеологический словарь русского языка / Под ред. А.И. Молоткова. – Москва: Русский язык, 1978.
3. Ўзбекча-русча луғат / проф. Т.Н. Қори-Ниёзи ва проф. А.К. Боровковнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент, 1941.
4. Русско-узбекский словарь. В двух томах. Т. 2. -Ташкент, 1984.

PUBLITSISTIK MATNLARDAGI METAFORALAR XUSUSIDA

GAZETE METİNLERİNDEKİ METAFORLAR HAKKINDA

N. Boltayeva,
Buxoro davlat universiteti magistranti.

N. Boltayeva.
Buhara Devlet Üniversitesi.

Özet. Makalede tıp alanıyla ilgili gazete metinlerindeki metaforların anlamsal ve dilbilimsel özellikleri tahlil edilmiştir.

Anahtar kelimeler: gazete uslubü, metafor, metaforik anlam, başlık, fitomorfik metafor.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности и метафоры публицистических текстов. Анализируются метафоры из популярных публикаций в области медицины.

Ключевые слова: публицистика, публицистический стиль, публицистический текст, метафора, метафорическое соединение, фитоморфная метафора, улица, переносимое значение, название.

Annotation. The article discusses the peculiarities and metaphors of publicist texts. Metaphors from popular publications in the field of medicine are analyzed.

Key words: publicism, publicist style, publicist text, metaphor, metaphorical compound, pytomarphik metaphor, migration, portable meaning, title.

Ma’lumki, publitsistika badiiy, siyosiy, ilmiy jabhalarni qamrab oluvchi yirik soha hisoblanib, ommaviy axborot vositalari sanaladigan radio va televideniyeda, gazeta va jurnallar sahifalarida aks etadigan yangilik, xabar, reportaj, tahlilnoma, bosh maqola, maqola, ocherk, felyeton, pamflet, e’lon, reklama singari qator janrlarni qamrab oladi. Ana shu qamrov doirasining kengligi o‘z navbatida til birliklarining har bir janrda alohida tarzda me’yorlashuvini taqozo etadi.

Til taraqqiyotida muhim omil sanaladigan publitsistika o‘z navbatida tilning imkoniyatlaridan keng foydalanadi, shu bilan birga, yangi so‘z va iboralar hisobiga tilimizning boyib borishiga ko‘maklashadi.

Publitsistik uslubda shakllangan matnlardagi aniqlik, qisqalik, lo‘ndalik, ixchamlik, yorqinlik kabi xislatlar barchaning e’tiborini tortsa, bunday matnlar obrazliligi, ta’sirchanligi, tasviriy vositalarning mahsuldor qo‘llanilishi bilan ajralib turadi. Ayniqsa, turli metaforik birikmalarni faol qo‘llash ham ommabop uslub tabiatiga mosdir.

Barchamizga ma’lumki, yunoncha “metafora” so‘zining lug‘aviy ma’nosi “ko‘chirish” bo‘lib, u dastlab umuman ko‘chma ma’noli so‘z (trop) sifatida ishlatilgan (Каримов, 2014, 8-сон).

Shuningdek, ayrim mutaxassislar “metafora – o‘xshatishning qisqargan shakli”, -degan izohni ham ilgari suradilar (Расулов, 1967, 1-сон. 18-б.; Қобулжонова, 2000: 5). Metafora so‘zni ko‘chma ma’noda qo‘llashning bir turidir. Uni prof. L.A.Bulaxovskiy “atashning belgiga qarab ko‘chishidir”, -degan edi (Қиличев, 2005: 65). Demak, biror predmet, belgi yoki harakatning nomini boshqasiga o‘xshashligi asosida ma’no ko‘chirishga metafora deyiladi.

Biz ushbu maqolada tibbiyot sohasiga oid “Shifo-info” (01.11.2018. №44) davriy nashr materiali (gazeta) dan olingan ayrim matnlardagi metaforalarni tahlilga tortdik:

- *Uchuq (gerpes) infeksion kasallik bo‘lib, rostdan ham qondagi qand miqdorini oshirishi mumkin… Agar o‘z vaqtida davolanmasa, limfa va qon, hatto, ichki organlarga ham* ***“suqulib” kirishi*** *mumkin (3-bet).*

Suqulib kirmoq – bildirmasdan yoki surbetlik, zo‘rlik, xiralik bilan kirib olmoq. Gerpes kasalligining ichki organlarga o‘tishiga nisbatan ushbu metafora qo‘llanilgan va salbiy ma’noni kuchaytirish uchun izmat qilgan.

Bilasizmi, Britaniyaning mashhur rok-guruhi ishtirokchilarining hammasi 70 dan oshgan insonlar. Ular ***konsertlarni shunday qizdiradiki…*** *(9-bet) Qizdirmoq* - avjiga chiqarmoq.

Biz ham qariymiz va balki shunda qarilik va yoshlik ***hayot deb ataluvchi zanjir****ning tarkibiy qismi ekanligini tushunib olarmiz (9-bet).*

Zanjir – biror narsaning uzluksiz tig‘iz bog‘lanib turgan qatori; ikki narsani o‘zaro chambarchas bog‘lovchi narsa. Hayot ham zanjir kabi yoshlik va qarilikning o‘zaro bog‘liqligidan iboratdir.

Yana bir alohida e’tiborga molik narsa, bizning ilm-fan sohasidagi o‘zaro hamkorligimiz Qirg‘izistonda Markaziy Osiyoda ikkinchi bo‘lgan Gematologiya ***ilmiy markazining tug‘ilishi*** *bilan keng ko‘lamga erishdi (12-bet). Tug‘ilmoq* – ko‘chma ma’noda *yuzaga kelmoq, paydo bo‘lmoq* ma’nolarida qo‘llaniladi, ya’ni *ilmiy markazning ochilishi* ma’nosida ishlatilib ko‘chim hosil qilgan.

Qovoq uchishi *asosan asab tolalarining shamollashi natijasida ham kelib chiqadi (18-bet). Uchmoq* – qanot vositasida havoda harakatlanmoq, qanot qoqib, biror tomonga yo‘nalmoq; parvoz qilmoq. Asab yoki boshqa ta’sir sababli qovoqning pirpirab titrashiga nisbatan ushbu metafora qo‘llanilgan.

*Muntazam ravishda taomlanishda daykon tanovul qilib yurilsa,****qon tomirlar devori****ni xolesterin to‘siqlaridan tozalaydi, pirovardida tomirlar holati yaxshilanadi (35-bet). Devor* – binoning, uyning tomni ko‘tarib turuvchi yoki xonalarga ajratuvchi tik ko‘tarilgan qismi *(O‘TIL, I, 588).* Tibbiyotda esa tomirning atrofini o‘rab olgan qismga nisbatan ushbu metafora yuzaga kelgan.

Daykon tarkibidagi fitontsid moddasi ***mikroblarga qiron keltiradi*** *va yuqumli xastaliklardan himoya qiladi 35-bet).* Daykon o‘simligining foydali xususiyatlarini ko‘rsatish maqsadida ham aynan metaforadan o‘rinli foydalanilgan.

G‘azab, quvonch, xafagarchilik yoki o‘ychanlik hissi yuz terisining muayyan mushaklari qisqarishi tufayli yuzaga keladi. Bu kabi ***hissiyotlarga tez-tez “mixlanish”*** *esa mushakning ko‘p qisqarishiga sabab bo‘ladi (36-bet).*

Yuqoridagi metafora butun diqqat-e’tibori bilan hissiyotlarga berilib qolmoq ma’nosini ifodalash maqsadida qo‘llanilgan.

Ko‘z atrofidagi “g‘ozpanja”… ***eng quvnoq ajinlar*** *hisoblanadi. Ular ko‘p kulish tufayli paydo bo‘ladi (36-bet).* Quvnoqlik insonga xos xususiyat. *Quvnoq ajinlar* birikmasi orqali esa antropomorfik metafora hosil qilingan.

Kasalliklar asosan ruhiy tanazzul davrida vaqtida ***“gullay boshlaydi”****. Bu esa o‘z navbatida bir qator psixosomatik buzilishlar rivojlanishiga turtki bo‘ladi (37-bet).*

Kasalliklarning eng rivojlangan vaqtini tasvirlash maqsadida ushbu fitomarfik metafora qo‘llanilgan va matnning ta’sirchanligini yanada kuchaytitish uchun xizmat qilgan.

Metaforalar nafaqat matnlarda, balki matn sarlavhalarida ham o‘ziga xos ko‘rinishlarga ega:

Hamrohi tabassum *bo‘lgan insonga* ***kasallik yaqin yo‘lamaydi*** *(3-bet)*
Qovoq uchishi*ning xalqona davolari (18-bet)*
Tibbiyot san’atlar ichida eng ***oliyjanobidir*** *(34-bet)*
Daykon – dardlarni ***quvar*** *begumon (34-bet)*
G‘ozpanja ajinlar eng ***quvnoq ajinlardir*** *(36-bet)*
Sog‘ yurak – ***tog‘ yurak*** *(37-bet)*
She’r qalbni ***davolaydi*** *(40-bet)*
Kitob aqlni ***charxlaydi*** *(42-bet)*

Publitsistik matn sarlavhalari tarkibida metaforalarning qo‘llanilishi shunchaki maqolaning nomi bo‘libgina qolmasdan, matnning mazmunini yoritib berish uchun xizmat qiladi. Zero, maqolaning umumiy mazmuni uning sarlavhasida o‘z aksini topadi va shunga ko‘ra sarlavha ham maqola matnining tarkibiy qismi sanaladi.

Xulosa qilib aytganda, publitsistikada asosan hayotiy muammolar yoritiladi va hayotiy o‘xshatishlar – metaforalar keng qo‘llaniladi, shuning uchun ham bu uslubda shakllangan matnlar insonlarning qalbiga tez yo‘l topa oladi.

Yuqorida ta’kidlab o‘tganimizdek, yangilikni yoritishga bo‘lgan intilish ommabop uslubning asosiy xususiyati sanalib, bu xususiyat tilning yangi so‘z va iboralar bilan boyib borishiga sabab bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов О. Метафора – поэтик тафаккур асоси // Жаҳон адабиёти. 2014-йил, 8-сон.

2. Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Бухоро – 2005, 65-бет.

3. Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент. 2000. 5-б.

4. Расулов Т. Истиора // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1967. 1-сон. 18-б.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик. -Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2006.

РАҲБАР КАДРЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ МАҚБУЛ ЕЧИМЛАРИ

YÖNETİCİLER FAALİYETİNDEKİ SORUNLAR VE ÇÖZÜMLER

Ҳулкар Ўралова,
Ўзбекистон Миллий университети магистранти
Илмий раҳбар: Д.Абдуҳаликова,
ЎзДСМИ катта ўқитувчиси.

Hülker Oralova,
Özbekistan Milli Üniversitesi
Yüksek Lisans Öğrencisi
Danışman: D.Abduhalikova,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Özet: Makalede toplumda yetenekli yöneticilere yüksek derecede ihtiyacın olduğu sorunu kaleme alınmıştır. Genç yöneticiler için yönlendirici el kitapları ve uygulamalı metotlar hakkında fikir yürütülmüştür.
Anahtar kelimeler: yönetici, yetenek, sanat, metot, inovasyon.

Аннотация: В данной статье подчеркивается необходимость квалифицированного управленческого персонала в обществе, проблемы управления и текущие управленческие вопроси, а также необходимые методы, навыки и важные аспекты для молодого руководителя.
Ключевые слова: руководитель, навыки, менеджмент, искусство, персонал, метод, скорость, решение, имидж, инновации.

Annotation: This article points out the importance of qualified personnel in the community, current management issues, and also needs to talk about methods, skills and the important aspects for young management personnel.
Key words: leader, ability, management, art, staff, method, speed, decision, image, innovation.

Ўз мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Республикамиз ёшларини янгича ижтимоий муҳитга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш – долзарб ва устувор вазифалардан бири. Ҳозирги кунда республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ривожи ёшларнинг маънавий қиёфасига, шахсий баркамоллигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу вазифаларни амалга ошириш инсоний ўзаро муносабатларда демократик тамойилларнинг теран тафаккур этишни тақазо этади.

Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос ва ҳар бир миллат психологиясига мос ҳолда қарор топган. Бугунги глобаллашув жараёнида жамиятдан ўзингизга муносиб ўрин топиш ва карьера қилиш учун муайян ижтимоий талабларга, маънавий-аҳлоқий мезонларга риоя қилишингиз лозим. Акс ҳолда, жамият сизни четга суриб ташлаши, ижтимоий жиҳатдан ёлғизлатиб қўйиши мумкин. Тез суръатлар билан ривожланаётган тамаддун талабларига жавоб берадиган кадрлар учун билим ва малаканинг ўзи билан чекланмасдан ҳар қандай замонавий кадрлар, аввало, маънавиятли ва маърифатли бўлиши, ахборот коммуникация технологияларини мукаммал билиши, ўз раҳбарлик имиджига эга бўлиши керак. Шу ўринда “Раҳбарлик” сўзига изоҳ бериб ўтиш жоиздир. Бу сўз форс тилидан ўзлашган бўлиб, “Йўл бошловчи, йўл кўрсатувчи, бошлиқ, таълим тарбия берувчи устоз” деган маънони англатади.

Ҳар қандай раҳбар кенг ва чуқур фикрлай олиши, уддабурон, ҳаракатчан ва шижоати билан бошқа ҳодимлардан ажралиб турсагина, бошқараётган жамоаси орасида обрў ва ишонч қозониб, ҳақиқий лидерга айланади. Бу ўринда ўрта аср шарқнинг буюк намояндаларидан бири Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарига тўхталадиган бўлсак, Фаробий инсон бахт-саодатга эришиши учун уларни бахтли, саодатли қила оладиган жамоа раҳбари керак дейди. У фозил шаҳрини бошқарадиган ҳоким табиатан саломат бўлиб, ўз вазифасини бажаришда ҳеч қандай қийинчилик сезмаслиги; табиати нозик, фаросатли, ҳотираси мустаҳкам, зеҳни ўткир, ўз фикрини тушунтира оладиган нотиқ. Билим-маърифатга ҳавасли, ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиликларни ёмон кўрадиган, ўз қадрини билувчи, ориятли бўлиши, мол-дунё кетидан қувмайдиган, адолатпарвар, қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши муҳимлигини қайд этган [1]. Кайкавуснинг “Қобуснома” асарида ҳам шундай дейилган. ”Эй ҳоким, ҳамиша ростгўй бўлғил, кам сўзлағил ва оз кулгил, токи кичиклар сенга густоҳ ва далир бўлмасинлар, нединким, дебдурлар: “Ҳоким учун энг ёмон иш халқнинг густоғлигидир” [2] – яъни бунда ҳоким-раҳбар доим рост сўзлашини, кам гапириши ва оз кулишини агар бу ҳолатлар меъёрдан ошиб кетса халқнинг ҳурматини йўқотиши ҳақида фикр билдирган.

Малакали раҳбар кадрлар тизимини муваффақиятли шакллантириш учун ижтимоий психология, раҳбар психологияси, бошқарув мулоқоти каби билимлардан хабардор бўлиши ҳаётий заруратга айланган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Девони луғати-турк” асарида бошқарувга доир фазилатларнинг яна бири – хушхулқлик алоҳида ажралиб кўрсатилади [3]. Бу ўринда дидактик адиб, раҳбар учун муҳим ҳислат унинг хушсўзлигидир дейди. Чунки, хушхулқ, забони хуш одам жамоага нафақат руҳий мадад балки уларнинг кайфиятини кўтариб янада олға интилишлари учун мотивация бериши мумкин. Яна бир шарқ алломаси Беруний эса ўз асарларида раҳбарни асли инсон – инсон камолотида эса уч нарса муҳимлигини таъкидлайди. Бу ҳозирги давр педагогикаси ҳам эътироф қилувчи ирсият, муҳит ва тарбиядир.

Шу сабаб, мамлакатимизда ҳам ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини юксалтириш бўйича қатор чора-тадбирлар ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда. Боиси, ҳар қандай мамлакатнинг ишнинг ривожини, унинг келгусидаги ижобий натижаларини таъминлашда бошқарувнинг роли муҳим аҳамият касб этади. Раҳбар-бошқарувчи ҳар томонлама жамоага ўрнак киши сифатида майдондаги саркарда ҳисобланади. Бунда раҳбарлик иши жамоани ушлашда асосий тизгиндир. Бу ҳақида инглиз мененжмент-тадқиқотчи олими Жон Балдони шундай дейди: “Раҳбарнинг айтаётган гапи муҳим, лекин унинг қилаётган иши унданда муҳим”[4, 10]. Шу ўринда бундан тескари ҳолат раҳбарнинг ходимлар орасида мавқейини тўкадиган асосий жиҳат жамоага бўлган муносабатдаги ижтимоий тенгсизликдир.

Раҳбар фаол бўлмаса, жамиятда ижтимоий фаоллик шаклланмайди. Шу сабабли Ислом Каримов бу масалага ўзининг “Биз келажагимизни ўзимиз қурамиз” асарида раҳбарларга шундай изоҳ берадилар: “Биринчи тоифа раҳбарлар – ҳозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ ғам-ташвишидан бегона кимсалардир. Иккинчи тоифа раҳабарлар – бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, уларни “ўйинчи” дегинг келади. Бундай раҳбарлар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман орттиришни истамайди. Учинчи тоифа-ўзини эл-юрт ишига тиккан кишилар. Мен шу тоифадаги кишиларга умид боғлайман”[5, 56].

Фан, ахборот коммуникация технологиялари ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши раҳбар кадрлар тайёрлашнинг долзарблигини янада оширмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам ҳар маъруза, йиғилишларида салоҳияти жўшқин, ҳар нарсада шижоатли ёшларга раҳбарлик лавозимини ишониб топширмоқда ва мамлакатимиздаги инновацион янгиланишларни таълим, фан, маданият, санъат соҳаларида тезкорлик билан ижобий томонга ўсиб ривожланиб бораётганимизни кўришимиз мумкин. Лекин, баъзи раҳбарлар борки бу вазифани сансоларликга солиб, маълум соҳани бефарқлиги ва совуққонлиги

билан таназзулга олиб кириб қўймоқда. “Шунга аминман-ки, – деган эди И.А.Каримов, – одам биргина ширин сўз туфайли, мажозий қилиб айтганда, тоғни талқон қилиши мумкин.

Афсуски, кейинги вақтларда бизнинг баъзи раҳбарларимиз одамларга бундай муносабатда бўлишни деярли унутиб қўйганлар. Чунки одамга ишонч уни улуғлайди, ўз кучига руҳий қувват бағишлайди. Ишончсизлик, холисона муносабатда бўлмаслик одамларнинг ҳафсаласини пир қилади ва шу туфайли биз қанчадан-қанча истеъдодли раҳбар-у ташаббускор ёшларимизни бой бермоқдамиз”[6, 74]. Бу хусусда, буюк саркарда Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари” асарида давлат, қўшин ва бошқаларни бошқариш санъати тўғрисида шундай дейди: “Амр қилдимки, қайси бир аскар қилич чопиб баҳодирлик кўрсатса, унга инъом тариқасида гурзи, қимматбаҳо тошлар қадалган ўтоғ, камар, турна беллик қилич ва бир от берсинлар ҳамда иккинчи, учунчи бор баҳодирлик кўрсатса, унинг шаънини юқориларга кўтариб юзбоши ва мингбоши мартабасига етказсинлар”[7, 119].

Бундан кўриниб турибди-ки, Ўрта асрларданоқ яхши амал, эътироф ва рағбат раҳбарларнинг ўз қўлидаги остидагиларни янада руҳлантирувчи асосий восита бўлган ва бу орқали юқори натижаларга эришилган. Бошқарув тизимига диққат қилсак, ниҳоятда турли-туман синоатларга дуч келамиз. Каттами, кичикми, қайси мансабда бўлишидан қатъий назар, ҳар бир раҳбар ўз ишига талаб даражасида ёндашиши учун нималарни билиши, қандай фазилатларга эга бўлиши керак? Яна ўша юқоридаги сатрлар бошқарувда тажриба, кўникма, маҳорат, билим, ақл ва идрокнинг роли катта. Аммо энг аввало, бошқарув, бу – санъат, очиқроқ айтганда ижоддир. Раҳбарга ҳам худди санъаткор учун зарур бўлганидек талант ва истеъдод лозим. Айнан энг қийин санъат ҳам айнан – бошқарув санъатидир деган эди немис сиёсатшунос олими Карл Юлиус Вебер [9].

Ҳар кимдан санъаткор чиқмаганидек, истаган одамдан ҳам яхши раҳбар чиқавермайди. Раҳбарнинг раҳбар сифатидаги асосий фазилати ва белгиси бу - унинг маъсулиятидир. Раҳбар маъсулияти ҳамма замонларда ҳам муҳим саналган. Маъсулиятсизликнинг юқори кўриниши – сиёсий маъсулиятсизликдир. Сиёсий маъсулиятсизлик эса сиёсий калтабинлик, сафсатабозлик, найрангбозлик, қаллоблик ва бошқа хунук ҳодисаларга сабабчи бўлади. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган раҳбарлар замонавий ишбилармонлик ёки бизнесда муваффақиятга эришиши учун қуйидагиларга қатъий риоя қилиши зарур:

1) Шерикларига, ҳамкорларига, жамоа аъзоларига берган ваъдасини доим ўз вақтида бажариши керак;

2) мағрурланиб кетмаслиги, жамоа ўртасида камтар, ўзига ортиқча баҳо бермаслиги зарур;

3) Фақат ўзининг нуқтаи назарини, фикрини ўтказиш эмас, ўзгаларнинг фикри билан ҳам ҳисоблашиши зарур;

4) Ҳамкорларнинг билим ва малакаларини, топқирлик қобилятини ҳам қадрлаш лозим;

5) Ўзининг иштироки зарур бўлган масалаларнигина ҳал қилишда қатнашиши шарт;

6) Шериклари ва қўл остидаги ҳодимларни мақташ, керак бўлса, рағбатлантириш, маъқуллаш, бу каби тадбирларни жамоатчилик олдида амалга ошириш керак;

7) Шерикларининг таклифларини эътибор билан тинглаши, тўғри бўлса, иш фаолиятида фойдаланаши, нотўғри бўлса, хушмуомалик билан улардан воз кечиши лозим;

8) Жамоа олдида ўзини йўқотиб қўймаслиги зарур;

9) Фаолиятидаги ҳар бир хато ва камчиликларини синчиклаб таҳлил қилиб, керакли сабоқ чиқариб бориши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ёш раҳбар кадрларнинг салоҳиятини ошириш, уларга ғамхўрлик қилиш, уларда раҳбарликга хос билим ва кўникмаларни шакллантириш – жамиятимиз тараққиётида муҳим стратегик вазифалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Наср Фаробий. “Фозил одамлар шаҳри”. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 йил.

2. Кайкавус. “Қобуснома”. –Тошкент: Ўқитувчи-манбаа нашриёт уйи, 2011 йил.

3. Юсуф Хос Ҳожиб. “Девони луғатит-турк”. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2014 йил.

4. Бобожонов Ф. “Шахс имижи”. –Тошкент, 2017.

5. Каримов И. “Биз келажагимизни ўзимиз қурамиз”. –Тошкент, 1993.

6. Каримов И. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. –Тошкент, 2008.

7. АмирТемур. “Темур тузуклари”. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011.

8. Ш. Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. 2017 йил.

9. Фан намояндалари сайти.

ABDULLA ORIPOV LIRIKASIDA MUMTOZ OHANGLAR

ABDULLA ARİPOV'UN ŞİİRLERİNDE KLASİK AHENKLER

Hilola Abduvohidova,
Jizzax davlat pedagogika instituti talabasi
Ilmiy rahbar: E.Hazratqulova.

Hilale ABDUVAHİDOVA,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü.
Danışman: E.Hazratkulova.

Özet. Makalede tanınmış Özbek şairi Abdulla Aripov'un şiirlerindeki klasik ahenk gazel türünde yazılmış şiirleri örneğinde açıklanmıştır.
Anahtar kelimeler: Abdulla Aripov, şiir, aruz vezni, gazel, aşık, sevgili.

Аннотация. В этой статье на примере газели показаться место и значение классической лирики в творчестве А.Арипова.
Ключевые слова: А.Арипов, лирика, стопо аруз, газел, влюбленний, любовница.

Abstract. In this article describes the role and significance of classical lyric in the work of Abdulla Aripov, in the case of a ghazal genre.
Key words: Abdulla Aripov, poetry, a poetry metre, ghazal, in love, sweetheart.

O‘zbek she'riyatining yorqin, betakror siymosi, o‘ziga xos uslub, she'riy ovoz sohibi Abdulla Oripovning she'riyat maydoniga kirib kelishini Said Ahmad shunday tasvirlaydi: "Pushkin olamdan o‘tgan kuni Lermontov, G‘afur G‘ulom ko‘z yumgan kuni Abdulla Oripov she'riyatga kirib keldi va she'riyat zanjiriga bitta oltin halqa bo‘lib ulandi" (S.Ahmad, 1998: 90) Abdulla Oripov she'rlarida inson ruhiyati, ona yurt madhi qalamga olinadi. Abdulla Oripov she'rlarida lirik qahramon sifatida dunyoning sir-sinoatiga oshufta va undan hikmat izlovchi, komillik va ezgulikka intiluvchi serfazilat inson gavdalanadi. Abdulla Qahhor shoir she'riyatiga quyidagicha fikr bildiradi: "Abdulla Oripov she'rlarini o‘qiganda cho‘lda tug‘ilgan bu bolada shunchalik ehtiros, shunchalik qudrat qaydan paydo bo‘ldiykin" (S.Ahmad, 1998: 129) Abdulla Oripov she'riyat olamining zabardast vakili sifatida g‘azal janrida ham qalam tebratdi. G‘azal janrida qalam tebratish XX asrning 50-yillariga qadar G‘afur G‘ulom ta'biri bilan aytganda: "Aruz baayni pati yulingan tovuq bo‘lib qolgandi" (S.Ahmad, 1998: 87). Shu davrda Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, G‘afur G‘ulom va boshqa ijodkorlar g‘aflatda mudrab yotgan aruzni uyg‘otib, o‘z g‘azallari bilan she'riyatimizni yanada boyitdi.

XX asrga qadar g‘azal janrida, asosan, arab va fors-tojik so‘zlaridan foydalanilgan bo‘lsa, XX asrning 50-yillariga kelib esa sof o‘zbek g‘azallari yaratila boshandi. Bunday g‘azallarni yaratishni dastlab Erkin Vohidov boshlab bergandi. Vaholanki, Abdulla Oripov g‘azal janrida qalam tebratayotgan ijodkor sifatida o‘z g‘azallarida begona bayt va maqta'da taxallus keltirish orqali mavjud an'anani davom ettirgan. Shoir bilan suhbatda: "G‘azaldagi begona baytga munosabatingiz qanaqa?", - deb savol beriladi. Shoir: "Aslida, har bir g‘azaldan begona bayt izlash- to‘g‘rimas. Agar shuni shoir qo‘llasa, begona bayt kiritilsa, aybga buyurilmaydi. Hatto bezagi hisoblanadi. Ham bezak, orada bir xo‘rsiniq. Begona bayt she'rni ochib beradi. Mahdudlikni yengadi. She'rga qanot bag‘ishlaydi", - (saviya.uz. "Zamon, shoir va g‘azal) deya javob beradi. Shoir g‘azallarida ham Bobur, ham Navoiy, ham Furqat, ham Mashrab nidosi kelib turadi. Uning g‘azallari o‘zining uslubi va ohangi bilan o‘zgachadir. Shoir fikricha: "G‘azal - odamning ruhiy komillikka intizorligi"dir (saviya.uz. "Zamon, shoir va g‘azal). Shoirning bu janrda samarali ijod qilishiga, albatta, g‘azal janrida qalam tebratgan ustozlari ijodidan bahramand bo‘lganligi va ta'sirlanganligi sababdir. Abdulla Oripov bilan bo‘lgan suhbatda shoir:

“Stolimning ustida ularning ijod namunalari turadi. Har kun, hech bo‘lmasa, bitta g‘azalni tahlil qilaman. Ulardagi dard bilan san’at hayratga soladi meni”, -deb o‘z ustozlari ijodiga hurmatini izhor etadi. Ijodkor she’rlari, dostonlari va g‘azallarini sevib mutolaa qiluvchi kitobxon sifatida shoirning “Topolmasman” radifli g‘azali tahliliga e’tibori-ngizni qaratmoqchiman.

Kezib olamni harchandki sendek yorni topolmasmam,
Dilimni anglaguchi o‘zga bir dildorni topolmasman.
Netaykim, har tarafdan yog‘ilur g‘am o`qlari menga,
Lekin mahv etgali zulfingdayin dorni topolmasman.
Demishlar, hur, malaklar ko‘p, nihondir, ko‘zga tashlanmas,
Bu ne sirdur, bashardirsan, borsan borni topolmasman
Mukammal suratingga jo bo‘libdi siyrating, ey yor,
Muallif qaydadir, kim ul? Me’morni topolmasman.
Junun vodiysida sarson misoli Shayx Sano‘nman,
Qo‘limda tasbeh-u, goho zunnorni topolmasman.
Visoling vasfidan ortiq go‘zal she’ru g‘azal bo‘lmas,
Tavof aylay desam gar Hofizu Attorni topolmasman.
Muhabbat mulkida bir qul kabi Abdullaman, bilgil,
Tag‘in aytgum, seningdek yor, dildorni topolmasman.

Lug‘at

Dor- yog‘och, hovli, makon
Nihon-yashiringan, pinhon
Bashar –kishi, odam, odamzod
Me’mor- binokor, usta
Junun- oshiqlik, jinnilik, beqarorlik
Shayx San’on - xristian qizga ko‘ngil qo‘yib, o‘z dinidan kechgan tarixiy shaxs.
Zunnor - musulmon mamlakatlarida g‘ayri din kishilar majburan beliga bog‘lab yuradigan qora rangli chilvir, majozan ishq va oshiqlik belgisi.
Mahv etmoq - yo‘q qilmoq, o‘chirmoq.

Mazmunan oshiqona, shaklan yakpora bo‘lgan ushbu g‘azal ma’shuqa madhi, oshiqning ma’shuqaga muhabbati mahorat bilan tasvirlangan. Matla’da oshiqning ma’shuqaga intizorligi, yorning go‘zalligi, uning yagonaligi ifodalanib, bu tasvir g‘azalning maqta’sigacha davom etadi.

Kezib olamni harchandki sendek yorni topolmasmam,
Dilimni anglaguchi o‘zga bir dildorni topolmasman.

Olamni qanchalik ko‘p kezsam ham sen kabi yor, dilimni anglaydigan dildorni topolmayman. Oshiq ma’shuqani shunchalar sog‘inib, dildan yaxshi ko‘radiki, uning ko‘ziga yoridan boshqasi ko‘rinmaydi. Uning dilini, qalbini, ruhiyatini va holatini yoridan boshqasi tushunmaydi. O‘zining hasratini tushunadigan o‘zga yorni topolmaganligini g‘azal davomida ta’sirchan ifodalaydi. Baytda yor, dildor so‘zlari tanosub san’atini yuzaga keltirgan.

Netaykim, har tarafdan yog‘ilur g‘am o`qlari menga,
Lekin mahv etgali zulfingdayin dorni topolmasman.

Nima qilay, menga har tarafdan qayg‘u hujum qiladi, lekin meni yo‘q qila olmaydi. Faqat sening qora sochinggina dor bo‘lib meni yo‘q qila oladi. Meni yo‘qotishga, meni qo‘lga olishga uringan g‘am senga bo‘lgan ishqimdan ojizligi tufayli meni mahv etolmaydi. Meni mahv etishga, yo‘qotishga faqat sen, senga bo‘lgan ishqim haqlidir. Aynan yor zulfining uzunligiga ishora borligini ta’riflash kerak. Yor zulfini dor sifatida orzu qilish ham oshiqning shirin orzusidir! Baytda g‘am o‘qlari istiora san’atini yuzaga keltirgan.

Demishlar, hur, malaklar ko‘p, nihondir, ko‘zga tashlanmas,
Bu ne sirdur, bashardirsan, borsan borni topolmasman.

Navbatdagi baytda ham yuqoridagi ma’no, mazmun davom ettirilgan. Hur, malaklar ko‘p deyishadi, ular ko‘zga ko‘rinmaydi,ya’ni sendan boshqasi ko‘zimga ko‘rinmaydi. Oshiq yorini hur, malaklardan-da ustun qo‘yadi. Yorini odam qiyofasidagi hur, malaklarga qiyoslaydi. Sen

ko‘zga ko‘rinadigan odam bo‘lsang ham seni topolmayman va yetisholmayman. Baytda hur, malaklar ham ta’did, ham tanosub san’atini yuzaga keltirgan.

Mukammal suratingga jo bo‘libdi siyrating, ey yor,
Muallif qaydadir, kim ul? Me’morni topolmasman.

Ey yor, sening ichki va tashqi olaming uyg‘unlashib bir xillikni tashkil etgan. Bu kabi surati va siyratini bir xil yaratgan me’morni topolmayman. Shoir inson qandaydir me’mor tomonidan emas, balki uning yaratuvchisi Olloh ekanligini nazarda tutgan. Demak, shoirning bu qarashida bashariyat ahlining o‘zligini anglashga bo‘lgan intilishi tufayli Yaratganni anglashga bo‘lgan buyuk muhabbatiga urg‘u berilmoqda. Shuni hisobga olgan holda baytda ham yor vasliga, ham Yaratganning vasliga ishora mavjud. Baytda ey yor- iltifot, surat va siyrat –tazod san’atini yuzaga keltirgan.

Junun vodiysida sarson misoli Shayx San’onman,
Qo‘limda tasbeh-u, goho zunnorni topolmasman.

Shoir o‘zini xristian diniga mansub tarso qizni yaxshi ko‘rib, o‘z dinidan kechgan Shayx San’onga qiyoslaydi. Bu o‘xshatishdan shoirga dinsiz, dahriy sifatida qarashimiz mutlaqo xato. Faqat shoir yoriga ishqi va muhabbatini Shayx San’on misolida isbotlaydi. Keying misrada g‘ayri dinlar belida taqib yuradigan qora chilvir ma’nosini beradigan zunnor so‘zi oshiqlik ma’nosida izohlangan. Men misoli Shayx bo‘lib senga oshiqman lekin oshiqlar vodiysida oshiqlikni, ya’ni seni topolmayman. Baytda junun vodiysi- istiora, misoli shayx San’on-tashbeh , shayx San’on-talmeh, tasbeh,zunnor-tanosub san’atini yuzaga keltirgan.

Visoling vasfidan ortiq go‘zal she’ru g‘azal bo‘lmas,
Tavof aylay desam gar Hofizu Attorni topolmasman.

Navbatdagi baytda yor go‘zalligini, unga yetisholmaganligini tasvirlash davom ettirilgan. Visoling ta’rif-u tavsif etilgan she’rdan ortiq go‘zal she’r va g‘azal yo‘q. Men sening visolingni ta’rifu tavsif etishga biror bayt ham topolmadim. Sababi men seni ta’riflash uchun Hofiz-u Attordek ash’or keltirolmayman. Bu bilan shoir ularning ijodini yuksak baholaydi. Bu baytda Hofiz va Attor talmeh san’atini yuzaga keltirgan. Shoirga: “Nega Hofizni talmeh sifatida olgansiz?”, - deb savol berilganda, Abdulla Oripov Hofiz Sheroziyni ko‘p o‘rganganligimdandir deb javob beradi.Hofiz, Attor so‘zlari orqali umrning o‘tkinchiligiga ishora berilgan.

Muhabbat mulkida bir qul kabi Abdullaman, bilgil,
Tag‘in aytgum, seningdek yor, dildorni topolmasman.

Yuqorida keltirilgan baytda muhabbat mamlakatida shoir o‘zini bir qulga tenglashtirib qiyoslaydi. Shoir keying misrada “Sen kabi yorni topolmayman” deya yoriga murojaati orqali o‘zini muhabbat mamlakatida qul sifatida qolishga ijozat berishni so‘raydi.

Mumtoz adabiyotda oshiqlar o‘zlarini itga, qul va gadoga, ma’shuqani esa shoh, husn mulkida tengsiz deb bilishadi. Bu jihat shoir ijodida ham kuzatiladi. Buni biz yuqoridagi bayt misolida ko‘rib o‘tdik. Baytda shoir ismini keltirib, o‘zidan oldin yashagan shoirlar ijodini davom ettirganligini ko‘rishimiz mumkin. Baytda *qul* kabi - tashbeh, *yor, dildor* - tanosub va ta’did san’atlarini yuzaga keltirgan.

Umuman olganda, g‘azalda ma’shuqa go‘zalligi va oshiqning bu go‘zallik yo‘lidagi iztiroblari va qayg‘ulari san’atkorlik bilan tasvirlangan. Abdulla Oripov atoqli o‘zbek shoiri va jamoat arbobidir. U o‘zbek she’riyatida inson qalbidagi murakkablik, ziddiyatlar, adolat, razolatni teran va haqqoniy kuylagan ulkan ijodkordir. Abdulla Oripov o‘zbek adabiyotiga yangicha tafakkur, yangicha ruh olib kirdi. Abdulla Oripov o‘z asarlarining tub mohiyati bilan Yassaviy, Lutfiy, Navoiy, Bobur, Furqat ijodiy an’analarining davomchisidir. Mumtoz she’riyatda g‘azal shoirning salohiyat ko‘lamini anglatuvchi janr sifatida Abdulla Oripov ijodida ustozlarining an’analarini davom ettirganlik jihatidan muhim ahamiyatga ega. Bu an’analar shoir ijodiga qanot berdi hamda XX-XXI asr o‘zbek adabiyotida mumtoz poetik janrning yanada takomillashuviga o‘z ta’sirini ko‘rsatdi. Uning asarlari sevib o‘qilmoqda, qator she’rlari qo‘shiqqa aylanib, xalqning ma’naviy ehtiyojini qondirmoqda. Uning bu boradagi izlanishlari bugungi avlod shoirlari uchun ibratdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Oripov A. Tanlangan asarlar. -Toshkent: Sharq, 2013.
2. Ahmad S. Yo‘qotganlarim va topganlarim. -Toshkent: G‘.G‘ulom, 1998.
3. Saviya.uz. Zamon, Shoir va G‘azal. “O‘zbekiston qahramoni, O‘zbekiston xalq shoiri Abdulla Oripov bilan suhbat”. Suvon Meliyev, Nargiza Sharopova. 2019 – yil 30 – aprel.
4. kh.Davron.uz>kutubxona. 2019. 02.05.
5. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. -Toshkent: Navoiy universiteti, 2018.
6. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. -Toshkent: O‘qituvchi, 1986.

ТЎЛИҚ ВА ТЎЛИҚСИЗ ИМПЕРАТИВЛАР ҲАҚИДА

TAM VE EKSİK İMPERATİFLER HAKKINDA

Т. Р.Аллаёров
Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини
ривожлантириш маркази бош мутахассиси.

T. Allayarov,
Yüksek ve Mesleki Eğitim Geliştirme
Merkezi baş uzmanı.

Özet. Makalede imperatiflerin türleri ve özelliklerinden bahsedilmiştir. İmperatifler milli tefekkür tarzına ilişkin yapılardır. Çağdaş edebi eserlerde, yazarların iperatiflerden olayların etkili betimlenmesini temin etme amacıyla istifade ettiği gözlemlenmiştie. Çolpan eserlerinde kullanılan emir cümlelerinin anlam özellikleri analiz edilmiştir.

Anahtar kelimeler. imperatifler, tam impertaif, eksik imperatif, lengüapoetik, edebi metin.

Annotation. The article discusses the philosophical and linguistic nature of imperatives.

Imperatives are structures that are related to the national way of thinking. Ancient monuments are important tools that show the extent of the system of statehood and governance. Empires are widely used in the personalization of heroes' speech in contemporary fiction. Various forms of imperatives are widely used in Chulpon works.

Keywords: imperatives, imperative constructions, expression of command, Cholpon, lingvopoetics.

Аннотация. Мақолада императивларнинг фалсафий ва лингвопоэтик табиати ҳақида фикр юритилади. Императивлар миллий тафаккур тарзига алоқадор конструкциялар бўлиб, қадимги ёдгорликларда давлатчилик ва бошқарув тизимининг қай даражада ташкилланганлигини кўрсатувчи муҳим воситалар ҳисобланади. Замонавий бадиий асарларда қаҳрамонларнинг нутқини индивидуаллаштириш, воқеликни таъсирчан, эмоционал-экспрессив ифодалаш учун императивлардан кенг фойдаланилади. Чўлпон асарларида императивларнинг турли шаклларидан кенг фойдаланган.

Калит сўзлар: императивлар, императив конструкциялар, буйруқнинг ифодаланиши, Чўлпон, лингвопоэтика.

Маълумки, дунё тилшунослигида оламнинг лисоний манзараси тавсифида муайян бир халқнинг дунёни қай тарзда идрок этиши, уни тил орқали қандай ифода этиши, бошқалардан фарқловчи миллий-маданий қарашлари, ўзигагина хос тафаккури тарзи кабиларнинг ўрни, шунингдек, тилда намоён бўлган олам манзарасининг умумий ва хусусий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланган.

“Жаҳон тилшунослигида борлиқни эстетик идрок этиш ва сўз қўллаш санъатига лингвокогнитив ва когнитопсихологик ёндашув натижасида бадиий тафаккур механизмини очиш, бадиий нутқнинг шаклланиши, унинг бадиий ҳамда лингвоэстетик таъсир даражасини очиб берувчи тадқиқотлар яратилаётганлиги эътиборга молик.”[1] Жаҳон тилшунослигида XX аср охиридан бошлаб тилни муайян бир миллатнинг маданияти билан алоқадорликда ўрганиш урфга айланди ва бу жараён бир қатор йўналишларни ўртага чиқишига сабаб бўлди. Хусусан, тилни унинг эгасидан айирмаган ҳолда, дунёқараши, ҳодисаларга муносабати, қадриятлари ва, умуман, унинг маданияти

[1] Турдалиева Д. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Дисс. автореф. Қарши, 2019. Б.5

билан бирга таҳлил қилиш илмий анъанага айланди. Бу ўз навбатида инсоннинг ижтимоий-когнитив фаолияти бўлмиш буюриш, ундаш, йўналтириш каби буйруқ амалиётларининг натижаси бўлган императив конструкцияларга ҳам миллатнинг миллий хусусиятларини намоён қилувчи муҳим лисоний восита сифатида қараш имкониятини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, 2017 йил 16 февралдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-4958-сонли Фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 304-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзбек тилининг бутун имкониятларининг илмий жиҳатдан дунё тилшунослиги метод ва методологиялари доирасида теран тадқиқ қилиниши алоҳида таъкибдлаб ўтилган.

Тилшуносликда кенг ишлатилаётган "Оламнинг лисоний манзараси" тушунчасининг ўртага чиқишида физик олим Г.Герцнинг хизмати бор. Тилшуносликка кириб келиши ва кенг жорий қилиниши эса Л.Вайсгербер номи билан боғлиқ. У лисоний белгини тушунчага тенглаштирган ҳолда, ҳар бир халқ луғат бойлигидаги белгиларга мувофиқ келадиган тушунчаларга – оламнинг ўзига хос манзарасига эга бўлади, деб ҳисоблайди. Л.Вайсгербер фикрича, тилда у ёки бу лисоний белги, яъни товуш ифодаси бўлмаса, унга мос келадиган тушунча ҳам бўлмайди, турли тилда гаплашувчи инсонлар турли оламларда яшайдилар.[2]

Ўзбек тилшунослигида рус ва бошқа тилшуносликларда бўлгани каби оламнинг концептуал ва лисоний манзаралари фарқланади. Оламнинг концептуал манзараси ҳиссий идрок билан боғлиқ бўлиб, ҳис этиш орқали тасаввур қилинган манзара ҳисобланади. Оламнинг лисоний манзараси эса концептуал яъни ҳислар орқали англанган, тасаввур қилинган манзаранинг тилдаги ифодасидир. Оламнинг концептуал манзараси муайян концептлар сифатида намоён бўлса, оламнинг лисоний манзараси тил бирликлари орқали ифодаланади. Шунга кўра тилшунослар оламнинг лисоний манзарасини унинг концептуал манзарасидан фарқлайдилар. Зеро, оламнинг концептуал манзараси унинг лисоний манзарасига нисбатан кенг ва рангбарангдир. Чунки концептуал манзара инсон тафаккурининг ҳудуди билан боғлиқ ҳолда реаллашади. Оламнинг лисоний манзараси эса ана ўша ҳудуднинг тилдаги тасвири, ифодаси демакдир.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигидаги синтактик конструкцияларнинг умумназарий масалалари бўйича бир қатор тадқиқотлар яратилган бўлса-да, уларнинг миллий менталилтет билан не чоғли алоқадорлиги, бадиий матндаги эстетик вазифалари, лингвопоэтик имконлари махсус тадқиқ қилинмаган. "Шу сабабли тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг эзгу бурчидир."[3] Шунинг учун кейинги йилларда ўзбек тилидаги синтактик қурилмаларни чуқур, ҳар томонлама тадқиқ қилиш, уларнинг очилмаган қирраларини ўрганишга эътибор кучайди.

---

[2] Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизим назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013. - № 5. – Б. 10-19.

[3]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019, 7 апрель.

Императив конструкциялар ҳам бевосита миллий тафаккур қирраларини ифодаловчи лисоний-синтактик воситалардир. Бундай қурилмаларни турли аспектларда ўрганиш орқали ўзбек миллатининг “буйруқ” маданияти, ахлоқи ва ифода тарзини ўртага қўйишимиз мумкин бўлади.

Императивларнинг фалсафадаги мақомини Иммануэл Кант белгилаб берган. “Императивлар қатъий ва гипотетик бўлиши мумкин. Гипотетик императивлар тажрибадан олинади ва улар муайян эмпирик мақсадлар, масалан, шахсий бахт-саодатга эришиш йўлидаги интилишларга сабаб бўлади. Лекин бу инсон иродасини белгилаши лозим бўлган асосий нарса эмас. Гипотетик императив билан бир қаторда инсон ахлоқига доир қатъий императив ҳам мавжуд. Қатъий императив ахлоқий қонун ҳисобланади. Бу - қандайдир хусусий, шахсий мақсадларни кўзламаган онгнинг ўз- ўзидан мутлақ ҳукми, эркин ирода соҳиби бўлган онгли мавжудот - инсоннинг муносиб ахлоқи тўғрисидаги қатъий талабидир. Қатъий императив ҳар қандай инсон зотининг ақл-идроки, онгида туғилади ва шу сабабли ҳамма ва ҳар бир киши учун бурч ва ирода нуқтаи назаридан муқаррар аҳамият касб этади.”[4] “Категорик (қатъий) императив” атамаси И. Кантнинг маънавий-ахлоқий қадрият ҳақидаги қарашларини ифодалайди. У маънавий-ахлоқий қадрият ёки қоидалар мажмуи категорик императивдир. Категориклик (қатъийлик) анъанага айланганлик, ўзгармас қоидалар тизимининг шаклланганлиги билан белгиланса, императивлик автоматик, ҳеч қандай мақсадга асосланмаган ҳолда ишга тушадиган “буйруқ” механизми ҳисобланади. Кантнинг бу атамаси манбаларда турлича изоҳланади. Кўпинча, “бошқа инсонларни маълум бир *восита* деб эмас, алоҳида бир *мақсад* деб билиш ва шунга мос ҳолда муносабатда бўлиш”сифатида изоҳланади. Содда қилиб айтганда, ҳеч ким бошқа инсонларни ўз фойдаси йўлида қўлланмаслиги керак. Чунки ҳар бир инсоннинг ўзи алоҳида “мақсад”лар йиғиндиси ҳисобланади. Ҳатто инсоннинг ўзи бирор нимага эришиш учун ҳам ўзини восита сифатида қўлланмаслиги керак. Масалан, кимнингдир мақтовини эшитиш ёки бирор мукофотга сазовор бўлиш учун йўналтирилган ва шу йўлда бошқа меъёрларни унутган инсон маънавий-ахлоқий қонуниятларга зид ҳаракат қилаётган бўлади. Кант бу тарздаги шартланишни инсон ҳурриятини чегараловчи омил сифатида изоҳлайди.[5]

Ҳаракатлар ва ҳисларнинг бошқарилиши ёки йўналтирилиши тилда бир қатор буйруқ шакллари орқали ифодаланади. Буйруқнинг иккинчи шахс формасида шаклланиши кенг тарқалган. Бу тарздаги императивлар қадимги туркий ёдгорликлар тилида ҳам кўп кузатилади. Кул тигин обидасидаги матнга эътибор қилинса, мазмунан кўплик ифодаловчи иккинчи шахсга (*ини, жияни, ўғиллари, қон-қардоши, халқи, ўнгдаги шадапит беклар, чапдаги тархонлар, буйруқ беклар, ўттиз тўққиз ўғиз беклари* ва халқи) қаратилган нутқдаги буйруқнинг бирлик формасида шакллантилганлигини сезиш қийин эмас. “*Фалакдай худодан бўлган турк доно хоқони бу тахтга ўтирдим. Сўзимни тугал эшитгин, кейинимдаги ини, жияним, ўғилларим, қон-қардошим, халқим, ўнгдаги шадапит беклар, чапдаги тархонлар, буйруқ беклар, ўттиз тўққиз ўғиз беклари, халқи, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат қилиб тингла!*”[6] Ёки Тўнюқуқ битигидан олинган қуйидаги парчада императив биринчи ва иккинчи шахснинг бирлик ва кўплик шаклларида қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. “*Ани дарёсидан борайлик! - дедим. Ўша гапни эшитиб, хоқонга у гапни жўнатдим: Нима ўйлайин! Гапни олиб қайтиб келди: шу ерда туринг! - деб айтибди. Борма, яхшилаб қоровул қўй, душманга бостириб қўйма! - депти*.”[7] Келтирилган парчалар, албатта бугунги тилимиз меъёрларига мослаштирилган, бироқ матннинг тарихий шаклларидаги буйруқнинг грамматик кўрсаткичлари инобатга олинган.

---

[4] Ханов А. Иммануэл Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий таълимоти. 2018. 21-б.

[5] Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Кузнецов В. Н. Немецкая классическая философия второй половины XVIII - начала XIX века: Учеб. пособие для ун-тов.-М.: Высш. шк.,1989.

[6] Кул тигин битиги. http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/qadimiy/561-maqola.html

[7] Тунюқуқ битиги. http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/qadimiy/559-urxun.html

Замонавий бадиий асарларда ҳам императивларнинг шундай кўринишлари ишлатилади. Фақат муайян бадиий мақсадга, ёзувчининг бадиий ниятига бўйсундирилган бўлади.

- Нима қилиб қўйдингиз? - деди.

Заҳарли ва мағрур кулишни яна бир оз кучайтира туриб Ўлмасбой ҳам безбетларча жавоб қайтарди:

- Маза бўлди, <u>қўя беринг</u>...

Чўлпоннинг "Новвой қиз" деб номланган ҳикоясидан олинган мазкур парчадаги сўнгги гапда жонли нутққа мос императив қўлланилган. Мазкур императивнинг тўлиқ мазмунини ундан олдин қўлланилган "маза бўлди" гапи орқали англаш мумкин. Яъни қаҳрамоннинг шахсий қаноати, хурсандлиги ва бўлиб ўтган ишга беписандлиги, айни пайтда, инсон тақдири билан боғлиқ фожианинг қанчалар аҳамиятсиз эканлиги таъсирчан бир тилда тасвирланган. "Қўя беринг..." императивига юкланган бадиий ниятнинг кўлами миллатнинг маънавий инқирозини кўрсатишга қодир, десак муболаға бўлмайди.

Суд кишилари, оқлагувчи, қоралагувчи, шоҳид, томошачи... ҳамма, ҳамма унга тикилди. У бир оз ҳушсиз қараб турғач:

- Менга сўз!.. - деб бақирди.

Халқ қоралагувчиси уқтирди:

- Бу киши хотинлар шуъбасининг раисаси! Масала бир хотиннинг номуси устида бўлгани учун мунга сўз берилсин!

У гапини тугатмасдан туриб хотин бақирди:

- Сўз!.. Сўз!..

Бердилар.

Чўлпон императивлардан моҳирона фойдаланади. Юқоридаги парчада императивнинг жонли сўзлашув нутқи ва расмий нутқдаги кўринишлари ишлатилган. Жонли нутқда айрим гап бўлаклари туширилиши табиий ҳол ҳисобланади. Масалан, "*Менга сўз!.. - деб бақирди*" ва "*Сўз!.. Сўз!..*" жумлаларида "беринг" кесими туширилган. Агар кесим ошкора ифодаланганида гапнинг экспрессивлигига путур етган бўлар эди. Ёзувчи сўзнинг таъсир кучини юқори даражада ифодалаш мақсадида кесимдан воз кечган. Бу жонли сўзлашув тилининг ифода имконларидан максимал фойдаланиш ҳисобланади. Берилган парчада расмий услубга хос императив шакли ҳам қўлланилган. Суд жараёни тасвирлангани учун "*Масала бир хотиннинг номуси устида бўлгани учун мунга <u>сўз берилсин</u>!*" буйруқнинг расмий шакли қўлланилган ва воқеа маконига мослик таъкидланишига эришилган.

Хулоса қилиб айтганда, императивлар миллий тафаккур тарзига алоқадор муҳим воситалар бўлиб, энг қадимги ёдгорликларда давлатчилик ва бошқарув тизимининг қай даражада ташкилланганлигини аниқлашда асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Замонавий бадиий асарларда қаҳрамонларнинг нутқини индивидуаллаштириш, воқеликни таъсирчан, эмоционал-экспрессив ифодалаш учун императивлардан кенг фойдаланилади. Чўлпон бу борада катта маҳоратга эга адибларимиздан биридир. У ўз асарларида, хусусан "Нонвой қиз" ҳикоясида императивларнинг тўлиқ, тўлиқсиз ва расмий нутққа хосланган шаклларидан моҳирона фойдаланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. Тошкент, "Ўзбекистон" 2019.

2. Кузнецов В. Н. Немецкая классическая философия второй половины XVIII - начала XIX века: Учеб. пособие для ун-тов.-М.: Высш. шк.,1989.

3. Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизим назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013. - № 5.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019, 7 апрель.

5. Турдалиева Д. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Дисс. автореф. Қарши, 2019. Б.5
6. Чўлпон “Нонвой қиз” http://www.e-adabiyot.uz/kitoblar/nasr/670-maqola.html
7. Кул тигин битиги. http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/qadimiy/561-maqola.html
8. Тўнюқуқ битиги. http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/qadimiy/559-urxun.html

O‘ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA O‘TGAN ZAMON SHAKLI

ÖZBEK VE İNGLİZ DİLLERİNDE GEÇMİŞ ZAMAN ŞEKLİ

Dilnoza Ilhomova,
Jizzax davlat pedagogika instituti talabasi
Ilmiy rahbar: E.Hazratqulova, Jizzax davlat pedagogika instituti o`qituvchisi

Öğr. Dilnaze İlhamova,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü,
Danışman: E. Hazratkulova.

Özet. Makalede Özbek ve İngiliz dillerinde geçmiş zaman ifade eden şekiller edebi eserlerden alınmış örnekler eşliğinde karşılaştırmalı olarak analiz edilmiştir.
Anahtar kelimeler: fiil kategorisi, şekil ve mana, hareket, geçmiş zaman şekli, çekim.

Аннотация. В статье форма прошедшего времени узбекского и английского языков анализировано с помощъю отрывков художественных произведений.
Ключевые слова: категория глагола, форма и смысл, движение, форма прошедшего времени, спряжение.

Abstract. The article described the forms of past tenses by taken extract of fiction work.
Key words: verbal category, form and sense, action, the form of the past tense, conjugate.

Fe’l so‘z turkumiga o‘zbek tilida ham, ingliz tilida ham bir xil ta’rif beriladi. O‘zbek tilida: Predmetning harakatini va jarayon tarzidagi holatini bildirgan mustaqil so‘z turkumi *fe’l* deyiladi (Tursunov, Muxtorov, Rahmatullayev. 1992: 333). Ingliz tilida: shaxs yoki narsaning harakat yoki holatini ifodalovchi so‘zlar *verb (fe’l)* deyiladi. (G’apporov, Qosimova, 2012: 3).

Fe’ldagi kategoriyalardan zamon shakli harakat va holatning nutq so’zlanayotgan paytga munosabatini ifodalaydi. Shunday ekan, bu kategoriya har ikki tilda ham asosiy o‘rinni egallaydi. O‘zbek tilida asosiy zamon sifatida 3 ta zamon (hozirgi, o‘tgan, kelasi) ko‘rsatilsa-da, ilmiy-nazariy manbalarda 11 xil zamon shakli mavjud. Lekin ko‘plab manbalarda ularning soni aniq aytilmaydi, buning sababini esa tilshunoslikda shakllarning alohida nomlar bilan atalmaganligida deya izohlash mumkin. Ingliz tilida 16 ta zamon shakli va ularning o‘ziga xos qo‘llanishi mavjud.

O‘tgan zamon shakllari nutq so‘zlanayotgan paytga nisbatan oldin sodir bo‘lgan ish-harakatlarni ifodalash uchun ishlatadi. Lekin shakllar o‘rtasidagi ma’no munosabatlari turlicha. O‘zbek tilida o‘tgan zamonni bildiruvchi fe’llar 5 ta turga bo‘linadi:

1. Aniq o‘tgan zamon shakli. 2. Uzoq o‘tgan zamon shakli. 3. O‘tgan zamon hikoya fe’li shakli. 4. O‘tgan zamon davom fe’li shakli. 5. O‘tgan zamon eshitilganlik shakli (Tursunov, Muxtorov, Rahmatullayev, 1992: 333).

Ingliz tilida esa bu shakllar 4 ta bo‘lib, ular quyidagilar:

1. The Simple Past Tense (Oddiy o‘tgan zamon)
2. The Past Continuous Tense (O‘tgan davom zamoni)
3. The Past Perfect Tense (O‘tgan tugallangan zamon)
4. The Past Perfect Continuous Tense. (O‘tgan tugallangan davom zamoni)

Aniq o‘tgan zamon shakli –di zamon yasovchisi va shaxs-son affikslarini qo‘shish orqali hosil qilinadi. Bu shakl quyidagi holatlarda ishlatilishi mumkin:

- O‘tmishda aniq bajarilgan harakatni ko‘rsatib, bunda so‘zlovchi harakatning guvohi sifatida xabar beradi. *Shu mahal bu yerga Tenetta kirib keldi* (Onore de Balzak, 2018: 27).

- O‘tmishda birin-ketin yuz berib takrorlanmagan, izchil tarzda bayon qilingan voqealarni ifodalaydi. *Ra’no Anvarning qarshisig‘a o‘lturdi. O‘lturishi bilan kuchli shamol yurib boshidag‘i ro‘ymolni uchurdi va olib borib Anvarning betiga yopti* (Abdulla Qodiriy, 2010: 113)

Ingliz tilida The Past Simple oddiy o‘tgan zamon shakli to‘g‘ri fe’llarga –ed qo‘shimchasi qo‘shish bilan, noto‘g‘ri fe’llarga esa maxsus jadvaldagi shakl bilan yasaladi. Bu shakl quyidagi holatlarda ishlatiladi:

- O‘tgan zamonda ifodalangan ish-harakat aniq payt ravishlari bilan ifodalansa: *He came at five o‘clock. U soat beshda keldi* (G’apporov, Qosimova, 2012: 79). Bu qoida ona tilimizdagi qoida bilan aynan mos kelmasa-da, bir-birini to‘ldiradi, hech qanday farqli xususiyatlarga ega emas. Chunki o‘zbek tilida ixchamlik talabi bilan ko‘pincha payt ravishi qo‘llanmasa-da (yakka gaplarda asosan qo‘llaniladi), matn mazmunidan va nutq sharoitidan kelib chiqqan holda anglashiladi.

- Bir nechta oldinma-ketin sodir bo‘lgan ish-harakatni ifodalaydi: *The one opened the door with a latch-key and went in, followed by a young fellow who awkwardly removed his cap* (Jack London. Martin Eden. The Project Gutenberg eBook. 2-p). *Oldinda kelayotgan yigit yassi kalit bilan eshikni ochdi. Uning ortidan kelayotgan sherigi ostonani xatlab o‘tishdan avval, boshidan kepkasini apil-tapil yulqib oldi* (Jek London. Martin Iden. Q.Mirmuhammedov tarjimasi. 2015: 6). Yoki *U kalit bilan eshikni ochdi va ichkariga kirdi, unga ergashib kelayotgan sherigi esa kepkasini darrov qo’liga oldi (Izoh: tarjima muallif tomonidan ingliz tiidan to’g’ridan to’g’ri tarjima qilingan. Muomaladagi rus tili orqali tarjima qilingan variantdan farq qiladi*). Bu qoida ham o‘zbek tilidagi kabi bir xil.

O‘zbek tilidagi uzoq o‘tgan zamon shakli ingliz tilidagi The Past Perfect Tensega yaqin turadi. Ona tilimizda –gan + shaxs-son / -dir/ edi/ ekan shakli orqali ifodalansa, ingliz tilida had + Past Participle (maxsus jadvaldagi 3-ustun)/ V –ed qolipida bo‘ladi. O‘zbek tilida ish-harakat nutq paytiga nisbatan ancha ilgari sodir bo‘lganligi e’tiborga olinsa, ingliz tilida bu ma’noni anglatish uchun 2-gapdan, oddiy o‘tgan zamonda sodir bo‘lgan ish-harakatdan oldin ro‘y bergan voqea asos vazifasini o‘taydi. Solishtiramiz: *Maqolada “o‘zbek ishi” xalqqa qarshi qaratilgan kampaniyaga aylanib ketgani, minglab odamlar qamalgani, ho‘l-u quruq baravar yonayotgani, gunohkorlar qatori begunohlar ham aziyat chekayotgani, bu haqida redaksiyaga minglab xatlar kelayotganligi bayon qilingan edi* (Hoshimov, 2018: 202). *He felt that she had become remoter from him by at a least a million miles* (Jack London. Martin Eden. The Project Gutenberg eBook. 9-p). *U shuni angladiki, shu zahotiyoq ular bir-biridan million mil masofaga uzoqlashib ketishgandi* (Izoh: tarjima maqola muallifi tomonidan qilindi) Bu gaplardan ko‘rinib turibdiki, o‘zbek tili uchun vaqt birlamchi bo‘lsa, ingliz tili uchun ish-harakatdan oldin sodir bo‘lgan harakat birlamchidir. Lekin ikkala tilda ham ish-harakatning sodir bo‘lishidagi munosabat juda o‘xshash.

O‘tgan zamon davom shakli (o‘zbek tilida) –r(-ar)+edi shaklida yasaladi va ma’lum bir davrda takrorlanib turgan ish-harakatni ifodalaydi. Ingliz tilida esa was/were+V+ing qolipi amal qiladi va aynan ona tilimizdagi kabi uzoq vaqt davom etgan ish-harakat uchun ishlatiladi: Solishtiramiz: *Hamma ayb o‘zingizda, otamdan ko‘ra tuzukroq erni topib tegsangiz munchalik qiynalishib yurmas edik* (Abdulla Qodiriy. 2010: 24). *He was writing a play during the summer ya’ni u yozda pyesa yozayotgan edi (*G’apporov, Qosimova. 2012: 86). Ikkala gapda ham davomiy ish-harakat ifodalansa-da, ingliz tilida bu zamonni uzoq muddat davom etgan (pyesani u kamida 1 oyda yozilishi mumkin, 1 kunda emas) voqea uchun ishlatish o‘rinlidir. O‘zbek tilida bunga e’tibor qaratilmaydi. Lekin har ikkala tilda ham harakatning davom etayotganligiga urg‘u beriladi. Bu zamon ingliz tilida boshqa ish-harakat bilan bog‘liq holda ham qo‘llanishi mumkin: *When he came, his mother was watching TV, u kelganida onasi televizor tomosha qilayotgan edi* (G’apporov, Qosimova, 2012: 86).

O‘zbek tilidagi –r+ekan/emish shakli kelasi zamon ma’nosini ham bildira oladi: *Erta-indin qor yog‘armish.* Bu shaklning ishonmaslik va endi eshitilganlik kabi ma’noviy xususiyatlari ham bor: *Do’stimning “Buyuk qushlar” kitobini Halima Xudoyberdiyeva sovg’a qilgan emish* (Tursunov, Muxtorov, Rahmatullayev, 1992: 334). Bu jihatdan fe’l shakllari til

xususiyatiga ko‘ra farqlanishi kuzatiladi. Bundan tashqari The Past Simple Tensening 3-ma’no-munosabati o‘zbek tilidagi davom fe’liga aynan mosdir. Unda o‘tgan zamonda odatiy takrorlangan ish-harakat o‘zbek tilidagi –r+edi shakliga to‘g‘ri keladi. Masalan: *Last year I often went to the theatre. Men o‘tgan yili tez-tez teatrga borib turar edim*.

Demak, o‘zbek tilida ko‘pincha shakl - bildiradigan ma’no orqali zamon munosabati (bunga zid holatlar ham uchraydi, ammo bu kam qo‘llaniladi) ifodalanadi. Ingliz tilida esa shakl va ma’no to‘g‘ri kelmaslik holatlari ko‘p uchraydi. Lekin ikkala tilda ham zamon orqali ifodalanayotgan ma’no, urg‘u berilayotgan tushuncha va natijalar ko‘pincha bir-biriga mos keladi. Qolgan holatlarni esa til xususiyatlari va millatning o‘ziga xosligi bilan baholash kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Tursunov U., Muxtorov A., Rahmatullayev Sh. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. -Toshkent, 1992.
2. G‘apporov M., Qosimova R. Ingliz tili grammatikasi. –Toshkent, 2012.
3. Onore de Balzak. Chin sevish. –Toshkent, 2018.
4. Qodiriy A. Mehrobdan chayon. –Toshkent, 2010.
5. Hoshimov O‘. Tushda kechgan umrlar. –Toshkent, 2018.
6. Jack London. Martin Eden. The Project Gutenberg eBook.
7. Jek London. Martin Iden. (Q.Mirmuhammedov tarjimasi). –Toshkent, 2015.

“SHOIRNING TO'YI” YOXUD HAQIQAT AYTILGAN KUN

“ŞAİRİN DÜĞÜNÜ” VEYA GERÇEKLERİN DİLE GETİRİLDİĞİ GÜN

Oripova Nilufar,
Jizzax davlat pedagogika instituti talabasi
Ilmiy rahbar: E.Hazratqulova, Jizzax davlat pedagogika instituti o`qituvchisi (O`zbekiston)

Nilufer Aripova,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü,
Danışman: E Hazratkulova.

Özet. Makalede tanınmış Özbek yazar Erkin Azam’ın “Şairin Düğünü” adlı eserindeki edebi imajlar tahlil edilmiştir.
Anahtar kelimeler. Erkin Azam, şair, yazar, Usman Nasır, zaman ve karakter.

Annotation. This article analyzes the story of “The Wedding of the poet” by Erkin Azam and the system of images in it.
Key words: ottoman poet, Osman Nosir, elder poet, victims of repression, time and creator, Jasur poet.

Annotatsiya. Ushbu maqolada Erkin A’zam qalamiga mansub “Shoirning to‘yi” qissasi va undagi obrazlar tizimi tahlil qilingan.
Kalit so‘zlar: otashqalb shoir, Usmon Nosir, Cho‘lpon, qatag‘on qurbonlari, zamona va ijodkor, Jasur shoir.

Mening xatim bir ertakdek bo‘lar,
Rosa maroq bilan o‘qirsan.
O‘z-o‘zingdan allanima o‘ylab,
Allanimalarni to‘qirsan... (Usmon Nosir)

O‘ziga xos mavqega ega ijodkor Erkin A’zamning qissalari istiqlol davri qissachiligida muhim ahamiyat kasb etadi. Uning asarlarida adabiyotimizdagi bosh mavzu - inson kuylanadi, insonning jamiyatdagi o‘rni, hayotda yashashdan maqsadi, insoniy kechinmalari, qalb tug‘yonlari, orzu - umidlari nozik bo‘yoqlarda aks etadi. Yozuvchi ijodida uning “Shoirning to‘yi” qissasi alohida ahamiyat kasb etadi. Boisi, bu mo‘jazgina asarda ozmi – ko‘pmi tarix (kechagi kun) aks etgan.” Shoirning to‘yi” qissasida aytilgan fikrlar ayni haqiqatdir. Biz unda ro‘yo bilan haqiqatning to‘qnashuvini ko‘ramiz” (H.Karimov, 2010: 178). Yozuvchi real hayotda bo‘lib o‘tgan voqealarni badiiylik bilan birlashtirgan holda o‘tmishga bugungi kun kishisi nigohi bilan qarab, haqqoniy baho bera olgan.

Asarning ikkinchi nomi “Kechagi kundan rivoyat” deb nomlangan. Xo‘sh, nega aynan rivoyat? Bu savolga javobni yozuvchining o‘zi asar oxiridagi ilovasida keltirib o‘tadi: “Bu asarning qo‘lyozmasini o‘qigan ehtiyotkorroq bir do‘stim – “O‘zini bilgan – bilmagan birortasi g‘alva qo‘zg‘ab yubormasmikin?” -degandek ishtiboh bildirgan edi*”* (E.A’zam, 1994: 28). Shu jumlalar orqali yuqoridagi savol oydinlashadi. Ya’ni, ijodkor bu asarni “hujjatli qissa”, “real voqealarga asoslangan” yoki “bo‘lib o‘tgan voqea” deb emas, aynan “Kechagi kundan rivoyat” deb izohlashiga sabab - balki do‘sti aytganidek ,ehtiyotkorlik, balki ba’zi shoirlarning “g‘ashiga tegmaslik” uchun va balki xulosani kitobxonning o‘ziga havola qilgani uchunmi harqalay, shunday nomlashga qaror qiladi. Darhaqiqat, asardagi hamma voqealar real hayotda bo‘lib o‘tgan desak, yanglishgan bo‘lamiz. Qissada tarixiylik va badiiylik uyg‘unlashib o‘ziga xos kompozitsiya hosil qilgan.

“Shoir tavalludining sakson yilligini nishonlash tadbiri qissa voqealarining uyushtiruvchi markazdir. Hamma hodisa va lavhalar bevosita va bilvosita bosh qahramon - Otashqalb shoir hayoti tasviriga bo‘ysundirilib, uning achchiq qismati dahshatlari talqinida yakun topadi”(F.Rajabova, 2016). Mana shu yubileyni tashkillashtirgan, sahnada savlat to‘kib o‘tirganlar yoki Otashqalbni eslab “nutq” so‘zlaganlarning hammasi biror- bir maqsadni ko‘zlagan. Oqsoqol shoir, Ajoyib domla kabilar o‘zini oqlash, xalq ko‘z o‘ngida o‘zini jonkuyar, sodiq do‘st qilib ko‘rsatishni, Jiyanbeka kabi ayyor va soxta qarindoshlar esa obro‘-e’tibor va mansabni ko‘zlab ikkiyuzlamachilik qiladilar.

Qissa shaharning qoq markazidagi muhtasham binoning qurilishi lavhasi bilan boshlanadi. Asarda ko‘plab ramziy obraz va timsollardan foydalanilganini hisobga olsak, ushbu binoni shartli ravishda “adabiyot oshiyoni” yoki yozuvchi o‘zi ta’kidlaganidek, “san’at maskani” deb nomlashimiz mumkin.

Ushbu bino harbiy asirlarmi, ajnabiylarmi, yaponlarmi xullas, adabiyot oshyoniga kirishga noloyiq kimsalar (faqatgina mafkuraga xizmat qiluvchi yozuvchi va shoirlar) tomonidan qurilgani inobatga olinsa, o‘sha qatag‘on siyosati avj olgan 20 -30- yillarda ana shunday mafkuraga xizmat qiluvchi, insonga hech qanday badiiy-estetik zavq bermaydigan, qandaydir inqilobni-yu , “ulug‘ og‘a”larni kuylagan asarlar yaratilganiga qiyoslasak bo‘ladi. Mafkura xizmatchilaridan yana nimani kutish mumkin? Yozuvchi tilidan aytilgan “San’at maskani mahbuslar qo‘li bilan bunyod etiladimi?” -degan savol bejiz emas, albatta.

Qissani o‘qir ekanmiz, undagi bir o‘ziga xoslik, ya’ni hech bir qahramonga ism tanlanmagani diqqatimizni tortadi. Asar qahramonlari o‘zining xarakteridan kelib chiqib hamda ayrim shaxsiy sifatlari hisobga olinib nomlanadi. Shuni ta’kidlash kerakki, qissada real hayotda mavjud bo‘lgan shoir - yozuvchilarga, ularning asarlariga ishoralar mavjud (Masalan, Cho‘lponning “Adabiyot nadur” maqolasi va “Sen-sen“ nomli she’ri). Qahramonlar esa ana shu ijodkorlarning aynan o‘zlari. To‘g‘ri, bu qahramonlarni aynan qaysidir shoir yoxud yozuvchi deb tugal xulosaga kelishimiz noto‘g‘ri. Chunki bu obrazlarning aksariyati umumlashma obrazlardir. Ular bir nechta shoirning hayoti, ijodi, xarakteri va shaxsiyatini o‘zida mujassamlashtirgan. Masalan, asar bosh qahramoni, sakson yillik yubileyi nishonlanayotgan Otashqalb obraziga e’tibor beraylik. Adib bu obraz orqali Usmon Nosir hayotini to‘laqonli ravishda yoritgan. Yubileyda uning asarlari sifatida tilga olingan ijod namunalari esa Cho‘lponga tegishli. Demak, yozuvchi bu ikki qismatdosh shoirga tegishli lavhalarni jamlab, ularni Otashqalb siymosida qayta jonlantirgan.

Erkin A’zamning obraz yaratishdagi mahorati tahsinga sazovor. Chunki, yozuvchi Usmon Nosir hayoti va xarakteriga oid chizgilarni Cho‘lpon ijodi bilan mohirona birlashtirgan va Usmon Nosirning shaxsiy sifatlarini Jasur shoirga singdirgan. Shuningdek, Otashqalab bu - Usmon Nosir deyishimizga sabab, asarda uning bolalar uyida tarbiyalangani, ota – onasidan erta ajralgani, Samarqandda o‘qiganligi va Sibirga surgun qilingan payti she’riyat olamida chaaqmoqdek porlagan ijodkorga aylangani haqida aytiladi.

“Usmon Nosir Cho‘lponni o‘zining eng buyuk ustozi deb hisoblagan” (S.Matchonov, 2012: 273). Balki shuning uchun ham yozuvchi Usmon Nosirga yondosh obraz sifatida Cho‘lponni tanlagandir.

Qissada Otashqalbning yubileyi bahonasida o‘zlari bir vaqtlar loy chaplagan do‘stining xotirasini abadiylashtirish niqobi ostida Otashqalbni ko‘klarga ko‘tarib maqtayotgan razil shaxslarning haqiqiy basharasi ochib tashlanadi. Shunday shaxslardan biri - Oqsoqol shoir. U Otashqalbning eng yaqin do‘sti bo‘lgan. Lekin uning Sibirga surgun qilinishida ham va bugungi o‘tkazilayotgan yubileyda ham o‘zi tashkilotchi, o‘zi bosh qosh. Bu obraz o‘z do‘stini “xalq dushmani” sifatida ko‘rsatib, uning yorqin iste’dodini ko‘rolmagan, u sevgan qiz - Moviyko‘zga ham ko‘z olaytirgan manfur, munofiq kimsa. Shunday bo‘lishiga qaramay, hayratlanarli jihati shundaki, Oqsoqol shoir Otashqalbning har bir she’rini yoddan biladi! Umuman olganda, bu anjumanni “to‘y” yoki yubiley deb nomlash shartli ravishda bo‘lib, aslida esa haqiqat aytilgan, haqiqat g‘alaba qilgan kun deyishimiz mumkin.

Oqsoqol shoirning Otashqalbga bag‘ishlangan, berilib o‘qiyotgan nutqini ba’zi bir “g‘alamis” tinglovchilar buzishadi: “Afsus va nadomatlar bo‘lsinkim, shundoq noyob iste’dod sohibi, ajoyib do‘stim nohaq tuhmatlarga duchor bo‘lib, xalq dushmani sifatida olis sovuq o‘lkalarga surgun etildi.

Yon tarafdan kimdir qaltis, omonsiz luqma tashladi:

-Siz-chi? Do‘stingizni himoya qilmadingizmi?”

Ma’ruzachilarning yolg‘on –yashiq so‘zlariga tomoshabinlar ham dosh berolmay, Oqsoqol shoirga ayovsiz savollar bera boshlashadi. Sahnada o‘zini jonkuyar qilib ko‘rsatayotgan shaxs izza bo‘ladi. U hech bir savolga javob bermay, faqatgina bu savollarga tayyorlagan nutqida javob yozmagan yordamchisi Mitrofonni la’natlaydi. So‘zini har doimgidek, laganbardorlik bilan ya’ni “ulug‘ rahbar”ga minnatdorchilik bildirish bilan yakunlab, Mafkuraxonimga navbat beradi. Mafkuraxonim timsolida o‘sha davrdagi hukmron tuzum, yozuvchi va shoirlarga, ularning asarlariga bo‘lgan qattiq senzurani ko‘rishimiz mumkin. U hatto mana shu yubileyda ham har bir ma’ruzachining nutqini tinglab, nojoiz so‘zlaganlarni “qora ro‘yxat”iga yozadi. Bu ro‘yxatdan albatta, Jasur shoir ham o‘rin olgan. Mafkuraxonim obrazi orqali ijod ahli xohlaydimi yo‘qmi, baribir zamona bilan, davr bilan, mavjud tuzum bilan hisoblashishga majbur ekanligini anglaymiz. Mafkuraxonimning nutqi tinglangach, ana endi davrada haqiqiy afsona yangraydi. “Otashqalbning fojiali qismati aybdorlaridan biri ma’ruzachi - Ajoyib domla Oqsoqol shoir obrazini to‘ldiruvchi salbiy personaj ma’naviy inqirozini ifodalovchi tipik timsoldir” (F.Rajabova, 2016).

Ajoyib domla Otashqalb surgunda ham tinimsiz ijod qilgani, yozishdan to‘xtamagani va buni nazoratchilar sezib qolib, qo‘l-oyog‘i va tilini kesib tashlaganliklari haqidagi afsonani to‘lib – toshib so‘zlaydi. Ajoyib domla mana shu jo‘shqin nutqini so‘zlayotganda, Otashqalbning tomoshabinlar orasida bor bo‘lishi mumkinligini hayoliga keltirganmikin?!

Ikki hafta yo‘l bosib, ming azoblar bilan o‘zi majruh bo‘lishiga qaramay, yubileyiga yetib kelgan Otashqalb esa garchi xotirasi joyida bo‘lmasa-da, ularni taniydi, eshitayotgan so‘zlari uni larzaga keltiradi. “Nazoratchi”larning uni qo‘l -oyog‘i va tilini kesib tashlab, qulog‘i va ko‘zini qoldirishlarida ham ma’lum bir maqsad ko‘zlangan. Yozuvchi Otashqalb timsolida o‘sha davrdagi mutelikni, hamma narsani ko‘rib - eshitib turgan bo‘lsa-da, “ulug‘ og‘a“ning kirdikorlarini bilsa-da, “qo‘l-oyog‘i bog‘liq”, “tili yo‘q” mazlum shaxslarning qiyofasini ko‘rsatgan.

Ajoyib domla so‘zlayotgan safsataga esa Jasur shoir chek qo‘yadi. U Otashqalb haqidagi afsonani sabr bilan tinglaydi va oxiri bu maynavozchilikka chidayolmay, sahnaga chiqadi. Otashqalbning surgun qilinishiga zamonani bahona qilayotganlarga qarata: “To‘g‘ri zamona nosoz kelgan, nobop kelgan. Ammo zamona mavhum tushuncha, uning “parrag-u vintchalari” o‘zimiz edik-ku!” (E.A’zam, 1994: 21) –deydi. Bu shaxslar uchun zamonaning nosozligi-yu nobopligi bir bahona xolos. Aslida ular o‘z so‘zini aytolgan, adolat qaror topishi uchun hech narsadan qaytmaydigan, to‘g‘rirog‘i, ular “chizgan chiziq” dan chiqqan shaxs borki, ayovsiz “jazolashgan”.

Jasur shoir Oqsoqol shoirga qaqshatqich savollar beradi. Ajoyib domlaga qarata esa “Domla! Agar siz aytgandek bo‘lsa, ya’ni shoir tirilib kelsa, bu yerda bo‘lgan gaplarni, avvalo, sizning ma’ruzangizni eshitiboq, bilingki, qaytib narigi dunyoga ketardi!” (E.A’zam, 1994: 21) - deydi. Anjumanga yig‘ilganlar ichida birdan - bir vijdonli shaxs sifatida Jasur shoir sahnada ma’ruza qilganlarning hammasiga “ko‘zgu tutadi”. Hech ikkilanmay, barcha haqiqatni aytadi va o‘zini shunga burchli sezganligini, bugun gapimaganida o‘zini hech qachon kechirolmasligini ta’kidlab o‘tadi. Usmon Nosirdagi qiziqqonlik, jo‘shqinlik va adolatparvarlikni Jasur shoir obrazi orqali yana bir bor “kashf qilamiz”.

Shu bilan “otashin nutqlar”ga boy yubiley yakunlanadi. Majruh bo‘lishiga qaramay, shu kungacha yashab kelgan Otashqalb esa yubileydan so‘ng, xuddi Jasur shoir bashorat qilganidek…

Yozuvchi Erkin A’zam “Shoirning to‘yi“ qissasi orqali birgina Usmon Nosirning ayanchli qismati bilan 30- yillardagi qatag‘on siyosatining ma’nosiz mohiyatini, ming –

minglab nodir iste'dodlarning erta so'nishiga olib kelganini va "nobop, nosoz zamona"ning kirdikorlarini fosh qilgan.

Erkin Vohidov shunday degan edi: "Dunyoda oz umr ko'rganlarni eslaganda, odatda u tirik bo'lganda falon yoshga kirgan bo'lardi, oqsoqol bo'lib, qarilar qatorida munkillab yurgan bo'lardi, kabi gaplar aytiladi. Men negadir Lermontov va Yeseninni, Hamza va Usmon Nosirni munkillab yurgan chol sifatida ko'z oldimga keltirolmayman. Ular chaqmoq bo'lib dunyoga kelganlar-u, chaqmoqday olovli iz qoldirib dunyodan o'tganlar" (E.Vohidov, 1988).

Darhaqiqat, Usmon Nosir g'oyat qisqa umri davomida xuddi chaqmoq singari adabiyot maydonini larzaga keltirib, o'zidan o'lmas asarlar meros qoldirdi, she'riyatda o'z ovoziga ega bo'ldi. Yozuvchi Usmon Nosirning achchiq qismati bilan yakka shaxs fojiasini emas, butun jamiyat muammosini, dard-u hasratlarini qalamga olgan va bunday nodir iste'dodlar kamdan - kam dunyoga kelishi, ularning asarlari doimo barhayot bo'lishi haqidagi fikrni ilgari surgan. Yozuvchi O'tkir Hoshimov ta'kidlaganidek, "Ikkita eng xolis va beshafqat hakam - kitobxon va vaqt sinovidan o'tgan asar haqiqiy asardir". Demak, yuqorida nomlari keltirilgan ijodkorlarning asarlari bu sinovlardan o'tgan. Aks holda biz haligacha "Kecha va kunduz", "O'tgan kunlar", "Mehrobdan chayon" kabi romanlarni-yu, ularning go'zal she'rlarini o'qimagan bo'lar edik. Asarda aytilganidek, "Tarix, kechagi kun - bamisoli serishva jonon, har kim uni ta'biga moslab olaveradi; davr shamoliga qarab o'zgargani sayin chin haqiqatni aniqlash mushkullashib boradi". Lekin, bu haqiqat erta-mi kechmi, baribir oydinlashadi. Jasur shoir singari adolat tarafdorlari, adabiyot maydonining himoyachilari bor ekan, qoralanib, "xalq dushmani" deya tuhmatga duchor bo'lganlar albatta oqlangusidir.

Ushbu asar qatag'on qurbonlari mavzusiga bag'ishlangan asarlardan o'zining ta'sirchanligi, sodda tili va uslubi bilan ajralib turadi. Eng muhimi, kitobxonni o'ylashga, fikrlashga undaydi. Shu kabi asarlarni o'qib, biz bugungi tinch, osoyishta kunlarimizga shukronalar aytamiz, tarix va bugunni qiyoslab, xulosa chiqaramiz.

Bu qissa faqat Usmon Nosir emas, Hamza, Cho'lpon, Qodiriy va yana minglab ijod ahlining qora kunlaridan hikoya qiladi. Garchi ular zamona qurboni bo'lib, nohaq ayblanib, jismonan yo'q qilingan bo'lsalar-da, ularning yaratgan asarlari barhayot. Bu o'lmas asarlar o'zlaridan keyingi avlodga ma'rifat nurlarini taratmoqda. Xalqimiz bu vatanparvar, asl farzandlarini hech qachon unutmaydi. Zero, xotira mangu, xotira abadiydir…

Ming yillardan keyin ham
Unutmas meni bog'im,
Ishimni hurmat qilur,
Gullardan haykal qurur
She'rlarim yangrab qolur…
Bir umrga o'lmayman.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Usmon Nosir. "Unutmas meni bog'im". – Toshkent, 1988.
2. Hakimjon Karimov. "Istiqlol davri adabiyoti". –Toshkent, 2010.
3. Feruza Rajabova. "Achchiq qismatli shaxs fojiasi". kh.davron.uz, 2016.
4. Dilobar Saydahmetova. "Davr va shaxs fojiasi". saviya.uz, 2011.
5. Sobir Mirvaliyev. "O'zbek adiblari" xrestomatiyasi. –Toshkent, 1993.
6. O'tkir Rashid. "Otashnafas shoir". -Toshkent, 1988.
7. Erkin Vohidov. "Chaqmoq umri". –Toshkent, 1988.
8. Safo Matchonov, Sharafjon Sariyev. Adabiyot. –Toshkent, 2012.

ABDUQAYUM YO‘LDOSHEVNING “YOLG‘ON VA HAQIQAT” HIKOYASINING BADIIY – G‘OYAVIY XUSUSIYATLARI

ABDUKAYUM YOLDAŞEV’İN “YALAN VE GERÇEK” ADLI ÖYKÜSÜNÜN POETİK VE İLKESEL ÖZELLİKLERİ

Allaberdiyeva Mo‘mina,
Jizzax davlat pedagogika instituti talabasi
Ilmiy rahbar: E.Hazratqulova, Jizzax davlat pedagogika instituti o`qituvchisi

Momine ALLABERDİYEVA,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü,
Danışman: E. Hazratkulova.

Özet: Makalede taninmiş yazar Abdukayum Yoldaşev’in “Yalan ve Gerçek” adlı öyküsünden yola çıkarak, yalan ve gerçek kavramlarının insana etkisi, dün ve bugünün olayları ekseninde araştırılmıştır.
Anahtar kelimeler: yalan, gerçek, çocuk terbiyesi, şans oyunu, Buhara.

Abstrakt: This article discusses the impact of the idea of the path and the truth on the human mind, and the present and the present day.
Key words: Untruth, truth, spirit, child education, lottery, Bukhara, dissatisfaction.

Аннотатция: В статъе обсуждается влияние идеи и истины на сегодняшний денъ.
Ключевые слова: правда, дух, воспитание детей, лотерея, Бухара, гармония.

“Adabiyot - fikr, tuyg‘ularimizdagi to‘lqinlarni so‘zlar, gaplar yordami bilan tasvir qilib boshqalarda ham xuddi shu to‘lqinlarni yaratmoqdir” (Abdurauf Fitrat).

Epik asarlar orasida hajm jihatidan boshqalariga nisbatan kichik bo‘lgan hikoya janri qisqa bo‘lsada, o‘zida ko‘plab insonlarning taqdirini ochib bera olishi bilan xarakterlanadi. Xususan, adabiyotshunos D.Quronov hikoya janri haqida: ”Tasvirlanayotgan voqealarning yuz berish vaqti qisqaligi bois hikoyaning hajmi kichik, syujeti sodda, personajlari kam bo‘lishini taqozo etadi. Hikoyanavisning mahorati eng avval hikoyabop voqeani tanlay olishi bilan belgilanadi. Zero, har qanday voqea ham hikoyabop emas, ijtimoiy-estetik qimmatga molik voqeani tanlay bilish lozim. Chunki hikoyada xarakterning ayrim chizgilarigina namoyon boladi, shu bois voqeaning o‘zi ahamiyatli mazmun mohiyatni namoyon etish uchun yaroqli bo‘lishi lozim”-deydi (Quronov, 2018: 76).

Shuningdek, Abdulla Ulug‘ov hikoya janrini quyidagicha tavsiflaydi: ”Hikoya, asosan, qahramon hayotidagi bitta voqeani qalamga oladi va bu-janrning asosiy belgisidir. Lekin bitta voqea qissa, hatto romanga ham material berishi mumkin. Demak, asarni hikoya janriga mansub etish uchun yana uning hajman kichik bo‘lishi, xarakterning tayyor holda berilishi; syujet asosida “voqealar rivoji” emas, balki “voqeaning ichki rivoji” (yani voqeadan voqeaga tarzida emas, voqeaning epizodidan epizodga tarzidagi rivojlanish) yotishi talab etiladi” (Ulug‘ov, 2018: 133).

Hajm jihatidan ixcham bo‘lsa-da o‘z zimmasiga katta vazifani yuklovchi hikoya janrining shu kabi bir qator talablari mavjud. O‘zbek hikoyachiligida betakror asarlar yaratayotgan ijodkorlar salmoqli qismni tashkil etadi.Shulardan biri bugungi adabiy jarayonning yirik vakillaridan biri Abduqayum Yo‘ldoshevning hikoyachilik mahorati haqida to‘xtalib o‘tmoqchimiz. Abduqayum Yo‘ldoshev o‘zbek adabiyotida o‘z uslubiga, o‘z so‘ziga hamda o‘zining qahramoniga ega ekanligi bilan kitobxonlar qalbidan chuqur òrin olgan.Yozuvchi

asarlarining qiymati baland saviyasi, uslubining o‘ziga xosligi, qahramonlarning xatti-harakatlari va ichki kechinmalarining hayotiyligi bilan belgilanadi.

Abduqayum Yo‘ldoshev hikoyalarida qahramonlar masalasi muallif uchun bosh muammo sanaladi. Asarni esa qahramonlarsiz va ularning ruhiy olamisiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. “Yolgon va haqiqat“ hikoyasida ham insonlar ruhiyati òziga xos tarzda qalamga olingan. Tabiiyki, bizda yozuvchi hikoyani nega bunday nomlagan degan savol tug‘ilishi albatta o‘rinlidir. Bu savolga javobni kitobxon hikoyani mutolaa qilish jarayonida: yolg‘on va haqiqat orasidagi zidlik,yani yolg‘on ortida tubsiz jarlik, haqiqat ortida esa jannatga yetishish umidi borligini tushunib yetadi. Har kim haqiqatni o‘z imoni, hayotiy tajribasi va farosati darajasida taniydi. Yolg‘on so‘z bilan inson ruhiyatini o‘ldirish ,haqiqat bilan esa umidsiz ruhga jon bag‘ishlash mumkin. Ushbu hikoyada ham ota onasining orzusini amalga oshira olmagan, turli yolg‘onlar bilan otdan tushsa ham egardan tushmaydigan noqobil farzand obrazi tasvirlangan.

Hikoya O‘zbekovullik Rayimberdi cholning kenja o‘g‘li G‘oziqul shaharda qolib ketishi bilan boshlanadi. Hikoyada ne-ne umidlar bilan farzand tarbiyalab,oliy malumotli qilib,qarigan chog‘imda belimga quvvat bo‘lar deb umid qilgan chol kampirning orzulari chilparchin bo‘lgan holda tasvirlanadi. Hikoyada ishtirok etgan har bir qahramon o‘ziga xos xarakterga ega. Yozuvchi uchun asarlarining qiymati u tanlagan obrazlar bilan belgilanadi. Abduqayum Yo‘ldoshev ushbu hikoyasiga bosh qahramon qilib G‘oziqulni tanlagan. U juda kekkaygan, maqtanchoq,bitta rost so‘zni badalini o‘nta yolg‘ondan oladigan yigit. Qishloqdan shaharga borib ,o‘zini avliyo darajasida baholaydigan xudbin shaxs. G‘oziqul universitetni bitirgandan so‘ng qishloqqa qaytgisi kelmaydi.Rayimberdi cholning o‘ziga qolsa ,o‘qishini bitirgan zahoti o‘g‘lini dikonglatib sudrab kelardi shahardan. Lekin kutilmaganda G‘oziqul lotoreyadan “NEKSIYA” yutib oldi!!!.

Ushbu o‘rinda yozuvchi kutilmagan omaddan sarxush G‘oziqulning yangi mashinani yuvib ,og‘aynilari bilan ziyofatma ziyofat yurib, uyda unga intiq bo‘lib turgan yaqinlarini unutish holatini aks ettiradi. Tabiiyki, bu xursandchiliklar uzoqqa cho‘zilmasligidan dalolat berar edi.Bir necha qirq kunlardan keyin G‘oziqul moddiy ehtiyoj tufayli qishloqqa qaytadi. Oilasi uni samimiy kutib oladi.Bilamizki, o‘zbek xalqi mehnatkash va mehmondo‘st xalqdir.Rayimberdi chol qo‘y so‘yib xalqqa osh beradi. Ziyofat avjiga chiqqan bir paytda G‘oziqul mast ahvolda chayqalib, gandiraklab hovli o‘rtasida turgan mashina yoniga bordi-da, kutilmaganda mashinaga daranglatib urdi va: ”Bu.... deya bo‘kirdi, bu mashina otamning xizmatida bo‘ladi... Bir umr. Ko‘ngli bo‘shab ketgan Rayimberdi chol ko‘zlariga yosh oldi”.

Yozuvchi G‘oziboy so‘zlarining tasir doirasini shunday belgilaydiki, ushbu holatda padaribuzrugvor kozlariga yosh olmasligining iloji yoq edi. Albatta, har bir ota ona o‘z zuryodidan shunday e'tibor, iltifot kutadi. Ammo bu holat uzoqqa cho‘zilmaydi. Yana bir o‘rinda yozuvchi G‘oziboyning naqadar yuzsiz kimsa ekanligini shunday izohlaydi: ”G‘oziboy peshinga yaqin uyg‘onib, otasi bilan naridan beri so‘rashdi va dangaliga ko‘chadi: Ota, uch yuz ming pul kerak. Ota sergak tortdi. Tinchlikmi, bolam? Offormleniyaga, chexolga “..... G‘oziboyning hali bunday yolg‘onlari ancha edi. Farzandning yagona ilinji qanday bo‘lsa-da pul olib ketish. Mehribon ota mulohaza qilib qarz havola-yu, olimligi uchun yig‘gan pullarni jamlab berib yubordi. Ğoziqul mashinani minib yana shu kundan boshlab yo‘qolib qoldi.

Shu O‘rinda bugungi jamiyatimizda ham G‘oziqulga o‘xshagan kimsalar ko‘pchilikni tashkil etishini aytib o‘tishimiz lozim.. Oilasining rizqini olib, choyxona yu kafelarda og‘aynilari bilan baham ko‘radigan insofsiz kishilar. Bunday insonlar ota - ona orzusi bilan qiziqib ham ko‘rmaydilar. Chunki ular hayotning maishiy tashvishlari bilan ovora bo‘lib,o‘zligini unutgan kimsalardir. Rayimberdi cholning esa ko‘nglida ham bir niyati bor edi. G‘oziqul kelsa- yu, chol kampirni oppoq "NEKSIYA"ga mindirib, Buxoroi sharifga ziyoratga olib borib kelsa, axir Buxoro aziz - avliyolar o‘tgan joy. Rayimberdi cholning dilida ana shunday orzu-istaklari bor edi. Buxoroni ziyorat qilish yarim hajga borish bilan barobardir. Shunday ekan o‘zingni mashinangda yumshoqqina o‘rindiqda yastanib, beminnatgina borganga nima yetsin”. Bir mushtipar otaning kònglidan shunday fikrlar o‘tar, o‘sha kun kelishini intizorlik bilan kutar edi. Yozuvchi bu vazifani G‘oziboyning zimmasiga yuklaydi, va u bir qancha istiholalar bilan kelasi

hafta juma kuni olib borishga vada beradi. Doimgidek otasini aldab bir qo‘yni pulini olib shaharga ketib qoladi. O‘zbek yigitlari mard, jasur, oriyatli, va'dasiga vafodor, ota - onasi oldidagi burchiga sodiq o‘g‘lonlardir. Ammo guruch kurmaksiz bo‘lmagani kabi G‘oziboy va uning toifasidagi yigitlar bunday kuchli tuyg‘ulardan bebahra yashab kelmoqda.

Yozuvchi ushbu o‘rinlarda Rayimberdi cholning ruhiy holatini mahorat bilan tasvirlaydi: ”Vada qilingan juma kuni G‘oziboy kelmadi. Tabiiyki, hammamiz ham tirik jonmiz, ish-pishimiz chiqib qolishi mumkin. Ammo keyingi juma ham G‘oziboy kelmadi. Hatto undan keyingisida ham... . Rayimberdi chol cho‘kib qoldi. Bamisoli ichidan biron narsa “chort” etib uzilib ketganday, birdan qaddi bukildi. Ko‘zlaridagi o‘t so‘ndi”. Yozuvchi inson uchun zarracha bo‘lsa-da umid bilan yashash hayotda juda muhimligi, umidsiz inson jonsiz tana kabi ekanligiga ishora qiladi. Ota - onaga berilgan vadaning ustidan chiqmaslik esa naqadar pastkashlikdir.

Muqaddas kitobimiz “Quroni Karim”da, Imom Buxoriyning mo‘tabar hadislarida ota - ona muqaddas zot ekanligi ta'kidlangan. Zero Rayimberdi chol farzandida shakllangan shafqatsizlik, yolg‘onchilik illatlarini his qilib, sezib tursa-da, insof kirib qolar deb qalbining tubidagi bir umid uchquni bilan yashaydi. Umuman olganda, hikoyada G‘oziboy tomonidan aytilgan har bir yolg‘on taftish qilinadi. Xarakteridagi manmanlik, kibr-u havoga berilish uni tubsiz jarlik sari yetaklaydi. Albatta, buning bari yolg‘on so‘zlarning badali edi. Hikoyaning yaxlit syujeti bilan tanishgan kitobxonda G‘oziboyga nisbatan nafrat uyg‘onadi. Uning tilida esa faqat bir so‘z “ISHIM BESH” singib qolgan. Rayimberdi chol shaharga uni qidirib borib ahvoli ogir ekanligini korib turgan bo‘lsa-da, G‘oziqul oliftalik qilib, “Yaqinda ishim besh boladi. Qishloqqa “Mers” minib boraman. ”Mers”da Buxoroga ziyoratga olib boraman”. G‘oziqulni ogir ahvoli va yengil so‘zlarini o‘qiganimizda yolg‘on va haqiqatning yuzma yuz kelganligini guvohi bo‘lamiz. Asar nihoyasida Rayimberdi chol g‘am - alamdan betob bo‘lib, kasalxonada qiynalib ko‘z yumadi. Akalari tomonidan topib keltirilgan G‘oziboy esa “voy otamlab” yig‘lashgagina yaraydi xolos, keyingi ma'rakalarida ishtirok etmaydi. Ammo bir talabadan “ishim besh” yaqinda “Mers”da boraman-deb aytib yuboradi. Bu esa bugungi kundagi ayrim kimsalarning nafaqat moddiy balki ma'naviy ne'matlardan dan ham bebahra ekanligini isbotlaydi.

Ta’kidlash joizki, ushbu hikoya sodda til va ravon uslubda yaratilgani bois tag zamiridagi ma'noni anglab olish kitobxonga bir muncha qiyinchilik tug‘dirmaydi. Hikoyada yolg‘on so‘zlarga umid bog‘lab armon qurboni bolgan mehribon ota obrazi yaratilgan. Albatta,yozuvchi G‘oziboy obrazi orqali ijtimoiy hayotdagi ayrim illatlardan yolg‘onchilik,maishatga berilishi va u orqali kelib chiqadigan salbiy oqibatlarni ko‘rsatib bergan va asarni o‘ziga xos yakunlash orqali bu maqsadni yana-da aniqroq uddalagan. Agar yozuvchi hikoya so‘ngini G‘oziboyning “Ishim besh” yaqinda “Mers”da boraman degan so‘zlar bilan yakunlamaganida o‘quvchi G‘oziboyga insof kiribdi-da, deb o‘ylagan bo‘lar edi. Ammo bu jumlani mutolaa qilgan har bir kitobxonda fikr butunlay o‘zgaradi.

Xulosa qilib aytganda, Abduqayum Yo‘ldoshev hech bir qahramonni bejiz shunchaki tanlamaydi. Qahramonlarning xarakter tuzilishidagi, yani ota - o‘g‘il, aka - uka orasidagi bir - biridan yiroqlik go‘yo bir birini to‘ldirgandek bo‘ladi. Hikoyada keltirilgan qahramonlar o‘rtasidagi munosabatlar xoh samimiy, xoh salbiy yoki ijobiy bo‘lsin asar haqiqatini yuzaga chiqarishga xizmat qiladi. Shu boisdan yozuvchi asarlarida hayotiylik ufurib turadi. Hikoyada har bir obrazning botiniy va zohiriy olami aks ettirilgan va bu, albatta, badiiy psixologizmni yuzaga chiqargan. Asarda personaj ruhiyatining uning xatti harakatlari, gap - so‘zlari, yuz - ko‘z ifodalari, undagi fiziologik o‘zgarishlarni ko‘rsatish orqali ochib berilishi bilvosita psixologik tasvirdir. Yani hikoyani o‘qigan kitobxon asar qahramonlarining fikr - o‘ylari, his tuyg‘ularini sezib, tahlil qila oladi.

Abduqayum Yo‘ldoshev yaratgan hikoya va uning qahramonlari ruhiyati tasviri, ularning ichki kechinma va tuyg‘ulari jozibali va betakror. Ushbu hikoyada Abduqayum Yo‘ldoshevning boshqa hikoyalari singari odob - axloq, mehr - oqibat munosabatlari òz aksini topgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Yo‘ldoshev A. “Adabiyot dunyoni o‘zgartira oladi” maqolasi. kh.- davron.uz kutubxonasi. 2018-yil 12-avgust.

2. Yo‘ldoshev A. “Yolg‘on va haqiqat“ hikoyasi. kh.- davron.uz kutubxonasi 19- may 13:34.

3. Quronov D. “Adabiyot nazariyasi asoslari” -Toshkent: “Navoiy universiteti”, 2018.

4. Ulug‘ov A. Adabiyotshunoslik nazariyalari. -Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi, 2018.

5. Saviya .uz. 30-may 18:35.

6. kh.-davron .uz kutubxonasi. 30-may 20:12.

ERKIN VOHIDOV G‘AZALLARIDA MUMTOZ TASVIR VA O‘ZIGA XOSLIK

ERKİN VAHİDOV’UN GAZELLERİNDE KLASİK TASVİR VE KENDİNE ÖZGÜ HUSUSLAR

Xolbekova Go‘zal Ibroximovna,
Jizzax davlat pedagogika
instituti talabasi (O‘zbekiston)

Öğr. Güzel Halbekova,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü,

Özet: Makalede çağdaş Özbek edebiyatının en önemli şairlerinden biri olan Erkin Vahidov’un gazel türünde yazdığı şiirleri poetik gelenek ve çağdaş yönelimler açısından analiz edilmiştir.
Anahtar kelimeler: Erkin Vahidov, “Yoshlik devoni”, Ali Şir Nevai geleneği, gazel, edebi sanatlar.

Аннотация: В статъе написана про лирике одного из ярких примеров современной Узбекской народной литература Эркина Вохидова и эго место в современной газеливидение.
Ключевые слова: Эркин Вохидов, “Девонская молодёжь”, традиции Алишер Навои, аруз, газелъ, рифма, радиф, художественные исскуства.

Abstract: This article is about the peace, where in national gazals, of lyrick works of Erkin Vokhidov, who one of the writer of uzbek national literature.
Keywords: Erkin Vohidov, “Divan of Youth”, the tradition of Alisher Navoiy, aruz, gazelle, rhyme, radif (repiet words), lyrical culture.

XX asrda o‘zbek xalqi fan va madaniyatning necha – necha ulug‘ arboblarini yetishtirib berdi. XX asrdagi o‘zbek shoirlari orasida aruz, barmoq, va sochma she`riy vaznlar tabiatini mukammal bilgan va shu vaznlardagi she`riy durdonalari bilan XX asr o‘zbek she`riyatini yuksak cho‘qqiga ko‘targan Erkin Vohidovdir. Shoirni g‘azal janrining davomchisi sifatida nihoyatda e’zozlashadi. Ayniqsa, “Yoshlik” (1969) devoniga kiritilgan g‘azallari bu jihatdan e’tiborlidir. “Devon yoshlarning ko‘ksida asrab yuradigan hamrohiga aylandi, oshiqlar ma’shuqalariga o‘z dil izhorlarini “Barcha shodlik senga bo‘lsin,bor sitam, zorlik-menga” kabi misralar bilan izhor qila boshladilar. Eng muhimi, ”Yoshlik devoni” mumtoz she`riyat ulug‘ bir xazina ekanligi, undan bobahralik esa insonga chin saodat keltirilishini yaqqol isbotlab berdi (A.A’zam, 2015).

Shoir aruz vaznini qayta uyg‘otgan g‘azalnavis ijodkordir. Shoir g‘azallari tili sodda va ravon hech bir qiyinchiliksiz o‘qiladi. Erkin Vohidovning devoniga kiritgan “Tuni bilan yig‘labdi bulbul”, “G‘uncha“ kabi she`rlarida an`anaviy g‘azal belgilari, undagi bulbul va atirgul fojiaviy lavhasi, Farhod va Majnun kabi afsonaviy timsollar mavjud. Sof o‘zbek tilida yaratilgan ushbu g‘azallar mahorat bilan yozilgan. Erkin Vohidovning hayotiy va ijodiy tajribalari tufayli tug‘ilgan nazariy qarashlarida bir olam hikmat mujassam. “Shoir o‘zining “Aruz haqida” degan maqolasida: “G‘azal-murakkab va ancha qiyin janr. G‘azalnavisdan oz so‘zda ko‘p ma`no berish, fikr durdonalarini badiiy tashbeh sadaflari ichida taqdim etishni talab etuvchi janr...”, degan e’tiborli mulohazalarni yozadi (B.Karimov, 2012: 5) .

Tuni bilan yig‘labdi bulbul
G‘uncha hajri dog‘ida,
Ko‘z yoshi shabnam bo‘lib,
Qolmish uning yaprog‘ida.

“Tuni bilan yig‘labdi bulbul” g‘azalidagi quyma satrlar kishini o‘ziga maftun etadi. Bulbulning g‘uncha hajridan tun bo‘yi nola chekib yig‘lagani, ko‘z yoshlari misli shabnam misoli g‘uncha yaprog‘ida qolishi kabi satrlar shoirning qalb qo‘rida kechayotgan hislar bilan o‘quvchini yaqinlashtiradi.

Ko‘z yumar bo‘lsam, ko‘zim-
Oldida paydo gul yuzim,
G‘uncha ko‘z ochmog‘i bor
Bulbul ko‘zin yummog‘ida

Ushbu satrlar falsafiy ruh bilan sug‘orilgan.Tabiat hodisasi oddiygina tasviri bilan o‘quvchi qalbiga kirib boradi. Ko‘z yumgan vaqtimda ko‘z oldimda gul yuzli yor paydo bo‘ladi. G‘uncha ko‘z ochgan fursatda,bulbul ko‘zin yummog‘i ham borligini nafis so‘zlar bilan tasvirlagan. “O‘ta yoqimli, o‘ta chiroyli bu g‘azallar. Hatto xushbo‘y va totli tuyulardi menga. Ularni o‘qigan o‘zbek, agar ichida ozgina yolini bo‘lsa,o‘shanda tobora kamsitilib,o‘z uyining burchagiga tiqib qo‘yilgan ona tilini o‘zgacha bir iftihor ila sevib qolmasligi mumkin emasdi (Anvar Obidjon, “O‘zbekiston adabiyoti va san`ati”, 2006: 8).

Erkin Vohidov zamondoshlariga aruzni, o‘n to‘rt kunlik oydek yashartirib, yangilab qaro ko‘zlariga surma, qo‘llariga esa xino qo‘yib bergan ijodkor.

Asta barg ostida tinglab
Yotgan ermish sho‘x sabo,
G‘uncha bulbuldan muhabbat
Darsin olgan chog‘ida.

Misralar zamiriga yashirilgan mo‘jaz fikrlar shoir orzu o‘ylari haqida so‘zlaydi.Go‘zal g‘unchaning bulbuldan muhabbat to‘g‘risida dars olayotgan fursatda,bu voqeaga barg ostida bekinib turgan sho‘x sabo guvoh bo‘lganligi,ularning suhbatini tinglab turgani ajoyib misralarga singdirilgan. So‘zning qudratini, jozibasini faqatgina yaxshi anglagan shoirgina bunday misralar yarata olishga qodir. Akademik G‘afur G‘ulom Erkin Vohidovning g‘azaldagi muvaffaqiyatlardan quvonganligini ta`kidlaydi: “Bu bola mudragan aruzni uyg‘otib yubordi. Sof o‘zbek g‘azalini yaratayapti. Juda chiroyli, ma`noli, mahorat bilan yozilgan g‘azallari ko‘p ekan. Uning “G‘uncha” g‘azalidagi quydagi satrlar kishini o‘ziga rom etadi.

Barg ostidan muloyim, Boqqan iboli g‘uncha.
Ne sirni saqlagaysan, Bag‘ring nechuk tuguncha.

Buni qara qayta –qayta tuzatilgan bu g‘azalda bironta tushunarsiz so‘z yo‘q. Unga ixlosim oshdi” degani bejiz emas buyuk adib G‘afur G‘ulom (S.Ahmad, G‘.G‘ulom. 2006: 11).

Shoir she`rlarida so‘zlar mayin,satrlar ixcham, qofiyalar to‘liq va jarangdor. Shoir she`riyatiga nisbatan adabiyotshunos Abdulla Ulug‘ov aytganidek “dilbar she`riyat” (Abdulla Ulug‘ov, 2006: 108) iborasini qo‘llasak har jihatdan mos keladi. She`riyat yurak sadosi bo‘lganligidan bir she`rni o‘qib quvonsak, bir g‘azalni o‘qib xayolga tushamiz. Inson tuyg‘ular olamiga she`r orqali kirib boramiz. Shoirning har bir g‘azallarida tuyg‘ularning tabiiyligi,ta`sirchanligiga she`rxonni ishontira olganligini ko‘rishimiz mumkin.

Sevgi sahrosida qolmish
Necha Majnundan g‘ubor,
Necha Farhod gardi yotgay
Bisutunning tog‘ida.

Muhabbat to‘g‘risida har bir shoir jo‘shib kuylagan. Har bir shoir she`riga tanlab olingan so‘zga alohida ahamiyat beradi va ko‘ngil rishtasini bog‘laydi. Sevgi afsonalarining vakillari bo‘lmish Majnun va Farhod obrazlari mashhurdir. Majnun muhabbati sahrolarda qolgani, Farhod muhabbati Bisutun tog‘larida nola chekib qolgani ishorasi mavjud. Oshiq Bulbulning ham ma`shuqasi visoliga yetolmay hijronda iztirob chekayotganligi ishoralari satrlar zamiriga yashirilgan.

G‘unchadek chehrangga Erkin
Jon fido etgay, sanam,
Qatra qonidan gul unsin

To muhabbat bog‘ida.

Shoir ushbu misralarda chehrasini g‘uncha singari ekanligini aytib tashbeh san`atidan foydalanadi. Sening g‘uncha misoli chehrangga sanamlar jon fido etgaydir. Sening qatra qoningdan muhabbatning bog‘larida go‘zal gullar ungay deya lirik qahramon ma`shuqasiga o‘z dil izhorini bayon etmoqda. Ushbu misralar aruz jozibasini barmoq vazniga uyg‘unlashtirib yozilgan go‘zal misralar edi.

“Yoshlik devoni” dagi har bir g‘azalning deyarli barchasi qo‘shiqqa aylanib ulgurgan, She’r – shoirning hissiyot mahsuli. Shoir qalbidan sizib chiqqan dil so‘zlari qog‘ozga bor bo‘yi bilan o‘z ifodasini topgan. Bu she`rlarda vaqt, tabiat bilan bog‘liq so‘zlar majoziy va ramziy ma`noda foydalanilganini sezish mumkin. Shoir o‘zining bir she`riy satrlarida shunday degan edi:

“Istadim sayr aylamoqni
Men g‘azal bo‘stonida.
Kulmangiz ne bor senga deb.
Mir Alisher yonida“

Ushbu satrlardan ko‘rinadiki,shoir g‘azal bo‘stonida so‘z saralab g‘azal an`nasini davom ettirmoqchi. O.Madayev aruz haqidagi qarashlarini “So‘z zargari” maqolasida “Menimcha, Erkin Vohidov tabiatida buyuk Alisher Navoiyning falsafasi alohida ajralib turadi. Birinchidan, Alisher Navoiy millatimizning takrorlanmas qadriyati-tilimizni alohida mehr bilan e’zozlaydi, himoya qiladi. Erkin aka o‘zbek tilida aruz vaznini o‘gaydir deb turilgan o‘tgan asrning 60-yillarida “Yoshlik devoni” ni taqdim etdi” (Omonulla Madayev. So‘z zargari. 2015: 2). Erkin Vohidov she’rlaridan birida:

“Ey munaqqid, sen g‘azalni
Ko‘hna deb kamsitmagil,
Sevgi ham Odam Atodin
Qolgan inson qonida”,-

deyilgan misralari muxlislar tomonidan aruzning keyinchalik yaxshi kutib olinishiga sabab bo‘ldi. Shoir g‘azallarida inson qalbi va nutqi uyg‘un tarzda badiiylashtirilib misralar qat`iga joylashtirilgan. Yuksak tafakkur, jo‘shqin muhabbat Erkin Vohidov ijodiga o‘zgacha fayz va ma`no baxsh etadi.

Xullas, taniqli shoirimiz Erkin Vohidov to‘g‘risidagi kuzatishlardan so‘ng shunday xulosaga kelindiki, u o‘zbek xalqining faxri,o‘zbek adabiyotining yuksak namoyondasidirlar. Shoirning aruz vaznidagi she`rlari klassik poeziya an`analarini yangilash, izchil, jiddiy izlanishlarining samarasidir. “Yoshlik devoni” dagi g‘azallar Erkin Vohidovning aruz vaznida she`r yozish san`atini, g‘azal janrining sirlarini mahorat bilan egallaganligidan dalolat beradi. Shoirning chuqur falsafiy ruh,salmoqdor xalqona badiiylik uyg‘un bo‘lgan g‘azaliyotida so‘z qo‘llashning yuksak nutqiy mahorati yaqqol ko‘rishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdulla A’zam. Jasorat. To quyosh sochgayki nur. - Toshkent: 2016.
2. Bahodir Karimov. Adabiy fikr javhari. - Toshkent: 2012.
3. Anvar Obidjon. Xalqqa kerak bo‘lish baxti. “O‘zbekiston adabiyoti va san`ati” gazetasi, 2006-yil 8-dekabr soni.
4. Said Ahmad. G‘afur G‘ulom. Erkin Vohidov haqida. To quyosh sochgayki nur. - Toshkent: O‘zbekiston, 2016. 11-bet.
5. Abdulla Ulug‘ov. Xalq shoiri yohud dilbar she`riyat. To quyosh sochgayki nur. - Toshkent: O‘zbekiston, 2016. 108-bet.
6. Omonulla Madayev. So‘z zargari. - Toshkent: 2015.

TOHIR MALIKNING “FALAK” QISSASI HAQIDA

TAHİR MELİK’İN “FELEK” HİKAYESİ HAKKINDA

Nosirova Mo'tabar,
Jizzax davlat pedagogika instituti talabasi
Ilmiy rahbar: E.Hazratqulova, Jizzax
davlat pedagogika instituti o`qituvchisi

Muteber Nasirova
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü,
Danışman: E Hazratkulova.

Özet. Makalede meşhur Özbek yazarı Tahir Melik’in eserlerindeki ilke ve poetik özellikler “Felek” hikayesi örneğinde kaleme alınmıştır.
Anahtar kelimeler: süje, Timurlular dönemi, edebiyat, edebi uydurma, didaktik.

Аннотация. В статье идейно-художественные стороны произведения Тахира Малика описывается на примере повести “Фалак”.
Ключевые слова: сюжет, период Темуриды, литература, научная фантастика, дидактика.

Abstract. Ways and importance Tahir Malik's of works are illimunated with story which name is “Falak”.
Key words: sujet, age of Temurs, literature, science fiction, belles composition, didactics.

O‘zbek adabiyotida Tohir Malik asarlari janr va mavzu jihatidan o‘ziga xos o‘ringa ega. Yozuvchi asarlarining qiziqarli syujetlarga boyligi, ayniqsa, kitobxonlar e'tiborini o'ziga ko‘proq jalb etadi. Shuningdek, detektiv janrni “oldi- qochdi gaplar yig‘indisi” deb hisoblovchilar fikriga qarshi Tohir Malikning detektiv-sarguzasht qissalari g‘oyaviy - badiiy yetukligi, milliy ruhning kuchliligi bilan ham qimmatli. Detektiv janr ildizlarini xalq og‘zaki ijodining noyob na'munalari- "Alpomish", "Kuntug'mish", "Malikai ayyor" kabi dostonlarda uchratamiz. Alpomishning dushmani Ultontozni yengish uchun o‘zini yashirin tutishi, Kuntug'mishni kuzatish uchun Xolbekaning ta'qib qilib kelishi kabi holatlarni kuzatib, bunga amin bo‘lamiz. Shunday ekan, detektiv janrni kecha yoki bugun paydo bo‘lgan janr deya olmaymiz. Bugungi detektiv asarlarda ham salmoqli badiiy yuk bor. O‘zbekiston xalq yozuvchisi O.Muxtor “Sarguzasht, detektiv tushunchasi bilan “yengil asarlar” degan bahoni yonma-yon qo‘yish ham o‘rinsiz. Yozuvchilarimizdan X.To‘xtaboyevning qator asarlari, Tohir Malikning “Shaytanat” yoki Said Ravshanning “Qironcha” asarini qiziqib o‘qiysan. “Ularni umri qisqa, tezda unutilib ketadi” deyolmaysan, ayrimlari o‘n yil, yigirma yil, ayrimlari yarim asrdan buyon yashayapti. O‘quvchiga bahramandlikdan tashqari, ma'naviy ruhiy oziq ham beryapti”, (“O‘zbekiston adabiyoti va san'ati”, 2007, 2-son, 3-bet) deya qayd etgan edi.

Yozuvchi ijodida bunday asarlar talaygina. Ularning salmoqli qismini fantastik qissalar tashkil etadi. Qissa- hayot va qahramonlarni aks ettirishdagi batafsillik, ya'ni syujetning murakkabligi jihatidanr roman va hikoyadan farqlanuvchi o‘rtacha hajmli nasriy asar. O‘zbek adabiyoti tarixida rivoyat usulida nasr yoki hamda yozilgan tarixiy- afsonaviy asarlar qissa deb yuritilgan. Masalan, “Qissasi Rabg‘uziy”, “Qissai Sayfulmuluk” kabi. Hozirgi kundagi ma'nosiga ko‘ra qissa bir va bir necha shaxslar taqdiriga oid turli voqealarni o‘ziga asos qilib oladi. Bugungi kunda qissa nasrning eng faol janrlarida bo‘lib, unda yosh yozuvchilar ham samarali ijod qilmoqdalar.

Tohir Malikning “Falak” qissasida insonning qadr-qimmati uning ilmi, atrofdagilarga nechog‘lik foyda keltirishi, ko‘pchilik manfaatini o'zinikidan ustun qo‘yishi bilan o'lchanishi, bu insoniy qoida har qaysi zamon va makonda qat'iy amal qilishi haqida so‘z boradi.Qissa ichidagi “Inson qonini to'kmak tanbehga loyiq ishdir. Va bunday qiluvchi kishining umri qisqa bo'lur. Ulug'bek saltanatida inson qoni bezak uchun to'kilmasligi darkor” (Tohir Malik, 2008: 1) degan fikrlar epigraf o‘rnida keltirilishi asar o‘qilmasdanoq kitobxonni uning mazmunidan qisqacha ogoh qiladi. Asarning bosh qahramonlari ilm ahli orasidan tanlangan - Jahongir, Sulton, Jamshid, Shamsibek hamda ma'rifatparvar sulton Mirzo Ulug‘bek kabi olim va allomalar hamda ularga zid ravishda Abdulvahobga o‘xshash mutaassib kimsalardir.

Qissa eski qabristondan topilgan toshtobutlar haqidagi voqealar bilan boshlanadi. Ularni o‘rganishga kirishgan biofizik olim Jahongir tajriba asnosida tarixga yuzlanadi. Tajribalar esa temuriylar davri, Sulton Ulug‘bek va uning ma'rifatparvarligi, o‘sha davr ilm-fan taraqqiyotida erishilgan hayratlanarli yutuqlar haqida ma'lumot beradi. Asarda ikki davr mutanosib ravishda uyg'unlashtirilgan, ya’ni unda uzoq XV asr va tarixni tiklash darajasida taraqqiy etgan utopik kelajak voqealari tasvirlangan.

Yozuvchi bu ikki davrni o‘zaro solishtirar ekan, Shamsibek, Sulton Ulug‘bek, “Batlimusi Davron” - Ali Qushchi, Jahongir, Sulton kabi obrazlar timsolida ma’rifat va ilm fidoyilarining hamma davrlarda ham bo‘lishini, inson har qachon komillikka intilib yashashini anglatsa, ularga qarama - qarshi Abdulvahob, Suhrob Xo‘jayev (Jamshidning ilmiy rahbari) timsollari jamiyat manfaatini o‘zinikiga bo‘ysundirishni xohlovchi xudbin kimsalar tarixda ham, bugun ham borligini ko‘rsatadi. Qissaning bir qismi - hozirgi kunda qahramonlar o'z izlanishlarini muvafaqqiyatli yakunlagan bo‘lsalar-da, o‘tmish qahramonlari- Shamsibek va uning yaqinlari qismati boshqacha. Ular ilm kushandasi - jaholat qo‘lida qurbon bo‘ladilar. Buni Sulton Mirzo Ulug‘bek taqdiri misolida tarix ham isbotlaydi. Oradan necha asrlar o‘tib, Shamsibek va Mahfuzaning jasadi topilishi va xotiralari elalloma yordamida tiklanishi esa haqiqat va ilm hech qachon izsiz yo‘qolib ketmasligini ko‘rsatib beradi. Asar qahramoni Jamshidning "Hozir ilmlarini emas, mansab va darajalarini ham qilich, ham qalqon qiladiganlar ko‘p" deya o‘kinishiga javoban Jahongirning “Ilgari yo‘q edi, deb o‘ylaysanmi? Sen bundaylarning qilich - qalqonidan qo‘rqma. Bu qilich-u qalqon mo‘rt, bolalarning o‘yinchog‘i kabi soxta. Chinakam qilich-qalqon ilmda bo‘ladi. Sen uni faqat o‘zing yaratishing lozim” deb dalda berishi ham bu fikrni dalillaydi. Sinovlarda toblangan ilm mustahkam bo‘lishini bilgan Jahongir o‘g'li Jamshidni ilm yo‘lida ko‘proq izlanishi, mashaqqat chekishi, oxir oqibatda to‘g'ri yo‘lni o‘zi topishini xohlaydi. Hatto uni o‘z imtihonidan "4" baho bilan o‘tkazadi. Chunki u yengil yo‘l, shuhratparastlik haqiqiy ilm kushandasi ekanini biladi. Jahongir timsolida haqiqiy olim qanday bo‘lishi kerakligi ko‘rsatib berilgan.

“Olim” sozi lug‘aviy ma’nosiga ko‘ra “bilimli”, “ilmli”, “dono” demakdir (O‘zbek tilining izohli lug‘ati, 1981: 112). Olimlik maqomiga erishgan bo‘lsalar-da, bu nomni suiste’mol qiladigan, ilmni o‘z manfaati yolida bo'ysindiruvchi kimsalar Suhrob Xo‘jayev obrazi orqali yoritib berilgan.

Qissada Sulton Ulug‘bek - odil shoh va zukko olim sifatida gavdalantirilgan. Ilm yo'lidan qaytgan, fisq-u furujni kasb qilgan Abdulvahobni “Qilichim qonsiragan emas” deya kechirishi uning qanchalik saxovatpesha hukmdor ekanini ko‘rsatadi.

Asar ichiga o‘quvchini qiziqish bilan olib kiradigan va olgan taassurotlarini jamlab, xulosalovchi vosita - bu uning sarlavhasi. Qissaning “Falak” deb nomlanishini turlicha talqin qilish mumkin. Falak - hozir “palak” tarzida talaffuz qilinadigan so‘zana yoki oldindan bitilgan qismat, balki beshavqat hayotga ishora qiladi. Bu talqinlarning har biri o‘z o‘rnida haqli. Shamsibekning xotini- Mahfuzaning osmon haqida eshitganlarini matolarda tasvirlashi hatto shahriyorni ham lol qoldirgani va bu hozirgi kunga qadar saqlanib qolgani birinchi taxminni quvvatlasa, qahramonlarning qismati, taqdirning mo‘jizasi bilan asrlar asragan sirlarning ochilishi, bir o‘rinda

Yo Rab, loyimni-ku, qorgan o‘zingsan,
O'rish- arqog'imni o‘rgan o‘zingsan.

Yomonmanni, yaxshi, men qandoq qilay?

Taqdir manglayini bergan o'zingsan (Umar Xayyom) degan misralari keltirilishi ikkinchi fikrni tasdiqlaydi. Bu talqin haqiqatga yaqinroq, negaki hajman salmoqli asar bir predmet nomi bilan bog'lanishi uning mazmun doirasini toraytiradi. Qissada falak Mahfuzaning zehni, qobiliyatini ochib berish, Sulton Ulug'bekning xalqni ham falak ilmidan xabardor bo'lishga da'vatini yorqinroq ifodalovchi predmet sifatida kiritilgan. Sarlavha esa ikkinchi ma'noda qo'llanilgan.

Ushbu asarning adabiyotimizda kam uchraydigan ilmiy-fantastik yo'nalishda yozilganligi ham uning badiiy qiymatini oshiradi. Badiiy to'qimani har qanday asarda uchratish mumkin, busiz asar mukammal bo'lmaydi. Asqad Muxtorning "Adabiyot - turmushdan nusxa ko'chirish emasligi hammaga ma'lum. Biroq u voqea - hodisalarning oddiy tasviri ham emas" (A.Muxtor, 2011: 28) degan fikrlarini bunga isbot sifatida keltirish mumkin. "Falak" dagi ana shunday to'qimalar faqat xayoliy emas, bir qadar ilmiy hamdir, ular qachondir yaratilishi mumkin. Real tarixiy shaxs va joylarning ishtiroki uni haqiqatga bog'lab turadi.

Tohir Malik ijodida bunday asarlarni ko'p uchratish mumkin. Yozuvchi ko'pincha fantastik, ilmiy - fantastik va sarguzasht yo'nalishida yozadi. Va o'z asarlari bilan boshqa ijodkorlar ijodida ham fantastik asarlar yaratilishiga turtki berdi. Masalan, yozuvchi Turob Maqsudning "Ilinj" romanida marhumlarni tiriltirish borasidagi ilmiy izlanishlar borligi, o'tmish va hozirgi kun voqealarining uyg'unligi bilan "Falak" qissasiga yaqin turadi.

Keyingi yillarda yozuvchi Tohir Malik ijodida keskin burilish yuz berib, uning ko'proq pand - nasihat ruhidagi, tarbiyaviy mazmundagi asarlar yaratayotganiga hammamiz guvohmiz. Bu holatni yozuvchining o'zi "hozirgi kunda farzand tarbiyasiga ota - onaning e'tibor va mas'uliyati kamayib ketgani, bu har bir ziyoli insonning og'riqli dardiga aylangani" bilan izohlaydi. Shuningdek, bu kabi mavzularda qalam tebratishiga tog'asi - yozuvchi Mirzakalon Ismoiliyning ta'sirini ham ko'rish mumkin. Tohir Malikning ilk ustozi va yo'lboshchisi Mirzakalon Ismoiliy bo'lib, buni yozuvchining o'zi ham ko'p bor ta'kidlagan. Ilk ijodini boshlagan paytlari tog'asi unga: "O'zing yaxshi bilmagan narsani yozma", "Boshqalar yurgan yo'ldan yurma, o'z yolingni top" deya maslahat berganini yozuvchi o'z xotiralarida so'zlab o'tgan.Tohir Malikning "Odamiylik mulki", "Kelinlar daftariga", "Tilingni asra", "Bir ko'cha, bir kecha" kabi ma'rifiy va pandnoma asarlari Mirzakalon Ismoiliyning "Odamiylik qissasi", "Qizlar daftari", "O'zingdan ko'r" asarlarining mantiqiy davomidir go'yo.

Yuqoridagi tahlillardan kelib chiqib quyidagi mulohazalarga kelindi: "Falak" qissasi Tohir Malikning boshqa asarlari kabi turli saviyadagi, katta-kichik yoshdagi kitobxonlar uchun mo'ljallangan. Asarning bosh g'oyasi shuki, ilmni ulug'lagan insonni ilm ham yuksak cho'qqilarga eltadi. Qissani o'qish davomida bunga amin bo'lamiz - tarix qatida yo'qolgan insonparvar shaxs Shamsibekni ilm qayta tiriltira oldi, uni kelajakka tanitdi.

Asar kitobxonlarni komillik sari yetaklaydi, o'z qobiliyatlaridan to'g'ri foydalanishga undaydi. Yana ularga kimlarning ortidan ergashish mumkinligi, ilmni qanday yo'lda sarflash kerakligini o'rgatadi.

Demak, adabiyot, u qaysi tur va janrda ekanligidan qat'iy nazar, hamisha inson uchun hayot va uning mohiyati, o'zi va o'zligi, kechagi kun xulosalari va bugunning maqsadlari to'g'risida saboq beraveradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Tohir Malik. "Falak". www.ziyouz.com. 2008.
2. Asqad Muxtor. "She'r - shoir vijdoni". -Toshkent: "Mumtoz so'z", 2011. 28-bet.
3. Namozov A. "Tohir Malik gurunglari". - Toshkent: O'zbekiston NMIU, 2016.
4. "O'zbek tilining izohli lug'ati". - Toshkent: "Rus tili", 1981. 112-bet.
5. Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 2005.
6. "O'zbekiston adabiyoti va san'ati" gazetasi, 2007-yil, 2-son.

ЦЕЛИ УРОКА И ОЦЕНИВАНИЕ

DERSİN AMACI VE DEĞERLENDİRME

Г.Нематова, преподаватель
С. Кудратова, студент
Ташкентский государственный педагогический
университет им Низамий (Узбекистан).

Okt. G. NEMATOVA,
Öğr. S.KUDRATOVA
Nizami adındaki Taşkent Devlet Pedagoji Üniversitesi

Özet. Makalede yabancı dil öğretiminde dikkat edilmesi gereken husular, özellikle, dersin amacı, dersin etapları, dersin sonucu, uygulamalı derslerde gözetilecek yöntemler ve not verme konusu ele alınmıştır.
Anahtar kelimeler. ders, dersin amacı, yöntem, yabancı dil öğretimi.

Аннотация. В данной статье обращается внимание преподавателей иностранного языка на важность корреляции целей урока с такими этапами урока как подведение итогов и критериями оценивания для повышения эффективности учебного процесса.
Ключевые слова: иностранный язык, эффективность, учебный процесс, урок, практическое занятие, лекция, семинар, оценивание.

Annotation. This article draws the attention of teachers of a foreign language to the importance of correlating the objectives of the lesson with such stages of the lesson as summing up the results and evaluation criteria to increase the effectiveness of the educational process.
Key words. foreign language, efficiency, educational process, lesson, practical lesson, lecture, seminar, assessment.

Главной составляющей профессионализма учителя, бесспорно, является умение адекватно оценить результаты своего труда на основе достижений обучающихся. Брак в работе учителя появляется только из-за недопонимания важности проведения своевременного и адекватного контроля. Ведь, нормой жизни считается проведение технического контроля на любом производстве, где изделие должно соответствовать заданным параметрам. Такой же контроль знаний, навыков и умений должен проводиться в учебном заведении на соответствие критериям, указанным в Государственном образовательном стандарте вне зависимости этапа обучения и типа учебного заведения.

Оценивание в отечественной педагогике рассматривается как «проверка» дидактическая функция которой состоит в обеспечении обратной связи между преподавателем и обучающимися, получением объективной информации о степени освоения учебного материала и своевременное выявление недостатков и пробелов в знаниях. Это позволяет студентам адекватно проводить самооценку и критически относится к своим достижениям и успехам в учебе. В зарубежной литературе термин «оценивание» является общим для различных процедур по сбору информации об успеваемости учащихся, которые используются для оценки степени достижения образовательных результатов (1). Оба определения «*оценивания*» предусматривают обязательное осуществление контроля с учетом корректировки дальнейшего академического процесса.

В методику обучения ИЯ прочно вошли два английских термина “feedback” и “assessment”, которые являются неотъемлемыми этапами каждого урока и трактуются как «этап подведения итогов урока» и «этап оценивания». В отечественной и в зарубежной

методике обучения языкам эти термины неразрывно связаны и полноправно считаются компасом для достижения прогресса. Учебная единица (урок, практическое занятие, лекция, семинар и т.д.) с точки зрения педагогики имеют логическое начало и логическое завершение. Никто и никогда не будет оспаривать тот факт, что каждый урок начинается с «приветствия». Но, к сожалению, на практике не все преподаватели доходят до логического завершения урока - этапов урока, посвященных «подведению итогов» (реализации поставленных целей) и «оцениванию» учащихся за овладение этими целями. Подведение итогов урока (в нашем случае урока ИЯ) должно четко отражать его цели. Правильная постановка целей урока - это мастерство учителя, выражающееся в предвидении лингвистических, социолингвистических, социокультурных, дискурсивных и стратегических трудностей в освоении каждой конкретной темы и адекватном выборе методов и приемов как обучения, так и оценивания достижений учащихся. Кроме этого в педагогике предусматривается постановка нескольких целей на один урок. Они могут варьироваться в названиях и их количествах в зависимости от предмета, этапа обучения или конкретной страны, но цели всегда едины в своем контенте. Так, например, при обучении ИЯ практическая цель направлена на освоение самого предмета (системы языка и основных видов речевой деятельности), образовательная цель развивает кругозор учащихся в рамках конкретной тематики, развивающая цель тренирует различные виды мышления (логическое, креативное, критическое, аналитическое) и дает возможность использовать дополнительные ресурсы (цифровые или бумажные) для более глубокого самостоятельного изучения темы. Особое место среди целей урока занимает воспитательная цель, которая служит социальным фундаментом в развитии гражданской позиции учащихся. Долг каждого педагога заранее продумать, что из материалов урока можно выделить для этой цели и соединить урок с реалиями и ценностями современной жизни. Как постановка, так и реализация целей урока по одной и той же теме зависит, прежде всего, от креативности, опыта, мастерства учителя по определению трудностей и выбору методов, приемов обучения и посильных упражнений и заданий коммуникативного характера.

Таким образом, необходимо отметить, что эффективность любого урока зависит от трех его составляющих – правильно поставленных целей урока, подведения итогов уроков и оценивания. Подведение итогов урока преподавателю дает понимание насколько учащиеся освоили тему с одной стороны и является проверкой адекватности поставленных целей, заданиям, методам и приемам, использованным для их реализации, с другой стороны. Здесь проверяется профессионализм обучения – смог учитель научить или нет. Для подведения итогов важно использовать задания коммуникативного характера, связанные с реальными жизненными ситуациями. Они должны обеспечивать использование учащимися языкового и неязыкового материала в конкретных коммуникативных ситуациях при помощи вопросов, дидактических игр (компьютерных), тестов (по возможности онлайн), кроссвордов и т.д., что дает учащимся уверенность в их силах и «успешной реализации в социальной среде и профессиональной деятельности» (2).

При оценивании обязанность преподавателя состоит в аргументации оценки на основе конкретных критериев в зависимости от целей урока. Конечно, к этому этапу урока необходимо привязать и самое начало урока, на котором преподаватель объясняет цели и задачи, мотивируя учащихся следовать за ним, участвовать во всех видах деятельности, чтобы соответствовать критериям оценивания в конце урока. Критерии оценивания коммуникативной компетенции разработаны и представлены как в Государственном образовательном стандарте по ИЯ для системы непрерывного образования Республики Узбекистан (на основе CEFR), так и во всех существующих на сегодняшний день тестах типа TOEFL, PET, KET и т.д..

В заключении хотелось бы отметить, что каждый преподаватель должен понимать свою ответственность при разработке плана урока, корреляции целей урока с подведением

итогов и критериями оценивания для достижения основной цели обучения ИЯ – формированию иноязычной коммуникативной компетенции.

Использованная литература:

1. Мазаева И.А. Формы оценивания профессиональной иноязычной коммуникативной компетентности (критериальное оценивание). 2017.

2. Шукурова И.В. Оценка коммуникативной компетентности студентов в процессе изучения иностранного языка. 2016. https://cyberleninka.ru

3. Фишман И.С., Голуб Г.Б. Формирующая оценка образовательных результатов учащихся: Методическое пособие. -Самара: Учебная литература, 2007. - 244 с.

4. https://infourok.ru › Иностранные языки.

ALIFBO HAQIDA MULOHAZALAR

ALFABE HAKKINDA GÖRÜŞLER

A.Niyozova,
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat
o‘zbek tili va adabiyoti universiteti o’qituvchisi,
Mahmud Rajabov,
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat
o‘zbek tili va adabiyoti universiteti talabasi.

Okt. A. NIYAZOVA,
Öğr. Mahmud RAJABOV,
Ali Şir Nevai adındaki Taşkent Devlet Özbek
Dili ve Edebiyatı Üniversitesi

Özet. Makalede eski ve yeni Özbek alfabesi ile ilgili görüşler dile getirilmiştir.
Anahtar kelimeler: alfabe, Özbek alfabesi, harf, yazım.

Аннотация. Maqolada o‘zbek xalqining yozuvi, imlo masalalari xususida so‘z boradi. O‘zbek xalqining uzoq va murakkab tarixi mobaynida yuzaga kelgan yangilanishlar, bu o‘zgarishlarning yozuv tarixidagi oqibatlari haqida tahliliy fikrlar beriladi.
Kalit so‘zlar: turkiy-runik yozuv, Xorazm tillari, eroniy tillar, uyg‘ur yozuvi, arab yozuvi, lotin imlosi, kirill yozuvi.

Annotation. The article deals with the spelling and spelling issues of the Uzbek people. It provides an analytical overview of the changes that have occurred during the long and difficult history of the Uzbek people, and the implications of these changes in the writing history.
Key words: Turkic-runic writing, Khorezmian languages, Iranian languages, Uighur, Arabic, Latin, Cyrillic.

Xalqimizning turkiy-runik yozuv(miloddan avvalgi VI - IV asrlardagi avesto, milodiy II - VI asrlarda muomalada bo‘lgan so‘g‘d, II asr oxiri - III asr boshlarida qo‘llanilgan Xorazm tillari va yozuvlari eroniy tillar oilasiga tegishli.

O‘zbek xalqi o‘zining uzoq va murakkab tarixi mobaynida qator inqilob va yangilanishlarni boshidan kechirdi. Bu o‘zgarishlar millat hayotining turli sohalarida ro‘y berib, goh ijobiy, gohida esa o‘zining salbiy oqibatlarini ko‘rsatgan. Albatta, bunday islohotlar yozuv tarixida ham talaygina amalga oshirilgan. Misol uchun, o‘zbek xalqi o‘zining bir necha ming yilliklarni qamrab oluvchi o‘tmishi davomida siyosiy, ijtimoiy muhit tazyiqi ostida o‘z grafikasini ko‘p marta o‘zgartirishga majbur bo‘lgan.

Xalqimizning turkiy-runik yozuv(miloddan avvalgi VI - IV asrlardagi avesto, milodiy II - VI asrlarda muomalada bo‘lgan so‘g‘d, II asr oxiri - III asr boshlarida qo‘llanilgan Xorazm tillari va yozuvlari eroniy tillar oilasiga tegishli. Shu bois bu tillarda yaratilgan yodgorliklar o‘zbek xalqining adabiy mulki hisoblansa-da, o‘zbek tilshunosligi uchun deyarli ahamiyatga ega emas)dan boshlangan yozuv tarixi bugungi kungacha ham davom etib kelayotir:

V - IX asrlarda turkiy xalqlar turkiy-runik yoki o‘rxun-enasoy nomlari bilan ataluvchi yozuvdan foydalanganlar. Bu yozuv gorizontal holatda o‘ngdan chapga, vertikal holatda pastdan tepaga qaratib, harflar chapga qiyalatib yozilgan. Alifboda 38 ta harf mavjud bo‘lgan.

Uyg‘ur yozuvi VI - XVI asrlarda turkiy xalqlar orasida iste’molda bo‘lgan. 23 harfdan iborat bu alifbo so‘g‘d yozuvi asosida shakllangan.

VIII asrdan 1929-yilgacha arab yozuvi asosidagi fors alifbosidan foydalanildi. Arab yozuvi 28 harfdan iborat bo‘lib, forslar unga o‘z fonetikalariga xos to‘rt harf(گ [g], پ]j], ژ [ch [

], چp[)ni kiritganlardan. Bu yozuv 1923-yilda Fitrat tomonidan isloh qilinib, turkiy xalqlar fonetikasida mavjud bo‘lmagan ortiqcha harflar (ض, ذ, ع, ث, ظ, ط, ص) chiqarib tashlandi, 6 ta unli fonema uchun alohida grafema ajratildi. Arab alifbosi asosidagi fors alifbosidan bugun ham afg‘onistonlik o‘zbeklar foydalanib kelmoqdalar.

Xalqimizning lotin yozuvidan foydalanishi ikki davrdan iborat:

1929 - 1940-yillardagi davr. Bunda alifbo 33 harfdan iborat bo‘lib, unli tovushlarning til oldi va til orqa ko‘rinishlari alohida grafemalar bilan ifodalangan. Ushbu yozuv 1934-yilda isloh qilinib undagi unlilar soni oltitaga keltiriladi;

1993-yilda qabul qilingan lotin yozuvi. Unda 31 ta harf bo‘lgan. So‘ng 1995-yilda bu alifbo isloh qilinib, bugungi ko‘rinishga keltirilgan. Joriy alifbo 26 ta harf, 3 ta harf birikmasi (sh, ch, ng) va “ ’ ” (tutuq belgisi)dan iborat;

Kirill yozuvi 1940 — 1993-yillarda xalqimiz uchun yozma aloqa-aralashuv quroli vazifasini bajardi. Bu alifboda 35 ta harf mavjud. Garchi norasmiy tarzda bo‘lsa-da, bu yozuv turi o‘zbek xalqi orasida hali-hanuz muomalada.

Quyidagi jadval yordamida o‘zbek xalqi grafikasi progressiyasi va regressiyasi bilan tanishishimiz mumkin:

Arab grafikasi asosidagi fors alifbosi	1923 – 1929-yillardagi arab grafikasi asosidagi o‘zbek alifbosi	1929 – 1934-yillardagi lotin grafikasi asosidagi turkiy alifbo	1934 – 1940-yillardagi lotin grafikasi asosidagi o‘zbek alifbosi	Kirill grafikasi asosidagi o‘zbek alifbosi	1993 –1995-yillardagi lotin grafikasi asosidagi o‘zbek alifbosi	1995-yillarda qabul qilingan va hozida amalda bo‘lgan lotin grafikasi asosidagi o‘zbek alifbosi
ا [a, o]	ئه[a]	Aa (til orqa [a; o])	Aa (til orqa [a; o])	Aa [a]	Aa [a]	Aa [a]
	ه [ruscha a]	Əə (til oldi [a; o])	Əə (til oldi [a; o])			
	ئا[o]			Oo [o]	Oo [o]	Oo [o]
ب [b]	ب [b]	Bb [b]	Bb [b]	Бб [b]	Bb [b]	Bb [b]
ت [t]	ت [t]	Tt [t]	Tt [t]	Тт [t]	Tt [t]	Tt [t]
ط[t]						
ث [s]	س [s]	Ss [s]	Ss [s]	Сс [s]	Ss [s]	Ss [s; kerakli o‘rinlarda qorishiq ts]
ص [s]						
س [s]						
–––––	–––––	–––––	–––––	Цц [qorishiq ts]	Cc [qorishiq ts]	

پ [p]	پ [p]	Pp [p]	Pp [p]	Пп	Pp [p]	Pp [p]
]ظz[ ]ذz[ ]زz[	ز]z[	Zz [z]	Zz [z]	Зз [z]	Zz [z]	Zz [z]
د [d]]dض [	د [d]	Dd [d]	Dd [d]	Дд [d]	Dd [d]	Dd [d]
ش [sh]	ش [sh]	Şş [sh]	Şş [sh]	Шш [sh]	Şş [sh]	Shsh [sh]
ر [r]	ر [r]	Rr [r]	Rr [r]	Pp [r]	Rr [r]	Rr [r]
ژ [sirg‘a-luvchi j]	ژ [sirg‘aluvchi j]	Ƶƶ [sirg‘a-luvchi j]	Ƶƶ [sirg‘a-luvchi j]	Жж [sirg‘a-luvchi j va qorishiq dj]	ɟɟ [sirg‘a-luvchi j]	Jj [sirg‘aluv-chi j va qorishiq dj]
ج [qorishiq dj]	ج [qorishiq dj]	Çç [qorishiq dj]	Çç [qorishiq dj]		Jj [qorishiq dj]	
چ[ch]	چ[ch]	C [ch]	C [ch]	Чч [ch]	Çç [ch]	Chch [ch]
خ[x]	خ[x]	Xx [x]	Xx [x]	Xx [x]	Xx [x]	Xx [x]
]hح [ ]ھh[	]hح [	Hh [h]	Hh [h]	Ҳҳ [h]	Hh [h]	Hh [h]
ن [n]	ن [n]	Nn [n]	Nn [n]	Нн [n]	Nn [n]	Nn [n]
م [m]	م [m]	Mm [m]	Mm [m]	Мм [m]	Mm [m]	Mm [m]
و [v; u; o‘]	و [v]	Vv [v]	Vv [v]	Вв [v]	Vv [v]	Vv [v]
	ئو [u; o‘]	Oo [til orqa o‘] Өө [til oldi o‘]	Oo [o‘]	Ўў [o‘]	Öö [o‘]	O‘o‘ [o‘]
		Uu [til orqa u] Yy [til oldi u]	Uu [u]	Уу [u]	Uu [u]	Uu [u]
ی [y; i; e]	ی [y]	Jj [y]	Jj [y]	Йй [y]	Yy [y]	Yy [y]
	ئي [i; e]	Ii [til oldi i] Ьь [til orqa i]	Ii [i]	Ии [i]	Ii [i]	Ii [i]
		Ee [e]	Ee [e]	Ээ [e]	Ee [e]	Ee [e]
ک [k]	ک [k]	Kk [k]	Kk [k]	Кк [k]	Kk [k]	Kk [k]
گ [g]	گ [g]	Gg [g]	Gg [g]	Гг [g]	Gg [g]	Gg [g]
غ [g‘]	غ [g‘]	Ꞡꞡ [g‘]	Ꞡꞡ [g‘]	Ғғ [g‘]	Ğğ [g‘]	G‘g‘ [g‘]
ع [’]	———	’ (tutuq belgisi)	’ (tutuq belgisi)	Ъ (ayirish belgisi)	’ (tutuq belgisi)	’ (tutuq belgisi)
ف [f]	ف [f]	Ff [f]	Ff [f]	Фф [f]	Ff [f]	Ff [f]

ق [q]	ق [q]	Qq [q]	Qq [q]	Ққ [q]	Qq [q]	Qq [q]
ل [l]	ل [l]	Ll [l]	Ll [l]	Лл [l]	Ll [l]	Ll [l]
(ڭ) yoki (نگ) [ng]	ك[ng]	Ṇṇ [ng]	Ṇṇ [ng]	(нг)	Ññ [ng]	Ngng [ng]
————	————	————	————	Яя (ya)	(ya) yoki [a]	(ya) yoki [a]
————	————	————	————	Ёё	(yo) yoki [o]	(yo) yoki [o]
———————	———————		———————	Ее [ye]	(ye) yoki [e]	(ye) yoki [e]
———————	———————	———————	———————	Юю [yu]	(yu) yoki [u]	(yu) yoki [u]
———————	———————	———————	———————	Ь (yum-shatish belgisi)	mavjud emas, faqat ba’zan ’ (tutuq belgisi)	mavjud emas, faqat ba’zan ’ (tutuq belgisi)

Ko‘pchilik olimlarning fikrlariga qaraganda, yuqorida aks ettirilgan alifbolardan hech biri o‘zbek tili fonetik xususiyatlarini turkiy-runik yozuvichalik aniq va to‘g‘ri ifodalay olmaydi. Chunki bu yozuvlar boshqa til oilasida so‘zlashuvchi xalqlar tomonidan yaratilgan va ularning til normalariga moslashtirilgan. Bu esa ushbu alifbolarning o‘zbek tili fonetik tizimini to‘g‘ri aks ettirishiga monelik qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Джамалханов Х.А. Основм узбекской графики. - Тошкент: Фан, 1991.
2. Рафиев Абдурозиқ. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси. - Тошкент, 2003.
3. Рахматуллаев Ш. Орфография қоидалари - саводхонлигимиз асоси. -Тошкент: ФАН, 1980.
4. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси. - Тошкент: Университет, 2002.
5. Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари/Нашрга тайёрловчи: Шавкат Раҳматуллаев. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. www.ziyouz.com kutubxonasi.

ODAMIYLIKKA CHORLOVCHI DOSTON

İNSANLIĞA DAVET EDEN DESTAN

Abdullayeva Zarnigor,
Andijon davlat universiteti
talabasi (O`zbekiston)

Öğr. Zarnigar ABDULLAYEVA
Andican Devlet Üniversitesi (Özbekistan)

Özet. Makalede Vefa Feyzullah'ın "İnsanilik" adlı manzum destanı, "Kıssas-ı Rabguzi", Rahmatulloh Obidov'un "Paygamberler Tarihi İslamiyetin tarihidir", Ahmed Lutfi Kazancı'nın "Saadet Asrı Kıssaları", Alixontora Soguni'nin "Tarih-i Muhammediye" adlı eserlerine karşılaştırılarak analiz edilmiştir.
Anahtar kelimeler: Yusuf (a.s), Zuleyha, Abraha, Yunus (a.s), kıssa, rivayet, destan.

Abstract. In this article poem of Vafo Fayzullakh's "Adam" were analyzed according to Koran, "Kissasi Rabguziy", Rakhmatullakh kari Abidov's "The history of prophets is history of Islam", Akhmad Lutfi Kazan's "The stories of Saodat", Alikhantura Saguni's "History of Mukhammadiya". The artistic purpose of the author was interpreted.
Key words: Yusuf(a.s), Zulaykho, Abrakha, Canaan, the people of Ad and Thamud, the people of Lot, devil, "Shaky Sadr", Yunus(a.s), black market, slave market.

Аннотация. В статье лирическая поезия "Адам" Вафа Файзуллаха анализируется в Коран, "Киссаси Рабгузий", "История пророков – история ислама" Рахматулла кари Абидова, "Истории век Саодата" Ахмад Лютфи Казана, "История Мухаммадии" Алихан Тура Сагунийа. Художественное назначение автора было истолковано.
Ключевые слова: Юсуф (а.с), Зулайхо, Абраха, Ханан, люди Од и Самуд, люди Лота, дьявол, «Шакки садр», Юнус(а.с), черный рынок, рабский рынок.

Vafo Fayzulloh tomonidan ijod qilingan "Odamiy" she'riy dostoni falsafiy-diniy xarakterdagi asardir. Ushbu dostonni mutolaasi o'quvchidan alohida tayyorgarlik talab etadi. Uning har bir bandiga ramziy ifodalar singdirilgan. Har bir band o'zida hayotiy haqiqatlarni aks ettirgan. Ko'p hollarda ijodkor original timsollardan foydalanadi. Xususan, bu dostonni o'qib tushunish uchun o'quvchi hech bo'lmaganda "Qur'oni Karim", "Qissasi Rabg'uziy", Rahmatulloh qori Obidovning "Payg'ambarlar tarixi islomiyat tarixidir", Ahmad Lutfiy Qozonchining "Saodat asri qissalari", Alixonto'ra Sog'uniyning "Tarixi Muhammadiya" kabi asarlari bilan tanish bo'lmog'i kerak.

Asarni o'qir ekansiz, o'zingizni taftish qila boshlaysiz. Dunyo va atrofimizdagi bo'layotgan voqealar haqida fikr yurita boshlaymiz. Chunki ijodkor voqealarni shunchaki esimizga solmaydi. Balki bugungi kunda ham shu kabi qabih ishlar bo'layotgani va ayrim insonlarning e'tiqodi susayib, hayot faoliyati tartibsiz holatga kelib, zalolatga yuz tutayotganini ham dinimiz tarixidan olingan timsollar bilan ta'riflaydi. Barchani Odamiylikka chorlaydi. Xalqimizda "odam emas bu" degan ibora bor. Bu holatda insofsiz, iymonsiz, oqibatsiz, o'z nafsidan o'zgani ko'rmaydigan insonlarni tushunamiz. Demak, Vafo Fayzulloh insonlarni iymonga, insofga, o'zligiga qaytishga chorlaydi.

Men o'sha…
Qo'lida dasturi
Ujmohdan tushgan –
Odamiy. (Vafo Fayzulloh, 2018, Nº11, 7-bet)

Dastur deganda yo‘l - yo‘riq, tartib - qoida, ko‘rsatmani tushunamiz. Insonlarga nisbatan dastur sifatida muqaddas diniy sahifa va kitoblarni tushunamiz. Ular esa, dastlab, payg‘ambarlarga vahiy sifatida kelgan. Internet sahifalaridagi ma’lumotlarda Islom dini ta’limotiga ko‘ra, Alloh o‘tgan payg‘ambarlarning ba’zilariga sahifalar, ba’zilariga esa kitoblar nozil qilgan. Ular 100 sahifa va 20 kitobdan iborat.100 sahifadan 10 sahifa Odam(a.s)ga, 50 sahifani Shis (a.s)ga, 30 sahifani Idris(a.s)ga, 10 sahifani Ibrohim(a.s)ga yuborgan. Muso(a.s)ga “Tavrot”ni, Dovud(a.s)ga “Zabur”ni, Iso(a.s)ga “Injil”ni, Muhammad (s.a.v)ga “Qur’on” ni nozil qilgan. Ujmohni jannat deb tushunsak, bu, avvalo, Odam Ato va Momo Havoning jannatdan quvilishiga ishora sifatida anglashimiz mumkin bo‘ladi.

Shayton hamon

Qon quyadi qonimga… (Vafo Fayzulloh, 2018, Nº11, 7-bet)

Shayton inson qoniga qon quyishini biror manbada uchratmaganmiz. Agar biz uni ko‘chma ma’noda tushunsak, ijodkor maqsadini anglay olamiz. Meditsina sohasida bemorlarga qon quyish jarayoni bor. U holatda qon quyilgan bemorga quyilgan qon egasining gen xususiyatlari ham ma’lum darajada ta’sir etadi. Ushbu holat “shaytonning qon quyishi” esa shaytonga xos kibr, insonlarni yomon yo‘llarga boshlash, nafsga sheriklik, yolg‘onchilik, xiylakorlik, noshukurlik (Chunki shayton insonga sajda qilmagani uchun jannatdan quvilganda: “Ey Odam, sen mening xorlanishimga sabab bo‘lding, men zurriyotlaringni oldilaridan ham, orqalaridan ham, o‘ng taraflaridan ham, chap taraflaridan ham kelib vasvasa va ig‘vo qilaveraman, yo‘ldan ozdiraveraman, ko‘plarini Allohning ne’matlariga shukur aytmaydigan insonlarga aylantiraman!” deb qasam ichgan), munofiqlik kabi illatlarning lirik qahramon xarakterida o‘zini ko‘rsatayotganini bilishimiz mumkin. Ijodkor shu jihatdan yondashgan. Quyidagi esa shayton insonlarga qon kabi yaqin bo‘lib, uni har damda o‘z yo‘liga undashi tushunilishi mumkin: “Yana bir tasdiq, Rasul alayhissalomning: “Qon odamlarning tanida qanday yursa, shayton ham shunday yurar”, deganlaridir” (Rabg‘uziy, 1991, 7-bet). Shuningdek, “Tarixi Muhammadiy” asaridan bilishimiz mumkinki, payg‘ambarimiz Muhammad (s.a.v) yoshliklarida ikki farishta tushib, u zotning ko‘kraklarini yorishadi. Undan yuragini chiqarib, tilib, qora qonni oqizib tashlashadi. Bir jom kavsar suvi bilan yuvib tozalashadi. “Mana, sendagi shayton nasibasi ketdi, endi senga shayton yo‘l topolmaydur”, qaytadan ko‘ksini tikishib g‘oyib bo‘lishadi. Bu voqea “Shaqqi sadr” deb atalib, “Ko‘ks yorilish voqeasi” demakdir (Alixonto‘ra Sog‘uniy, 2007, 10-bet). Bundan kelib chiqadiki shayton insonlar qoniga kirib zararli, nopok ishlarga chorlaydi. Payg‘ambarimiz qoni esa poklangan, shayton kira olmaydi. Ramziy ma’noda tushunadigan bo‘lsak, payg‘ambarimiz iymoni baquvvat edi, insoniy xislatlarga namuna edi, “odamiy” edi. Lirik qahramon o‘zini tangri ko‘rsatgan ochiq haqiqatlarga ishonmay, haq yo‘lidan bormay halokatga uchraganligi, umri zavolga yuz tutganini aytmoqchi bo‘ladi: “Gumroh Kan’on bo‘ldim” (8-bet). Qissasi Rabg‘uziyda keltirilishicha, Kan’on Nuh (a.s) o‘g‘li bo‘lib, u kofir edi. To‘fon vaqtida kemaga chiqish unga ma’n qilinadi. U tog‘lardan madad tilab, toshqinda cho‘kib, bu dunyodan iymonsiz ketdi. Gumroh (“yo‘ldan ozgan”, “adashgan”, “yanglishgan”) bo‘ldi. Lirik qahramon o‘z ichidagi holatni insoniy xislatlarga yot, yaratganni tan olmaydigan, o‘z nafsidan uzoqqa borolmagan Od va Samud qavmlariga qiyoslaydi (8-bet). Qur’oni Karim va boshqa asarlarda ushbu qavmlar haqida ma’lumotlar quyidagicha keladi. Kofir Samud qavmiga Solih (a.s.) payg‘ambar qilib yuborilgan edi. O‘zlari uchun oyat-mo‘jiza bo‘lib kelgan tuyaning qotiliga aylanishadi. Allohni tan olmaganlari uchun ularni dahshatli qichqiriq tutib, halokatga uchrashadi. Od qavmi kofirlikdan qaytmagach, ketma-ket uch yil bir tomchi ham yomg‘ir yog‘dirilmay, qurg‘oqchilikka mubtalo qilinadi. Hud (a.s.) qavmlarini hidoyatga chaqiradilar, tavba qilishsa, Alloh qurg‘oqchilikdan qutqarishini aytadi. Ular inkor etishadi va kofirliklari sababli “nimaning ustidan o‘tsa, albatta, uni halok qilib, xuddi chirigan suyaklardek qilib” qo‘yadigan dahshatli bo‘ronga uchradilar. Darhaqiqat, ular “Qissasi Rabg‘uziy” da (Rabg‘uziy, 1991, 32-bet) keltirilishicha: “Ular baland bo‘yli edilar: to‘rt yuz qari balandlikda novcha bo‘lib, balandga sakrab oyoqlari bilan tepinsalar, tizzalarigacha yerga kirardilar…”Bizdan quvvatlik kim bor?” dedilar … Bu qavm boshqalarga qaraganda maqtanchoq va kekkayganroq bo‘lardilar... Zaif va past bo‘yli odamlarni masxara qildilar.

Shuning uchun odiylar deb ataldilarki, arab tilida “o‘ta noshukr” demakdir”. Ijodkor bu qavmlar “bo‘y-bastiga shakkok kerilib” “maxluqqa evril”ishganini aytadi.

Demak, lirik qahramon ham o‘zini shu qavmlarga qiyoslab noshukurligi, maqtanchoqligi, Allohga emas o‘z kuch-qudratiga ishongani tufayli zalolatga yuz tutganini aytmoqchi bo‘ladi. Bu bilan o‘quvchilarga o‘ziga bino qo‘yishning oqibatini eslatmoqchi bo‘ladi. Qadim zamonlarda bo‘lgan ushbu voqea hozirda ham insonlarga o‘rnak bo‘la oladi. Lekin shu paytgacha kibr, maqtanchoqlik kabi illatlarni hech kim Od va Samud qavmlari orqali ramziy ifoda etmagan edi. Bu Vafo Fayzullohning dostonga ijodiy yondashganini anglatadi. Quyidagi misralar orqali insonlarning o‘z hayotlari davomida qanchalik o‘zliklarini saqlab qola olishi yoki nafs yo‘liga kirib, inson degan sharafli nomdan mahrum bo‘lib qolishlari holati aks ettirilgan:

Men bo‘ri, ayiq, maymun avlodi emas,

Maymun, to‘ng‘iz mening avlodim. (9-bet)

Inson nomidan mahrumlar “to‘ng‘iz(qo‘pol)”, “bo‘ri (vahshiy)”, “maymun (yengiltak)” kabi hayvonlarning nomlarini o‘zlariga ortib olishlari a’yondir. Misralarni o‘qir ekanmiz, shu onda O‘tkir Hoshimovning “Daftar hoshiyasidagi bitiklar” asaridan quyidagi parcha yodimizga keladi:

Darvinga e’tiroz. Darvin ta’limoti noto‘g‘ri. Odam maymundan emas, maymun odamdan tarqalgan. Oyog‘i yerdan uzilmaganlar odam bo‘lib qolgan. Oyog‘i yerdan uzilganlar esa maymun bo‘lib daraxtga chiqib ketgan… Bu jarayon esa hamon davom etmoqda… (O‘tkir Hoshimov, 2017, 6-bet).

Sohibkamol Zulayholar dargumon…

Sohibjamol Zulayholar sog‘ hamon (9-bet)

Ijodkor Zulayhoning ikki holatini zidlantirib ayollarga bo‘lgan o‘z munosabatini bildirib ketadi.Ya`ni, Tangri taolo ayolga zohiriy go`zallik ato etgan. Dunyoda ayol – sohibi jamol maxluqot. Ammo Zulayho kabi Ollohga o`z vaqtida iymon keltiruvchi munisalar shu vaqtdan boshlab sohibi kamolga(ham zohiran, ham botinan go`zallikga) aylanib boruvchilar zamonamizda dargumon ekanligiga ishorani sezish qiyin emas. Ijodkor yuqoridagi misralar orqali sohibkamol ayollarning ko`payishiga umid bog`lamoqda. Ayol faqat go`zallik ortidan emas, ma`naviy komillik ortidan ham ergashsin, shunda haqiqiy jannat ular oyog`ining ostidaligi oydinlashadi. Muallif asarda so‘zlarni ko‘chma ma’noda qo‘llaydi. To‘ti kabi o‘z fikriga ega bo‘lmagan, faqat taqlid yo‘lidan boradigan kishilarning yolg‘ondan erishgan obro‘sini (“To‘tiga ajrli beqasam kiygizar”), qarg‘a kabi ayyor, jirkanch, illatli kishilarning insonlarga bosh bo‘layotganini (“Qarg‘a mashvaratning to‘rida”), zag‘izg‘on kabi ezma odamlar o‘z faoliyatlarida aql bilan emas, jahl bilan ish ko‘rib kun ko‘rayotganini (“Aqlni emas, Jahlni pullaydi zag‘izg‘on”) tanqidga oladi. Ijodkor insonlar orasida hayo yo‘qolayotgani (“hayoni o‘marib ketishmoqda pashshalar”), surbetlik, befahmlik avj olayotganini (“surbet va befahmning qo‘lida g‘ijjak) badiiy ifoda etadi (9-bet). Ijodkor Ka’bani buzmoqchi bo‘lgan Abrahani tilga oladi (9-bet). Butun boshli qo‘shinning Abobil qushlari keltirgan no`xatdan kichik, moshdan katta toshlaridan yo‘qlikka duchor bo‘lganini eslatadi (“Jazoi Haq shuncha kichik, shuncha qudratli”). Ijodkor qalbni Ka’baga qiyoslaydi. Shu Ka’ba qalbli insonning egasi borligi, qonining egasi (ota-onasi, nasl-nasabi, irqi) muhim emasligi, jonining egasi muhimligini ta’kidlaydi. Jonining egasi Allohdir.

Demak, inson qalbiga zarar yetkazishga qasd qilmoqchi bo‘lishlikning o‘zi ham Allohga nisabatan qilingan ish bo‘lib, Abraha kabi jazolanishi muqarrarligini bilishimiz mumkin. Ijodkor ibodat (“qulluq qilish”, “sig‘inish”), ibrat (“namuna”, “o‘rnak”), tavof (“biror narsaning atrofida yurish”, “aylanish”) va yashashning vaqti bir ekanligini aytadi (10-bet). Albatta, bu hayotiy haqiqat. Bu bizga naqshbandiya tariqatini eslatadi. “Qo‘ling mehnatda, qalbing Allohda bo‘lsin”. Bugungi kunda ayrim insonlar tirikchilik ko‘yida yoki noshukurlik sabab, ko‘proq pul topish ilinjida iymonni, tavofni, o‘zgalarga ibrat bo‘lishni unutishmoqda. Yunus (a.s) qavmiga sabr qilib haq dinga chorlash o‘rniga jahl qilgani uchun baliq qorniga tushadi. Jahl insonning aqlini shoshiradi. Oqibati esa ziyonga olib boradi. Bu dunyodagi har bir ish esa o‘z egasiga qaytib keladi. Yaxshilik qilgan yaxshilik ko‘radi, yomonlik qilgan zulmga duchor bo‘ladi. Asarda bu

holat “achchiqlansam, xatom jazo bo‘lib keladi”, “quruqlik suvga itqitar vujudim”, “baliq qornidagi Yunusman… (11-bet)” deya tasvirlanadi.

Falastinda meni xo‘rlashar,

Afg‘onda izg‘iydi bo‘rilar… (11-bet)

Falastin yaxudiylar va isroilliklar tomonidan talash qilinayotgan makon. Oraliqda o‘sha yerlik aholi azob chekadi. Afg‘oniston ham siyosiy kurashlar markaziga aylangan, giyohvand moddalar oldi-sotdisi yo‘lga qo‘yilgan. Bo‘rilar – vahshiy hayvon. Afg‘onda izg‘iydigan bo‘rilar vahshiylarcha insonlar qonini to‘kayotgan terroristlardir. Mualliy valyuta oldi-sotdisi bilan shug‘ullanuvchilar makoni “qora bozor – “pul bozorini”, hozirgi kunimizda ham ham boshqa bir ko‘rinishda uchrab turgan odam savdosi – “qul bozori”ni tilga oladi. Shuningdek, ijodkor bu qabihliklar zamondan emas, o‘sha-o‘sha insonning nafsi balosidan sodir bo‘layotganini aytadi. Insonlarni odamiylikka chorlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Vafo Fayzulloh. Odamiy. Yoshlik jurnali. –Toshkent, 2018. Nº11. B. 7.
2. Rabg‘uziy. Qissasi Rabg‘uziy. -Toshkent: Yozuvchi. 1991. B.7.
3. Alixonto‘ra Sog‘uniy. Tarixi Muhammadiy. -Toshkent.: Sharq. 2007. B.10.
4. O‘tkir Hoshimov. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. -Toshkent., 2017. B 6.
5. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 1-5 jildlar. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. -Toshkent, 2006-2008.

BOBUR HAYOTIDAGI YOLG‘IZLIK - YOHUD MA`NAVIY MAG‘LUBIYAT TASVIRI

BABÜR ŞAH’IN YALNIZLIĞI VEYA MANEVİ YENİLGİNİN TASVİRİ

Tursunboyeva Gulbahor,
Andijon davlat universiteti
talabasi (O‘zbekiston)

Öğr. Gülbahar TURSUNBAYEVA,
Andican Devlet Üniversitesi (Özbekistan)

Özet. Makalede Babü r Şah’ın “Babürname” ve Hayriddin Sultan’ın “Babüriname” adlı eserlerindeki yalnızlık ve karamsarlıkla ilgili duyguların edebi ifadesi kaleme alınmıştır. Manevi yalnızlığın Babür Şah’ın hayatının çöküşüne neden olduğu ile ilgili fikirler ileri sürülmüştür.
Anahtar kelimeler: yalnızlık, Hafiz Köyki, “Saadet Sahili”, Çandara, Dahkat. Obburdon.

Abstract. In this article were compared the literary fragments of Babur’s loneliness and depression in the “Baburname” and Khayriddin Sultan’s work “Baburiyname”. And were analyzed the spiritual loneliness led to the disintegration of Babur’s life.
Key words: loneliness, Hafiz Saiki, “The beach of happiness”, Chandara, Dahkat, Obburdon.

Аннотация. В статье сравниваются литературные фрагменты одиночества и депрессии в “Бабурнома” Бабура и “Бабурийнома” Хайриддин Султана. Анализируется духовное одиночество привело к распаду жизни Бабура.
Ключевые слова: одиночество, Хафиз Куйки, «Берег счастья», Чандала, Дахкат, Оббурдон.

Yolg‘izlik tushunchasiga ta`rif berishdan avval, uning kelib chiqishiga to‘xtalsak. Insoni avval. U ham yolg‘iz edi. Yaratgan uning qovurg‘asidan juftini yaratdi. Uning hayoti ham yolg‘izlikdan boshlandi va shunday yakunlandi. So‘nggi manzilda ham kimnidir qo‘lidan yetaklab ketmaymiz, axir…Yolg‘izlik – Ollohga xos, deydilar.. Yolg‘iz inson qalbida ham oy kabi bir umid uchqunlari miltillab, hech kim, hech qanday amal bilan yoritmagan jism ichini yoritib turadi. Bu jismda urib turayotgan yurak, parchalana - parchalana, ko‘ngil torlari ham uzilib, faqat yolg‘izlikni, tun qorong‘uligini xushlaydigan oniy fursatlarni kutib yashaydi inson. Shu sabab, u o‘zi bilan o‘zi tanho qorong‘uda dardlashgisi keladi…Bobur Mirzoda bu kabi holatlar juda ko‘p bora takrorlangandir… Chunki uning jismidagi iztiroblar to‘planib, buyuk dardga aylanib ulgurgandi. Faqat bu dardlarni eshitguvchi, uning qalb so‘zlarini tinglaguvchi quloq topilmasdi. Barchaning og‘zidagi “Olampanoh”, “Hazratim”, “Hazrati oliylari” kabi hashamatli so‘zlardan charchagan edi. Bobur Mirzo mansabiga, davlatiga qarab emas, chin insoniy fazilatlar mujassam bo‘lganlar bilan shunday dardlashardi, ammo olam-u jahonda bunday hamnishin kimsalar juda kam topilardi…Shunday kunlarning birida Toshkentdan Hofiz Ko‘ykiy ismli alloma uning huzuriga keladi. “Endi faqat tushlarida ko‘radigan, olislarda armon bo‘lib qolgan yurtidan Boburni ko‘pdan buyon biror kimsa yo‘qlab kelmagan edi. Ko‘ngli allanechuk to‘lib ketdi…” (X.Sulton, 1997).

Bu voqeani tarix ham tasdiqlaydi. “Boburnoma”da buning sababi to‘y munosabati bilan, deb beriladi. Hofiz Ko‘ykiy Hindistonda to‘yda ishtirok etadi:

“Shanba kuni oyning oltinchisida to‘y bo‘ldi…O‘zbak elchilari… bu to‘yda bor erdilar… Ulug‘ osh tortilg‘onidan keyin… Xoja Mir Sultong‘a, uning o‘g‘illarig‘a, Hofiz Toshkandiy va o‘zga elchilarg‘a oltundin, kumushdin, tarkash bila in`omlar bo‘ldi” (Z.M.Bobur, 2015).

Hofiz Ko‘ykiy tarixchi olim, din ilmidan ham yaxshi xabardor inson bo‘lib, Ali Qushchining nabirasi Kamoliddinning o‘g‘li bo‘lgan. Asl ismi Sulton Muhammaddir. “Ko‘ykiy” - olimning taxallusi bo‘lgan. Muhammad Qosimning “Nasamat al-quds min xadoyiq al uns” asarida hamda Abdulqodir Badavoniyning “Muntaxab at-tavorix” asarida u haqida ma`lumotlar mavjud.

Bu ma`lumotlarga qaraganda, olim Akbarshoh huzuriga ham tashrif buyurgan va ko‘p hurmat topgan. “Saodat sohili” da esa, u Bobur huzuriga ilm izlab, ya`ni Boburning kutubxonasidagi kitoblardan foydalanish hamda shogirdi Binoqulning omonatini topshirish maqsadida kelgan edi. Bobur u bilan suhbatlashgach, haqiqiy ilm egasi ekanini tushunib yetadi, hamda o‘z dardlariga hamdard topgandek bo‘ladi. Bobur ilk uchrashuvdanoq musofir alloma sifatida ota yurtidan duo - yu salom keltirgan mehmonni emas, balki ulkan tafakkur sohibini ko‘rdi, ahli donish bilan suhbatni har qanday vaqtichog‘likdan afzal bilgani sababli, uni har oqshom huzuriga chorlab, do‘stona izzat - ikrom, lutf u karamlar ko‘rsata boshladi. Shunday kunlarning birida Bobur Mirzo olimni huzuriga chaqirib, nima sababdan u yuborgan mulozimlarni jo‘natib yuborib, tirikchilik uchun ko‘chada oddiy yumushlarni bajarib yurganining sababini so‘raydi:

- Olampanoh… O‘tinib so‘raymenki, bu harakatlarim noshukurlik deb baholanmasa… Men – bir Olloh quli, bas, o‘zim qul bo‘lganim holda, yana qay yo‘sin qul saqlamoqqa haddim sig‘sin?

- Nechun xotirimdan faromush bo‘lubdur? - deya bosh tebratdi Bobur. Axir: “Qachon bu bandalig‘ xojalig‘ bila rost kelur!” Shunday emasmi mavlono? Gohi damlar ozodavesh darvesh bo‘lgim keladi, - deya nogoh tilga kirdi Bobur. Barchasiga etak silkib, “Hayyo huyt” deb deb oyoq yetguncha ketsam, deyman… Qaytgim keladir, mavlono! - dedi Bobur to‘liqib. Bobur ko‘p yurishlarda bo‘lgan va ko‘p xalqlarni bo‘ysundirgan. Albatta, bu yurishlarda juda ko‘p qon to‘kilgan Chandara jangida Bobur askarlari tomonidan qurshovda qolgan o‘n besh chog‘li hind askarlari jasorati uning qalbidagi armonini uyg’otib yuboradi: “Angladimki, bu o‘lkada alarming yolg‘iz jismlarini bo‘ysundira olur ekanman, ruhlarini itoat etmakka hargiz qudratim yetmas ekan… Va yana angladimki, alar o‘z yurtlaridan tiriklayin judo bo‘lmoqdin ko‘ra o‘limni afzal ko‘rdilar. Men esa ne yuz qarolig‘kim, o‘zga yurtni o‘z yurtimdan afzal bildim”. Boburning bu qadar miskin kayfiyati, uning olim oldida ko‘ngil yorishi xatolarini tushungan gunohkor bandaning Olloh oldidagi tavbasidir. Demak, uning xatolari uni bir zum tinch qo‘ymagan, vijdon atalmish hashamat qarshisida hamisha ojiz qolgan. Bundan Boburning ma`naviy mag‘lubiyatini his qilish mumkin. Birinchidan, uni yolg‘izlik hamisha iskanjasiga olardi, ikkinchidan, yolg‘izlik ichra qilgan xatolari uni ipsiz bo‘g‘ardi…Bunday bardavom holat ichra bir kunni o‘tishi qanday azob?! Aytadilarki, vijdon azobi - eng og‘ir azobdir. Bunda nafaqat kishi ruhi xastalanadi, balki jism-u joni ham hamisha olov ichra jizg‘anak bo‘laveradi. Bobur tanasida so‘nggi yillarda isitma hamroh bo‘lgani tarixdan ma`lum. Buni kasallikdan deyishgan, ammo kasalliklarning bosh sababchisi dard emasmi? Bobur bu kabi holatini “Jismimda isitma kunda mahkam bo‘ladir” (B.To‘xliyev, 2012, 208) ruboiysida bayon etgan. G‘amning cheki yo‘q, sabr kosasi esa toshish darajasida. Bu dardga na tabiblar davo qiladilar, na birov malham topa oladi… Bu juda kuchli dard. Ammo bu dardni yengib o‘tish barchaning ham qo‘lidan kelavermaydi. Uning ham qo‘lidan kelmadi. Saltanat tashvishlari -yu, yurak iztiroblari birlashib tik turgan binoni asta yemirdi. Natijada bino tiklanmas bo‘lib quladi. Chunki u ichidan yemirilgandi:

- Salomatmisiz, olampanoh?

Bemor sezilar - sezilmas bosh irg‘adi, ko‘zlarini shiftdan uzib, olimga qaradi.

Bobur boshini bolishdan uzib, unga yuzlandi -da: “Kecha oqshom g‘arib xayolimga bir nimarsalar kelib, qog‘oz qoralab edim”, - deya zaif jilmaydi va:

Yo qahru g‘azab birla meni tufroq qil,
Yo bahri inoyatingda mustag‘roq qil.
Yo Rab, sengadur yuzim, qaro, xoh, oq qil…
Har nav sening rizong erur, andoq qil…

- Xo‘p aytibdursiz, olampanoh, bisyor go‘zal! Oshiqona go‘zal lutf bo‘lubdur, olampanoh…

Bobur Mirzo ohista bosh chayqadi, hazin jilmaygandek bo‘ldi. Siniqqan chehrasida alamnok taassuf ifodasi ko‘rindi… Bu dardli misralarning “oshiqona go‘zal lutf” emas, balki suronli umri so‘nggi manzil sari borayotgan muztarib qalbning kelgusi nasllar oldida berajak iztirobli hisobi, Olloh huzuridagi tazarrusi ekanini yolg‘iz Hofiz Ko‘ykiygina angladi. Bobur buni sezdi, minnatdor ko‘zlari olimga javdirab boqdi…

- Sizga nechog‘li havasim kelishini bilsangiz edi!

Uning Hofiz Ko‘ykiyga aytgan so‘nggi so‘zlari shu bo‘ldi… Karvon endigina Hindiston sarhadidan chiqqanida ko‘pirib kelgan chavkar otda Kobul sari yelib borayotgan chopar orqadan quvib yetdi: “Saodatmand shoh” – Zahiriddin Muhammad Bobur olamdan o‘tgan edi… (X.Sulton, 1997).

O‘lim – insoniyat bog‘idagi har bir daraxt uchun bevaqt keladigan kuchli shamoldir. U birdaniga kelib, yosh niholmi yoki ulug‘vor chinormi baribir tomiri bilan o‘pirib ketadi… “Bobur oyog‘i ostidan mushtumdek bir chag‘ir tosh olib, suvga irg‘itdi. Tosh shalop etib cho‘kib ketdi. Bobur so‘ngsiz xayollarga berildi. Nahotki, o‘zi ham shu tosh singari benomu nishon yo‘q bo‘lib ketsa?” Ha, tosh “shalop” etib suvga tushadi –yu, unsiz yo‘q bo‘ladi. Insonning taqdiri ham shu. Keyin undan na bir sado chiqadi, na bir sas. “Shalop” etgan tovush insonning o‘tgan umridagi ovozidir. Bu shunchalik qisqa va shu qadar tezki, uni fahmlagunga qadar umr o‘tib ketganini fahmlay olmaydi kishi. Boburning tosh bilan bog‘liq xayollari yig‘ilib, ulkan bir toshga yodnoma yozdirishiga sabab bo‘ldi. Bobur Dahkat viloyatida sarson – sargardon yurganida bir dovondagi toshga bayt yozdiradi: “Dahkat tekis yer bo‘lgani uchun Obburdon dovoni bilan tog‘li Maschoga tushdik. Bu Obburdondan quyiroqda bir chashma bo‘lib, bu chashma tepasida bir mozor turibdi. Ushbu chashma boshida, uning yoqasidagi toshga bu uch baytni o‘yib yozdirdim:

Eshitganim borki, Jamshiddek nomdor
Bu buloq toshiga yozdirdi yodgor:
“Bu buloq boshiga ko‘plar yetdilar,
Ko‘z yumib ochguncha yitib ketdilar.
Mardlig –u zo‘rlik - la olamni oldik,
Lekin qabristonga quruq yo‘l soldik.

Aynan shu parcha Xayriddin Sultonning “Saodat sohili” qissasida quyidagicha izohlanadi: “Bu hayot chashmasi oldiga biz kabi ko‘p kishilar keldilar, tiriklik nash`asiga g‘arq bo‘lib o‘ltirdilar, so‘ng bir bir abadiy yo‘qlik sari ketdilar. Bukun chashma labida biz zavq-u safoga to‘lib o‘tiribmiz. Bizdan avval o‘tganlarning barchasi ketdi. Bizdan keyin kelguvchilarning ham barchasi ketajak. Bizning ham azaliy qismatimiz shu”. Qismat buyurganini har kim, har qachon oladi. Chunki bu hayot abadiy emas. Bir inson ketgani bilan hayot to‘xtamaydi, uning ketgani emas, qanday yashagani muhim. Shu o‘rinda Bobur Mirzoning quyidagi so‘zlarini eslamoq joiz: “…Har qanday olov ham yonib - yonib axiyri bir kun o‘chadi” (P.Qodirov, 2012).

Zamonaviy o‘zbek adabiyoti, xususan, nasriy asarlarning hozirgi kunda adabiyotshunos olimlar tomonidan turli qirralari tadqiq qilinmoqda. Shular qatorida bugungi adabiyotshunoslik nasriy asarlarning markaziy muammosi bo‘lgan insonga, bosh qahramon – ya’ni poetik obrazga diqqat qaratishi lozim. Zero, barcha bayon, ta’rif va tasvirdan maqsad insondir.

Badiiy asardagi har bir obraz o ‘ziga xos poetik g‘oyani tashiydi. Obraz haqida adabiyotshunoslik kitoblarda quyidagi fikr beriladi: “Badiiy obraz deganda, borliq (undagi inson, narsa, hodisa va h.)ning san’atkor ko‘zi bilan ko‘rilgan va ideal asosida ijodiy qayta ishlangan aksi tushuniladi” [Quronov D, Mamajonov Z, Sharalieva M.: 2010. 44]. Obrazlarda hayotdagi haqiqiy hodisalar umumlashadi. Demak, badiiy asarlardagi shifokor obraziga ijtimoiy hayotdagi shu kasb egalarining umumlashgan ko‘rinishi sifatida qarash lozim.

Har qanday asarning markazida inson obrazi turar ekan, ularning hayotdagi kasb-korlari ham turlicha bo‘lishi tabiiy. Nasriy asarlardagi ayrim qahramonlarning qanday kasb egasi ekani ba’zan ahamiyatsiz bo‘lishi mumkin, ammo biz obyekt qilib olgan mavzu e’tiboridan obrazning kim ekani, kasbi, sihat-salomatligi, ruhiy kayfiyati muhim sanaladi. Zotan zamonaviy o‘zbek nasrida tabib, shifokor, hamshira va bemor kabi qahramonlar ta’rif hamda tavsifi ko‘pchilikni tashkil etmaydi.

G‘afur G‘ulomning “Yodgor” qissasidagi Jo‘ra obrazi misolida tibbiyot xodimi ko‘rish mumkin. Asarda uning kasbi harbiy shifokor sifatida beriladi. Qahramonning aynan shu kasbni tanlashiga hayotning o‘zi majbur etadi. Inson doim o‘z taqdiriga so‘zsiz bo‘ysunishini aynan mana shu obraz misolida ham ko‘rish mumkin. “Xullasi, qarindosh-urug‘, mahalla, tanish-bilishlarlardan turtki yeyaverib xit bo‘lib ketdim, nomim yomonlikka yoyildi, kim ko‘rgan ta’na qilib ta’sir beradi.

Shu kezlarda mening jonimga bir tasodif ora kirdi. Yoshim yigirma ikkida bo‘lgani uchun harbiy xizmatga chaqiriq bo‘lib, mahalla komissiyasi Harbiy komissariatning povestkasini topshirdi. Bu narsa menga juda yoqib tushdi” [G‘afur G ‘ulom. 1983. 57].

Asarning bosh qahramoni bo‘lgan Jo‘ra harbiy xizmatda o‘zini yaxshi ko‘rsatgani bois unga oliy o‘quv yurtida o‘qish uchun yo‘llanma beriladi. Yillar o‘tib u yaxshi harbiy shifokor bo‘lib yetishadi. Shifokorlik orqali qahramon nafaqat insonlarni davolaydi, balki o‘zining izdan chiqqan, dardli hayotini ham o‘nglab oladi. G‘afur G‘ulomning badiiy mahorati shundaki, u Jo‘rani malomatlardan qutqarish va ayni paytda Yodgorning onasi bilan yana qayta uchrashtirish maqsadida shifokor obrazini vosita qiladi. Chunki shifokor huzuriga qanchadan-qancha tanish-u notanish bemorlar keladi, dardini to‘kadi, boshidan kechgan hayotini so‘zlab beradi. Kunlarning birida Jo‘raning huzuriga o‘sha yigitlik pallasida qo‘liga go‘dakni tutqazib ketgan ayol keladi. Jo‘ra Mehrixonni qayta uchratganida tanimaydi, uni bemor deb qabul qiladi: “Yoshi yigirma to‘rt-yigirma beshlarga kirgan bir juvon. Men uni doktorlarga xos bir ezmalik bilan diqqat qilib tekshirib ko‘rdim. Bilmadim, boshqa doktorlar qanday hukmga kelgan ekanlar, menimcha, xotinda o‘tkir asabiylikdan boshqa hech qanday jiddiy kasallik ko ‘rinmas edi” [G‘afur G‘ulom. 1983. 88]. Ammo Jo‘ra Mehrixonni tanigach, uning asabiyligi sababi va davosini topganday bo‘ladi: “U yarim telba edi. Hissiyot agar muhit bo‘lsa, u shu muhitning to‘lqiniga asir bo‘lgan bir cho‘loq chumoli…

Menda shafqat – o‘chni yengdi, mehr – g‘azabni, go‘yo so‘qir paxsa devorlardan shaftolilar mo‘ralagan uzun va jimjit bog‘ ko‘chaning yalla bedard chapanisi edim” [G‘afur G‘ulom. 1983. 92]. Bemorning achinarli ahvolini ko‘rgan shifokor unga nisbatan asragan necha yillik adovatini bir zumda unutadi. Bu o‘zragish ham asardagi shifokor xarakteridagi insonsonparvarlik, mehr-muruvvatni ochib berishga xizmat qiladi.

Inson jismini shifokor o‘rganadi, shu bilan birga uni davolaydi. Yozuvchi uchun esa insonning borlig‘i, his-tuyg‘ulari va ruhiyati asosiy obyekt sanaladi. Shuning uchun u yozgan asarlari o‘quvchi ma’naviy-ruhiy dunyosiga ta’sir etadi. Bu ikki soha bir qaraganda bir-biriga aloqasizday tuyulishi mumkin. Biroq tabiblar ham, adiblar ham har doim – butun faoliyati davomida Insondek mo‘tabar zot ustida fikrlaydi.

Fransuz yozuvchisi A.Moruaning fikricha, yozuvchi ham, shifokor ham “astoydil insonlar bilan qiziqadi, ikkisi ham berkitilgan yashirin qiyofani topishga intiladi. Ikkisi ham o‘z shaxsiy hayotidan chiqib ketgan holda o‘zganing hayotiga kirib boradi”. Tabib inson jismonan sog‘ligini asraydi, u haqida qayg‘uradi. Adib esa ma’naviy sog‘likni, ruhan yetuklikni ta’minlaydi. Har ikkisining ham e’tibor markazida inson turadi. Har ikkisining ham maqsadi insonni kamolotga yetkazish sanaladi.

Shukur Xolmizaevning “Bodom qishda gulladi” hikoyasidagi shifokor obrazi o‘ziga xos tabiatga ega. Qobil doktor o‘z ishining ustasi, shuning bilan birga she’riyatga ham qiziqadi. Yozuvchi shifokorni: “U nuqul Usmon Nosirning she’rlaridan ko‘chirib kelib, menga ko‘rsatadi. Men unga “Yaxshi she‘r yozibsiz”, deyman. U: “Men baribir shoir bo‘lmayman. Shunchaki ko‘ngil uchun…”, deb qo‘yadi. O‘zining ahvoli-ku ma’lum, mening yolg‘on gapirishimni ham bilsa kerak. Mayli-da. Vaqtini ayamay bir shoirdan she’r ko‘chiribdimi… yaxshi ko‘rganidan ko‘chirgan”, deya tasvirlaydi [Xolmirzaev Sh.: 2003. 415]. Mana shu obraz vositasida yozuvchi ko‘pgina shifokorlar tabiatida uchraydigan adabiyotga bo‘lgan muhabbatni ham aks ettiradi. To‘g‘ri, shifokor shoirchalik she’r yozolmas, ammo uning she‘rga bo‘lgan munosabati, mehri shoirnikidan kam emas. Chunki shifokor uchun gohida so‘z juda katta davolovchi quvvat kasb

etadi. Ba’zan turli toifadagi o‘ta jiddiy muolajalar, dori-darmonlar qila olmagan ishni – davoni bittagina umidbaxsh so‘z bajaradi.

Badiiy adabiyotdagi shifokor obrazi vositasida yozuvchilar o‘z badiiy g‘oyalarini ifodalash yo‘lida foydalanadi. Ikkinchidan, shifokor obrazi ko‘pincha ibratli, xokisor, muruvvatli insonlar xarakterini ko‘rsatish maqsadida qo‘llaniladi. Uchinchidan, shifokor bilan adibning vazifasida qaysidir ma’noda uyg‘unlik kuzatiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Quronov D, Mamajonov Z, Sheralieva M. Adabiyotshunoslik lug‘ati. -T: Akademnashr, 2010.

2.Boboev T. Adabiyotshunoslik asoslari. –T.: O‘zbekiston.2002.

3.G‘ulom G‘. Yodgor. –T, G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti, 1983.

4. Xolmirzaev Sh. Saylanma 1-jild. Hikoyalar // Bodom qishda gulladi. Sharq. -T, 2003.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ТУШУНЧАЛАРНИ ЎРНИ

ÖĞRENCİLERİN PEDAGOJİK TEFEKKÜRÜNÜN ŞEKİLLENMESİNDE PEDAGOJİK KAVRAMLARIN ÖNEMİ

Ибодулло Узаков,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек
тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси,
e- mail: uzakov@navoiy-uni.uz

Kıdemli Okt. İbadulla UZAKOV,
Ali Şir Nevai adındaki Taşkent Devlet Özbek
Dili ve Edebiyatı Üniversitesi

Özet. Makalede, öğrencilerin pedagojik düşünmesinin oluşumunun sosyo-felsefi ve psikolojik yönleri araştırılmıştır. Pedagojik koşulları inceleyerek bu sürecin etkinliğini sağlayan pedagojik kavramların ve pedagojik düşünme şablonlarının rolü ile ilgili fikirler ileri sürülmüştür.

Anahtar kelimeler: düşünme, pedagojik düşünme, anlama, pedagojik anlayış, madde, hipotez.

Аннотация. Мақолада талабалар педагогик тафаккурини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий ва психологик жиҳатлари тадқиқ этилган. Педагогик шарт-шароитларини ўрганиш орқали мазкур жараён самарадорлигини таъминлашга имкон берувчи - педагогик тушунчаларнинг ўрни ҳамда педагогик тафаккурни шакллантириш андозаси ёритилган.

Калит сўзлар: тафаккур, педагогик тафаккур, тушунча, педагогик тушунча, масала, фараз.

Annotation. The article explores the socio-philosophical and psychological aspects of the formation of students' pedagogical thinking. It examines the role of pedagogical concepts and the templates of pedagogical thinking that enable the effectiveness of this process by examining pedagogical conditions.

Keywords: thinking, pedagogical thinking, understanding, pedagogical understanding, matter, hypothesis.

Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш жараёнида қуйидаги ҳолатлар сўз юритилаётган жараёнда самарадорликка эришишни кафолатлайди:

- олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;
- олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантиришга хизмат қилувчи мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш;

- талабаларнинг педагогик тафаккурини шакллантиришга ёрдам берувчи шакл, метод ва воситалар тизимини асослаш;
- мазкур жараёнда фанлараро алоқадорликни таъминлаш;
- талабалар томонидан ўзлаштирилган назарий педагогик билимларнинг амалиётга тадбиқ этишга имкон берувчи шарт-шароитларни яратиш.

Педагогик манбаларда илгари сурилган ғояларга таянган ҳолда педагог эга бўлган тафаккур даражасини қуйидаги методлар ёрдамида баҳолаш мумкин: 1) таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи шахси ва фаолиятини бевосита ўрганиш методлари (педагогик кузатиш, ўқитувчининг иш ҳужжатлари ва режаларини ўрганиш, суҳбат ва бошқалар); 2) педагогик тафаккурни ташҳислашга ёрдам берувчи махсус методлар (ташхисли вазиятлар, анкета, рейтинг, тест ва бошқалар)[2, 238].

Мазкур методлар ёрдамида олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик билимлари даражасини ҳам баҳолаш мумкин. Фақат бу ўринда ўқитувчининг иш ҳужжатлари ва режаларини ўрганиш эмас, балки талабаларнинг индивидуал ва мустақил таълим олишлари ва уларнинг натижаларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Талабаларнинг индивидуал ва мустақил таълим олишлари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

1) илмий анжуманларида иштирок этиш;

2) “Талаба ва илмий-техника тараққиёти” фан олимпиадаларида фаол қатнашиш;

3) давлат стипендияларини олиш;

4) илмий-методик журналлар (масалан, “Халқ таълими”, “Педагогик таълим”, “Бошланғич таълим”, “Uzluksiz ta’lim”, “Таълим тараққиёти”, “Мактаб ва ҳаёт” ва бошқа журналлар, шунингдек, даврий нашрлар – “Маърифат”, “Педагог” (Низомий номидаги ТДПУ) газеталарида илмий мақолалар чоп эттириш;

5) Республика миқёсида ташкил этилаётган “Келажак овози”, “Fond forum” танловлари, шунингдек, халқаро грантларда иштирок этишлари ва ғолибликни қўлга киритиш;

6) Устоз-шогирд анъанасига кўра етакчи, тажрибали ва малакали педагогларнинг иш тажрибаларини ўрганиш;

7) “Ёш педагог” ёки “Маҳорат мактаби” тўгаракларида иштирок этиш ва бошқалар.

Педагогика олий ўқув юртларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини тўлақонли шакллантириш бир қадар мураккаб жараён ҳисобланади. Бинобарин, педагогик туркум фанлари ўзида йирик ҳажмли педагогик билимларни қамраб олган бўлиб, талабалар томонидан уларнинг пухта ўзлаштирилиши муайян вақт ва интеллектуал кучни талаб этади. Таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан қуйидагича ёндошув талабалик йилларидаёқ бўлажак ўқитувчилар томонидан мавжуд педагогик билимларни етарли даражада ўзлаштиришларига имкон беради:

1. Педагогик туркум фанларини ўқитиш жараёнига ноанъанавий ёндошув.
2. Машғулотлар чоғида талабаларнинг мустақил фаолият юритишлари учун шароит яратиш.
3. Ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни юзага келтириш.
4. Талабаларнинг ижодий фаолиятларини рағбатлантириш.
5. Машғулотларнинг қизғин мунозаралар асосида қизиқарли бўлишига эришиш.
6. Имкон қадар гуруҳ талабаларидан иборат кичик гуруҳларни шакллантирган ҳолда ҳар бир машғулотда гуруҳлардан бирининг машғулотларни бошқаришларини йўлга қўйиш.

7. Машғулотлар якунлари бўйича талабаларнинг фаол иштироклари асосида муайян хулосаларга келиш.

Олий ўқув юртларида бўлажак ўқитувчиларда педагогик тафаккурни шакллантириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-босқич: Педагогик туркум фанлар – “Педагогика” (“Педагогика назарияси”), “Педагогика тарихи”, “Педагогик технология” ҳамда “Педагогик маҳорат” бўйича Давлат таълим стандартларида белгиланган назарий билим (тушунча)ларни ўзлаштириш;

2-босқич: ўзлаштирилган назарий билимларни узлукли ва узлуксиз педагогик амалиёт даврида, шунингдек, амалий машғулотлар ва мустақил таълим жараёнида амалиётга тадбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилиш;

3-босқич: мустақил равишда ўқиб-ўрганиш ва ижодий изланиш асосида ҳосил қилинган амалий кўникмаларнинг малакаларга айланишига эришиш;

4-босқич: узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларидаги таълим муассасаларида педагог сифатида иш олиб бориш жараёнида ўзлаштирилган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларга таянган ҳолда касбий фаолиятни самарали ташкил этишга психологик жиҳатдан тайёрланиш.

Талабалар томонидан педагогик билимларни ўзлаштириш йўлида мустақил изланишнинг олиб борилиги юқорида қайд этилган барча босқичлар учун бирдек аҳамиятга эга.

Талабаларда педагогик тафаккурни шакллантириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Таълим жараёни моҳиятини очиб берувчи тушунчаларни ўзлаштириш (масалан: дидактика (таълим назарияси), таълим, таълим жараёни, таълим мазмуни, таълим тамойиллари, таълим шакли, таълим усули, таълим методи, таълим воситаси, синф, дарс, ўқитувчи, ўқувчи, билиш, билиш фаолияти, билиш фаолияти босқичлари, сезиш, идрок, тасаввур, тафаккур, индуктив тафаккур, дедуктив хулоса, тушунча, анализ, синтез, таққослаш, тескари алоқа, билиш, таълим зиддиятлари, билим, кўникма, малака, маълумот, ақлий камолот, ўқув режаси, ўқув дастури, дарслик, ўқув материали, оғзаки баён, кўрсатмалилик, амалий машғулот, маъруза, ўзлаштириш, ўзлаштириш даражалари, назорат, назорат турлари, баҳолаш, баҳо ва бошқалар).

2. Тарбия жараёни моҳиятини ёритувчи тушунчаларни ўзлаштириш (тарбия, тарбия жараёни, тарбиячи, тарбияланувчи, тарбия мазмуни, тарбия тамойиллари, тарбия шакли, тарбия усули, тарбия методи, тарбия воситаси, ўз-ўзини тарбиялаш, қайта тарбиялаш, таълим муассасаси режими, ижтимоий онг, ақлий тарбия, ақлий тарбия асослари, дунёқараш, болалар жамоаси, ижтимоий-фойдали меҳнат, ижтимоий топшириқ, ижтимоий фаоллик,ахлоқ, ахлоқ асослари, маънавий-ахлоқий сифатлар, комил инсон, жинсий тарбия, жинсий тарбия асослари, меҳнат тарбияси, меҳнат тарбияси асослари, касбга йўналтириш, жисмоний тарбия, жисмоний тарбия асослари, жисмоний маданият, гимнастика, спорт гимнастикаси, ўйин, спорт, эстетик тарбия, эстетик тарбия асослари, эстетик дид, эстетик маданият, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий тарбия асослари, ҳуқуқий маданият, иқтисодий тарбия, иқтисодий тарбия асослари, иқтисодий тафаккур, интеграция, экологик тарбия, экологик тарбия асослари, экология, экологик маданият, синфдан ва мактабдан ташқари маънавий-маърифий ишлар, тўгарак, илмий жамият, оила тарбияси, оила тарбиясининг асослари, халқ педагогикаси, кун тартиби, ота-оналар қўмитаси, ота-оналар йиғилиши, синф раҳбари, таълим муассасаси, таълим муассасасини бошқариш, педагогик жамоа, педагогик Кенгаш, методик ишлар ва ҳоказолар.

3. Педагогик фикр тараққиёти тарихи тўғрисида маълумот берувчи тушунчаларни ўзлаштириш (масалан, қадимги ёдгорликлар, педагогик фикр, педагогик фикр тараққиёти,

“Авесто” асари, зардуштийлик таълимоти, ёзма маърифий ёдгорликлар, Урхун-Енисей ёзувлари, “Ирқ ёзувлари” (“Таъбирнома”), ислом дини ғоялари, мусулмон мактаблари, ислом ахлоқи, Ҳадис илми, ҳадислар, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, “Ишонарли тўплам”, сўфийлик таълимоти, комил инсон, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Шарқ Уйғониш даври, Нақшбандия тариқати, Шарқ мутафаккирлари ва жадидчилик ҳаракати намояндаларининг педагогик қарашлари, таълим тизими ривожи, узлуксиз таълим тизими, жаҳон педагогика фани ривожи ва бошқалар.

4. Таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндошув моҳиятини ёритувчи тушунчаларни ўзлаштириш (масалан: таълим технологияси назарияси, педагогик технология, анъанавий ёндошув, тизимли ёндошув, педагогик тизим, технологик ёндошув, технологик ёндошув тамойиллари, ижодий ёндошув, билимларни ўзлаштириш даражаси, таълим жараёни, таълим жараёнини лойиҳалаш, лойиҳалаш босқичлари, таълим мотивлари, ўқув-билиш фаолияти, ўқув-билиш фаолиятини бошқариш, бихевиоризм таълимоти, таълим мақсадлари, таълим мақсадларини ойдинлаштириш, Б.Блум таксономияси (таснифи), ўқув вазифалари тизими, ўқувчилар фаолияти, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, назорат турлари, тест, тест турлари, таълим натижаси, таълим натижасини баҳолаш ва ҳоказолар).

5. Педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш жараёни тўғрисида маълумот берувчи тушунчаларни ўзлаштириш (масалан: педагогик фаолият, педагогик фаолият мазмуни, педагог шахси, педагогик таъсир, педагог одоби, мулоқот маданияти, мимика, пантомимика, педагогик такт, фаолият услублари, педагогик тажриба, педагогик маҳорат, ижодкорлик, муаммоли вазият, муаммоли вазиятларни ҳал этиш, ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги ва бошқалар.

Олий таълим муассасаларининг талабаларида педагогик тафаккурни шакллантиришда қуйидаги жиҳатларга ҳам, яъни “фактлар, терминология, фактларни саралаш усуллари, ривожланиш омиллари, таснифлар, текшириш ва баҳолаш мезонлари, тадқиқ қилиш услублари, умумий тушунчалар, ҳодисаларни тушунтириш, талқин ва башорат қилиш учун зарур назариялар, қоидалар ва қонунларни билишга эътибор бериш лозим”[5,102].

Ўқитувчининг педагогик тафаккури бевосита унинг турли вазиятларда юзага келувчи масалаларнинг ечимини топишда айниқса яққол намоён бўлади. Шу сабабли ўқитувчининг педагогик вазиятларга баҳо бера олиши, уларнинг моҳиятини чуқур ва тўла англаши, шунингдек, уларнинг ечимларини топишда объектив ҳамда субъектив таъсирларни инобатга ола билиши муҳимдир. Л.В.Зинина ва Н.П.Меьшиковаларнинг фикрича, педагогик масалаларни ечишнинг технологик моҳияти қуйидагичадир:

1. Фаразларни илгари суриш:

1) ўқитувчи ҳаракатининг йўналишлари, фаолият турлари ҳамда умумий тарбия методларини танлаш;

2) уларнинг натижавийлигини башоратлаш;

3) ўқитувчи ҳаракатининг турли вариантларини кўриб чиқиш.

2. Ўқитувчи ҳаракатининг самарали вариантини танлаш.

1) педагогик таъсир методларини танлаш;

2) муайян вазиятлар учун мақбул методик усулларни аниқлаш;

3) фаолиятнинг ташкилий шаклларини танлаш;

4) педагогик масалаларни ечишга мос келувчи усулларни ажрати [2, 32-34].

Педагогик тафаккурга эга бўлиш учун талабалар педагогика оид билимларни пухта ўрганиш асосида қуйидаги кўникма ва малакаларни ўзлаштира олишлари зарур:

- педагогиканинг асосий ғоялари, концепциялари, қонуниятларини ва педагогик ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш;
- педагогиканинг энг муҳим назарий ғоялари, асосий категориялари ва тушунчаларини билиш;

- асосий педагогик фактларни билиш;
- таълим ва тарбиянинг умумий услуби ҳақидаги амалий билимларни эгаллаш [5,103].

Демак, педагогик назарий тушунчалар мажмуининг талабалар томонидан пухта ўзлаштирилиши уларда педагогик тафаккурнинг шаклланишига замин яратади. Шу сабабли таълим жараёнида талабалар томонидан педагогик билимларнинг етарли даражада пухта ўзлаштирилишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ёш даврлари ва педагогик психология /Ўқув-методик қўлланма. М.Г.Давлетшин ва бошқ. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2004. – 130 б.
2. Занина Л.В., Меньшикова Н.Л. Основы педагогического мастерства /Учебное пособие для студ. пед. вузов. – Ростов-на-Дону, Феникс, 2003. – 288 с.
3. Митина Л. М. Учитель как личность и профессионал (психологические проблемы). – М.: Дело, 1994. – 215 с.
4. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси //Uzluksiz ta’lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. – 102-106-б.
5. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: Ўқитувчи. 1990. – 183 б.

ALISHER NAVOIY VA TURK ADABIYOTI

ALİ ŞİR NEVAİ VE TÜRK EDEBİYATI

Mahmud Rajabov Panji o‘g‘li,
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat
o‘zbek tili va adabiyoti universiteti talabasi

Öğr. Mahmud RAJABOV,
Ali Şir Nevai Taşkent Devlet Özbek
Dili ve Edebiyatı Üniversitesi

Özet. Makalede büyük şair Ali Şir Nevai’nin Türk edebiyatının gelişmesini nasıl etkilediği ile ilgili görüşler kaleme alınmıştır. Nevai ile aynı devirde yaşayan Türk yazarları ile irtibatı hakkında bilgi verilmiştir. Bununla birlikte, 15. Yüzyıldan soraki dönem Türk edebiyatını nasıl etkilediği ile ilgili fikirler ileri sürülmüştür.

Kalit so‘zlar: uyanış devri edebiyatı, karşılaştırmalı-tipolojik tahlil, “Hamse”, Ahmed Paşa, “Ferhat ve Şirin”, “Leyli ve Mecnun”.

Аннотация. В данной статье рассматривается влияние великого узбекского поэта Алишера Навои на турецкую литературу. Литературные отношения Навои с турецкими поэтами основаны на исторических источниках. Кроме того, он содержит достоверную информацию о влиянии великого поэта на турецкую литературу 15-го века. В двадцатом веке турецкая литературная критика Навои была полностью проанализирована.

Ключевые слова: Ренессанс, сравнительный типологический анализ, «Хамса», Ахмад Пошшо, «Фархад и Ширин», «Мухокамат уль-лугатайн», Ломи, «Лайли и Меджнун».

Annotation. This article discusses the influence of the great Uzbek poet Alisher Navoi on Turkish literature. Literary relations of Navoi with Turkish poets are based on historical sources. In addition, it contains reliable information about the influence of the great poet on Turkish literature of the 15th century. In the twentieth century, Turkish literary criticism of Navoi was thoroughly analyzed.

Keywords: Renaissance, comparative typological analysis, “Hamsa”, Ahmad Poshsho, “Farhad and Shirin”, “Muhokamat ul-lugatayn”, Lomi, “Laili and Majnun”.

Buyuk Alisher Navoiyning go‘zallikni kuylagan asarlari, umumbashariy g‘oyalari jahon madaniyati va adabiyoti tarixidagi ulug‘ siymolarning ijodi bilan hamohangdir.

Akademik N. I. Konrad Uyg‘onish davri haqida gapirib, uning VIII–IX asrlarda Xitoyda boshlanganligini IX–XV asrlarda O‘rta Osiyo, Eron, Hindistonning bir qismida davom etganligini va XVI–XIX asrlarda Yevropada nihoyasiga yetganligini yozgan edi.

Uyg‘onish davrining buyuk vakillari ijodida qandaydir umumiylikni ko‘rish mumkin. V. M. Jirmunskiy haqli ravishda “Alisher Navoiyning ulkan figurasi jahon adabiyotidan alohida ajralib qolgan emas. O‘zbek adabiyotining buyuk asoschisining ijodi bevosita G‘arbdagi hamfikrlarining uyg‘onish davri shoir va mutafakkirlarining ilg‘or g‘oyalari bilan qo‘shilib ketadi”, — deb yozadi. Sharq adabiyoti tarixini qiyosiy-tipologik o‘rgangan olimlar, boshqa xalqlar adabiyotining ma’lum tarixiy davriga xos xarakterli xususiyatlarning ayrim tendensiyalari turk adabiyoti tarixida ham ko‘rinishini ta’kidlashadi. Turk uyg‘onish davrini XV asrning ikkinchi yarmidan XVII asrning o‘rtalarigacha deb belgilaydilar.

Uyg‘onish davri turli vaqtlarda har joyda o‘ziga xos tarzda kechgani bilan barcha xalqlar madaniyati va adabiyotida umumiy o‘xshash tomonlarni ham vujudga keltirgan. Bu davr titanlarining umuminsoniy g‘oyalarni ko‘tarib chiqqanligi, bashariyat taqdiri uchun

qayg‘urganligidandir. Uyg‘onish davri allomalarining ijodi bir xalq doirasidan chiqib, boshqa xalq ijodkorlariga ta’sir qilishi shubhasiz.

Hazrat Navoiyning asarlari o‘zi hayotligidayoq Vatani sarhadidan uzoq-uzoqlarda mashhur edi. Uning g‘azallarini birinchi bor o‘qigan, tinglagan kishi, beixtiyor shoir muxlisiga aylangan, boshqa asarlarini topib o‘qishga harakat qilgan. Hech bir xalq Navoiy ijodi bilan tanishgach, unga befarq bo‘lgan emas.

Sharq xalqlari o‘rtasida, ayniqsa, turkiy xalqlar o‘rtasida Alisher Navoiy mashhur bo‘lgan. Shoir g‘azallari sevilib o‘qilibgina qolmay, uning g‘azallariga naziralar bag‘ishlangan, epik asarlaridan ilhomlanib dostonlar yaratganlar. Turk adabiyoti misolida buning yaqqol namunasini ko‘rishimiz mumkin.

XV asrda Turkiyadagi eng yaxshi shoirlardan hisoblangan, turk adabiyoti tarixida o‘ziga xos o‘rni bo‘lgan shoir Ahmad Poshsho (tug‘ilgan yili noma’lum —1497-yilda vafot etgan) turk shoirlari ichida birinchilardan bo‘lib Alisher Navoiy ijodiga murojaat qilgan. Zamondoshlari ko‘proq fors, arab poeziyasining ulug‘ siymolariga taqlid qilgan bir davrda Ahmad Poshshoning Navoiy ijodiga yondashishi ijobiy holdir.

Edirna shahrida tug‘ilgan Ahmad Poshsho Sulton Mehmet II Fotih, uning o‘g‘li Boyazid II larning homiyligida bo‘lib, yuqori lavozimlarda ishlagan. 1481-yili Boyazid II Ahmad Poshshoni Bursa shahrining hukmdori qilib tayinlaydi. Ilmiy manbalardagi ma’lumotlarga qaraganda xuddi shu yillari Alisher Navoiyning 33ta g‘azali Turkiyaga yetib borgan. Sulton darhol bu g‘azallarni Bursaga, Ahmad Poshshoga yuboradi va ularga nazira bag‘ishlashni shoirdan iltimos qiladi. Bu g‘azallar Ahmad Poshshoga juda yoqqanligidan, shoir o‘z qo‘lida bo‘lgan Navoiy g‘azallarining hammasiga nazira bag‘ishlaydi.

Ahmad Poshsho Nizomiy, Jomiy kabi ulkan so‘z san’atkorlari ijodi bilan tanish bo‘lgan. Lekin Navoiyning g‘azallarigina uning ijodiga juda katta ta’sir o‘tkazadi. Ahmad Poshshoning Navoiy g‘azallariga bag‘ishlangan naziralari uning devonlariga ham kiritilib, el orasida juda mashhur bo‘lgan va bizning davrimizgacha ham yetib kelgan.

Navoiy g‘azallarida yuksak badiiy mahorat, insonparvarlik g‘oyalari Ahmad Poshshoni shoir sifatida rom qilgan bo‘lishi shubhasiz. Ahmad Poshsho Navoiy g‘azallariga naziralar bag‘ishlar ekan, demak, u shoir ijodini juda qadrlagan, undan badiiy mahorat sirlarini o‘rganishga intilgan. Ko‘rinadiki, Ahmad Poshsho lirikasining barkamollanishida Navoiy g‘azallarining ahamiyati katta bo‘lgan.

Turk adabiyoti tarixiga nazar tashlasak, ulug‘ Alisher Navoiy ijodi faqat turk lirik poeziyasiga ta’sir qilibgina qolmay, balki yirik epik asarlarning yaratilishida ham sezilarli ta’siri bo‘lganligini his qilish mumkin. Umuman, XV–XVI asrlar turk adabiyoti tarixida yaratilgan dostonlarga buyuk ozarbayjon shoiri Nizomiy Ganjaviy (1140–1207), o‘lmas “Shohnoma”ning muallifi Abulqosim Firdavsiy va Alisher Navoiylarninng ta’siri katta bo‘lgan, masalan, dunyoviy mavzuda yozilgan ilk turk masnaviysi “Iskandarnoma”ning muallifi Tojiddin Ahmad ibn Ibrohim (Ahmadiy) (1329–1413) Nizomiyning dostonidan ta’sirlanib, uni o‘ziga namuna qilib olganligini aytgan.

Shoir Shayxiy (1371–1429) Nizomiyning “Xisrav va Shirin” dostonidan ming bayt tarjima qilganligi ham ma’lum.

Toshlijali Yahyo (tug‘ilgan yili noma’lum — 1582) turk adabiyoti tarixida “Xamsa” yaratganlardan biri bo‘lib, u Navoiy “Xamsa”sini juda yuqori baholaydi.

“Mir Navoiy guli behordir, “Xamsa”si bir shofei totordir”. Toshlijali Yahyo “Xamsa”si quyidagi dostonlardan iborat: “Ganjinai Roz”, “Usulnoma”, “Shoh va gado”, “Yusuf va Zulayho”, ”Gulshani Anvor”. Dostonlar Navoiy “Xamsa”si singari bo‘lmasa ham muallif Toshlijali Yahyo Navoiyni ulug‘ xamsanavis sifatida ta’riflarkan, uning ijodidan ilhomlanganligi shubhasiz.

XVI asrlarda yashagan turk shoiri Lomiy Navoiyning “Farhod va Shirin”i ta’sirida shu nomda doston yozgan. S. Erkinov bu haqida shunday yozgan edi: “Farhod va Shirin”ning ta’siri turkiy xalqlar adabiyotida, ayniqsa, katta bo‘ldi. Keyingi davrlarda “Farhod va Shirin”ning ijobiy traditsiyalari asosida yuzaga kelgan qator asarlar: XVI asr turk shoiri Lomiyning “Farhod va

Shirin", XVIII asr uyg‘ur shoiri Abdurahim Nizoriyning "Farhod va Shirin" dostonlari bu fikrning yorqin dalili bo‘la oladi[1.77-b]. Ogoh Sirri Levent Lomiyning dostoni Navoiydan ixcham tarjima, Navoiyga nazira tarzida yozilgan, degan fikrlarni aytgan.

Navoiy "Xamsa"sining ham turk shoirlarining doston yozishida ta'siri bo‘lganini ko‘rsatdi. Usmonli shoirlari orasida birinchilardan bo‘lib "Xamsa" yaratgan Hamdulla Hamdi Chalabiydir. Chalabiy "Xamsa"sining ikkinchi dostoni, arab adabiyotida keng tarqalgan, sevimli syujet bo‘lgan, "Layli va Majnun" dostonidir. (1499-yilda tugatilgan).

Hamdulla Hamdi va Alisher Navoiy dostonlarini qiyoslab o‘rgangan adabiyotshunos V. Garbuzova Hamdining doston yozishiga Navoiyning ijodiy ta'siri bo‘lganligini aytadi.

"Garchi Hamdi o‘z dostonida Alisher Navoiyning shu dostoni bilan tanishligi to‘g‘risida oshkor biror narsa aytmasa ham (Navoiyning "Layli va Majnun"i 1484-yilda yozilgan), Hamdini Navoiyning daho asari bilan tanish bo‘lgan deb taxmin qilish mumkin. Hamdi dostonidagi voqealar rivojlanadigan muhit tasviri Navoiy tasvirini juda-juda eslatadi. Bundan tashqari, Navoiy singari Hamdi ham o‘z dostonida Qays (Majnun)ning telba muhabbatining ayanch tarixiga asosiy kuchni bermaydi, balki Laylining og‘ir ahvolini tasvirlash orqali O‘rta asrda ayollarga buyum sifatida qaralishiga qarshi norozilik bildiradi.

Hamdining dostoni shu jihatdan ham e'tiborga sazovorki, u Navoiyning chinakam ta'sirini sezish mumkin bo‘lgan birinchi turk masnaviysidir" [2.47-b].

"Xamsa" yaratishni oldiga maqsad qilib qo‘ygan har bir shoir, o‘zidan oldin yaratilgan "Xamsa"lar bilan, umuman "Xamsa" yozgan shoirlar ijodi bilan tanishishga harakat qilgan. Tabiiyki, "Xamsa"lar ichida o‘ziga ko‘proq ma'qul bo‘lgan dostonlarni namuna qilib olganlar. Ko‘rinadiki, olimning mulohazalarida jon bor. U bevosita obrazlar tahlilidan kelib chiqib xulosaga kelgan. Jahon adabiyoti tarixida biror avtorning nomini aniq aytmay, lekin uning ijodidan bahramand bo‘lib, ajoyib asarlar yaratgan adiblarni ko‘plab topish mumkin. Navoiyning asarlari Usmoniylar davlatiga dastlab ayrim-ayrim yetib kelgan bo‘lsa, to‘la devoni 1501-yilda shoir Vaziriy tomonidan olib kelindi.

Navoiy ijodiga turk shoirlarining muhabbati, uning g‘azallariga bag‘ishlangan naziralar shoirni usmonlilar Turkiyasida juda mashhur qilib yubordi. Navoiy asarlaridagi insonga bo‘lgan mehr, go‘zallikni ulug‘lash, Vatanni kuylash, yorga muhabbat, do‘stlik g‘oyalari, g‘azal, dostonlarning yuksak badiiy saviyasi turk shoirlarini maftun qildi.

"Navoiyning ajoyib lirikasi turk shoirlariga, ularning ijodiga juda katta ta'sir ko‘rsatdi. Buyuk mutafakkir lirikasidagi chuqur falsafiy fikrlar, inson tafakkuriga zo‘r ta'sir qila oladigan yorqin poetik obrazlar va tasviriy vositalar hammaning e'tiborini o‘ziga tortdi. Ular Navoiyning shoirlik qudratiga, uning juda katta san'atkorlik kuchiga qoyil qoldilar. Alisher Navoiy asarlarining turklarga g‘oyat manzur bo‘lganligini shundan ham ko‘rish mumkin" [2.56-b], — deb yozadi adabiyotshunos V. Garbuzova.

Turk adabiyotshunoslari Navoiy ijodining turk shoirlari ijodiga ta'siri haqida ko‘plab ilmiy ishlar yozganlar. N. S. Banarli Alisher Navoiy ijodini juda yuqori baholab, uning Ahmad Poshsho, Sulton Salim, Nodim ijodiga ta'siri to‘g‘risida "Rasmli turk adabiyoti" kitobida yozgan. N. S. Banarli Navoiy ijodini qadrlab shunday yozadi: "Navoiy faqat O‘rta Osiyo turkiy xalqlarininggina emas, butun turkiy xalqlar adabiyotimizning buyuk vakilidir" [3.126-b]. "Navoiy o‘z davri va undan so‘ng ham ijodkorlar uchun ideal bo‘lib qoladi. Navoiydek yozish har bir shoirning orzusi edi" [3.127-b]. Mashhur turk adabiyotshunosi F. Ko‘prulu 1934-yil Istanbulda e'lon qilingan "Turk tili va adabiyoti ustida tadqiqotlar" kitobida Navoiy ijodiga alohida to‘xtalib "Alisher Navoiy va ta'sirlari" mavzusida alohida izlanishlarni kiritgan. Turk navoiyshunoslari orasida professor Kamol Eraslanning xizmatlari diqqatga molik. U "Alisher Navoiyning "Nasoyimu-l-muhabbat min shamoyimi-l-futavvat" asarining matn va til xususiyatlari" nomli doktorlik dissertatsiyasini 1970-yilda himoya qilib, bu asarni va yana "Holoti Sayyid Hasan Ardasher", "Pahlavon Muhammad" risolalarini nashr qildirdi.

Turkiya kutubxonalarida Navoiy asarlari qo‘lyozmalari anchagina. To‘pqopi Revan saroyi kutubxonasida saqlanayotgan Muhammad Darvesh Toqiy tomonidan Hirotda 1496–97-yillarda, Navoiy hayotligida ko‘chirilgan qo‘lyozma, ayniqsa, xarakterlidir. Bu qo‘lyozmaning

fotonusxasini O‘zbekistonga olib kelgan professor Hamid Sulaymon shunday yozgan edi: “Sulton Husayn kutubxonasining mahoratli, peshqadam xattotlaridan bo‘lgan Darvesh Muhammad Toqiy ko‘chirgan kulliyotning mazkur qo‘lyozmasini Navoiyning o‘zi ham ko‘rgan bo‘lishiga shubha bo‘lmasligi kerak. Chunki bu qo‘lyozma shoirning o‘zi tuzgan kulliyot nusxasi bo‘lib, unda kulliyot uchun Navoiyning o‘zi yozgan so‘zboshi “Munojot” bor”.

Turk adabiyotshunoslari Navoiydan oldin o‘tgan va unga zamondosh bo‘lgan shoirlar ijodini baholashda ham Navoiyning fikrlariga “Nasoyimu-l-muhabbat”, “Majolisun-nafois”ga suyanadilar.

Professor Ismoil Hikmat o‘zbek klassik shoiri Lutfiy haqidagi monografiyasida Navoiy asaridan ko‘chirma keltiradi va asosan Navoiy fikrlariga tayangan holda Lutfiy ijodi haqida fikr yuritadi.

Asrlar davomida buyuk Alisher Navoiy ijodiga bo‘lgan qiziqish kuchay3moqda. “Muhokamat ul-lug‘atayn” o‘tgan asrdayoq Turkiyada nashr etilgan. 1973-yilda Istambulda akademik V. V. Bartoldning Navoiy haqidagi ilmiy ishi Mahmud Ja’far tarjimasida e’lon qilindi. Shoir tavalludiga 525 yil to‘lishi munosabati bilan ham Istambulda Navoiyning bir qancha asarlari chop etildi. A. S. Levent Navoiy asarlaridan tanlangan parchalarni 4 tomlik holida nashr ettirdi.

Ko‘rinib turibdiki, Navoiy ijodi hamma davrlarda, barcha xalqlar orasida ham alohida qiziqishga sazovor bo‘lgan, o‘z o‘quvchi va tadqiqotchilarini topa oladigan buyuk adabiyotdir. Bugungi adabiyotshunoslar oldida turgan dolzarb vazifalardan biri ham aynan turli xalqlar adabiyoti integratsiyasini o‘rganish va shu asosda badiiy unsurlar, syujetlar genezisini aniqlashdan iboratdir. Ayni vazifani o‘zbek adabiyoti sarboni Navoiy ijodi bilan boshlash esa har tomonlama maqsadga muvofiqdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Erkinov S. Asrlar osha mushoira. — Toshkent, 1987.
2. Garbuzova V. S. Turk adabiyoti klassiklari. — Toshkent, 1960.
3. Banarli N. S. Rasmli turk adabiyoti. — Toshkent, 1957.
4. Alimbekov A. Turk adabiyoti tarixi xrestomatiyasi. –T.: ToshDU, 1983.
5. Алкаева Л., Бабаев А. Турецкая литература. — Москва, 1967.
6. Боролина И. В. Хрестоматия по турецкому фолкьлору. – Москва: Москва государственный университет, 1987.
7. Гарбузова В. С. Поэми средневековой Турции. — Ленинград, 1963.
8. Ahmat Qabakli. Turk adabiyoti. — Istanbul, 1997. II jild.
9. Buyuk turk klassiklari. — Istanbul, 1986.
10. Said Qorali o‘g‘li. Turk adabiyoti tarixi. I jild. — Istanbul, 1980.

АЁЛ СЎЗИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ МАҚОЛЛАР

KADIN SÖZCÜĞÜ İLE İLGİLİ ESKİ TÜRK ATASÖZLERİ

И.М.Мирзаалиев,
Тошкент давлат шарқшунослик институти
Мумтоз филология кафедраси мустақил тадқиқотчиси,
iqbolmirzo@mail.ru

Ar. Göv. İ. MİRZAALİYEV,
Taşkent Devlet Şarkşınaslık Enstitüsü.

Özet. Makalede Kaşgarlı Mahmud'un "Dîvânü Lugati't-Türk" adlı eserindeki kadınlarla ilgili atasözlerinden bahsedilmiştir. Eski Türk atasözlerindeki kadınla ilgili kavramlar tahlil edilmiştir.
Anahtar kelimeler. Kaşgarlı Mahmud, "Dîvânü Lugati't-Türk", kadın, atasözü.

Summary. In the article, proverbs about women in Kaşgarlı Mahmud's "Dîvânü Lugati't-Türk" are mentioned. Concepts about women in old Turkish proverbs have been analyzed.
Keywords. Kaşgarlı Mahmud, "Dîvânü Lugati't-Türk", woman, proverb.

Аннотация: Маҳмуд Кошғарий "Девону луғати-т-турк" асарида келтирилган мақоллар орасида аёллар номи айтиб ўтилганлари ҳам мавжуд. Уларда аёллар номи келтирилиши бежизга эмас: маълум бир мазмунни англатиш учун қўлланилган. Шу билан бирга, мақолларда аёлларга хос бўлган характер ҳам ўз аксини топган.
Таянч сўзлар: Маҳмуд Кошғарий, "Девону луғати-т-турк", мақоллар, халқ оғзаки ижоди, аёллар билан боғлиқ мақоллар.

Кириш

Халқ оғзаки ижоди намунасининг қадимги ва ўзига хос такрорланмас жанрларидан бири бўлган мақоллар қадим замонлардан бери инсонларни ўзининг жозибадорлиги билан жалб этиб келади. Мақолларни халқ донолиги деб ҳам атайдилар. Бугунги кунга қадар мақоллар тўғрисида кўплаб мутахассислар ўзларининг фикрларини айтиб ўтганлар. Қуйида улардан бирнечтасини кўриб чиқамиз.

«Мақоллар халқ оғзаки ижодининг қадимий оммавий жанрларидан биридир. Уларда халқимизнинг дунёқараши, жамиятга бўлган муносабати ва ахлоқий нормаси ўз ифодасини топган... Мақол – мантиқий мушоҳада намунаси, одоб ва ахлоқ қоидаларини ўзида жамулжам этган доно гап... У кишиларни огоҳлантиради («Бировга кулма зинҳор, сенга ҳам кулгувчилар бор»), маслаҳат беради («Йўл билмасанг йўл сўрагин юргандан, гап билмасанг гап сўрагин билгандан»), танбеҳ бериб, танқид қилади («Чолни кўриб бувам дема»), меҳнатни улуғлайди («Ишлаганнинг оғзи ошга тегар, ишламаганнинг боши тошга тегар»), ҳажвий кулги остига олиб, фош этади («Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулар») ва бошқалар... Мақолларда чуқур мазмун, меҳнаткаш омманинг донолиги, миллий анъана, узоқ асрлик ҳаёт тажрибалари, табиат ва жамият ҳодисалари ҳақидаги фикри, баҳоси, меҳнат якунлари мужассамлашган. Шунинг учун ҳам мақоллар узоқ умрли бўлади. Мақолларда ҳар бир тарихий давр, ижтимоий сиёсий воқеалар маълум даражада ўз изини қолдиради»[11].

Мақол ҳажми ихчам, кичик бўлиб, пухта ишланган, кенг маънони ифодаловчи образли нутқ намунаси ҳисобланади. Мақолда ҳар бир сўз аниқ, ўз ўрнида ишлатилган ва аҳамиятли бўлиб, ўзига хос ритм, оҳанг, композицияга эга.

[11] Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент. Ўқитувчи. 1980. 108-б.

«Мақоллар – халқ оммасининг ижтимоий тажрибасида кўп марта тасдиқланиб, синовдан ўтиб келаётган, нутқимизни безовчи халқ донолиги қомусидир[12]». Рус ёзувчиси Л.Н.Толстой мақол тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «ҳар бир мақолда мен шу мақолни яратган халқнинг сиймосини кўраман»[13].

«Тил, фалсафа ва бадиий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган халқ мақоллари фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанридир»[14]. Соддароқ қилиб изоҳлаганда, мақол халқнинг кўп асрлар мобайнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда тўплаган тажрибалари, кузатишлари асосида юзага келган ихчам, чуқур мазмунга эга бўлган оғзаки ижод жанрларидан биридир. Мақол атамаси (<арабча قَوْلٌ «qavlun») – «гапирмоқ», «айтмоқ» сўзидан олинган, айтиб юриладиган ибора, ифодалар деган маънони англатиб, асосан, мақол жанрини ҳосил қилади. Мақол ҳар бир халқнинг оғзаки ижодида учрайдиган жанрдир. Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаси халқ мақолларида ўз ифодасини топади.

Йирик ҳажмда кунимизгача ёзма шаклда етиб келган мақоллар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида учрайди. Адибнинг ушбу асари адабий қиммати юксак бўлган дурдона манбалардан биридир. Шеърий парчалар орасида бадиий жиҳатдан юксак қимматга эга бўлганлари ҳам учрайдики, олим яшаган даврда шеърият анча равнақ топганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам XI асрда мавжуд бўлган тил вазияти ва жонли тил намуналарини ўрганишда асарнинг қиймати юқори ҳисобланади. Адиб китобнинг кириш қисмида қуйидагича фикр айтади: «Мен бу китобни махсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим»[15].

«Девону луғати-т-турк» – ўз даври адабий ва умумхалқ тилининг бутун бир кўринишини акс эттирган, қонун-қоидаларини маълум қолипга туширган илмий тадқиқот асаридир.

Асосий қисм

Муаллиф буюк тилшунос вазифасини бажариш билан чекланмай, адабиётшунос ва фольклоршунос сифатида масалага ёндашиб, ҳар бир сўз қўлланган ашёвий мисолларни замонигача ва ўзигача яратилган адабий манбалардан келтиради. Агар мутахассис нигоҳи билан қаралса, Маҳмуд Кошғарий бадиий асар намуналарини шунчаки келтириб қолмаган, уларни жанр жиҳатидан келиб чиқиб тасниф ҳам қилган. Таснифдаги ҳар бир асарга жанр тавсифини берган, уларни қўлланган асарлар, бу асар мансуб қабилалар ва айрим ўринларда уларнинг муаллифларини ҳам тилга олган.

Маҳмуд Кошғарий юқоридаги тамойиллар асосида туркий халқларнинг жонли тил намуналарини мукаммал изоҳлаб берар экан, улар «Девону луғати-т-турк» асари асосида ўз тиллари қайси қабила тили асосида тараққий этиб камолга етганини аниқлай оладилар[16].

«Қадимги халқ мақоллари, халқ достонлари ва қўшиқларидан олинган парчалар, иборалар, кўплаб мисоллар, шунингдек, шева материаллари асар учун манба бўлиб хизмат қилган»[17].

Асар саҳифаларидан туркий халқлар тарихига оид қадимий афсона ва ривоятлар, 400 га яқин мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, 250 га яқин шеърий парчалар ўрин олган.

---

[12] Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент. Фан. 1978. 51- б.
[13] Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Мадраҳимова. Тошкент. Фан. 1981. 336-337-б.
[14] O'zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov. Toshkent, Sharq. 2005. 3- b.
[15] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи: Қ.П.Содиқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017. – Б. 15.
[16] Усмон Турон. Туркий халқлар мафкураси. – Тошкент: Чўлпон, 1995. – Б. 78.
[17] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. – Б. 4.

Шеърий парчаларнинг кўп қисми туркий халқлар оғзаки ижодига хос тўртликлардан иборат.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари соф бадиий асар эмас, балки том маъноси билан илмий-қомусий асардир. Шунга қарамай, унда мақолларнинг махсус таъкидланиши мазкур адабий этикетнинг амал қилинганидан далолатдир. Халқ донишмандлигининг маҳсули – мақолларда турмуш ҳодисалари билан боғлиқ ватанпарварлик, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, илм-ҳунар, вафодорлик каби идеал ахлоқ намуналари маъқулланиб, нодонлик, қўрқоқлик, эгрилик, ёмонлик, умидсизлик, ёлғон гапириш, ялқовлик, очкўзлик каби ярамас иллатлар қораланади. Бу эса «Девону луғати-т-турк»дан ўрин олган мақолларнинг ғоявий-тематик ранг-баранглигини кўрсатади.

“Девону луғати-т-турк”да келтирилган мақоллар орасида аёллар номи зикр этилганлари ҳам учрайди. Уларнинг баъзилари турли характерга эга аёллар номини изоҳлаш учун қўлланилган бўлса, бошқалари бирор бир воқеа-ҳодисани изоҳлаш учун ишлатилган. Масалан, қуйидаги мақолда баъзи аёлларнинг хислатларини ифода этадиган сўз ([اَرْسَكْ ***ersäk*** (**эрсак**) – эрсак, эрсираган]) изоҳи келтирилган. Унга қуйидагича мақол берилган: “***Ersäk erkä tegmäs, ewäk ewkä tegmäs.*** Маъноси: “Эркакка рағбатли, эр учун шошилган хотин эрга ёлчимайди, шошма-шошар киши уйига етолмайди”[18] (ДЛТ,54). Гуруч курмаксиз бўлмагани каби мақолдаги ***ersäk*** типидаги аёллар ҳам учраб туради. Мақолнинг мазмунини ёритишда ана шундай характерга эга аёллар образидан фойдаланилган.

Мазкур мақол тузилишига кўра икки мустақил гаплан ташкил топган. Мақолда айнан шу икки гап мазмуни ўзаро солиштирилмоқда: эрга рағбатли аёл эрга ёлчимагани каби шошма-шошарлик билан уйига етаман деган киши уйига етолмайди, дейилмоқда. Мақолдан мақсад аёлларни камситиш, уларни уялтириш эмас. Асосий мақсад мақолдан келиб чиқадиган ҳикматли фикр, халқ донолигини яхшироқ ёритиш, ибрат бўлишини таъминлашдир.

“Девон”да келтирилган бошқа бир мақолда аёлларнинг ақл-фаросати тўғрисида гапирилади. Масалан: “***Qïlïnu bilsä, qïzïl keðär, yaranu bilsä, yašïl keðär*** – “Хотинлар эри билан суҳбат истаганда қизил ипаклик кияди, ялиниш ва хушомадгўйлик чоғида яшил кийим кияди”[19]. Мақолдан англашиладиган маъно аёлларнинг зукколиги, донолиги саналади. Бу билан аёллар ўз турмуш ўртоғига қайси дамда қандай кўринишда чиқиш кераклиги уқтирилмоқда. Мақолдан мақсад, аёлларга бундай вазиятларда қандай йўл тутишни уқтиришдан иборат. Ушбу мақол девоннинг бошқа бир ўрнида бошқачароқ талқинда келган: “***Qïlnu bilsä, qïzïl keðär, yaranu bilsä, yašïl keðär*** – “Хотин шўх ва ишвали бўлгиси келса, қизил ипаклик кияди, нозли бўлгиси келса, кўк ипаклик кияди”[20]. Англашиладики, бир мақолнинг икки ўринда ишлатилиши мақолларнинг сон жиҳатидан камлиги деб тушунмаслик керак. Мақолни беришдан мақсад – аёлларнинг донолиги, ҳар бир вазиятда, ўринда қандай муомалада бўлиш кераклигини кўрсатишдан иборатдир.

Маҳмуд Кошғарий туркий халқлар яшайдиган ўлкаларни кезиб, кўплаб тил ҳодисаларига, вазиятларга мос бўлган мақолларни тўплаган. Уларни ўз ўрнида қўллай билган. Мақолларнинг бу ҳолда учраши изоҳланаётган сўзга ҳам боғлиқ.

Қадимги туркий мақолларда ўз даври доноликлари, воқеа-ҳодисаларга муносабатини кузатишимиз мумкин. Масалан, юкли ҳолатидаги аёлнинг характери, унинг бу ҳолатидаги хусусиятини яққол англатиш учун қуйидагича мисол келтирилган: “***Emiglig urağut küsägči bolur.*** Маъноси: “Эмизикли хотин иштаҳали бўлади”. Шунинг учун унга истагани берилади[21]. Мақолдан англашилган фикр ҳозирда тиббиётда туғруқ ҳолатидаги аёллар

[18] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. – Б. 54.
[19] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. – Б. 158.
[20] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. – Б. 329-330
[21] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. – Б. 75.

учун керакли бўлган асосий тавсиялардан биридир. Буни замонавий тиббиёт ҳам исботлаб турибди.

Яна бир мақолда хонзода аёллар келтирилган. **“*Xan ïšï bulsa, qatun ïšï qalïr.*** Маъноси: “Хоннинг иши чиқса, хотуннинг иши қолдирилади”[22]. Мақолдан англашилган мазмун шундан иборатки, амалдорнинг бирор иши чиқиб қолса, аёлларнинг буюрган бирор юмушлари кутиб туради. Чунки уй юмушлари кутиб туриши мумкин, лекин бошқа ишлар кутиб турмайди.

Яна бир мақолда аёллар билан боғлиқ воқеа-ҳодиса ўзаро солиштирилади. Шу аснода мақолнинг мазмун-моҳияти яққол очилади:

“***Tünlä bulït örtänsä,***
Ewlüg urï keldürmiščä bolur,
Taŋda bulït örtänsä,
Ewkä yağï kirmiščä bolur.

Маъноси: “Кечқурун булут қизарса, хотин ўғил туққандек, эрталаб булут қизарса, ёв уйга киргандек бўлади”. Кейингисини яхшиликка йўймайдилар”[23]. Мақолда кечқурун булутнинг қизариши туққан хотин кабидир, эрталаб булутнинг қизариши ёв уйга киргандек бўлади, дейилмоқда.

Хулоса

Умуман олганда, қадимги туркий мақолларда аёллар номининг зикр этилиши мақол мазмунидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган. Бу ҳол ўша вақтда жамиятда аёлларнинг ўзига яраша мавқеи ва ўрни бўлганидан далолат беради. Аёллар билан боғлиқ мақолларда матн тузилиши бирор ҳодисанинг бошқасига ўхшатилиши бўлса, иккинчиси аёлларнинг турли вазиятлардаги ҳолати келтирилган.

Адабиётлар рўйхати

1. O‘zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov. Toshkent, Sharq. 2005.

2. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи: Қ.П.Содиқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017.

3. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент. Фан. 1978.

4. Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Мадраҳимова. Тошкент. Фан. 1981.

5. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент. Ўқитувчи. 1980.

6. Усмон Турон. Туркий халқлар мафкураси. – Тошкент: Чўлпон, 1995.

[22] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. – Б. 164
[23] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. – Б. 108.

ЎЗБЕК ВА ЖАҲОН БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

ÖZBEK VE DÜNYA ÇOCUK EDEBİYATI

З.И. Нўъмонова
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш факультети 4-курс талабаси

Öğr. Z.Nomanova,
Ali Şir Nevai adındaki Taşkent Devlet Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi

Özet. Makalede Özbek çocuk edebiyatının özellikleri dünya çocuk edebiyatı eserleri ile karşılaştırılarak tahlil edilmiştir. Çocuklar için yazılan birçok Özbekçe eser dünya edebiyatının önemli eserleri listesine dahil olabilecek nitelikte olduğu ile ilgili görüşler kaleme alınmıştır.
Anahtar kelimeler: Özbek edebiyatı, çocuk edebiyatı, dünya çocuk edebiyatı.

Summary. In the article, the features of Uzbek children's literature are analyzed by comparing them with the works of world children's literature. Opinions have been written about the fact that many Uzbek works written for children may be included in the list of important works of the world literature.
Keywords: Uzbek literature, children's literature, world children's literature

Аннотация. Болалар адабиёти ҳар бир миллат адабиётининг ажралмас бир бўлагидир. шунинг учун ҳам болалар адабиётини ривожлантириш ҳар бир даврнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Жаҳон ва ўзбек болалар адабиётини қиёсан таҳлил қилиб ўрганиш болалар адабиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти намуналари хусусида илмий-таҳлилий фикрлар юритилади.
Таянч сўзлар: болаллар адаибиётиб наср, назм, болалар ёзувчи ва шоирларию

Адабиёт инсон руҳиятни улғайтирувчиб уни зиё сари етакловчи улкан кучдир. Бу ўринда инсоннинг камол топишида муҳим аҳамият касб этувчи болалар адабиётини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. “Болалар адабиёти” деганда болаларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган, табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар хусусида ёш китобхон даражасида маълумот берадиган шўх ва ўйноқи, тарбиявий аҳамият касб этадиган асарларни тушуниш қон-қонимизга сингиб кетган.[24] Шу сабабли шоир-у ёзувчиларимиз ҳайвонот ва набодотнинг кўринишлари-ю, табиат ва жамиятдаги ўзгаришларни болаларга тушунарли тилда, уларнинг дунёсига мос келадиган равишда акс эттиришга ҳаракат қиладилар. Болалар ушбу шеър ва насрий асарлар орқали ҳаётни англабб уни ўз рангларида чиза бошлайдилар. Болалар адабиётининг бош вазифаси болаларни она Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, келажакка интилувчанлик руҳида тарбиялашдан иборатдир. Бола қалбига йўл топиш, унинг беғубор оламига кириб бориш осон эмас. Бу ёзувчи ва шоирдан катта маҳорат талаб қилади. Шу сабали ҳам ҳамма ёзувчи ва шоирлар ҳам болалар адабиётида ижод қила олмайдилар.

Болалар адабиёти тарихига назар ташласак, унинг махсус адабиёт сифатида тасниф қилиниши XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланганлигини билишимиз мумкин бўлади. Унгача деярли барча халқлар адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам болалар адабиёти тарбиявий-дидактик руҳдаги адабиёт сифатида қараб келинган. Ўзбек

[24] Ўзбек болалар адабиёти антологияси 1-жилд Орипов А. Алимов Б. ва бошқалар Тошкент 2005 7-б

адабиётида дастлаб Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, кейинчалик Султон Жўра, Зафар Диёр, Шукур Саъдулла, Қуддус Муҳаммадий болаларга бағишлаб асарлар ёза бошлашган.

Юртимизда мустақиллик йилларида барча соҳалар сингари ўзбек болалар адабиётига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Болалар учун бир-биридан гўзал, беғубор асарлар яратила бошланди. Анвар Обиджоннинг нимкулги йўғрилган ўйноқи шеърлари-ю Худойберди Тўхтабоевнинг саргузаштларга бой, сеҳрли ҳикоя ва романлари фикримиз далилидир.

Рақамларнинг ёрдамида тўртта амал,
Дафтарингда ёзилгандай карра бўлар.
Тегирмонда дон-дунларни тортиб кўрсанг,
Майдаланиб ун бўлар, зарра бўлар.
Ким ўзарга пойга қўйсак манзил сўнгги,
Чавандозни аниқловчи марра бўлар.

Турсунбой Адашбоевнинг “Бешта арра” деб номланган юқоридаги шеъри болаларнинг фикрлашини, дунёқарашини ўстиради. Ҳамда уларни зукколик ва топқирликка ўргатади. Ундаги шўх оҳанг, самимият болага тезроқ ва яхшироқ таъсир қилишга ёрдам беради.

Хўш, жаҳон болалар адабиётида ҳам бизнинг адабиётимиздаги хусусиятлар кузатиладими? Албатта, болалар адабиётида ёзилган ҳар бир асарда халққа хос бўлган орзу-интилишлар, ўй-хаёллар акс этади. Уларда ҳам болаларча самимият, соддалик уфуриб туради. Асрлар оша тиллардан тилларга эртакдек ўтиб келаётган Шарл Перронинг “Қизил қалпоқча”, Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саргузаштлари”, Антуан Десент Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” асарлари дунёдаги барча болаларнинг қалбига йўл топиб борган десак, асло адашмаймиз. Ҳанс Кристиан Андерсеннинг “Булбул”, Жанни Родарининг “Чипполинонинг саргузаштлари”, Жюль Верннинг “Капитан Грант болалари” сингари олам кезиб юрган асарлар ўзбек китобхон болаларида катта таассурот қолдирган. Бу асарларнинг деярли барчасида бизнинг ўзбек асарлари сингари она Ватанга садоқат, ношукур бўлмаслик, меҳнатсеварлик, меҳр-муҳаббат, табиатни асраб-авайлаш каби олийжаноб ғоялар ётади. Масалан Родарининг “Ҳунарнинг ҳиди қанақа?” шеърини олайлик.

Ҳар ҳунарнинг ўзича
Бордир ҳиди-белгиси.
Новвойхонадан келар
Хамиртурушнинг иси.

Устахона ёнидан
Ўтиб қолсанг-чи агар,
Янги тахта, пайраҳа
Ҳиди димоққа тегар.

Ушбу шеър болаларга хос самимият, ўйноқилик, соддалик билан ёзилган. Ўқувчини бир ўқишда ўзига жалб қила олади. Дастлаб китобхон: “Ия, ҳунарнинг ҳам ҳиди бўларканми?” – дейиши табиий. Лекин шеърни ўқигач Родарига ишонади, қойил қолади, хулоса чиқаради.

Энди эса ўзбек болалар шоири Оллоберган Пўлатовнинг “Чевар бўламан” номли шеърини кўрайлик:

Қўғирчоғимга
Тикдим кўйлак, шим.
Бирам чиройли,
Ихчам, бежирим.
Ойимлар мендан
Хурсанд эдилар.

Бағрига босиб
Шундай дедилар:
Жажжи қўлларинг
Толмасин қизим
Ойим, оппоғим,
Зуҳро юлдузим.

Юқоридаги иккала шеърда ҳам ҳунарга муҳаббат ғояси илгари сурилган. Родари ҳам, Оллоберган Пўлатов ҳам болаларга хос самимият билан бу ғояни ифода этган. Бироқ фарқли жиҳати шундаки, Пўлатовнинг шеърида ўзбекона урф-одат, ширинсуханлик, миллий оҳанг яққол сезилиб турибди. У ўз мисраларида болада ҳунарга меҳр-муҳаббат уйғотиш билан бирга миллий қадриятларни ҳам уқтириб бормоқда.

Буюк франсуз ёзувчиси Шарл Перронинг болаларга бағишланган асарларидаҳам халқ удумларини илгари суриш ғояси муҳим аҳамитя касб этади. У бадиий эртаклар ёзишдан олдин халқ оғзаки ижодини меҳр ва иштиёқ билан ўрганган. Масалан, унинг “Золушка” асарини олиб кўрайлик. Уни ўгай она-я қизлар хуш кўрмайди холос. Қолган барча жонзотлар Золушкани жуда севади. Унинг ўз бахтини топишини жуда-жуда исташади. Сабаби Золушка ақлли, фаросатли, меҳнатсевар қиз. Энди эса ўзбек болалар адибаси Яйра Саъдуллаеванинг “Лобар” номли ҳикоясига эътибор қаратсак. Ҳикоя Лобар исмли кичкина, одобли, меҳнатсевар, пианино чалишни ёқтирадиган қиз ҳақида. Ҳикояда миллий урф-одат ва қадриятларимиз яққол сезилиб туради. Масалан, меҳмондўстликни, катталарга ҳурматни ўргатади. Ёки ўзбек болалар насирининг буюук намоёндаси Худойберди Тўтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асаридаги Ҳошимжон ва инглиз ёзувчиси Марк Твеннинг “Том Соернинг бошидан кечирганлари” асаридаги Том Соерни қиёслаб кўрсак. Ҳошимжон ҳам, Том ҳам жуда шўх, саргуштларга ўч, ерга урса, кўкка сапчийдиган болалар. Иккала асарда ҳам турли хилдаги ғаройиб саргуштлар ёзувчилар томонидан маҳорат билан тасвирланган. Мисол учун Том ўзининг шўхлиги билан холаси Поллини ортидан югуртириб юради. Ҳаттоки баъзида унинг ўйлаб топган “хийла”лар холасини ҳам қойил қолдириб, ақлини шошириб қўяди. Ёки Ҳошимжоннинг Сора фолбинга нисбатан қўллаган “найранги” барчани ҳайратга солиши, табиий. Бироқ Ҳошимжон билан Том ўртасида бир қанча фарқлар ҳам мавжуд бўлиб, бу тафовутлар халқнинг анъаналари, миллий ментолитети билан боғлиқдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, болалар адабиёти умумадабиётнинг ажралмас қисми сифатида замон ва макондан айрича яшамайди ва у ҳар бир давлатнинг келажагини яратувчиси бўлган ёш авлод маънавиятини шакллантиришга масъулдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек болалар адабиёти антологияси наср Орипов А. Алимов Б. ва бошқалар Т.: Тошкент, 2006
2. Ўзбек болалар адабиёти антологияси шеърият Орипов А. Алимов Б. ва бошқалар Т.: Тошкент, 2006
3. Том Соернинг бошидан кечирганлари Марк Твен Т.: Янги аср авлоди, 2014
4. Адабиёт умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик Аҳмедов С. Қосимов Б. ва бошқалар Т.: Тошкент, 2011

БАДИИЙ ФИЛЬМ МАЖОЗИЙ ТУЗИЛИШИДА ҲАРАКАТДАГИ КАМЕРА, КАДР ИЧИ МОНТАЖНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

FİLMİN MECAZİ YAPISINDA HAREKETLİ KAMERA, İÇ MONTAJIN ROLÜ VE ÖNEMİ

Отажон Достонов,
ЎзДСМИ, “Овоз режиссёрлиги ва
операторлик маҳорати” кафедраси
ўқитувчиси, кинооператор (Ўзбекистон)

Okt. Atacan Dastanov,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü.

Özet. Makalede, hareketli kamera ve film operatörünün iç montaj yöntemi hakkında bilgi verilecek ve filmler analiz edilecektir.
Anahtar kelimeler: kameraman, kurgu, çerçeve, öykü, kare kompozisyonları, kamera, bölüm.

Аннотация. В данной статье дается информация о движущейся камере оператора фильма, способе монтажа персонала, анализируются фильмы.
Ключевые слова: кинооператор, монтаж, кадр, сюжет, кинокадр композицияси, кинокамера, эпизод.

Abstract. In this article, the information about the camera in motion, the internal assembly method of the film operator will be given, and the films will be analyzed.
Key words: cameraman, editing, frame, story, frame compositions, camera, episode.

Ижод турларининг ҳар бир соҳаси мафкуравий ва бадиий вазифаларга қараб ўзига хос хусусиятларга эга. Санъатнинг бундай турлари борлиқни ифода этишда қўлланиладиган технологиясига кўра ажралиб туради.

Кинематография бадиий тасвирлар орқали томошабин кўз ўнгида оптик-фоник ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бир қарашда экрандаги ҳар хил ранглар ёруғлигидан бошқа ҳеч нарса йўқдек кўринади. Аммо бу ёруғлик турли хилдаги воқеалар ва овоз комбинацияси бўлиб, экранда бадиий тасвирларини ҳосил қилади. Бадиий фильмнинг профессионал даражада яратилишида, мажозий тузилиши ҳакаракатдаги камера, кадр ичи монтажнинг роли ва аҳамияти беқиёсдир.

Ҳар бир эпизод мезансценаси мақсад вазифасидан келиб чиқиб яратилади. Шу билан бирга тасвирга олиш йўналиши, кадрларда жонли жонсиз предметларни мос харакати, кадр темп ва ритми, планларнинг кетма-кетлиги, харакатдаги кадр композицияси, ранг ва экспонометрик назорат қилиш каби техник ва ижодий мураккабликлар ҳисобга олинишини талаб қилади. Эътиборли жиҳати фильмнинг кадр узилмасдан ҳаракати ва кадр ичи монтаж усули сценарий ёзилишидаёқ эътиборга олиниши керак. Акс ҳолда тасвирга олиш пайтида катта муаммоларга учраш мумкин. Эпизодни суратга олиш учун тайёргарлик кўраётиб, биз фильм монтажи хақида ўйлаймиз. Монтаж ҳар доим режиссёрлик сценарийси, актёрлар билан тайёргарлик, тасвирга олиш каби жараёнларидаёқ режалаштирилиши керак.

“Ёшлар ижодий студияси”да сценарий муаллифлари Д.Булгаков, Х.Файзиев, режисссёр П.Файзиев, оператор Ҳ.Ҳасанов, рассомлар Ю.Гусейнов П.Лютчевалар ҳамкорлигида суратга олинган “Марғиёна” тарихий фильми фикримизга далил бўлади. Фильмда инсон қалбининг мураккаб олами, ҳиссиётлар тўқнашуви, эзгуликнинг ҳар қандай разолатдан устун келиши ҳақида сўз боради. Гўзал орзулар оғушидаги Марғиёна,

унинг васлига етиш учун ҳар қандай босқинчиликдан қайтмайдиган Хон муносабатларида фильм фабуласи ривожланади.

Воқеалар узоқ тарихда бўлиб ўтиши операторга ўша давр муҳитини яратишдек маъсулиятли вазифани қўяди. Декорация, кийимлар, ҳар хил реквизитлардан ташқари жонли предметлардан кадр композициясини ҳосил қилишда оқилона фойдалана олиш керак бўлди. Айниқса, Ҳ.Ҳасанов Хоннинг номидан Марғиёнага совчиликка келаётган вазирни шаҳар ичкарисига киритишади. Бу усталар шаҳри бўлиб, вазир воқеалар давомида уларнинг ишлари сақланадиган хонага кириб боради.

Бу эпизод фильмнинг ўн тўққизинчи дақиқасида умумий план билан бошланади. Оққўнгил, меҳнаткаш, ўзаро муносабатларни бойлик, мансабга эмас, балки самимиятга қурадиган устабоши ва вазир орасидаги суҳбат акс этади. Умумий планда устабоши ва шогирди кадрдан икки ёнга чиқиши билан камера олдинга ҳаракатланади. Орқа фонда икки нафар соқчи билан вазир кириб келиб тўхтайди. Ўрта планда хонада юрган Марғиёна кўринади. Кейинги планларда вазир устахонадаги ишларни кузатиб ҳайратланади. Вазирнинг устабоши ва Марғиёна билан суҳбати, таклиф тариқасида хон бериб юборган дуру-жавоҳирларни кўрсатиши, Марғиёнанинг хонга қўядиган талабини айтиши каби воқеалар эпизодни давом эттиради. Ушбу кадрларда қурилган оператор мезансценаси, ҳар бир пландаги асосий қаҳрамондан ташқари қўшимча жонли предметларни ҳам ҳаракатига қурилиши диққатга сазовордир. Айниқса, асосий мақсадни ифодалашда кўрсатилаётган предмет ва унинг атрофи иссиқ ёруғлик билан ёритилиши, орқа фонда эса совуқ рангдаги чироқлардан фойдаланиш умумий қарама-қаршиликни тўлдиради. Қаҳрамонларнинг ички кечинмалари акс этган йирик планлар узун масофали объективда суратга олиниши томошабин диққатини янада оширади.

“Ўзбекфильм” киностудиясида “Иссиқ нон” бадиий фильми тасвирга олинди. Сценарий муаллифи ва режиссёр Умид Ҳамдамов, оператор Жаҳонгир Ибрагимов, рассом Алишер Умирзоқов. Мазкур фильмда 13-14 ёшлардаги фильм бош қаҳрамони Зулфиянинг кечинмалари акс этади.

Ушбу картинада операторлик ёндошуви алоҳида диққатга молик. Тасвирий ечимнинг нодатийлиги, ранг, ёруғликдан фойдаланиш, кадр ичи монтаж, композицион яхлитлик билан уйғунлашиб поетик ифодавийликни хосил қилган. Бу жиҳат қаҳрамонлар кечинмалари, қонтрастлар динамикасидаги харакатнинг узлуксизлигини таъминлаб, ечимига қадар боришда кадр узилмасдан барча планлар намоён бўлишида кўринади. Жумладан, ўн еттинчи дақиқа бешинчи сонияда мактаб ичидан ўнга харакатланаётган ўрта план ташқарида камерага мутоносиб юриб келаётган Зулфияни кўрсатади. Дераза олдидаги гул биринчи план, мактаб ташқарисида гаплашиб турган уч тўрт ўқувчилар орқа фонга жойлаштирилган. Қиз мактабга кирганидан сўнг камера унинг орқа томонига ўтиб, ўнгга панорама зина олдида турган уч тўрт ўғил болани кўрсатади. Бироз турган ўрта план улар орасидан ажралиб, қизнинг олдига келаётган бола билан чапга панорама бўлади. Қиз ва йигит суҳбати билан орқа томонидан ҳаракатланаётган ўрта план, силует хосил қилади. Диалог якунлангач, қиз ташқарига онаси билан телефонда гаплашиш учун чиқади. Қизнинг йирик плани билан тамомланадиган эпизод давомида уч дақиқадан ортиқ вақт тасвир узилмайди. Шу билан бирга дастлаб ёруғликнинг эпизод бошида ташқарига созлангани ҳолда ичкари ва ташқари ёруғлиги профессионал қўлланилгани, кадрлар характерлилигини янада оширади. Умумий эпизод давомида ўқувчилардан биринчи план, ўнг ва чап томондан харакатланиши, кадрда қўшимча кўринишлар яратилган ҳолда жойлаштирилиши тасвирий ечимда бадиий яхлитлик касб этиб, умумий композицияни тўлдиради.

Кадр ичи монтаж усули орқали тасвирга олишда рассом ва оператор тандеми жуда муҳимдир. Бу холат фильмда хам ўз аксини топганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, кадр композициясини бир-бирини такрорламайдиган миллий колорит деталлари билан тўлдирилишида ўз аксини топади. Масалан, қирқ тўртинчи дақиқа йигирма иккинчи сонияда умумий планда велосипедетаклаб олган келин ва унинг ортидан келаётган қизча

билан бошланувчи эпизод мисол бўлаолади. Ўнгга панорама билан ҳовли ичкарисидан қўйилган умумий планда келин ва қизча юриб,камерага қарама-қарши келишади. Ҳаракатланаётган кадр ичи монтаж натижасида келиннинг ўрта ва умумий плани акс этади. Умумий пландан келин чиқиб кетиб, ўрнига қизча кириб келади ва нарвондан тепага кўтарилади. Қуёшга қарама-қарши план қизчанинг ортидан боради. Қизча уй дерасидан ичкарига қараб, телефонда гаплашиб турган бувисини кўради. Биринчи пландаги қизча кадрдан чиқиб, камера ўрта планда бувига яқинлашади. Чапга қилинган кейинги панорамада дераза ортидан ҳашак йиғаётган келин ва умумий планга қизчани кириб келиши кўринади. Юқоридаги барча планларда қишлоқ муҳити, ҳовли, маиший детал ва предметлар композиция мукаммаллигини таъминлайди. Оператор мазкур эпизодда ҳам кран ва қўшимча тасвирга олиш техникаларидан оқилона фойдаланиб, узмасдан тасвир яратади. Фильмда қуёш ёруғлигини иссиқ келвиндаги вақтларида тасвирга олинганлиги қаҳрамонлар характерини профессионал очишга хизмат қилган.

Мазкур ҳолат юқори технологияни самарали қўллаш билан бирга тафаккур доирасидаги юксак салоҳият ҳам нечоғли муҳим аҳамият касб этишини ифода этади. Бу эса ўз навбатида миллий кинооператорлик мактабида ўзликни англаш, мавжуд қадриятларни чуқур ҳис қилган ҳолда бадиий анъаналарга ворисийлик асосида ёндошувга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бадиий фильмнинг мажозий тузилишида ҳаракатдаги камера, кадр ичи монтажнинг роли ва аҳамияти шаклланишда давом этиб, миллий кинооператорлик мактабида яшовчан тамойиллар қаторида ўз аҳамиятини ошириб боради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акбаров Ҳ. Кино санъати тарихи. –Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2007.

2. Файзиев Ҳ. Овозсиз кинематографиядаги операторлик санъати тарихидан. –Тошкент: ЎзДСИ, 2009.

3. Исмаилов А. Мастерство кино-телеоператора. –Ташкент, 2004.

4. Меликўзиев И. Кино-телеоператорлик маҳорати. –Тошкент, 2018.

5. Гальперин А. Из истории кинооператорского искусства. –Москва: Госкино СССР, 1983.3-С.

6. Ж.Садуль. Всеобщая история кино. Том 1 -Москва: Искусство, 1958. 6-С.

7. Пудовкин В. Избранные статьи. –Москва, 1955.

8. Головня А.Свет в искусстве оператора. –Москва: Госкиноиздат, 1945.

9. Головня А.Мастерство кинооператора. –Москва: Госкиноиздат, 1965.

10. Фремаух З. Лумиере! Ла вентуре ду синима сомменсе. –Франция, 2006.

11. Ролланд Ж. Petite-histoire-cameras-lg. –Франция, 2009.

НУТҚИЙ ИФОДА МАҲОРАТИ МАСАЛАЛАРИ

VAİZLİK SANATI MESELELERİ

И.Джуманов.
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Саҳна нутқи кафедраси мудири, доцент
А.Шомуродов
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг
Саҳна нутқи кафедраси ўқитувчиси.

Doç.İ.CUMANOV,

Okt. A.ŞAMURADOV

Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü.

Özet. Makalede vaizlik sanatı ile ilgili görüşler kaleme alınmıştır. Sahnede konuşma kültürü ve sanatının önemli hususlarından bahsedilmiştir.
Anahtar kelimeler. felsefe, vaizlik, vaaz, sanat, konuşma kültürü, sahne konuşması.

Аннотация. В настояшей статье анализируется, об основе речевого мастерств а теоретическо-творческом аспекте.
Ключевые слова: философия, искусство, речевая культура, сценическая речь.

Abstract. This article discusses scientifically-creative collaborative tasks of word art.
Keywords. philosophy, preaching, sermon, art, speech culture, stage speech.

Миллий ғоя, миллий фалсафа, умуминсоний ақидалар, ватан ва ватанпарварликк ҳисси, умуминсоний ғоялар сўз орқали сингдириладиган ижтимоий фикр, ижтимоиий муносабатлар қалб, ақл заковат билан ҳис этиладиган мураккаб жараён бўлиб унинг таъсирчанлигида нутқий ифода маҳорати муҳим омил ҳисобланади. Фикр, инсон қалбидаги ботиний мақсад унинг борлиққа муносабати баробарида умуминсоний фазилатларга меҳр, эътиқод руҳи, уларнинг ички дунёси, ишончи, табиати уйғонишида ҳам сўз ва унинг таъсирчан ифода имкониятлари муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги ғоят тезкор шиддат билан глобаллашаётган замонда инсонлар аро муомила мулоқот, баҳс мунозара, мулоҳазада ижтимоий ҳаёт, кундалик турмуш, оилавий муҳит, таълим тарбия, маънавият маърифат, нутқий ифода маҳорати алоҳида эътибор талаб жараёндир. Ўз ўрнида турли касбий соҳаларида ҳам сўзнинг теран маъноси, унинг замиридаги фикр, мақсад, ҳоҳиш ирода ва бунинг сўздаги юкини ҳис қила олиш нутқий малака лаёқатининг шаклланиши вақт ва қунт билан нутқ устида ишлаш муҳим восита ҳисобланади. Бунда ҳар бир инсоннинг дунёқараши, билими, тафаккури, иҳтидори борлиқни англай олиши ва фаол англата олиш қоблияти, ҳатти-ҳаракатидаги табиийлик, жўшқинлиги, муносабатдаги аниқлик, қобилияти, унинг нутқ орқали ифодадаги таъсирчанлигини вужудга келтиради.

Таниқли олим Ян Парандовский “Сўз кимёси” илмий мақоласида “Сўзнинг сеҳрли, мўъжизали ва фусункор кучи унинг тасаввурлар ва образларни юзага келтириш қобилиятида акс этади”-дейди. [1, 148-б.] Нутқ санъати замон ва макон ҳамда унинг тараққиётида ҳаракатлантирувчи куч, ифода, муомила ва мулоқот воситаси мақсади билан

даҳлдор. У инсониятнинг ибтидо ва абадият оралиғида олий аҳд, эзгу мақсад, фикрини ифодаловчи, миллатни бирлаштирувчи, уни тараққиётга, комилликка, юксакликка чорловчи, руҳлантирувчи, тарбияловчи ифода тилсимидир.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, саҳна нутқи кафедраси фаолияти "сўз", "нутқ" "ифодали ўқиш" "бадиий сўз санъати" орқали ўзларининг муомила маданияти, мулоқот, нутқий ифода маҳоратини ривожлантиришга билан яқиндан ижтимоий ҳамкорлик қилиш ва бу орқали институтнинг театр, кино, радио,телевидение, эстрада санъати актёрлиги, режиссёрлиги ҳамда бошқа таълим йўналишларда истеъдодли ёшларнинг уларнинг амалий,ижодий, ижро маҳоратини тақдим қилишни эътиборли вазифаларидан бири деб билади. Бу эса ёш авлоднинг ғоявий, маънавий-маърифий, тарбиявий уйғунликда англаш ва англатиши, эзгу амаллар мақсади билан юкинган вазифаларнинг амалий ечимини топиш ихтидорини мустаҳкамлайди. Бу бугунги кунда таълимда ҳамкорлик ва инновациянинг устивор ва долзарб вазифаларига ҳамкорликда ечим топишга кенг эътибор қаратилмоқда. Бу тадбирлар шак шубҳасиз ёш авлоднинг маънавий юксалишида ассос бўладиган Мустақиллигимизнинг улуғвор мазмуни, тенгсиз қиммати, янгиланаётган, юксалаётган Она Ўзбекистонга, меҳр мурувват, эътиқод ва ҳисси тафаккур ва туйғуларимизда чуқур ўрин олишига ишонамиз. Эзгу қадриятларимиз билан боғлиқ турли тадбирлар, театрлаштирилган маънавий-маърифий байрам дастурлари ўзининг таъсирчан ҳаётбаҳш ҳикмати, истак ва интилишларнимиз, фикр туйғуларимиз ифодаси, инсоний ибрат намунаси бўлиб бормоқда. Республикамизда Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Мустақиллик", "Конститутция байрами", Республика ўқитувчилари ва мураббийлар куни", "Зиёларинг сарчашмаси сўнмасин устоз", "Наврўз", тафаккуримиз хазиналаридан бирига айлангани "Тил дилларнинг ҳаёт чашмаси", "Она тилим - оламга юз оч", "Она тилим афсона тилим" номлари билан 30 йилдирки тилимизнинг бой ва беқиёс мазмунида, оқилона ва одилона муносабатлар, эзгу мақсадлар, тараққиётимизнинг улуғвор жараёнлари, миллий ғояларимизнинг ҳаётбахш фалсафасини ҳис этиб келмоқдамиз. Шунингдек "Муқаддас қомусинг муборак она Ўзбекистон" номи билан Конституция байрамининг кўтаринки ифтиҳор туйғулари билан ўтиши, "Навоий гулшани, Бобур бўстони диллар гавҳари", "Бу гулшанда барҳаётдир назм ва наво" номи билан ўтаётган буюк мутафаккир шоирларимиз Низомиддини Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллaдларига бағишланган "Навоийхонлик", "Бобурхонлик" назм ва наво кечалари, "Соғлом авлод замин шунқори." "Гиёҳвандлик аср иллати" "Ўз уйингни ўзинг асра замондош!" "Фавворалар завқи оромбаҳш" "Наврўзларинг мушарраф Ватан" каби теран мазмуни билан эътибор, эътирофларимизни мустаҳкамлаётган байрам тадбирларимиз сўз санъати, қўшиқ санъати, турли адабий бадиий композициялар таъсирчанлиги билан бир-бирини тўлдириб келаётгани таълимнинг ажралмас жараёни бўлиб келмоқда. Шунингдек "Саҳна нутқи" кафедрасида ташаббус билан ўтказилиб келинаётган "Обод юртнинг оташин сўзи" номи билан тобора кенг талабалар,профессор-ўқитувчиларни жамлаётган, илмий-ижодий, маънавий-маърифий, маданий тадбирлар, унинг ғоявий тарбиявий мақсадлар билан муштараклиги, ҳамда унинг сўздаги таъсирчанлилигига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бу эса ёшларимизнинг халқимиз томошабинларимизга тақдим қилинадиган профессионал ижрочилиги олдидан, институтнинг профессор-ўқитувчилари ижодий жамоаси, талабаларимизга тақдим қилинадиган, уларнинг ижро маҳоратида ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинадиган ижодий жараёнлардир.Ўз ўрнида бундай ташаббуслар Республикамизнинг барча олий ўқув юртлари ҳусусан Наманган педагогика университети талабалари нутқий ифода маҳоратига қизиққан интитулвчан ёшларда ҳам уйғонишини истар эдик. Бу маънавий-маърифий, адабий-бадиий байрам тадбирларда қуйидаги мақсадлар, вазифалар устивор қилиб белгиланади.

1. Заминимизда улғаяётган ҳар бир ёш авлод туғилиб ўсган она юртнинг тенгсиз қиммати, муқаддаслигини ич-ичидан англашига уларда ифтиҳор, ватанпарварлик садоқатни мустаҳкамлашга қаратиш.

2. «Ватан-саждагоҳ каби муқаддасдир» тушунчасини ҳар бир талаба профессор-ўқитувчилар қалбига чуқур сингдиришга, уни ақли, вужуди қалби билан ҳис қилиш учун улуғвор мақсад, олий шон, инсоний ардоқ билан мадҳ этиш.

3. Ёшларнинг маънавий дунёси, фуқаролик бурчига садоқати, она Ватани, ҳалқи, ўзи туғилиб ўсган ерига меҳр,эътиқод уйғотиш.

4. Ёшларнинг фикрлаши, диққат эътибори, қизиқувчанлиги, изланувчанлиги, тиришқоқлиги мукаммал,кучли бўлишга сафарбар қилиниши бугунги кунимизнинг бош мақсади, долзарб вазифаларидан бири эканлигини англатишга эришиш.

5. Ҳар бир инсонни ўзи яшаётган муҳит, атрофини ўраб олган борлиқ олам турли воқеалар, манзаралар, тафсилотларга ўткир нигоҳи, синчковлиги, қизиқиши, аниқ муносабати сўз орқали таъсирчан ифодавийлигини мустаҳкамлаш.

6. Бадиий адабиёт, сўз санъати зиммасидаги вазифаларини чуқурроқ англаш англатишга эришишда таълимнинг илмий-назарий, амалий уйғунликда такомиллаштириш.

7. Профессионал саҳна, кино санъати, катта тадбирлар олдидан институт ижодий жамоаси,талабалар олдида иқтидорли талабаларимизни имкониятларини мустаҳкамлаш ва намоён қилиш.

8. Ўтказилган маънавий-маърифий байрам тадбирларни талабалар билан таҳлилий муҳокама қилиш, унинг ютуқ камчиликларини аниқлаб матбуотда ёритиб бориш, ҳамда илмий назарий томонлари қайд этиш вазифаларини белгилайди.

Эътироф жоизки сўз санъатининг нуфузи, ҳаётий фаолиятимизга даҳлдорлиги, даврий долзарб муаммоларнинг оламшумул жараёнлари сабаб тобора кенгайиб бормоқда. Ватанпарварлик туйғуларининг эътиқод даражасида мустаҳкамланиб бориши, тараққиётимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлардан бири эканлиги маълум. Ўз ўрнида бу илмий-ижодий салоҳиятимизни оширувчи мезонларидан бири эканлиги, инсоний муносабатларда аслича акс этиши, ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши, гуллаб яшнашида, етакчи маънба, куч бўлиб келганлиги сўз санъати олдида масъулиятли вазифалар қамрови кенг эканлигини инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатлигини англатади. Шу ўринда Ян Парандовскийнинг “Сўз улкан тилсимот, барча динлар нутқ қобилиятини, инсонга ҳаёт билан бирга бериладиган товушлар, шакл-шамоил ва қонун қоидаларни илоҳий ином деб ҳисоблашган” -деган мулоҳазаларини эслашимиз жоиз. [2, 145-б] Шунингдек унинг “Сўз воситасида инсон замон ва маконни эгаллаб, ўзига бўйсинтиради. Сўз нарса, буюм,ашёларни ҳодисалар чалкашлигидан халос этиб, уларга шакл ва ранг беради, яқин ёки узоқлаштиради, ўлчади, чамалади. Унинг замирида воқеа, ходисалар, дақиқалар, соатлар, йиллар, ҳозирги, ўтган ва келаси замон мужассамдир” -деган сўзларини ҳам эътироф этамиз. [3,150-б] Бу фикрлар қайд этилган мулоҳазаларимиз ҳақида янада чуқурроқ фикр юритишимизга ундайди. Филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов ўзининг “Миллий тараққиёт кўзгуси” мақоласида “Тил қуёш, адабиёт нур. Адабиёт тилнинг бадиий воқеага айланишидир. Тилнинг бутун сеҳру жозибаси, латофати, хатто нуқси ҳам шу тилда яратилган бадиий асарда намоён бўлади. Ижод аҳли зиммасидаги вазифа шунинг учун ҳам беҳад оғир. ” – дейди. [4.15.]

Бу ўринда сўз санъатининг таъсирчан ифодавий тизимларида Ватанпарварлик туйғусининг эътиқод даражасида мустаҳкамланиб бориши, ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши, гуллаб яшнашида, етакчи манба, куч бўлиб келганлигини билдиради.

Юртимизда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган атоқли шоир ва адибларимиз номларидаги ижод мактаблари; Муҳаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаблари билан ҳамкорлик алоқаларини боғлашни истардик. Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони аҳон миқёсида 50 миллионга яқинлашгани она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланаётганини эътироф этади. Ўзбек тили АҚШ. Англия,Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий

Корея,Ҳиндистон, Туркия, Авғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон каби давлатларнинг университет ва мактабларида ўрганилаётгани, илмий ишлар олиб борилаётганини таъкидладилар. Президентимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги” Фармонига кўра 21 октябрь санаси “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилиниши ҳар биримизга чексиз ифтихор туйғусини беради. Президентимиз таъкидлаганларидек, Ўзбек тили байрамининг мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг нишонланиши, халқимизнинг миллий руҳи ва ғурурини юксалтириш билан бирга давлат тилини ҳаётимизда тўлақонли жорий этишга хизмат қилишига қаратилганлиги билан муҳимдир. Дунёда илм фан ва технологияларнинг шиддат билан ривожланиб мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари кенгаяётгани натижасида ҳаётимизга четдан кўплаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келаётганлиги, глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлаш долзарб вазифа эканлигини билдирдилар. Давлатимиз раҳбарининг “ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим” деган фикрларини ҳар биримиз яхши англашимиз, унга амал қилишимиз ҳамда ёш авлодга сингдиришимиз керак деб биламиз. Бу вазифаларини чуқур эътибор билан ифода этишилиши бизни эзгу мақсадлар билан юкинган янги ташаббуслар сари чорлайди.

Фойдаланилаган адабиётлар.

1.”Халқ сўзи”., 2019.22.10. 218-сон.
2.“Жаҳон адабиёти” 2017.06.148 бет.
3.“Жаҳон адабиёти” 2017.06.150 бет.
4.“Бадиий сўз маҳорати”. Тошкент “ Абу матбуот –консальт” 2015
5.Жабборов Н. Миллий тараққиёт кўзгуси. “Гулистон” журнали, 2016/1.
6.Раҳмонов Б. Беруний инсоннинг ўзлигини англаши ҳақида. “Мозийдан садо” журнали, 2016/3.

ТЕАТР САҲНАСИДА КЕЧИНМА САНЪАТИ

TİYATRO SAHNESİNDE İÇSELLİK SANATI

Маъмуржон Тўраев,
ЎзДСМИ “Драматик театр ва кино актёрлиги”
мутахассислиги магистранти.

Yüksek Lisans Öğr. Mamurcan Törayev,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü.

Özet: Makalede tiyatro sanatında en çok dikkat çeken tekniklerden biri olan içselliğin ifade imkanları kaleme alınmıştır. Eser karakterlerinin iç ve dış dünyasının sahnede mükemmel derecede ortaya konabilmesinde içselliğin rolü büyüktür.
Anahtar kelimeler: tiyatro, dramaturji, oyuncu, yapımcı, sahne, içsellik, dramatik hareket, olay örgüsü.

Аннотация. В статье исследуются особенности искусства ведущего театрального искусства и значение персонажа в раскрытии персонажей.
Ключевые слова: Театр, драматургия, актер, режиссер, постановка, спектакль, художественная идея, драматургия, репетиция, персонаж, событие, кульминация.

Annotation. The article explores the features of the art of leading theatrical art and the importance of the character in the disclosure of characters.
Keywords: theater, dramaturgy, actor, director, staging, performance, artistic idea, dramaturgy, rehearsal, character, event, climax.

Буюк театр арбоби К.С.Станиславкий айтганидек, “Санъатимизнинг асосий мақсади - роль ва пьесадаги “инсоннинг руҳий ҳаётини” яратиш ҳамда шу ҳаётни гўзал, саҳнавий шаклда бадиий гавдалантириш учун курашишдан иборатдир. Мана шу сўзларда ҳақиқий артистнинг идеали яширинib ётади” [1.Б.48]. Фақат шундай санъатгина томошабинни ўзига тўла жалб қилади, энг муҳими саҳнада содир бўлаётган ҳамма воқеаларни ўз бошидан кечиришга мажбур этади. Унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларни бойитиб, қалбида умрбод йўқолмайдиган изни қолдиради. Актёр ҳаётий кечинмалар билан тўлиб-тошганда, ролнинг ички дунёсини бадиий тўла-тўкис ифодалай олгандагина унинг ижросига ишонамиз. Саҳнада образга берилган шарт - шароитда мантиқли, изчиллик билан худди ҳаётдагидек фикр юритмоқ, хоҳламоқ, интилмоқ, хатти-ҳаракат қилмоқликни кечинма санъати талаб қилади.

Ҳақиқий санъат - маънавий мазмундорлиги билан, унинг ички моҳияти ва албатта инсон кечинмалари билан белгиланади. Зеро кечинма санъат бу – инсон қалбини англаш, руҳиятини поклаш, онгини камолот топтиришдир.

Инсон қалби онгимиз ва иродамизга бўйсуниш қобилиятига эга. Мана шу хусусият бизнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жараёнимизга беихтиёр таъсир кўрсатишга қодир. Яъни, онг натижасида, иродамиз орқали беихтиёр хатти-ҳаракатга ўтиш – кечинма санъатининг асосларидан бири. Беихтиёрий ижодни уйғотиш, илҳомнинг жўш уриши учун ижодкор ички оламида (ҳаётида) воқеликни бадиий образлар билан ҳаққоний ва таъсирли тасвирлаб бериши зарур. Бу иш жуда нозик ва мураккаб. Уни юксак истеъдодли актёргина аниқ ва ишонарли бажара олади. Бу хилда ҳар бир образга ёндашиш кечинма санъати учун хосдир.

Кечинма санъатининг асосий вазифаси – ролдаги “инсон руҳининг ҳаётини” яратиш ва бу ҳаётни саҳнада бадиий ифодалашдан иборатдир. Ҳаёт инсонлар турмуши, меҳнат фаолияти, уларнинг кураши, ҳис-туйғулари ва албатта кечинмаларидан иборат.

Санъат – инсон кечинмаларини ҳаётий воқеаликлардан келиб чиқиб бадиий акс эттиради. Бундай жараён ижодкордан юксак истеъдод ва бадиий маҳорат талаб қилади. Актёр ҳаётни ва одамларни имкони борича ҳаққоний, ишонарли акс эттириши, яратган образи одамлар қалбига кучли таъсир этиб, завқ-шавқ уйғотиши, кишиларни эзгулик, эътиқод ва гўзаллик руҳида тарбиялаши лозим.

"Санъатда энг муҳими гўзалликни кўра билиш ва тушуна билиш зарур" [2.Б.25], деб таъкидлаган эди К.С.Станиславский. Бинобарин, санъатда бадиий гўзалликка эришишнинг ўзи осон жараён эмас, яъни бачканаликдан қочиш, мантиқсиз хатти-ҳаракатларни қилмаслик, бадиий меъёрда ижро этиш ва бунга эришиш тинимсиз ижодий меҳнатни талаб қилади. Шу билан бирга актёрларга ўз касбининг назарий томонларини ҳам билиш масъулиятини юклайди.

Кечинма санъати актёрлик ижодида назарий билим ва амалий тажриба бирлигидан иборат. Унинг тарихи антик даврдан то бугунгача илдиз отиб келмоқда. Шунингдек, бу санъат ҳақида юнон файласуфи Арасту (Аристотель) ўлмас фикрлар ёзиб қолдирган.

Арасту "Поэтика" асарида театр санъатининг, трагедия, эпос, драма, комедия унсурлари ва драматург, актёрлар ҳақида тўхталар экан, ҳаётни ҳаққоний акс эттириш (поэзия) санъатини ва кечиниш санъатини биринчи ўринга қўяди.

Ҳар бир санъат ўз тарихи, келиб чиқиш мақомига эга. Саҳна санъатининг ҳамма тармоқлари сингари актёрлик санъати илк юнон театрининг пайдо бўлишига бориб тақаларкан, актёрлик ижро услуби, саҳнада уларга берилган шарт-шароитлар ҳозирги замон театри актёрларининг имкониятларига эга бўлмаган. Маълумотларга қараганда, "Томоша кун давомида намойиш этилиб, Афина театрига 17 минг одам сиғар экан" [3.Б.112-113]. Ўз-ўзидан англашиладики, бу катта (кейинчалик 40-50 минг кишилик театрлар иншоотлари ҳам барпо этилган) йиғиндаги томошабинга ижро пайтида актёрларга ролни табиий овоз ва хатти-ҳаракатларда етказиб бериш имкони бўлмаган.

Улкан аудиториядаги томошабинларга воқеа, сўз, ижро ҳолатларини, образ характерини етказиш мақсадида бир неча асрлар давомида юнон театри актёрлари юзларига ниқоб тутиб, қўл-оёқ мосламалари ёрдамида рол намойиш этганлар. Шунингдек, "Трагедияларда муттасил ривоятлардан олинган қаҳрамонларнинг ҳаёти тасвирлангани важидан, уларнинг важоҳатини мумкин қадар ёрқин, барваста, серсавлат кўрсатиш мақсадида актёрлар оёқларига ниҳоятда қалин ёғоч таглик қоқилган махсус пойафзал, бошларига қўнғир сочли алоҳида узун ниқоб кийиб чиққанлар" [4.Б.48]. Антик давр актёрлик ижроси шартлилик услубида вужудга келар экан, юқорида келтирилганидек, актёрнинг ҳашаматли кийимлари, овозни кучайтириб бериш учун махсус материалдан ясалган ниқоблари, уларнинг саҳнадаги инсоний ҳис-туйғуларини, кечинмаларини, юздаги мимика ўзгариш ҳолатларини томошабин кўз ўнгидан яшириб турар эди. Матн сўзларининг ўта баланд овозда декламация (бадиий асарни чиройли, ифодали ва таъсирли ўқиш) тарзида айтиларди. Зеро, сўзларни кўп минг кишилик томошабинга етказиб бериш зарур эди. Шундай қилиб, антик давр юнон театри актёрлик санъати фақат шартлилик ва намойиш этиш ижросини тақозо этган.

Антик театрдаги шартлилик қоидасига яна бир мисол тариқасида "Юнон драмасида актёрлар сони уч кишидан ошмаганлиги важидан, томоша давомида бир актёрга бир неча рол ўйнашга тўғри келган. Хотин-қизлар ролларини ҳам эркаклар ўйнаган. Актёр асосан шеър ўқиш, ашула айтиш лаёқатига эга бўлиши шарт эди" [5.Б.26]. Бинобарин, турли образлар тасвири солиб ишланган ниқоблар сони юнон театрида жуда кўп бўлганлиги манбаларда қайд этилади.

Ўша даврда актёрлар овози оммага етиб бориш мақсадида актёрлар ниқобларидан ташқари узоқ-узоқ ўриндиқлар оралиғига ўз даврига хос акс-садо қайтарувчи мосламалар ҳам ўрнатишганлар (бу усул бугунда ҳам баъзи театрларда сақланиб қолган).

Илк юнон театрида хор асосий ўринга эга бўлган. Бир бошловчи актёр бош рол ва бошқа қаҳрамонлар образини ижро этганлиги тарихий фактларда сақланиб қолган.

“Нақлга кўра Феспид ўз трагедияларида фақат ўзи чиққан якка актёр бўлган экан. Эсхил иккинчи актёр *(девтерагонист),* унинг ёш замондоши Софокл учинчи *(тритагонист)* актёрни киритганлар. Лекин, ҳамма вақт асосий ролларни протогонист - биринчи актёр ўйнаб келган” [6.Б.69].

Антик давр актёрлари ижросини илмий ўрганиш илк бор Аристотелнинг “Поэтика” асаридан бошланган. Масалан, аввалги актёр (Минниск) кейинги давр актёри Каллипидни ижрода ошириб юборгани учун *маймун* деб аталган эди” [7.Б.69].

“Поэтика” актёрлик санъати ўз шаклини, услубий йўналишини топиб тараққий эта бошлашига катта замин яратди.

Антик давр юнон театри актёрлик санъати Эсхил, Софокл, Еврипид каби драматургларнинг трагик қаҳрамонлари образларини ижро этиш жараёнида тараққий этар экан, бу тараққиётга рим қулдорлик тузуми салбий таъсир кўрсатди. Эр.авв. IV-асрларда Рим империясси кучайиб кетиб, Юнонистонни ўзига тобе қилгач, юнон театри ва санъати Римга кўчириб келинади.

Юнон театр санъати Рим цивилизациясига катта ижобий таъсир кўрсатди. Рим театри халқ маданий ҳаётининг зарурий қисмига айланиб борар эди. Рим театри саҳналарида, Юнон театри тажрибаларини эгаллаган, профессионал актёрлар рол ижро эта бошлади. Барибир, Рим театрларида ҳам актёрлар рол ижро этишда шартлиликдан *(ниқоблар ва қўшимча ижро кийимларидан)* чиқолмади, янгича ижро усулларини кашф эта олмади. Шунингдек, Рим театр труппасида ҳам аёллар ролини эркак актёрлар намойиш этиб келишган. Римликларда актёрларга қул сифатида камситилиб қаралган бўлса-да, (чунки Римга актёрлар Юнонистондан қул сифатида келтирилган) ўз ижроси билан шуҳрат қозонган актёрлар ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган. Трагик актёр Эзоп ва комик актёр Росций (эр.авв. 1-аср) шуларнинг энг пешқадамлари бўлган. Эзоп ўз ўйинининг улуғворлиги билан диққатга сазовор бўлганлигини эътироф этадилар. Ҳикоя қилишларича, кунларнинг бирида у подшо Атрей ролини ўйнаётганда ролга шу қадар киришиб кетадики, ёнига келиб қолган бир қулни ҳассаси билан уриб ўлдириб қўйган экан. Росций ўз ролини узоқ муддатда тайёрлар, ҳар бир имо-ишора устида муттасил ишлаган. Замондошларининг гувоҳлик беришларича, унинг ўйини жозибадор бўлган, ҳаракатлари жўшқинлиги билан эътиборни тортган. Росций санъатига атоқли рим нотиғи Цицерон ҳам юқори баҳо берган. Кўриниб турибдики, Юнон, Рим театри актёрлик ижросини ҳозирги термин билан айтганда, кўпроқ намойиш этиш саҳна санъатига киритиш мумкин.

Рим ҳукмдорлиги (қулдорлик тузуми) эр. авв. IV асрдан то Ўрта асрларга қадар Европа театр саҳнасида ҳам ўз шафқатсизлигини намоён этди. Санъат ва саҳна орқали Рим мафкурасини халққа сингдиришни биринчи бўлиб император Октавиан пайқаган. Бу даврда актёрлар янги ижро шаклини топиш учун имкон топа олмади. “Актёрлар, асосан, ҳуқуқсиз камбағал кишилардан иборат эди. Улар қайсидир мартабали шахснинг “малайи” деган ном остида жон сақлашга мажбур эдилар. Ҳатто, Шекспир фаолият қилган труппа ҳам “Лорд Камергер малайлари” номи билан юритилган” [8.Б.62].

Уйғониш даври театр саҳнасида актёрлар драматургларнинг идеал, энг юксак ғоялари заминида шартлилик, ақидапарастлик, масхарабозлик ўйинларидан воз кечди. Бу даврда саҳна улуғвор ғоялар, фалсафий мушоҳадалар, умумхалқ минбарига айланди.

Айни пайтда, Ренессанс даври театри XV-XVI асрлар бўсағасида Италияда шаклланди, сўнг Испанияда янги тараққиёт босқичига кириб, Англияда Шекспир замонасида камолот чўққисига кўтарилди. Шекспир бу даврда демократик руҳдаги инсонпарварлик ғояларини “Қирол Лир”, “Афиналик Тимон”, “Ромео ва Жульетта” каби ижтимоий, ишқий-маъжозий асарлари билан ўзи томир отган даргоҳ “Глобус” театр репертуарларини бойитди. Бу асарлари билан у ўз труппасидаги актёрларга шундай талаб қўйган эди: “Сўзга яраша ҳаракат қилинг, ҳаракатга яраша гапиринг. Лекин, булар табиийлик чегарасидан чиқмаслиги керак. Ҳар қандай ҳаддан ошмоқлик – театрнинг мақсадига ҳилофдир”, деган эди. У.Шекспир ўз шоирона эмоционал, кўтаринки руҳдаги

асарлари билан актёрлардан кечинма санъати ижросини талаб қиларкан, Юнон ва Рим театри саҳнасига хос шартлилик (намойиш)ни инкор этмаган ҳолда, актёр ижросини табиий йўналишига олиб кира олди.

Бу даврда "Глобус" театри труппасида 8 тадан 14 нафаргача актёр бўлганлиги қайд қилинади. Шу ўринда ўша давр кечинма санъатининг илк жараёнларини далиллар асосида санаб ўтайлик. Ҳар бир актёрга бир нечтадан рол ўйнашга тўғри келган. Эдуард Аллейн (1566-1626) ва Ричард Вербердж (1567-1619) Шекспир даври театрининг энг машҳур актёрлари бўлганлар. Аллейн Генсло труппасида ишлаб, К.Марлонинг "Амир Темур" асарида Амир Темур, Фауст каби ролларни кўтаринки руҳда ижро этган. Шекспир назарида унинг ижросида саҳнада важоҳат ва кўтаринкилик устун эди. Ричард Бербедж Шекспирнинг яқин дўсти бўлиб, у "Глобус" театрига бошчилик қилган ва Отелло, Ҳамлет, Ричард III, Қирол Лир, Макбет каби ролларни биринчи бўлиб ижро этган. Бу актёр ижросидаги қаҳрамонларнинг теран кечинмалари томошабинларни ҳайратга солган.

Бу даврда жаҳон актёрлик санъати "Глобус" театри актёрлари мисолида Шекспирнинг ҳис-туйғулар асосига қурилган юксак шоирона трагедиялари ҳисобига эски ижро (намойиш) қолипидан қутулиб, саҳнада образ руҳияти (кечинма) билан яшай бошлади.

17 асрнинг иккинчи ярмидан Европа театрида француз классицизми вужудга келди. Классицизм театрининг моҳияти ватанга, монархияга (авлоддан-авлодга ўтувчи тожу-тахт) содиқ фуқаролик ғоясини омма онгига сингдириш эди.

"Намунавий, ибратомуз" деган маънони англатувчи классицизм даври асарларининг қаҳрамонлари ҳам том маъноси билан ибратомуз образлар эди.

Классицизм театр санъатини ўз ичига олгач, актёрлик ижро масаласи ҳам унинг таъсир доирасига тушди. Актёрлар давр қаҳрамонлари, қирол, сарой аёнлари образларини ҳис-туйғуларини чеклаган ҳолда, ақл-идрокка таяниб ижро этишди. Корнелнинг "Сид", "Гораций" асарларини саҳналаштирган актёр Мондори Маре театрида ижод қиларкан, шоир шеъриятига хос улуғвор, кўтаринки услуб асосида янги ижро қоидаларини яратди. Булар пластик ифода, жозибадорлик, психологик жўшқин декламация усули эди. Чунки, бу даврда актёр ижросининг асоси аввало ташқи дабдабадорлик ва декламацияни назарда тутишдан иборат эди. Классицизм бир томондан актёрларда ақл-идрок билан фикр юритиб ижро қилиш санъатини шакллантирган бўлса, иккинчи томондан уларнинг эркин ижро – ижод қилишини бироз бўғарди.

Бу даврда рол ўйнаш учун актёрларнинг истеъдод даражаси эмас, қаҳрамонларнинг бўй-бастига, мартабасига қай даражада мослик муҳим саналган. Бу жараён саҳнада олий табақа вакиллари образи талқинида маълум актёрларгина рол ўйнаш имконига эга бўлиб, актёрлик ижросида бир хиллик юзага келади. Қироллар ролидаги актёр юрганида қадамларини қатъий, шаҳдам қўйиши ёки ҳаракатсиз пайтда оёқларини балет раққосларидек товонларни жуфтлаган ҳолатни олиши керак эди. Театр декорациялари ҳам баҳайбат сарой жиҳозлари кўринишида эди. Шундай қилиб, классицизм театри антик даврдан фарқли ўлароқ, актёрдан қаҳрамонлик ва бурчни, ақл-идрокка таянган, хатти-ҳаракатларда ниқобсиз ижро этишни талаб этарди.

Аммо, Расин, Мольер, Флоридор актёрнинг ички кечинмаларига алоҳида эътибор қаратиб, кечинма санъати илдизларини асраб қолди.

Маърифатпарварлик классицизмнинг "ақл-идрок"ни ҳис-туйғудан устун қўйишидан фарқли равишда – классицизмни "ақл ва бурч" мезонларига, ҳис-туйғуни мутаносиб уйғунлаштириш ғоясини олға сурдилар. Бу даврда Англияда Шеридан, Гаррик, Францияда Вольтер ва Дидро, Германияда Шиллер, Гёте каби бир қанча маърифатпарвар драматурглар, шоирлар етишиб чиқди. Маърифатпарварлар "дил ва ақл" бир-бирига мутаносиб идеал шахс деб билганларидан улар санъат бобида ҳам ҳис-туйғу талабларига эътибор билан қарадилар.

Инглиз театрида маърифатпарварлик жанрлари дастлаб Англияда шаклланди. Дэвид Гаррик инглиз саҳна санъатида мутлақо янги ижро услубини топди. Унинг Кичик Гудменс – Фильдс театридаги биринчи (1741) Ричард III роли актёрни Лондонга танитди. Дэвид Гаррикнинг бўйи ўрта, қадди-қомати келишган, юз-кўзлари бениҳоя ифодали актёр бўлганлиги қайд қилинган. У гоҳо ролларида шу даражада ҳиссиётга берилиб жўшганки, натижада ўзини унутиб қўйган ҳоллари кўп бўлган экан. У Шекспирнинг "Қирол Лир" спектаклидаги Лир ролида бир куни ҳисссиёт жазавасида бошидаги парикни юлиб олиб, саҳна ортига отган. У қанча ҳиссиётга берилмасин, ҳар бир ролида феъли ва ҳолатининг тусланиши билан ўзгариб турган. Ҳиссиётни Дэвид Гаррик ролнинг талабидан келиб чиқиб ишга солиш хусусиятини ўзлаштирган моҳир актёр бўлган. Классицизмга хос заковат ва ақл билан саҳнада яшаш унинг ҳиссиётларини жиловлаб турарди.

Айнан Дэвид Гаррик саҳна фаолияти даврида маърифатпарварлик оқими зиёлилари Шекспир асарларини ўз ғояларига хизмат қилдирдилар. Яъни, асар қаҳрамонлари Ҳамлет, Лир, Офелия каби қаҳрамонларини асар давомида "тирик қолдириб", томошабин онгини эзгу фикрлар билан бойитишга, ҳаётга муҳаббат уйғотишга интилганлар.

Дэвид Гаррик ижроларида Лир, Ричард III, Ҳамлет роллари катта аҳамият касб этган. "У шу қадар бой, жўшқин тасаввур оғушида яшайдики, буткул ўз қаҳрамони қиёфасига кириб олгандек эди. Бирор сўз айтмасданоқ унинг юз-бастидан, кўз қарашларидан вужудида кечмиш, ҳис-эҳтирос тусланишларини ўқиб олиш мумкин эди", деб ёзиб қолдирган замондошларидан бири. Дэвид актёр билан ишлашда рол устида давомли ишлаш, машқ қилиш, гавда, овоз ифодавийлигини ошириш, декламация услубидан қутилиш, табиийликка эришиш ғоясини биринчи планга қўйди.

Дэвид Гаррик ижоди кечинма санъатининг тўлиқ ифодавийлигидир. Унинг актёр олдига қўйган бу талаблари, кейинчалик К.С.Станиславский ижодида ўлмас қонуният бўлиб система шаклига киради. Шунинг учун Д.Гаррик ижро санъати бугунги кун актёрлик санъатига ҳам тегишли, аҳамиятли хусусиятлардандир.

XV аср театр санъатида Европа уйғониш даврининг буюк намояндаси Уильям Шекспир Аристотель изидан борди. У актёрларга саҳнада ҳақиқий яшаш учун шарт-шароитлар яратиб берди.

Шекспир Англиянинг "Глобус" театрида ижод қилар экан, ўз фаолиятида актёрлик касбининг ижро элементларини топиб олишга тиришди. Бу ҳақида тубанда "Ҳамлет" асарида Ҳамлетнинг саҳна ичидаги саҳна воқеасининг уюштиришда актёрларга айтган гапларидан Шекспирнинг актёрлик санъатини чуқур ҳис эта олишини мисоллар орқали ифодалаймиз.

Шекспир асарида таъкидланганидек, Ҳамлет, амакиси Қирол Клавдий отасининг қотили эканлигини билгач, у саҳна ичида саҳна уюштиради ва ўшанда Ҳамлет актёрларга қарата шундай дейди:

"Офелия

Сиз баёнчининг ролини яхши бажараётибсиз
Милорд!

Ҳамлет *(актёрга)*

Ҳа, бошлайвер қотил. Бўлсангчи, ҳай
бетамиз!
Аҳмоқона қилиқларингни йиғиштириб
бошлайвер!
Бўл! "Қассосга чақиради қарға қағиллаб" [9.Б.130].

Шекспир бу билан ортиқча хатти-ҳаракат қилувчи актёрларни қоралайди. Бу сатрлар ҳар бир давр актёрлари учун ибратдир.

Бугунги кун театр санъатининг айрим актёрларининг юзаки ижролари, фикрсиз, саҳна асарини ўзининг олий мақсадисиз ижро этишлари, саҳнада мантиқсиз, ортиқча қилиқлари ачинарли ҳол. Ҳа, ҳар бир актёр, Ҳамлет айтганидек, аҳмоқона ҳаракатларга

йўл қўйишдан вабодан қўрққанидек қўрқиши, темпо-ритм асосида ҳаракат этиши жоиздир!

Уйғониш даврида трагедия поэзиянинг олий босқичига чиқар экан, ўз-ўзидан театр санъатининг жонли омили актёр эканлиги тан олинди. Шунинг учун, Шекспир актёрдан юксак маҳоратни, ҳис-туйғу асосидаги ижрони талаб этди. Тўғрироғи, Шекспирнинг фалсафий, жиддий эмоционал руҳидаги асарлари ҳар бир давр актёри тинимсиз ўз устида ишлаш жараёнига олиб келди.

Саҳна санъатида амалиёт билан назарияни ҳамоҳанг олиб борган ижодкорлардан яна бири В.Гюго (1802 – 1885) эса "Кромвелга кириш сўзи" асарида драма қонуниятлари ҳақида сўз юртиши билан бир қаторда ижрочилик унсурларига ҳам ишора қилиб ўтади: "... Кимга тақлид қилгин дейсиз? Қадимгиларгами? Биз ҳозиргина уларнинг театрини бизники билан ҳеч қандай умумийлиги йўқлигини исбот қилди-ку! Бунинг устига Шекспирни инкор қилувчи Вольтер, грекларни ҳам инкор қилади, у бизга буни қуйидагича тушунтиради: "греклар" бизникидан баттар ёмонроқ томошаларни кўрсатишга журъат этганлар.

К.С.Станиславский дунё театр тарихи тажрибаларига таянган ҳолда янги театр таълимотини ишлаб чиқди. У илк театр тарихини ўрганар экан, театрда "актёр" - саҳна асари ғоясини очиб берувчи "жонли восита" (бирор мақсадга эришиш учун хизмат қиладиган қурол) эканлигини англаб етди. Муаллиф ғояси режиссёр томонидан ўрганиб чиқилиб, актёр воситасида спектакл ғояси томошабинга етказилишини уқтирди.

Кўриниб турибдики, кечинмада актёрлик санъати юракдан ижро этишга асосланиши билан бирга қалбларни забт этишга қодир бўлган таъсирга ҳам эга бўлади. Айниқса, актёр образни юракдан ўтказиб, ҳис қилиб, ижрода ички ва ташқи органларини уйғунлашувини топишда тўхтовсиз ижод қилишига туртки беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-8 жилдлар, -Т.: 2000- 2004 йй.
2. Алимуҳаммедов А. Антик давр адабиёти –Т.: "Ўқитувчи" 1975 й. 112-113-б.
3. Арасту.Т., 2015, 69-б.
4. Аристотель. Поэтика. -Т.: Ғафур Ғулом адабиёт ва санъат нашриёти,1980й.
5. Шекспир. Ҳамлет -Т.: 130-б.
6. Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши.-Т.: II-Саҳна санъати ва саҳна ҳунари. Бадиий адабиёт нашриёти, 1965 й.
7. Турсунбоев С. Хорижий театр тарихи. Мажмуа – Т.: "Чўлпон" 2005й.
8. Икромов Ҳ.И. Давр ва театр.- Т.: 2009 й.

МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ ШЕЪРИЯТИДА ҚЎЛЛАНГАН БАЪЗИ АНТРОПОНИМЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

MATNAZAR ABDULHEKİM ŞİİRLERİNDE KULLANILAN BAZI ANTROPONİMLERİN LENGÜAPOETİK ÖZELLİKLERİ

Матназаров Жавланбек
УрДУ Филология факультети
Ўзбек тилшунослиги кафедраси
мустақил тадқиқотчиси
Ar. Gör. Cavlanbek Matnazarov,
Urgenç Devlet Üniversitesi.

Özet. Makalede Harezmli tanınmış şair Matnazar Abdulhekim'in şiirlerinde kullanılan kişi adlarının poetik özellikleri incelenmiştir. Şiirlerden alınan parçalar lengüapoetik açıdan ele alınmıştır.
Anahtar kelimeler: Matnazar Abdulhekim, antroponim, lengüapoetik, şiir, onomastik.

Резюме. В статье рассматриваются поэтические свойства имен людей, использованных в стихах известного поэта Матназара Абдулхеким. Фрагменты, взятые из стихотворений, анализируются с лингвопоэтической точки зрения.
Ключевые слова: Матназар Абдулхеким, антропоника, ленгуапоэтика, поэзия, ономастика

Summary. In the article, the poetic features of the names of the people used in the poems of the famous poet Matnazar Abdulhekim from Harezm are examined. The pieces taken from poems are handled from a lenguapoetic point of view.
Keywords: Matnazar Abdulhekim, anthroponics, lenguapoetics, poetry, onomastic.

Алоҳида адиб асарларининг ономастик қўламини ўрганиш, муайян ижодкор шеъриятида қўлланган ономастик бириликлар тадқиқи, муаллифнинг тил бойликларидан мақсадли ва унумли фойдаланиш қобилияти, бадиий услуби ва шеъриятида ономастик бирликларнинг тутган ўрнини илмий далиллаш ижодкор асарлари бадиятини тўғри баҳолашга ёрдам берувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Бадиий асар тилида қўлланган номлар тадқиқи юзасидан қилинган ишларда **преседент бирликлар** ва **аллюзив ном** тилга олинади. *"Муайян тил эгаларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятида қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор сўз бирикмалари, жумлалар ҳамда матнлар преседент бирликлар"(4. 87)*дир. Бир сўз билан преседент бирликларни халқ тили руҳиятига сингган лисоний бирликлар дейиш мумкин. Шеърий асарлари тилида миллий минталитетга боғлиқ ҳолда машҳур номлардан фойдаланиш бадиий образ чизишда жуда қўл келади. Поэзияда номлар кўп ҳолларда, табиийки, бадиий восита сифатида майдонга чиқади, матнни англаш жараёнини тезлаштиради.

Матназар Абдулҳаким шеъриятида *Ёқуб, Юсуф, Қорун, Суқрот, Тўмарис, Аҳмад, Абул Аббос, Хотам, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Мансур Саолибий, Боязид Бистомий, Кайковус, Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин, Темурмалик, Чингизхон, Паҳлавон Пир(Паҳлавон Маҳмуд), Фузулий, Навоий, Бобур, Убайдулла Ибн Аҳмад, Сталин, Махтимқули* каби машҳур номларга мурожаат қилинган.

Муаллиф ижодида қўлланган ушбу номларнинг барчаси ҳам моҳиятан олиб қаралганда бадиий восита бўла олмайди. Шу борада преседентлик назариясига кўра, преседент номлар қўлланишига кўра иккига ажралади: денотатив қўллаш, коннотатив қўллаш.

Денотатив қўллашда номлар ўзи англатиб келган шахсни атайди, яъни номинатив вазифа бажаради. Бу ҳолда антропоним бадиий воситага айланмай қолиб кетади. Бу фикрдан кўринадики, таҳлил қилинаётган объект тилида қўлланган барча антропонимни ҳам бадиий восита сифатида кўрсатиб бўлмайди:

Қандай қилиб тилингиз борди,
Синди дея айтишга торни.
Уялмайсиз ўлди дейишга,
*Азиз дўстим **Абул Аббос**ни.*

Абул Аббос – халифа, тарихий шахс бўлишига қарамай бу жойда ушбу ном матннинг серқатлам бўлишига хизмат қилмаганига гувоҳ бўламиз. Демак, матнда бу ном бадиий юк олмаган.

Коннотатив қўллашда аллюзив ном метафора, метонимия сифатида қўлланади ва табиийки, бадиий воситалик вазифасини бажаришга киришади, эстетик материалга айланади:

Не керак заминни титратмас сурур,
Кўкни зир титратмас оҳни нетамиз.
Кўпам давроннишин бўлаверма юр,
*Ҳазрат **Навоий**га кетамиз (1.14).*

Бандда келтирилган Навоий антропоэтоними метонимик қўллашга мисол бўлиб, “Навоий” сўзи орқали анъаналашган метонимиядан жиддий фарқ қилади. Навоий антропоними анъанавий метономия бўлиб келганда фақат буюк шоир асарлари кўзда тутилганкигини кўриш мумкин:

*Ўзбек **Навоий**ни ўқимай қўйса,*
Олтин бошнинг калла бўлгани шулдир.(Эркин Воҳидов)

Бир ғазалида Огаҳий буюк салафининг тахаллуси Навоийнинг апелляти сифадида **наво** сўзидан моҳирона фойдаланиб иштиқоқ санъати орқали ва фонетик уйғунлик (наво, Навоий) асосида бадиий бутунлик яратишга эришган:

Огаҳийким, топқай эрди сўзи назмингдин наво,
*Бахра гар ёқтур **Навоий**нинг навосидин санго (1,69).*

Навоий антропоними Матназар Абдулҳаким қўлламида XV аср, шоир яшаган давр, ижобий маънодаги ижодий муҳит маъносида келганлигини кўрамиз. Ундан юқоридаги қаторда “Давроннишин бўлмоқ” бирикмаси антропоэтонимнинг метонимиялик функцияси кодини очишга ёрдам бераган. Бу фикрлар анъана асосидан ўсиб чиққан адибнинг ўзига хос сўз қўллаш маҳоратининг далолатидир.

Иқтибос келтирганимиз “Даъват” шеърида денотатив маънодаги аллюзив антропоним ҳам учрайди:

Лекин зид келса ҳам дунёқарашлар,
*Бизни дорга тортмас **Ҳусайн Бойқаро**.*

Шундай бўлса ҳам, Ҳусайн Бойқаро антропономини бадиятдан ҳоли қўлланган ном сифатида қараш нотўғри бўлади. Бойқаро одил, санъатсеват, илмпарвар ҳукмдор сифатида танилган ва илм, санъат аҳлига ўз саройида эркин ижод қилишга шароит яратиб берган. Ўқувчи тасаввурида ўз-ўзидан ўша даврдаги Ҳирот адабий муҳити *Навоий, Бойқаро* номлари воситасида жонлантирилади.

Матназар Абдулҳаким ҳам кези келганда муаллиф номи орқали унинг ижодига ишора қилувчи анъанавий метонимиялардан фойдаланган (Отам Арастуни мутолаа қилган...(1.257).

Ҳолбуки, Алпомиш ҳис-ҳаяжонлар,
Жалоладдин туйғу, Темурмалик руҳлар
Найзасини шундоқ ёнига қўйиб,
Сенинг юрагингда донг қотиб ухлар.

Ушбу бандда битта адабий, иккита тарихий қаҳрамонга ишора қилиниб “кучли” семасини учта аллюзив ном орқали таъкидлашга эришган:

Ҳолбуки, кучли (Алпомиш) ҳис-ҳаяжонлар,
Кучли (Жалоладдин) туйғу, кучли (Темурмалик) руҳлар

Мисраларни мутолаа қилиш жараёнида ўқувчининг тасаввурида Алпомиш, Жалоладдин, Темурмалик иштирокидаги жанглар сурони акслангандек бўлади. Номлар адабий тарихий фактларни чақиради ва уларни кўз олдингизда қайта гавдалантиради. Бу нарса аллюзив номларнинг эталонлашувидан далолатдир.

Шеър давомида муаллиф адресатга аслида шундай эрк ва озодлик йўлида мардона курашган қаҳрамонлар авлоди эканлигини таъкидлаб, ғафлатга чек қўйишини сўрайди:

Уйғот ҳаяжонни. Туйғуни, руҳни,
Уйғот кеч бўлмади ҳали ҳам...

Шарқда қизиқчилик ва ҳозиржавоблик эталони сифатида ўзбек миллий лингвомаданиятида Насриддин Афанди алоҳида ўринга эга. Бу преседент бирлик ўқувчида кулгу кайфиятини уйғотади. Бир шеърда Афанди антропоними орқали матнорти матнга ишора қилади:

Тўй бу. Ош эмас дийдорга тўямиз,
Булар хушомадни қўйсин жойига.
Биз эса ғойибона гуллар қўямиз
***Хўжа Насриддин**нинг пойига(1. 199).*

Шеърнинг умумий руҳидан Афандининг зукко, топқирлиги кўриниб туради ва шу булан бирга Афанди ҳақидаги латифа эсга келади. Муаллиф маҳорати билан қизиқчилик, ҳозиржавоблик, донишмандлик семалари қаторидаги донишмандлик семаси етакчилашади, натижада шеърдаги Афанди ўзбек халқ латифалардаги биз билган Афандидан донишманд Хўжа Насриддинлиги билан кескин фарқ қилади. Бу ерда сўзнинг ўзбек тилидаги лингвомаданий аораси кенгайганига гувоҳ бўламиз.

Эталон сифатида Хотам номи ҳам барчамизга яхши маълум:

Шундан ҳам саховат бўлдими,
*Юраверган экан-да **Хотамлар**.*
Фақат қўлимизмас мана бизларнинг
Оғзимиз ҳам очиқ одамлар (1.79.).

Машҳур файласуф Сукрот антропонимини коннотатив қўллаш натижасида **ақлий соғломлик** семаси Мажнундаги **телбалик** семасига зид қўйилиб, антоним ҳосил қилинганлиги муаллифнинг ижодий топилмасига айланган дейиш мумкин:

Не балосиз ўзи, қандай офатсиз,
Муз каби совуқ ва оташдек ёниқ.
Сизни севиб бўлар, тушуниб бўлмас,
***Мажнун**дек телбасиз, **Суқрот**дек аниқ(1. 236).*

Лингвопоэтикада **аллюзия** (лот. – ишора, ҳазил) ҳодисасига Д.Худойберганова ишларида талмеҳ санъати билан яқин ҳодиса эканлиги фақат унда замондош шахсларнинг номлари ҳам қўлланиши билан ундан кенгроқ тушунчани англатиши ҳамда ўқувчининг захиравий билимларини уйғотиши айтилади.

Матнда аллюзив ном қўлланиши учун 1) горизантал ва вертикал матн иштироки; 2) аллюзив манбанинг машҳурлиги; 3) тарихий-маданий ахборотнинг мавжудлиги талаб қилинади:

Ҳассасига эргашиб минглаб чақиримдан,
Полвонёп келади Хивага қадар…
Олимлар бўлмангиз бунчалар золим,
Жаҳолат йўлини ёпинглар.
Чорасиз қолсангиз **Паҳлавон Пир**нинг
Ҳассасини излаб топинглар (5. 85).

***

Уни сўйлагувчи Машрабдек юрак,
Куйлагувчи – Аҳмад Зоирдек марддир.

Уни қучмоқ учун Матросов керак,
Унга учмоқ учун Гастелло шартдир (1. 41)

Биринчи бандда қўлланган Полвон Пир(Паҳлавон Маҳмуд) аллюзив антропоними ўзбек ўқувчиси учун машҳур, хоразмликлар орасида машҳур “Полвонёпнинг пайдо бўлиши” ҳақидаги ривоятга ишора қилаяпти. Бандда аллюзив ном воситасида адабий фактга ишора қилинган. Бироқ ҳудудий жиҳатдан бу факт чегаралангандир.

Иккинчи бандда қўлланган Аҳмад Зоир (аслида Аҳмад Зоҳир) ҳақида эса бошқача ҳолат кузатилади. Ўзбеклар орасида бу ном машҳурлик қозонмаган, шундан келиб чиқиб, бу аллюзив антропонимнинг қўлланиши муваффаққиятли чиққан деб бўлмайди. Шундай бўлса ҳам мисрадаги куйлагувчи сўзи антропонимнинг кодини топишга ёрдам беради.

Аҳмад Зоҳир бастакор, қўшиқчи, кучли овоз соҳиби (афғон фарзанди) бўлганлиги сабабли шеър мазмунидаги уйғунлик назарда тутилган.

Шоир яшаган давр нафаси ўз-ўзидан унинг ижодида акс этиши табиий, замондошларнинг номлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу номларнинг ҳаммаси ҳам эл ичида машҳурлик қозонмаган бўлади. Ўзбек китобхони Собир дарбоз ҳақида эшитмаган бўлиши эҳтимол, лекин бир шеърда бу антропоним образ даражасига кўтарилган:

Шу боис ҳам ҳар гал эслаган нафас,
Муаллимга халқим қўйган ихлосни.
Кайковус ё Юсуф Хос Ҳожибнимас,
Мен ўйлайвераман ***Собир дорбоз****ни...(1. 178.)*

Шеърда Собир дорбоз (аслида Дорбоз лақаб) номинатив вазифа бажарган бўлса ҳам, ўзига бадиий юк олган ва шеърда бу юк айни шу сўз зиммасига қўйилганлиги кўзга ташланиб турибди. Собир Дорбоз шеърда образ даражасига кўтарилган.

Сталин антропоними сохта илоҳ, сунъий яратилган худо, шахсга сиғиниш даври раҳнамоси сифатида аччиқ ҳақиқатни бадий ифодаси учун асос бўлган:

Бизга ман қилдилар худони,
На қилайлик тор бўлгач олам.
Қўлбола бир худо ясадик –
Сталин*га сиғиндик, болам (1. 222).*

Хулоса қилиб айтганда, Матназар Абдулҳаким шеъриятида қўлланган киши исмлари бадиий юк олиб асар бадиий бутунлигини юзага келтиришда фаол иштирок этади. Муаллиф анъаналарни давом қилдирган ҳолда кўп ўринларда янги образлар яратишга эришган. Бу унинг индивидуал услубини белгилайди. Анъанавий қўллашлар ҳам мавжуд бўлиб, улар эталонлик хусусиятига эга антропонимик бирликлардир.

Шоир ижодини бу жиҳатини ўрганиш ўзбек китобхонини шеърият дунёсига яқинлаштиришда, муаллиф услубини аниқлашда қўл келади.

Адабиётлар:

1. Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар(1-жилд) – Тошкент, Ғ.Ғулом, 2017. – 327 б.
2. Матназар Абдулҳаким. Танланган асарлар(2-жилд) – Тошкент, Ғ.Ғулом, 2017. – 303 б.
3. Анданиязова. Д. Р. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2017. – 151 б.
4. Худойберганова. Д. Матннинг антропонимик тадқиқи. – Тошкент, Фан, 2013. – 136 б.
5. Матназар Абдулҳаким. Кўприк – Урганч. 2009. – 143 б.
6. Маъруфжон Йўлдошев. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2017.– 159 б.

ТАБИБИЙ ВА ОГАҲИЙ

TABİBİ VE AGÂHİ

Жасурбек Маҳмудов,
филология фанлари номзоди,
ЎЗДСМИ доценти

Doç. Dr. Cesurbek Mahmudov,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü.

Özet. Makalede Özbekistan Bilimler Akademisine bağlı Şarkşınaslık enstitüsü elyazmalar bölümünde 7083 numara ile kayıtlı Ahmet Tabibi'nin "Tühfet'üs Sultan" eserinde bulunan bir gazel analiz edilmiştir.
Anahtar kelimeler. Ahmet Tabibi, Agahi, Tühfet'üs Sultan, gazel, elyazma.

Summary. In the article, a ghazal in the "Tühfet'üs Sultan" work of Ahmet Tabibi, registered with the number 7083 in the section of the Institute of Oriental of the Uzbekistan Institute of Science, was analyzed.
Keywords. Ahmet Tabibi, Agahi, Tühfet'üs Sultan, ghazal, manuscript.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7083 инвентар рақамида сақланаётган Аҳмад Табибийнинг "Туҳфат ус-султон" деб номланган форсий девони қўлёзмасининг 308[а-б] варақларида 7 банддан иборатдир "Мухаммаси Табибий ғазали Огаҳий" келтирилган[25].

"*Ба деворе фикандам такя дўш аз ҳажри рухсораш,*
Сияҳ кардам чу шамъ аз дуди оҳи хеш девораш."

(Мазмуни: кеча юзининг ҳажрида бир деворга суяниб, қайғуриб ўтирган эдим, шамъ каби оҳимнинг тутунидан унинг девори қорайиб кетибди) деб бошланувчи арузнинг ҳазажи мусаммани маҳзуф (мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун) баҳрида ёзилган Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳийнинг форсий ғазалига боғланган ушбу мухаммасни қуйида табдили ва таржимасини келтириб, сўнгра у ҳақда мулоҳазалар билдиришни лозим топдик:

Мухаммаси Табибий ғазали Огаҳий

Агар чандеки моро мерасад ҳар лаҳза озораш,
Вале созам умед онро ки бошад лутф атвораш.
Муяссар чун набудий дидани пурнур рухсораш,
Ба деворе фикандам такя дўш аз ҳажри рухсораш.
Сияҳ кардам чу шамъ аз дуди оҳи хеш девораш.

(Мазмуни: Гарчи унинг беҳисоб озори ҳар лаҳза етиб турса-да, хулқу атвори яхшиликка айланишига умидворман. Унинг нурли юзини кўриш муяссар бўлмади, кеча юзининг ҳажру фироқида бир деворга суяниб ўтириб, унинг деворини шамъ каби дудли оҳим билан қорайтириб юбордим).

Ба ҳажри он париваш то ки дар олам гирифторам,
Ба гардун мерасад ҳар дам садойи нолаю зорам.
Агар бар сирри ишқи худ ба пеши ту мисол орам,
Шабе мекард тўтий шарҳи ҳоли чашми хунборам,
Чу нўки хомаи шингарф, пурхун гашт рухсораш.

[25] Қаранг: ЎзРФАШИ қўлёзма №7083, 308 а-б варақлар.

(Мазмуни: оламда токи ул паривашнинг ҳажрига гирифтор эканман, ҳар дамда чеккан нолаю зорларим садоси осмонгача етади. Агар ишқим сиридан сенга мисол келтириш керак бўлса тингла: бир кеча тўти менинг қонли кўзёшларим ҳолини шарҳлаш учун оғиз очди ва қаламининг учи (тумшуғи) қип-қизил рангга, юзи эса қонга тўлди).

Агар хоҳий ки қалби ту бувад аз нури Ҳақ равшан,
Ҳамеша хешро дар кунжи мискиний бикун маскан,
Вале лозим ба ман бо ту кунун ин ваъзро гуфтан,
Чу дар водийи ишқ ойи зи хори ў бикаш доман,
Ки ҳаст аз оташи ман шўълае бар нўки ҳар хораш.

(Мазмуни: Агар қалбинг Ҳақ нуридан равшан бўлишини истасанг, ҳамиша мискинлик гўшасида маскан тутгин. Лекин ўзимга сен учун бир насиҳатни айтишни лозим деб биламан: агар ишқ водийсига келсанг унинг тиканларидан этагингни эҳтиёт қилгин, чунки ҳар бири тиканнинг учида менинг оташимдан етган бир шуъла-чўғ бордир)

Чу кўйи он санам дар назҳати хуш бо чаман монад,
Маконам бе жамолаш низ бар байт ул-ҳазан монад,
Чунин бе лаъли ў ин роҳати ман бар миҳан монад,
Хати сабзи лабаш бар тўтийи шаккаршикан монад,
Ки бошад тавқи гулгун аз лаби лаъли шаккарбораш.

(Мазмуни: ул санамнинг кўчасидаги ҳар бир хушбўй чаманга ўхшайди, Маконим ҳам унинг жамолисиз худди “маҳзун уй”га ўхшайди. Унинг лаъли лабисиз менинг роҳатим худди меҳнатхонага ўхшайди. Лаби устидаги кўм-кўк хат худди сўзамолликда шакарнинг бозорини синдирувчи тўтига менгзайди. Худди гулгун тавқи – муҳри унинг шакар тўкувчи лаъли лабига ўхшайди.)

Рабуда тоқату ороми ман ғунжу далоли ў,
Ҳамеша дар дилам созад ватан фикри хаёли ў,
Муяссар гар намебошад маро базми висоли ў,
Саводи дийда созам ойина пеши жамоли ў,
Ки худ бинам вале дар парда бошад рух зи аґёраш.

(Мазмуни: Унинг нозу карашма билан қараши тоқату оромимни ўғирлади. Ҳамиша кўнглимда унинг фикру хаёли ватан тутган. Агар менга унинг висоли базми муяссар бўлмаса, кўзим қорасидан унинг жамоли олдига ойина ясайман ва шу орқали фақат ўзим кўраман, лекин душманлар учун унинг рухсорини парда билан тўсиб қўяман)

Висоли базмро гоҳе ки ман азон санам пурсам,
Мудом аз илтифотат сохта дафъи алам пурсам,
Ғараз ҳар чиз пурсам, эй бародар, дамбадам пурсам,
Мисоли сурати девор аз заъфи танам пурсам,
Ки резад чашми ман гар такя, бардорад зи девораш.

(Мазмуни: Базм висолини гоҳида мен ул санамдан сўрасам, мудомо сенинг илтифотингдан умид қилиб аламларим йўқолишини сўрайман. Қисқаси, эй дўстим нима сўрасам ҳам, барчасини қайта-қайта сўрайман. Худди девордаги сурат каби танамнинг заъифлиги нимадан эканлигини сўрайман. Агар кўзларимни суянчиқ қилса деворидан кўтариб олади).

Табибий, гарчи аз вай мекашад жавру жафо, ё Раб,
Вале коми рақиби шум шавад аз вай раво, ё Раб,
Бувад аз дийдани ў дар дили ман муддао, ё Раб,
Рақиб аз дийдани ў мешавад монеъ маро, ё Раб,
Бо оҳи оташине Огаҳий созий гирефтораш.

(Мазмуни: Эй Раббим, Табибий, гарчи ундан жабру жафо чекса-да, душманларнинг мақсади эса ундан раво бўлса-да, менинг кўнглим муддаоси уни кўриш орзусидадир, Эй

Раббим. Рақиблар менга уни кўришга монеълик қилишади, шундай экан уларни Огаҳийнинг оташин оҳига гирифтор қилгин).

Чиройли ташбеҳ – ўхшатишлар билан бой ушбу мухаммас мавзуси ошиқона-орифона мазмунга эга. Мухаммаснинг дастлабки иккита банди ошиқнинг ҳолатини, яъни унинг бир гўзал юзга ошиқ бўлгани, маъшуқа фироқида деворга суяниб нола қилгани, ҳатто унинг ичи куйганидан дудли оҳидан девор ҳам қорайиб қолгани билан бошланган биринчи бандни иккинчи банд тўлдиради. Ошиқ айтадики, унинг фироқига гирифтор эканман, туну кун ишим оҳу нола чекишдан иборатки, бу нолаларим овози осмонгача етади, дейди ва ўзининг бу ҳолатига мисол келтиради: “бир тўти менинг қонли кўзёшларимнинг нима сабабдан эканлигини айтиш учун сўз бошлаган эди, тумшуғи қизариб, юзлари қонга тўлиб кетди”.

3-бандда энди шоир орифона ҳолатни ифодалайди: Агар кўнглинг Ҳақ нуридан равшан бўлишини истасанг, ўзингга мискинлик гўшасида маскан ҳозирла, дея шоир тасаввуфдаги фақру фано босқичига ишора қилмоқда. Яъни, инсон табиатидаги хоксорлик қилиш ҳолатига, ўзини хор тутиш орқали равшанликка эришмоқ ҳолати акс эттирилган. Паҳлавон Маҳмуд қитъасида:

Ўфтодаги омуз, агар толиби файзи,

Об нахурад замине, ки бўланд аст!

Агар файз талабгори бўлсанг, афтодалик, хоксорликни ўрган, зеро баланд ер сув ича олмаганидек, калондимоғ ҳам файздан қуруқ қолади, дейди.

Кейинги бандда ошиқ ўз ҳолатини тасвирлайди: маъшуқанинг ғунжу далоли-ғамзали қарашлари тоқату оромини ўғирлагани, ҳамиша унинг фикру хаёли кўнглида эканлиги, агар унинг васлининг базми муяссар бўлмаса ўз кўзларининг қорачиқларининг жамоли олдига кўзгу қилиб қўйиб, фақат ўзи тамошо қилишини ва душманлардан парда билан бекитишини айтган. Бу ерда ошиқнинг маъшуқасини висолига интилиш ҳолатидаги вазиятлар тасвирланадики, бу ҳам орифона ҳолатдаги бир босқич, яъни талаб водийси. Кейинги бандда шоир висолга етишиш учун нима керак бўлса барчасини санамдан, истагидаги ёрдан сўраши ифодаланадики, бу ҳам олдинги банднинг узвий давомидир.

Охирги бандда лирик қаҳрамон, ошиқ ва ориф шоир ўз фикрини муножот, илтижо билан хулосалайди. Табибийнинг (биринчи қаҳрамон) илтижоси: гарчи ундан менга минглаб жабру жафо етса-да, гарчи шум рақибнинг мақсади ундан раво бўлса-да, кўнглимнинг бирдан-бир муддаоси унинг юзини кўришдир, дейди.

Огаҳийнинг илтижоси эса жуда қаттиқ: рақиб агар уни кўришга монеълик қилса, эй Раббим, уни Огаҳийнинг оташин оҳига гирифтор қилгин! Шоир унга душманлик қилиб, ёри юзини кўришга монеълик қилаётганларни қарғаб, Илоҳо улар Огаҳийнинг оташли оҳига гирифтор бўлсин, дейди. Бу ердаги “оташин оҳ” аслида ҳақиқий ошиқнинг қалби тубидан чиқадиган, “жаҳонни куйдирадиган оташ”дир. Бир шоир, “дарвешнинг дил тубидан чиқадиган “оҳ”дан қўрқ, чунки у дунёни куйдиришга қодир!, деган эди. Тожикзабон элат орасида биров қарғишга учраса “оҳаш зад” “оҳи урди”, деган ибора ҳам юради. Хуллас, шоир маънавий юксалишда ўзининг йўлига тўғаноқ бўлганларни, ана шундай жазолашни истаган.

XI-XIII ASR YOZMA YODGORLIKLARIDAGI FOLKLORIZMLAR

XI-XIII YÜZYIL YAZMA ESERLERİNDEKİ FOLKLORİZMLER

Zukhra Yuldasheva
Özbekistan Fenler Akademisi Özbek Dili,
Edebiyatı ve Folkloru Enstitüsü.

Ar. Gör. Zuhra Yuldaşeva,
Özbekistan Bilimler Akademisi
Özbek Dili, Edebiyatı ve Folkloru Enstitüsü.

Özet. Makalede genel olarak folklorizm teriminin anlamı, kullanım alanı ve XI-XIII yüzyıl yazma eserlerindeki folklorizmler kaleme alınmıştır.
Anahtar sözcükler: Folklorizmler, Ahmet Yükneki, Kaşgarlı Mahmut, Ahmet Yesevi, lengüakültürel yaklaşımlar.

Резюме. В статье написано значение термина фольклоризм в целом, области его использования и фольклора в рукописях XI-XIII века.
Ключевые слова: фольклоризм, Ахмет Юкнеки, Кашгарлы Махмут, Ахмет Йесеви, лингвокультурологические подходы.

Summary. In the article, the meaning of the term folklorism in general, its usage area and folklore in XI-XIII century manuscripts are written.
Keywords: Folklorisms, Ahmet Yükneki, Kaşgarlı Mahmut, Ahmet Yesevi, linguucultural approaches.

Son dönem filolojik çalışmalarda folklorizmlere ayrıca önem verilmektedir. Folklorizmler terimi bilimsel araştırmalarda halk sözlü edebiyatına özgü ninni, türkü (leper, koşuk, ülen), tartışmaca (münazara, karşılıklı atışma), nakıl, masal, bilmece, aforizma, atasözü ve özlü deyimleri içeren metin parçaları için kullanılmaktadır. Folklorizmler en eski döneme ait eserlerde bile görülmektedir ve bu Türkçenin kadimden zengin edebiyat dili olduğunu kanıtlar niteliktedir. XI-XIII yüzyıllara ait eserlerde folklorizmler adeta eserin estetik yapısını oluşturmaktadır. Kaşgarlı Mahmut'un "Divan-ı Lügatı't Türk" eserinde folklorizmler Türklerin dil estetiğini ve Türkçenin zenginliğini vurgulamak amacıyla kaleme alındıysa, Ahmet Yükneki'nin "Atabetü'l Hakayık" adlı eserinde inandırıcılık ve yönelticilik amacını gütmektedir. Bu durum Ahmet Yesevi'nin "Divan-ı Hikmet"inde özel bir yere sahiptir. Türk toplumları arasında İslam'ı yaymayı hedefleyen mezkur eserde İslam mahiyetine uygun fevkalade güzel ve etkileyici folklorizmler mevcut olup onlar yeni filolojik yaklaşımlar ışığında incelenmesi gerekmektedir. Bildiride Ahmet Yükneki'nin "Atabetü'l Hakayık", Kaşgarlı Mahmut'un "Divan-ı Lügatı't Türk", Ahmet Yesevi'nin "Divan-ı Hikmet" eserlerindeki folklorizmler dil, folklor ve lengüakültürel yaklaşımlar eşliğinde değerlendirilecektir. Bununla birlikte XI-XIII yüzyıllara ait eserlerde görülen folklorizmlerin günümüz Özbek yazılı ve sözlü edebiyatında kullanılmakta olduğunu da örnek metinlerle kanıtlamaya çalıştık. O döneme ait eserlerde kullanılan folklorizmler yalnızca Özbek edebiyatında değil belki de çağdaş Türk toplumlarının kültürel hazinesinden doğal olarak yer almış durumdadır.

Фольклоризм атамаси ўзбек филологик тадқиқотларида қуйидаги маъноларда ишлатилади:

1. Фольклор жанр ёки турларидан бирига алоқадор асар. Буларга: алла, лапар, қўшиқ, латифа, ялла, йиғи-йўқлов, ўлан, топишмоқлар, афсона ва ривоятлар, халқ ҳикоятлари, эртак ва достон кабилар киради. Масалан: ***Алла фольклоризми*** *фақат болани*

ухлатиш учунгина айтиладиган айтим эмас, балки онанинг орзу-армонларини, эзгу тилакларини ифода қилувчи сирли қўшиқдир. (Газетадан)

2. Фольклоризм ўзига хос бадиий-эстетик восита сифатида тилга олинади. Мутахассислар фикрича, “У ёзма адабиёт хосиласи, бадиий ижоднинг таркибий қисми ҳисобланса-да, асосан, фольклор материали заминида юзага келади. Фольклоризмлар воситасида ижодкорнинг индивидуал бадиий маҳорати, ўзига хос услуби намоён бўлади. Яратилган асарнинг ғоявий-бадиий таъсирчанлиги ортади.” (Шарипова, 2009:10)

Тадқиқотларда фольклоризм термини **структурасига кўра** оддий фольклоризм, мураккаб фольклоризм; **мансублигига кўра** халқ (миллат, омма) фольклоризми, ижодкор (индивидуал) фольклоризми, **мазмун-моҳиятига кўра** эса асл фольклоризмлар ва қайта ишланган фольклоризмларга бўлиб ўрганилади.

Фольклоризмлар тури ва шакл-шамойилидан қатъи назар эстетик восита сифатида муаллиф бадиий ниятига хизмат қилади.

Ўзбек халқининг бой оғзаки ижоди қадим замонларга бориб тақалади. Энг қадимги адабий ёдгорликларда ҳам фольклоризмларнинг турли кўринишларини учратишимиз мумкин. Атоқли ўзбек адиби Мусо Тошмуҳаммад ойбек бир мақоласида “туркий халқлар ўз ёзма адабиётларини вужудга келтирмасдан бурун мазмуни бой, шакли ранг-баранг бўлган оғзаки адабиёт-қўшиқлар, эртаклар, достонлар яратганлар” дея таъкидлаган эди. (Ойбек, 1974: 167)

Фольклор материалларини йиғиш ва ўрганиш ўтган асрнинг бошларида бошланган эди. Бу борада “Билим ўчоғи” журналининг 1922 (№1), 1923 (№2-3) йил сонларида Элбек ва Ғози Олимнинг лапар, ялла каби халқ шеърияти намуналари, шунингдек “Алпомиш” достони ҳақидаги мақолалари эълон қилинди. 1925 йилда Ўзбекларни ўрганиш комитетининг тузилиши натижасида халқ бахшиларини қидириб топиб, улардан йирик достонлар ёзиб олиш, бошқа жанрлардаги халқ ижоди намуналарини тўплаб нашр этиш ишлари йўлга қўйилди, 1932-37 йиллари республика бўйлаб уюштирилган экспедицияда ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиб, уларни илмий асосда ўрганиш ва нашр этиш борасида олиб борган ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. (Мўминов, 1994:4)

Бироқ замонавий бадиий адабиёт намуналарида қўлланилган фольклоризмларга эътибор ўтган асрнинг 70-80-йиллари жиддий илмий таомилга кирди. Таъкидлаш жоизки, “адабиётда фольклоризм мавзуи муҳим масалаларни қамраб олган ғоят долзарб ва ҳар томонлама чуқур ва кенг планда ўрганилиши зарур бўлган проблемалардандир. Шу важдан адабиётшуносликнинг бу масалага қайта-қайта мурожаат қилиши бежиз эмас.” (Мўминов, 1994:6)

Ўзбек адабиётшунослигида бадиий адабиётдаги фолкьлоризмлар билан боғлиқ тадқиқотлар, рисола ва монографиялар мавжуд. Ва бу тадқиқотларда бадиий асарларда учрайдиган фольклоризмлар адабиётшунослик тамойил ва ёндашув усуллари асосида таҳлилга тортилган. Фольклоризм масаласига бугунги кунда фанлараро алоқадорлик доирасида ёндашишнинг устуворлашаётганлиги қувонарли ҳол эканлигини таъкидлашни истардик. Бадиий асар матнидаги фольклоризмлар табиатан адабиёт ва адабиётшунослик билан боғлиқ фанлар; тил ва тилшунослик доирасидаги фанлар; тарих ва этнография билан боғлиқ фанлар; фольклор ва фольклоршуносликка оид фанлар доирасида ҳам ички ҳам ташқи алоқадорликларни ташкил қилади. Шу маънода фольклоризмлар интердициплинар моҳият касб этувчи мавзулар сирасига киради.

Фольклоризмлар энг қадимги даврларга оид адабий ёдгорликларда ҳам кўп миқдорда учрайди. XI-XIII аср ёдгорликларида қўлланилган фольклоризмлар фактик материал вазифасидан ташқари асарнинг эстетик структурасини шакллантирувчи восита сифатида ҳам функция бажарганлиги тадқиотчилар диққатидан четда қолмаган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” асаридаги фольклоризмлар туркий тилнинг эстетикасини ва тил бойлигини кўрсатиш мақсадига хизмат қилса, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асарида ишонтириш ва бошқариш маъноларини кучайтиришга хизмат қилган. Бу вазият Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат”ида алоҳида аҳамият касб этади.

Туркий халқлар орасида ислом дини ва фалсафасини ёйишни мақсад қилган мазкур асарда ислом моҳиятига мос бениҳоя гўзал ва таъсирчан фольклоризмлар қўлланилган.

Хулоса ўрнида атоқли адабиётшунос Қаюм Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтиришни маъқул деб билдик: “Илк бадиий достон” деб номланган китобида шундай фикрни таъкидлаган: “туркий халқларнинг оғзаки ижодиёти кўҳна замонларга бориб тақалади, у узоқ тарихга эга, ниҳоятда бой, кўпқиррали, сермазмун, услуб жиҳатидан силлиқ, шакл жиҳатидан пухтадир. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида мисол тарзида келтирилган турли қўшиқлар, ҳикмат ва ибратлар бунга яққол мисол бўлади. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”ни ёзар экан, халқ ижодининг битмас-туганмас намуналаридан ижодий илҳом олган, ундан фойдаланган.” (Каримов, 1976, 136)

Адабиётлар:

Каримов Қ. Илк бадиий достон. – Тошкент: Фан, 1976.

Мақсетов Қ. Фольклор ҳэм эдэбият. – Нөкис, 1975.

Мўминов Ғ. “Ҳозирги ўзбек адабиётидаги фольклоризмлар” Филол. фан. док. дисс., 1994.

Муминов Г. Фольклорные традиции в современной узбекской поэзии. Китобда: “Фольклор, литература и история Востока”. – Ташкент: Фан, 1984.

Ойбек. Асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9-жилд. –Тошкент, 1974, –Б. 167.

Собиров О. Ўзбек реалистик прозаси ва фольклор. – Тошкент, 1979.

Хўжаев Т. XV аср 1-ярми ўзбек адабиёти ва фольклор: Филол.фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994.

Шарипова Л. “XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризмлар” Филол. фан. номз. дисс., Тошкент, 2009.

Шарипова Л. Оддий фольклоризмлар табиати. // БухДУ илмий ахбороти. – 2008. №1. – Б. 44-45.

Шарипова Л. Фольклоризм ва бадиий санъатлар муносабати. // Заковат зиёси. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 123-126.

IX-XII АСРЛАР ХЕЯН ДАВРИДА ЯПОН АДАБИЁТИ

IX-XII YÜZYIL HEYAN DÖNEMİNDE JAPON EDEBİYATI

Муслима Юлдашева
ТДШИ Шарқ филологияси ва тилларни ўқитиш факултети
Адабиётшунослик йўналиши Япон-Инглиз
1-босқич магистранти.

Muslima Yuldaşeva
Taşkent Devlet Şarkşınaslık Enstitüsü
Yüksek Lisans Öğr.

Özet. Heyan dönemi, Japonya tarihindeki en eski ve kültürel zirvelerden biridir. Khayan devri 794-1192 arasındadır. Bu dönemin adı “barışçıl ülke” anlamına gelen “Heyankyo” anlamına gelen başkent adindan alınmıştır. Bu dönem edebiyatinda çeşitli türler ortaya çıkmıştır: Bunlar arasında, örneğin, "nikki" (edebi) tür, "haiku" ve "monogatari" , "dzuihitsu" (şiir) bulunur.

Anahtar Sözcükler: taketori monogatari, nikki, monogatari, heyan, haiku, tanka, dzuihitsu.

Annotation. The Heyan epoch is one of the most ancient and cultural peaks in the history of Japan. The epoch of Khayan dates from 794 to 1192. The name of this period was taken from the capital city, meaning "Heyankyo", meaning "a peaceful country". During this period, various genres have emerged: These include "nikki" (literary) genre, "haiku" and "monogatari" , "dzuihitsu" (poem) as an example.

Key words: taketori monogatari, nikki, monogatari, heyan, haiku, tanka, dzuihitsu.

Аннотация. Хеян даври (平安時代) Япония тарихидаги энг гуллаган ҳамда маданият чўққисига чиққан даврлардан бири ҳисобланади. Хеян даври 794-йилдан 1192-йилгача бўлган даврни, қамраб олади. Бу даврнинг номланиши пойтахт шаҳар номидан олинган, яъни “Ҳеянкё” шаҳри бўлиб, “осойишта мамлакат” деган маънони англатган. Бу даврда турли ҳил жанрлар вужудга келади: Улар сирасига “никки”(日記) яъни, “кундалик” жанри, шеърийтга хос бўлган “ҳаику”(俳句) ҳамда “моногатари”(物語), “дзуиҳитсу”(随筆—мўйқалам изидан) жанрларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Калит сўзлар. Хеян даври, никки, кундалик, ҳаику, моногатари, дзуиҳитсу.

Хеян даври (平安時代) Япония тарихидаги энг гуллаган ҳамда маданият чўққисига чиққан даврлардан бири ҳисобланади. Хеян даври ҳаёти ва фаолияти маданият поғоналарининг юқоридан пастигача ўтадиган тамойиллари эстетикадан иборат бўлган.

Хеян даври 794-йилдан 1192-йилгача бўлган даврни, яъни VIII аср охирлари XII аср бошларидаги даврни қамраб олади. Бу даврнинг номланиши пойтахт шаҳар номидан олинган, яъни “Ҳеянкё” шаҳри бўлиб, ушбу шаҳар Хеян даврида пойтахт бўлган. Шаҳар “осойишта мамлакат” деган маънони англатган. Тарихдан назар ташлайдиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам Хеян даври бошқа даврларга нисбатан энг осуда, тинч даврлардан бири бўлган. Бу даврда япон мумтоз адабиёти буюк, дурдона ва шоҳ асарлар билан янада бойиган. Бу даврада мамлакат Фудзивара сулоласи қўлида бўлиб, улар орасида ҳам адабиёт ва санъатни қадрлайдиган ҳукмдорлар бошқаришган. Улардан энг машҳури бу – Фудзивара Теика бўлиб, у нафақат санъат ва адабиётга раҳнамолик қилган, балки ўзи ҳам “ҳаику”(俳句) жанрида бир қанча шеърлар яратган. Шу каби ҳукмдорлар раҳбарлигида Хеян даври адабиёти ривожланиб борган.

Хеян даврида япон алифбоси бўлмиш “ҳирагана”(ひらがな) яратилади. Бунинг сабаби ҳам адабий ижод билан боғлиқ. Негаки, ўша даврда хитой иероглифлари – “кандзи”(漢字) дан фақатгина эркаклар фойдаланиши мумкин бўлган. Ривоят қилишларича, “ҳирагана” ни аёллар яратган ва улар бу ҳарфлардан фойдаланилган ҳолда ижод қилишган. Шу тариқа, япон адабиётига аёл ижодкорлар ҳам кириб кела бошлаган. Хеян даври адабий меъросини аёллар бунёд этишган десак янглишмаган бўламиз.

Дастлаб уларнинг асарлари ўз даврида очиқдан-очиқ маълум бўлмаган ва улар ўз исмларида эмас балки эркаклар исмидан тахаллус сифатида фойдаланиб, яширинча ижод қилишган. Шундан маълумки, Хеян даврида аёлларнинг нафақат жамиятда, балки эркин ижодда ҳам сиқиб қўйишган. Бу эса япон мумтоз адабиётида туб бурилиш ясаб, янгича йўналиш олиб кирди. Хеян давригача бўлган даврдаги асарларда кўпроқ худолар мадҳ этилган (“Кодзики”, “Ниҳоншёки”) бўлса, бу даврга келиб инсон ички кечинмаларини ифодалаш, ҳаттоки, ҳаётнинг икир-чикирларигача (“Гендзи моногатари”) тасвирлаш бошланади.

Хеян даврида япон адабиётнинг ўзига хос жанрлар кириб кела бошлади. Улар сирасига “никки”(日記) яъни, “кундалик” жанри, шеърийтга хос бўлган “ҳаику”(俳句) ҳамда “моногатари”(物語), “дзуиҳитсу”(随筆—мўйқалам изидан) жанрларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Бу даврда яратилган асарлар китоб шаклида эмас, балки ўрам шаклида яратилган ва улар биринчи боб, иккинчи боб деб эмас, балки биринчи ўрам, иккинчи ўрам деб юритилган.

Хеян даврида ёзилган адабиётлар нафақат Японияда, балки бутун дунё халқлари томонидан қадрланиб, ҳозирда ҳам бошқа халқ тилларига таржима қилиниб ўрганиляпти. Бу даврда ёзилган манбалар бутун дунёнинг олтин фондида сақланиб, асарларнинг сараси ҳисобланади. Бу даврда моногатарилар яратилиши Япония адабиётининг ривожланиши ўз ижобий таъсирларини кўрсатади. Бу қадимий қўлёзмалардан бири бўлиб, бу даврда ёзилган асарларда биз Япония тарихини урф-одатларини, барча маросимларини кўришимиз мумкин. Ундаги бир-бирига бўлган уйғунлик асарларини янада бойитади улардаги сюжетга бой воқеалар, тугун ечимлар асарни бойитиб китобхонни ўзига чорлайди. Японлар ўзларидаги бор маҳоратларини ишга солиб, турли санъатларни намоён этганлар. Уларнинг шеъриятида тутган ўринлари беқиёсдир. Улар яратган асарлар ҳозирда адабиёт соҳасидаги ўрнида олтин саҳифаларда сақланиб келмоқда. Аёллар яратган асарларда аёлларга хос гўзаллик, жозиба, нозиклик акс этиб туради.

Хеянликлар илҳомланиш элементи сифатида табиат, унинг гўзаллиги, шу билан бирга мавжудлик ҳолати – унинг қулайлиги ва эстетикасини назарда тутишган. Бундан хеянликлар маданиятнинг бўлаги бўлган табиат гўзаллиги, хеянликлларнинг осойишта ҳаётга интилиш босқичлари бошланган ва албатта бундай осяшиталикка Тан империясининг пойтахти Хеяннинг гуллаб яшнашида адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам, бу давр маданиятининг энг гуллаб-яшнаган даври, пойтахтнинг Хеян яъни “осойишталик” маркази деб номланиши бежиз эмаслигини яна бир бор намоён қилади.

Агар таъкидлаш лозим бўлса, шуни айтиш керакки, хеян адабиёти эстетик фалсафадан ташкил топган. Хеянликлар фикрича, ҳар бир нарсада, ҳар бир табиат томонидан яратилган ҳодисада маъно-мазмун бор деб ҳисоблашган. Унинг эстетик қиймати ва гўзаллигидан “ҳайратланишган”, бу эса япон адабиётида “моно-но-аваре”(もののあわれ)[26] деб юритилади. Бу улар ишонишган ягона ҳодиса эди. Баъзан бу ҳайратланиш очиқ-ойдин кўзга ташланса, баъзан эса яширин бўлиб, у китобхонни ўйланишга, маъносини топишга ундайди. Доимо сўз маъноси очиқ ёки ёпиқ бўлишдан қатъи назар унинг ўзига хос жиҳати ва очилиш сири мавжуд. Хеянлилар таълимотининг

[26] Конрад Н. И. Японская литература в образцах и очерках Том I. – М.: Наука, 1991. – С. 87-90.

ўзига хослиги шунда эдики, агар инсон варавар ёки оддий инсон бўлмаса, зиёли киши бўлиб, жамиятда алоҳида ўринга эга бўлса у албатта, ҳар қандай яширин ва ҳатто сирли маънони ҳам англаб етиши мумкин бўлган. Шунинг учун ҳам хеянликлар доимо аёлнинг ўзига хос гўзаллигини топишга ҳаракат қилишган. Шу аёл билан боғлиқ севги – хурсандчилик нишонасими ёки ғам-қайғу нишонасими барибир, буларнинг ҳаммасидан қандайдир ҳис-туйғулар занжирини ҳосил қилишга уринганлар. Шунингдек, севгига жавоб бериш ҳолатлари ёки бунинг акси – жавобсиз қолдирилган севгидан ҳам гўзаллик қидиришган.

Хеян даври ижодкорлари учун нарсанинг қийматини очиб берадиган энг муҳим қурол "сўз" ҳисобланган[27]. Предметларнинг ўзига хослигни, гўзаллигини ифодаловчи асосий восита сўзларнинг кўп маънолилиги ҳисобланган. Бу орқали бадиий бўёқдор сўзларнинг ҳамда поетик образларнинг вужудга келиши, уларнинг ҳаётга тадбиқ қилинишини кўрсатиб берган.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Хеян даврида ижод қилиш жараёнида асосий жанрлардан бири 31 бўғинли "танка" (短歌) жанри ҳисобланаган. Бунда асосий эътибор сўзнинг маъносига қаратилган. Танка жанри ўзида ўша давр муҳитини ифодалаган. У роман, ҳикоя ва қиссаларнинг таркибий қисмидан ўрин олган. Ушбу қисқа шеър жанри билан Хеян даври кундаликлари ва сафар таасуротлари ёритилган. Шунингдек, ошиқларнинг ўз машуқаларига билдирган севги изҳорлари, ҳар бир қилган хатти-ҳаракатлари танка орқали ифодаланган. Танка нафақат адабиётда , балки реал ҳаётда ҳам ҳукм сурган, ўз ўрнига эга бўлган. хеян даври ошиқ йигити санъатнинг чўққиси "танка" ларда ҳам эмас, гарчи шакл ва маъно жиҳатдан бенуқсон тузилган бўлса ҳам, унинг бирор ҳаракатда ҳам эмас, балки улар бирга олинганда унисида ҳам, бунисида ҳамдир: шоирона тасвирланган ишлар ва шеъриятга айлантирилган ҳаракат-мана шунда хеянлиларга тенг келадиганлар бўлмаган[28].

Хеян даврининг қимматлилиги – унинг поетик антологияларида эмас, улар қанчалик қизиқ бўлмасин, унинг кўп сонли, баъзан монументал, баъзан қатор парчалар ёки хатларни ифодаловчи романларида ҳам эмас, айнан вакилларининг ҳаёти ва ҳаракат тарзида, десак муболаға бўлмайди[29] Профессор Фудзиока япон адабиётини ўрганар экан[30], унинг ривожланишида тўртта алоҳида даврларга бўлинишини аниқлайди [31]. Унинг фикрича, биринчи давр Хеян даврининг тўлиқ бир асрга тенг бўлиб, IX асргача давом этган ва бу япон адабиётида "Конин даври" деб ҳам номланиши мумкин. Конин ҳокимияти даврида япон адабиётида муҳим ўзгаришлар бўлгани кузатилади.

Иккинчи давр X асргача бўлган давр адабиётини ўз ичига олади. Бу давр "Енги-Тенряку даври" деб ҳам юритилади. Бу давр япон адабиёти нуқтаи назаридан муҳимроқ давр ҳисобланади.

Учинчи давр XI асргача бўлган давр бўлиб, бу Фудзиока томонидан "гуллаб-яшнаган Фудзивара даври" деб номланади. Фудзивара ҳокимияти даврида сиёсат ва маданият асосий рол ўйнаган давр ҳисобланади.

Тўртинчи давр XII асргача давом этган давр бўлиб, буни Фудзиока "Инсей даври" деб номлади: бу давр сиёсий қарашлар кучлилиги билан ажралиб туради.

Биринчи давр Япония тарихида зодагонлар орасидаги адабиёти ривожланишининг биринчи босқичи ҳисобланади. Бу давр япон адабиётининг турлари ва жанрларининг ривожланиш жараёни шунингдек, адабиёт истакларнинг тўпланиш даври десак хато бўлмайди. Ушбу даврда "абадий олтилик" (六歌仙) – олти Хеян даври адабиётининг

---

[27] Пасков С. С. Япония в раннее средневековье VII - XII века. Исторические очерки . – М., 1987. – С.125.

[28] Конрад Н. И. Очерки японской литературы. – М., 1973. – С. 142.

[29] Горегляд В. Н. Японская литература VIII-XVI вв. – Санкт-Петербург, 2003. – С. 42.

[30] Фудзиока. Кобунбунгаку дзенсю. Хейан-тё. – Токио,1904.

[31] Конрад Н. И. Японская литература в образцах и очерках Том I. – М.: Наука, 1991. – С. 90-92.

буюк номоёндалари, улардан биринчи навбатда Нарихира, Комати ва Хендзёлар Хеян адабиёти лирикасининг ибтидолари саналади. Бу даврга келиб, япон анъанавий адабиётининг дурдоналари “Исе-моногатари”(伊勢物語)[32] , “Такетори моногатари”(竹取物語) асарлари дунё юзини кўрди. IX асрда хеян даврида яратилган жанрлар ичида энг асосий даржага кўтарилди.

Иккинчи ва учинчи давр япон адабиётининг гуллаб яшнашига тўғри келган давр ҳисобланади. X асрда Хеян шеърияти юксалди. 905-йилда “Кокинсю” дунёга келиб, бу антология бутун дунёда машҳур 31 бўғиндан иборат шеър “танка” услубида ёзилган. XI асрда Хеян насри ҳам юксалди.

Тўртинчи давр- XII аср адабиётининг салоҳиятини ўз ичига олади. Бу сўз қиймати ва адабиётининг мавқеи тушган давр ҳисобланади. Чунки, тўртинчи даврда асосий эътибор сиёсий жараёнларга қаратилганди. Илм-фан ва маданиятига бўлган эътибор жуда пасайганди. Бу ўз навбатида, адабиёт ва дабий жараёнларнинг салмоғига салбий таъсири кўрсатди. Сўз маънолари, унинг қудрати, маданият ривожи к ундан-кунга ёмон аҳволга тушди. Шу даврда тарихий роман кўринишидаги “Ейга-моногатари” (“Тараққиёт ҳақидаги қисса”) яратилди.

Тўртинчи давр фожиаларидан яна бири шунда эдики, бу даврда узоқ йиллар давомида япон адабиётини безаб турган “танка” жанри мавқеи тушди ва ушбу жанрда ҳеч ким ижод қилмай қўйди. Шунингдек, моногатари жанрида ҳам ижод қилувчилар сони тобора камайиб борди. Кейинчалик, ушбу жанр ҳам ўз моҳиятини йўқотди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аристотел. Поэтика (“Поэзия санъати ҳақида”). – Т.: Ғофур Ғулом, 1980. – Б. 150.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асоалари. Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 558.
3. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, 2010 – Б. 406.
4. Умуров Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент, 2004. – 262 б.
5. Худойбердиев Э. Адабиётшунослик кириш. – Тошкент, 2008. – 366 б.
6. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент, 1983. – 56 б.
7. Боронина И.А. “Классический японский роман” Изд-во "Наука, " Глав. ред. восточной литературы, 1981. – С. 292.
8. В. Маркова, И.Львова “Старинные Японские повести ”. “СВЕРО-ЗАПАД ПРЕСС”. Санкт-Петербург, 2003. – С.534.
9. Конрад Н. И. Запад и Восток. – Москва: Наука, 1979. – 495 с.
10. Конрад Н. И. Очерки японской литературы. – Москва, 1973. – 462 с.
11. Конрад Н. И. Японская литература в образцах и очерках Том I. – Москва: Наука, 1991. – 551 с.
12. Конрад Н.И. Гендзи моногатари - Японская литература от Кодзики до Токутоми. – Москва, 1974. – 248 с.
13. Горгеляд В.Н. О жанрах и вообще о литературе эпохи Хэйан . – Ки – но – Цураюки. – Москва, 1983. – 138 с.
14. Горегляд В. Н. Японская литература VIII-XVI вв. – Санкт-Петербург 2003. – 400 с.
15. Горегляд В.Н. Дневники и эссе в японской литературе X-XII вв. Москва, 1974. – 248 с.
16. Гринцер П. А. Древнеиндийский эпос. Генезис и типология. – Москва: Наука, 1974. – 418 с.
17. Brower R., Miner E. Japanese court poetry. – Stanford,1961. – 431 p.

[32] Конрад Н. И. Предисловие к Исе-моногатари // Исе-моногатари. Японская классическая повесть начала X века/ Предисл, пер. с яп, исслед. Н. И. Конрада – С-П., 2000.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИНИНГ МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИДА ЎҚИТИЛИШИ

BAĞIMSIZLIK DÖNEMİ ÖZBEK ÇOCUK ŞİİRİNİN OKUL DERS KİTAPLARINDA VERİLMESİ

Жураева Гулноза Ахматовна,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети доценти,
филология фанлари номзоди

Doç. Dr. Gulnaza CORAYEVA
Ali Şir Nevai adındaki Taşkent Devlet
Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi

Özet. Makalede Bağımsızlık dönemi Özbek çocuk edebiyatı örneklerinin ders kitaplarında verilmesi, seçilen örneklerin önemi ve kalitesi, derse ayrılan saat ve öğretimde dikkat edilmesi gereken hususlar ele alınmıştır.
Anahtar sözcükler. Bağımsızlık dönemi Özbek edebiyatı, çocuk edebiyatı, şiir, ders.

Summary. In the article, the examples of the Uzbek children's literature in the Independence period in the textbooks, the importance and quality of the selected examples, the hours allocated to the lesson and the issues to be considered in teaching are discussed.
Key words. Independence period Uzbek literature, children's literature, poetry, lesson.

Резюме. В статье обсуждаются примеры узбекской детской литературы периода независимости в учебниках, важность и качество выбранных примеров, часы, отведенные для урока, и вопросы, которые необходимо учитывать при обучении.
Ключевые слова. Период независимости узбекской литературы, детской литературы, поэзии, урок.

Сатирада ҳам, юморда ҳам кулги ҳаётий илдизларга эга. Комик нарсалар бадиий асарда кулги ёрдами билан юмористик характерда ифодаланиши ёки уларнинг характери, мазмун-моҳиятига қараб сатирик тусда берилиши мумкин. Ҳаётдаги комикликнинг кўринишлари, шакллари сатира ва юморнинг характерини ҳамда хилларини белгилайди.

Сатирада ҳам, юморда ҳам кулги қўзғайдиган омил шакл билан мазмун ўртасидаги зиддият туфайли туғилади. Зеро “... кулгили нарсанинг асосида ғоя билан шакл ёки шакл билан ғоя ўртасидаги номувофиқлик, зиддият ётади. [1.23] Лекин уларнинг ҳар бири алоҳида олиб қаралганда, ўз ҳолича кулги уйғотмайди. Ўтган фаслда таҳлил этилган шеърлар бу фикрнинг ёрқин далили, албатта.

Мустақиллик давр болалар шеъриятида мажозий образ яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Шоирлар сатирик образ яратишдаги каби юмористик образ яратишда ҳам мажоздан, поэтик кўчимлардан унумли фойдаланишди. Бироқ, ижодкорлар сатирик образ яратишда, кўриб ўтилганидек, кўпроқ эртак, ҳикоят ва ривоятларида сатирик тимсол даражасига кўтарилган бўри, тулки, каламуш, қарға, чумчуқ каби ҳайвонлар, парранда-ю даррандалар образидан фойдаланишса, юмористик образ яратишда турли хил жониворлардан ташқари дов-дарахтлар, ўсимликлар олами, ҳар хил предмет ва ҳодисаларга ҳам мурожаат қилишади. Уларнинг мажозийлашган юмористик қиёфасини яратишда поэтик кўчим, мажозий ва рамзий тасвирларга катта эътибор қаратишади.

Айниқса, Анвар Обиджон, Дилшод Ражаб, Абдураҳмон Акбар, Рустам Назар, У. Шукуров каби шоирларнинг бу борадаги изланишлари характерлидир. Анвар Обиджонинг “Жуда қизиқ воқеа” номли шеърий тўплами бошдан оёқ шу типдаги

юмористик шеърлардан ташкил топган. Шоирнинг ўзи ҳам китобнинг дебочасидаги : “муаллифдан” қисмида “... болаларнинг дунёси, она табиат нафаси, турли буюм ва жонзотларнинг сирли олами ҳақида иложи борича қувноқроқ сўз юритишга ҳаракат қилдим”, дея эътироф этади. Тўпламдаги “ Хабар сотувчи” шеърини ўқигандаёқ бу ҳолни яққол ҳис этиш мумкин. Мазкур шеър халқ оғзаки ижоди, хусусан, халқ достонларидаги шаҳар кезиб турли-туман молларни сотиб юрувчи атторлар қўшиқлари усулида ёзилган бўлиб, қувноқ юморга бойдир.

Янги гаплар сотаман,
Эски гаплар ҳам.
Болажонлар кепқолинг,
Қолди жуда кам.
Суриштирманг нархини,
Шардан ҳам арзон.
Хўрозқандга –рост хабар,
Пишлоққа ёлғон. [2.45]

Шу тариқа қувноқлик билан бошланган шеърда турли-туман ҳайвонлар-у паррандалар, жониворлар ҳақидаги “эски-янги гап”лар “арзон баҳо”га сотилиши таъсирчан манзараларда тасвирланади. Бунда “янги гап”ни кепаксиз унга-ю, эскисини пуч ёнғоғу совунга “алмашиши”дан тортиб, каптарнинг тушида бургутни еб қўйишигача, тулкивойнинг битта хўрозни тутиб келиб бўрига хиринглаши-ю, ҳазилни унча хуш кўрмайдиган бўрининг аввал хўрозни , кейин тулкининг ўзини ейишигача, уч йил бир синфда ўқиган эшакнинг айиқни “саводсиз” деб ҳақорат қилишигача, хуллас, кўплаб мажозий образларнинг хилма-хил юмористик руҳ билан йўғрилган қиёфаларини кўрамиз.

Шоир қисқа сатрларда ҳар бир мажозий образнинг ўзига хос характерини қувноқ кулги воситасида яратишга эриша олган. Жумладан, Қуён образини яратар экан, унинг халқ орасида қўрқоқ сифатида шаклланган тимсолини фольклор оҳангларига мос шаклда қуйидагича тасвирлайди.

Қуён Йўлбарс терисин
Ёпиниб юриб.
Хушдан кетди, кўзгуда
Ўз аксин кўриб.
(“Жуда қизиқ воқеа”)

Мазкур шеърий тўплам бир нечта туркумни ўз ичига олган. “Далалардан – болаларга” деб номланган биринчи туркум ўсимликлар олами ҳақидаги юмористик шеърлардан ташкил топган. Туркумда буғдой, пахта, сабзи, тарвуз, узум, ўрик, шолғом, анжир, пиёз, қалампир, ҳандалак каби кўплаб полиз маҳсулотлари ва мева-чевалар ҳақидаги шеърлар жамланган.

Маълумки, ўзбек болалар шеърияти тарихида мазкур шаклда кўплаб шеърлар яратилди. Жумладан, Қуддус Муҳаммадийнинг “Табиат алифбеси” туркумига кирувчи дов-дарахтлар, ўсимликлар, мева-чевалар, табиат ҳодисалари ҳақидаги шеърлари бунинг ёрқин мисолидир. Шоир бу типдаги шеърларида ҳар бир ўсимлик ёки мева-чева, дов-дарахтларнинг хос хусусиятлари, яъни ранги, таъми, тузилиши, шакли тасвири орқали катта бадиий-эстетик ва маърифий маъно чиқаради.

“Болаларнинг отахон шоири Қуддус Муҳаммадий,-деб ёзган эди бу ҳақда академик М. Қўшжонов,-табиат ҳодисаларини тасвирлаганда ўзининг умум анъаналарига содиқ. У табиатдаги предмет ва ҳайвонлардан ҳам болаларнинг онг савияига мос маъно ахтаради. Бугина эмас, табиат ҳодисаларининг сирини болалар онгги ва савиясига мос равишда ифода қилиш йўлини топади. Бу ерда ҳам Қуддус Муҳаммадийга халқ оғзаки ижоди оҳанги ва мезони қўл келади” [3.78].

Атрофимиздаги олам тасвиридан болалар табиатига оид маъно чиқариш, муҳими, поэтик мазмунни кичкинтойлар қалбига ниҳоятда яқин бўлган халқ оҳанглари усулида

яратиш Қуддус Муҳаммадий ижодий анъаналарини муваффақият билан давом эттирган Анвар Обиджон ижодига ҳам хосдир.

Анвар Обиджоннинг поэтик маҳорати шундаки, Қуддус Муҳаммадий яратиб кетган ҳар бир образга қайта қўл урар экан, унинг янги, оригинал, қувноқ юморга бой бўлган янгича қиёфасини қисқа, ихчам, поэтик кўчимларга бой мажозий образ даражасига кўтара олади. Масалан, “Сабзи” шеърида унинг поэтик образи қуйидагича намоён бўлади.

Юпқагина
Пўстим бор,
Далада кўп
Дўстим бор.
Мақолда ҳам
Ёзиқман.
Ўша
“Олтин қозиқ”ман.
Ётсам
Ерга қапишиб,
Думгинамдан
Тортишиб,
Ташладилар ўрага...
Салом
Палов тўрага!
(“Жуда қизиқ воқеа”)

Шоир сабзи образини китобхонлар тасаввурида жонлантиришда ўзига хос тасвир усулларидан, қофия санъатидан унумли фойдаланади. Халқ мақолини эслатиш билан унинг кўриншини болалар ёдига туширса, “пўстим”, “дўстим”, “ёзиқ”, “қозиқ” каби қофиялар орқали бадиий оҳангнинг таъсирчанлиги ва қувноқлигига эришади. Айниқса, шеърнинг якунидаги “ Ётсам ерга қапишиб, думгинамдан тортишиб” каби юмористик кулги ҳосил қилса, “ Салом Палов тўрага!” мисралари уни реал ҳаётга яқинлаштиради, бола руҳиятига ўзига хос илиқлик олиб киради.

Юқоридаги кузатишлардан шундай хулоса чиқариш мумкин:

- Мустақиллик давр болалар шеъриятида юмористик образ яратишда, асосан, икки йўналиш устуворлик қилади.

Биринчи йўналишни бевосита болаларнинг юмористик образи яратилган шеърлар ташкил этади. Бу типдаги шеърларда шоирлар болалар табиатида учраб турадиган айрим шўхлик ва ўйинқароқликларни, дангасалик ва тўпалончилик одатларини қувноқ қаҳқаҳа билан фош этадилар.

Иккинчи йўналишни мажозий шеърлар ташкил этади. Бунда турли дов-дарахтлар, нарса-ҳодисалар, ҳайвонлар, жониворлар, парранда-ю даррандаларнинг мажозий характердаги юмористик образлари яратилганини кузатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Белинский В.Г. Собр. соч.в3-х.т. -М.,1998.Т.1. -С.238.
2. Обиджон А. Жуда қизиқ воқеа. – Тошкент: Чулпон,1987. -Б.3
3. Қуддус Мухаммадий. Адабий–танқидий мақолалар. – Тошкент: Ёш гвардия, -1979. – Б. 23 -24.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ТИРИКЛИК ВА ЎЛИМ ФАЛСАФАСИНИНГ АКС ЭТИШИ

ÖZBEK EDEBİYATINDA YAŞAM VE ÖLÜM FELSEFESİNİN YANSIMASI

Хуршида Хамракулова
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети

Hurşida Hamrakulova
Ali Şir Nevai adındaki Taşkent Devlet
Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi

Özet: 20. yüzyıldaki Özbek edebiyatının evrimi, bir dizi bilim dalının ortaya çıkmasını sağlamıştır. İşte öyle yeni araştırma alanlarından biri olan tanatoloji, Özbek edebiyatında yaşam ve ölüm problemlerini incelemeyi amaçlayan alanlardan biridir.
Anahtar kelimeler: edebiyat çalışmaları, yaşam, ölüm, modern edebiyat, klasik edebiyat.

Annotation: Transposing of Uzbek literature in the 20 century have laid as groundwork for a number of disciplines of literature. Here one of the systems of literature is tanatology. It aims to study the problems of life and death.
Keywords: literary studies, life, death, modern literature, classical literature.

Аннотация: Транспонирование узбекской литературы в 20 веке заложило основу для ряда дисциплин литературы. Здесь одной из систем литературы является танатология. Он направлен на изучение проблем жизни и смерти.
Ключевые слова: литературоведение, жизнь, смерть, современная литература, классическая литература

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётшунослигида мавжуд илмий анъаналар билан бир қаторда дунё адабиётшунослигидаги янгича услуб ва ёндашувларга ижодий ёндашиш ва уларни тадқиқотларда фаол қўллаш тамойили шаклланиши ҳаёт ва ўлим муаммосини адабиётшуносликда адабий-эстетик категория сифатида ўрганиш заруриятини юзага келтирди. Муаммонинг адабиётшуносликда адабий категория доирасида ўрганилиши бадиий асарларда ҳаёт ва ўлим муаммосининг ўзгариши, ривожланиши, ўзаро алоқадорлиги ва узвий боғлиқлиги, муаммонинг босқичлараро ўхшаш ва фарқли томонларини очиб беради. XX аср ўзбек адабиётида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий талқинига оид шахс фожиаси илдизлари ва инсоннинг ўлимолди қиёфалари ифодаси маромига етказиб тасвирланган асарлар мавжуд ва улар мавзуни махсус тадқиқ этиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан инсон ҳаёти, қисмати, шахсияти, табиати, руҳияти билан боғлиқ соф инсоний, табиий муаммоларни ўрганиш XX аср ўзбек адабиёти ва бугунги миллий адабий жараённинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади.

Жаҳон адабиётшунослиги, фалсафаси ва социологиясида ҳаёт ва ўлим муаммоси турли аспектларда ўрганилган. Ҳозирги кунда жаҳон илм-фанининг фалсафа, психология, социология, антропология, медицина, маданиятшунослик, этнология, этнография, тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишлари бўйича ҳаёт ва ўлим муаммосига оид кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳаёт ва ўлим муаммосини тилшуносликнинг турли сатҳлари бўйича концепт тарзида талқин қилиш ва баҳолаш), муайян ижодкор асарларини айни муаммо остида текшириш ва ижодкор концепциясини белгилаш (адабиётшуносликда), ўлимни фалсафий категория нуқтаи назаридан талқин

қилиш, ўлимнинг инсон ҳаётидаги ўрнини аниқлаш (фалсафада), инсоннинг ўлимга муносабатини мифлар ва урф-одатлар мисолида ойдинлаштириш, ўлимни феномен ва концепция тарзида тақдим қилиш (этнография, этнология ва маданиятшуносликда), ўлим ва унга олиб борувчи омилларни энциклопедик тарзда ўрганиш билан бу мавзунинг барҳаётлигини таъминлаш (социологияда) каби устувор йўналишлар кузатилмоқда. XX – XXI асрлар тадқиқотлари, илмий-назарий тажрибалари XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосини категория тарзида ўрганиш ва ўзига хосликларини аниқлаш имконини беради. Тириклик ва ўлим фалсафасини адабий категория сифатида ўрганиш:

– ҳаёт ва ўлим муаммосининг адабий-эстетик категория сифатидаги талқинини бериш, персонажни ўлимга олиб борувчи омилларга оид тамойилларни аниқлашда ёзувчи-давр-бадиий қаҳрамон триосининг ўрнини белгилаш имконини яратади.

– мумтоз ўзбек адабиёти ва XX аср ўзбек адабиётини қиёслаш асосида ҳаёт-мамот муаммоси талқинининг илмий-эстетик илдизлари ёритилади.

– XX аср адабиётида бадиий ечим сифатида берилган шахс фожиасининг юзага келишида инсон табиатидаги ожизликлар, чигал инсоний қисматлар, ижтимоий сабаблар ортида пайдо бўлган руҳий пўртаналарни кўрсатиш, суицидлик ҳодисаси – худкушликнинг миллий адабиётдаги ифодаси ёритиб берилади.

– падаркушлик муаммосини юзага келтирган ижтимоий-психологик асосларнинг бадиий адабиётдаги ифодасини ёритиш орқали ижод назариясига оид илмий-назарий умумлаштирмалар чиқариш мумкин бўлади.

– бадиий адабиётда инсоннинг ўлимга ва ҳаётга муносабати қай ҳолда ёритилганлигини тадқиқ қилиш орқали танатология ва адабиётшунослик ўртасидаги муштаракликни XX аср ўзбек адабиётига хос умумий ва хусусий ҳолатлар асосида илмий далиллаш имкони юзага келади.

Ҳаёт ва ўлим муаммосини адабий-эстетик категория сифатида XX аср ўзбек адабиёти намуналарига тадбиқ қилиш муаммонинг умумий кўламини очиб беради:

1. XX аср бошларига хос жадид адабиёти намуналарида ҳаёт ва ўлим муаммоси ижтимоий-психологик мазмун касб этган, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ижтимоий концепция даражасига кўтарилган. Бу концепция асосида таълимни янгилаш, ижтимоий онгни ўзгартиришда маърифатнинг ўрнини белгилаш каби масалалар етакчилик қилган. Шунингдек, ўлим тасвири билан боғлиқ зиддиятли ҳолатлар XX асрнинг 20-30-йиллари учун етакчи ҳол бўлиб, унинг поэтик восита сифатида асар ечимига хизмат қилган, хусусан, асар кульминациясини белгилаш, ижтимоий муаммоларни бўрттириб тасвирлаш зарурати етакчи қаҳрамонлар ҳаётини аксар ҳолларда ўлим билан ниҳоялашга олиб келган.

2. XX аср шўро адабиётида қаҳрамоннинг ўлими тасвирлари ҳамиша ҳам ижодкор эркинлиги билан юзага чиқмаган, шўро даври адабий сиёсати ўлим тасвири ва талқинида ўз асоратларини қолдирган, шунга қарамай, айрим бадиий асарлар соцреализм қобиғини ёриб чиқа олган. Бу ўринда XX аср насрида ҳаёт ва ўлим масаласи тагқатламли маъно касб этган. Бадиий адабиётда қаҳрамон ўлими тасвири ҳамиша ҳам ижодкор эркинлиги билан юзага чиқмади. Балки қаҳрамон ўлимида мафкуранинг тантанаси зуҳур бўлди. Соцреализмнинг ижодкор туйғуларини жиловлашга уриниши оптимистик трагедиянинг юзага келишига туртки бўлди.

Юқоридаги фикрларни XX аср ўзбек адабиётининг муҳим асарларидан ҳисобланган бир қатор романларга татбиқ қилинганда қуйидаги хулосаларни мумкин бўлади:

1.XX асрнинг 20-30- йиллари адабиётининг сара асарларидан Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида ҳаёт ва ўлим муаммосига миллийлик ва ислом дини аҳкомларидан келиб чиқиб ёндашилган ва бу тамойил ёзувчи шахсиятига сингиб кетган менталитет билан алоқадор. Абдулла Қодирий ҳаёт ва ўлим оралиғидаги қаҳрамон қисматини соф исломий талқинлар асосида кўрсатиш йўлидан борди. Чунки ёзувчи яшаган муҳитда бундай талқин мавжуд ғояларга қарши курашувнинг

ўзига хос усули эди ва адиб тутган позицияга кўра адабий қаҳрамонлар тақдири шундай талқинни тақозо қилар эди. Инсон эрки поймол этилган тузум тасвирида ёзувчи маълум маънода ўзи яшаб турган муҳитдаги норасоликларни ҳам назарда тутди. Публицистикага сиғмаган фикрлар романлар шаклида, адабий қаҳрамонларнинг мураккаб тақдири орқали акс эттирилди.

2. XX асрнинг 30- йиллари сиёсий жараёнини адабиётда бадиий акс эттирган Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романида соцреализм ақидаларига зид шахс фожиаси талқинлари намоён бўлган. Худкушликнинг юзага келиши шахс табиати ва ижтимоий муносабатларнинг ўрни билан боғлиқ ғоят таъсирчан ва теран таҳлил этилган ва бу “Сароб” романининг жиддий ютуғидир. “Сароб” романидаги етакчи персонажларнинг деярли барчаси фожеий қисмат эгаларидир. Роман муаллифи замонавий жаҳон адабиёти даражасида туриб персонажлар фожиасининг илдизларини турли ракурслардан ёритган. Шахснинг маънавий инқирози фақат ижтимоий омиллар оқибати эмас, балки шахс табиатидаги ожизликлар билан ҳам боғлиқ. Шу сабабдан уни фейльюристик қаҳрамон деб аташ мумкин. Саидий фожиаси эгоистик-аномик худкушликни юзага келтирди.

“Сароб” қаҳрамони фожиасини унинг табиатига боғлаб ўрганиш романга бағишланган тадқиқотларнинг вульгар-социологик, ижтимоий-психологик, аналитик талқинлари билан баробар эгоистик-аномик худкушликка оид қарашлар ва танатопсихологик талқинлари билан ҳам бойиди. Саидий фожиасини келтириб чиқариш ёзувчининг асосий ғояси бўлган деган фикрларга қарши ўлароқ ёзувчининг пировард мақсадига зид келган ижодкор онг ости ҳолатлари билан боғлиқ ҳодиса талқин марказида туради. Шу боис асар турли талқинларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

3. XX асрнинг 60-йилларигача давом этган конфликтсизлик назариясидан сўнг яратилган Одил Ёқубов романларида танатопсихологик таҳлилнинг бетакрор ифодаси ўлароқ ўлимолди ҳолатлари маромига етказиб тасвирланган. Бу “Улуғбек хазинаси” романида падаркушликни юзага келтирган омиллар, Мирзо Улуғбек фожиаси, Улуғбек ва Абдуллатиф зиддиятининг сабаби ота-ўғил муносабатидаги номувофиқликлар ва оиладаги нотўкис тарбия оқибати эканлиги қайд этилган. Улуғбек фожиасида улуғворлик, Абдуллатиф фожиасида тубанликнинг акс этишида ўлим мавзусининг киритилиши ўзига хос критерийга эгалиги асосланган. “Улуғбек хазинаси” романи ҳаёт ва мамот муаммоларининг трагик талқинларига бағишланган. Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф ўртасидаги конфликт оталар ва болалар муаммоси адабиётшуносликда ўзига хос мавзу эканини кўрсатади. Ўлим мавзуси Улуғбек ва Абдуллатиф фожиаси ва умр хотимасини белгилашда мезон бўлди. Шу тариқа улуғворлик ва тубанлик деб аталмиш категория яна бир талқин билан бойиди. Айни вақтда ўлим дунёвий фожианинг интиҳоси ўлароқ тақдим этилди.

О. Ёқубов романда, асосан, Абдуллатиф фожиасининг омилларини босқичма-босқич таҳлил қилиб берди. Унинг руҳий хасталикка чалинишида Улуғбекнинг шахсий муносабати муҳим ўрин тутганлиги далилланди. Номувофиқ тизим ўз эгаларини маҳв қилиши Улуғбек ва Абдуллатиф қисмати мисолида ифодаланди. Шу билан бирга, ўлимолди ҳолатларида қўрқув масаласи чуқур таҳлил қилинди. Ҳеч бир таҳдид инсон ўз қўрқуви олдида ожиз қолишидай таъсирга эга эмаслиги Абдуллатиф қисмати орқали ёритилди. Тадқиқотда ўлимни ўзига қабул қилаётган одамнинг руҳий ҳолатлари ифода этилди. Маълум бўлдики, дин ва эътиқодидан қатъи назар инсон ўлимни оддий зарурат каби қабул қила олмайди. Чунки ўлим инсон ҳаётидаги биринчи ва охирги тажриба ҳисобланади.

4. Айни шу ёзувчининг “Кўҳна дунё” романи воқеаларида ҳаёт ва ўлим муаммосининг чегара билмаслиги, ёзувчи ҳаёт ва ўлим фалсафасининг инсон тушунчаси ва англамларидаги ўрнини белгилашда инсоннинг ўлим билан юзма-юз ҳолатини танлаб, шу орқали ўлим жисмоний якун эмас, ўлим – ҳаётнинг қимматини белгиловчи мезон, ўлим – ҳаёт гўзаллиги кашфиёти, ўлим туфайли боқий дунёга ҳар ким ўз даражасида қадам қўйиши каби абадий ҳақиқатни уқтира олган. Одил Ёқубов ғоясига кўра “Кўҳна

дунё” романи қаҳрамонлари айни бир муаммо – инсоннинг ҳаёт ва ўлимга муносабати нуқтаи назаридан тўқнаш келадилар ва ёзувчи бу муносабатни ҳукмдор, олим ва табиб нигоҳидан ўтказади. Маҳмуд Ғазнавий Беруний ва Ибн Сино ҳаётининг қай бир нуқталарини туташтирган. Бошқа бир ҳолатда ҳам Беруний ва ибн Сино ўзаро баҳс-мунозара олиб боришлари мумкин эди. Лекин ёзувчи уларни ўта танг вазиятда учраштиради ва ўлим хавф солиб турган лаҳзада персонажларнинг ўлимга муносабатини кўрсатади. Маълум бўлдики, инсон тафаккурнинг қай жабҳасида турмасин, ўлим ҳақида узил-кесил фикр айта олмайди. Ёзувчининг муддаоси ҳаёт ва ўлим оралиғида тебранаётган инсон руҳиятидаги пўртаналарни очиш ва илм аҳллари мисолида ўлимни маҳв этиш, ҳукмдор мисолида эса ўлим инсонни маҳв этишининг бадиий талқинини беришдан иборат эди.

5. XX асрнинг 90- йиллари, яъни истиқлол даври ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосига кутилмаган, янги тамойиллар билан ёндашишнинг устувор бўлиб борди. Инсон ҳаёти, қисмати, шахсияти, табиати билан боғлиқ соф инсоний, табиий муаммоларга қизиқиш миллий адабий жараённинг характерли хусусиятларига айланди. Мустақиллик даври насрининг эркин табиати танатопсихологик талқинларга асос берди. Шунингдек, ҳаёт ва ўлим муаммоси моҳиятини англатишда масаланинг табиий-биологик ва миллий-исломий талқинларига, ижтимоий-психологик жиҳатларига урғу берди. Бу эса персонаж ички оламини тадқиқ қилиш имконини берди. Турли адабий тажрибалар уйғунлиги натижасида юзага келган асарлар ҳаёт ва ўлим бобида турфа хил қарашларнинг синтезини берди. Ҳаёт ва ўлимни англаш, уни талқин қилишда шахс яшаётган жамият билан баробар ундаги диний эътиқоднинг ҳам аҳамияти катта эканлиги аниқланди. Шахснинг ижтимоийлашуви ва ўз табиатидан бегоналашиб бориши уни турли фожиаларга гирифтор қилиши мумкинлиги англашилди. Айни вақтда ўлим руҳий поклов вазифасини ҳам бажардики, буни ўзлигидан айрила бораётган инсоннинг нажот йўли деб тақдим қилинди.

Ҳаёт-мамот жумбоғини фақат ижтимоий омиллардан қидириш билан бадиий асарнинг қимматини белгилаб бўлмайди. Бу сўз санъати имкониятларини чеклаб қўяди. Истиқлол даври ўзбек адабиётида ўлим мавзуси нафақат табиий якун, балки тафаккур маҳсулининг интиҳоси ва дунёни англаш воситаси тарзида ҳам талқин қилиниши билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу билан бир қаторда мустақиллик даври ўзбек насри китобхонга ҳаёт ва ўлим муаммоси моҳиятини англатишда масаланинг табиий-биологик ва миллий-исломий талқинларига, шунингдек, ижтимоий-психологик жиҳатларига урғу берди. Бу эса персонаж ички оламини тадқиқ қилиш имконини яратди

2000- йиллар ўзбек насрининг кўзга кўринган асарларидан Тоғай Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романида коммунистик мафкура билан қуролланган, унинг ғояларини ўзига сингдириб олган одамнинг ўлим олдидаги ачинарли ҳолати атеистик тарғиботнинг натижаси эканлиги адиб томонидан асосли далилланган. Асарда ёзувчи ўлимдан кейинги ҳаётни ғира-шира тасаввур қилаётган, тириклик ва ўлим чегарасида сарсон инсон фожиасига ишора орқали муайян даврга ҳукм чиқарган эди.

Кузатилса, ҳаёт ва ўлим билан боғлиқ муаммо ҳамма давр учун хослиги, фақат ифода, талқин бобида ижодкор нуқтаи назари билан ранг-баранглик касб этиши, бадиий адабиётда ҳаёт ва ўлимга мурожаат ўқувчи қалбини тозаловчи, омонат дунёда инсон деган шарафли номга лойиқ бўлиб яшашликнинг адабий-эстетик омили эканлиги кўрсатиб берилган. Ҳаёт ва ўлимни англаш, уни талқин қилишда шахс яшаётган жамият билан баробар ундаги эътиқод, диний тафаккур ҳосиласининг ҳам аҳамияти катта эканлигига эътибор қаратилган. XX аср ўзбек адабиёти инсоннинг ҳаёт ва ўлим билан боғлиқ талқинларнинг турли босқичга эга бўлди. Бу босқичларда шахс-замон-ёзувчи учлиги ҳаёт ва ўлим муаммоси призмасидан ўтказилганда нуқтаи назарлар турли талқинларга эга бўлганлигини кўриш мумкин.

XX аср ўзбек насри, хусусан, “Ўткан кунлар”, “Сароб”, “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романлари ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадиий

талқинлари жиҳатидан кўп асрлик миллий адабиёт, қолаверса, жаҳон адабиёти тарихида ўзига хос ноёб ҳодисадир деб хулоса чиқариш учун тўла асос беради.

O`ZBEK BOLALAR SHE'RIYATIDA MA'RIFIAT VA TARBIYA

ÖZBEK ÇOCUK ŞİİRİNDE MARİFET VE EDEP

Bashorat Jamilova,
Buxoro davlat universiteti dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

Doç. Dr. Başarat Camilova
Buhara Devlet Üniversitesi

Özet. Çocuk edebiyatı evrensel bilincin ayrılmaz bir parçası olmasına rağmen, onun hedef kitlesinden kaynaklanan bir dizi özellik de vardır. Çocuk edebiyatı ile yetişkin edebiyatı arasındaki farklardan biri de marifet ve edebe dayanması ile ilgilidir.
Anahtar kelimeler: çocuk edebiyatı, evrensellik, marifet, terbiye, edep.

Annotation: Although children's literature is an integral part of the universal consciousness, there are also a number of features that arise from the address (to whom it is intended). One of the differences between children's literature and adult literature is that of education.

Annotatsiya: Bolalar adabiyoti garchi umumadabiyotning ajralmas qirrasi bo`lsa-da, uning adresliligi (kimga mo`ljallangani)dan kelib chiqadigan qator o`ziga xosliklar ham mavjud. Bolalar adabiyotini kattalar adabiyotidan ajratib turadigan ana shunday farqli jihatlardan biri ma'rifiylikda aks etadi.

O`zbek bolalar she'riyatining ma'naviy aspekti haqida gapirilar ekan, qadimgi madaniyat va adabiyotning nodir yodgorliklari: Shiroq va To`marisning mardlik va qahramonlik jasorati haqidagi qissa va hikoyalar, Yusuf Xos Hojibning "Qudatg`u bilig"i, Ahmad Yugnakiyning "Hibat ui-haqoyiq", Pahlavon Mahmudning odamiylik kuylangan ruboiylari, Rabg`uziy va Navoiyning, Sa'diy va Jomiyning nasihatomuz hikoyalari roli, ahamiyati haqida eslamaslik mumkin emas.

Bolalar adabiyoti garchi umumadabiyotning ajralmas qirrasi bo`lsa-da, uning adresliligi (kimga mo`ljallangani)dan kelib chiqadigan qator o`ziga xosliklar ham mavjud. Bolalar adabiyotini kattalar adabiyotidan ajratib turadigan ana shunday farqli jihatlardan biri ma'rifiylikda aks etadi. Zero, bolalar adabiyotida badiiylik bilan bir qatorda ma'rifiylik–tarbiyaviylik ham o`ziga xos o`rin tutadi. Chunki bolalar adabiyoti yosh kitobxonning badiiy-estetik didini charxlash, go`zallikka oshno etish barobarida ularga ta'lim-tarbiya berish manfaatlariga, barkamol insonni tarbiyalashga xizmat qiladi. Shu sababli ham bolalar adabiyotining eng sara namunalarida odatda, badiiyat ma'rifiylik-tarbiyaviylik bilan chambarchas bog`langan bo`ladi.

Jumladan, bolalar shoiri T.Adashboyev ijodida ma'rifiylik-tarbiyaviylik turli holatlarda namoyon bo`ladi. Aytaylik, "Mening savolim" she'rida barcha narsaga qiziquvchan, hamma narsaning mohiyatini bilishga intiluvchi obrazi yaratilgan:

O`ylab qoldim ko`rpadan,
Turib-turmay uyg`onib.
Tun ne uchun qorong`u?
Kunduz nega yop-yorug`?
Onam, buvim, qayoqdan
Yaralganin so`rasam,
Qotib-qotib kulishar ,
O`ylab hayron bo`lasan.

Parvoz etar nega qush?
Bu savol ham qiynaydi.
Nechun uchmas qalpog`im,
Meni ko`zi qiymaydi?
Turib-turmay ko`rpadan
Shuncha savol qoshimda.
To`lib-toshgan jumboqlar
Yurar menig boshimda.

Shoir she'rida kkichkintoy bola qalbining psixologiyasi ochilishi bilan birga, uning boshida ming turli savollar g`ujg`on o`ynashini tasvirlashi bejiz emas. Demak, tafakkuri yetilayotga bolakay o`zi va atrofidagi yaqin insonlar, insoniyatning yaralishi, olam va odam munosabati haqida o`ylashi haqiqatga yaqin. Uning tafakkuri uyg`oqligi shundan. Umuman, tabiat va jonzotlar, olamning yaralishi bilan bog`liq yechimi mavhumsavollarga qiziqishi shu ma'noda diqqatga sazovor.

T.Adashboyevning ayrim she'rlarida bolalarga murojaat orqali kichkintoylar ko`z o`ngida bepoyon olamda mavjud o`ziga xos jumboqlar haqida fikr yuritadi:

Qumursqaning tovoni yo`q,
Ninachining qulog`i.
Soqol bilan tug`ilar
Echkilarning ulog`i

Beumurtqa mayqo`ng`iz
Ilon qo`lsiz, oyoqsiz
Nima kechar daraxtlar
Bo`lsa rangsiz, bo`yoqsiz?
Asalari ne uchun
Chaqib, o`zi o`ladi
Qiziq nega chuvalchang
Ikki boshli bo`ladi?
Jumboqlarning so`nggi yo`q,
Hayron bo`lmang halitdan
Puxta o`qib, ularga
Topajaksiz kalit ham…

Har ikkala she'rning muvaffaqiyati bolaning o`ziga yoki shoirning bolalarga murojaati tarzida hayotning bitmas-tuganmas jumboqlariga javob bilimlarni puxta egallash orqali erishiladi degan ma'rifiy g`oyaning yalang`och tarzda emas, balki hayotning o`zidan kelib chiqadigan tabiiy, ishonarli shaklda aks etadi.

T.Adashboyevning ma'rifiylik va tarbiyaviylikning go`zal badiiyatga hamohang tasvirlanishi alohida ajralib turadi.

"Bobo qancha yoshdasiz?" she'riy topishmog`I (1983) shu jihatdan diqqatga sazovor.

– Bobo, kenja nabirangiz
– Necha yoshga chiqdi hozir?
– Kenjam Nazir,
Men qanchaga chiqqan bo`lsam,
Shuncha oylik bo`ldi, bo`tam.
–Siz qanchaga chiqdingiz?–
Qaytib-qaytib so`rar Javlon.

–Yetmish sakkiz yoshga chiqdik,
Nabiramiz ikkovlon.

– Vuy, qiziq-a, xo`sh, qanday?
– Mening yoshim unikiga qo`shganda.
Kim topadi Ro`zmat bobo,
Qancha yoshga to`lganligin?
Nabirasi Nazir esa
Necha oylik bo`lganligin?

Topishmoq tarzidagi ushbu she'r mumtoz adabiyotimizdagi chiston janrini eslatadi. Chistonda ham muayyan narsa yoki, nom-tasvir orasiga yashiringan bo`lsa, T.Adashboyev she'rda boboning yshi va nevarasining necha oylik bo`lganligi matematik amal – tenglama yordamida topiladi. Binobarin, bu usul she'rning yanada qiziqarliroq bo`lishini ta'minlaydi.

"Hayvonot bog`ida" she'rida ham shoir yosh kitobxonni matematik amal–tenglamani qo`llash orqali topishmoqning javobini topishga undaydi. Biroq, bu she'r shunchaki topishmoq emas, balki, avvalo, go`zal, she'riy shakl–vazn, qofiya, ohangdoshlik va yorqin manzara uyg`unligiga erishilgani bilan e'tiborni tortadi:

Hayvonot bog`ida-chi,
Beda kemtir quyonlar.
Qirg`ovular sayr qilib,
Xotirjam yurar donlab.
Ellikta erur boshi,
Bir yuz qirqta oyog`i,
Qancha quyon, qirg`ovul
Toping, o`g`lon, bu yog`in?

Ko`rinadiki, bu kabi o`ylashga, mushohada yuritishga da'vat etuvchi she'rlar bolalarga ma'rifiy saboq berish bilan birga, badiiy saviyasi, kitobxonlikka bo`lgan munosabatini ham yuksaltirib boradi.

"Beshta arra", "Chumchuqlarga uyadir", "Farqi bitta harfdir" she'rlari bolalarga yana xuddi shundayo`yin vositasida so`z o`rcgatishning o`zgacha bir jihati bilan ajralib turadi. "Beshta arra" she'rida yosh kitobxonga so`zdagi dastlabki 1 ta harfni almashtirish bilan yangi so`z yasash, ma'nosi bilan o`rgatildi.

Umuman, bolalar shoirlari ijodida bunga o`xshash zukkolikka, ma'rifiylikka un dovchi she'rlar talygina. Bu jihat boshlang`ich sinf o`qish kitoblarida ham kuzatiladi. Aynan ilm-ma'rifatga da'vat etuvchi she'r, hikoyalar orqali o`quvchining tasavvuri kengayib boradi. Masalan, 2-sinf O`qish kitobida Abdulla Avloniyning "**ILM"** sarlavhali matni bor. U shunday bayon qilinadi: "Ilm deb o'qimoq, yozmoqni yaxshi bilmoq, har bir kerakli narsalarni o'rganmoqqa aytilur. Ilm – dunyoning izzati. Ilm inson uchun g'oyat oliy va muqaddas bir fazilatdir. Zero, ilm bizga o'z ahvolimizni, harakatimizni oyna kabi ko'rsatadi. Zehnimizni, fikrimizni o'tkir qiladi. Ilmsiz inson mevasiz daraxt kabidir. Ilmning foydasi shu qadar ko'pdirki, ta'rif qilgan bilan ado qilib bo'lmaydi. Bizlarni ilm jaholat qorong'ilig'idan qutqaradi. Madaniyat insoniyatni ma'rifat dunyosiga chiqaradi. Yomon fe'llardan, buzuq ishlardan qaytaradi, yaxshi xulq va odob sohibi qiladi. Xulosa qilib aytganda, butun hayotimiz, salomatligimiz, baxtimiz, g'ayratimiz ilmga bog'liqdir.

2-sinf O`qish kitobida Raim Farhodiyning **"ILK SABOQ"** she'ri berilgan.

Bugun rosa shodlandik,
Maktab tomon otlandik.
Ostonadan hatlaymiz,
Darsda she'rlar yodlaymiz.
Ilm olib behisob,
O'qiymiz qancha kitob.
Aql-idrok bulog'i,
O'quvchining o'rtog'i.
Yordam ayamas har on,

Ustoz – eng aziz inson.
Ustozga biz havasda,
Taqdim etdik guldasta.
Bo‘ldi rangin kamalak,
Ustozga aytdik tilak.
Jaranglasin qo‘ng‘iroq,
Darslar boshlansin tezroq!

Maktab va ustozga mehr qo`yish, ularni hurmat-izzat qilishga o`rgatish ilmga – ma’rifatparvarlikka yo`l ochadi. Bilimli o`quvchigina ustozlarini, maktabini jondan ortiq ko`radi. Shu ma’noda, boshlang`ich sinf o`qish kitoblarida bu yo`nalishdagi she’rlar talaygina. Ularning barchasi ana shunday ta’limiy-axloqiy ahamiyat kasb etadi.

Yosh avlodning ma`naviyatini rivojlantirishda esa bolalar adabiyotining alohida o`rni bor. Ular yosh avlodni barkamol qilib voyaga etkazishda, Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Bolalar adabiyoti sohasida yaratilgan aksariyat badiiy asarlar yosh avlod tarbiyasida yuksak ma`rifiy, estetik ta`sir kuchiga egadir. Bunday asarlarni aniqlab, ularning bola tarbiyasidagi roli va ahamiyatini maxsus o`rganishga, bu haqda yaxlit ilmiy tasavvur uyg`otuvchi tadqiqotlar yaratishga to`g`ri keladi. Chunki bolalar adabiyoti durdonalari bola tarbiyasida nafaqat badiiy-estetik, balki ijtimoiy mohiyat ham kasb etadi. Ayniqsa, bolalarda fuqarolik pozitsiyasini shakllantirishda ularning ta`siri kattadir. Shuning uchun hozirgi paytda ta`lim-tarbiya jarayonida bolalar adabiyotining eng sara namunalari tanlab olinib, boshlang`ich sinf darsliklariga kiritilmoqda va ulardan muhim tarbiya vositasi sifatida foydalanib kelinmoqda.

Istiqlol davri she’riyatiga xos xususiyatlar ancha keng o`rganilgan esa-da, bolalar she’riyatida bu jihat kemtik. Jumladan, ayrim ijodkorlar she’riyatining o`ziga xosliklari tahlil va tadqiqotga ehtiyojmand. Bu davr shoirlar she’rlarida shakl va mazmun yangilandi. Bolalar she’riyati qariyb bir asrga yaqin vaqt davomida mavzular, shakily va obrazlar talqini jihatdan qoliplashgan edi. Ularning aksariyati badiiy ko`lamdorlikdan yiroq edi. O`tgan asrning 80-yillarining ikkinchi yarmi va 90-yillardan boshlab esa o`zbek bolalar she’riyati istiqlol g`oyasidan bahra olib ohorli tashbehlar, badiiy-tasviriy vositalardan foydalana boshlandi. Mazkur davrda avvalgi avlodga mansub Safar Barnoyev, Miraziz A’zam, Tursunboy Adashboyev, Anvar Obidjon singari bolalar shoirlari istiqlol g`oyasini tarannum etuvchi, she’riyatning noan’anaviy tur va shakllaridan foydalanib ijod qila boshladilar. Ayni paytda yangi davr ruhi bilan sug`orilgan lirik ijodning yosh iste’dodlari ham yetishib chiqa boshladi. Istiqlol bilan hamnafas adabiyotda o`z o`rniga ega bo`lgan H.Imonberdiyev, K.Turdiyeva, D.Rajab, A.Akbar kabilar esa yosh avlodning ehtiyojlargini inobatga olib mazmun va shaklda she’r va dostonlar yozib jarayonning faollashuviga hissa qo`shdilar.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Белинский В.Г. Собр. соч.в3-х.т. -М.,1998.Т.1. -С.238.
2. Обиджон А. Жуда қизиқ воқеа. – Тошкент: Чулпон,1987. -Б.3
3. Қуддус Мухаммадий. Адабий–танқидий мақолалар. – Тошкент: Ёш гвардия, -1979. – Б. 23 -24.
4. Жумабоев Мамасоли. Болалар адабиёти. “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2013.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА “СЕҲРЛИ ГИЛАМ” ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ВАЗИФАЛАРИ

ÖZBEK HALK MASALLARINDA “SİHİRLİ HALI” SİMGESİNİN POETİK GÖREVİ

Расулова Зебинисо
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти катта илмий ходими

Dr. Zebinisa Rasulova
Özbekistan Bilimler Akademisi Özbek Dili
Edebiyatı ve Folkloru Enstitüsü.

Özet. Makalede Özbek halk masallarında yaygın olarak kullanılan “sihirli eşyalar”ın kullanımı ele alınmıştır. Özellikle, “sihirli halı” ve onunla ilgili mitolojik özellikler hakkında fikirler ileri sürülmüştür.
Anahtar kelimeler: sihirli masalı, “sihirli eşya”, halı, mifopoetik, dil.

Summary. The article deals with the use of “magic items” commonly used in Uzbek folk tales. In particular, ideas about the "magic carpet" and its mythological features have been proposed.
Keywords: magic tale, “magic item”, carpet, mifopoetics, language.

Резюме. В статье рассматривается использование «магических предметов», широко используемых в узбекских народных сказках. В частности, были высказаны идеи о «волшебном ковре» и его мифологических особенностях.
Ключевые слова: волшебная сказка, «волшебный предмет», ковер, мифопоэтика, язык.

Сеҳрли гилам фантастик типдаги эртаклар сюжетида учрайдиган “ғаройиб буюм”лардан биридир. У ўзбек халқ сеҳрли эртакларида кўп учрайдиган анъанавий образлардан бири бўлиб, эпик қаҳрамоннинг узоқ манзилга, ўзга юртга ёки бирор-бир сеҳрли-фантастик маконга бориб, ё нимадир тилсим предметни олиб келишида, ё қайсидир муҳим сирни билиб келишида восита сифатида хизмат қилади.

Сеҳрли гиламнинг сирлилиги, мўъжизавийлиги, ғаройиб хусусияти эртак сюжети давомида бўрттирилиб, кучайтирилиб борилади. Эртакларда унинг бир манзилдан бошқасига етказиш воситаси вазифаси кўпроқ кузатилади. Ҳатто айрим эртакларда “сирли гилам” етакчи образ бўлганидан сарлавҳа даражасига кўтарилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, халқимиз орасида кенг тарқалган “Сирли гиламча” (1) эртагида илгари замонда бир чол билан кампир узоқ вақт фарзандсиз умр кечириб, ниҳоят, эри элликка, хотини эса қирққа кирганда, бир ўғил кўриши, эру хотин ўғилни мактаб ёшига етгач, яхши домлага бериши, бола йигирма ёшга тўлгач, бир кун унга бир чол йўлиқиб, анча суҳбатда бўлиб, йигитга кўп насиҳатлар бериб, кўпгина сирли сўзларни ўргатиб, мендан сенга ёдгорлик бўлсин, дея бир гиламча тортиқ қилиши ҳикоя қилинади. Йигит чолдан бу гиламчанинг қандай сири борлигини сўраганда, чол унинг сири устига чиқиб ўтиргач, “Эй гиламча, чолнинг ҳурмати, мени фалон жойга етказгин!” деса, кўзини юмиб-очгунча ўзини ўша ерда кўришини айтади. Ёки яна гиламчани қўлига олиб: “Эй гиламча, чолнинг ҳурмати учун кичкина рўмолча бўл!” – деб гиламчани бир қоқса, у кичкина рўмолча бўлиб қолишини айтади.

Йигит чол билан хайрлашгач, гиламчанинг сирларини бир неча марта синаб кўриб, чолнинг рост сўзлаганига ишонч ҳосил қилади ва шундан сўнг у ўзи яшаётган мамлакат подшоҳининг қизига совчи қўяди. Бундан ғазабланган подшо йигитни ўлимга маҳкум

этмоқчи бўлади, аммо подшонинг доно вазири ортиқча қон тўкмасликка интилиб, подшони ёмон ниятидан қайтаришга, йигитни ўлдирмасликка, аксинча, унга бирор-бир оғирроқ шарт қўйишга кўндиради. Подшонинг қўйган шартни бажариш учун йигит сафарга чиқади. Шунда у “сирли гиламча”сидан фойдаланади.

Бунда “сирли гиламча” образи эртак сюжетини ривожлантирувчи муҳим бадиий восита сифатида хизмат кўрсатади. Унинг воситасида эртак воқеалари бир-бирига уланиб боради. Эпик қаҳрамон “сирли гиламча” орқали у манзилдан бу манзилга борар экан, унинг ҳар бир сафари эртак сюжетидан алоҳида-алоҳида эпизод тарзида ўрин эгаллайди. Шартга мувофиқ йигит дастлаб тилсим гилам орқали сирли тандирда яшайдиган ғалати чол-кампир ҳузурига бориб, нега улар тандирда яшашларини билиб келиши лозим эди. Шунга кўра йигит келиб чолга учраб, бу сирни сўраганда, у “фалон шаҳарнинг қабристонида кичкинагина бир ҳужра бор. Шу ҳужра ичида бир қари чол қоровул бўлиб туради ва кечаю кундуз тинмай йиғлайди. Сен бориб шул қариядан йиғлашининг сабабини, тирикчилиги нима билан ўтишини билиб келсанг, мен ҳам сиримни айтиб бераман”, дея бошқа шартни қўяди. Кўринадики, шу тариқа воқеалар бир-бирига уланиб боради.

Хуллас, эртак давомида “сирли гиламча”сига ўтириб узоқ сафарларга осон етиб борган йигит кўп сирларни билганча уйига қайтади. Билганлари ҳақида подшони огоҳ этади. Подшо йигитнинг сабр-бардошини тан олиб, унга қизини беришга рози бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур эртак сюжетида “сирли гилам” образи оила мавзуси, оила сири, оила шаъни масаласи билан боғлаб талқин қилинган. Бунинг асоси эса гиламнинг оила предмети экани билан боғлиқ, албатта.

Ўтмишда (ҳатто ҳозир ҳам баъзан) хонадон деворига гилам осиш удуми кенг тарқалган. Гилам осиш кўзланган деворда махсус туйнук ўрнатилган ва унга шу хонадонга, яъни оилага дахлдор қимматбаҳо буюмлар, ҳужжатлар, зарур, сирли, махфий деб қаралган нарсалар сақланган. Шу тариқа улар ўзгалар нигоҳидан ва эътиборидан четда асралган, ҳимоя қилинган ва келажак авлодга мерос сифатида бекаму кўст етказилган. Демак, ана шу ҳаётий асос халқ эртакларида “сирли гилам” образининг шаклланишига ҳамда унинг манзилларни туташтирувчи, оила сирини очувчи вазифаларида талқин этилишига туртки бўлган дейиш мумкин.

Қаҳрамонларнинг узоғини яқин қилиш “сирли гилам” образининг асосий бадиий вазифаси саналади. Буни “Маликаи Гулизор” (2) эртаги сюжети мисолида ҳам кузатиш мумкин. Унда бир бойнинг Гулизор исмли қизи ўзига ошиқ бўлган уч йигитга: “Менинг кўнглимга хуш келадиган бир нарса олиб келасиз, учингиз ҳам бир кунда, бир соатда келасиз, шунда, қайси бирингизнинг олиб келган нарсангиз ёқса, мен ўшанга тегаман, қолган иккингизга эса, сингил бўламан”, –деб шарт қўяди. Бу шартга биноан биринчи йигит кўзгу, иккинчи йигит икки ойлик йўлни икки соатда босиб ўтишга ярайдиган сирли гиламча, учинчи йигит сеҳрли олма сотиб олишибди. Йигитлар сеҳрли кўзгуга боқишса, Маликаи Гулизор ўлим тўшагида ётганмиш. Шунда улар сеҳрли гилам устига миниб, у орқали осмону фалакка учиб, икки соат ўтар-ўтмас Маликаи Гулизорнинг ҳовлисига етиб келишибди. Қиз сеҳрли олмани еб тузалибди.

“Сеҳрли най” номли эртакда Носир исмли қаҳрамон девларни лақиллатиб, уларнинг қўлидаги сеҳрли гиламни эгаллаб олади. “Бу гиламча устига чиқиб, нима десанг шу амалга ошади, яна у билан истаган томонингга учишинг мумкин”, – дейди девлар йигитга гилам ҳақида. Носир сеҳрли қалпоқ кийиб, кўринмас ҳолга келиб, гиламнинг устига чиққанча Эронга учибди.

“Моҳистара” (3) эртагида ҳам шунга ўхшаш мотив варианти учрайди. Бунда мерос ҳисобланган “сирли гилам” инсонларга эмас, девларга тегишли экани таъкидланади. Унда айтилишича, девларга қарашли тўрт мерос буюм: бир қалпоқ, бир гиламча, бир камон, бир олтин жом бўлиб, тўрт ака-ука дев бу нарсаларни тўрт йилдан бери бўлиб ололмай жанжалда эканлар. Уларнинг бу ноаҳиллигидан фойдаланган шаҳзода девларни лаққиллатиб, ушбу нарсаларни ўзлаштириб олади. У шу нарсалар орасидаги гиламчага

тушиб ўтириб “кўтар!” деса, осмонга кўтарилиб кетади ва бутун дунёни саёҳат қилишга эришади.

Халқ эртакларида гилам образи ҳар доим ҳам тилсимли эмас, оддий кўринишда ҳам тасвир этилади. Масалан, “Моҳистара” эртагида сеҳрли гилам қаторида оддий гилам тасвири ҳам келтирилганига гувоҳ бўлиш мумкин: “Супанинг устида қип-қизил ипак гилам, унинг устига атлас, шоҳи, кимхоб кўрпачалар тўшалган. Ҳалиги киши Шавкатни супага таклиф қилибди. Шавкат чиқиб, гиламни босиб бориб, кўрпачага ўтирибди”, – дейилади.

Бу эртакда “сирли гилам” билан бадиий вазифадош бўлган “учар каравот” (учар сўри) образи келтирилган. Бир тўп қизлар ана шу учар каравотнинг устидаги гиламга чиқиб ўтирибдилар. Қизлардан бириси кароватнинг муфти гардонини бураган экан, каравот ўз-ўзидан қўзғолиб, осмонга кўтарилиб кетибди. Шаҳзода қараса, қизлар осмонда каравотнинг устида учиб кетиб бораётган эмиш. Шаҳзода ҳам гиламга ўтириб, қизларнинг кетидан осмону фалакка учиб чиқиб, қизлар билан қорама-қора кетаверибди. Бир неча фурсат учганларидан кейин қизлар пастлай бошлабдилар. Шаҳзода ҳам пастлаб учибди. Бир вақт шаҳзода пастга қараса, ер юзида бир жойда ёруғ кўринибди. Қизлар шу ёруғликка қараб борибдилар ва охирида шу ёруғлик чиққан жойга келиб қўнибдилар. Шаҳзода ҳам қўнибди. Бу жой катта боғ бўлиб, ёруғлик шу боғдан чиқаётган экан. Қизлар каравотни ташқарида қолдирибдилар ва ўзлари шошилганларича боққа кириб кетибдилар. Шаҳзода гиламни тахлаб, нарсаларини қўлтиққа жойлаб, қалпоқнинг остида ҳеч кимга кўринмай, қизларнинг кетидан у ҳам боққа кириб бораверибди.

“Моҳистара” эртагида қирқ кунлик тўйдан сўнг Шавкатбек қайнатасидан рухсат олиб, икки хотини ва пари қизларни гиламга, қолганларни Моҳистаранинг олтин сўрисига ўтқазиб, осмонда бир қанча вақт учиб боргач, юртига етиб олади.

“Ҳакимбек ботир” эртагида “сеҳрли гилам” образи париларга тегишли тилсим предмет сифатида талқин қилингани кузатилади. Унда Гулойим пари ўзининг учар гиламига: “Бу йигитга қуюқроқ соя ташлаб тур”, – деб буюради. Парининг буюруғига жавобан, учар гилам уйқудаги Ҳакимбек ботир устига соя солиб туради. Шу эртакда учар гилам образига ёндош учар от образи ҳам келтирилган бўлиб, у ҳам эпик қаҳрамонни осмони фалакка кўтариб, узоқ манзилга кечгача етказиб боради. Эртакларда гилам билан боғлиқ яна бир анъанавий мотив қаҳрамоннинг гиламчилик ҳунарини танлаши ва уни пухта эгаллаб олиши натижасида, ўлимдан қутулиб қолиши мотивидир. “Яхши ният – ярим давлат” эртагида бир йигит гиламдўзга шогирд тушиб, бир йилда гилам тўқиш ҳунарини пухта ўрганиб олади ва шаҳарнинг энг олдинги гиламдўзларидан бирига айланади. Халқ уни ҳурмат қила бошлайди. Бахтидан шод йигит тўқиган кичик бир гиламни кўтариб, ўзига йўл кўрсатган ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган сахий одам ҳузурига боради ҳамда унга совға қилиб атаган гиламни тутқазади. Нуроний одам гиламни олиб, йигитнинг пешонасидан ўпиб, фотиҳа беради. Шундай қилиб, ниятини яхши қилгани учун йигит бойиб кетади ва ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлиб яшайди. “Ҳасан ва Зуҳра” (4) эртагида бефарзанд подшо камбағал подачининг “Агар шоҳ мени олса, икки бола: Ҳасан ва Зуҳра туғиб берар эдим” деган кенжа қизи Зулфияга уйланиши, аммо аламзада қирқ кундош маккор кампирни доя ёллаб, туғилган экизак чақалоқларни икки улоқчага алмаштириб, чўлга ташлатиши, чўлда эса болаларни бир карвон учратиб, карвондаги раҳмдил бир киши уларни бола қилиб олиши, норасидаларга Ҳасан ва Зуҳра деб ном қўйиши, одоб-таълим ўргатиши, Ҳасан забардаст полвон бўлиб улғайса, Зуҳра ҳунар ўрганиб, чиройли гиламлар тўқийдиган бўлиши, қизнинг тўқиган гиламлари бозордаги гиламлардан ўн чандон қиммат юриши ҳикоя қилинади. Бу эртакда айнан Зуҳранинг гилам тўқишга жуда уста бўлгани ҳақидаги дарак мазкур оила сирининг очилишига туртки бўладики, бу ўринда гилам образининг оила сири мотиви билан боғланиши яна бир карра кўзга ташланади.

“Етим қиз” номли ўзбек халқ эртагида ота-онаси ўлиб, ёлғиз қолган қизни бир чол-кампир боқиб олиши, шу қиз бир куни тушида бир йигитни кўриши, у йигит ҳам қизни

тушида кўриб, улар бир-бирларини севиб қолиши, қиз бозорга отланган отасидан озгина ипак келтириб беришини сўраши ва ўша куни кечаси қиз отаси олиб келган ипакдан ўз расмини солиб чиройли гилам тўқиши ва шу гиламни бозорда соттириш орқали тушида кўрган севгилиси Ёқубжонни топишга муваффақ бўлиши, бошига кулфат тушганда эса ўзининг дарагини тўқиган гилами орқали турмуш ўртоғига етказиши ҳақидаги қизиқарли воқеалар ҳикоя қилинган.

Кўриняптики, бу эртакда ҳам гилам оила, турмуш воқеалари билан боғланган. Демак, гилам оила, рўзғор предмети бўлгани сабабли эртакларда, асосан, оилавий муносабатлар талқини билан боғланиши кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Олтин олма. Ўзбек халқ ижоди.”Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти. 1966–Б.153-176.

2. Сув қизи. Ўзбек халқ эртаклари.– Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – Б.191-196.

3. Сув қизи. Ўзбек халқ эртаклари.– Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – Б.5-51.

4. Ойжамол. Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969. – Б.114-121.

FROM THE HISTORY OF SINO-UZBEK HISTORICAL AND LITERARY RELATIONS

Хитой ва Ўзбекистон халқлари тарихий ва адабий алоқаларининг вужудга келиши

Musurmanov Erkin Rabbimovich
PhD, Samarkand State University,
PhD. Мусурманов Эркин
Самарқанд давлат университети

Summary

The article discusses the history of the emergence of historical and literary relations between the peoples of Uzbekistan and China. These relationships have a very deep history that begins with a prehistoric period. Thanks to traveler and diplomat Zhang Qian (张 骞) and Buddhist monks like Xuanzang (玄奘), the road from China to Uzbekistan was opened for the first time. Consequently, it turned into a transcontinental highway named as the Great Silk Road. These ancient historical relations were impetus to the general progress between the countries of Asia and Europe.

Keywords: *The history of relations between the peoples of China and Central Asia, Chinese travelers, the Silk Road, Buddhism and international relations*

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги тарихий ва адабий алоқаларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёни хусусида сўз юритилади.Милоддан олдинги даврлардан бошланган ушбу муносабатлар жуда чуқур тарихга эга. Дипломат Чжан Цзян (张张) ва роҳиб Суанзанг (玄奘) сингари саёҳатчилар туфайли Хитойдан Ўзбекистонга йўл очилди. Кейинчалик у Буюк Ипак йўли деб номланадиган трансконтинентал магистралга айланди. Ушбу тарихий муносабатлар Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасидаги ижтимоий-маданий тараққиётга туртки берди.

Калит сўзлар: *давлатлараро муносабатлар тарихи, қадимги хитойлик саёҳатчилар, Буюк Ипак йўли, адабий жараён.*

The Uzbek-Chinese historical and literary relations arose mainly due to travelers and diplomats of the Han dynasty (汉朝, Hàn cháo, 206 BC - 220 AD) and Tang (唐朝, táng cháo, 618-907).

Thanks to the explorers, travelers and traders of ancient China, the Chinese learned about the peoples of Central Asia, as a result, the Great Silk Road was opened. The road was laid in the 2nd century BC., prolonged from Xian through Lanzhou to Dunhuang. It passed through Turpan, then crossed the Pamir and went to Ferghana, Samarkand and the Kazakh steppes, to Bactria, and from that destination it stretched to Parthia, India and the Middle East until the Mediterranean Sea.

The ancient Chinese were very interested in the peoples of the north-western countries who lived beyond the high mountains. During the reign of the Han emperor U-di (漢 武帝, hànwǔdì, (August 27, 156 BC – 87 BC), the Great Silk Road was promoted, contacts with Central Asia expanded, information about Buddhism entered China, grapes and alfalfa were brought to China for the first time, and eventually trade was established along the Great Silk Road.

In 139 BC e. Emperor Wu-di sent Zhang Qian (张 骞, Zhāng Qiān; in 114 BC) to the Yuezhs, with the goal of persuading the people to join in the military actions against the steppe tribe of the Syuns, later known as the Guns (Huns) . The Huns terrorized Northern China, forcing the Han people to build the Great Wall, and also expelled a number of other peoples from their homes, including those mentioned by the Yuezha. Thanks to Zhang Qian,

Han China established diplomatic relations with Yuezhi, Daiyuan (Kokand), Kangyu. Seven years later, Zhang Qian returned and wrote a report to the emperor on a successful mission. In his work “Shiji” (史記 / 史记, shǐ-jì), the Chinese historian Sima Qian (司马迁, Sīmǎ Qiān; 145 - 86 BC) reports that Emperor Wu-di (Wu-ti) received from Zhang Qian information about the state of Davan, which lies behind the Turfan oasis, west of Dunhuang - the last outpost of the empire. The main news, which aroused the monarch’s interest, concerned the breeding of a special breed of horses in Davan — beautiful, hardy and sweating blood, which allegedly testified to their heavenly origin [1; 2].

The great Chinese poet Du Fu (杜甫, Dù Fǔ, 712–770), like other famous Chinese thinkers, dedicated the poem “Ferghana Horse of Mr. Fan” to these horses

Here is a famous horse
from the Ferghana country!

How strong its backbone is
and firmly knocked down!

Like stalks of bamboo
two ears stand

Hurricane raise
two pairs of hooves!

You any space
subdue on it,

You can not be afraid with him
misfortunes and troubles.

If you have
fast-footed horse,

For you from now on
no distance!

(translation by L. Bezhin)

And another poet of the Tang dynasty - Li Bai (李白; 李 太白, 701-762) also praised the Ferghana horses. Excerpt from the poem "Song of the Heavenly Horses"

The clan of horses of heaven began
in the Yuezhi country in the caves.
they have a tiger pattern on their backs,
with dragon wings body.

The campaign of Zhang Qian served as a very important economic and cultural event in the inter-civilization contacts, resulting in the opening of the Great Silk Road. The first caravan with silk set off from the city of Xi'an in 106 AD. Since then, information about Central Asia began to penetrate the countries of Europe, just as the countries of the Far East began to learn about the West.

After Zhang Qian, a few other Chinese antiquity travelers also visited present-day Uzbekistan. But among them, the Buddhist monk, the pilgrim Xuanzan (玄奘, Xuánzàng, 602-664) stands out especially.

In 629, Xuanzan left the capital of the Tang Dynasty - and went to India through Uzbekistan to search for the holy land. It took him 4 years of intense effort, as well as amazing perseverance, to overcome the mountains of Hami, Turfan, Karashar, Kuchi, Aksu,

Tien Shan mountain, Kesh, Tashkent, Samarkand, Termez (Uzbekistan), Pamir mountain in Uzbekistan, Bactria in Afghanistan, mountains Hindu Kush and Jalal-Abad in Pakistan. He went through 16 countries along the Silk Road and finally reached the Holy Land in the north-eastern part of ancient India.

The book of Xuanzan details ethnic, religious and national characteristics of present-day Uzbekistan [3]. He appeared in the Ferghana Valley through the Tien Shan. Then he forwarded southwest to Tashkent (赭 時), from there he crossed the desert and ended up in Samarkand, there he discovered two abandoned Buddhist temples. The ruler of Samarkand gave him comprehensive support and provided him with guides. Moving south, he headed to the Pamirs, passed through the Iron Gate. Then he went down to the Amu Darya and entered Termez, where he discovered a large community of thousands of Buddhist monks. In knowledge of Buddhist teachings, Samarkand and Termez had a great influence on the Chinese pilgrim.

Xuanjiang writes with enthusiasm about the Samosians (Samarkand): “These possessions are protected by natural obstacles and have a large population. The most precious works of foreign countries are collected here in great numbers. The soil is obese and fertile and gives plentiful harvests. Forest trees grow luxuriously, and flowers and fruits are produced in abundance. This country has many beautiful horses. Its inhabitants differ in art and craft. The climate is pleasant and temperate; morals inspire strength and courage. Regarding everything that concerns moral behavior and decency, neighboring and distant peoples consider this possession as a model” [4]. In 646, by the instructions of the emperor, Xuanzang completed his book “Journey to the Western Region” [at the time of] the Great Tang Dynasty (大唐 西域 記).

Chinese traveler Hoi Chao, who visited Samarkand in 726, writes about the decline of Buddhism in the city. Describing the religious traditions of the peoples of Tokharistan (in particular, the inhabitants of Huttalyan and Vakhan), he writes: “The king, nobles and people honor the Hinayanist Buddhist faith, many monasteries and monks” (Gafurov, B. G. Tadzhik ... S. 288). The traveler also writes about the peoples of Tokharistan. According to his description, the king comes from a tribe of Türks, in the country half of the people are hu, that is local, the other half are Türks. The country is ruled by Arabs. Some of the inhabitants speak Tokharistan, some in Turkic, and some in the local language” (Gafurov, B. G. Tajiks ... S. 288) [5].

Also, one of the prominent Buddhist figures of the Three Kingdoms period was the translator and commentator monk Kang Senhui (康 僧 会， ? - 280). He played a prominent role in the history of the formation of the relationship between Buddhism and the local Chinese tradition - Confucianism and Taoism. Interestingly, his ancestors were either from Khorezm, or from Samarkand. According to “Records of Yu, biography of Kang Senhui” (祐录), the ancestors of Kang Senhui were from Khorezm, their parents lived in India for a long time. Having lost his parents at about the age of 10, he early embarked on the path of monasticism. He was known as a very erudite person, well versed in issues of Buddhist theory [6]. In the history of Chinese Buddhism, Kang Senhui was recognized as both a translator and one of the first supporters of the idea of combining Confucianism, Taoism and Buddhism. In particular, Chinese researcher Guo Peng calls him "the first person in the history of Sino-Buddhist thought, combining in one person the ideas of Confucianism, Taoism and Buddhism" [7, 167].

As it turned out, the origins of historical and literary ties between the peoples of Uzbekistan and China go back to very ancient times. Aforementioned research data show that in addition to economic relations, the cultural and religious connections between those two regions have also developed. We think that despite the proximity of Central Asia and China to each other, and having a close economic connection through the Silk Road, historical data on cultural and literary interaction that existed at the beginning of the first millennium between

two regions are very sporadic and little studied. Additional research work on the study of ancient manuscripts in both regions can provide rich and very interesting information about the cultural and social relationship between Central Asia and China.

LITERATURE

1. СЫМА ЦЯНЬ. Исторические записки (Ши цзи). Т. I. Перевод с китайского и комментарий Р. В. Вяткина и В. С. Таскина, под общей редакцией Р. В. Вяткина. Вступительная статья М., В. Крюкова. М., Изд. 2-е, исправленное и дополненное, 2001. 415 с.

2. СЫМА ЦЯНЬ. Исторические записки. — М.: «Восточная литература», 1972.

3. СЮАНЬ-ЦЗАН. Записки о западных странах [эпохи] Великой Тан (Да Тан си юй цзи). М.: Восточная литература, 2012. 464 с. ISBN 978-5-02-036520-9.

4. В ДУБОВИЦКИЙ. Взгляд с Востока. [Электронный ресурс]: URL. Как китайцы исследовали территорию Центральной Азии. http://www.infoshos.ru/?idn=1528. (дата обращения: 12.12.2019).

5. К САДЫКОВ**.** Роль буддизма в историко-культурных взаимосвязях древних тюрков с соседними восточными народами // Философия и религия востока. 95-98. [Электронный ресурс]: URL. https://cyberleninka.ru/article/n/rol-buddizma-v-istoriko-kulturnyh-vzaimosvyazyah-drevnih-tyurkov-s-sosednimi-vostochnymi-narodami. (дата обращения: 28.11.2019).

6. А. К. ХАБДАЕВА. К вопросу о распространении буддизма в Китае в пероид троецарствия. Кан Сэнхуй. Вестник Бурятского Государственного Университета. УДК 243.3 (510) 102-104 8/2013 . [Электронный ресурс]: URL. https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-rasprostranenii-buddizma-v-kitae-v-period-troetsarstviya-kan-senhuey/viewer.)

7. ГО ПЭН. Чжунго фоцзяо сысян ши (История буддийской мысли Китая): в 3-х т. – Пекин: Изд-во общественно-научных памятников, 2012. – Т. 1. – С. 165.

BÂBURNAME'DA KULLANILAN TÜRKÇE, ARAPÇA VE FARSÇA KÖKENLİ KELIMELERLE GÜNÜMÜZ TÜRKİYE TÜRKÇESİ VE ÖZBEK TÜRKÇESININ KARŞILAŞTIRILMASI

Madiev Fazliddin
Karabük Üniversitesi
Uluslararası Politik Ekonomi Bölümü
Yüksek Lisans öğrencisi

Özet

Babur'ın sanatçi kişilığinin en önemli ürünü, 12 yaşından itibaren yazmağa başladığı, hiç şüphesiz, Türk edabiyatının en güzel nesir örneklarinden olan Bâburnâme adlı hatıratıdır. Siyasi yönüyle ıstıraplı bir dönemin içinden gelmiş olmasına ragmen, adebi geleneğin hüküm sürdüğü bir ailenin içinde yetişen, üstelikde de atası Timur'un hatıratı olan Tüzükât-ı Timur'u muhakkak okumuş olması gereken Bâbur'un bu sanat dolu ortamdan etkilenmemesi mümkün değildi. Bâburname'yi her şeyden önce bir otobiografi olarak görmek gerikir. Fakat onu emsallarından üstün tutan, muhtaviyatının çeşitliliğidir.

Anahtar kelimeler: *Bâburname, Ortaçağ Özbek (türkçesi), çağdaş Türk dili, dilbilimciler, hatırat.*

Şah ve şair olan Baburşahın *Bâburname* eseri gerçek bir hazinedir. Bu eser, özellikle, tarihçiler ve dilbilimciler için yüzyıllardır bir bilim kaynağı olmuştur. Bende kendi mesleğimden gelerek, *"Bâburname'da kullanılan Türkçe, Arapça ve Farsça kökenli kelımelerle günümüz Türkiye türkçesi ve Özbek türkçesının karşılaştırılması"* diye adlandırdığım makâlemde bu kitaptan küçük bir çalışma mevzusi seçtim ve araştırmamı genişletmeyi hedefledim.

Türk milletlerini birbirleriyle ilişkilendirmede ana etken - bizim dilimizdir. *Bâburname'yi* okuduğumda buna tekrar tekrar iknâ oldum. Bu kitap dilbilimciler için paha biçilmez bir kaynaktır. Kitabı mütalaa ettikçe, o zamanların duygusu sizi hafifce sarar ve birdenbire, Ortaçağ Özbek (türkçesi) dili ve modern Özbek dilini karşılaştıracaksınız. Bu konuda Baburşahın deha bir şahıs olduğunu kabul edeceksiniz. Bende kitabi okurken, modern Özbek dilinde kullanılmiyor olsada, çağdaş Türk edebiyatında kullanılan sözcükleri bir araya toplamaya ve bu kelimelerin çağımız edebi Özbek dilindeki hemde çağdaş Türk edebiyatı ve dilindeki anlamlarını incelemeye çalıştım.

"Bâburname" – Özbek türkçesi edebi edebiyatındaki nemüne ve paha biçilmez bir eserdir. Bu kitap Orta Asya, Afganistan, Hindistan ve İran'ın tarihi hemde coğrafyası hakkında değerli bilgiler içermektedir. Bu kitabın en önemli yönlerinden biri, o zamanki Özbek edebî dilinin parlak bir örneği olmasıdır. Bu eserin orijinal adı "Buburiya" olsa da, sonradan "Bâburname" olarak ün kazanmıştır.

Bu eserin tam metni 1857'de Tatarıstanlı türkoloji ve doğubilimci Rus alimi N.I. İlminski tarafından tipografik baskı ve Rusça önsözle Kazan'da yayınlanmıştır. Bu arada Rus bilim adamı N.I.Ilminsky'nin bu aser konusunda mükemmel çalıştığını'da not etmek önemlidir.[33]

Babur, Orta Asya kültürünün oldukça eğitimli bir taşıyıcısıydı. Onun hatıratları, ziyaret ettiği ülkelerin tarihine, hayatına, bitki örtüsüne ve faunaya olan ilgisini yansıtıyor o yuzden onun "Bâburname" kitabının tarihi ve edebi değeri her alan için oldukça büyüktür. Tarihte yanlış

[33] Porso Shamsiyev, "Boburnoma"ga sharh Toshkent "Yulduzcha" nashri. 1989, 3 s.

olarak kullanılyıor olan "Büyük Moğollar" döneminde zaten "Babur'un hatıratı" bir çok imparatorların ve sultanların referans kitabı olarak kullanılmıştır.

Babur'un torunu Büyük I. Akber, aseri Farsçaya çevirilmesini ve çok sayıda minyatürle süslenmesini emretmiştir. Dolayısıla, bu kitap Farsça'ya çevrilmiş ve Hint minyatürünün en iyi ustaları tarafından zengin bir şekilde resmedilmiştir. [34]

"Bâburname" XVI yuzıllardan bu yana çeşitli doğu dillerine tercüme edilmeye başlamıştır. Dahıl olarak, 1586'da farsçaya çevirilmiş. Ondan sonra XVIII yüz yılların başlarında Avrupaya girmeye başlamış ve 1705'de Hollandali doğubilimci *Nicolaes Witsen* tarafından Hollandaçaya çevirilmiş ve Amsterdamda basılmıştır. 1826'da *John Leyden* ve *William Erskine* tarafından İngilizceye ve 1871'de *Pave de Kurteil* tarafından Fransuzçaya çevirilmiştir. Bâburun bu aseri 1943-46 yıllarda meşhur dilbilimci *Reşit Rahmeti Arat* tarafından Türkçeye 1939 yılında Rus doğubilimci bilim adamı *Mihail Aleksandrovıç Sal'e* tarfaından Rusçaya çevirilmiştir. 1826 – 1985 yıllar arasında 4 defa İngilizceye, 3 kere Fransızçaya ve 1 defa Almancaya tercüme edilerek yayınlanmıştır. [35]

Bâburname'yi okurken aserde tüm türk milletleri için aynı anlamda olan kalimeler dıkkatımı çekti. Bu kelimeleri bir birine kıyaslayarak heyretim yine de guçlendi. Orta Çağ özbekçesi ve modern çağ dilimizin ne kadar değiştiği, seslerin, karakterlerin karışıklı yansıması hemde bu kelimelerin pek çoğu aynı zamanda'da kah değişmiş kah aynı haliyle dilimizde kullanıyor olması beni bu konuda yazmaya gayret ettirdi.

Babur'ın sanatçi kişilığinin en önemli ürünü, 12 yaşından itibaren yazmağa başladığı, hiç şüphesiz, Türk edabiyatının en güzel nesir örneklarinden olan *Bâburnâme* adlı hatıratıdır. Siyasi yönüyle ıstıraplı bir dönemin içinden gelmiş olmasına rağmen, edebî geleneğin hüküm sürdüğü bir ailenin içinde yetişen, üstelikde atası Timur'un hatıratı olan *Tüzükât-ı Timur'*u muhakkak okumuş olması gereken Bâbur'un bu sanat dolu ortamdan etkilenmemesi mümkün değildi. *Bâburname'*yi her şeyden önce bir otobiografi olarak görmek gerikir. Fakat onu emsallarından üstün tutan, muhteviyatının çeşitliliğidir.

Şah ve şair olan Baburşah'ın *Bâburname* adlı eseri gerçek bir hazinedir. Ben de kendi mesleğimden gelerek, ***"Bâburname'da kullanılan Türkçe, Arapça ve Farsça kökenli kelımelerle günümüz Türkiye türkçesi ve Özbek türkçesının karşılaştırılması"*** diye adlandırdığım makâlemde bu kitaptan küçük bir çalışma mevzusu seçtim ve araştırmamı genişletmeyi hedefledim. Kitabi okurken, modern Özbek dilinde kullanılmiyor olsada, çağdaş Türk edebiyatında kullanılan sözcükleri bir araya toplamaya ve bu kelimelerin çağımız edebi Özbek dilindeki hemde çağdaş Türk edebiyatı ve dilindeki anlamlarını incelemeye çalıştım. Makale araştırması için 1989 yılda Taşkent'te "Yulduzcha" neşir evinde yayınlanmiş kitaptan yararlandım. Aşağıda bu araştırmamı sunuyorum:

1. *"Farg'ona viloyati beshinchi iqlimdindur. Ma'muraning* ***kanorasida*** *voqe bo'ibtur"*[36] ***(farsça*** *kanār كنار"kıyı, çevre")* bu kelimenin kökeni farsçadan geliyor olsa da, günümüz Türkiye Türkçesinde aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış, ama nadir olarak lehcelerde kalmıştır. Mesela, *Annesini gör kızını al, kenarını gör bozu (keçesi)ni al* ***(Özb. Onasini ko'r qizini ol, kanorini ko'r bo'zini ol)*** gibi atasözlerde arhaık

[34] С. А. Азимджанова, Бабур и его труд «Бабур-наме» http://greylib.align.ru, 13.02.2015
[35] Dilnavoz Yusupova, Adabiyot universal qo'llanma. Toshkent "Akademnashr" 2018, 253 s.
[36] "Boburnoma", 5 s.

kelime olarak görebiliriz. Günümizde bu kelime Özbekçenin Oğuz lehcesinde kullanımdadır. İki dildeki fark ise ses değişimindedir (Apakopa).

2. ...*Fanokatning janub tarafidankim,* ***holo*** *Shohruhiyaga mashhurdir….*[37] Bu kelimenin kökeni Arapçadan geliyor olsa da, günümüz Türkiye Türkçesinde sadece ses değişimi'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek Türkçesinde *haliyam* olarak kullanımda kalmıştır.

3. "*Turkistondan xeyli quyiroq bu daryo tamom qumg'a singar, hech daryog'a* ***qotilmas****"*[38] Bu kelimenin kökeni tam türkçe, günümüz Türkiye türkçesinde ses değişimiy'le aktif kullanımda, Özbek türkçesinde lehcelerde özellikle Kıpçak lehcesinde rast gelebeliriz. Mesela, *Yoğurdu suya kat* ***(Özb. Çakki (suzma)ni suvga qot).*** **Burada bir ses konusuna dıkkatınızı çekmek isterim aslında** Özbek türkçesinde'de (i) sesi iki teleffuzde vardir ince (i) ve kalın (ı). Ama sovetler dönemindeki dilimize olan sert bir karışma bir çok teleffuzimizde olan sesleri Rusçaya denkleştirmiştir.

4. *Yetti pora* ***qasabasi*** *bor....* [39] bu kelimenin kökeni Arapçadan geliyor olsa da, günümüz Türkiye Türkçesinde sadece ses değişimi'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

5. *Oq kiyik,* ***bug'u - maral****, qirg'ovul va tovushqon ko'p bo'lur.*[40] ***Maral*** bu kelimenin kökeni Farsçadan *(marāl* مرال) geliyor olsa da, günümüz Türkiye Türkçesinde aktif kullanılıyor, fakat Özbek Türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

6. *... urush solib ham* ***o'sonib*** *edi,…*[41] bu ***O'sanmoq*** bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde sadece ses değişimi'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

7. *…hech kimga bosh* ***indurmay****,…*[42] Bu kelime günümüz Türkiye türkçesinde Babur dilindeki aynı anlamda aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

8. *…Oqbegim otliq ikkinchi qizini to'y va* ***oyin*** *bila olg'on.*[43] **farsça** *āyīn* آیین"1. örf, adet, töre, 2. Tören" Bu kelimenin kökeni farsçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

9. *Majlis va* ***baxshish*** *va shilon va devoni bisyor yaxshi edi.*[44] **farsça** baχşiş بخشش"bahşediş, ihsan, karşılıksız verme". Bu kelimenin kökeni farsçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

---

[37] "Boburnoma", 5 s.
[38] "Boburnoma", 5 s.
[39] "Boburnoma", 5 s.
[40] "Boburnoma", 7 s.
[41] "Boburnoma", 19 s.
[42] "Boburnoma", 19 s.
[43] "Boburnoma", 25 s.
[44] "Boburnoma", 26 s.

10. ... *Hisorning ustidan* ***qo'pti.***[45] Bu kelimenin kökeni tam türkçe, günümüz Türkiye türkçesinde ses değişimi'le aktif kullanımda, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

11. *Oltin va kumush* ***olot*** *adovati bisyor bo'lib edi.* [46] **arapça** kökünden gelen *āla*[t] آلة"araç, aygıt". Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde sadece ses değişimi'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

12. *Va* ***qumoshpo'sh*** *yigiti va to'puchoq oti beshumor bo'lib edi*.[47] **Arapça** *ḳmş* kökünden gelen *ḳumāş* قماش"dokuma, bez" sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde sadece ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

13. ***G'olibo*** *olamda yetti-sakkiz rasad resh bog'lamaydurlar.* [48] **Arapça** *ġālibā* غالبا*"galip ihtimal ile, üstün olasılıkla"* fiilinden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde sadece ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

14. *Ushbu bog'chada yana bir chordara solibtur,* ***izorasi*** *tamom chiniy. Chiniyxona derlar. Xitoydan kishi yiborib kelturibtur.* [49] **Eski Türkçe** *üze* "yön zarfı ve edatı" sözcüğünden +*gArU* sonekiyle türetilmiştir. Eski Türkçe sözcük **Ana Türkçe** yazılı örneği bulunmayan **hüz-* "üste çıkmak, satıhta olmak" fiilinden türetilmiştir. Bu kelimenin kökeni tam türkçe, günümüz Türkiye türkçesinde ses değişimiy'le aktif kullanımda, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

15. *Talyin uchun bisyor yaxshi* ***tadovidur***.[50]**Arapça** *dwy* kökünden gelen *tadāwī* تداوي"iyileştirme" sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde sadece ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

16. *Agar kelib faryodimizg'a yetmasangiz ish* ***vubol*** *bo'lg'usudur.*[51] ***Arapça*** *wbl* kökünden gelen *wabāl* وبال*"1. ağır ve sağlıksız hava, 2. kötü bir eylemin maddi ve manevi sonuçları"* sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde'de, *(vebal)* Özbek türkçesinde'de *(uvol)* olarak ses değişimiy'le aktif kullanılıyor.

17. *Naqohat ayomini o'bdan rioyat qila olmadim,* ***uzuldim***.[52] **Arapça** *Asf* kökünden gelen *taʾassuf* تأسّف*"üzülme, esef duyma"* sözcüğünden alıntıdır. Bu kelime günümüz Türkiye türkçesinde Babur dilindeki aynı anlamda aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

---

[45] "Boburnoma", 27 s.
[46] "Boburnoma", 41 s.
[47] "Boburnoma", 41 s.
[48] "Boburnoma", 45 s.
[49] "Boburnoma", 45 s.
[50] "Boburnoma", 47 s.
[51] "Boburnoma", 50 s.
[52] "Boburnoma", 50 s.

18. *...aytib xong'a yo oradag'ilarga pora va* ***rishva*** *qabul qildilar*.[53] **Arapça** *rşw* kökünden gelen aynı anlama gelen *rişwa*[t] رشوة sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde sadece ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış. Ama çok ilginçtir Özbek türkçesinde *ruşvete para* diyorlar.

19. *Sulton Huseyin mirzo Sulton Mas'ud mirzoni yaxshi ko'rib, kuyovlikka* ***yukundurib****, inoyat va shavqat maqomida bo'lib edikim,...*[54] Bu kelimenin kökeni farsçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

20. *Andijonda Nosirbekni quyub edilarkim, Uzun Hasanning* ***yeznasi*** *edi*.[55] Bu sözcük Kaşgarlı Mahmud'un yazmış olduğu "Divanu Lügati't Türk" sözlüğünde yer almaktadır. Anlamı *Yezne büyük kız kardeşin kocası.* Bu kelimenin kökeni türkçe günümüz Türkiye türkçesinde'de, *(yezne)* Özbek türkçesinde'de *(jezde,jezze)* olarak ses değişimiy'le aktif kullanılıyor.

21. *So'ngi* ***qabohatlari*** *ham mo'yopqay*.[56] **Arapça** kökünden gelen *ḳabāḥa*[t] قباحة'1. yanlış veya çirkin olma, 2. yanlış veya çirkin davranış" sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde sadece ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

22. *Urush solib* ***zo'r*** *kelturdik*.[57] **Farsça** *zūr veya zōr* زور*"güç, kuvvet, zahmet, sıkıntı, sancı"* sözcüğünden alıntıdır. **Farsça** *sözcük* **Avesta** ***(Zend) dilinde*** *aynı* anlama gelen *zāvar-sözcüğü* ile eş kökenlidir. Bu sözcük ***Sanskritçe*** *śūra* शूर *"güçlü, kuvvetli, yiğit"* sözcüğü ile eş kökenlidir. Bu kelimenin kökeni farsça ama günümüz Türkiye türkçesinde'de, *(zorluk)* Özbek türkçesinde her iki anlamda *(zorluk, çok güzel, iyi)* olarak aktif kullanılıyor.

23. *Ushmundoq* ***qopuda*** *kelgan g'anim hech nav' mutazzarrir bo'lmay ajrashti*.[58] ***Eski Türkçe*** *kap- "bitişmek, yanyana gelmek"* fiilinden *+Ig* sonekiyle türetilmiştir. **Eşik** *"kapı girişi, kapı"* [Divan-i Lugat-it Türk (1070)] bu kelimenin kökeni türkçedan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış, ama nadir olarak lehcelerde kalmıştır. Özbekçenin Oğuz lehcesinde kullanımdadır.

24. *Hech kim* ***tuymaydur***.[59] **Eski Türkçe** *tuy- "duymak, anlamak"* fiilinden türetilmiştir. Bu kelimenin kökeni türkçedan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

25. *...el* ***qallosh,*** *yangi shahr ilikka tushubtur*.[60] **Arapça** *ḳlş* kökünden gelen *ḳallāş* قلّاش"cimri, sefil, aşağı tabakadan kimse" sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin

---

[53] "Boburnoma", 52 s.
[54] "Boburnoma", 54 s.
[55] "Boburnoma", 59 s.
[56] "Boburnoma", 61 s.
[57] "Boburnoma", 62 s.
[58] "Boburnoma", 67 s.
[59] "Boburnoma", 62, 75 s.
[60] "Boburnoma", 76 s.

kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

26. *Banda Alining inisi* ***Ko'ch*** *Haydar Qosimbekning o'g'li*.[61] **Türkçe** sözcük, Ad halinde (*boynuzlugiller*) Damızlık erkek koyun anlamına gelir. **Türkçe** dilinden alınan *koç* kelimesi Kişilerin liderlik veya yöneticilik özelliklerini, becerilerini geliştirmeye yönelik, belli bir amacı hedefleyerek daha etkili sonuçlara ulaşmasını sağlamak için çalışan kimse anlamındadır. **Ad** sözcük, Ad halinde (*boynuzlugiller*) koç anlamına gelir. **Ad** dilinden alınan *koç* kelimesi Eski Türkçe qoch anlamındadır. Bu kelimenin kökeni türkçedan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aynı anlamda aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde ***Qoçqar*** olarak kullanımdadır.

27. *Semiz* ***et****lar va mayda* ***et****meklar arzon.*[62] Eski Türkçe **Et** sözcüğünden evrilmiştir. Bu kelimenin kökeni türkçedan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aynı anlamda aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde farsçadan gelen *go'sht* şekli kullanımdadır. Özbekçenin lehcelerinde kullanımdadır.

28. *Nosir mirzo o'lgan yili olamdin* ***naql*** *qildi*.[63] **Arapça** *nḳl* kökünden gelen *naḳl* نقل "taşıma, aktarma" sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde tamamen kullanımdan çıkmış.

29. *Ekin va* ***ziroat*** *qilurlar, daraxt va bog' va bog'ot bo'lmas*.[64] **Arapça** kökünden gelen *zirāʿa*t زراعة"1. ekin ekme, tohum saçma, 2. Çiftçilik" sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aynı anlamda aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde nadir kullanılıyor.

30. *... tumshug'udan ebrulsa, yo'l* ***tuzdur***.[65] **Eski Türkçe** *tüz* sözcüğünden evrilmiştir. Bu kelimenin kökeni türkçedan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aynı anlamda ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde fakat Özbek türkçesinde nadir kullanılıyor ve anlam olarakda değişmiş. Mesela, *tuzukmisiz, tuzuk* gibi.

31. *... bu suv yoqasida qalin qushning* ***yumurtqasi***.[66] **Eski Türkçe** yazılı örneği bulunmayan **yumur-* "top haline getirmek" fiilinden +*gA* sonekiyle türetilmiştir. Eski Türkçe fiil **Eski Türkçe** *yum-* fiilinden +*Ur-* sonekiyle türetilmiştir. Bu kelimenin kökeni türkçedan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aynı anlamda aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde farsçadan gelen *tuhum* şekli kullanımdadır. Özbekçenin Oğuz lehcesinde aktıf kullanımdadır.

32. *Shoh Mansurg'a qumosh to'n, jiba va tug'masi bila yana biriga* ***yalaklik*** *qumosh to'n... berildi*.[67] Bu kelimenin kökeni türkçedan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aynı

[61] "Boburnoma", 80 s.
[62] "Boburnoma", 86 s.
[63] "Boburnoma", 126 s.
[64] "Boburnoma", 127s.
[65] "Boburnoma", 135 s.
[66] "Boburnoma", 138 s.
[67] "Boburnoma", 216 s.

anlamda ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde Oğuz lehcesinde aktıf kullanımdadır.

31. ***Sabohi*** *otlanib, ma'jun yeb, Parvon suvi* ***qotilishida*** *... qalin baliq tutuldi*. ***Sabohiy*** *sabuhiy qildik*.[68] **Arapça** *ṣbḥ* kökünden gelen *ṣabāḥ* صباح"gün doğumu" sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aynı anlamda ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde kullanımdan çıkmiş.

32. *Mazasi dil ochur chuchukdur, ichida* ***fundukdek-fundukdek*** *donalari bor*.[69] **Arapça** aynı anlama gelen *bunduḳ* veya *funduḳ* فندق/بندق sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aynı anlamda ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde kullanımdan çıkmiş.

33. *Odina kuni rabiul-avval oyining o'n oltisida* ***g'arib*** *voqea dast berdi*.[70] **Arapça** *ġrb* kökünden gelen *ġarīb* غريب"yabancı, yolcu, egzotik, ayrıksı" sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapçadan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aynı anlamda ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde kullanımdan çıkmiş.

34. *Dedimkim, yaxshi yod berdingiz, iligimizdagi viloyatlarda musulmonlarning* ***tamg'asi baxshish*** *bo'ldi*.[71] Bu kelimenin kökeni türkçedan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aynı anlamda ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde arapçadan gelen *muhr* şekli kullanımdadır. Özbekçenin Oğuz lehcesinde aktıf kullanımdadır.

35. *Murchini safol qozonda qaynatti, jarohatni aning issiq* ***buxor****iga tuttum.* ***Buxori*** *kamroq bo'la, issiq suvi bila* ***yudum****, ikki soati nujumig'acha darang bo'ldi.*[72] ***Arapça*** *bχr* kökünden gelen *buχār* بخار*"buhar, buğu"* sözcüğünden alıntıdır. Bu kelimenin kökeni arapça ve türkçedan geliyor olsada, günümüz Türkiye türkçesinde aynı anlamda ses değişimiy'le aktif kullanılıyor, fakat Özbek türkçesinde türkçeden gelen *buğ* şekli kullanımdadır.

Bu araştırmayı yapmaktan maksadım neydi. Bâburname'yi okurken şuna emin oldumki, Orta Çağ Özbek türkçesi ve modern Türkiye Türkçesi şimdilerden göre dahada yakın olmuş ve 50 den fazla kelimelerin sadece ses farklılıklarından başka, anlam olarak aynı sıfatı taşıdığını göriyoruz. Bundan çıkacak olan fikir şu - atalarımızın bize bıraktığı bu büyük miras tüm türk milletleri için ortak bir dili bulmaya oldukça yardimci olacağını düşüniyorum.

---

[68] "Boburnoma", 220 s.
[69] "Boburnoma", 261 s.
[70] "Boburnoma", 281 s.
[71] "Boburnoma", 287 s.
[72] "Boburnoma", 334 s.

PEYGAMBERLERİN ZİKREDİLDİĞİ GAZEL

ПАЙҒАМБАРЛАР ЗИКР ЭТИЛГАН ҒАЗАЛ

Ötkirbek Madümarov,
Andican Devlet Üniversitesi öğretim üyesi
Ўткирбек Мадумаров
Андижон давлат университети

Özet

Sultanhan Ado XIX yüzyılda yaşayan Çağatay şairidir. Makalede şairin Tasavvuf edebiyatına ait bir gazeli tahlil edilmiştir. Bu çözümleme sonucunda Sultanhan Ado'nın Çağatay Tasavvuf edebiyatındaki poetik yeteneği gösterilmeye çalışılmıştır.

Anahtar kelimeler*: Kur'an-ı Kerim, Peygamber, Tasavvuf, Ayet-ı kerime, Tevhid, Şiir.*

Аннотация

Султонхон Адо XIX асрда яшаб ижод қилган ўзбек шоиридир. Мақолада шоирнинг тасаввуф адабиётига оид бир ғазали таҳлил этилган. Ушбу таҳлил ёрдамида Султонхон Адонинг тасаввуф адабиётидаги поэтик маҳорати кўрсатилган.

Калит сўзлар*: Қуръони Карим, пайғамбар, тасаввуф, оят, тавҳид, шеър.*

Қўқон адабий муҳитининг йирик вакили, шайхулислом Султонхон тўра Адонинг мумтоз адабиётимиз тарихида, Қўқон адабий муҳити ривожида муносиб ва ўзига хос ўрни бор. Бироқ шоирнинг ҳаёти ва ижоди собиқ иттифоқ даври ўзбек адабиётшунослигида деярли ўрганилмади. Маълум бир фикр-мулоҳазалар айтилган бўлса ҳам, уларда шоирни феодал руҳоний шахс дейишдан нарига ўтилмаган. Эътиборлиси шундаки, уларнинг баъзисида Адонинг истеъдодли шоир экани тан олинади.

Истиқлол даврида ҳам Султонхон тўра ҳақида алоҳида илмий ишлар қилинганмаган. Саноқли мақолалар эса, албатта, тўлақонли хулоса бермайди.

Унинг асарлари учта девони, баёзлар орқали етиб келган. Хусусан, Фазлий Намангоний тартиб берган «Мажмуаи шоирон»да Адо ғазалларига кенг ўрин ажратилган. Айтилган манбаларни кузатсак, шоир, асосан, тасаввуфий йўналишда ижод этганини кўрамиз. Тазкирадаги «Гапур» радифли ғазал ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Мазкур ғазал назира тарзида битилган бўлса-да, ўзига хос маъно мустақиллиги билан ажралиб туради.

Минг шубон кўрсат, яди байзоу Мусодин гапур,
Ояти «анзур илайк»у Тури Синодин гапур.

Маълумки, мумтоз адабиётнинг ҳамма жанрларида, хусусан, ғазалда турли хил шеърий санъатлардан фойдаланиш ниҳоятда оммалашган ва бу шоирнинг маҳорати даражасидан ҳам хабар беради. Мазкур ғазалнинг ушбу ва бошқа байтлари ҳақида ҳам шундай дея оламиз. Айниқса, бу шеърда талмеҳдан унумли фойдаланилганини кузатамиз.

Байтда, *мингта чўпонни кўрсат, аммо оппоқ қўлли Мусо алайҳиссаломдан, «...анзур илайк...» оятидан, Сино тоғидан гапир,* дейилмоқда. Байт маъносини тушуниш учун тафсир китобларига мурожаат қиламиз. Бошқа бир қанча суралар қаторида Қосос сурасида ҳам Мусо алайҳиссаломнинг қиссалари баён этилади. Хусусан, У зотнинг Мадян шаҳридаги ҳаётлари эслатилади. Сурани диққат билан ўргансак, Мусо алайҳиссалом, ўша ерда уйланганлари, чўпонлик қилганлари тафсилотини билиб оламиз. Мусо алайҳиссалом:

«Мадян сувига етиб келгач, бир тўп одамларнинг ҳайвонларини суғораётганини кўрди ва улардан бошқа (қўйларини сувдан) қайтараётган икки аёлни кўрди. У: «Сизларга не бўлди?» – деди. Улар: «Чўпонлар қайтмагунларича, суғора олмаймиз, отамиз эса қари чол», – дедилар».[73] (Қосос сураси, 23-оят).

[73] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. – Т.: «Hilol-Nashr», 2018. – 388-б.

Байтда аёлларга йўл бермаган ориятсиз чўпонлар ёки бошқа чўпонлар ҳақида айтилмаган, бу муҳим эмас. Муҳими шундаки, аёлларга эҳтиром кўрсатган, бу хизмат эвазига улардан бирига уйланиш ила мукофотланган, ўша қизнинг отасига чўпон бўлиб ёнланган Мусо алайҳиссалом ҳақида сўз очгин, демоқда шоир. Албатта, қуръоний қиссалар барча учун ибратдир. Уларни ўрганиш асносида улкан ҳикматлар топилади. Шунингдек, бу қиссалар энг ишончли, ўзгартирилмаган тарихдир. Чунки уни Аллоҳнинг Ўзи баён қилиб беради.

Қуръони Каримнинг Аъроф, Тоҳо, Шуаро, Намл, Қосос сураларида Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга турли мўъжизалар қаторида оппоқ қўл мўъжизасини бергани ҳақидаги оятларни ўқиймиз. Улардаги умумий маъно шуки, Фиръавн Мусо алайҳиссаломдан пайғамбарликни исботловчи мўжизалар талаб қилади. Аллоҳ Ўзининг пайғамбарини хижолатга солиб қўймайди, албатта. Аввало, Мусо алайҳиссаломнинг ҳассасини илонга айлантиради. Ундан ташқари қўлларини кўзни қувонтирадиган гўзал кўринишда оппоқ қилиб қўяди. Мусо алайҳиссалом аслида буғдойранг эди:

«**Қўлингни қўлтиғингга тиқ, ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқадир. Бу бошқа бир мўъжизадир**».[74] (Тоҳа сураси, 22-оят)

Байтнинг иккинчи мисрасида шоир «анзур илайк» оятидан, Тур тоғидан сўзлагин демоқда. «Анзур илайк» Қуръони Каримнинг Аъроф сураси 143-оятида келади. У «Сенга назар солай» деганидир.

Оят тафсирига мурожаат қиламиз. Мусо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло билан роз айтишдек буюк бахт насиб этган. Бу ажойиб мўъжизавий воқеа Тур тоғининг ўнг томонида содир бўлган экан. Ўшанда Мусо алайҳиссалом «Роббим, менга (жамолингни) кўрсат, Сенга назар солай», деган экан. Воқеанинг давоми кўпчиликка маълум.

Қиссалари айни ҳикмат ва ибрат бўлган Каломуллоҳдан шоир бошқа мусулмонлар каби таъсирланиши натижасида бу воқеаларни ихчам тарзда, фақат ишора орқали байтларга сингдирган. Қолаверса, улардан оладиган амалий илмни ўз ҳаётига татбиқ этишни хоҳлагани ҳам кўриниб туради.

Масалан, Мусо алайҳиссалом Фиръавннинг фитналарига ва зулмларига сабр қилди. Тавҳидни ёйиш учун хизматда матонат билан давом этди. Пировардида Аллоҳ таоло билан мийқот қилишдек улкан шарафга эришди. Бу каби ишлардан, албатта, амалий панд-насиҳат олинади, эзгу сифатларни ўзида жамлашга ҳаракат қилинади.

Равза деб келдинг чаман базмида, эй Идрис сен,
Тўбию жаннатни қўй қадду болодин гапур.

Ғазалнинг бу байтида Идрис алайҳиссалом зикр этилган. У зот алайҳиссалом Қуръони Каримда номлари келган пайғмбарлардан бири. У зотнининг сиддиқ ва сабрли бўлгани ҳақида Аллоҳ таолонинг Ўзи баён қилади.

Байтнинг маъносига эътибор берсак, Идрис алайҳиссалом жаннатни кўргани ҳақида сўз кетмоқда. Бу маълумот асли саҳиҳ эмас, яъни тўқима ривоятларга асосланган. Қуръони Каримда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам Идрис алайҳиссаломга жаннат кўрсатилгани ҳақида далил йўқ. Пайғамбаримиз алайҳиссалом меърожга кўтарилганларида тўртинчи осмонда Идрис алайҳиссаломни кўрганликлари маълум.

Тўбий ёки тубо – жаннатдаги дарахт. Шоир жаннатни ҳам, ундаги тубо каби каби дарахтларни ҳам эмас, «қадди боло»дин сўзла демоқда. Бу баланд қадли пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлсалар керак. У зот жаннатда дийдорлашиш ўзини билган барча мўмин-мусулмоннинг, айниқса, аҳли тасаввуфнинг улкан орзусидир.

Еру кўкка Хизру Исодин дема юрсун тирик,
Ул лаби жонбахш ила ул хатти хизродин гапур.

Исо алайҳиссалом тирик ҳолларида кўкка кўтарилганлари маълум. Халқ орасида Хизр алайҳиссаломни тирик деб эътиқод қилувчилар бор. Мисранинг мазмуни шунга қаратилган. Яъни шоир айтмоқчики, еру кўкка Хизр ва Исо алайҳиссаломларнинг тирик

[74] Ўша китоб, 313-б.

юргани ҳақида сўзламагин-да, менга «лаби жонбахш» ва «хатти хизро»дан гапир дейилмоқда.

Исо алайҳиссаломнинг мўжизаларидан бири ўликларни тирилтириш эди. Шунга лаби жонбахш дея таъриф келтирилмоқда. Хатти хизро сифати Хизр алайҳиссаломга хосдир. «Ҳадис ва Ҳаёт» тўпламида келтирилган 3522 рақамли ҳадисда пайғамбаримиз алайҳиссалом Хизр алайҳиссалом оқ ерга ўтирганида ости титраб, яшилга айланиши ҳақида айтган эканлар. Яъни араб тилида «хизр» сўзи «яшил» маъносини англатар экан.

Умумий маъно шуки, бу икки улуғ зотга берилган мўъжизаларга иймон келтириш, улардан таъсирланиш, ибратланиш ҳақида сўз бормоқда.

Ғарбдин чиқтинг қуёшдек фитнаи охир замон,
Чиқти ё индиму Маҳдию Масиҳодин гапур.

Қиёматда қуёш шарқдан эмас ғарбдан чиқар экан. Шунингдек, охир замонда Дажжолнинг фитнаси ҳам бўлади. Иккинчи мисранинг бошидаги «чиқти» сўзи шунга асосан айтилмоқда. Имом Маҳдийнинг чиқишлари, Исо Масиҳ алайҳиссаломнинг тушишлари ҳам Қиёмат аломатларидан ҳисобланади.

Бешинчи ва олтинчи байтларда пайғамбарлар ёки бошқа улуғ шахслар, шунингдек, қиёмат аломатлари ҳақида ҳам сўз бормайди. Балки бу икки байтни ўзаро суҳбатдаги лирик чекиниш тарзида қабул қилсак тўғрироқ бўлади, бизнингча. Сабаби шоир суҳбатдошига (аниқроғи, ўзига) шундай дейди: гуллар сайрида юрганда уларни шунчаки томоша қилма. Хусусан, сунбулни узганда ёр сочлари, наргисни кўрганда унинг кўзлари ёдингга тушсин. Булар шунчаки ўхшатиш эмас, ўзида тасаввуфий маъноларни яширган мисралардир. Ёки хушбўй ёғоч (уд)ни ва анбарни ажиб ис таратишга мосланган идишга сол. Уларни тутат, атрофга хуш ҳидлар таралсин. Хоҳласанг, ёрнинг хушбўй сочлари ҳақида сўзла.

Боға кирсанг сунбули гул бирла наргисдин узуб,
Зулфи бирлан ул юзу ул чашми шаҳлодин гапур.
Уд ила анбарни сол мижмарга маҳфилдин чиқар,
Истасанг хушбўйлуқ зулфи сумансодин гапур.

Ғазалнинг охирги байти бундай «лирик чекиниш»лар зарур эмаслиги ҳақида. Яъни тилга келган ҳар нарсани айтавермай, сўзни эҳтиёт қилиш, энг зарур масалаларни топиб гапириш ҳақида. Шоир эса зарур масала деб охиратни билади:

Гарчи йўқсен воизу носиҳ замона халқиға,
Ўтти дунё, эй Адо, сен эмди уқбодин гапур.

Эй Адо, сен гарчи воизликка, насиҳат қилишга арзимасанг-да, лойиқ бўлмасанг-да, охиратдан сўзлагин. Ундаги ҳисоб-китоб оғир бўлишидан атрофингдагиларни огоҳлантир. Уларни ҳам, ўзингни ҳам иймон тақозоси асосида яшаш учун насиҳат қил.

Ғазалдан ижтимоий ҳаётимиз учун, яшаш тарзимиз учун керакли ибратларни ола биламиз. Зеро, шарқ адабиётининг асосий вазифаларидан бири қофия, бадиий санъатлар, умуман, ёқимли тизимга солинган насиҳатлардир. Назм асли насиҳатдир, деган жумла ҳам бежиз айтилмаган.

Шарҳлашга ҳаракат қилганимиз мазкур ғазалнинг умумий хулосаси буюк мутасаввиф шоир Бобораҳим Машрабнинг «*Забон борича сўзла, гапур қиёматдин*» мисрасига ҳамоҳангдир.

Адабиётлар:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. – Т.: «Hilol-Nashr», 2018.
2. Адо қаддини дол этмиш: мақолалар, ғазаллар / Нашрга тайёрловчи: Ў.Муҳаммадсобир. – Т.: Muharrir nashriyoti, 2019.
3. Ҳакимхон, Хотиралар, Т.: «Фан» нашриёти, 1966.
4. Навоий асарлари луғати, Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
5. Қаюмов А. «Қўқон адабий муҳити (XVIII – XIX асрлар)», Т.: «Фан» нашриёти, 1961.

XIX. YÜZYIL SONU, XX. YÜZYILIN BAŞINDA KAZAK ŞAİRLERİNDE DİNİ, MARİFİ DÜŞÜNCELER[75]

XIX аср охири, XX аср бошида қозоқ шоирлари ижодида диний-маърифий ғоялар

Hamidulla Taciyev[76]

Ҳамидулла Таджиев

Özet: *Her dönemde yaşayan yazar, düşünürler eserlerinde devrin sosyal-siyasi hayatı, maneviyatı, sorunları, kendine özgü yönlerini yansıtırlar. 19. yüzyılın sonu, 20. yüzyılın başında süren Kazak edebiyatında dini-marifi düşünceler geniş yer almıştı. Yazıda 19. yüzyıl sonu, 20. yüzyılın başında Kazak edebiyatının Abay Konanbayoğlu, Şadı Cihangiroğlu, Cusipbek Şeyhulislamoğlu, Maylı Hoca Sultanhocaoğlu gibi aydınları, yenilikçi şair ve yazarlarının hayat hikayeleri, içtimai ve sanatsal faaliyetleri, bıraktıkları edebi mirasları, eserlerindeki manevi, irfani anlam ve mahiyetin eğitimsel, terbiyevi değeri üzerine fikir, görüş ve gözlemlere yer verilmektedir.*

Anahtar kelimeler: *Abay, Şadı, Cusipbek, Maylı, edebiyat, halk, talim-terbiye.*

Abstract: *Given the inherent impact each round on human thinking, the literary representative of each period is a prominent figure in the socio-political life, legitimacy, spirituality, and character of the period. Religion and enlightenment were one of the most urgent topics in Kazakh literature as in other peoples of the world in the second half of the 19th and early 20th century. The article discusses the social and creative activities of the late 19th century and early 20th century Kazakh intellectuals such as Abay Kunanbayulı, Shady Zhahangirulı, Zhusipbek Shayhıslamulı and Maily Khoja Sultankhojaulı. Their literary heritage is the most valuable wealth of the kazakh nation that we must preserve and pass on to the younger generation.*

Key words*: Abay Kunanbayulı, Shady Zhahangirulı, Zhusipbek Shayhıslamulı, Maily Khoja Sultan Khojaulı, lıterature, people, education.*

Резюме: *Ҳар бир даврда яшаб ижод этган адабиёт намояндасининг ижодий маҳсулида у яшаган даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маънавияти, муаммолари, ўзига хосликлари акс этиб туриши табиий. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида жараён этган қозоқ адабиётида диний-маърифатпарварлик ғоялари долзарб мавзулардан эди. Мақолада XIX аср охири ва XX аср бошларида қозоқ адабиётининг илғор зиёлилари, маърифатпарвар адиблари – Абай Қунонбойўғли, Шоди Жаҳонгирўғли, Жусипбек Шайхисломўғли ва Мойли Хўжа Султонхўжаўғли кабиларнинг ҳаёт ҳикоялари, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари, қолдирган адабий меросларі, улардаги маънавий, ирфоний мазмун-моҳиятнинг тарбиявий аҳамиятига доир фикр-қараш ва кузатишларимиз баён этилган.*

Таянч сўзлар*: Абай, Шоди, Жусипбек, Мойли, адабиёт, халқ, таълим-тарбия*

Кириш

Тарихдан маълумки, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида бошқа туркий миллатларда бўлгани каби қозоқ халқининг ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётида бўлган ўзгаришлар, жумладан қозоқ хонлигининг Чор Россияси томонидан юз йиллар мобайнида моҳирлик билан эгалланиши муҳим аҳамият касб этган жараён ҳисобланади. Нафақат қозоқ халқи тарихида балки Ўрта Осиё, Орол бўйи ва Сибирь халқлари тарихи, маданияти, адабиёти, сиёсий-иқтисодий фаолиятида чуқур из қолдириб бир қатор ижобий ва салбий ўзгаришларни ўзида акс эттиради.

Ҳар бир даврнинг инсон тафаккурига ўтказадиган таъсири беқиёслигини эътиборга олсак, ҳар даврда яшаб ўтган ижодкор, адабиёт намояндаси ижодий маҳсулида ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, қонуниятлари, маънавияти, муаммолари, ўзига хосликлари акс этиб туриши табиий. Ер куррасининг бошқа халқларида бўлгани каби XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида қозоқ адабиётида ҳам ана шундай долзарб мавзулардан бири дин ва маърифатпарварлик эди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги халқларнинг асосий қисми азалдан қардош туркий миллат ва элатлардан ташкил топганлиги ҳам эътиборга молик. Албатта, бу жараён бошқа соҳалар каби ўлкада яшаган халқлар адабиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймади. Айнан XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида бу масалаларнинг қозоқ адабиётида акс этиши Чор Россиясининг Қозоғистонни босиб олишга бўлган эҳтиёжи билан ва унга нисбатан жадал мустамлакачилик сиёсатини юргизиши билан боғлиқ десак муболаға бўлмас.

---

[75] Makale aynı konudaki doktora tezimiz çerçevesinde Prof. Dr. Nadirhan Hasan'ın danışmanlığında hazırlanmıştır.

[76] El-Farabi Kazak Milli Üniversitesi, TÜRKSOY Bölümü doktora öğrencisi, Almatı/Kazakistan.

Чор Россияси томонидан Ўрта Осиё ва Қозоқ хонликларини мустамлакага айлантиришнинг ғоявий тайёргарликлари XVIII аср бошларидаёқ Петр I томонидан бошланган бўлса, худди шу даврда Туркистоннинг учта мустақил хонликларга бўлиниб кетиши, улар орасидаги ўзаро зиддиятлар, урушларнинг авж олиши, диний мутаассибликка кенг йўл очиб берди. Шу билан бир қаторда хонликларда мусулмон ахлоқий нормаларининг издан чиқиб, давлат бошидагиларнинг ортиқча маишатга берилиши, дунёга ҳирс қўйганликлари Туркистон халқларининг маданий ҳам маънавий, сиёсий-иқтисодий таназзулга юз тутишига улкан сабаб бўлган омиллардан бўлди. Бу феодал тарқоқлик "Қуённи қандай қилиб тутсам экан" қабилида иш тутган Чор Россияси учун зўр имконият эди.

Юқорида айтганимиздек ҳар бир миллат адабиёти ўз ривожланиш босқичида шу давр тарихи ва миллатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ эканини эътиборга олсак, бу даврда Туркистонда диний ва маърифий ғоялар ривожи натижасида жамиятга жадидчиликнинг кириб келиши ва «миллий уйғониш» даврининг бошланиши билан кўзга кўринади.

Аввало жадидчилик ҳаракатининг Туркистонда ривож топишига, умуман олганда Туркистон зиёлилари, маърифатпарварлари ва билимли ёшларига таъсир кўрсатган ташқи факторлар сифатида Оренбург, Қозон, Петербург шаҳарларида шу даврларда нашр этилган газета, журналлар ва айнан шу даврда тақдири ўхшаш татар халқининг илғор вакили Исмоилбек Гаспиралининг, қозон татарларидан Мусо Бигиев, Муҳаммад Аёз Исхоқий, Ризоуддин ибн Фахриддин усмонли зиёлиларидан Зиё Кўкалп, Тавфиқ Фикрат, бошқирдлардан Заки Валидий Тўғон каби тарихий шахсларнинг туркий миллатлар бирлиги йўлида олиб борган ҳаракатлари ва уларни қўллаб қувватлаган ўзбек адабиётининг йирик намояндалари, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Исхоқхон Ибрат, Сиддиқий Ажзий, Мухаммадшариф Сўфизода, Абдулла Авлоний, Мунавваркори Абдурашидов, Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари маърифатпарвар тарихий шахсларни мисол келтиришимиз мумкин.

Бу давр адабиёти хақида турк олимларидан профессор Ахмет Канлидере, ўзбек олимларидан Бегали Қосимов, Н.Каримов, У.Долимов кабилар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Тили, дили, дини, урф-одатлари азалдан бир-бири билан чамбарчас боғланган қозоқ халқи тарихида ҳам 19 аср иккинчи ярми ва 20 аср бошларида ана шундай зиёли, юксак инсоний фазилатларни ўзига сингдирган Абай (Иброҳим) Қунонбойўғли, Ибрай Алтинсарин, Чўқон Валиханов, Аҳмад Бойтурсинўғли, Мағжон Жумабойўғли, Миржақип Дулатўғли, Шоди тўра Жаҳонгирўғли, Жусипбек Шайхисломўғли, Мойли Хўжа Султон Хўжа ўғли сингари маърифатпарвар инсонлар етишиб чиқдилар. Айнан мана шу инсонлар қозоқ диёрида жадидчилик ҳаракатларининг бошланишида ҳамда қозоқ ёзма адабиёти ривожланишига катта ҳисса қўшди ва асарлари орқали ўз халқини дин ва маърифатга чорладилар.

Қозоқ олимлари: М.Ауезов[77], Б.Кенжебаев[78], М.Мырзахметов[79], Т.Кәкішев[80], З.Бисенгалиев[81], Н.Келимбетов[82], С.Қасқабасов[83] ва С.Ергўбеков[84] ва бошқалар томонидан шу давр ва юқоридаги шахсиятларнинг турли қирралари тадқиқ этилган.

---

[77] Әуезов М. Шығармалары. 20 том. Алматы: Жазушы, 1985.

[78] Кенжебаев Б. Әдебиет белестері (зерттеулер, мақалалар) Алматы: Жазушы, 1986. – 400б.

[79] Мырзахметулы М. «Совершенно секретно: Тайны русификация казахов», пер. Б. Момынкул./ – Алматы: «Қазығұрт» баспасы», 2015. - 343

[80] Кәкішев Т. Қағидаға айналған қателер. Нәубет. – Алматы: Жалын, 1990

[81] Бисенғалиев З. XX ғасыр басындағы қазақ прозасы. – Алматы, Мектеп. – 1989. – 136 бет

[82] Келімбетов Н. Қазақ әдебиет бастаулары. Алматы: Ана тілі, 1998. Келімбетов Н. Шәді ақын. – Алматы: Жазушы. – 1974. 96б.

[83] Радлов В.В. Алтын сандық. Құрастырып алғысөзі мен түсініктерін жазғандар – С.Қасқабасов, К.Ісләмжанұлы. – Алматы: Ана тілі, 1993. – 256-бет.

Абай (Иброҳим) Қунонбойўғли (1845-1904)

Бутун инсоний қадриятларни ўзида тараннум этувчи адабий асарлари билан нафақат қозоқ халқининг, балки туркий халқларнинг ҳам улуғ фарзандига айланган, қозоқ ёзма адабиётининг юзага келишига замин яратган маърифатпарвар шоирлардан бири – Абай Қунонбойўғлидир.

Абай (асл исми Иброҳим) Қозоғистон Республикасининг ҳозирги Семей шаҳри яқинидаги Чингизтовнинг Қашқабулоқ овулида туғилади. Абай – Қунонбойнинг иккинчи аёли Улжондан туғилган Тангриберди исмли ўғлидан кейинги фарзанди эди. Абайдан кейин Исхоқ (Ысқақ) ва Усмон (Оспан) исмли яна икки фарзанди дунёга келади.

Чақалоқлик пайтларидаёқ момоси Иброҳимни авайлаб-асраб “Абай, Абай” деб, онаси ҳам “Абайим, Абайжан” деб эркалагани боис кейинчалик атрофдагилар ҳам уни шундай чақиришган. Ёшлигидан билимга чанқоқ бўлган Абай Семейдаги “Аҳмад Ризо” мадрасасида ўқир экан, Шарқ адабиётининг Фирдавсий, Низомий, Навоий каби мумтоз вакиллари ва Аҳмад Яссавий ижоди билан яқиндан танишади. У ёшлик чоғларидан шеър ёзиш ва ўлан айтиш билан шуғулланарди. У ижро этган ўланлар халқ орасида анча шуҳрат қозонади. Айни пайтда рус мактабида ҳам таълим олар экан, А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, М.Е.Салтиков-Щедрин асарларини мутолаа қилади.

Даврнинг илғор зиёлиси сифатида Абай маърифатпарварликни асосий мақсад сифатида кўради. Жумладан, халқини саводхон қилиш учун ҳар қандай миллатнинг инсонпарвар ижод меросини ўқиб-ўрганишга, улардаги илғор фикр-қарашлардан ўрнак олишга даъват этади.

“Абай қозоқ шеъриятига достон жанрини олиб кирди. Унинг «Искандар» ва «Масъуд» номли достонлари ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмаса-да, уларда шоирнинг кичик бир воқеа орқали Искандар ва Масъудга ўхшаш реалистик образлар ёрдамида илғор ғояларни олға суриш маҳорати яққол кўринди”[85].

Абайшунос олим Мекемтас Мирзахметўғли адибнинг 1855-1903 йиллари ёзган асарлари устида тадқиқот олиб борар экан шоир-оқиннинг адабий мероси жуда бой эканлигини таъкидлайди. Олим оқиннинг 169 та лирик шеъри, 54 та таржимаси ва 3 та достонини аниқлашга муваффақ бўлди[86].

Маълумки, туркий халқлар оғзаки ва ёзма ижодида панд-насиҳат тарзида асар битиш анъанаси кенг тарқалган. Жумладан, Аҳмад Яссавий ўз насиҳатларини тўртлик шаклидаги ҳикматлар орқали баён этган. Ушбу анъанага риоя қилган Абай ҳам қора (насиҳат) сўзлари орқали инсонларни ягона Аллоҳга итоат қилишга, одамзотга туширилган сўнгги дин – Исломга ва унинг муқаддас китоби Қуръони каримга қатъиян амал қилишга чорлайди. Лекин инсон ўз ҳаёти давомида илоҳий ваҳийни унутиб, тўғри йўлни топишда кўп қийинчиликларга дуч келади. Абайнинг дунёқарашига кўра, Қуръони каримда барча ижтимоий, маънавий, ахлоқий муаммоларга малҳам бўладиган барча ечимлар чоралар мавжуддир.

“Аллоҳнинг ўзи ҳам рост, сўзи ҳам рост” шеърида шоир:

Алланың өзі де рас, сөзі де рас,
Рас сөз еш уақытта жалған болмас.
Көп кітап келді Алладан, оның төрті,
Алланы танытуға сөз айырмас.

Таржимаси:

Аллоҳнинг ўзи ҳам рост, сўзи ҳам рост,
Ҳақиқат сўз ҳеч қачон ёлғон бўлмас.
Кўп китоб келди Аллоҳдан вале ,

---

[84] Ергөбек С.С. Қазақтың дәстүрлі жазба әдебиеті. (XIX-XXғғ.) Монография. – Түркістан: «Тұран». – 2012ж. -324б.

[85] http://uz.denemetr.com/docs/768/index-281237-1.html?page=3

[86] Мырзахметұлы М. Абайтану. Бірінші кітап, Астана, Деловой Мир, 2010. – 449 б.

Аллоҳни танитмоқда тўрттаси, бас[87].

Аллоҳ таоло Одам атодан бошлаб ундан тарқаган инсонлар орасидан ўзига энг яқин бўлган элчилар танлаб, кўп китоблар ваҳий қилди. Улар орқали инсониятга ҳидоятни кўрсатди. Шу китобларнинг энг "охирги тўрттаси (Забур, Таврот, Инжил ва Қуръони карим) Аллоҳни таъриф этиш учун етарлидир" дейди шоир.

Шоирнинг "Аллоҳнинг ўзи ҳам рост, сўзи ҳам рост", "Охирзамон ёшлари", "Ўлса ўлар табиат, инсон ўлмас", "Аллоҳ деган сўз осон" сингари шеърлари ва 12-13-16-38 насиҳат сўзларида инсонга берилган улуғ қадриятлардан умр неъматини мазмунли ўтказиш учун зарур бўлган иймон-эътиқод масалаларини атрофлича ёритиб беради. Айниқса ихлос, эътиқод масалаларига шоир кўп урғу беради:

"Аллоҳ деган сўз осон" шеърида шоир бу улуғ калиманинг қиймати ҳақида сўз юритади:

Алла деген сөз жеңіл,
Аллаға ауыз, қол емес,
Ынталы жүрек, шын көңіл,
Өзгесі Хаққа жол емес.

Таржимаси:

Аллоҳ деган сўз осон,
Аллоҳга оғиз, қўл эмас,
Ихлосманд қалб, чин кўнгил,
Ўзгаси Ҳаққа йўл эмас.

Демак, шоирга кўра, ҳар бир мусулмон Аллоҳга бўлган инончини, Унинг ягоналигини тил билан айтиб, қалб билан тасдиқлаши лозим. Агар тилингдагина айтиб, қалбингда тасдиқ топмаса унда иймонинг сенга фойда бермас. Аллоҳга сен оғзинг, қўлинг билан эмас, балки покиза қалбинг ва ихлосинг билан йўл топасан.

Оқин "Ўлса ўлар табиат, инсон ўлмас" шеърида:

Өлсе өлер табиғат, адам өлмес,
Ол бірақ қайта келіп ойнап күлмес.
"Мені" мен "менікі"нің айырылғанын,
Өлді деп ат қойыпты өңкей білмес.

Таржимаси:

Ўлса ўлар табиат, инсон ўлмас,
У лекин қайтиб келиб ўйнаб-кулмас.
"Мен" ва "меники"нинг айрилганин,
"Ўлди" деб ном қўйди аксар билмас.

Маълумки, илоҳиёт илмлари, хусусан Қуръони карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.с) ҳадиси шарифларида инсон фарзандининг бу дунёга келиб-кетиши йўловчи каби эканлиги билдирилади. Бу фурсат ичида инсон қўлидан келганича эзгу ишларни амалга оширмоғи лозим. Энг аввало, ота-онаси, яқинлари ҳатто бутун бир жамиятга эзгулик йўлида хизмат қилмоғи даркор. Мана шу эзгу амаллари у ўлгандан сўнг ҳам ундан кейин келган одамлар қалбида ўлмай яшайди.

Шоир: "Табиат, яралмиш барча махлуқотлар ўлади, аммо инсон ўзи ўлиб, бу дунёга қайта келиб ўйнаб-кулмаса ҳам у қолдирган илму ҳикмат, у солдирган йўл ва кўприклар инсонларга хизмат қилади" дейди. *"Мен" ва "меники"* деб инсоннинг жони ва унга макон бўлган тана ҳақида сўз юритиб, бу иккиси айрилган вақтини, яъни жоннинг танани тарк қилиш жараёнини авом халқ "ўлди" деб атайди. Аслида жон танани тарк қилиб, тана асл ҳолатига, яъни тупроққа айланади. Жон эса кейинги ҳаётга кўчиб ўтади" дейди.

---

[87] Абай Қунонбойўғли "Шеърлар тўплами" нашрга тайёрлаган: А.Жиреншин, Алмати. – 1961 йил. Тўртликлар қозоқ тилидан ўзбек тилига мақола муаллифи томонидан ўгириб берилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Абай ўз даврида кўплаб инсонларга, жумладан Шокарим Худойбердиўғли, Мухтор Авезов, Ахмет Байтурсинов, Жусипбек Аймаутов, Какитой Исқақўғли, Алихан Бўкейханов, Султонмахмут Тўрайғиров, Самат Абишўғли каби адабиётшунос олимлар ва шоирларга ўрнак бўлди. Бу олимлар Абайнинг адабий меросини пухта ўрганиш билан бир қаторда қозоқ адабиётшунослигида "Абайшунослик" фанининг кириб келишига туртки бўлди. Кейинги даврларда С. Муханов, Қ. Жумалиев, Е. Смаилов, Ә. Жиреншин, М.Мирзахметўғли каби олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар орқали Абайшунослик юқори даражага эришди. Натижада Абай Қунонбойўғли қозоқ маънавиятига катта таъсир кўрсатган адиб сифатида тарихда ном қолдирди.

Шоди тўра Жаҳонгирўғли (1855-1933)

Чор Россиясининг ўз қўл остидаги миллатларга нисбатан мустамлака сиёсати кучайган бир даврда халқининг империализм қурбонига айланишини, унинг таъсири нафақат ўз даври балки келажак авлоднинг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини руҳан ҳис этган, ҳаёти давомида инсонларни одобга, маърифатга чорловчи асарлар ёзиб қолдирган адиблардан бири – Шоди тўра Жаҳонгирўғли.

Шоди – қозоқ хонларининг охиргиси Кенесари хоннинг невараси, Жаҳонгир (қозоқ тилидаги манбаларда Жангир) нинг ўғли эди. Хозирги Туркистон вилояти, Сўзоқ туманида туғилган. Тўққиз ёшидан бошлаб саводини овул мулласида чиқарган Шоди, кейинги йили "Чаён" мадрасасида билимини давом эттиради. Бўлажак шоир араб тили, Қуръон ва ҳадис илмларини чуқур ўзлаштириш билан бир қаторда ўтмишда яшаб, ижод этган шоир ва адиблар ҳаёти ва ижодлари билан яқиндан танишади. 13 ёшида Чимкент шаҳрига келиб Абдулла Шариф исмли олимга шогирд тушади. Бу зотнинг бой кутубхонасидаги адабиётлардан самарали фойдаланди.

Икки йил давомида Навоий, Фузулий, Жомий, Ибн Сино, Фирдавсий, Беруний сингари алломалар ижодидан баҳраманд бўлган шоир "Минг бир тун", "Шоҳнома", "Тўтинома" каби адабиёт намуналари билан танишди.

1865 йили Черняев аскарлари Чимкентни босиб олгандан сўнг табиийки дин пешволари ҳар тарафга кетишга мажбур бўлган эди. Абдулла Шариф ҳам Тошкентга кўчиб кетади. Бир йил ўтгач Шоди ҳам устозининг ортидан Тошкентга келади. Бир қанча вақт Ўрта Осиёнинг йирик илм марказларида бўлиб машҳур олимларидан дарс олади, улардан ўрнак олишга интилади.

Тошкентда бўлган вақтларида ўзбек шоирлари Фурқат, Завқий, Дониш каби шоирлар ижоди билан яқиндан танишиб, ўзи ҳам мустақил диний қиссалар ва достонлар ёзиш билан шуғулланади. Ниҳоят 1870 йил ўз қишлоғига қайтади. Отаси Жаҳонгир 1877 йили вафот этгач, Шоди уй ишлари ва чорвачилик билан машғул бўлади. Бадиий ижод билан шуғулланар экан исломият билан боғлиқ асарларни ҳам қаламга олади.

Шоди оқиннинг ҳаётига оид яна қизиқарли маълумотлардан бири, шоирнинг қабри ҳозирги Ўзбекистон Республикаси худудида эканлиги, аниқроғи Жиззах вилоятининг Зомин туманида жойлашганлигидир.

Адабиётшунослар томонидан берилган маълумотларга қараганда, 1931 йили Шоди оқин овул атеистлари томонидан тазйиқ остига олиниб, унга пессимист, халқни бузувчи оқим аъзоси каби айбномалар билан Марғилонга сургун қилинади. Шоир 1933 йили жуда оғир ҳолатда ҳаётдан кўз юмади. Ҳозирча шоирнинг Ўзбекистон диёрида бўлган ҳаётининг аввалги йиллари ва сўнги икки йиллик умри тўғрисида маълумотлар деярли йўқ. Бу ҳақдаги қизиқарли материалларни кейинги тадқиқотларимизда ёритамиз, деган умиддамиз.

Адиб ҳаётининг кейинги даврларини ўрганиб чиқар эканмиз "ёшликда олган билим тошга ўйиб ёзилган ёзув кабидир" мақолига шоирнинг қанчалар амал қилганлига амин бўламиз.

Чунки замон билан ҳамнафас яшашга интилган шоирнинг ёшлигидан олган барча билими, жумладан, Қуръони карим, ҳадиси шариф илмлари, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.с) ва саҳобалар ҳаётига оид барча китоблар унинг асосий манбалари эди. Ушбу мерос асосида пухта илм эгаллаган шоир ўзи яшаб турган жамиятни камолотга етиштириш йўлида хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шоир мақсади сари интилиши айнан у яшаб ижод қилган 19 аср иккинчи ярми ва 20 аср бошларида жуда қийин эди. Сабаби подшо ҳукуматининг мустамлака ва руслаштириш сиёсати очиқ-ойдин олиб борилаётган бир пайтда инсонларни дин йўли билан тарбия қилиш бир амримаҳол эди. Лекин Шоди оқин ўз мақсади сари тўхтовсиз иш олиб борганлигини у ёзиб қолдирган асарлар кўрсатиб турибди.

Мазкур қисса-достонларнинг асл нусхалари ва Қозон, Тошкент, Оренбург шаҳарларида босилган литография нашрлари Қозоғистон Республикаси Миллий Фанлар Академиясининг марказий кутубхонасида сақланади.

Адабиётшунос олим Мекемтас Мирзахметўғли бошчилигида Жанубий Қозоғистон вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда тарихий-маънавий меросни ўрганиш учун амалга оширилган “Қазыналы Оңтүстік” (Жануб хазинаси) лойиҳасида (2009-2015) Шоди оқиннинг 20 дан ортиқ назмда ёзилган асарларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Қозон, Тошкент, Оренбург шаҳарларида литография усулида араб алифбосида босилиб чиққан (1913-1917) шеърий тўпламларини ҳозирги қозоқ тилига ўгириб босмага тайёрлаб 15 том ҳолида нашр эттирдик[88].

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.с.) ҳаётини ёритувчи “Назми Сияри шариф”, “Назми Фиқҳи Кайдоний”, “Назми Иброҳим Халилуллоҳ”, “Назми чор дарвеш”, “Қамаруз замон”, “Аҳволи қиёмат”, “Амир Ҳамза” достони, “Ҳорун подшонинг ҳикоялари” шеърий қиссалари шулар жумласидандир.

Муаллиф ўз асарларида тарихий сиймоларни тез-тез тилга олади. Ўқувчини уларнинг ўрнак ҳаёт тарзларидан, маънавий-ахлоқий фазилатларидан ибрат олишга чақиради. Хусусан, туркий халқларнинг ижтимоий, маънавий ва адабий ҳаётида муҳим ўрин тутган Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахмад Яссавий каби тарихий сиймоларни ҳурмат билан эслайди:

Нақшбанд Баһауаддин шыққан аты,
Білінген жеті жаста кереметі.
Қожа Ахмет Иасауиден ғибрат алғын,
Берілген пайғамбардың аманаты.

Таржимаси:

Нақшбанд Баҳоуддин чиққан донги,
Билинган етти ёшда каромати.
Хожа Ахмад Яссавийдан ибрат олгин,
Берилган пайғамбарнинг омонати.

Маълумки, 14 асрда Лутфуллоҳ Кайдоний Насафий ҳанафий фиқҳи билан боғлиқ ўнлаб асарлар ёзган аллома. Унинг асарларига кўплаб шарҳлар битилган. Ҳатто 16 асрда яшаб ижод этган усмоний олими Азиз Маҳмуд Ҳудоий Насафийнинг “Фиқҳи Кайдоний” асарига шарҳ битган. Қарангки, Шоди оқин ҳам бир маърифатпарвар олим сифатида халққа тушунилиши осон бўлишини назарда тутиб “Фиқҳи Кайдоний”ни назмда қаламга олган:

Мағынасымен үкімінің,
Айтылсын мұнда тамамы.
Асандықпен фаһм етіп,
Білмекке талап ауамы.

[88] Бу ишларда филология фанлари номзоди, доцент Умирзаков Саттар Досалиевич, филология фанлари номзоди Қазибек Тажиев, Сейтомар Саттаров, Икрам Айтаев, Нурлан Бабаевларнинг хизмати беқиёс эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Таржимаси:

Ушбу асарда ҳукмларнинг,
Маъноси тугал баён этилсин,
Ўрганишни талаб қилган халққа,
Тушунилиши осон бўлсин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Шоди оқин ҳаёти қанчалар оғирлик, мусофирликда ўтмасин, асл мақсади Аллоҳ йўлида жамиятга илм-маърифат нурини тарқатиш билан машғул бўлганини шоир ёзиб қолдирган асарлар исбот қилади.

Жусипбек Шайхисломўғли (1857-1937)

Қозоқ адабиёти тарихида диний-маърифий, ахлоқий ғоялари билан кўзга ташланган шоирлардан бири Жусипбек Шайхисломўғлидир. Ўз даврида халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиш билан шуғулланган Жусипбек ўз навбатида хатоларини тузатиб, уларни нашрга тайёрлаш ишларини йўлга қўйган. Шу билан бир қаторда пухта диний билим олган шоир ўзи яшаб турган жамиятда Ислом дини тарихини кенг кўламда ўрганишни, Усмон (р.а.), Али (р.а.) каби чорёр саҳобалар ҳаётини ёритувчи диний-дидактик қиссалар, қиёматнинг даҳшатли аломатларини баён этувчи достонлар, термалар, тўртликлар ва шу каби адабий асарлар қаламга олади.

Проблема заключается в исследовании вопросов функционирования этнографических терминов, их особенностей, роли и значении в процессе коммуникации и др. Однако существует и ряд проблем, касающегося лингвистического анализа (описания) этнографической терминологии с точки зрения ее активного и пассивного состава, функционирования в процессе коммуникации (сопоставительный подход), на которые необходимо обратить внимание исследователей. Мы планируем рассмотреть эти проблемы в рамках проектной работы.

Бесспорно, этнографическая лексика – это неотъемлемая часть словарного состава любого языка. Однако следует заметить, что на современном этапе развития науки и научных исследований, не уделяется достаточного и пристального внимания изучению этнографической лексике, как к объекту сопоставительного исследования, в частности, русского и узбекского языков. Как показали результаты обзора и анализа научной литературы, выдвинутая проблема ждёт своего решения, она недостаточно разработана. Кроме того отсутствие работ по всестороннему изучению этнографической лексики в сопоставительном плане (на материале русского и узбекского языков), по ее систематизации и классификации позволяет говорить об её актуальности. Ввиду частотности и разнообразия этнографической лексики, широкого её употреблении в настоящее время в разговорной речи и недостаточной осведомлённости носителей языка, особенно молодого поколения, народных этнографических наименований, исследование данной темы в лингвистическом аспекте (тщательном анализе) представляет собой большой интерес и важность. Важность сбора материалов исследования по изучению

этнографических терминов и их анализ с лингвистической точки зрения (на материале русского и узбекского языков) обусловлена тем, что далеко не в полном объеме собраны и систематизированы термины, связанные с названиями предметов повседневного обихода (домашняя утварь, посуда, одежда, обувь, украшения, продукты питания и др.); народным промыслом, названия праздников, торжеств, обычаев и обрядов, а также не полностью изучена терминология родства и т.д.

В работах исследователей, посвящённых изучению терминов по этнографии, осуществлялся подход с различных сторон. В частности, национальная и заимствованная терминология исследована исходя из национального менталитета каждого народа, как комплекс особенностей, формирующихся под влиянием образа жизни этносов, их интересов, географического месторасположения; человека и, своеобразия языковых картин мира. В них изучена этнографическая лексика национального характера. Однако данные вопросы не отражают современные психологические средства и эволюционное развитие этнографических терминов, что позволяет утверждать о важности и необходимости её более глубокого изучения и описания в целях создания новых словарей этнографического характера.

На наш взгляд, данное исследование внесет определённый вклад в теорию и практику лексикологии и этнолингвистики русского и узбекского языков.

Список использованной литературы:

1. Маркарян Э.С. Культурная традиция и задачи дифференциации ее общих и локальных проявлений// В кн.: Методологические проблемы исследования этнических культур. Материалы симпозиума. - Ереван, 1978. – 88 с.

2. Дерешиев Ю.Д. Вопросы терминологии. - Москва, 1961.

3.Хохлова Е.Л. Содержание терминологического поля в многоязычной терминографии. - Москва, 2005.

4.Якубов И.М. Анализ эквивалентности лингвистических терминов русского и узбекского языков. - Ташкент, 1991.

PIKUL V. S. - MEGA GIFTED WRITER AND STORYTELLER
Пикуль в.с. - мегаодаренный писатель-рассказчик

Shevchenko Elena Vitalievna
teacher, Fergana State University,
Uzbekistan
Шевченко Елена Витальевна
преподаватель, Ферганский гос. университет,
Узбекистан

Annotation: *In the picul article of the rmega gifted features of V. S. Picul's artistic creations and historical problems in them. Studying the materials of historical miniatures of the writer, the reader turns to his statements, where the narrator gives an exhaustive answer to many questions that concern his admirers. At the same time, it opens up new facets of the writer, and also inevitably disappears all non-essential, as the author himself noted: "I try to present to the reader only the most urgent". This is a very interesting topic. It is still waiting for its researchers.*

Keywords: *artistic creations, V. S. Pikul, historical problems, miniatures of the writer, statements, the writer, an exhaustive answer, new facets of the writer, all non-essential*

Аннотация: *В данной статье раскрываются особенности художественных творений В.С. Пикуля и историческая проблематика в них. Изучая материалы исторических миниатюр писателя, читатель обращается к его высказываниям, где писатель даёт исчерпывающий ответ на многие вопросы, которые волнуют его почитателей. При этом он открывает новые грани писателя, а также неизбежно отпадает все несущественное, как отметил сам автор: «стараюсь изложить перед читателем лишь самое насущное». Это очень интересная тема. Она еще ждет своих исследователей.*

Ключевые слова: *художественные творения, В.С. Пикуль, историческая проблематика, миниатюры писателя, высказываниям, писатель, исчерпывающий ответ, новые грани писателя, все несущественное*

Русская литература при всём своём национальном своеобразии, при всей своей сложности и многогранности, а также напряженности своих внутренних процессов – неотъемлемая часть духовной жизни всего мира.

В настоящее время в научных изысканиях доминирует историческая тематика. Историческая тема, несмотря на ее актуализацию в нашем обществе не так давно, является вечной. И это мы можем видеть на примере как исключительно русской, так и вообще мировой литературы. К теме истории обращались А.С. Пушкин и Ю.М. Лермонтов, М. В. Гоголь и Ф.М. Достоевский, Н. Мандельштам и И.Бродский, Г. Г. Маркес и Г. Гайне, Э. Хемингуэй и Э. Золя, П. Коэльо и другие.

Думается, что неспроста. Ведь без истории нет настоящего и будущего. Такого же мнения, придерживался Пикуль Валентин Саввич. О себе он пишет: «Я человек счастливый, ибо прожил не только свою жизнь, настоящую, но и прожил судьбы многих героев прошлого». О великом значении истории в духовной жизни народа издревле было сказано очень много, и здесь напоминает В.С.Пикуль слова знаменитого Цицерона: Не знать, что было до того, как ты родился, значит навсегда остаться неразвитым ребёнком. В этом плане уместно высказывание В. О. Ключевского: “История – это фонарь в будущее, который светит нам из прошлого…” Данные слова стали как бы девизом творческого кредо русского писателя.

Валентин Саввич Пикуль - писатель очень высокого интеллекта и большого таланта, который имел особенность пробираться в самые глубины людских отношений как на личном, так и на государственном уровне. Многие из-за его таланта называли мегаодаренным писателем, рассказчиком. Ко всему сказанному необходимо отметить, что он был довольно хорошо ознакомлен с историческими документами, обладал

глубокими познаниями в истории. В целом, важно отметить, что всё это вместе взятое в одном человеке-писателе встречается крайне редко. Глубоко погруженный в вопросы родного ему государства, Валентин Саввич Пикуль никогда не забывал о проблемах, которые преобладают в мире. Чтение пикулевского текста - это исследование и изучение истории, поиск собственного «я», а в идеале - даже сотворчество.

Пикуль В.С. является феноменом, неразгаданной загадкой, своего рода таинственным художником русского слова на литературном небосклоне прошлого столетия. Безусловно, широк спектр оценок пикулевского наследия – «от восхищения и до отрицания». На наш взгляд, сегодня возникла необходимость глубокого изучения творческого наследия писателя-историка. При таком знакомстве с жизнью и творчеством такого незаурядного писателя, по-нашему мнению, откроются читателю новые грани его творческой натуры и человека-писателя, автора многочисленных художественных произведений на историческую и военно-морскую тематику, все произведения которого основаны на фактах, которые описаны во многих учебниках истории, но отличаются своим увлекательным изложением, повествованием. По словам В.С.Пикуля: «разве мало в нашей истории заведомых негодяев, мерзавцев или взяточников? Эти отрицательные персонажи тоже имеют право на то, чтобы их имена сохранились в грандиозном Пантеоне нашей истории…».

Изучая материалы исторических миниатюр писателя, мы обращаемся к его высказываниям, где он даёт исчерпывающий ответ на многие вечные жизненные вопросы, которые волнуют читателя: «…о каком-либо герое в полном объеме, пригодном для написания романа, я затем как бы сжимаю сам себя и свой текст, словно пружину, чтобы “роман” сократился до нескольких страничек прозы. При этом неизбежно отпадает все мало существенное, я стараюсь изложить перед читателем лишь самое насущное». Действительно, это очень интересная и актуальная проблема, которая решается на страницах произведений мастера слова. Данная проблема ждёт своих исследователей. Всё сказанное выше и позволяет говорить о более глубоком и всестороннем рассмотрении изучения жизни и творчества писателя, истории его времени, его прошлого и читателя. Важно отметить, что в задачи изысканий входило следующее:

1. Анализ отдельных произведений писателя с целью выявления основных исторических образов.
2. Изучение критических материалов и литературоведческих отзывов по данной теме.
3. Описание отношения В.С. Пикуля к историко-политическим событиям в России.
4. Раскрытие особенности тематики языка и стиля произведений В.С.Пикуля, в частности, миниатюры писателя, в том числе и «Тайный советник», а также ранние и поздние исторические миниатюры.

Полученные результаты анализа, на наш взгляд, в определённой степени углубляют представление об особенностях мастерства русского писателя-историка и репрезентации выразительно-языковых средств, использованных В.С. Пикулем в его художественных текстах.

Если уж говорить о тех характерных сторонах русской литературы, в которой действительно отражается национальная душа, национальный характер, то это как раз то, что можно назвать беспощадностью в стремлении дойти до самого конца в развязывании

всех, самых сокровенных мыслей и чувств, в искренности обнажения всего того, что враждебно справедливости и правде.

Рассказы-миниатюры писателя отличаются мошной индивидуальностью каждого из них, пробивающих свой особый путь из истории в будущее. Именно поэтому его художественные творения воспринимаются как уникальные явления в области русской литературы, предполагающей совершенно особый принцип художественного построения – пикулевского стиля.

Список использованной литературы:

1. Исторические произведения В.С.Пикуля. – Москва, 1998.
2. Ключевский В.О. История литературная. – Саратов, 2003.

EDEBİYAT ARAŞTIRMACILIĞINDA YENİ İNSAN KONSEPTİ
Адабиётшуносликда янги инсон концепцияси

Dr. M.Corayeva
Fergana Devlet Üniversitesi
Edebiyat Bilimciliği Bölümü

М.Жўраева,
ФарДУ Адабиётшунослик кафедраси
катта ўқитувчиси(PhD)

Özet: *Makalede Özbek edebiyat araştırmacılığında yeni insan konsepti ve onun tarihi esasları, sosyal-psikolojik amilleri üzerine söz edilmektedir. Bazı bilim adamlarının konuyla ilgili fikir ve görüşleri tahlil edilerek değerlendirilmektedir. Edebiyat araştırmacılığındaki mevcut görüşler ve son zamanlarda gelinen sonuçlar üzerine genelleme yapılmaktadır.*

Anahtar kelimeler: *Mesele, tip, insan, fikir, görüş, konsept, sosyal-psikolojik esas, sanatsal süreç, bedii eser.*

Аннотация: *Мақолада ўзбек адабиётшунослигидаги янги инсон концепцияси ва унинг тарихий асослари, ижтимоий-психологик омиллари ҳақида сўз юритилади. Қатор олимларнинг фикрлари таҳлилга тортилиб, уларга муносабатлар билдирилади. Бу борада адабиётшунослигимизда етакчи бўлган фикрлар умумлаштирилади.*

Калит сўз: *муаммо, образ, инсон, фикр, қараш, концепция, ижтимоий-психологик асос, ижодий жараён, бадиий асар.*

Замонавий жамиятда инсоният олдида турган энг катта муаммо – бу глобаллашув жараёнида космосдаги ягона, онгли мавжуд сифатида ҳар томонлама етук, баркамол инсонни тарбиялаш, олам ва одам, одам ва одам муносабатларининг ўзига хос қирраларини кашф этиб бориш. Кўриниб турибдики, муаммо серқирра, мураккаб бўлиб унга ечим ҳам турлича бўлади. Масалан, фалсафий, иқтисодий, илмий-техникавий, сиёсий, дидактик ва ҳоказо бўлиши мумкин. Биз мазкур муаммонинг замонавий ўзбек насрида ижтимоий-психологик жиҳатдан қандай ҳал этилаётганига эътибор қиламиз.

Тадқиқот аввалида шуни таъкидлаш керакки, “янги инсон концепция”[92] ибораси англатган тушунча кенг қамровли бўлиб, уни фалсафа, психология, эстетика, табиатшунослик каби фанларда ҳам учратиш мумкин. Шунингдек, эрадан олдинги давр маданияти, милоднинг V асригача бўлган маданият, Қорахонийлар даври маданияти, Ўрта аср уйғониш даври, Темурийлар даври каби тушунчалар остида ўз даври учун янги қараш ва тамойилларга эга инсонлар билан боғлиқ жараёнлар тушунилади. Демак, инсоният тараққиёти замонавий тамаддунгача бир қанча босқичларни босиб ўтган. Қизиғи шундаки, бошланган босқичлар янги давр, аввалги давр эса эски давр деб аталган. Инсоният онги ва идрокидаги ўзгаришлар мазкур даврлар учун янги инсон концепцияси бўлган.

Янги инсон концепцияси, шу асосда образ яратиш ҳам адабиётшуносликнинг энг қадимий муаммоларидан бири ҳисобланиб, ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида унга турлича муносабат билдирилган. “Авесто” улкан маданий ёдгорлик сифатида ўз давридаги янги инсон қандай бўлиши ва бунинг учун у нималарга эътибор қилиши лозимлиги уқтириб келади. Профессор Н.Жўраевнинг ёзишича, “Мазкур қадимий ёзма ёдгорлик инсон ва унинг ахлоқий қарашлари генезиси, кишилик жамияти ривожланиш тамойилларини нафақат маънавий, балки ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва қадриятий асосларини ўзида мужассам этган. Айтиш мумкинки, бундай нодир маданий ёдгорларни талқин этиш аждодларимиз ҳаётий тажрибасини, донишмандлигини, ақлий салоҳияти ва интелектуал имкониятларини ўзлаштириб, ҳаётга татбиқ этиш имконини беради” [5; 13].

[92] Концепция [lat. conceptio] –1) қарашлар тизими, ҳодиса, жараённи у ёки бу тарзда тушуниш; 2) бирор асар, илмий иш ва шунга ўхшаш нарсаларнинг ягона, етакчи, асосий ғояси, аниқловчи фикр.

Демак, янги инсоннинг ўзига хос бадиий-эстетик, ижтимоий-психологик қарашлари мажмуини қадимдан долзарб саналган. Шунинг учун ҳам антик даврнинг буюк мутафаккири Афлотун ўзининг “Давлат” номли асарида янги давлат қуриш назарияси, янги жамиятда одамларнинг вазифа-лари, халқ ва давлат ўртасидаги муносабатлар мажмуи ҳақида қимматли мулоҳазалар билдирган [3]. Арасту эса “шоирнинг (бу ерда ёзувчи ҳам назарда тутилган – М.Ж.) вазифаси ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеа ҳақида эмас, балки содир бўлиши мумкин бўлган, демак, бўлиши тахмин этилган ё бўлиши зарур бўлган воқеа ҳақида сўзлашдир” деган таърифида яратилаётган бадиий оламдаги инсон ва унинг қарашлари хусусида фикр юритади [5;32]. Умуман олганда, бадиий асардаги инсон ва унинг ҳар бир ижтимоий даврдаги янгича қиёфаси, янгича қарашларини акс эттиришнинг тарихий асослари узоқ тарихга эга. Ўрта асрлардан бошлаб, Шарқ адабиётшунос-лигида Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий каби мутафаккирлар ҳам ўз давридаги янги инсон ва унинг қарашлари мажмуи ҳақида қимматли ғоя ва фикрлар баён қилишган. Жумладан, Абу Наср Форобий “Фозил шаҳар одамлари” асарида ўзининг янги жамият ва инсон концепциясини батафсил баён қилиб беради [15].

Ҳофиз Шерозий (1300-1389) XIV асрдагаёқ “Чин киши кўзга чалинмас, олам ичра истама, Ўзга одам, янги олам қайтадан тузмак керак” дея янги инсон концияси га ўз даврида катта эхтиёж бўлганлигини бадиий ифодалаб кетган [18;62]. Алишер Навоий асарларида ҳам янги инсон концепцияси илгари сурилган. Хусусан, Абдуқодир Ҳайитметовнинг фикрича, буюк мутафаккир “Ҳайратул-аброр” достонида “ўз даври учун зарур бўлган ижтимоий-сиёсий ёки аҳлоқий проблемани қўяди, уни ўз давридаги ҳаётдан, ижтимоий табақаларнинг аҳволидан келиб чиқиб чуқур ва атрофлича таҳлил, унга ўз гуманистик муносабатини билдиради” [16;6]. Бу ерда XV аср учун янги инсон қандай бўлиши керакли ҳақидаги мулоҳазалари ўрин олганига урғу берилар экан, олим Алишер Навоий идеалидаги янги инсон фазилатлари мазкур асарда 20 та мақолат ва ҳикояларга сингдириб юборилганини тўғри таъкидлайди. Академик Азизхон Қаюмов эса “Лисон ут-тайр” достони ҳақида фикр юритаётиб қуйидагиларни ёзади: “Достонда юксак даражага мансуб бўлгани учун инсон қандай риёзатларни чекиб покланмоғи, ўзидаги турли-туман нуқсонлардан қандай қилиб қутилмоғи мумкинлиги тўғрисида сўз боради”, деб қайд этади [7;219]. Дарҳақиқат Алишер Навоийнинг мазкур достонида инсон учун юксак низом бўлган қатор қараш ва талабларни илгари суриб, янги инсон концепциясининг юксак даражасини ифодалайди.

Европа адабиётида янги инсон концепцияси Фридрих Вильгилем фон Гегель, Артур Шопенгауэр, Фридрих Нитше, Николай Бердяев тамойиллари асосида шаклланди. Хусусан. Гегель илгари сурган воқеликни диалектик англаш тамойили тараққиёт марказида инсон туришини тушуниш ва янги инсон шаклланишига асос бўлди [4]. «Фридрих Нитше устози Артур Шопенгауэр каби Шарқ маънавиятига, шарқона инсон концепциясига катта ҳурмат билан қаради ва инсон ҳақидаги ҳақиқатни Шарқдан қидирди, маълум маънода ўзини Зардўшт билан айнанлаштирди» [1;167]. Дарҳақиқат, Шарқда анъанавий инсон концепцияси шаклланди. Унинг асосида Яратган (Худо, табиат, она, ижодкор) меҳр, эътиқод, инсоннинг ижтимоий бирлашиши, олға интилиши, сабр-тоқат қилиши, ирода ва ақл эркинлиги, меҳнат қилиши каби хусусиятларига қатъий амал этиш етакчилик қилади. Бироқ собиқ тузум пайтида адабиётнинг мафкуравий қуролга айлантирилиши савияси паст ва бирёқлама асарлар пайдо бўлишига, ундан кейин эса савияси ўртамиёна ўқувчилар авлоди шаклланишига хизмат қилди. Инсоннинг асл моҳиятини англашга бўлган интилиш барча даврларда инсон концепция-сининг ўзак қисмини ташкил этган. Буни эса ўртамиёна кишилар англай олмайди. “Нитше ниҳоятда миқёсли “ҳаёт фалсафаси” деб аталган янги йўналишга асос солди. Бу йўналиш баъзи нуқсонларига қарамасдан, жаҳон фалфаси тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилди; прагматизм, феноменология,экзистенциализм сингари оқимларга ғоявий-назарий асос бўлиб хизмат қилди” [1;169].

XIX аср охирида Туркия ва Россия таъсири ҳамда маҳаллий зиёлилар ҳаракати билан бошланган янги давр XX аср бошларида бадиий адабиётда бутунлай янги инсон концепциясини яратишга асос бўлди. Хусусан, Абдулла Қодирий яратган янги инсон копцепциясини фақатгина икки ёшнинг бахтсиз муҳаббати ташкил этмаслигини академик М.Қўшжонов тўғри кўрсатади: “Бу романдаги бош образ ривожининг бир томони, холос. Агар ёзувчи тасвирланаётган давр ҳаётининг, бу қанчалик типик бўлмасин, фақат шу томонигагина эътибор берганида у соф сентиментал роман ёзган бўлар эди. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу Отабекнинг халқ тўғрисида ғам ейишидир” [8;6]. Айнан шу даврда шахс руҳиятидаги эврилиш ва шаклланаётган янги инсон қарашларини Улуғбек Ҳамдамов ўз монографиясида лирик субъект мисолида тадқиқ этади: “Ўзбек адабиётининг ижтимоийлашувида ташқи омилнинг ўрни ва аҳамиятини ҳам асло камситмаслик лозим. Зеро, ташқи омил ички омилни ҳаракатга келтирган мотордир. Жумладан, ташқи маданий-иқтисодий алоқаларнинг кучайиши янгиланиш эҳтиёжини туғдирди, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзгартириб, шахс мақомининг ўзгаришига олиб келди – янги инсонни шакллантирди” [17;92]. Бу ерда олим янги инсоннинг шаклланишида руҳий-психологик омил ва унинг ёнига ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳам қўшган ҳолда фикр юритиб, уларни инсон қарашларидаги етакчи тушунча тамойиллар тизимининг шаклланишида асосий ўринга эгалигини тўғри таъкидлайди. Бироқ тарихдан маълумки, XX аср ўрталарига келиб, бадиий адабиёт инсонни бутунлай мафкуравий қолипга солиб, бирёқлама тасвирланиши кучайди. Бу жараён мустақилликкача давом этди.

Академик И.Султон “Ҳаётни қайта қуриш тилаги, кўпинча кишиларнинг хаёл ва орзулари шаклида рўёбга чиқади. Бу хаёл ва орзулар адабиётда ҳам ўз аксини топади ва унинг ҳаётни қайта қуришдаги ролини оширади. Агар кишининг хаёли (орзуси) реал ҳаётга, уни ҳақиқатан қайта қуриш имкониятларига асосланган бўлса, бундай хаёл ҳаёт ҳақида тўғри, ҳаққоний тасаввур яратишга халақит бермайди” [13;67]. Олимнинг фикрини ривожлантириш қўшимча қилиш мумкинки, ҳаётни қайта қуриш, янгитдан ўз истагидек барпо этиш, инсонга бунёдкорлик, яратувчанлик, фикр ва руҳ эркинлигини беради. Инсон концепциясининг етакчи ғоялари ҳам аслида ана шулар ҳисобланади. Инсон оламни қайта ва қайта идрок этар экан, оламнинг мўъжиза эканлигини англай боради. “Мўъжизадан мўъжиза яралади, сўзшунослик – инсоншунослик қудрати ҳаммамизни поклайди, самимий-ликка чулғайди, ҳавасимизни орттиради, меҳнату машаққатга етаклайди” [14;8]. Бу ерда ҳар иккала олим ҳам инсон концепцияси марказида инсоннинг кутилмаган куч ва фавқулодда қудратга эга эканлига ишора бор. Масалан, Зулфия Қуролбой қизи яратган Назар чол, Тангриберди образларида бизнинг замонавий адабиётимизда учрамайдиган, кутилмаган инсон образини кўрамиз. Уларнинг асосий мақсади яшаб қолиш, ҳаётдан баҳра олиш. Ҳар иккаласи ҳам тафаккур қудратига таянади. Демак, янги инсон концепциясининг етакчи қирраларидан тафаккурга суяниш ва инсонни мўъжизага ишониш деган хулосага келиш мумкин.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётидаги янги инсон концепцияси ҳақида сўз юритар экан У.Норматов шотланд олими Томас Карлейлнинг жаҳон тарихида шахснинг ролига бағишланган асарини тилга олиб, унинг қуйидаги фикрини келтиради: “Қаҳрамонлар замонасига қараб, маъбудлар, пайғамбарлар, диний ва дунёвий уламолар, шоирлар ва адиблар, шоҳлар ва ҳукмдорлар бўлишидан қатъий назар, улар ҳақиқатни одамларга етказиш, оммани ўз ортидан эргаштиришга юборилган шахслардир. Улар мавжуд ҳақиқат бағридаги сирларни бошқалардан кўра кучлироқ ҳис этадиган, уларни бизга кашф этиб беришга қодир сиймолардир” [9;134]. Мазкур суҳбатда олим ҳозирги адабий жараённи уч босқичг ажратади. Лекин профессор Ҳ.Болтабоев бу босқичларни жаҳон адабиётшунослигида “Янги (ёки янгиланган) адабий жараён” истилоҳини қўлламоқда... Натижада адабий жараён темир қоидалар, адабий тамойиллар ва ижодий концепциялар эвазига эмас, балки бадиий адабиётдан кутилаётган янгиланиш жараёнига қараб ўзгариши мумкин бўлган либерал ҳодиса (Т.Иглтон) экани, адабиётшунослик мана шу янгиланаётган адабиётни ўзгартирувчи назарий илм эмас, балки ундаги ўзгариш

жараёнини кузатиб, адабий сабоқ ва тажрибаларни умумлаштириб, адабий таҳлил усулларини тавсия этувчи методологик қарашлар мажмуи сифатида намоён бўлмоқда” деб янада ўзгача руҳда таърифлайди [9;138]. Бу ерда олимнинг *“темирлар қоида ва адабий тамойил ва ижодий концепциялар эвазига эмас”* деган фикри унча қўшилиб бўлмайди. Тўғри, адабий жараён либерал ҳодиса ва ундан кутилаётган нарсалар, ижодий концепциялар ҳамма вақт ҳам ўзини оқмаслиги мумкин. Бироқ, адабий-ижод жараёни руҳий-психологик тамойил ва концепцияларга бўйсунади. Шу ерда ҳар бир янги даврда ўзидан олдиги давр кишисига ўхшамаган янги инсон образи яратилади.

Бизнинча, мустақиллик даври адабиётидаги янги инсон концепцияси ҳақидаги қарашларнинг анча ишончли таърифини Н.Раҳимжонов беради: “адибларимиз хоҳ тарихий воқеликка, хоҳ диний-аҳлоқий ғояларга, хоҳ бугунги кунга мурожаат этишадими, моҳиятан туркий улус бирлигини, миллат иқболини, Ватан тараққиётини таъминлашга қаратилган ижтимоий-фалсафий концепцияси билан ажралиб туради. Бош маъно – жаҳон халқларининг тотувлиги ва ҳамкор-ҳамнафаслигини боғловчи башарий ғояларида зоҳир бўлаётир” [10;6]. Эътибор берсак, олим ҳозирги адабиётимиздаги янги шаклланаётган қарашлар тизимининг умумий жиҳатларини тўғри кўрсатади. Бироқ янги инсон концепциясининг хусусий белгиларини ҳақида сўз юритмайди.

Профессор Й.Солижонов инсон тафаккуридаги янгиланиш ва мустақиллик туфайли бадиий ижодга берилган эркинлик ҳақида сўз юритаё-тиб шундай қайд этади: “Бунинг самараси тез орада аниқ кўзга ташланди, яъни жадаллик билан ўсиб бораётган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тафаккур таъсирида адабий-бадиий тафаккур ҳам шаклланиб, улғайиш йўлига кирди.Дастлаб одамзоднинг иқтисодий бўронлар уммонидаги сузиш қийинчиликлари, чўкиш азоби, иккиланиш, бемақсад қулоч отишларини реал тасвирлашдан ўзини тийган адабиёт аҳли янги асрнинг илк йилларидан бошлаб, бу мавзуни жиддий ишлашга киришди. Бозор ва инсон тақдири кейинги йиллар ўзбек насрининг энг кўп ишланаётган муаммосига айланди” [12;6]. Охирги гап мазмунидан янги инсон концепциясининг бозор ва инсон тақдири ўртасидаги муносабатлар натижасида маълум бир қирраси шаклланишига эътибор берилганини тушуниш мумкин. Демак, янги инсон шаклланишининг хусусий белгиларидан бири бозор ва одам муносабати ҳамда шу икки субъект фаолияти билан боғлиқ воқелик бадиий адабиётда инсоннинг янгича қарашларини акс эттиради.

“Гўзалликнинг турфа ранглари” номли мақолада эса Й.Солижонов гўзалликни яратувчиси ҳам, уни барбод қилувчиси ҳам инсон ўзи эканлигини баён этар экан, Абдуқаюм Йўлдошев ҳикоялари мисолида инсон ва унинг бугунги қарашларини таҳлил этади. “Бугина эмас, балки тўпламга киритилган ўн етти ҳикоянинг ҳар бири ўқувчини мушоҳадаги ундайди ва, табиий, аҳлоқий, маънавий, маданий гўзаллигини шахсий манфаати йўлида қурбон қиладиган, керак бўлса, ундан жирканишгача борувчи табақаларнинг асл қиёфасини фош қилади. Ёзувчи “Алвидо гўзаллик...” ҳикояси шўролар кўп ҳукмронлик қилиб, инсонни ҳақиқий гўзалликдан маҳрум этган: “Гўзалликнинг манбаи меҳнатдир”, деган ақидага ҳам тузатиш киритади” [11;151]. Бу ерда янги инсон концепцияси моҳиятида ҳақиқий гўзаллик ва унинг акси бўлган, собиқ тузум давридаги инсон қиёфасида эса инсон гўзаллигидан кўра, улкан механик машинанинг бир қисми сифатида акс эттирилганини тўғри кўрсатади.

Узоқ Жўрақулов эса янги инсон акс эттирилган икки ҳикояни тадқиқ этади ва насрий жанрларимиздаги янгиланиш “А) воқеликни идрок этиш, бадиий ифодалаш ва унга поэтик муносабатда метафорик моделнинг намоён бўлиши; Б) бадиий талқинда ассоциатив усулнинг етакчилиги; В) сюжет ва образларнинг тўлалигича метафорага қурилганлиги”дадир деган хулосага келади [6;219]. Тадқиқотчи бу ерда саналган хусусиятларнинг учинчисида замонавий ҳикоячиликда янги инсон образини яратишда метафоравийлик кучайганини тўғри кўрсатган.

Юқоридаги келтирилган фикр ва мулоҳазалар, инсон концепцияси ҳақидаги турли даврларда айтилган ва илгари сурилган ғояларни умумлаштирсак қуйидаги хулосалар шаклланади:

1. Ҳар бир даврда янги инсон концепцияси шаклланади. Улар ўз даврининг етакчи ғоялари, халқ турмуш тарзи, жамият ва одам муносабатларини ўзида акс эттиради. Қизиғи шундаки, ҳар бир давр концепцияси ўзидан олдинги давр концепциясига ўзгартириш, тузатиш ва тўлдиришлар киритиш эвазига ривожланади.

2. Мустақиллик даври янги инсон концепциясида ўзига хос давр бўлиб, унда инсоннинг азалий вазифаси дунёни ва моҳиятни англашга бўлган қизиқиши ортди, инсонга фикр ва дил эркинлиги берилди. Бадиий образ турли мафкуравий тазйиқлардан қутулди.

Адабиётлар

1. Абдулла Шер. Зардўшт: инсон ҳақидаги ҳақиқатни излаб. Давра суҳбати. А.Саидов, Г.Қобулниёзова, Ў.Жалолова, Г.Рўзматова. // Жаҳон адабиёти, 2005, 3-сон. – Б.166-174.
2. Арасту. Поэтика.Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – 352 б.
3. Афлотун. Давлат: насрий достон. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 464 б.
4. Гегель. Эстетика. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар жамияти. 2011. – Б.400.
5. Жўраев Н. Инсон ва ҳаёт фалсафаси / Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.4-32.
6. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. –356 б.
7. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. –272 б.
8. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. –136.
9. Норматов У., Болтабоев Ҳ. Бугунги адабиётда эстетик идеал ва қаҳрамон муаммоси. суҳбат // Жаҳон адабиёти, 2012, № 4. – Б.134-147.
10. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти (тамойиллар, тажрибалар, сабоқлар). – Тошкент: Фан, 2007. – 260 б.
11. Солижнов Й. Гўзалликнинг турфа ранглари (Бир ҳикоя атрофидаги ўйлар) // Шарқ Юлдузи, 2012, №1. –Б.149-151.
12. Солижонов Й. Кўзгудаги ҳаёт. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Милиий кутубхонаси нашриёти, 2013. – 148 б.
13. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 302 б.
14. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. –Тошкент: Шарқ, 2004. –256 б.
15. Форобий. Фозил шаҳар одамлари. –Тошкент: 1993. 72 б.
16. Ҳайитметов А. Буюк шеърий хазина // Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. –5-8 б.
17. Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърияти. – Тошкент: Adib, 2012. – 304 б.
18. Ҳофиз Шерозий шеъриятидан. –Тошкент: Марказий Комитет нашриёти, 1985. –104 б.

ASIRLARDIR HAYATTA
Asrlar osha barhayot

Nodirbek Habibullayev,
Dr. H.Dostmatov
Fergana Devlet Üniversitesi

Nodirbek Habibullayev
FarDU talabasi
Ilmiy rahbar: f.f.d. ***H. Do`stmatov***

Özet*: İşbu makalede Ali Şir Nevaî'nin hayatı ve faaliyetiyle ilgili bazı olaylar tahlil edilmiştir. Bununla birlikte, Ali Şir Nevai'nin kalemine mensup "İstaganlar..." gazelinin lingvopoetik tahlili yapılarak Ali Şir Nevai'nin kelime kullanma mahareti incelenmiştir.*

Anahtar kelimeler: *Ali Şir Nevai, edebiyat, şiir, gazel, kelime, tahlil.*

Annotatsiya*: Ushbu maqolada Alisher Navoiyning hayoti va faoliyati bilan aloqador ayrim voqeiy hikoyatlar tahlilga tortiladi. Shuningdek, Navoiy qalamiga mansub "Istaganlar..." g'azalining lingvopoetik tahlili orqali Navoiyning söz qöllash mahorati tadqiq etilgan.*

Kalit so'zlar: *Alisher Navoiy, adabiyot, she'r, g'azal, so'z, tahlil.*

Hazrat Navoiyning buyukligini butun dunyo tan olgan. Bu bobomiz haqida gap borar ekan, barcha ijodkorlar (Navoiy davridagi va undan keyingi davrlardagi) u kishini ustoz deb ulug`laydilar. Hatto Jomiy hazratlari ham Navoiy haqida yozganlarida "Turkiy she'rlarni hech kim oncha xo`b va ko`p aytmag`on", - deydilar. Haqiqatan ham, Navoiyning ijodiy merosi juda katta. U haqida "bu merosni o`rganib chiqish uchun bir insonning umri yetmaydi", "Navoiy asarlarini hammasini o`zi yozmagan, chunki buncha merosni qoldirishga bir umr kamlik qiladi", - deyishgan.

Navoiy buncha merosni turkiy tilda yaratgani ham katta ahamiyatga ega. Chunki o`sha paytda turkiy til o`lib borayotgan edi. Darvoqe, bu o`rinda Jomiy hazratlarining bir gaplari bor: "Turk tilining o`lgan jasadiga masih anfoslik ruh kiyurdi…"

O`sha davr ijodkorlari millati turk bo`lsa ham o`z turkiy tillarida ijod qilmay fors tilida ijod qilib, elga tanilib yurgan bo`lsalar, Navoiy o`z ona tilini yuksaklarga ko`tarib chiqdi, o`z ona tili uchun kurashdi. Uning buyukligini yana bir sababi ham shu.

Navoiy juda katta aql egasi bo`lgan. U o`z asarlarida bugungi kundagi ko`plab narsalarni birinchi bo`lib kiritgan. Ular haqida gapirib Navoiyning bashoratchilik qobilyatini ham ko`rishimiz mumkin. Ulardan biri "Farhod va Shirin" dostonidagi "Temir odam" bugungi kunga kelib "Robot"ga aylangan.

Navoiy dinni ham yaxshi tushungan shaxs bo`lgan (fikrimizni isboti sifatida ijodkorning "Siroj ul-muslimin", "Vaqfiya" va boshqa bir qator asarlari va ko`plab g`azallarini keltirishimiz mumkin). Navoiy ijodini o`rganganayotgan kitobxon uning juda ko`p g`azallari Qur'ondagi qaysidir bir holatga yoki qaysidir bir oyatga ishora qilib yozilganini sezadi. Uning bir g`azaliga e'tibor qarataylik:

Istaganlar bizni, sahroi baloda istangiz,
Vodiyi hijron ila dashti fanoda istangiz.

Vomiq-u, Farhod-u Majnundeklar ul vodiy aro
Bo'lsalar paydo, meni ham ul aroda istangiz.

Yuz alarning ishqicha dard-u, balo-vu g'ussag'a
Tolib el boshig'a kelgan mojaroda istangiz.

Eyki, istarsiz savod ul vajh fiddorayindin,
Boxabar bo'lmoq meni yuzi qoroda istangiz

Ko‘nglum ul zulf ichradur, zinhor ishqim sharhini
Istamang men telbada, ul mubtaloda istangiz.

Nukta yanglig‘kim, vafo uzra qilur kotib raqam,
Ishq o‘tining dog‘ini ahli vafoda istangiz.

Og‘zi shavqidin Navoiy itti, ani istar el
Yo adam dashtida, yo mulki fanoda istangiz.

Matla’da Navoiy: “Meni istasanglar (izlasanglar), “Balo sahrosi”dan istanglar”, - deb tashbeh qilyaptilar. “Balo sahrosi” nima? Avvalo “Balo” so`ziga to`xtalaylik. Balo bu ishq yo`lida keladigan sinovlar, insonning o`z nafsi bilan kurashishi yo`lidagi azob-uqubatlardir. “Balo sahrosi” esa Ollohga muhabbat qo`ygan insonning Haqqa yetish yo`lidagi bir holati. Ya’ni inson o`zini bu dunyoda rohat ichida emas, ana shunday azob-uqubatlar og`ushida yurganday sezadi. “Lison ut-tayr”dagi ushbu bayt ham fikrimizni isbotlaydi:

Kim talab vodiysiga qo`ysang qadam,
Ilkinga har dam kelur yuz ming alam.

Ya’ni “Talab vodiysi”ga – “Balo sahrosi”ga bir qadam qo`ysang, yuz mingta balo (azob-uqubatlar)ga duch kelasan!

Matla’ning o`zida 3 ta ibora mavjud:

1. Sahroi balo (balo sahrosi) – yuqorida aytib o`tganimizdek, Ollohga muhabbat qo`ygan insonning Haqqa yetish yo`lidagi bir holati.
2. Vodiyi hijron (hijron vodiysi) – tasavvuf ulamolarining fikricha, bu foniy (o`tkinchi, yolg`on) dunyo. Hijron – bu ayriliq degani. Ayriliq esa insonning Haqdan yiroqdaligini (ya’ni, bu dunyodaligini) anglatib kelgan. Mana shu iborani qo`llash orqali Navoiy hazratlari ham o`zlarining bu foniy dunyodagi o`tkazgan umrlarini hijron (ayriliq) yillari ekanligiga ishora qilganlar.
3. Dashti fano (yo`qlik dashti) – fano buy o`q bo`lish. Fanoning tub ma’nosi – qulning yomon axloq va fe’llarni tark qilib Allohning go`zal sifatlari va ilohiy fe’llariga erishishi, bashariy irodadan ilohiy irodaga ko`chishi.

Shunday qilib, g`azalning matla’sida aytilishicha, istaganlar (izlaganlar) meni balo sahrosidan yo hijron (ayriliq) vodiysidan yoki dashti fano (yo`qlik dashti)dan istangiz, deyilmoqda. Buyuk bobokalonimiz bir baytning o`ziga mana shuncha ma’nolarni sig`dira olish qudratiga ega bo`lgan!

Endi g`azalning maqta’siga e’tibor beraylik.

Og‘zi shavqidin Navoiy itti, ani istar el
Yo adam dashtida, yo mulki fanoda istangiz.

Maqta’da shunday deyilmoqda: Navoiy shunday shavqqa to`ldiki, u itti (yo`qoldi), bu dunyodan g`oyib bo`ldi. Uni endi qidiradigan bo`lsangiz, adam dashtidan, yoki fono (o`tkinchi)dan qidiringlar. Bobomiz mana shu birgina baytning o`zida Allohga bo`lgan ishqi sababli bu dunyodan qo`l uzganligini, jism bu dunyoda, lekin ruhiyat yo`qlik dashtida, Allohga muhabbat qo`ygan insonlarning dashtida ekanligini tasvirlab bergan.

Hazrat bobomiz boshidan o`tayogan har bir hodisaga bir sinov sifatida qaragan. Olloh insonlarni ibtilo uchun, ya’ni imtihon uchun yaratganini (“Mulk” surasi) yaxshi tushungan. Mana shu imtihonlar (sinovlar) ikki xil ko`rinishda bo`lishi mumkin:

1 – Kambag`allikda;
2 – Boylikda.

Navoiy bu sinovlarning ikkalasiga ham duch keladi. Manbalarda shuni keltiriladiki, Navoiy Samarqandda, hatto, bir marta ham hammomga kirishga puli bo`lmagan kunlarni ham boshidan o`tkazadi. Bobomiz bu kunlarni Ollohdan kelgan bir sinov sifatida bilib, toat yo`lidan, Haq yo`lidan bir qadam ham jilmaydi.

Yaratgan Haq endi uni boy kunlarda sinaydi: Navoiy juda katta merosga ega bo`ladi. Shunchalik boyib ketadiki, hatto, Husayn Boyqaro ham ba’zan Navoiydan qarz olib turgani ba’zi manbalarda uchraydi. Hazrat bobomiz mana shu kunlarni ham bir sinov sifatida bilib, bu pullarni madrasa, xonaqoh, hammomlarni qurishga sarflaydi. Bu pullarni qanday sarflagani uning “Vaqfiya” asarida keltirilgan. Shunday qilib, Navoiy hazratlari bu sinovdan ham sarbalandlik bilan o`tadilar.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Navoiy komil inson darajasiga yaqinlashgan shaxs. Chunki u dinni yaxshi tushungan, nafsini jilovlagan (bunga birgina misol qilib: undan bir qiz nafsini qondirishni iltimos qilganida uni rad etganligini keltirishimiz mumkin), dunyoviy bilimlarni ham yaxshi bilgan (bunga misol qilib uning tarix va tilshunoslika oid asarlarini keltirishimiz mumkin), davlat ishlarida ham faol qatnashgan. Mana shunday inson bizning bobomiz ekanidan doimo faxrlanamiz.

Adabiyotlar:

1. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to‘plami: 20 jildlik. 9 jild. -Toshkent: Fan, 1982.
2. Navoiy A. Mukammal asarlar to‘plami. 20 jildlik, 14-jild. –Toshkent: “Fan”, 1998.
3. Alisher Navoiy. Vaqfiya. –Toshkent: “Fan”, 1991.
4. Alisher Navoiy. Asarlar. XV jildlik. –Toshkent: “Fan”, 1967.
5. Mallaev N. Alisher Navoiy va xalq ijodiyoti. Toshkent: G‘.G‘ulom nomidagi nashriyot, 2015.
6. Rustamov A. Navoiyning badiiy mahorati. -Toshkent, 1979.
7. Alisher Navoiy ijodining jahonshumul ahamiyati. (Alisher Navoiy tavalludining 570 yilligiga bag‘ishlangan Xalqaro ilmiy- nazariy anjuman materiallari).

KÖHNE DÜNYA – POLİFONİK ROMAN
“Кўҳна дунё” - полифоник роман

Doç. Dr. Zakircan Rahimov
Fergana Devlet Üniversitesi

Зокиржон Раҳимов
Фарғона давлат университети
филология фанлари номзоди, доцент

Özet: *Makalede Özbekistan halk yazarı Adil Yakupov’un “Köhne dünya” romanı poetikasının kendine özgü özelliklerine değinilmiştir.*

Anahtar kelimeler*: Tarihi roman, poetik, polifoni, nutuk, mistifikasyon, süje, zıtlaşma.*

Аннотация*: Мақолада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романи поэтикасининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилинган.*

Калит сўзлар*: тарихий роман, поэтика, полифония, нутқ, мистификация, сюжет, конфликт.*

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов “Улуғбек хазинаси” ва “Кўҳна дунё” романлари билан миллий романчилик тараққиётига, тарихий роман такомилига катта ҳисса қўшди. Ушбу романларда жаҳон романчилигига хос хусусиятлар намоён бўлиб, адибнинг поэтик маҳорати самараси сифатида баҳолашга арзигуликдир.

«Кўҳна дунё» каби асарларнинг поэтикасидаги янгича ўзгаришларни юзага чиқараётган хусусиятлардан бири романнинг ҳикоя-ривоя усулидаги ўзига хосликдир. Ҳикоялаш жараёнида муаллифнинг холис нутқи, муносабатли нутқи, персонаж билан бирлашган нутқи мураккаб воқеаларни ҳар тарафлама ёритишга хизмат қилади. Персонаж ҳикояси таркиби таҳлил қилинганида ҳам нутқнинг ички ва ташқи кўринишлари, диалогик ва параллел нутқ ҳамда ҳикоялаш усулининг ёзма шакл, яъни кундалик орқали ҳам давом эттирилганини кўриш мумкин. Бу эса муаллиф-ҳикоячига «холис» ҳикоячи бўлиш шароитини яратган. Натижада роман жанрининг меҳварида турувчи реалистик тасвир ҳаётийлиги тўла таъминланишига яна бир замин яратилган.

«Кўҳна дунё» романи таркибидан бадиий-эстетик янгилик сифатида жой олган ҳодисалардан яна бири бу ҳикоячи типларининг муаллиф-ҳикоячи, «холис» ҳикоячи, персонаж-ҳикоячи, солномачи-ҳикоячи сифатида намоён бўлиши, деб ҳисоблаймиз. Бу жараённи гоҳ асар қаҳрамонлари, гоҳ иккинчи даражали персонажлар, баъзан муаллиф томонидан «ижро» этилиши романда полифоник (кўповозли) нутқнинг пайдо бўлишига олиб келганки, бу ўзбек тарихий романидаги жиддий янгиликдир.

Романда муаллиф нутқининг бу каби хилма-хил кўринишлари борлиқни ва инсонни таҳлилий тасвирлаш имконини беради. Муаллиф нутқининг бундай хиллари фақат ўзбек романининг кейинги босқичдаги энг яхши намуналари учунгина хос бўлиб, роман жанрининг хамда романбоп эпик ривоянинг такомиллашаётганлигидан дарак беради.

Воқеа-ҳодисаларга ва каҳрамонларга муаллиф муносабатлари намоён бўлганда, муаллиф ва персонаж нутқи бирлашиб кетади. Бу муносабат муаллиф ва персонаж нутқининг қоришиб кетишига сабаб бўлади. Бу ҳолат эса муаллифдаги психологик ўзгаришлар натижаси сифатида майдонга келади ва муаллиф нутқи ўз чегарасидан чиқиб кетади. Асарда кўрганимиздек, О.Ёқубов бирор персонаж руҳий ҳолатини ифодалар экан, ана шу руҳий ҳолат ёзувчи ғоявий мақсадидан келиб чиқувчи унинг ўзига тегишли бўлган руҳий ҳолати билан қоришиб кетади. Натижада эса кўповозли нутқ ҳосил бўлади. Айни вақтда, тор маънода тушунилиши керак бўлаётган муаллиф нутқидаги бетарафлик сюжет унсурларининг жойлашиш тартиби билан ҳам боғлик эканини унутмаслигимиз керак.

Маълумки, муаллиф-ҳикоячи ҳар қандай асарда ҳам асосий ўринни ташкил этди. Муаллиф-ҳикоячи романда ташқи кузатувчи бўлиб, асарда ҳар бир нарсани, воқеа-ҳодисаларни, персонажларни холисона кузатади, таҳлил қилади. Тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдиради, лекин муаллиф персонаждан фарқли равишда ўз муносабатларини очиқ-ойдин билдира олмайди. Чунки персонаж ва воқеаларга ўз

муносабатларини очиқ-ойдин намоён қилиш муаллиф функциясига кирмайди.

Ёзувчи романда ҳикоячи вазифасини бажарганда, персонажларнинг ички кечинмаларини ўз кўнглидан ўтказиб, моҳирлик билан тасвирлаганки, ушбу парчаларни ўқиган китобхон ҳикоячи персонажнинг ўзи деб уйлаши мумкин. Чунки, айни вақтда, роман воқеаларини ҳикоя қилган, «саҳналаштирган» ҳамда «воқеалар актёри» ҳам типиклашган муаллиф шахсидир. Асарни бошқа романлардан фарқловчи хусусият ҳам шундадир.

Муаллиф яратган кашфиёт «холис» ҳикоячи асарда муҳим ўрин тутади. Чунки бундан бошқа романларда асосий ҳикоячилик муаллиф баёнига, унинг кузатувига асосланса, «Кўҳна дунё» романида эса «холис» ҳикоячи асар марказида туриб, асардаги персонажларнинг ички кечинмаларини беришда, уларни ички томондан кузатишда унинг хизмати яққол намоён бўлади. Демак, «холис» ҳикоячи муаллиф баёни бажара олмайдиган «юмуш»ларни ҳам қила олиши романга жуда катта ижобий ўзгаришлар олиб кирди. Бу эса «холис» ҳикоячининг истиқболи порлоқлигидан далолат беради.

Роман жанрининг энг ҳаётий адабий анъаналарга содиқлиги «Кўҳна дунё» асарида ҳам муҳим бадиий-эстетик вазифани бажариб келган адабий мистификацияга тааллуқлидир. Узоқ тарихий ўтмишга эга бўлган мистификация «Кўҳна дунё» романида чуқур ҳаётийлик касб этган, тасвирни самимийлик билан бойитган. У роман сюжети ва композицион қурилишида изчил ва мувофиқ жойлашиб, ривоя маромини сақлашда муҳим роль ўйнаган, унга лирик оҳанг бағишлаган. Адабий мистификация романбоп шаклларни бойитиб, ҳикоячиларнинг тури ва ривоя усулларини ранг-баранглаштирган. Мулоҳазаларимиздан кўриниб турганидек, ушбу усулнинг воқеликни реалистик тасвирлаш воситаси сифатида ишлатилиши, таҳлил ва талқини адабиётимизнинг бир қатор назарий ҳамда ижодий муаммоларини ҳал қилиш учун имконият яратади. Лекин, қандай бўлганда ҳам, бундай таҳлил романдаги адабий мистификациянинг ўрни ҳамда аҳамияти, унинг конкрет ҳолатда асардаги асосий ғоявий-бадиий ниятнинг тўла руёбга чиқишида, бажарган бадиий-эстетик функциясидадир.

Кейинги давр жаҳон романчилиги поэтикасида ўзгаришлар ясаётган жараён бу асар таркибига афсонавий ва мифологик унсурларнинг мазмун тақозоси билан кириб келишидир. «Кўҳна дунё» романида ижтимоий тузум ва адолатли шоҳ, севги ва садоқат, ақл-заковат, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги турли миф, афсона, ривоятлар маълум бадиий-эстетик вазифа бажариб, асар қаҳрамонларининг ички дунёсини очганда, уларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини аниқлашда, мураккаб воқеаларни ассоциатив ва ретроспектив сюжет тизимига йиғишда ва, энг муҳими, романдаги мажозий ишора, маъно ва қиёфаларни асослаб, жиддий ғоявий хулосаларга келишда муҳим роль ўйнаганини таъкидлаш жоиздир.

Романда иккита, яъни ҳаётий воқеаларни ҳикоя қилувчи ҳамда мифлар, афсона ва ривоятлардан тузилган мажозий сюжет йуналишлари мавжуд бўлиб, улар бир-бирига жўр бўлиб, бир-бирини шарҳлаб боргандай таассурот қолдиради ва романнинг асосий ғоявий мазмунини очишга кўмаклашади. Қолаверса, бундай ёндош сюжет асосий воқеалар мазмунини чуқурлаштиради, мушоҳада билан бойитади, вақт-замон ва макон ҳудудини кенгайтиради ҳамда реалистик воқеаларни лиризм билан суғоради.

Роман воқеалари «Бани одам» ҳақидаги ривоят билан бошланиб, «Бани одам» ҳақидаги ривоят билан тугалланади. Шунинг ўзи асарга яхлитлик бахш этади. «Бани одам» ривояти романдаги барча сюжет ипларини бирлаштирувчи, воқеалар ичидан қизил ип сингари ўтувчи кенгайтирилган истиорага айланади. Бутун роман воқеаларига жўр бўлиб, бошдан охиригача уларни бирлаштириб турувчи кенгайтирилган истиора роман жанри учун хос хусусият бўлиб, «Бани одам» қиссаси бу ўринда ана шу вазифани бажаради ва роман воқеаларининг мажозий маъносини очади. Демак, ушбу асарда тарихий ёки биографик эмас, балки фалсафий тенденциялар кучлироқ намоён бўлади.

Эпик бадиий тафаккур халқнинг миф ва афсоналари билан бойиши асарларга миллий ўзига хослик бағишлаши билан биргаликда, ўзбек романининг жаҳон адабиёти

тенденцияларига ҳамоҳанглашиб бораётганини ҳам кўрсатади. Натижада Г.Маркес, М.Булгаков, Ч.Айтматов романларига бадиий гултож бўлган миф ва афсоналар «Кўҳна дунё» каби романларда миллий-адабий тафаккурда яна ҳам бойиб, янги-янги поэтик хусусиятлар касб этади.

«Кўҳна дунё» типидаги романлар мазмун ва тузилишидаги ўзига хос мураккаблик сюжет қурилишида ҳам намоён бўлмоқда. Адабиётшуносликда яхши баҳо олган Мурод Муҳаммад Дўст, Омон Мухтор романларига хос хусусият касб этган онг оқими жараёни «Кўҳна дунё» романида сюжетнинг ассоциатив кўриниши кенг жой олишига сабаб бўлган. Айни вақтда, 60-70-йиллар ўзбек насрида бир хил қолипга тушиб қолган ҳикоялашнинг ретроспекция усули юқоридаги романларда ассоциация усули таъсирида янгича мазмун касб этган. Демак, ўзбек романи поэтикаси таркибидаги янгиликлардан бири сюжет қурилишининг ретроспекция усули фақат воқеани ўтмишга қайтиб ҳикоялаш эмас, балки қаҳрамон ички дунёсини тафтиш қилиш воситасига айланганидадир.

Ушбу роман сюжети таркибидан фольклор намуналарининг жой олиши, ҳикоялаш усулидаги полифониклик бадиий конфликтга ҳам таъсир қилган. Романдаги ҳақиқий Ибн Сино билан сохта Ибн Сино, Маҳмуд Ғазнавий ва Маликул шароб ўртасидаги зиддиятлар, курашлар ниҳоялашган сари мажозий-метафорик хусусият касб эта боради. Натижада бош конфликт эзгулик билан разолат, самимият билан мунофиқлик эканини билиб оламиз. Бу каби хусусиятлар «Мангу жанг», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» каби романларда ҳам кўзга ташланиши конфликтнинг асар ички мазмунини муаллиф ғоясини асослашда алоҳида янги тенденция касб этаётганининг исботи бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур полифоник роман миллий адабиётимизнинг катта ютуғи бўлиб, ўзбек романчилиги жаҳон адабиётининг илғор анъаналарига ҳамоҳанглиги ҳамда истеъдодли ёзувчининг поэтик маҳоратини кўрсатади.

Адабиётлар:

Одил Ёқубов. “Улуғбек хазинаси”, Тошкент: 1973.
Одил Ёқубов. “Кўҳна дунё”, Тошкент: 1982.
Раҳимов З. Заҳматкаш адиб // Тил ва адабиёт таълими. 1998. № 1. Б. 56–60.

AYBEK VE TÜRK EDEBİYATI
Ойбек ва турк адабиёти

Prof. Dr. A.Sabırdinov
Fergana Devlet Üniversitesi
А.Сабирдинов
ФарДУ, филология фанлари доктори.

Özet: *Yazıda ulu Özbek şairi ve yazarı Aybek'ın şiir dünyasına Osmanlı Türk edebiyatının etkisi meselesi geniş çerçevede incelenmiştir. Aybek sanatının gelişmesinde Türk şiirinin yeri ve önemi örneklerle gösterilerek, gerekli sonuçlara varılmıştır.*

Anahtar kelimeler*: Menba, şiir, uslüp, maharet, lirizm,arayış.*

Аннотация: *мақолада Ойбек шеърриятига Усмонли Турк адабиётининг таъсири масаласи кенг ёритилган. Ойбек маҳоратининг шаклланишида турк шеъриятининг ўрни ва аҳамияти қатор мисоллар асосида тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар*: манба, шеърият, услуб, маҳорат, таъсир, лиризм, изланиш.*

Ойбекнинг усмонли турк шеърияти билан танишуви 1920-21 йиллардан, хусусан, Тошкентдаги Навоий номли таълим-тарбия техникумида ўқиб юрган пайтларидан бошланди. У ёзади: "Янги турк поэзиясининг асарлари мени илк марта лирик соддалик йўлида изланишга ўргатди, Мен турк поэзияси билан техникумнинг студенти бўлган йилларимда танишдим. Ўша пайтда Бокуда Яҳё Камол, Ризо Тавфиқ, Абдулҳақ Ҳамид ва бошқа бир неча турк шоирларининг асарлари нашр қилинганди. Бу асарлар менинг ҳам қўлимга тушиб қолди. Булар ҳозир ҳам менда сақланади. Яқинда уларни қайтадан варақларканман, илк марта таъсирланганлигимни кўз олдимга келтирдим"[93]. Дарҳақиқат, у "муҳим ва мураккаб нарсалар ҳақида соддагина қилиб сўз айтиш мумкин"лигини, қалбни забт этган ҳис-туйғуларни чуқур лиризмда ифода этиш учун дабдабали шакл шарт эмас"лигини турк шеъриятидан ўрганди. Ойбек шеъриятидаги ифода ва шакл соддалигини фақат турк адабиёти билан боғлаш ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Бу шоирнинг услубий изланишлар борасидаги меҳнатининг, халқ оғзаки ижоди манбаларидан, тилимиз бойликларидан муттасил ўрганишининг ҳам маҳсулидир.

Ойбекнинг турк поэзиясини чуқур ўрганишида техникум мудири Шоҳид Эҳсон афанди ва тарих ўқитувчиси Иброҳим афандининг хизматлари катта бўлди[94]. Усмонли турк шоирларининг янги давр воқелигини кенг акс эттирувчи шеърий шакллар топиш йўлидаги услубий изланишлари ҳам Ойбекка ижодий таъсир ўтказди. Ойбекнинг болалик дўсти, профессор Ҳ.Ёқубов[95], Ойбекнинг умр йўлдоши З.Саидносирова[96]ларнинг эслашларича, шу йиллари Холид Фахрий, Ўрхон Сайфий, Юсуф Зиё, Умар Сайфиддин, Номиқ Камол, Тавфиқ Фикрат асарлари билан ҳам чуқур танишган. Айниқса, Абдулҳақ Ҳамид ижодининг таъсири Ойбекда алоҳида ўрин тутади. Туркия бадиий маданияти тарихида "адабиёти жадида" деб номланган даврда яшаб, ижод этган Абдулҳақ Ҳамид "Можарои ишқ" асари билан адабиётга кириб келди. Унинг 1885 йилда ёзган "Мақбар" асари нозик туйғу ва кечинмалари, ҳижрон аламларининг юқори оҳангларда куйланиши билан қимматлидир. Шеърни ошиқ юрагидаги ёрга бўлган буюк муҳаббатнинг ҳайкали десак янглишмаймиз. Ушбу асар яратилганига бир асрдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, бугун ҳам Шоҳ Жаҳоннинг Мумтоз Маҳал хонимга атаб қурдирган "Тож Маҳал"и янглиғ бутун салобатини кўз-кўзлаб туради. Асар шоирнинг Ҳиндистон сафаридан қайтаётиб, йўлда вафот этган

[93]Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. -Тошкент: 14. -Б. 284.
[94]Каримов Н. Ойбек. -Тошкент: Ёш гвардия, 1985. -Б.28.
[95]Ёқубов Х. Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат. -Б. 10.
[96]Саидносирова З. Ойбегим менинг. -Тошкент: Шарқ, 1994. -Б. 43.

рафиқаси хотирасига бағишланган. Шу боис Абдулҳақ Ҳамид: “Мақбар” осори мавжудимнинг энг охири-фано бўлган бир бекаси учун яратилди... “Мақбар”ни шеър англамоқ хоҳлаганлар мутолаасида менинг шоирлигимдан бир нишон тополмайди. Фақат тафаккур этса, бир фарёд эшитади...”[97], деб ёзган эди. “Эй-воҳ, на ер, на ёр қолди, Кўнглим тўла оҳу зор қолди... Бан кетдим у хокисор қолди, Бир гўшада тору мор қолди. Боқий уанис дилдан, эй воҳ, Байрутда бир мозор қолди”[98] сатрларидаги дардли кечинма ва туйғулар силсиласи бу фожиадан қаттиқ ларзага тушган шоир қиёфасини намоён этади. Ойбекнинг ушбу асар билан танишлиги, ижодий таъсирланганлиги онаси Шаҳодат Назар қизи вафоти муносабати билан ёзган “Онамнинг мозорида” (1924) шеъридаги “Севинчларим йўқолди, Кўнглимни қайгу олди. Ўйнар, кулар чоғимда Ҳажринг неларга солди?” (1,30) сатрларида ифодаланган кечинма ва туйғулар уйғунлигида кўринади. “Мақбар” лирик қаҳрамонининг ёрга бўлган буюк муҳаббати “Онамнинг мозорида” шеъридаги онага бўлган чексиз меҳр туйғуларининг яратилишига ижодий таъсир кўрсатган. Кейинчалик Ойбек онасининг ёрқин қиёфасини “Болаликни эслаб...” (1926), “Онамни эслаб...” (1931), “Янги ой чиққанда...” (1934), “Оқшом юлдузи” (1936) шеърларида ҳам акслантиришга муваффақ бўлди.

Мушфиқ меҳнаткаш, халқ оғзаки ижодидан ҳамда Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр каби мумтоз адабиётимиз намояндалари асарларидан яхшигина хабардор бўлган онанинг мулойим қиёфаси ушбу шеърда ёрқин чизгисини топган. Шеърнинг “Лабимда бир ўтли оҳ, Хаёлим уфқи сиёҳ. Мозорингга йиқилдим, Истадим тотли нигоҳ. Мозорингдан сукунат Ўқлари тегди... фақат. Дардимга даво йўқмиш, Билмадим, бу на хасрат...” мисраларидаги нозик кечинмалар, жудолик аччиқ изтиробларининг ҳаётий ифодаси “чексиз чўлга йўл солган”, сиймоси шоир кўнглида мангу муҳрланган она билан “Мақбар” лирик қаҳрамонининг “азалдан келиб, абадга кетган”, “Байрутда тору мор қолган” ёри тасвиридаги муштаракликни юзага келтирган. Ойбек шеърларидаги инсон умрининг ўткинчилиги, борлиқнинг абадийлиги, ўлимнинг доимо ўшқирувчи “қора ҳанда”лиги тасвири Абдулхақ Ҳамид асарларидаги фикрнинг ижодий давомидир. “Мақбар”нинг “Сурат-ла” насл дегишди ҳолим, Олмас буни ҳуслам хаёлим. Чиқ Фотима, лаҳаддан қиём эт, Ёдингдаги ҳолинг-ла давом эт” мисраларидаги ифода услуби, нозик туйғулар шалоласи ҳазрат Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”достонидаги Қайс ҳолати акс этган “...Дермонки манга бу ўтни ҳар дам, Афзун қилу, қилма зарраи кам! Чек айнима ишқ тўтиёсин! Ур қалбимга ишқ кимёсин!”[99] тасвирлари билан муштаракдир. “Мақбар” муаллифи, ўз навбатида, Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”идан таъсирланганлигини сўз, ибора, тасвир усулларидаги яқинликдан яққол кўриш мумкин. Навоийда ишқ инсонга шодлик бахш этувчи туйғу сифатида талқин этилса, Абдулҳақ Ҳамидда ҳижрон, айрилиқлар билан уйғун. Ойбекда у жудоликни янада зўрайтирувчи кечинмалар ифодачиси. Хуллас, уч асар – “Лайли ва Мажнун” – “Мақбар” – “Онамнинг мозорида” муҳаббатни улуғловчи мадҳияни юзага келтиряпти. Улкан оркестр чолғулари сингари юксак пардаларда тараннумини топиб, ўзига хос жўровозликни намоён этяпти.

Ойбек шеъриятига Ризо Тавфиқ ижодининг таъсири образлар тизимининг ўзаро яқинлигида кўринади. Қатор тилларни мукаммал билган, дунёқараши ниҳоятда кенг бўлган Ризо Тавфиқ уч йўналишда: риёзиёт, фалсафа ва адабиёт бўйича иш олиб борган. Иқтисодчи, олим, ёзувчи ва таржимон Ойбек ушбу кўп қиррали истеъдод эгасидан таъсирланган. Ушбу ҳол инсон ва жамият, тутқунлик ва эрк, шахс ва жаҳолатли муҳит, мусофирлик ва она юрт соғинчи масаласининг бадиий ифодасидаги

---

[97]Büyük Türk Klâsikleri. -C.9. -İstanbul: Ötüken, 1989. -S. 120-121.

[98]Норхўжаев Қ. Шоир Абдулҳақ Ҳамид // Миллий тикланиш. -1997 йил. -14 окт.

[99]Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами: 20 ж. -Ж 9. -Тошкент: Фан, 1982. -Б. 144.

муштаракликда кўринади. Мураккаб, зиддиятли ҳолатларга муносабатда, бадиий-эстетик талқинларнинг фалсафий маъно теранлигида зоҳир бўлади. Ризо Тавфиқнинг мураббиёна бандланишли “Учинг қушлар, учинг! Туғилган ера Ҳозир тоғларинда кўк сунбул вордир. Ўрмонлар қўйнида бир салқин дара, Тиканзор ичида сариқ гул вордир. Ирмоғи шовқинсиз хорғинми билмам, Қуёши хастами, сўлғинми билмам, Азадор келиндек маҳзунми билмам, Юксак тоғ бошинда қора тул вордир”[100] сатрларидаги тоғлари қора пардага бурканган юртнинг сўлғин ҳолати Ойбекнинг “Қишлоғимни эсларкан” (1924) шеъридаги “Булутларга етган тоғлар, Кичик-кичик яшил боғлар... Қани нозик ғунча гуллар? Унутилмас из қолдирмиш Қишлокдаги порлоқ кунлар” (1.27) мисраларига уйғундир. Шунингдек, ушбу шеърдаги “У ерларда ўтди гўзал кунларим, У дамларни эслаб ҳар кун йиғларам, Умрим достонини ўқиб тингларам, Ичимда у ерлик бир булбул вордир. Учинг қушлар, учинг! Бунда вафо йўқ ундай оқар сувлар, ундай ҳаво йўқ, Фарёдима қарши аксу садо йўқ, Бу ёнғин уюмида сўнган кул вордир”[101] мисралари эса Ойбекнинг “Қушлар учаркан” (1923) шеъридаги “Қушлар учдингиз, Эркни қучдингиз, Қалбимга оқди Тотли шеърингиз. Мен учолмадим, Гул қучолмадим, Хаста ҳолатдан Қутулолмадим” (1,13) тарзидаги дардли лирик қаҳрамон кечинмалари ифодасига ижодий таъсир ўтказган. Ойбек лирик қаҳрамони эркин қушларга ҳавас билан боқиб, ўзининг учолмаганлигидан, гул қучолмаганлигидан, ҳаста ҳолатдан қутулолмаганлигидан изтироб тортади. Улар 20-йилларнинг мураккаб муҳитидан, вайрона юрт ҳолатидан қайғуланган ва озорланган кўнгилнинг фарёдлари эканлигини англаш қийин эмас. Ризо Тавфиқ табиатан файласуф шоир бўлганлиги боис ҳам ҳаёт мураккабликларини, аччиқ армонларини шеърга олиб кирган. Ойбек шу мавзуга янгича ёндошиб, инсон эрки, юрт озодлиги ғояларини ўзига хос тарзда тараннум этишга интилди. Ойбек маҳорати шундаки, Ризо Тавфиқдан фарқли равишда, нозик фикр ва туйғуларига ижтимоийлик бағишлайди, шахсий кечинмаларини халқ дарди, ўйларининг ифодачисига айлантира олади. Ризо Тавфиқнинг “Кел дарвеш!” шеъридаги “Кел дарвеш, бери кел, ўзгага кетма, Ҳар нени изларсан ўзингда бордир. Нафсингга беҳуда азият этма, Каъба гар мақсуда, Раҳмон сендадир. Чўлларда тентираб сароба боқма, Оллоҳ, Оллоҳ дея саҳоба боқма, Толиби ҳақ эсанг китоба боқма, Ўқимоқни билсанг Қуръон сендадир”[102] ифодасидаги тасаввуфона фикрлар Ойбекнинг қатор шеърларида акс этган, ижодидан мустаҳкам ўрин олган дарвеш образининг яратилишига ҳам таъсир ўтказган. Шоирнинг “Эй дарвиш, кулдими жононинг, Нақадар чирпандинг йўлида? Парвона сингари хаёлинг, Кўп ёнди саробнинг чўлида” (1,212.) мисраларининг яратилишига руҳ берган. “Йиғилар, нолалар, ҳижронлар Ҳаётнинг сирларин очмади, Қалбингда ўйнаган ёш қонлар, Учқунсиз, ёнишсиз қақради” тарздаги дарвеш қиёфасини яратилишида маълум даражада манба вазифасини бажарган. Ризо Тавфиқдаги ҳақни таниш, ўзини англай билиш, илмни улуғлаш ғояси Ойбекдаги яшамоқ ва курашмоққа ундаш ҳамда фаолиятсизликни қоралаш ғоясининг ўзига хос ёритилишига ёрдам берган. Ризо Тавфиқ лирик қаҳрамони Дарвешга мурожаат қилиб, ўзлигини англай билишга ундаса, Ойбекнинг лирик қаҳрамони Дарвешдан илм-фанни эгаллашни талаб этади. Фан орқалигина дунё сирларига очқич топмоқликни, синоатлар ечимига етмоқликни, фаол курашлар орқалигина жамият тараққиётига эришиш мумкинлигини уқтиради.

Турк шеъриятида инсон руҳиятига уйқаш табиат тасвири тасаввуфона фалсафа билан уйғунлашиб кетади. Ойбекдаги ҳаётий фикр ва кечинмалар сингган изчил, яхлит табиат манзаралари ҳамда майда тафсиллари билан акс этган образларнинг бетакрор талқинида юқоридаги зикр этилган турк шеъриятига хос услубнинг таъсири катта бўлди. Шеър ритми, қофия ва оҳанг жилоларидаги ўзига хослик ва шу орқали

[100]Büyük Türk klâsikleri. -C. 10. -İstanbul: Ötüken, 1990. -S. 284.
[101]Büyük Türk klâsikleri. -C. 10. -S. 289.
[102]Büyük Türk klâsikleri. -C. 10. -S. 289.

сатрлар таъсирчанлигини ошириш борасидаги шоир ижодий изланишлари Тавфиқ Фикрат шеъриятининг таьсири натижасида ҳам юз кўрсатди. Ушбу ҳассос истеъдод соҳиби ХХ аср бошларида турк шеъриятига ҳам шакл, ҳам мазмун янгиликларини олиб кирди. Абдулҳамид Чўлпон бу ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: “Усмонлиларнинг “адабиёти жадида”(янги адабиёт)чиларининг пири ва устози бўлган Тавфиқ Фикратбек бутун янги насл туркларининг юракларина гўзал, нафис ва латиф шеър букетлари қадамишдир. Унинг кенг хаёли, равон (тез) ва енгил ифодаси кимни, қайси бир шеър ва адабиёт муҳибини тасхир этмаган? Тавфиқ Фикрат “Рубоби шикаста”си ила танилган бўлса, “Тарихи қадим”и, у даҳшатли фарёди ила одамларнинг қалбинда буюк-буюк ўзгаришлар вужудга келтирмишдир”[103].

Тавфиқ Фикрат ижодидаги башарият кечмишини қоронғу ва сўнгсиз бўшлиқ оғушида акс эттириш услуби “Тарихи қадим” (1905) шеъри асосини ташкил этади. Шоирнииг “Момоларимиз ухлатиб ривоят-ла, Бизга энг тўғри ва гўзал ўрнак Дея ўтмиш замонни кўрсатарак; Келажакни фарқсиз дея ўткандан, Ҳукми йўқ дебон иконтирган Ажинлари олти минг йиллик манглайда, Боши мозийда - ёни рўёда - Поёни номаълум бўлган бўшлиқда Суринган бир тарих”[104] мисраларида қоронғу ва сўнгсиз бўшлиқларда бир кечани ташкил этган башарият тарихи ўзига хос қиёфасини намоён этади, Ойбекнинг “Ўзбек эли” (1924), “Ёшлик хотираларидан” (1925) шеърларидаги юртнинг порлоқ ўтмиши тасвири босқинчилик сиёсатини қоралаш ғоялари ифодасига хизмат қилган. Композициои ҳалқа (“Ҳижрон ўтларида ёнган эй дарвиш! Борлиқдан топдингми, саводли бир эш?”) воситасидаги шеърда тарих мавзуи вайронага айланган юртнинг ҳароба ҳолатидан туғилган чексиз изтироблар тасвири билан уйғунлашиб кетади; ойбекона ёндошув ва услубни юзага келтиради. Шеърнинг “Кўкламнинг гуллари нечун тез сўлмиш, Нашъали боғчалар хазон-ла тўлмиш, Кўкларда порлаган қуёшда сўнмиш, Олтинли шафақлар билмам на ўлмиш?”(1,49) ифодасидаги риторик сўроқлар воситасида англанаётган маъно ўзгача. Бир вақтлар нағмали бўлган, чечакларга тўла гўзал тоғларнинг, нашъали боғчаларнинг хазонга тўлиш сабаблари, олтинли шафақлардан, булбул ва нағмалардан бир из қолмасликнинг боиси юртимизнинг эрки бўғилганлигидан, муте аҳволидан англашилиб туради. Мустамлакачилик сиртмоғига тушган халқнинг оғир аҳволига ишора сатрлар мазмунидан аён бўла боради.

Шеърнинг шаклий жиҳатларини мукаммаллаштиришга катта аҳамият берган Тавфиқ Фикрат “Авзони аруз” мақоласида “Вазннинг қай бири инжароқ, тиниқроқ, соддароқ, енгилроқ, шўхроқ, мастроқ, ўйноқироқ ва ҳавоий, қай бири самимийроқ, таъсирчанроқ, жиддийроқ, оғирроқ, самовийроқ ва руҳонийроқ - билиб олишимиз керак. Ҳа, қўлга олиб кўрайлик ва аниқлайлик: қайсиниси халқ табиатига мувофиқ тушади, қайси ҳиссиёт қайси вазнга тўлароқ соғломроқ ҳолда қовуша олиши мумкин. Хуллас, қайси шеърни қайси вазнга татбиқан ёзилса табиийлигини, самимийлигини сақлаб қола олади - билишимиз керак”[105], - деб ёзади. Ойбек ҳам Тавфиқ Фикрат фикрларини давом эттириб, сўзнинг ифода бўёғига алоҳида эътибор беради. “Поэзия тили ихчам бир тил. Равшан, ихчам ёзиш учун шоир ўз фикрини уйғун ифодаламоқ конкрет шакллантирмоқ устида ишлаши, ўйлаши керак”[106], - дея эътироф этади.

Турк адабиётида Ватан ва миллат тақдири, халқнинг ўтмиши ва келажаги мавзуси энг юқори оҳанг ва тасвирларда тараннум этилган. Номиқ Камол “Гўдаклар бешигини, болалар ўйнайдиган ерини, ёшлар оромгоҳини, қариялар фароғат гўшаларини, фарзанд волидасини, ота оиласини қандай ҳиссиёт билан севса, инсон ҳам ватанини шундай ҳиссиёт билан севади”[107], - деб ёзган эди. Ойбекнинг юртимиз

---

[103]Чўлпон. Адабиёт надир. –Б. 43.
[104]Büyük Türk klâsikleri. -С. 9. -S. 319.
[105]Исмоил Порлатир. Янги турк шеърияти. // Жаҳон адабиёти. -1999. -№ 3. –Б. 160.
[106]Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. –Т. 14. –Б. 110-111.
[107]Büyük Türk klâsikleri. -Istanbul: Ötüken, 1992. –С. 10. -S. 263.

тарихи, унинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақидаги ўй-кечинмаларни акс эттирган шеърларида Номиқ Камол асарларидаги ватансеварлик мавзуи талқинининг ҳам маълум даражада таъсири бор. Ёки, Зиё Кўкалпнинг “Ватан” (1910) шеъридаги “Бир ўлкаки, жомесида туркча азон ўқилур, Қишлоқли ҳам англар бунда маъносини дуонинг. Бир ўлкаки, мактабида туркча қуръон ўқилур, Катта-кичик ҳар кун билур буйруғини худонинг. Эй, турк ўғли, шу ердадир демак сенинг ватанинг!”[108] сатрларидаги ватаннинг бетакрор қиёфаси, лирик қаҳрамонининг унга бўлган чексиз меҳри тасвири Ойбекнинг “Ўзбекистон” (1934) шеърини юзага келишига туртки бўлган. “Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди, Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор. Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар... Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар, Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди” (1,309) каби ифодаларда тупроғи хазина, табиати бетакрор, одамлари ғайратли, яратиш, “бахт тошини чақиш” билан машғул юртнинг ўзига хос ифодаси ойбекона изчил тасвир услубини намоён этади. Зиё Кўкалп Ватан тасвирида унинг диний эътиқодига асосий урғуни қаратади. Ойбек янги топилмалар *(“олтин гуллайди”, “бахт тоши”, “шивирлар баҳор”, “асаби чақнар”, “куч гувиллайди”*) орқали ўзбек юртининг мукаммал тасвирини яратади. Ушбу ўринда Зиё Кўкалп шеърияти бадииятидан кўра юксакроқ бўлган Ойбекнинг поэтик маҳорати яққол юз кўрсатади. Зиё Кўкалп “Бир ўлкаки” анафорик такрори орқали диний эътиқоди баланд ватан қиёфасини тадрижий гавдалантиришга эришса, Ойбекда ушбу анафора ҳам оҳанг, ҳам мазмуннинг изчил такомилини таъминлайди. Бетакрор табиатимиз, меҳнаткаш кишиларимиз қиёфаларига хос жиҳатларнинг намоён бўлишига ёрдам берган. Зиё Кўкалп ижодида мустаҳкам ўрин тутган ватан мавзуи, унинг буюк ўтмиши ва исломий эътиқодини улуғлаш ғоялари “Миллат” (1918) шеърининг ҳам асосини ташкил этади. Беш минг йиллик тарихга эга туркий миллатнинг ўтмиши тасвири “Чегаралар айирса-да, ваҳдатимни унутмам, Тилда, динда муштаракмиз, барчамиз бир аждоддан. Давлатим қайгусида миллатимни унутмам, Анадўлди қишлоғимдир, айрилмасман Ватандан”[109] мисраларидаги қавмлар муштараклигини улуғлаш ғоялари “Тангримиз бир, бир илоҳ, Йўқ биза бошқа паноҳ. Иккинчин топмак гуноҳ, Ло-илоҳо иллоллоҳ! Юртта икки жон бўлмас, Бирдан кўп виждон бўлмас, Ўртоқли жонон бўлмас, Ло-илоҳо иллоллоҳ! Танамизда ҳасрат бир, Кўнгилларда ваҳдат бир, Ажрим йўқ, жамоат бир, Ло-илоҳо иллоллоҳ! Руҳлар яшар бир ерда, Ўлгач, қалбларда парда; Бир кўз туғилар ичда, Ло-илоҳо иллоллоҳ!..”[110] сатрларидаги диний муштараклик тарғиби билан бирлашиб кетади. Ойбек “Йўқсиллар сўзи” шеърида юртнинг мустамлакадаги оғир ўтмишини “Унутма, унутма, занжирли қўлларни, Танланган, ялонғоч мазлум тулларни. Йўқсил эл бағрини қамчинлай бошладинг, Оғирлик, кулфатни йўқсилга ташладинг” (1.12) тарзида акс эттирар экан, миллат бўлиб шаклланиш жараёнидаги машаққатли кечмишнинг ўзига хос ифодасиии яратади. Зиё Кўкалпда тил ва дин бирлиги қавмларни бирлаштирувчи куч сифатида талқин этилса, Ойбекда зулм миллатни тобланишига, ўзлигини англашига ёрдам бериши улуғланади.

Ойбек Яҳё Камолнинг рамзий ифода ва образларга, фалсафий фикр ва ўзига хос оҳангдорликка бой шеърияти билан ҳам танишган. Унинг “Сассиз кема” шеъридаги “Ҳаёт-ла, видолашмоқ келса агар замони, Бир кема йўл олғуси борса келмас томони. Ҳеч йўлчиси йўқ каби сассизгина олур йўл; Солланмайди ортидан на бир манзил, на бир қўл. Бу саёҳатдан барча қолажаклар аламли, Қора уфққа термулиб, қоларлар кўзи намли. Бечора кўнгиллар! На кетмиш сўнг кемадир бу! Айрилиқли ҳаётнинг на сўнг мотамидир бу! Дунёда севилмиш ва севган қайғули беклар; Билмаслар севимлилар келмасликка кетмаклар. Кетганларнинг ҳар бири хурсанд борган

[108]Каримов Н. “... қишларида шивирлар баҳор” // Маърифат. -1999 йил. – 9 янв.
[109]Büyük Türk klâsikleri. -İstanbul: Ötüken, 1992. –C. 11. -S. 22.
[110]Büyük Türk klâsikleri. –C. 11. -S. 20.

ериндан, Қанча саналар кечди, қайтмоқ йўқ сафариндан”[111] мисраларидаги инсоннинг фоний дунёдан боқийлик денгизига олиб кетаётган кема - тобут, унинг ортидан қолган кишиларнинг қайғули ҳолатлари барчани умрҳақида ўйлашга ундайди. Умр ва унинг мазмуниҳақидаги фалсафий кечинмалар Ойбекнинг “Саҳрода” (1927) шеъридаги “Саҳро жимгина ухлар, Кўкда юлдузлар порлар. Тевалар секин-секин Илгари қадам отар. Тарқалур қўнғироқдан Бир товуш, умид тўла. Акс этиб, кўп узоқдан, Дерки: “Наридан сўра!” (1,92) ифодасидаги мангулик саҳросида авлодлар алмашинувининг тевалар карвони ҳаракатида, инсоннинг интилтирувчи, олдинга чорловчи орзунинг қунғироқ садолари, юлдузлар тимсолида ифодаланишига таъсир кўрсатган. Яҳё Камолнинг *кема* метафорик образи Ойбекнинг саҳро тимсолининг яратилишида манба вазифани бажарган. Ушбу шеърда акс этган мавзу Яҳё Камолнинг *“Оқшом мусиқаси”* шеъридаги ҳар бир банди учлик (терцина) асосидаги “...Ортиқ на келган, на кетган вор; Йўлнинг ўртасинда танҳо шамоллар Ташрин япроқлари-ла ўйнар... Илдам юриб, гоҳ тортиниб, ҳаёли Бир эшикдан киражак қоронғулиқ Жуда тиниқ оёқ товушидан-да ортиқ. Кўзлардан узоқлашгунча дунё, Минг бир кечанинг биринда гўё, Бошлар рўё ичинда рўё...”[112] мисраларида ифодаланади. Лирик қаҳрамон сокинликда донишмандликни кўраркан, умр хотираларидан иборатлигини, ўтгани сайин вақт теранлик касб этишини, қоронғулик - ўлим ва кўнгил тилсимотларга, парда ортидаги мавҳумотларга тўлалиги, оқшом тушиши муқаррарлиги, унинг келар йўли ҳам аниқлиги ҳақидаги фалсафий фикрлар ифодасига хизмат қилади. Инсон умри эса абадийлик кечасининг бири каби рўё ичидаги рўёдек кечади. Яҳё Камолнинг бандланишлари учлик асосидаги сатрларда манзараларнинг нозик чизгилари биланчуқур фалсафий фикрлар уйғунлигида ифодалаш услуби Ойбекнинг шаклни хилма-хиллаштириш борасидаги ижодий изланишлари маҳсули бўлган “Куз севгиси” (1927), “Қора қиз йўлдан...” (1928), “Оқшом юлдузи яна...” (1929), “Фабрика” (1929) каби қатор шеърларининг яратилишида ҳам таъсир манбаи вазифасини ўтаган. Ушбу ўринда Ойбекнинг учлик бандланишли шеър яратиш услубини фақат Яҳё Камол ижоди билан ҳам боғлаш туғри бўлмайди. Бу шоирнинг ўз поэтик йўлини топишдаги ижодий изланишлари ҳам маҳсулидир.

Лирик соддалик йўлидаги “тажрибалар”, Шарқ мумтоз шеъриятига хос анъаналарнинг ўзига хос ифодаси Ўрхон Сайфий поэзиясининг энг муҳим жиҳатларидандир. Ўрхон Сайфийнинг “Ўтма” шеъридаги муҳаббатнинг ўтли нолалариии енгил, ўйноқи вазн ва оҳангларда ифодалаган “Қиз, бир инжа сув каби Қаршимдан оқиб кечма! Найсон булути каби Уфқимдан чақиб кечма! Алмашди куним тунга, Улғайдим кундан кунга, Қиз, у тоза кўксингга Бир чечак тақиб кечма! Менингсиз ёлғиз оқма. Қалбимни ортиқ ёқма, Ва менга бундай боқма, Ва бундай боқиб кечма!”[113] сатрларида ўз аксини топади. Ушбу асар Ойбекнинг “Кутганда” (1925), “Ўтиниш”, “Ҳой қиз, қарама” (1926) шеърларидаги “Сен ҳеч келмадинг, Дардим сезмадинг. Чаманлар ичра Бирга кезмадинг” (1,45);“Ҳой гўзал, менга боқма, Кўксимни ўт-ла ёқма. Бир пари кулиб, Қаршимда лола тақма!” (1,62); “Ҳой қиз, қарама, Йўлим боғлама. Очилур тағин... Юракда яра... Боқма, гўзал қиз, Тинч юрай ёлғиз” (1,82) сатрларнинг яратилишига кўрсатган ижодий таъсири, нафақат мавзу ва вазн уйғунлигида, балки сўз ва ибораларнинг ҳам ўзаро муштариклигида, поэтик деталларнинг яқинлигида кўринади. Ўрхон Сайфий “кечма” эпифораси ҳамда феъллардан иборат қофиялар орқали оҳангдорлик ва фикр тадрижини таъмин этса, Ойбек қофияларни сўз туркумлари жиҳатидан хилма-хиллаштириш, сатрларни ихчамлаштириш воситасида ифода равонлигига эришади. Шоирнинг маҳорати хафиф

[111]Yahya Kemal. Kendi Gök kübbemiz. -İstanbul: Fetih cemiyeti, 1993. –S. 90.
[112]Yahya Kemal, a.g.e., s. 55-56.
[113]Büyük Türk klâsikleri. -İstanbul: Ötüken, 1992. –C. 12. -S. 300.

кечинмаларини равшан ифода услуби ҳамда содда тасвир усулларида намоён этишда кўринади.

Ўрхон Сайфийнинг “Уч дунё!” шеърида эса инсон умрининг уч даври, уларнинг ўзига хос “мазмуни” ҳақидаги фалсафий фикрлар ифодаланган. Ойбекнинг 60-йиллардаги умр ўткинчилиги ва инсон ҳаёти фонийлиги ҳақидаги тўртликларининг яратилишига таъсир кўрсатган. Ўрхон Сайфийнинг “Инсон яшар, шу уч турли шу уч дунёда: Аввало:“Уни севдим, буни севдим!”деярак, Умри севмак-ла, кечар! Сўзда улғаяди, ундан сўнгра:“Уни қилдим, буни қилдим!” деярак, Умри санамак-ла, кечар! Қариганда танийди дунёни: “Қабоҳат дунё!” деярак, “Эй золим дунё!” деярак, Умри сўкмак-ла, кечар!”[114] шеъридаги ҳаётнинг ташвишларига, кулфатларга ҳамроҳлиги тасвири Ойбекнинг бадиий тафаккур тарзига кучли таъсир кўрсатган. Бу нарсани “Кулфатдир ҳаётнинг ҳамрохи, Соядек йўлингда ҳамқадам. Сояни қамрар тун сиёҳи Сенга бергувси - ўлим дам” (2,181);“Йўқми бу фалакнинг қирғоғи, кети? Мунча кўп дунёда муаммо, чигал! Ажойиб қонундир қуёш маҳраки, Асрлар тугуни қачон бўлгай ҳал?!” (2,328) тўртликларидаги умр моҳияти, олам абадий ҳаракатида инсоннинг ўрни, дунёнинг муаммо ва тилсимотларга тўлалиги ҳақидаги фалсафий фикрлар ифодасида кўришимиз мумкин. Ўрхон Сайфий фоний дунёнинг маъносизлигини ўзига хос тарзда тасвир этса, Ойбек ўлимнинг муқаррарлиги, инсон ҳаётининг кулфатга тўлалиги, фалакнинг чексизлиги, асрлар тугунини ечиб бўлмаслиги, дунё муаммо ва чигалликлари бисёрлигини нозик туйғулар сингган сатрларда ифодалайди. Ойбекнинг ўзига хослиги шундаки, ушбу ўринда шакл ва мазмун жиҳатидан янгилик яратишга эришади. Талқин ва ифоданинг ўзига хос намунасини кўз-кўз этади.

Кечинмаларнинг чуқур фалсафий фикрлар билан уйғун ҳолдаги талқинини Холид Фахрийнинг “Бир хазон кечасинда” шеъридаги “Ёмғир, ёмғир! Сўнгбаҳордан Сўнггулларга ёққан ёмғир!.. Эй нурсиз хоналарда Кўнгилларга ёққан ёмғир! Ҳайқириқлар, кўз ёшлари: Нағманг шеърин худудидир, Сарвлар, мозортошлари: Сўнгги тараннуминг бўлар”[115] сатрларида кўриш мумкин. Натижада *ёмғир*қайгу ва изтиробларнинг ифодачисига айланади. Ёмғир нолаларида асрларнинг ҳижронли саси бор. Бу саслар эса ниҳоясиз кеча, изсиз қирларга сингиб кетишга маҳкум. Кўз ёш ипакларидан инжа тул-парда тўқиган шоир ҳар сасида асрлар ҳижронини ҳис этади; томчиларнинг ҳам кафанга бурканишга, йўқлик сари кетишга маҳкумлигини кўради. Шоир фикрича, абадий ҳаракатдаги олам ўзгармоғи, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтмоғи муқаррар. Изсиз қирлар, ниҳоясиз кеча - абадийликнинг ўзгармас қиёфаси Ойбекнинг “Томчиларга” (1928), “Булутлар сочингга...” (1934), “Ёмғир” (1965) шеърларидаги “Кўчалар бўш ва жим... Фақат томчилар Ойнага урилиб, нелар сўйлайди? Товушида овунчоқ, енгил сирми бор? Мен учун тасалли куйин куйлайди” (1.161) сатрларида томчилар образи лирик қаҳрамонга туманда сўнган юзни эслатувчи, унинг ҳижронли кўнглини юпатувчи куйга айланади. Булутлар қалдираб кечди ўт чақиб, Чўлпон уйқусига томчилар томди. Сочларинг ёмғирдан гавҳарлар тақиб, Кулардинг, боқишлар менга илҳомди” (1.295) мисраларида ёмғир томчилари ёр қиёфасини гўзаллаштирувчи гавҳарлар шаклида юз кўрсатади. Ана шу тарзда Ойбек Холид Фахрий тасвир этган мавзу ва ғояга янгича ёндошади. У ҳар бир нарсада некбинликни, нафосатни топа билади. Табиат гўзаллигидан, инсон ўйларининг чексизлигидан ҳайратланиш туйғуси сатрларда яққол балқиб туради. Баъзан қора булутлар шоирни ўтмиш хотираларига олиб кетади. Марҳума онаси ва бувисининг қиёфаларини жонлантириб юборади. “Ҳўнг-ҳўнг йиғлар эди: “Жим ўтир болам, Оби раҳмат, дерлар, буғдойга даво!” Ўйлардим - мунчалик сир тўла олам? Булутлар ичидан излардим худо” (2,283) сатрларида лирик қаҳрамон хотира селида

[114]Büyük Türk klâsikleri. –C. 12. -S. 307.
[115]Büyük Türk klâsikleri. –C. 12. -S. 307.

оқаркан, сир тўла олам ҳақида ўйга толади, умр ўткинчилиги ҳақидаги фалсафий фикрларининг ўзига хос ифодасини яратади.

Демак, турк поэзиясининг Ойбек шеъриятига таъсири:

-биринчидан, Ўрхон Сайфий, Холид Фахрий каби шоирларнинг лирик соддалик йўлидаги изланишларидан, муҳим ва мураккаб нарса- ҳодисаларнинг “дабдабали шакл”лардан ҳоли талқинларини яратиш услубидан;

-иккинчидан, Яҳё Камолиинг маснавиёна қофияланишли сатрларда чуқур фалсафий фикрлар, рамзий ифода ва образларни лиризм билан уйғунликда акс эттириш маҳоратидан;

- учинчидан, туркий улуснинг гоҳ қайғули, гоҳ шонли тарихи тасвирининг, унинг бирлиги ғояларининг Тавфиқ Фикрат ва Зиё Кўкалп шеъриятидаги ўзига хос талқинидан;

- тўртинчидан, Абдулҳақ Ҳамид ижодидаги муҳаббат, инсон, умр мазмуни мавзуларининг; Ризо Тавфиқ шеъриятидаги юрт тасвири ҳамда дарвеш образининг чуқур фалсафий фикр ва туйғулар уйғунлигидаги ифодасидан; турк шеъриятидаги умр ва ўткинчилик, абадийлик ва инсон ҳаётининг моҳияти ҳақидаги фалсафий фикрларнинг содда тасвиридан фойдаланиб, ўзига хос ифода услубини яратишида кўринади.

Адабиётлар:

1. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. -Тошкент: Фан, 1975-1985.
2. Каримов Н. Ойбек. -Тошкент: Ёш гвардия, 1985.
3. Ёқубов Ҳ. Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат. -Тошкент: Фан, 1963.
4. Саидносирова З. Ойбегим менинг. -Тошкент: Шарқ, 1994.
5. Büyük Türk klâsikleri. -С.9-12. -İstanbul: Ötüken, 1989-1992.
6. Норхўжаев Қ. Шоир Абдулҳақ Ҳамид // Миллий тикланиш. -1997 йил. -14 окт.
7. Чўлпон. Адабиёт надир. Тошкент: Чўлпон, 1994.
8. Исмоил Порлатир. Янги турк шеърияти. // Жаҳон адабиёти. -1999. -№ 3.
9. Каримов Н. “... қишларида шивирлар баҳор” // Маърифат. -1999 йил. – 9 янв.
10. Yahya Kemal. Kendi Gök kübbemiz. -İstanbul: Fetih cemiyeti, 1993.

SEMBOLİK ANLAM TAŞIYAN LİSANÎ ARAÇLARIN TETKİKİNE DAİR
Рамзий маъно ифодаловчи лисоний воситалар тадқиқига доир

A.Abdullayev
Fergana Devlet Üniversitesi
А.Абдуллаев
Фарғона давлат университети

Özet: *Makalede remiz, sembol terimi bilim dünyasında bilindiği şekilde açıklanmakta, bunun dışında diğer türleri ve farklı yönlerine değinilmiştir.*

Anahtar kelimeler*: Remiz, sembol, semiyoloji, tip, sanatsal şartlılık, anlam ilişkisi, şartlı işaret.*

Аннотация: *Мақолада "рамз" – "символ" атамасига изоҳ берилиб, фаннинг турли соҳаларига оид қарашлар тилга олинган. Рамзнинг белгининг бошқа турлари билан фарқли жиҳатлари очиб берилган.*

Калит сўзлар*: рамз, символ, семиотика, образ, бадиий шартлилик, маъно алоқадорлиги, шартли белги.*

Рамз лингвистик адабиётларда ҳозирга қадар аниқ тавсифланмаган тушунчалардан ҳисобланади. Унга доир изланишлар кўпроқ фаннинг фалсафа, семиотика, психология, мифопоэтика, фольклористика каби соҳаларига тўғри келади.[116]

"Рамз" атамаси кўпчилик адабиётларда "символ" сифатида талқин этилиб, юнонча "symbolon" сўзидан олинган. Юнон тилидан таржима қилинганда "символ" сўзи "белги", "таниб олиш учун хизмат қиладиган нишон", "пароль", "тамға", "сигнал" каби маъноларни ифодалайди. Ушбу сўзнинг "аждоди" сифатида бирор жиддий нарсадан огоҳ қилувчи ва сақловчи "сигнал" сўзини олиш мумкин. Этимологик жиҳатдан "символ" сўзи "ташлаш", "бир жойга ташлаш", "тўплаш" каби маънога эга ўзакли сўздан олинган деб қаралади.[117] "Symbolon" тарихан кўп маъноли бўлиб, илмий адабиётларда унинг "шартли белги", "пароль", "тамға", "нишон", "ишора", "аломат" каби маъноларига асосий эътибор қаратилади.[118]

"Рамз" сўзи эса араб тилидан олинган бўлиб, "ишора қилмоқ" маъносини англатади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида "Рамз (арабча "ишора қилмоқ") - воқеликни бадиий акс эттиришнинг шартли усули; бадиий шартлилик шаклларидан" сифатида талқин этилади.[119]

"Символ" атамасига фалсафага оид қатор луғатларда, жумладан, "Фалсафа қисқача изоҳли луғат"ида "ўз табиатига кўра моддий ёки маънавий ҳодиса бўлиб, муайян мавҳум ғоя ёки тушунчани ҳиссий образли – тимсол тарзида ифода этади" қабилида таъриф берилади. Символ оддий ёки ёзма тил белгиларидан фарқли ўлароқ, оламнинг у ёки бу ҳодисаси эмас, балки билвосита – ҳиссий ёки мантиқий образ воситасида инсон учун муайян мавҳум тушунча шаклида акс эттиради[120]. Фаннинг бошқа соҳаларида ҳам символларга турлича таърифлар берилади, барчасида ҳам унга ўзига хос табиатига эга бўлган тушунча сифатида қаралади.

Тилшунослик нуқтаи назаридан олиб бориладиган тадқиқотлар кўп қиррали бўлиб, бу ҳодисанинг муҳим томонларини очиб беришга хизмат қилади.

---

[116] Шелестюк Е.В.О лингвистическом исследовании символа // Вопросы языкознания. 4. М.: «Наука», 1997. 125-143 бет.
[117] Шелестюк., 125-143 бет.
[118] Наговицын А.Е., Пономарева В.И. Симвология. От философских теорий до практики сказкотерапии. Москва, 2014. 14-15 бет.
[119] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. - Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2003. VII том.
[120] Абдуллаева М. ва б. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Шарқ. 2014.

Рамз адабиёт ва санъат соҳасидаги ноаниқ, мавҳум ва қоришиқ тушунчалардан бири ҳисобланиб, маиший ҳаётда, одатда, “рамз” атамаси “белги” маъносида қўлланилади. Кўпчилик ҳолатларда рамз тушунчаси “аллегория”, “тамға”, “тип”, “миф” каби атамалар билан чалкаштирадилар.[121]

Рамз белгиларнинг бир тури бўлиб, оламни тушунишни осонлаштирувчи, воқеликни образли ифода этиш учун хизмат қиладиган лисоний восита ҳисобланади. Л.О.Резников фикрича, рамз белгининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган алоҳида тури ҳисобланади. Рамз ташқи ҳодиса бўлиб, шартли, лекин ўзининг яққол образи орқали бошқа маънони ифодалашга хизмат қилади. <...> Рамз ўзи аниқ (конкрет), у ифодалаётган маъно эса, уёки бу жиҳатдан мавҳумдир.[122]

Дастлаб рамзлар билан улар ифода этаётган маънолар ўртасидадаги алоқадорлик анча табиий, аниқ ва мотивланган бўлган, кейинчалик эса шартлилик ва мавҳумлик касб эта бошлаган. Масалан, кўзи боғланган, қўлида қилич ва тарози тутган аёл - қадимги юнон афсоналарида адолат маъбудаси Фемиада бўлиб, даврлар ўтиши билан унинг мифологик аҳамияти йўқолган ва рамзий маъносигина сақланиб қолган.[123]

Рамз белгининг бир тури сифатида қаралар экан, дастлаб бу тушунчанинг белгининг бошқа турларидан фарқли томонларини аниқлаб олиш лозим бўлади. Рамз ва шартли белгилар орасидаги тафовут дастлаб уларнинг ўзлари ва ифода этилаётган маъно ўртасидаги алоқада кўринади. Одатда, шартли белги ва у ифода этаётган маъно ўртасида алоқадорлик бўлиши ҳам, бўлмаслиги, ўзи ифода этаётган нарса билан ҳеч қандай мос келмаслиги мумкин. Шу боис улар шартли деб айтилади.

Рамз ва рамзий маъно ўртасида эса табиий алоқа мавжуд бўлиб, бу ўзига хос хусусият касб этади. Демак, шартли белги ва маъно орасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ, лекин рамзларда бундай боғлиқлик оз бўлса-да, сезилиб туради[124].

Рамзлар ва шартли белгиларнинг фарқли томонлари биргина бу эмас. Л.О.Резников томонидан уларнинг асосан қуйидаги жиҳатларга кўра фарқланиши кўрсатиб ўтилган:

1. Рамзлар бевосита бирор-бир иш ҳаракатга чақирмайди, шартли белгилар эса бундай хусусият эга бўлади. Масалан, кўча ҳаракати қоидаларига киритилган белгиларидаги кўк доира ичига чизилган йўналиш белгиси ҳаракат йўналишини қатъий белгилаб беради; буюмлар қутисидаги «соябон» тасвири ўша буюмни «ёмғир ёки намликдан сақланг» деб огоҳлантиради. Рамзлар, масалан, кабутар (тинчлик рамзи), атиргул (муҳаббат рамзи) ҳеч қандай иш-ҳаракатга буюрмайди.

2. Рамзлар бирор бир чекланган вазифага қаратилган эмас. Хусусан, муҳаббат рамзи - қизил атиргулдан муҳаббат изҳори учун фойдаланиш мумкин, аммо бу билан унинг вазифаси чегараланиб қолмайди. Сабаби қизил атиргул фақат муҳаббат изҳор қилиш учунгина ишлатилмайди. Юқорида келтирилган “соябон” тасвири шартли белги сифатида фақат «намгарчиликдан сақла» деган буйруқдан бошқа маънони англатмайди.

3. Рамзлар ўзининг яққол, аниқ, образли мазмун-мундарижасига эга бўлади.

4. Рамзлар онгли ва хиссий равишда ўта соддалаштирилган, шартли белги эса табиатан содда бўлади.

5. Рамзлар ўта даражада чуқур ва кенг маъно ифодалайди. Масалан, қизил атиргул биргина муҳаббат эмас, унинг остида садоқат, оила қуриш, чексиз ҳурмат маънолари

---

[121] Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – 2-е изд., испр. - М.: Искусство, 1995.
[122] Резников. Л.О. Гнесиологические вопросы семиотики. Москва, 1979 (304 бет). 149-бет
[123] Резников., 152-бет.
[124] Резников., 152-бет.

ифодаланади. Шартли белгилардан, масалан, «Кока - кола» ичимлиги белгиси шу ичимлик ҳақида хабар ёки дарак беради холос[125].

Рамзларнинг шу каби алоҳида жиҳатларидан келиб чиқиб, тилимиздаги рамзий маъно ифодаловчи бирликларни лингвистик жиҳатдан тадқиқ этиш, ушбу тушунчага тилшунослик нуқтаи назаридан муносабат билдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Шелестюк Е.В. О лингвистическом исследовании символа//Вопросы языкознания. 4. М.: «Наука», 1997. 125-143 бетлар.
2. Наговицын А.Е., Пономарева В.И. Символология. От философских теорий до практики сказкотерапии. Москва, 2014. 14-15 бетлар.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент, Давлат илмий нашриёти, 2003. VII том.
4. Абдуллаева М. ва б. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. Тошкент, Шарқ. 2014.384 бет.
5. Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – 2-е изд., испр. - М.: Искусство, 1995
6. Резников. Л.О. Гнесиологические вопросы семиотики. Москва, 1979 (304 бет).

[125] Резников. Л.О. Гнесиологические вопросы семиотики. Москва, 1979 (304 бет). 155-бет

İKİLEMELERDEKİ NUTUKSAL SINIRLANDIRILMIŞ BİRLİKLER
Juft so`zlardagi nutqiy chegaralangan birliklar.

Dr. Hikmatillo Dosmatov Hayitboy oğlu,
Mahmudova Zulayho Numoncon kızı
Fergana Devlet Üniversitesi
PhD.Hikmatillo Do'smatov Hayitboyevich,
Mahmudova Zulayho Numonjon qizi
Farg'ona davlat universiteti

Özet: *Bu çalışmada nutuk kuralları şartları altında ikizleşerek kullanılan birliklerin kendine özgü özellikleri, kullanım şekilleri, birikme imkânları incelenmiştir.*

Anahtar kelimeler*: nutuksal, satıh, sınır, birlik, ikileme.*

Annotatsiya**:** Ushbu maqolada nutqiy sharoitda juftlashgan holda qo'llanilib keluvchi birliklarning o'ziga xos xususiyatlari, qo'llanilish shakllari, birikish imkoniyatlari bir qadar o'rganilgan.

Kalit so'zlar**:** *nutqiy, sath, chegara, birlik, juft so'z.*

Davr taraqqiyoti, ijtimoiy hayotdagi o`zgarish tilning barcha sohalarida u yoki bu darajada o`zgarish bo` lishiga olib keladi. Bunday o` zgarish tilning leksik sathida sezilarli kechadi. [1, 109] Leksik sathda esa qo`llanilayotgan birliklarning atash ma'nosi, qo`llanilish doirasi turli xil bo`lishi mumkin. Tildagi barcha birliklar ham yolg`iz qo`llanish xususiyatiga ega emas. Shu nuqtayi nazardan lisondagi yakka qo`llana olmaydigan birliklarni **nutqiy chegaralangan birliklar** atamasi ostida ko`rib chiqamiz.

Til leksik qatlamidagi ayrim birliklar o`zi yakka qo`llanmaganligi, atash ma' nosi bo`lsa-da, uning ma'nosini anglash doim ham oson emasligini inobatga olsak, tilimizda lisoniy chegaralangan birliklar talaygina. Bu kabi ma' nosi biroz tushunilishi qiyin bo` lgan birliklar ma' lum bir sharoit talab qiladiki, bunday sharoit so`zlar qurshovi, qo`shma, juft (yoki takror)so` z tarkibi bo`lishi mumkin. Quyida bu kabi birliklarni juft(takror) so`zlar tarkibida ko`rib, ularning xususiyatini o`rganib chiqamiz.

Shox-shabba. Daraxt yoki buta shoxlari hamda shoxlaridan iborat qism[O`TIL, III tom, 406] ma'nolariga ega bo`lgan bu juft so`zning ikkinchi qismi mustaqil qo`llanmaydi. Uning ma'nosi oydinlashishi esa shox komponentiga bog'liq bo`lib, shabba birligi shox bilan juftlangandagina qo`llanilish imkoniga egadir. Bu birlik shu juft so`z tarkibidan boshqa tarkibda kelmaydi, qo`llanilish o`rni chegaralangan. Hosilani ham ot turkumiga oid ekanligi inobatga olinsa, tarkibni bemalol ot+ot tuzilishga ega desa bo`ladi.

Darrov shox-shabba yig`ib, choy qaynata boshladi. U hozir har qanday ishga rozi edi. O`. Umarbekov, Kimning tashvishi yo`q.

Dov- Mazkur birlikning dov-daraxt, dov-dastak, dov-dastgoh, dov-darak, dov-daskak kabi qo`llanilish shakllari mavjud. Bu birlikning O`TILdagi ma'nosi (bo`yi baland, yo`g`on va baquvvat) juftlashgan holdagi ma'nosiga to`g`ri kelmaganligi bois, bu so`zning (omonimli xarakterga ega deyishdan yiroqmiz) atash ma'nosi hozirda biroz noaniqroq. Uning ma'nosi juftlashgandagina anglashilishi mumkin.

Shu birlik ishtirokidagi dov-daraxt va dov-dastgoh juftligini ko`rib o`tamiz.

Dov-daraxt. Har qanday daraxt, har xil daraxtlar[O`TIL, I tom,632] ma'nosiga ekanligidan bu birlikni "har xil" degan ma' nosi borligini, ammo bu ma'noda o`zi yakka qo`llanmasligini ko`rish mumkin.

Dov-daraxt shu qadar ko`payib ketdiki, men o`zimni o`rmonzorga kirib qolgandek his qildim. O`. Umarbekov, Sevgim, sevgilim.

Dov-dastgoh. Barcha asbob-anjomlar, do`kon-dastgoh[ O`TIL, I tom, 632] ma'nolaridan bu birlik yana "barcha" ma'nosiga ega ekanligini ko`rish mumkin, lekin bu ma'nosi bilan dov komponenti barcha so`zi bilan erkin almashib qo`llana olmaydi.

Bu ikki holatda dov komponentining ifoda etilishi juftlashishga bog`liq bo`lib qoladi, shundagina uning ma'no oydinlashadi.

Uydagi dov-dastgohlar, bezaklar meni hayratga soldi. H.Tursunqulov, Hayotim qissasi.[O`TIL, III tom,632]

Apil-tapil. Bu so`zning ma'nosi tezlik bilan, naridan-beri, shosha-pisha[O`TIL, I tom, 90] ga to`g`ri keladi. Ikkinchi qismini biroz o`zgartirish yo`li bilan hosil qilingan takror so`z bo`lib, ikkinchi qismi biroz o`zgartirilganligi hisobga olinsa, uning birinchi (apil) qismi alohida qo`llanmaydi. Turkumi nuqtayi nazaridan ravish sanalib, harakat-holatning belgisini ochishga xizmat qiladi. Harakat-holatning belgisi deyilganidan uning fe'l turkumidagi so`zlar bilan birikishi tushuniladi: apil-tapil kiyinmoq, apil-tapil gapirmoq;

Apil-tapil cho`ponini kiyib, ko`chaga chiqdi. O`. Umarbekov, Kimning tashvishi yo`q.

Ora-chora. Bu birlik O`TILda ora-chira, ora-sira so`zlarining aynan o`zi ekanligi aytilgan.[2, 134]. Nutqiy jarayonlar bu birlikning tarkibi o`zgarishiga sabab bo`lgan bo`lsa-da, chora, chira birliklarining hozirgi kunda juft so`z tarkibidan tashqarida uchratib bo`lmaydi. Bu birliklar goho-goho, ba'zi-ba'zida ma'nolariga ega bo`lgan ravish turkumiga mansubdir. Bu jihati esa ish-harakatning paytini ochib berishga xizmat qilib, uning fe'l bilan birikishini ko`rsatadi.

Ishtaha bilan yedik, ora-chora nordon, lekin yoqimli musallasdan ichdik. O`. Umarbekov, Sevgim, sevgilim.

Ro`y. Mazkur birlik fors-tojik tilidan o'tgan bo`lib, yuza, yuza sath kabi atash ma'nosiga, biror narsaning sirtqi tomoni, yuzi kabi ma'nolarni anglatadi [O`TIL, III tom, 405],ammo o`zbek tilida bu shakldagi qo`llanilish o`rni kam uchraydi. Uning o`zbek tilida yakka kelish o`rnidan ko`ra ko`pincha ro`yobga chiqmoq, ro`y bermoq kabi qo`shma so`zlarda; ro`baro`, ro`yixotir, ro`yixush, ro`yxat, ro`kach, ro`mol, ro`molcha, ro`para, ro`poch, obro` kabi sodda so`zlar va ro`y-rost kabi juft so`z tarkibida uchraydi.

Ro`y-rost. Bu birlik O`TILda ro`yirost tarzida,izofali birlik sifatida berilgan. Ma'lumki, o`zbek tilida izofali birliklarning ikki xil ko`rinishi mavjud bo`lib, bu birikmaning har ikkala qismi teng ishlatilsa qismlar ajratilib, ammo qismlardan biri(yoki ikkisi ham) o`zbek tilida qo`llanilmasa yoki ma`no anglatmasa u holda qismlar qo`shib yoziladi. Ammo juftlashganda ham izofali tarkibdagi ochiq, dangal yuz[O`TIL, III tom, 406] ma'nolarini beradi.

Men uni, bu saxiy, mehribon, katta qalb egasi bo`lgan qizni, buloqdek sof, hayoti o`ziday go`zal qizni o`ldirdim!-deb hammasini ro`y-rost aytganimda yengil tortarmidim? O`. Umarbekov, Sevgim, sevgilim.

Bu yerdagi ro`y-rost juftligining ma'nosi to`ppa-to`g`ri, dangal ma'nolariga teng.

Hayron boqib do`st-u begona,
Xayolkash deb kuldilar ro`y-rost. U.Azim

Bu yerda esa mazkur birlik biron andishaga bormasdan, ochiqdan ochiq kabi ma'nolarda ishlatilmoqda. Ravish turkumiga mansub bu juft so`zning fe'lga bog`lanib keladi hamda uning belgisini ochishga xizmat qiladi.

Yuqorida ko`rib o`tilgan birliklarning lisonda qo`llanilish o`rni chegaralanganligining sababi har xil, aytaylik, o`zlashgan birlik bo`lishi mumkin. Ammo tilshunoslikda bu kabi birliklar deyarli o`rganilmagan bo`lib, ularning kelish o`rinlari, ma'nosi, birikuvchanligi tahlil talab soha sanaladi. Umuman olganda, bu kabi birliklar, nafaqat juft so`z ,balki so`zlarning qolgan tuzilish turlari(sodda, qo`shma so`zlar) da, ibora, maqol, matallar tarkibida uchraydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sayfullayeva R.va b. Hozirgi o`zbek adabiy tili.-T.: "Fan va texnologiya", 2010, 404 b.
2. Ўзбек тилининг изохли лугати. -Т.: " Ўзбекистон миллий энсклопедияси", 2006, 5 том.

LANGUAGE AND INTERCULTURAL COMMUNICATION IN UZBEKISTAN

Язык и межкультурная коммуникация в Узбекистане

Abdullayeva E.A.
Ferghana State University
Абдуллаева Э.А.
Ферганский гос. университет

Annotation. *The article presents a common understanding of language and communication between representatives of different cultures in Uzbekistan. The role of language in the system of intercultural communication and ensuring intercultural harmony is analyzed. The article also says that the exchange of spiritual values, acquaintance with the achievements of the culture of other nations enriches the individual. The core of the activity of the cultural subject, in the process of which he himself changes, changing, developing at the same time the state, the content of the national culture. The interaction of cultures takes place at the level of interpersonal communication, as sensations realize the universally valid values of cultures.*

Key words: *intercultural communication, dialogue of cultures, national-cultural centers, interethnic world, interrelations of language and culture.*

Аннотация: *В статье представлено общее понимание языка и коммуникации между представителями разных культур в Узбекистане. Анализируется роль языка в системе межкультурной коммуникации и обеспечении межкультурного согласия. Также в статье говорится о том, что обмен духовными ценностями, знакомство с достижениями культуры других народов обогащает личность. Сердцевиной деятельности субъекта культуры, в процессе которой изменяется он сам, изменяя, развивая при этом состояние, содержание национальной культуры. Взаимодействие культур происходит и на уровне межличностного общения, так как в ощущении реализуются общезначимые ценности культур.*

Ключевые слова: *межкультурная коммуникация, диалог культур, национально-культурные центры, межнациональный мир, взаимоотношения языка и культуры.*

Изучение языков в сопоставлении - одно из самых востребованных направлений современной лингвистики. Это та область, которая раздвигает узконаучные интересы языкознания, дает простор для исследования широких гуманитарных проблем: взаимоотношения языка и культуры, языка и национального сознания. Это познание различных неповторимых языковых культур, национальных особенностей восприятия людьми мира и определение своего места в нем. Благодаря этому лингвистика (и сопоставительное языкознание в особенности) притягивает внимание этнологов, культурологов, психологов, историков и представителей многих других наук.

В Узбекистане с первых дней независимости одним из приоритетов государственной политики стало создание для всех проживающих в республике наций и народностей максимально благоприятных условий для возрождения и сохранения традиционного культурного наследия. И это понятно, ведь гостеприимство, доброта, щедрость души и подлинная толерантность всегда были присущи нашему народу и стали основой его менталитета.

В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах особо подчеркнуто: царящие в нашей стране мир и спокойствие, дружба и единство, взаимное уважение и межнациональное согласие являются бесценным богатством и главным достижением независимости. Важным шагом в этом направлении стал Указ Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами» от 19 мая 2017 года [1].

В Узбекистане принято уважать языки, обычаи и традиции всех народов и народностей, созданы условия для их развития. Благодаря мудрой национальной политике представители всех национальностей, проживающие в Узбекистане, сплачиваются на единой этнокультурной основе.

Уже в 1989 году в Узбекистане стали создаваться национально-культурные центры различных народов и народностей, проживающих в республике, число которых уже в том году достигло 12. В 1989 году при Министерстве культуры был создан Республиканский центр межнациональной культуры. Благодаря возможностям, появившимся в годы независимости, этот процесс получил бурное развитие. В 2002 году в республике действовало 120 национально-культурных центров.

Созданный 1992 году Республиканский Итернациональный культурный Центр способствует развитию национальных культурных центров, оказывая им всестороннюю практическую и методическую помощь в работе по сохранению и развитию присущих каждой нации самобытных обычаев и традиций, языка.

Влияние одной культуры на другую реализуется только в том случае, если существуют необходимые условия для такого влияния. Диалог двух культур возможен только при определенном сближении их культурных кодов, наличии или возникновении общей ментальности. Диалог культур - это проникновение в систему ценностей той или иной культуры, уважение к ним, преодоление стереотипов, синтез самобытного и инонационального, ведущий к взаимообогащению и вхождению в мировой культурный контекст. В диалоге культур важно увидеть общечеловеческие ценности взаимодействующих культур. Одним из главных объективных противоречий, свойственных культурам всех народов мира, является противоречие между развитием национальных культур и их сближением. Поэтому необходимость диалога культур является условием самосохранения человечества. А формирование духовного единства есть результат диалога современных культур.

«Разные языки - это отнюдь не различные обозначения одной и той же вещи, а различные видения ее. Языки и различия между ними должны. рассматриваться как сила, пронизывающая всю историю человечества» [2]. Мысли Гумбольдта звучат особенно актуально в наши дни, когда происходит возрождение и обновление национального духовного богатства народов, неотъемлемую часть которого составляют их языки. Природа, окружающий мир, та среда, в которых живет человек, изначально и вполне естественно формируют его ассоциативные представления, отражаемые в языке метафорическими переносами значений, специфическими сравнениями, коннотациями и т.д. Наглядно и ярко это можно продемонстрировать, обратившись к зарисовке узбекского писателя Т.Пулатова: «Солнце по-русски - это совсем не то, что куёш по-узбекски, и уж совсем не то, что офтоб по-таджикски. Ведь узбек, живущий большую часть года под его палящими лучами, никогда не скажет ласкательно-уменьшительное «солнышко», так же, как и у русского нет ощущения того, что солнце может быть не только плодонесущим и землеобновляющим, но и враждебным. Зато к луне, этому ночному светилу, несущему прохладу и умиротворение, у узбека совсем иное отношение. Всё красивое и желанное он называет «луноликим», «луноподобным», да и с такой интонацией, что для русского слуха это может показаться по меньшей мере вычурным» [3]. То, о чем говорится в приведенном фрагменте, - область концептосферы, т.е. психоментального представления, «духа народа», по Гумбольдту, который невидимым ореолом сопровождает язык каждой нации, отражая его культуру.

Дружеские и добрососедские отношения между проживающими в Узбекистане народами обеспечивают межнациональный мир и служат прочной основой для дальнейшего стабильного развития Узбекистана.

Узбекистанцы вместе встречают Навруз, русскую Масленицу, татарский Сабантуй, корейские Соллаль и Чусок, греческий Охи, армянский Вардавар. Верующие республики в соответствии с национальными традициями и ценностями отмечают мусульманские Рамазан-хайит и Курбан-хайит, христианские Рождество и Пасху, иудейские Пурим, Ханукку, буддийский Дончод-хурал. В такие дни люди навещают друга, дарят подарки, готовят самые отменные блюда и делятся друг с другом.

В дополнение к сказанному, кухня является еще одним объединяющим фактором: узбекский плов, русская окрошка, татарские беляши, казахский бешбармак, корейское кукси, крымско-татарские чебуреки, грузинские шашлыки, турецкие пахлава и лаваш, уйгурские манты, персидская халва – в нашей большой многонациональной семье эти блюда и яства любят все.

Культура в совокупности со всеми составляющими: наука, образование, искусство, обычаи, традиции и т.д., как показывает практика и опыт играет огромную роль в совершенствовании межнациональных отношений и в углублении и обогащении разностороннего общения представителей всех народов страны, обмена историческим опытом и духовными ценностями.

Таким образом, взаимодействие культур является отличительной чертой современного общества, которое обеспечивает условия для упрочнения гражданской и духовно-нравственной общности на основе соблюдения прав и свобод человека и признания его высшей ценностью.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами» от 19 мая 2017 года. [Электронный ресурс]. Режим доступа: URL: http//www. https://lex.uz/docs/3210342?ONDATE=03.03.2018%2000
2. В.Гумбольдт. Язык и философия культуры. М., 1985, с. 370-382.
3. Т.Пулатов. Язык, автор, жизнь. «Лит. обозрение», 1976, №8, с.109

ÖZBEK TÜRKÇESİNDEKİ BAZI FARSÇA-TACIKÇE ALINTI KELIMELERİN SEMANTİK GELİŞİMİ

Форс-тожик тилидан ўзлашган айрим сўзларнинг семантик тараққиёти

Dr. Dosmatov Hikmetulla Hayitbay oğlu,
Azamcanov Nadirbek Mumincan oğlu
Fergana Devlet Üniversitesi
Дўсматов Ҳикматилло Ҳаитбоевич
PhD, Фарғона давлат университети
Азамжонов Нодирбек Мўминжонович
Фарғона давлат университети II курс талабаси

Özet: *İşbu makalede Özbek Türkçesindeki Farsça-Tacikçe bazı yaygın alıntı kelimelerin semantik tabiatında ortaya çıkan değişimler ve ana (dennotatif) anlamının daralarak, taşınan (konnotatif) anlamının faalleştiği kelimeler tahlil edilmiştir.*

Anahtar kelimeler*: dennotatif anlam, konnotatif anlam, pleonazm, kelime letafeti, siyah*

Аннотация: *Ушбу мақолада форс-тожик тилидан ўзлашган сўзларнинг семантик табиатида юзага келган ўзгаришлар ва бош (деннотатив) маъноси торайиб, кўчма (коннотатив) маъноси фаоллашган сўзлар таҳлил этилган.*

Калит сўзлар: *деннотатив маъно, коннотатив маъно, плеоназм, сўз латофати, қора.*

Дунёда бошқа тиллардан сўз олмасдан фақат ўз ички имкониятлари асосидагина ривожланадиган бирорта тил йўқ. Дунёдаги барча ривожланган тиллар бошқа тилдан маълум миқдорда сўз ўзлаштирган. Бундан ўзбек тили ҳам мустасно эмас. Лекин ҳозир ўзбек тилининг бойиш манбаълари ҳақида эмас, аксинча, ўзбек тилида баъзи ўзлашган сўзлар борки унинг бош (денотатив) маъноси анча пассивлашиб, кўчма (коннотатив) маъноси фаолашган ҳамда биринчи ўринга чиққан, ўшалар ҳақида гаплашамиз. Биз ҳозир шу сўзларни куриб чиқамиз.

Зимистон [ф-т. زمستان] бу от йилнинг 4-фасли, ёзга нисбатан антоним сифатида келадиган қиш маъносини англатади. Барф резаҳои майдаи оби яхбаста, ки дар зимистон меборад [3, I том, 542]. Ўзбек тилида ҳам қиш маъносини унинг бош маъноси ҳисоблнади.

Зимистон фаслида кирсанг уйингга
Ҳузури дил чу боғу бўстон печ. Муқимӣ.

Лекин унинг қоронғу қуёш нури етмайдиган жой [1, II, 150] каби коннотатив маънолари ўзбек тилида анча фаол ва деярли кўпчилик онгига шу маъно орқали муҳрланган. *Кўзимни очсам уй зимистон, болишимни қучоқлаб ётибман. Т.Мурод, От кишнаган оқшом. Ташкарида кор булмагани, ой кутарилмагани учун атроф тезда зимистонга айланди. Т.Малик, шайтанат.*

Э.Воҳидовнинг ***«Сўз латофати»*** асарида зимистон ҳақида шундай фикрлар кетган : Форс тилида қиш лекин биз қайсар халқ қоронғу кечани зимистон деймиз ва сира фикримиздан қатмаймиз. Шу маъно билан луғатимизга киритиб қонунлаштириб олганмиз. Қиш кечасининг узунлиги ва қоронғулиги (ялдо кечаси) учун зулматли тун зимистон қоронғуси дейилган яъни қиш қоронғуси. Лекин биз гапни қисқа қилишга устамиз-ку.Зимистон қоронғусини ҳам қисқа қилиб зимистон деяқолдик. Тилшунос олимлар барака топсинлар, халойиқни айтгани бўлақолсин, деб, луғатимизда зимистонни қоп-қоронғу кеча дея изоҳ бердилар.Хато қонуний тус олди [119].

Гарчи Эркин Воҳидов бадиий тарзда баён қилган бўлса ҳам лекин унинг фикрида илмий асос бор. Чунки ҳеч бир сўз ўзидан ўзи ўзгариб қолмайди. Бунга маълум вақт ва шароит керак бўлади.

Сиёҳ [ф-т. سیاه] бу сифат оқ рангга антоним булган қора рангни ифодалайди [3, 2-том, 245]. ЎТИЛда ҳам биринчи маъноси қора сифатида келтирилган. Лекин бу кам қўланилади ва асосан бадиий асарларда учрайди: *Миллионлар мотамсаро қолганда сиёҳ*

байроқлар қизилни уриб қадалганди. Миртемир [1, III, 496]. Аввалари фақат қора рангда булганлиги туфайли “хат ёзишга ишлатиладиган суюқлик” маносини ҳам англата бошлаган [2, 214]: *Катта коғозда туссизрок сиёҳ билан ёзилган узун бир хат. А.Қодирий, Ўтган кунлар.*

Ҳозирда бу сўзни «қора»лик маъноси анча хиралашиб колган. Сиёҳранг дейилганда эса қора рангга алоқаси бўлмаган ранг (қизил ва кўк ранглар аралашмасидан ҳосил бўлган ранг) назарда тутилади. Бу сўзнинг бош маъноси йўқолиши натижасида баъзи гапларда **плеоназм** ҳодисасини вужудга келтиради. Мисол сифатида қўйидаги гапни келтиришимиз мумкин: *Хатнинг сатрлари қора сиёҳда усталик билан ўчириб юборилган. И.Раҳим, Чин муҳаббат*

Бу гапда қора сиёҳ ёнма-ён келиб плеоназмга сабаб бўлмоқда. Агар юкорида айтганимиздек сиёҳнинг бош маъноси қоралигини ҳисобга олсак, гапда икки қора ёнма-ён келиб қолган. Лекин денотатив маъно йўқолиши гапни ғализликдан сақламоқда.

Сероб [ф-т. سراب] ФТЗТда мўл маъносини ифодаловчи «сер» олд қушимчасини сув маъносини берувчи «об» отига қўшиш орқали ясалган булиб «серсув» «мўл-кўл» маъносини англатади [2, 212]. ФТЗТда хам сувга бой, сувли маънолари келтирилади [3, II, 239]. Луғатимизда унинг етарли даражада мўл-кўл маъносини англатиши айтилган *[1, III, 487].* Шунинг учун контексдан ташқарида, бизнинг онгимизда сув билан боғлиқ ҳеч қандай тушунча ҳосил бўлмайди. *Овқат сероб, тергайдиган одам йўқ, Ўзбек халқ эртаклари.*

Сероб сўзи билан ҳам **плеоназм** ҳодисаси юз беради. Масалан: Чанқаб турган одамга (айниқса кекса ёшдаги кишиларга) сув ўзатсангиз сувни ичиб улар сувдай сероб бўл дейишганини куп эшитганмиз. Юқоридаги серобни мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак бу бирикма сувдай серсув бўл маъносини англатади. Ёки *Зап ўрик экан-да. Канал битиб, сув сероб бўлиб, боғ-роғ қилганимизда, албатта, шунинг данагидан экамиз. А.Қаҳҳор, қўшчинор чироқлари [1, III, 487].* Гапида хам плеоназм намоён бўлмоқда.

Хунук [ф-Т.خنک] бу сифатнинг бош маъноси совуқ, иссиқ сузига антоним сифатида келади [2, 2том, 480]. ЎТИЛда эса куриниши ўзига жалб этмайдиган, куримсиз маъноларида келган. М: *Франсузлар дунёда хунук аёллар йўқ, фақат ўзига оро бермаган, парваришсиз аёлларгина бор, деб ҳисоблашади. «Саодат» [1, IV, 425].*

Ян ўша «Сўз латофати»га мурожаат қиламиз. Унда қуйидаги жумла келтирилган: « Хунук деган сўзни бир кўрксиз бадбашара деб тушунамиз. Аслида бу сўз совуқ дегани. Ташқари хунук, иссиқ кийиниб ол, десак кулги бўламиз. Ажабо, совуқ маъносидаги сўз қандай қилиб кўрксизга айланди? Бунга ҳам сабаб- қисқартиришга ўчлигимиз. Аввал уни совуқ маъносида тўғри ишлатганмиз. Турқи совуқ одамни турқи хунук деганмиз. Кейинча турқ тушиб қолди, хунукни ўзини айтадиган бўлдик. Тилчиларимизга яна раҳмат буни хам расмийлаштириб беришди » [121]. Хунук сўзининг маъноси ҳозирда анча торайган. Унинг об-ҳавога нисбатан ишлатиладиган совуқ сўзи синонимлик ҳосил қилмайди. У фақат ташқи кўринишни ёки кўчма маънода ёқимсиз овозни ифодалайди, холос.

Бекор [ф-т. بیکار] йуқ маъносини ифодалайдиган «бе- » олд қушимчасини иш маъносини англатадиган кор отига қўшиб ҳосил қилинган булиб, бирор иш билан машғул бўлмаган маъносини англатади [2, 34]. *Аз бекор ҳама безор.* ЎТИЛда ҳам унинг бош маъноси шу мазмунда қайд қилинган. М: *[Ҳасанали] Уззу кун уйида бекор зерикканликдан ҳожига айтиб бир мунча дасмоя билан гузардан баққолик дўкони очган эди. А.Қодирий, Ўтган кунлар [1, I, 217].* Бош маъно пассивлашиб беҳуда, фойдасиз, ўринсиз, чакки каби маънолари биринчи даражага чиқиб олди. *Бу гапни бекор бошлаб қуйибман - деб ачинди Қудрат. Ҳ.Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

Камтар [ф-т. کمتر] ФТЗТда сифатнинг қиёсий даражаси (кам+тар) хисобланади [3, I, 616]. Лекин у ЎТИЛда мақтанишни истамайдиган, ўзини бошқалардан паст оладиган, мағрурланмайдиган шаклида келади. *Камтарга камол–манманга завол. Мақол* [1, II, 311]. Ўзбек тилида унинг маъноси анча торайиб кетиши натижасида энди у фақат шахсларга нисбат уларнинг хусусиятини билдириш учун ишлатилади ва озрок камрок сузлари билан

алмашмайди. *Ҳақиқатда у [Аҳмад Маҳмуд] жуда камтар бўлиб, саводсиз оддий одамлар билан улфатчилик қилмасди. С.Айний, Есдаликлар* [1, II, 311]. *Манзура узини камтар олиб юргани, содда булгани сабабли бу хотин Асадбекка якин одамларнинг хотинларига норасмий кайнона эди. Т.Малик, шайтанат.*

Камтарин [ф-т. [كمترينФТЗТдаги маъноси жуда кам, бошқаларга нисбатан миқдори оз, камқадр кам эътибор тарзида берилган [3, I, 616]. ЎТИЛда жуда камтар, итоаткор.*[Фаррош] Дарвешнамо, камтарин, хаёлчан киши эди. С.Айний, Есдаликлар. Чулпон, уз табиатига кура, мулоим, камтарин, олийжаноб, узгалар дарди билан яшовчи инсон эди. Чулпон, кеча ва кундуз.*

Хун [ф-т. خون] бу сўз ФТЗТда жонли мавжудотлар танасидаги қизил суюқлик, қон маъносини ангалатиши айтиб ўтилган [4, II, 478]. ЎТИЛда ҳам бош маъноси қон эканлиги айтилган. *Минг жафо билан эзиб қалбимни, тўкдилар хуним. М.Исмоилий, Фарғона т.о. [1, IV, 424].*

Лекин аста-секин унинг бош маъноси сусайиб борган ва натижада уруғдошлик тузуми даврида вужудга келган одат; ўлдирилган шахс учун олинадиган қонли ўч. *Қўйвор деяпман сенга. . Барибир укамнинг хунини оламан. . Қўйвор қаёққа сўдраяпсан! "Ёшлик".* Умуман, ўлдирилган кимса, йўқотилган ёки тортиб олинган нарса учун тўланадиган ҳақ, товон. *Қачонки, ўзбекнинг оти менинг отимдан ўзганда, сенинг кўзингниг хунини бераман. Алпомиш. [1, IV, 424]* каби маънолари фаоллашиб борди ва ҳозирда бош маънодан ҳам кенг қўлланади.

Шакароб [ф. شکداب] ФТЗТда 1. шакар билан аралаштирилган сув 2.пиёз помидор қалампир аралаштириб тайёрланадиган иштаҳа очувчи овқат [4, 2том, 648]. ЎТИЛда ҳам унинг аччиқ-чучук маъносини англатиши айтилган. *Садбархон бўлса, шакаробга пиёз тўграётган эди. С.Зуннун ова, Гудак ҳиди [1, IV, 536].* Бу сўзни шаклига қарайдиган бўлсак шакар ва об лексемалрини борлигига гувоҳ бўламиз, лекин унинг семасида шакарга хос ширинлик маъноси умуман кўзга ташланмайди. Бу сўз қандай қилиб ўз маъносига антоним бўлиб қолгани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Лекин уни ўзбек тилининг изоҳли луғатида қарасак шевага хос сўз эканини кўришимиз мумкин.

Ўзбек тилида бу каби бош маъноси кучсизланиб, коннонатив маъноси юқорига чиққан бирликлар кўплаб топилади. Бундай бирликлар эса ўзбек тилида деярли ўрганилмаган соҳа саналиб, бу каби бирликлар семантик-стилистик, лексик томонлари ўрганилиши керак. Умуман олганда, бундай бирликларни "форс-тожик тилидан ўзлашган сўзларнинг семантик тараққиёти" атамаси билан номлаш нисбий саналади. Уларга махсус атама қўллаш, бу бирликларнинг этимологик хусусиятларини ўрганиш ҳам зарур. Чунки бу сўзлар қандай қилиб, шу ҳолга келиб қолганини сабабини аниқлаш, кўпгина сўзларнинг этимологиясини билишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. ЎТИЛ— Ўзбек тилининг изоҳли луғати I,II,III,IV,V жилд.– Тошкент: "Ўзбекистон миллий энсиклопедияси", 2006.
2. ЎТЭЛ– Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати III жилд.– Тошкент: Университет, 2009.
3. ФТЗТ— Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ I, II том.– Душанбе, 2010.
4. СЛ– Воҳидов Э. Сўз латофати.– Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

ÖZBEK TÜRKÇESİNDEKİ FARSÇA-TACİKÇE ALINTI KELİMELERDE OLUŞAN FONETİK DEĞİŞİMLER VE ONLARIN İMLASI (ÜNLÜLER)

Ўзбек тилига ўзлашган форс-тожикча сўзларда рўй берган фонетик ўзгаришлар ва уларнинг имлоси *(унли товушлар доирасида)*

Gülnoza Kırgızova
Fergana 2.no'lu ortaokul

Гулноза Киргизова
Фарғона шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Özet: *Bu makalede Özbek Türkçesi ve Tacikçe'de kullanılan kelimelerde oluşan fonetik değişimler, değişime uğrayan kelimelerin her iki dildeki imlasıyla ilgili görüş ve değerlendirmeler yer almaktadır.*
Anahtar kelimeler*: Dil ilişkileri, fonetik değişimler, fonetik hadiseler, Özbek Türkçesi, Tacikçe.*
Аннотация*: Ушбу мақолада ўзбек ва тожик адабий тилида қўлланувчи сўзларда юз берган фонетик ўзгаришлар, ўзгаришга учраган сўзларнинг ҳар икки тилдаги имлоси хусусида фикр юритилади.*
Калит сўзлар*: тил алоқалари, фонетик ўзгаришлар, фонетик ҳодисалар, ўзбек ва тожик тили.*

Туркологияда ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро алоқалари ва таъсири масалаларига М.Ставрулли[126], Е.Д.Поливанов[127], В.В.Решетов, А.К.Баровков[128] ва бир қатор тилшунослар умумий тарзда қисқача муносабат билдирган бўлсалар-да, кейинги йилларда Тожикистон ҳамда Афғонистон Республикаларидаги ўзбек шеваларини ўрганишга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар[129] билан бирга, ўзбек ва тожик тилларининг қиёсий тадқиқига доир қатор ишлар майдонга келди ва мазкур тилларнинг турли жиҳатлари ёритиб берилди[130]. Жумладан, К.Юсупов "Ўзбек ав тожик тилларининг ўзаро таъсири" мавзусига бағишланган монографиясида Фарғона шаҳри атрофида яшовчи тожиклар тилини ўзбек тилига қиёслайди[131]. Мазкур ишда ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсирини уларнинг тарихи билан боғлиқ ҳолда тавсифлашга эътибор қаратилади. Фарғона, Қувасой, Тошлоқ туманларида яшовчи тожик аҳолисининг тили ҳудудий нуқтаи назардан тадқиқот объекти сифатида танлаб олинади. Ҳ.Ғуломовнинг "Ўзбек-тожик тил

---

[126] Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. Т., 1933, стр-10-11, 22-23.
[127] Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. Т., 1934, стр-34.
[128] Баровков А.К. По поводу «иранизации» узбекского языка. Известия АН Узбекской ССР, Т., 1956, №8, стр-79-92.
[129] Абдуллаев Н. Фонетические особенности узбекских говоров Северо-Западного Афганистана. Диссертация на соискание ученой степени канд. фил. наук. Т., 1982; Йўлдашев Т. Тожикистондаги ўзбек шевалрининг морфологик қурилиши. Фил. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1968.
[130] Гулямов К. Узбекско-таджикские языковие связи (лексико-этимологическое исследование). Ташкент. 1983; Юсупов К. Ўзбек ва тодик тилларининг ўзаро таъсири. Тошкент, 1974; Юнусов М. Тюркско-узбекские слова в таджикском литературном языке. АКД. Баку, 1972; Баровков А. К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопросы взаимовляния таджикско и узбекского языков//Ученые записки института Востоковедения. Т. IV. Лингвистический сборник. М., 1952; Мурватов Ж. Доир ба муносабати забонҳои тожики ва ўзбеки (дар асоси материали шеваҳои тожикони вилояти Андижон) //Мажмўаи масъалаҳои шевашуносии тожик. Ж. 1. Душанбе, 1970; Маҳмудов М., Бердиев Б. Луғати мухтасари лаҳжаҳои Бухоро. Душанбе, 1989; Шаропов Н.О. Обогащение словарного состава таджикского литературного языка. АКД. Душанбе, 1965; Расторгуева В.С. Опыт сравнительного изучения таджикских говоров. М., 1964; Расторгуева В.С. Об устойчивости морфологической системы языка//Вопросы теории и истории языка. М., 1953; Ливщиц В.А. О внутренних законах развития таджикского языка//Известия отделения общественных наук. АН Таджикской ССР, Душанбе, 1954; Хайген Э. Процесс. Заимствования//Новое в лингвистике. Вып. 6. М., 1972; Эдельман Д.И. К теории языкового союза//Восточное языкознание. №3. М., 1978; Мейе А. Сравнительный метод в историческом языкознании. М., 1954; Заҳидов А. Лексика таджикской разговорной речи. АКД. Душанбе, 1991; Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. Фил.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т.,2007.
[131] Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. Тошкент, 1974.

алоқалари” номли монографиясида ўзбек ва тожик тиллари учун умумий бўлган лексик қатламнинг баъзи жиҳатлари ёритилади[132]. К.Раҳмонбердиевнинг тил алоқалари, уларнинг тарихи, тил сиёсати, ўзбек тилининг тожик тилига, рус тилининг ўзбек тилига таъсири масалаларига бағишланган “Ўзбек тили контактлари” номли ишида муаллиф тилларнинг бир-бирига таъсири, даставвал, лексика ва сўнгра синтаксис соҳасида бўлади, тилларнинг морфологик таъсири, айниқса, фонетик таъсири кучсиздир, дея алоҳида таъкидлайди[133]. Бу борадаги тадқиқотлар орасида М.Зокировнинг иши[134]ни алоҳида таъкидлаш жойиз.

Биз ушбу мақолада тожик тилидан ўзбек тилига ўзлашиб, товуш ўзгаришларига учраган сўзларнинг талаффуз ва ёзувдаги фарқли жиҳатларини адабий тил доирасида унли товушлар мисолида ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Бунинг учун Фарҳанги забони тожики[135] билан Ўзбек тилининг изоҳли луғати (1-нашр, 2 томлик)[136]ни ўзаро қиёслаб, мазкур луғатлардаги фонетик ўзгаришлар асосида ёзилган 150 га яқин сўзларнинг луғатини туздик. Мазкур лисоний далиллар таҳлили шундан далолат берадики, ўзлашган сўзларда товуш ўзгаришларига учраган сўзлар миқдори агар Ўзбек тили изоҳли луғатининг 2-нашри билан қиёсланиб аниқланса, бу кўрсаткич икки бараварга ошиши шубҳасиз. Шу боис, товуш ўзгаришларига учраган ўзлашган сўзларни ЎТИЛнинг 5 томлик 2-нашри асосида тадқиқ этиш олдимиздаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бундай тадқиқот ишлари ўзлашган лексемалар ҳақида назарий хулосалар чиқаришга имкон яратади ҳамда амалий жиҳатдан эса саводхонлик ва тўғри ёзиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Тожик адабий тилидаги ўзбекча сўзларга нисбатан ўзбек адабий тилидаги тожикча сўзлар истеъмоли анча кўп ҳисобланади. Лекин ўзбек тилидан тожик тилига ўзлашган сўзлар ҳам талайгина: **ўсма, тешик, ёш, биқин, таёқ, букри, тўғри, ялтироқ, алда (алдамоқ), қилич, милтиқ, аралаш, қавоқ, қош, келин, ирим, бой** каби.

Фарғона вилояти Қувасой, Лоғон, Риштон, Каптархона, Бурболиқ каби жойларда ўзбеклар билан тожикларнинг маданий ҳаётдаги алоқалари, бир жойда зич яшашлари таъсирида уларнинг тилида ўзбекча сўзларнинг учрашиш жуда кўп фоизни ташкил этади. Булардан фарқли равишда Фарғона вилоятининг Сўх туманида яшовчи тожикларнинг нутқида ўзбекча сўзларнинг истеъмоли оз миқдорни ташкил этади. Бунинг асосий сабаби Сўх тумани аҳолиси билан ўзбек халқи орасида ҳудудий узилиш мавжудлиги, қолаверса, айни пайтда тумандаги таълим муассасаларининг деярли барчасида таълимнинг тожик тилида олиб борилишидир. Шунга қарамай, Сўх тумани тожиклари тилида ҳам ўзбекча сўзларнинг ишлатилиши кузатилади:

Тожик адабий тилида	**Сўх тожиклари нутқида**
интихоб	сайлов
журғот	қатиқ
базм	тўй
арусак	келин
посбон	қаровул
шамшер	қилич
деҳа	қишлоқ
тозиёна	қамчин

Ўзлашган лексемалардаги фонетик ўзгаришлар рангба-ранг бўлиб, улар унлилар доирасида қуйидагича намоён бўлади:

---

[132] Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. Т., 1983.
[133] Раҳмонбердиев К. Ўзбек тили контактлари. Т., 1989, б. 5.
[134] Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. НДА, Т., 2007.
[135] Фарҳанги забони точ,ики. 2 томлик. М.: Советская энциклопедия, 1969.
[136] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. М.: Рус тили, 1981.

Тожик тилида айрим сўзларнинг ёзилишида ўзбек тилидан фарқли равишда ўзига хос имло қоидаларига амал қилинади. Масалан: ўзбек тилидаги **у** кишилик олмоши тожик тилида **ў, фидойи** сўзи **фидоий** тарзида, **тарих** лексемаси **таърих** шаклида ёзилиши бу тилларнинг миллат талаффузи билан боғлиқ ўзига хосликларини намоён этади.

Бундай фарқли жиҳатлар асосан (ў–у), (ч,–ж), (й–и), (ҳ–х) товушлари, шунингдек, (щ–ш), (ъ), (ь) фонемалари билан ёзиладиган сўзларда учраши мумкин.

Ўзлашган сўзларда унлилилар доирасида товуш ўзгаришлари кўп учрайди. Улар қуйидаги унлиларнинг ўзгаришида намоён бўлади:

1. тожик тилидаги **(е)** товуши ўзбек тилади **(и)** тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: **андеша-андиша.**

Товуш ўзгаришининг мазкур турида фонетик ўзгариш босқичма-босқич рўй берганини кўриш мумкин. Яъни, бундай сўзлар форс тилида **(и)** талаффуз этилади ва шундай ёзилади. Тожик тилида **(е)** га айланади. Ўзбек тилида эса имлода форс тилидагидек ёзилади.

2. **(о) - (а)** талаффуз этилиб, (**а**) товуши ёзилади: **баробар-баравар...**

3. **(а)** унлиси **(о)** талаффуз қилиниб, шу тарзда ёзилади: **мазор-мозор...**

4. **(у)** товуши **(и)** товушига айланади ва ёзилади: **меҳрубон-меҳрибон...**

5. **(а)** унлиси **(и)** товуши билан алмашиб ёзилади: **бародар-биродар...**

6. Юқоридаги ҳолат тескариси: (**и**) ўрнига (**а**) товуши: **чироғон-чароғон...**

7. **(а)** товуши **(у)** талаффуз этилиб ёзилади: **савора-сувора...**

8. (е) товуши **(а)**талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: **гилем-гилам...**

9. Юқоридагининг акси: (**а**) товуши ўрнига (**е**) товуши: **нафт-нефт...**

10. (**е**) товуши (**о**) билан алмашиб қўлланилади: **нишеб-нишоб...**

11. **(о)** товуши (**у**) товуши билан алмашади: **майхор,майхора-майхур...**

12. (**ў**) товуши (**и**) билан алмашиб ёзилади: **кўчик, кучак-кичик...**

13. (**и**) товуши (**у**) билан алмашиб ёзилади: **кунжид-кунжут...**

14. (**и**) товуши (**е**) товуши билан алмашиб ёзилади: **симурғ-семурғ**

Бунда фонетик ўзгариш сўзнинг ички томонига ҳам таъсир этиб, сўз маъносининг ўзгаришига олиб келган. Яъни, **“си”** тожик тилида - **“ўттиз”**, **“се”** - **“уч”** сонини ифодалайди. **Ўттиз қуш** ўрнида **уч қуш** маъноси.

15. (**и**) ёки (**е**) товуши (**а**) билан алмашади: **ништар, нештар-наштар...**

16. (**и**) фонемаси (**о**) билан алмашиб ёзилади: **чунин-чунон**...

17. (**а**)-(**ў**) билан, шунингдек, (**ў**) - (**у**) билан алмашади: **нахўд-нухат**

18. (**у**) - (**ў**) билан, (**о**) - (**а**) билан алмашади: **дулона-дўлана...**

19. (**ў**) - (**у**) билан, (**а**) - (**о**) билан алмашади: **анбур, анбўр-омбур...**

20. (**ў**) - (**у**) билан, (**о**) - (**а**) билан алмашади: **шўрбо-шурва**...

21. (**о**) - (**а**) га, (**и**) товуши ҳам (**а**) га айланади: **пешони-пешана...**

22. (**а**)>(**о**)лашиб, (**о**)>(**а**)лашади, натижада (**а**) товуши билан (**о**) товушининг ўрни алмашиб, **масофавий метатеза** *(атамани шартли равишда шундай номладик)* ҳодисаси юзага чиқади: **расо-роса**...

Бундан ташқари (**и**) унлисининг (**й**) ундошига айланиши ҳам учрайдики, бу ҳолат фонетик жараёнларда деярли учрамайди: **оина-ойна**, **оинасоз-ойнасоз.**

Ушбу товуш алмашиши қай тарзда юз берганига эътибор қаратсак, даставал тожик тилида мазкур сўзнинг варианти юзага келган, сўнгра ўзбек тилида ўхшашлик асосида товуш алмашиши юз берган: **айнак-ойнак.**

Товуш ўзгаришлари асосан сўз ўртасида, шунингдек, сўз бошида ва охирида ҳам рўй беради: ***сўз бошида:*** *айнак-ойнак,* ***сўз ўртасида:*** *оинасоз-ойнасоз,* ***сўз охирида:*** *нахўд-нухат.*

Лингвистик адабиётларда ассимиляция, диссимиляция, метатеза, спирантизация, геминация ва бошқа шу каби ҳодисалар асосан сўзлашув тилига нисбатан бир тил доирасида ўрганилган бўлиб, биз бундай ёндашувдан чекинган ҳолда, фонетик

ҳодисаларни ўзбек ва тожик тилининг фақат ёзма адабий тили доирасида қиёсий планда тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

Мазкур ишнинг тадқиқот кўлами анча кенг бўлиб, лисоний далилларнинг қиёсий таҳлили ҳали бу борада алоҳида изланишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатди. Шу боис, тадқиқот объектини кенгайтириш, мисолларни Ўзбек тили изоҳли луғатининг кейинги нашридан кўпайтириш, қиёслашда адабий тил доирасидан ташқари шевадаги фарқли жиҳатларга ҳам муносабат билдириш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотимизнинг натижаси ассимиляция, диссимиляция, метатеза, товуш ортиши, товуш тушиши, спирантизация, геминация ва бошқа шу каби атамаларнинг олоҳида кўринишларини аниқлаш имконини берди. Бизнингча, товуш ўзгаришларининг бу каби турларини махсус атамалар остида ўрганиш лозим. Масалан, тилшуносликда метатеза ҳодисасига нутқ товушларининг ўрин алмашиши сифатида қаралади. Лекин унинг иккита тил доирасида намоён бўлиши умуман айтилмайди. Лисоний таҳлилларимиз шундай хулоса берадики, ушбу ҳодиса ўзбек ва тожик тили доирасида ҳам намоён бўлади. Буни (**и**) ва (**й**) товушлари имлоси билан боғлиқ қуйидаги ҳолатда кўриш мумкин: тожик тилида - фидоий, ўзбек тилида - фидойи.

Кўринадики, ўзбек ва тожик тилларига хос имловий ўзига хосликлар метатеза ҳодисаси асосида ҳам юзага чиқади. Лекин бундай ноўхшашлик нутқий фаолиятда кишилар исмини ёки тахаллусини ифодалаб, атоқли от бўлиб келганда ўзаро ўхшашлик касб этади ва бир-бирига яқин талаффуз этилади: **Навоий – Навой** (тожик алифбосида (и)нинг икки хил кўриниши мавжуд: (и) – ўзбек тилидаги (и)га тенг бўлса, (й) товуши ўзбек тилида кўпроқ (ий) талаффузига тенг келади. Шунингдек, тожик алифбосида (й) ҳарфи ҳам мавжуд. Қиёсланг: **дўстй** (дўстлик), **дўсти ман** (менинг дўстим).

Биргина **бузрук** сўзини фақат ўзбек тили доирасида таҳлил қилсак, фонетик ўзгариш юз бермагани маълум бўлади. Лекин ушбу сўзни тожик тилидаги асл варианти билан қиёсласак, (**у**) билан (**р**) товуши ўрнининг алмашишини кўрамиз. Тожик тилининг ўзида, шунингдек, сўзлашув тилида ҳам, **бузург** сўзида фонетик ўзгариш юз бермайди. Ушбу сўзлардаги товуш ўзгаришини фақат иккита тилдаги вариантини бир-бирига қиёслаш асосида аниқлаш мумкин: *бузу**рг** – бузр**у**к.* Шу боис, буни **чоғиштирма метатеза** (термин бизники) атамаси остида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ваҳоланки, бу каби атамалар лингвистик адабиётларда учрамайди. Шу боис, фонетик ҳодисаларнинг турларини қиёсий планда тадқиқ этганимизда ҳар бир ҳодисанинг олдига **чоғиштирма** атамасини қўшиб ишлатсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу тариқа фонетик ўзгаришларни қиёслаб ўрганиш ундош товушлар доирасида амалга оширилса, анчагина янги лингвистик терминларнинг ихтиросига сабаб бўлиши, шубҳасиз.

Хуллас, юқоридаги ўзлашган лексик бирликлар таркибидаги товуш ўзгаришлари нутқий фаолият босқичидан тил босқичига ўтиб, лисонийлашган. Шу боис, бу ҳолатга тил ва жамиятнинг ижтимоий, умумлашма мулки сифатида қаралади. Яъни асрлар давомида "**фонетик ўзгариш"** (нутқий жараён)дан "**фонографик ўзгариш"** (ёзувда акс этадиган) жараёнига ўтган ва ўзбек тили имло қоидаларида акс эта бошлаган. Шунга мувофиқ, бундай воситаларга "**икки тил доирасидаги лисоний дублетлар"** сифатида ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса янги бир фундаментал тадқиқот мавзуси сифатида ушбу мавзуни кенгроқ планда қиёсий ўрганишни тақозо этади. Зеро, бунинг натижасида яна бир қатор илмий-назарий хулосалар қилиш имкони яратилади.

“KISAS-I RABGUZÎ” ESERİNDE FİİLİN FONKSİYON ŞEKİLLERİ (SIFAT FİİLİ)

“Qisasi Rabg‘uziy” da fe’lning vazifadosh shakllari (sifatdosh)

Khalmatjanova Zamirakhon
Karabük Üniversitesi
yüksek lisans öğrencisi

***Özet**: Rabguzî’nin Kısasü’l Enbiya adlı eseri Karahanlı Türkçesinin önemli eserlerinden biridir. Nasirüddin Rabguzî'nin çalışmasında, fiilin fonksiyonel formları yaygın olarak kullanılmaktadır. Bunlardan biri sıfattır. Konuşmanın bir bölümünün işlevini yerine getirmek için kullanılan fiilin formlarına fonksiyonel formları denir. Makalede, sıfat fiillerini oluşturan bazı ekler hakkında bilgiler paylaşılacaktır.*

***Anahtar kelimeler**: Karahanlı Türkçesi, Kısasü’l Enbiya, Rabguzî, Fiil, Fiilin fonksiyonel formları, Sifat fiili*

***Abstract**: Rabguzi’s “Tales of the Prophets” is the one of the important work in Karakhanid period Turkish dialect. In Rabguziy's work, functional forms of the verb are widely used. One of them is adjective. The forms of the verb used to perform the function of a part of the speech are called functional forms. The article provides information about some suffixes that make adjective verbs.*

***Key words**: Karakhanid period Turkic, Tales of the Prophets, Rabguzi, Turkic language. functional forms of the verb, adjective verb*

Rabg‘uziyning XIV asrga oid “Qisasi Rabg‘uziy” asari til faktlariga nihoyatda boy. U o’z mohiyatiga ko’ra qadimgi turkiy til bilan XIV asrdan so’nggi davrlarda yaratilgan yodgorliklar tili o’rtasidagi tarihiy davr tilini o’zida aks ettiradi. Unda Qoraxoniylar davri Sharqiy Turkiston til xususıyatlari bilan birga XIV asrdan keyin yaratilgan asarlar til xususıyatlarini ko’rish mumkin. Asar til jihatdan “Tafsir”, “Xusrav va Shirin”, “Nahj-ul Farodis” “Siroj-ul qulub” kabi asarlarga yaqin turadi [7:1:5-8]

Asarning nodirligi turkiy so’zlarning o’zlashgan so’zlardan ko’pligi, diniy so‘zlarning o’ziga xos turkiy variantlarda qo‘llanılganligi, ismlar va joy nomlarining turkiy shakllarda ifodalanganligidadir. Shuning uchun ham 1945-yilda bo’lib o‘tgan 5-Turk tili Qurultoyida Ya. Shinkevichning “Rabg‘uziy sintaksisi” asari turkologiya olamida Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lugat it turk” asaridan keyingi yirik va noyob qo‘llanma deb e’tirof etilgan. Ya. Shinkevich qisqa ravishda moslashuv, undalma kabi masalarga to‘xtalib, kelishiklar va yordamchi so’zlarni tahlil etgan.

Asar ko‘plab turkiyshunos olimlari tomonidan o’rganilgan. O‘zbek va xorijiy lingvistlar tomonidan asar nushalari, matn tarjimasi, badiiyati, fonetikasi, morfologiyasi, sintaksisiga oid qator ishlar bajarilgan .

Bu o‘rinda Ya. Shinkevichning asar sintaksisiga oid fikri haqqoniydir: “... vmesto deklorativnix viskazivaniy o drevnix yazikax teper prishlo vremya s faktami v rukax reshat mnogix etix voprosov”.

“Qisasi Rabg‘uziy” haqiqatdan ham har tomonlama alohida e’tibor va qunt bilan o‘granilishi zarur bo‘lgan noyob asardir. Quyida qissalarda uchraydigan fe’l shakllaridan sifatdoshga e’tibor qaratildi va tahlil etildi.

Sifatdosh predmetning belgisini bildiradigan fe‘l shakli hisoblanadi. Ular gapda, asosan, sifatlovchi aniqlovchi bo’lib keladi. [] (Shoabdurahmonov Sh, Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov I., Doniyorov X., Hozirgi o’zbek adabiy tili. 1-qism. Toshkent, “O’qituvchi”, 1980).

Sifatdosh fe’lning sifatga yaqin shakli bo‘lib, xuddi sifatlar kabi otga bog‘lanadi va uning belgisini aniqlab keladi.

Savol: Yusuf ayg‘an mulk qayda erdi? [:167]

Sifatlar kabi predmetning belgisini ko‘rsatishga xoslangan va xuddi shu shu xususiyatiga ko‘ra ham sifatdosh deb yuritiladi. Sifatdosh shakli hozirgi o‘zbek tilida asosan, -gan, -vchi affikslari yordamida yasaladi: borgan yerlarim, bahslashuvchi tomonlar.

Sifatdoshning zamoni bevosita nutq vaqtiga nisbatan emas, balki fe’lning aniqlik maylidagi shaxs-son bilan tuslangan shakli bildirgan vaqtga, gapning kesimidan anglashilgan vaqtga yoki matnga biror so‘z bildirgan vaqtga nisbatan belgilanadi [3]

Shuning uchun ham sifatdosh bildirgan zamon nisbiy zamon hisoblanadi: sehrli ohang // pishgan osh

Sifatdoshning -gan (-kan, -qan) qo‘shimchasi shaxs-narsalarning o‘tgan zamonga xos harakat belgisini ifodalaydi:

Yilon aydi: “Kirgan suvlarni chiqarsunlar” [7:1:43]

Bani Isroil bo‘lmasa pishgan osh ortqay erdi [7:1:180]

“Qisasi Rabg‘uziy”da bu qo‘shimcha davr fonetik xususiyatlariga muvofiq -g‘an shaklida ham qo‘llangan:

Bani Isroil umonchi erdi, Misrg‘ kirg‘aymiz qolg‘an qitbiylarni qul qilg‘aymiz, ular bizga na qildilar ersa bizma anlarg‘ qilg‘aymiz. [7:177]

Taqdirda yozilg‘an aqdni Za’r og‘li buzumadi. [7:117]

Hozirgi zamon sifatdoshi ish-harakatni hozirgi zamonda bajarilishini bildiradi. Kelasi zamon sifatdoshi fe’l asoslariga - ydigan, -adigan, -(a)r qo‘shimchalarini qo‘shish bilan yasaladi:

Taqi aydi : Borg‘il, Muso majlis tutar yerda xalq qoshida ayg‘il: Ey Muso, sen o‘galarga o‘gut berursan. [7:2:13]

Bu qo‘imcha –(u)r tarzida ham qo‘llangan:

XITOB keldi: ey Jabroil, Fir’avn imon iqror qilur holinda qo‘ysang imon keltursa maning izzu jalolim haqqi hurmati qabul qilg‘ay erdim, ujmohg‘a kiyurgay erdim. [7:176]

-(a)r qo‘shimchasi yordamida yasalgan shakllarning bo‘lishsiz shakli -mas qo‘shimchasi yordamida hosil qilinadi: Masalan, kelmas, qaytmas, qo'rqmas kabi.

Yilon suvg‘a kirib teshukni buldi, anda quvilib yotdi, suv kirmas bo‘ldi. [7:43]

Aniqlovchi vazifasida kelgan sifatdosh birikmali qo‘llaniladi [4]

Shu bilan birga sifatlovchilar o‘ram hosil qiladi (4:2013). Bunday o‘ramlarda bosh so'zi sifatdosh shaklidagi so'z bilan ifodalanadi:

Aydi: bor, Mavlog‘a yozgan, mavlo so‘zin eshitmagan qul sensan teyu halok qildi [7:176]

-gan affiksi fe’lning zamon ko‘rsatgichisini ega bo‘lmagan shakliga qo‘shilganda, o‘tgan zamon ma’nosini; fe’lning hozirgi zamon ko‘rsatkichi bo‘lgan shakliga qo‘shilganda, zamon ma’nosini; fe’lning hozirgi kelasi zamon ko‘rsatkichi bo‘lgan shakliga qo‘shilganda, hozirgi zamon ma’nosini bildiradi: eshitmagan qul, ko‘ringan o‘t, keladigan odam.

Bunday ko‘rsatkichli sifatdosh shakllari fe’lning o‘tgan zamon shakllarini hosil qilishda ham qatnashadi:

Muso umasig‘a tegdi ersa aydi: “Yerda ko‘ringan o‘tlarni yıg‘g‘il, qurutg‘il” [7:2:12].

-gan, -kan, -g‘an qo‘shimchasi yordamida yasalgan shakllarning bo‘lishsiz shakli -ma qo‘shimchasi yordamida hosil qilinadi:

Ba’zilar aymishlar, Yorlig‘: Buzag‘ug‘a topunganlar bir to‘quz sibt evlarindain chiqib, qapug‘larinda boshlarin yalang qiblaga qarshu tizin cho‘kub,bo‘yunlarin qilichg‘a sunub o‘tirsunlar. Buzag‘ug‘ topinmagan iki yarim sibt Horun boshlab qilich olib kelib har kim tizin cho‘kub, qiblag‘a qarshu o‘lturmasa, yo qilich urg‘anning yuziga boqsa, Tengri la’nati aning uza taqi mangu qolsun.[7:17]

Sifatdoshlar otlashganda otlarga xos sintaktik vazifalarni bajaradi. Bunday misollar “Qisasi Rabg‘uziy”da ko‘plab uchraydi:

Aymishlar, dunyoda qolg‘anlar kofirlar erdilar, ujmohda qolg‘anlar mo’minlar... erdilar. Ujmohni unamadin hazratg’a kelganlari xos qullar erdilar [7:23].

Muso aydi: biliksiz ermishsiz bu butg‘a tobunmang, munga tabung‘anlar qamug‘ botil tururlar [7:177].

Ko’rkka quvanganning bahosini ko’rguzdilar [7:110].

-vchi, -uvchi. Sifatdoshning –(u)vchi affiksi bilan yasaluvchi turi predmetga doimiy xos bo‘lgan odatdagi harakat belgisini, ba’zan esa kelgusiga oid harakat belgisini bildiradi: kishini sehrlovchi ohanglar. Bu yerga keluvchi mehmonlarni kutib olamiz.

Asarda sifatdosh yasovchi bu qo‘shimchalar bilan hosil bo‘lgan sifatdoshlar ko‘pincha gapning boshqa bo‘laklari vazifasida keladi:

“İlohiy, yer yuzunda o‘rtoq, eshlliklar, qon to‘kkuvchilar yaratursen,biz tasbeh va tahlil va taqoddus qilg‘anlardan olib yer mulkini anlarg‘amu berursan?” [7:15]

Ey Odam, ushmoq yarattim, anga kirguvchilarima yarattim, tamug‘ yarattim, anga kirguvchilarimida yarattim, manga shukur qilsin teb. [7:23]

-maz, -mez, -mas, -mes affikslari -(a)r formali sifatdoshlarning inkor formasi bi‘lib,fe’lning o‘zagi yoki negizning xarakteriga ko‘ra qo‘shilsdi: bilmaz [7:147] ko‘rmas [7:72] , ko‘runmaz [7:72], eshitilmas [7:133], aymas [7:53].

Sifatdoshning -mas, -mez formasigina asar tili uchu xos bo‘lmaydi. Har ikki varianti teng ishlatilgan va kesim vazifasida kelib kelasi zamon fe’lining inkor ma’nosini ifodalaydi.

Xotunlar makr qilurda ming oyat o’qusang ketmaz [7:72].

Evga qurtqa kirsa buzmag‘incha chiqmaz [7:65].

Sifatlanmish ma’nosini anglatganda aniqlovchi vazifasini bajaradi:

Bilmas yerdan eshitilmas un kelur [7:173].

-(a)r affiksli forma umumzamon ma’nosida keladi:

Bizning yurtimizga o‘g‘ining erkini erkin kesarlar [7:13].

Kuzatishlar shuni ko‘rsatdiki, -(a)r affiksli sifatdosh formasi asar tilida keng ıste’molda bo‘lgan. Shuningdek, uning ham jarangli, ham jarangsiz variantlarda keng qo‘llangan.

Hozirgi zamon o‘zbek tili bialn solishtirganda -(a)r affiksli sifatdosh bu davrga kelib qo‘llanish doirasi ancha chegaralanib qolgan. Chunki til taraqqiyotining keyingi bosqichlarida ishlaydi, keladi va ishlaydigan, keladigan formalarning yuzaga kelishi, shubhasiz, -(a)r affiksi yordamida yasaluvchi formalarning ma’no va vazifada qandaydir o‘garish yuz berishini taqozo etar edi [8:14].

Darhaqiqat, hozirgi o‘zbek tilida keladigan, ishlaydigan tipidagi atributiv forma keng qo‘llanadi. -(a)r affiksi yordamida yasaluvchi sifatdosh formasi esa passiv hodisaga aylandi. Zamon anglatish nuqtai nazaridan u hozirgi zamon gumon fe’lini yasab, kesim (predikat) vazifasida qo’llanadi. Shunday qilib, asar tili uchun mahsuldor bo‘lgan -(a)r affiksli sifatdosh hozirgi zamon o‘zbek tilida deyarli iste‘moldan chiqib bo‘lgan. Oqar suv, yonar chiroq kabi birikmalardagi sidatdosh formasi ko‘proq sifatga yaqin bo‘lib qolgan.

Farishtalar ojiz bo‘lib aydilar: “San ogratu bergandin o‘zga bilmazmiz”, tedilar [7:21].

Ya‘ni Farishtalar ojiz bo‘lib aytdilar: “Sen o‘rgatgandan boshqa (narsa) bilmaymiz”

Turkiy tillarda sifatdoshning shakllanishi qadimgi darvlarga borib taqalishi yangilik emas. Chunki toshdagi yozuvlarning deyarli barchasida sifatdoshlarni uchratish mumkin. Bunga sabab sifatdoshning fe’lning vazifadosh shakli bo‘lib kelishidir.

Adabiyotlarni ko‘zdan kechırar ekanmiz, dastlabki bitilgan tosh – To‘nyuquq bitigida sifatdoshlarning rivojlangan shakllari borligiga guvoh bo‘lamiz. 712-716 yillarga bitilgan

yozuvlardan ayrimlariga nazar tashlasak.Ulardan -mısh, - mish, -mush, -mis shakllari bo‘lib, bu hozirgi o‘zbek tilidagi – gan ma’nosida kelgan.

-duq, -duk, -tuq, -tuk formalari ham harakatnimg sifatlashuviga hizmat qilgan:

Yaniduk yotug‘si olti kuk – qochgan yo‘lida yana oldi.

III. -(a)r shakli fe’lga qo‘shilib kelgan:

Turuk bodun Tabg‘achga ko‘rur erdi – turk halqi Tabg‘achga qarar erdi.

Turu ko‘makchisi bilan birga kesim bo‘lib keladi. Bunday kesim ot kesim xarakterida bo‘lib, grammatik zamon m’anosiga ega bo‘lmaydi.

Siz bu kun ne qilsangiz mavlo ani biligli turur [7:88]

-gli,- gli affiksli forma sifatdoshning qadimgi formalaridan biridir. U turkiy tillar taraqqiyotining ma’lum davrigacha qo‘llangan. XV asrgacha qo‘llanishda bo‘lgan bu affiks hozirgi zamon o‘zbek tilida mutlaqo ishlatilmaydi. Ammo “Qisasi Rabg‘uziy” tili uchun xarakterli bo‘lgan bu affiksli sifatdosh formasini quyidagi fe’llar tarkibida ko‘rish mumkin. Yarag‘li [7:88], yurug‘ [7:23], berigli [7:107], eshitikli [7:55], biligli [7:200], kesigli [7:25].

Bu forma qadimgi O‘rhun-Enasoy yodgorliklari tilida uchramaydi. Malov [] bu formaning boshqa obidalar tilida qo‘llanganligini ta’kidlaydi. Q. Mahmudov [] ushbu formaning XI-XIV asr yodgorliklar tilida bir qancha ma’no vazifasini aks ettirishini aytib o’tib, ularni quyidagicha tasniflaydi: 1) ega vazifasida keladi: Sanchishga yarog‘i barmi tedi [:203].

Kim ersa manga rahm qirg‘ili yo‘q [7:63].

2) belgi-xususiyat ma’nosini anglatib aniqlovchi o’rnida qo‘llanadi:

Sanga kezin keligli o‘g‘lanlaringni [7:155].

Allah, biligli kurugli sen tururs an [7:42].

-g‘u, - qu, -ku, -gu affiksli sifatdosh formasi fe’lning xarakteriga qarab qo‘shiladi:

Qo‘ng‘u [7:55], qazg‘u [7:77], chiqqu [7:60], bag‘lag‘u [7:28], ayqu [7:85], bergu [7:105], quvayg‘u [7:202] kabilar.

Sifatdoshning -qu varianti boshqalarga nisbatan oz ishlatilgan, -g‘u, -gu formali sifatdoshlar XI – XIV asr yodgorliglari tili uchun xarakterlidir.

Asar tilida ko‘p qo‘llangan ot yasovchi -(v)chi affiksi egalik qo‘shimchasi bilan ishlatilgan. Olg‘uvchi [7:15], eguvchi [7:82], yig‘uvchi [7:61], oyguchi [7:22], solguvchi [7:16], yo‘ng‘uvchi [7:60], saqlag‘uvchilarmiz [7:24].

-(v)chi sivatdosh formasi asosan quyidagicha yasalgan:

a) predmetning belgisini ifodalab, aniqlovchi funksiyasini bajaradi qong‘u ev tiladi 72

Tunla qong‘u vaqt bo‘ldi [7:15].

b) ot yasovchi -(v)chi affiksni olganda shu ma’noni ifodalaydi:

Bir fol qilguvchi xotun bor [7:54]

v) -(v)chi yasovchi bilan qo‘shilib shaxs -son oti yasaydi va ega bo‘lib keladi:

Shariat sozun ayg‘uchi qolmadi [7:86].

g) -gu, -gu formasi egalik va kelishik qo‘shimchasi bilan qo‘llanib to‘ldiruvchi vazifasida ishlatilgan. Uning bu funksiyasi boshqa yodgorliklar tilida kuzatilmaydi.

Azaqni ne yerda qo‘zguni bilmadi [7:89]

d) -gu, -gu formali sifatdosh asar tilida uchun ko‘makchisi bilan kelib maqsad ma’nosini bildiradi.

Umidsiz qalg‘u uchun [7:111].

e) -tek affiksi bilan qo‘llanib qiyos bildiradi

Sen hushnud bolg‘utek ezgu ishlar qilayin

Hozirgi o‘zbek tilida bu formaning qo‘llanish doirasi umuman cheklangan.-gu +lik formasi ham uchraydi. U ham aslida -gu formali sifatdoshga -lik yasovchisini qo‘shish orqali hosil qilingan murakkab morfema. Hozirda qo‘llanadigan yegulik narsa, yetgulik sitam kabi birikmalardagi -gu + -lik formasi aniqlovchisi vazifasida kelayotgan fe’lning sifatdosh formasidir. Ularning inkor zamon formalariga ega emasligi uchun ham hozirgi zamon o‘zbek adabiy tili nuqtai nazaridan to‘la ma’noda sifatdoshla qatoriga kiritib bo’lmaydi.

Yuqoridagi faktlarga asoslangan holda -gu affiksli forma qadimgi turkiy tillarda qadimda qo‘llanib kelayodgan sifatdosh formalaridan birini tashkil etadi deyish mumkin.

Yozma manbalardan ma’lum bo‘lishicha bu forma tarixdan qarluq gruppasi turkiy tillar uchun xos bo‘lgan. Buni Mahmud Koshg‘ariyning ma’lumoti ham tasdiqlaydi. Uning ko‘rsatishicha, -g‘u, -gu affiksli shakl XI asrda chigil, yag‘mo, tug‘si, uyg‘ur va boshqa tillarda qo‘llangan bo‘lib, o‘g‘iz-qipchoq, bulg‘or tilida bu forma o‘rnida -si affiksli forma qo‘llangan (MK:2:71-73)

Oz bo’lsa-da kelası zamon fe’lining -g’u formasi bilan birga, o’g’iz-qipchoq gruppa tillariga oid -ası affiksi ham uchraydi: tug’ası taqı yo’q [7:49].

-mish formali sifatdosh mustaqil ravishda zamon ma’nosini anglatib keladi va kesim vazifasini bajaradi:

O‘z qulug‘a oshug‘ bo‘lmish qul bo‘yun sunmamish [7:72]

Gap tarkibida payt holi vazifasida ham uchraydi:

“Biz senga umr berduk, ma’lum kuniga tegi, sen tilamish kunga tegi bermadim” [7:21]

Qiyoslang: sen tilamish kun // sen tilamish kunga tegi.

-mish affiksli sifatdosh formasining grammatik ma’no va vazifalari chegaralangan bo‘lib, u asosan o‘tgan zamon fe’lini yasovchi forma sifatida saqlangan.

Hozirgi o’zbek tilida ham -mish affiksli sifatdosh formasi ishlatilmaydi. Lekin o‘g‘uz gruppa shevalarida o‘gan zamon fe’li formasini hosil qilishda qo‘llanadi. Xorazmda bu forma -b, -ib shakliga -mish elementi va shaxs-son qo‘imchalarini qo‘shish orqali yasaladi:

Boribmishman, boribmishsan, boribmish kabi.

Shimoliy o‘zbek shevalari (o‘g‘iz gruppasida) man ag‘lamishimman, san ag‘lamishsan, u ag‘lamish formalarının qo‘llanishi ko‘rsatiladi [1:93].

Bir so‘z bilan aytganda hozirgi o‘zbek adabiy tilida -mish affiksli sifatdosh ishlatilmaydi.

“Qisasi Rabg‘uziy” O‘rta Osiyo turkiy tillarining barchasi uchun bir xil qiymatga ega asardir. Asar tili bilan hozirgi davr tili orasida o‘n asrlik masofa borligiga qaramay, unga hozirgi zamon adabiy tili ilk taraqqiyot davri yodgorliklaridan biri sifatida qaralishi va tadqiq etilishi maqsadga muvofiqdir.

“Qisasi Rabg‘uziy” da sifatdoshlardan unumli foydalanilgan. Kuzatishlardan shu ma’lum bo‘ldiki, sifatdoshlarning aksariyati belgisiz holda qo‘llangan. Aynan shu asar badiiyati hamda ta’sirchanligini ortishiga xizmat qilgan.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlsh joizki, asarda qo‘llangan sifatdosh hosl qiluvchi -mish affiksli formasi hozirgi o‘zbek tilida q‘llanmaydi. Lekin bu forma fe’lning modal shakllarini hosil qilishda, shuningdek,o‘gan zamon fe’lining tasviriy formalarini yasashda qo‘llanadi.

-duq, -duk afiksli sifatdsh formlari o‘zbek tilda qo‘llanmaydi.

Asar tiliga os bo‘lgan -g‘li, -gli, -g‘u, -gu afiksli sifatdoshlari hoziri o‘zbek tilida qo‘llanimlaydi. Lekin “Qisasi Rabg‘uziy” davri uchun sifadosh hosil qiluvchi unumli affiks sifatida ko‘riladi.

-gan, -(u)vchi affiksli sifatdosh shakllari esa asar tili davridan bizgacha yetib kelgan hamda hozirgi zamon o’zbek tilida faol qo‘llanadi.

Umuman olganda kichik maqolada asarda qo‘llangan sifatdoshlar mavzusini to‘laqonli va atroflicha yoritish imkonsiz. Fe’lning vasifadosh shakllari haqidagi boshqa izlanishlar davomida bu masala hali yana yoritiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdullayev F.A. “O‘zbek tilining o‘g‘uz lahjasi”. Toshkent., 1973.
2. Fozilov, E. “Qisasi Rabg‘uziy” asariga yozilgan So’zboshi. Toshkent, Yozuvchi, 1990-y. 1- kitob
3. Fozilov, E. “XIII-XIV asrlar turkiy adabiy yodgorliklar tili”. Toshkent, “Fan”. 1975.
3. Hojiyev A. “Hozirgi o‘zbek adabiy tili”. 1-qism”. 1980.
4. Mahkamov, N., Ermatov, I., Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. Toshkent. O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi “Fan” nashriyoti, 2013.
5. Mahmud Koshg‘ariy. “Devonu lug‘atit turk”. I, II qism.
6. Mahmudov Q. “Qutadg‘u bilig”. Namangan nushasi., inv. 1809, 10a, 10b.
7. Mirzakarimova O‘. “Qisasi Rabg’uziy” asarining morfologik xususiyatlari. Toshkent, 1969.
8. Nosiruddin o‘g‘li Rabg‘uziy. “Qisasi Rabg‘uziy”. Toshkent, Yozuvchi, 1990-y. 1-2 kitob.

9. O‘zbek tili grammatikasi (1975). I qism. Toshkent, “Fan”.
10. Malov, S. E. (1951); Pamyatniki drevne turskoy pis’mennosti. Teksti iissledovaniya, Moskova-Leningrad, s. 325-341.
11. Shoabdurahmonov Sh., (1957). “Hozigi zamon o‘zbek adabiy tili”. Toshkent
15. Turniyozov N., Rahimov A. O‘zbek tili. Ma’ruzalar matni. 1- qism. Samarqand

BİR GAZELE DÖRT TETEBBU
BIR G'AZALGA TO'RT TATABBU

Doç. Dr. Ziba Kabilova
Kokand Devlet Pedagoji Enstitüsü,
Özbekistan
Zebo Qobilova,
Qo'qon DPI dotsenti, PhD.
O'zbekiston

Özet*. Makalede Türkistan'ın Kokand edebi muhitinde yazılan tetebbulerden bahsedilmekte, özellikle, 19.yüzyılın meşhur han ve şairi olan Ömer Han Emirî'nin gazellerine başka bir Çağatay şairi olan Mukimî tarafından yazılan tetebbulerden söz edilmekte, onların sanatsal yönleri ele alınmaktadır.*

Anahtar kelimeler: *edebi gelenek, etkileşim, gazel, tetebbu, özgünlük, beceri.*

Rezyume. *Maqolada Qo'qon adabiy muhitida yaratilgan tatabbular, xususan, Amiriy g'azallari asosida mumtoz lirik shoir Muqimiy tomonidan yaratilgan tatabbularning badiiyati masalasi ochib beriladi.*

Kalit so'zlar: *adabiy an'ana, o'zaro ta'sir, g'azal, tatabbu', o'ziga xoslik, mahorat.*

Qo'qon adabiy muhiti asoschisi va zabardast namoyandasi Amiriy nafaqat Qo'qon adabiy muhiti, balki Xiva adabiy muhitida yashab ijod qilgan shoirlarga, umuman, o'zidan keyingi o'zbek qalam ahliga kuchli ta'sir ko'rsatgani ma'lum. Bu ta'sirdan taniqli so'z san'atkori Muqimiy ham xoli emas. Ta'bir joiz bo'lsa, Amiriy Muqimiyning eng sevimli shoirlaridan biri bo'lgan. "Shirin" radifli g'azaliga taxmisida "Nazokat gul qilur har misra'ingdin, ey shahi dono" deb she'riyat yo'lidagi ustoziga yuksak baho bergan shoir uning asarlari mutolaasidan mahorat sabog'ini oladi, qator g'azallariga tatabbular qiladi, muxammaslar bog'laydi. U hatto g'azallaridan birining maqtasida:

Nazar qilganda nazmingg'a Muqimiy,
Nazokatda Umarxondin qolishmas[137], –

deb lutf etib, o'z she'rlarini buyuk salafi merosi bilan qiyoslaydi.

Bu misralar Mavlono Lutfiyning quyidagi baytini esga soladi:

Ulug'bekxon bilur Lutfiy kamolin –
Ki, rangin she'ri Salmondin qolishmas[138].

---

[137] M u q i m i y. Asarlar (Nashrga tayyorlovchi G'.Karimov). – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1974, 203-bet. Bundan keyin mazkur nashrga murojaat qilinganda sahifasi qavs ichida ko'rsatiladi.

[138] L u t f i y. Devon (Nashrga tayyorlovchi S.Erkinov). – Toshkent: Badiiy adabiyot nashriyoti. 1965, 120-bet.

Ma’lum bo’ladiki, Lutfiy devoni ham Qo’qon adabiy muhitida sevib o’qilgan va Muqimiy ham uning ijodidan yaxshi xabardor bo’lgan hamda salafining ayni misralaridan ilhomlanib, o’zining yuqorida keltirilgan baytini yaratgan.

Amiriy merosining Muqimiy ijodiga ta’sirini asosan quyidagi yo’nalishlarda o’rganish mumkin:

– Muqimiyning Amiriy g’azallariga tatabbulari;

– Muqimiyning Amiriy g’azallariga muxammaslari;

– Muqimiy ijodida Amiriy she’riyatiga xos ohanglar.

Aytib o’tganimizdek, Muqimiy Amiriyning qator g’azallariga tatabbular qilgan, jumladan, birgina “Lab uyur takallumg’a, zulfni parishon qil!” g’azali javobida 4 ta g’azal yozgan. Biz bu erda ana shu bir g’azalga qilingan to’rt tatabbu xususida fikr yuritamiz.

G’azal ham, barcha tatabbular ham hazaji musammani solimi abtar (foilun mafoiylun foilun mafoiylun – V – \ V – – – / – V – \ V – – –) vaznida. G’azal 7 baytdan iborat bo’lib, quyidagicha qofiyalangan: *parishon, arzon, ehson, musulmon, pushaymon, qurbon, Sulaymon, pinhon.* Tatabbularning barchasi ham ayni qofiya va radifda bo’lib, ularning birinchisi 7 bayt hajmida va unda quyidagi qofiyalar qo’llangan: *namoyon, qon, pushaymon, javlon, paymon, darmon, yakson, arzon.* Tatabbuda g’azaldagi faqat ikki qofiya takrorlangan: *arzon, pushaymon.* Qolgan qofiyalar esa yangi. Ikkinchi tatabbu 8 baytdan iborat bo’lib, qofiyalari quyidagicha: *javlon, musulmon, hayron, xandon, paymon, yakson, Sulaymon, pushaymon, Koson*. Tatabbudagi to’qqiz qofiyadan uchtasi (*musulmon, pushaymon, Sulaymon*) takrorlangan, qolganlari yangi. Uchinchi tatabbu hajman katta bo’lib, 10 baytdan iborat. Unda *namoyon, pinhon, mujgon, arzon, yolg’on, giribon, charog’on, pushaymon, Namangon, hayron, rayhon* kabi qofiyalarni ko’ramiz. Bu erda uch qofiya takrorlanib (*pinhon, arzon, pushaymon*), sakkiztasi yangi. To’rtinchi tatabbu 7 baytli bo’lib, qofiyalari *javlon, xandon, anbariston, mehmon, musulmon, ehson, tobon, darmon* so’zlaridan iborat. Bunda faqat *musulmon, ehson* so’zlari qofiya sifatida takrorlangan, xolos. Ma’lum bo’ladiki, Muqimiy o’z tatabbularida taqlid va payravlik doirasida qolib ketmay, o’ziga xoslikka, yangi va tutilmagan qofiyalar topishga intilgan.

Amiriy g’azali maqtasida “Labni so’zga ochib, zulfingni yozib tashla, bu bilan qand bozorini kasod qilib, anbar narxini arzon qil” mazmunidagi tashbeh, tazod, mubolag’a, istiora, laffu nashr kabi badiiy san’atlarga boy go’zal bayt ijod qiladi:

Lab uyur takallumg’a, zulfni parishon qil!
Qand qiymatin sindur, narxi anbar arzon qil![139]

[139] A m i r i y. Devon. I. O’zbekcha she’rlar (Nashrga tayyorlovchilar A.Madaminov, E.Ochilov, Z.Qobilova, O.Davlatov). – Toshkent: Tamaddun, 2017. 218-bet. Bundan keyin mazkur nashrga murojaat qilinganda sahifasi qavs ichida ko’rsatiladi.

Bu erda labning qandga, zulfning anbarga muqoyasa qilinishida tashbeh, qand orqali labga, anbar orqali zulfga ishora etilishida istiora, labning qandga, zulfning anbarga qarshi qo'yilishida tazod, labning qandga, zulfning anbarga nisbati borligida laffu nashr, labning qand qimmatini sindirishi, zulfning anbar narxini arzon qilishida mubolag'a san'atlarini ko'ramiz.

Muqimiyning birinchi tatabbusi matlasi ham ayni san'atlar ishtirokida yaratilgan va badiiy barkamollik kasb etgan deyish mumkin: ma'shuqa yuzining lolaga o'xshatilishida tashbeh, uning lola ko'ksini dog'u g'uncha bag'rini qon qilishida mubolag'a, yuzning lola va g'unchaga qarshi qo'yilishida tazod, yuzning lolaga nisbati borligida laffu nashr, lolaning qizilligi jihatidan ma'shuqaning ol yonog'i timsoli o'laroq qo'llanishida istiora san'ati mavjud:

Orazingni, ey mahvash, bog' aro namoyon qil!
Lola ko'ksini dog' et, g'uncha bag'rini qon qil! (118)

G'azalga bog'langan uchinchi tatabbuning uchinchi baytida esa Amiriy matlasining ikkinchi misrasi tazmin sifatida keltiriladi:

Dam-badam shirin man deb, o'zdin oshmasun ko'p ham,
"Qand qiymatin sindur, narxi shahd arzon qil!" (120)

Ma'lumki, bir shoirning o'z fikri tasdig'i uchun boshqa shoir she'ridan biror misra, bayt yoki bandni o'z she'ri tarkibida keltirishi ilmi bade'da tazmin san'ati deb yuritiladi.

Birinchi tatabbuning ikkinchi bayti o'zi bog'lanayotgan g'azalning to'rtinchi baytiga hamohanglik qiladi:

Ko'rsatib banogohi qoshlaringni mehrobin,
Shuncha yilg'i zohidni zuhdidin pushaymon qil!

"To'satdan qoshlaring mehrobini ko'rsatib, zohidni shuncha yillik zuhdidan pushaymon qil".

O'z-o'zidan bu bayt so'fiyona mazmunga ega bo'lib, toatu taqvo bilan jannatga muyassar bo'lish asosiy hayotiy maqsadi bo'lgan zohidning ma'shuqa qoshi mehrobini ko'rib, shuncha yillik zuhdidan pushaymon bo'lgancha ishq yo'liga kirishi – zohiddan oshiqqa aylanishi xususida.

"Zohid va so'fiy ziddiyati tasavvuf she'riyatining asosiy mavzularidan hisoblanadi.

Zohid – uzlat va taqvoni kasb qilib olib, dunyo lazzatidan yuz o'girgan kishi.

So'fiy – tariqatga kirib, dunyodan ko'ngil uzgan, riyozat bosqichlarini bosib o'tib, Haqqa intilayotgan kishi.

Zohidlar ishqu irfondan bexabar bo'lib, ularning maqsadi taqvo bilan oxirat mag'firatini qozonish, Qur'onda va'da qilingan jannatning huzur-halovatiga etishish. So'fiylarning har ikki

dunyodan murodi Xudoning o'zi, uning diydori bo'lganligi uchun zohidlarning bu ishini ta'magirlik deb hisoblaydilar va ularni tanqid qiladilar"[140].

Muqimiyning ayni g'azalga ikkinchi tatabbusidagi quyidagi misralar yuqoridagi baytning deyarli takroridir:

Uchrasa agar zohid, qoshlaringni mehrobin
Ko'rsatib, burun qilg'on zuhdidin pushaymon qil (119).

Bu holni uchinchi tatabbuning ettinchi baytida yana ko'ramiz:

Ey pari, qiyo boqib, voqean nimang ketkay,
Necha yilg'i zohidni zuhdidin pushaymon qil.

Amiriy esa: "Ey soqiy, agar zohid tekshirish uchun dayr – mayxonaga kirsa, bir qadah tutib, uni zuhdidan pushaymon qil", deb kinoya qildi:

Ehtisob uchun zohid kirsa dayr aro, soqiy,
Bir qadah bila aning zuhdidin pushaymon qil!

Albatta, Amiriy uchinchi baytda: "Agarda xudbin zohid ishq diniga munkir bo'lsa, uning ko'zini ochish uchun otashin yuzingni ko'rsatib, hatto otashparastni musulmon qil" deb yozgan edi:

Ishq dinig'a munkir bo'lsa zohidi xudbin,
Ey sanam, liqo ko'rsat, gabrni musulmon qil!

Keltirilgan baytlar ham tasavvufiy mazmunda bo'lib, soqiy pirni, dayr mayxonani, o'z navbatida, mayxona so'fiylar davrasini, qadah pirning ilohiy ma'rifat to'la qalbini tamsil etib keladi.

Lekin Muqimiy bayti ma'no jihatidan aynan to'rtinchi baytga to'g'ri keladi.

Amiriyning bu baytiga esa Muqimiy ikkinchi tatabbusining matlasi to'g'ri keladi:

Sayri bog' etib, jono, har tarafg'a javlon qil,
Sarv lof urar – shoxin sindirub, musulmon qil (119).

Bu erda gabr – majusiy o'rniga sarvni musulmon qilish haqida gap boradi.

To'rtinchi tatabbuning to'rtinchi baytida esa nihoyat kofirni musulmon qilish zikr etiladi:

Qildi sarv noziklik qomatingga da'vosin,
Ey sanam, qilib jilva, kufrni musulmon qil.

G'azalga qilingan to'rtinchi tatabbuning beshinchi bayti esa ayni g'azalning ikkinchi baytiga muvofiq:

Xo'blar amirisan – benavolara mandek,
Marhamat mahallidur, lutf birla ehson qil (121).

---

[140] O ch i l o v E. Bir hovuch dur. – Toshkent: "O'zbekiston", 2011, 147-bet.

Birinchi tatabbuning qolgan baytlari Muqimiyning original ijod mahsuli bo'lib, faqat oltinchi bayt qaysidir jihatdan yana birinchi baytga mushtarak jaranglaydi:

Gulshan ichra qaddingdin ko'rguzub nazokatlar,

Sarv shoxini sindur, xok birla yakson qil!

Ikkinchi tatabbuning oltinchi bayti esa g'azalning oltinchi bayti bilan hamohanglikka ega:

Amiriy:

Sho'xchashmu navxatsan, noz dashtida sayr et,

Gardi xoki poyingni surmayi Sulaymon qil!

Muqimiy:

Xasta, notavon, ojiz qullaring so'rab, yo'xlab,

Ko'zlariga gardingni surmai Sulaymon qil.

Amiriy: "Ko'zlari o'ynoqi, labi ustidagi tuklari endigina nish urgan navnihol nozaninsan, shunday ekan, bu yoshlik pallasida noz dashtini sayr etib, oyog'ing tuprog'ining gardini Sulaymon surmasi qil!" – deb lutf esa, Muqimiy: "Ey go'zal yor, ojizu xastayu notavon qullaringni so'rab, yo'qlab kelib, oyog'ing gardini ularning ko'zlariga Sulaymon surmasi qil", – deb yozadi. Rivoyat qilishlaricha, Sulaymon surmasini ko'zga sursa, go'yo g'ayb sirlari kishiga namoyon bo'larmish[141]. Amiriy ma'shuqaning yoshligi va husnu malohatiga urg'u bersa, Muqimiy undan mehru shafqat tilaydi. Ko'rinadiki, bir mavzuda ikki xil fikr ilgari surilgan.

Ikkinchi tatabbuning ma'shuqaning gul bargi kabi nozik labini so'zga ochib, bu bilan dur va la'l narxini yer bilan yakson qilishi mazmunidagi beshinchi bayti ham Amiriy g'azalining matlasiga qaysidir jihatdan o'xshash:

So'z ochib takallumg'a bargi gul kabi labdin,

Durru la'l narxini xok birla yakson qil.

Uchinchi tatabbuning matlasiyoq ohorli timsolu tashbehlar bilan boshlanadi:

Orazing ochib, jono, kechasi namoyon qil,

Oyni sharmsor aylab, abr ichra pinhon qil.

Agar Amiriy o'z g'azalida ma'shuqa labining shirinligiyu zulfining muattarligiga urg'u berib, so'zga lab ochib, qand qiymatini sindirishni, zulflarini yozib esa anbar narxini arzon qilishini so'rasa (chunki qand har qancha shirin bo'lmasin, mahbuba labi kabi so'zlayolmaydi, anbar har qancha xushbo'y bo'lmasin, yor zulfi kabi go'zal emas-da), bu betakror baytdan ilhomlangan Muqimiy yangi timsolu tashbehlar asosida zebo mahbubaning kechasi yuzidan pardasini ko'tarishiyu husnining kamolidan oyni sharmanda qilib, bulut ichida pinhon qilishini

[141] Qarang: M u h a m m a d G' i yo s u d d i n. G'iyos ul-lug'ot. Iborat az se jild. Jildi 1. – Dushanbe: "Adib", 1987. Sah. 425.

ta'kidlaydi. Bu erda o'ziga xos go'zal tazod san'ati ham mavjud: mahbuba yuzidan pardasini olganida uning beqiyos husnidan uyalib, oy yuziga parda tortadi – o'zini bulut ichiga yashiradi.

To'rtinchi tatabbuning oltinchi baytida ham shunga o'xshash, lekin yangi ma'no qirrasi bilan namoyon bo'lgan timsolu tashbehlarni ko'ramiz:

Oftob chekib xijolat, abrg'a, desang, botsun,
Pardani ko'tar yuzdin, orazingni tobon qil.

"Agar oftob xijolat bo'lib, bulut ichiga bekinsin desang, yuzingdan pardani ko'tarib, charog'on husningni namoyon qil!"

Baytda oftobning xijolat chekib, bulut ichiga bekinishida tashxis, bu holning ma'shuqa yuzi tufayli sodir bo'lishida mubolag'a, yuzning oftobga o'xshatilishida tashbeh, oftob deganda porloq chehra, yuz deganda quyosh ko'zda tutilishida istiora, falak quyoshi va mahbuba yuzining o'zaro nisbatida laffu nashr kabi qator san'atlarni ko'ramiz.

Bu tatabbularda Muqimiyning o'ziga xos go'zal va ohorli timsolu tashbehlari, teran va serqirra fikru kuzatishlarini ham ko'ramiz. Jumladan, xalqimizda "Egasini siylagan itiga suyak tashlar" degan maqol bor. Muqimiy mazkur maqoldan o'z badiiy maqsadi yo'lida mahorat bilan foydalanib: "Agar yor ko'yidan uning iti mehmon bo'lib kelsa, egasining hurmati, ey ko'ngil, uni yurak-bag'ringdan uzib berib mehmon qil!" – deb lutf etadi:

Yor ko'yidin kelsa siylab it egosini,
Ey ko'ngul, yurak-bag'ring tashlab anga, mehmon qil.

Ma'lum bo'ladiki, Muqimiy o'z tatabbularida Amiriy fikrlarini rivojlantirish, ularning yangidan-yangi qirralarini ochishga, buyuk salafi timsolu tashbehlar silsilasini o'z qalamiga mansub betakror badiiy kashfiyotlar bilan boyitishga erishgan. Ayni paytda, tatabbu misolida o'ziga xos yangi badiiy barkamol g'azallar ham ijod qilgan.

Adabiyotlar:

Muqimiy. Asarlar, nashrga tayyorlovchi G'.Karimov. Toshkent: G'.G'ulom Adabiyot va san'at nashriyoti, 1974.
Lutfiy. Devon, nashrga tayyorlovchi S.Erkinov. Toshkent: Badiiy adabiyot nashriyoti. 1965.
Amiriy. Devon. I. O'zbekcha she'rlar, nashrga tayyorlovchilar A.Madaminov, E.Ochilov, Z.Qobilova, O.Davlatov. Toshkent: Tamaddun, 2017.
Ochilov E. Bir hovuch dur. Toshkent: "O'zbekiston", 2011.
Muhammad G'iyosuddin. G'iyos ul-lug'ot. Iborat az se jild. Jildi 1. Dushanbe: "Adib", 1987.

MUHABBET GÜLŞENİNİN SAHİP-NEVÂSI

МУҲАББАТ ГУЛШАНИНИНГ СОҲИБНАВОСИ

Doç. Dr. Ergaş Açilov,
Özbekistan İlimler Akademisi Özbek Dili,
Edebiyatı ve Folkloru Enstitüsü
Эргаш Очилов,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти, филология фанлари номзоди

Özet: *Makalede XIX.yüzyılda Türkistan diyarının ilim ve sanat merkezi olan Semerkand'a bağlı Kattakorgan edebi ortamının önde gelen temsilcilerinden Açıldımurad Nimetulla oğlu Mirî'nin yaşamı, eserleri ve sanatsal mahareti üzerine söz edilmektedir. Bazı şiirleri ve beyitleri incelenerek tahlil edilmektedir.*

Anahtar Kelimeler*: Miri, klasik edebiyat, Semerkant, edebiyat, yaratıcılık, şiir.*

Резюме*: Мақолада XIX аср Каттақўрғон адабий муҳитининг кўзга кўринган намояндаларидан бўлган Очилдимурод Неъматулло ўғли Мирийнинг ҳаёти, ижоди ва бадиий маҳоратига тўхталинган. Баъзи шеър ва байтлари таҳлилга тортилган.*

Калит сўзлар*: Мирий, мумтоз адабиёт, Самарқанд, адабиёт, ижод, шеър.*

XIX аср Каттақўрғон адабий муҳитининг кўзга кўринган намояндаларидан бўлган Очилдимурод Неъматулло ўғли Мирий (1830 – 1899) истеъдодли шоиргина эмас, моҳир хаттот ва заҳматкаш таржимон ҳам эди. Унинг асли исми Муҳаммадқули бўлиб, чақалоқлигида чангак касалига чалинган ва тузалиб кетиши учун халқона одатга кўра Очилди, Очилдимурод деб атаганлар ва кейинчалик бу унинг асосий исмига айланган. Мулла Очилди, Очилди Махдум, сўнг эса Қози Очилди номлари билан машҳур бўлган. Отаси Каттақўрғон ўзбекларидан, онаси Қоракўлдан бўлган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи ҳасби ҳол характеридаги таржеъбандида "Аз Қарокўламу пуршўраму кони намакам" ("Қоракўлданману пешонам шўру тузнинг кониман") деб ёзади. Бу билан у Қоракўлдан бўлганим учун ҳам бахтим қораю пешонам шўр, бундан ичим тўла ғам дея зимдан киноя қилади.

Бўлажак шоир Эшонқишлоқ мактабида бошланғич маълумот олгач, Каттақўрғондаги Нақибхўжа мадрасасида ўқийди. Ўзининг ёзишича, 14 яшарлигида ёзган "Кунеким, мен сари ул муғбача тазаллум этар" мисраси билан бошланадиган ғазали Каттақўрғон қозиси Абдулазиз Роқим қўлига тушиб, уни ниҳоятда ҳайратда қолдирган ва "Бу истеъдодли болага бир тахаллус лозим экан" деб, ғазал охирига:

Висол истаюб ул пири дайрдин Мирий,
Мудом най киби овоз этиб, тараннум этар, –

байтини тазмин қилиб, унга Мирий тахаллусини беради.

У 21 ёшида Бухоро мадрасаларидан бирига ўқишга киради. Бу ерда у адабиёт, тарих, араб тили, ҳуснихат ва мусиқани ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. 11 йил мадраса таҳсилини олгач, қишлоғига қайтиб, отасидан қолган бир парча ерда деҳқончилик қилади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади:

Дар ин жо касби ман шуд деҳқони,
Заминро мешикофам баҳри нони.

Мазмуни: "Бу ерда менинг касбим деҳқончилик эди – нон учун заминнинг кўксини тилар эдим".

1870 йиллар бошларида Каттақўрғоннинг Ҳайдарчаман маҳалласида мактабдорлик қилади. Дарсдан бўш пайтларида хаттотлик қилади, бадиий ижод билан шуғулланади. 7 минг байтдан зиёд “Раъно ва Зебо” (тожик тилида) достонини қисқа бир фурсатда (1883–1884) ёзиб тугатгани унинг шоирлик салоҳияти баланд бўлганлигини кўрсатади. Насх ва настаълиқ хатларини чиройли ёзган. Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил каби буюк сўз санъаткорларининг девонларини кўчирган. У Рудакийдан тортиб то ўз давригача яшаб ўтган машҳур шоирларнинг асарларини ўз ичига олган баёз ҳам тартиб берган. Саъдий Шерозий меросидан ҳам бир мажмуа тузиб, ўзи китобат қилган.

1888 йилда Каттақўрғон қозилигига сайланади. Бу мансабда одиллиги ва тадбиркорлиги билан халқ орасида ҳурмат ва шуҳрат қозонади. 1896 йилда уни қозиликдан бўшатишгач, шаҳардаги ҳовлисини сотиб, Эшонқишлоққа кўчиб кетади.

Мирий мероси бизгача деярли тўлиқ етиб келган: ўзбекча ва тожикча шеърларидан тузилган 2 та девони, 2 та баёзи ва қатор маснавийлар. Ғазаллари анъанавий ишқу муҳаббат мавзуида бўлиб, уларда ўзи мансуб замон муаммолари ҳам ўз аксини топган. Ҳажвий шеърларида эса риёкор қозию муллалар, инсофсиз амалдорларни фош қилган. Ижодида достонлари асосий ўрин тутади. У сўнгги асрларда бир қадар сусайган достончилик анъанасини ривожлантириб, тарихий воқеалар асосида романтик услубда “Қиссаи Салим Жавҳарий” (1887), “Рустам ва Суҳроб”, (1898), “Маждиддин ва Фахруннисо” (1899) достонларини ёзиб, уларда адолатли жамият, фаровон турмуш ва комил инсон ҳақидаги ғояларни илгари суради. “Гулнома” маснавийсида ҳаёт гўзалликларини тараннум этиб, инсон меҳнатини улуғлайди. “Чойнома” маснавийсида ҳам ҳаёт ҳақидаги фалсафий-эстетик қарашлари акс этган. Моҳир таржимон ҳам бўлиб, Фирдавсий “Шоҳнома”сининг бир қисмини, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Анвори Суҳайлий” асарини назмда таржима қилган.

Мирий бой ва ранг-баранг Шарқ шеърияти анъаналаридан илҳомланиб қалам тебратган. Шунинг учун ҳам шеърлари анъанавий қолип ва услубда, тилида ҳам форсий ва арабий сўз ва иборалар кўп қўлланилади, уларда тасаввуфий тимсолу ташбеҳларнинг ҳам бутун бир тизимини кўрамиз. Ўзи яшаган замон воқеа-ҳодисаларини ҳам қаламга олган, мавжуд ҳаёт руҳи ҳам муайян даражада ўз аксини топганига қарамай, шоир шеърлари асосан анъанавий мавзу ва услубда. Лекин у анъана бағрида ўзлигини топган шоир. шунинг учун ҳам ёзади:

Кўзум давотига кирпикларим ясаб хома,

Қилурга шарҳи ғамим, Мирий, яхшироқ рақам эт.

Байтда шоир оҳорли тимсолу ташбеҳлар қўллаб, ғамини таъсирчан бир тарзда шарҳ этиш учун кўзини сиёҳдонга, киприкларини эса қаламга ўхшатмоқда, бу ифода ўзига хослиги билан ўқувчи диққатини ялт этиб тортади ва унинг кўнглидан мустаҳкам жой олади.

Анъана қобиғида қолиб кетмасликка, ўз истеъдодини намоён этишга ҳаракат қилган шоир гўзал ва таъсирчан ташбеҳлар кашф этиб, шеърларининг бадиий баркамоллигини таъмишлашга интилади. Чунончи:

Юзда холингму десам, қолмиш кўзумни мардуми,

Тармашиб ҳайрат била боқганда ул рухсор аро.

Бу тутилмаган ташбеҳни қаранг: “Юзингда холингми десам, ҳайрат билан тикилиб боққанимда кўзимнинг қорачиқлари юзингга ёпишиб қолган кўринади”.

Ҳайратдан туғилган бундай фавқулодда ташбеҳлар ўқувчини ҳам ҳайрат дарёсига ғарқ этиши шубҳаси.

Чун танимдин кетти қувват, толпинай кўюнг сари,

Новаки мижгонларингдин топса шояд жон асо.

Бу ташбеҳ ҳам аввалгисидан қолишмайди: “Танимдан қуввати сари сенинг кўйинг сари талпинаман, зора жоним киприкларингнинг ўқидан ўзига асо топса!”

Қуйидаги ғазали эса бошдан-оёқ оҳорли тимсолу ташбеҳлар асосига қурилгани жиҳатидан бадиий баркамоллик касб этади:

Қасри гардунда қуёшдур, дема, олтундин лаган,
Хони шафқат меҳмон олдиға тортар ҳар қачан.

Ой эмас, гардун аноси тутмиш эмчак меҳрини
Тифли мавжудот оғзига карам пистонидан.

Анжум эрмас, тугмаи шафқатдурур зийнат учун,
Тунни мовий хилъатин айларга зеби анжуман.

Субҳ эмастур, тийра тун ранжини нобуд этгали,
Чодари зулматни йиртиб кўрсатур кофур тан.

Сабза эрмас, сабзхатларни олиб ер қўйниға,
Тил чиқорур гоҳ гул, гаҳ сабза, гоҳи настаран.

Нилуфар гул дема, ер мотам либос айлар аён.
Неча барноларки ер тутмиш, бўлуб хунин кафан.

Лола эрмас, лола рухлардин нишоне кўрсатур,
Даҳр золи деб: вафосизлиқда бас мен мумтаҳан.

Каҳкашон эрмас, фалак жайбиға тушмиш чоклар –
Ким, қуёши ерга киргач, пора этмиш пираҳан.

Кечалар учқун киби гўё фалак анжум сочар,
Ҳодиса тоши ёғар оламға гардун томидан.

Булбул эрмас, нағмаи шавқингни оғоз этгали,
Нола айлар гулшан ичра қумри бўлсун, гар заған.

Шохи гулга бу тароват боғбондинму эмас,
Найшакарга нўши лутфингдур, шакар боғлаб тикан.

Чашма эрмас, дийда гирён ишқ аҳлин ҳолиға,
Гоҳ ширин, гоҳ ачиғ тутмиш азои Кўҳкан.

Кибриёи ҳазратингға хурдадонлар етмағай,
Мирийи нодонға бу даргоҳ нечук бўлғай ватан!

Ўзига хос гўзал ташбеҳ билан бошланган ғазал байтдан-байтга ўтган сари янгидан-янги ташбеҳлар силсиласи билан ўқувчини тонг қолдиради ва Мирий шоирлик салоҳияти ва маҳоратининг ёрқин намойиши бўлиб хизмат қилади: “Кўк қасрида қуёш дема, балки саховатли хон ҳамиша меҳмон олдига тортадиган олтин лагандир. Тун кўксида порлаган

ой эмас, балки тирик мавжудот оғзига карам кўксидан меҳр кўкрагини тутган осмон онасидир. Осмон тўла юлдузлар эмас, балки туннинг мовий кўйлагига анжуман зебига айланиши учун қадалган тугмалардирдир. Бу қора туннинг зулматини даф этган тонг эмас, балки зулмат тун чодирини йиртиб, тонг ўзининг оппоқ баданини кўсатаяпти. Ер юзини тутган бу майса-гиёҳлар эмас, балки майсадай хат соҳиблари бўлган гўзалларни ўз бағрига олган заминдан гоҳ гул, гоҳ майса, гоҳ настарин тил чўзаяпти. Нилуфар эмас, қонли кафанлари билан ер қаърини макон тутган не-не нозанинлар учун замин кийган мотам либосидир. Бу сомон йўли эмас, балки фалак ёқасига тушган чоклардир – қуёши ерга киргач, кўйлагини пора-пора қилмишдир. Фалак кечалар учқунга ўхшаб юлдузларни сочиб юборади – бу билан гўёки осмон томидан дунёга ҳодисалар тошини ёғдиради. Сенинг шавқингдан чаманда фақат булбулгина эмас, балки хоҳ қумри, хоҳ қарға бўлсин, барча қушлар нола қилади. Бу гулларнинг таровати боғбонидан эмасми – лутфинг туфайли шакарқамиш шакар бериб, тикан шакар бойлайди. Бу чашма эмас, кўзи ёшли ишқ аҳли ҳолига гоҳ ширин (Бу ерда Фарҳоднинг маҳбубаси бўлсин Ширин ҳам кўзда тутиляпти), гоҳ аччиқ қилиб Кўҳкан – Фарҳод азасини тутмишдир. Сенинг улуғ даргоҳингга донои замонлар етолмаганида Мирий каби нодонга бу даргоҳ қандай қилиб ҳам ватан бўлсин?”

Мана сизга ташбеҳ, тавсиф, тазод, ҳусни таълил, лутф, лаффу нашр, муболаға, ташхис каби кўпдан-кўп тасвир воситалари ва бадиий санъатлар маҳорат билан қўлланиб, бадиият дурдонасига айланган ғазалнинг шунчаки насрий баёни!

Шу биргина ғазалнинг ўзи бир тадқиқотга мавзу бўла олади.

Шу биргина ғазалнинг ўзи Мирий шоирлик истеъдоди ва маҳорати ҳақида хулоса чиқаришга кифоя қилади.

Бир умр ўқиган, изланган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, замонни ва одамларни кузатган, бани башар табиатининг юксак ва тубан жиҳатларига гувоҳ бўлган, кўрган-кечирганлари устида мушоҳада юритган шоирнинг қатор байту мисралари ҳикмат янглиғ жаранглайди. лекин сўз устаси сифатида у ҳар қандай теран ва серқирра фикрни ҳам ташбеҳу тимсоллар қатига ўрайди ва бу билан ўз фикрига бадиият либосини кийдирибгина қолмай. таъсирчанлиги оширишга ҳам муваффақ бўлади. Чунончи:

Маърифат мағзиға тоши сидқ илкингга керак,

Мағзи маъни бемашаққат чиқмағай янғғоқдин.

Кўриб турганимиздай, машаққат чекмай маъно гавҳарини қўлга киритиб бўлмайди деган фикрни маҳорат соҳиби: “Маърифат мағзини чақиш учун қўлингга сидқу ихлос тошини тутишинг керак, чунки маъно мағзини заҳмат чекмай ёнғоқнинг ичидан суғуриб ололмайсан” тарзида образли йўсинда ифодалайди ва диди баланд ўқувчига юксак бадиият дурдонасини тақдим этади.

Мирий панду насиҳатлари кундалик турмушдан олинган теран кузатишлар маҳсули бўлганлиги учун ҳам ҳаётий ва таъсирчандир:

Ростлиғ тут, то халойиқ ичра бўлғил муътамад –

Ким, сутундур ё асодур ростлиғдин ҳар маҳал.

Бу байтда донишманд шоир агар халқ ишончини қозониб, эътибор топай десанг, тўғриликни шиор қил, чунки тик ўсган дарахт иморатни кўтариб турадиган устун, тўғри ўсган шох эса букчайган қадни суяйдиган ҳасса бўлади. Шунга ўхшаб, одамлар ҳам тўғри ва ҳалол кишиларга ишонадилар ва суянадилар, улардан нажот излайдилар ва паноҳ топадилар деган фикрни ҳаётий мисоллар воситасида гўзал ва таъсирчан ифодалаган.

Мирий ижодига Алишер Навоий меросининг таъсири катта. Шоир бу улуғ салафини шеърият йўлида ўзига йўлчи юлдуз деб билиб, ундан бадиий ижод сир-синоатларини ўрганган, бой ва ранг-баранг дурдона асарлари мутолаасидан илҳомланган ва устози таъсирида кўплаб шеърлар битган. Унинг деярли барча шеърларида Навоийнинг у ёки бу даражадаги таъсири изларини кўриш мумкин. Бугина эмас. У бу улуғ шоир ва

мутафаккирнинг қатор ғазалларига татаббулар қилган, ғазалларига тахмислар боғлаган. Навоий таъбири билан айтганда, устози қақнус бўлса, у қақнус боласидир.

Мирийнинг улуғ Навоий навосидан баҳра топиб, ўз даври шоирларининг етакчисига айлангани ҳақида унга замондош шоирлардан бўлган Ножий шундай ёзган эди:

Ул топиб пири Навоийдан наво,
Сўз била оламга бўлди пешво.

Тожикча ғазалларидан бирида шоирнинг ўзиям шундай лутф этган эди:

Амири шеър ба иқлими турк кишваргир,
Навоий Мири Алишери шўҳра номиям.

Мазмуни: "Туркий оламда барча мамлакатларни якқалам қилган шеърият султони Мир Алишер Навоий бўлиб, (мен ҳам унинг изидан бормоқдаман). Бу таъсир шоирнинг ўзбекча шеърларида яққол сезилади. Хусусан, "Айласа", "айлаб", "дўст", "эт", "айлагач", "қадаҳ", "шайх", "коғаз", "лазиз", "ўйнар", "этар", "этмиш", "айламиш", "хат" радифли ғазалларида бу ҳол ёрқин кўзга ташланади. Жумладан, у бир байтида буюк Навоий руҳидан илтифот етгани учун ҳам Мирий наволар бўстонида булбул каби наво қонунида фарёд чекади деб ёзади:

Навоий илтифотидин наволар бўстонида,
Наво қонунида Мирий чекар фарёд булбулдек.

Шоирнинг қатор байтларидан маълум бўлишича, Мирийга Навоий билан бирга Жомий ҳам кучли таъсир ўтгазган. Тўғрироғи, у Навоий орқали Жомийнинг маънавий қадаҳидан баҳраманд бўлган. Жумладан, Навоийнинг "айлагач" радифли машҳур ғазали таъсирида ёзган ғазали мақтасида ўқиймиз:

Файз жомидин насибим берди Жомий мавлавий –
Ким, Навоий руҳидин Мирий мададкор айлагач.

Ёки:

Навоий шафқати, Жомий ҳимоятидиндур –
Ки, хома Мирийни девонида ёзар мазмун.

Биринчи байтда шоир: "Мирий Навоий руҳидан мадад сўрагач, Жомий файз қадаҳидан менга ҳам насиба тутди", – деса, иккинчи байтда: "Мирий девонидаги қалам дарж этган маъноларнинг барчаси Навоий шафқатию Жомий ҳимояси туфайлидир", – деб лутф этади.

Мирий ўзи устоз деб билган забардаст сўз санъаткорининг "сенга", "айласа", "эт", "этмиш", "айлагач", "шайх", "ўйнар", "айладим" радифли қатор ғазалларига татаббу қилади. Шоир татаббуларининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг мақтасида кўпинча Навоий номини ҳам зикр этиб, ундан илҳомлангани ва таъсирланганига эътиборни қаратади. Чунончи:

Ҳазин Мирий наво истар Навоий мисраъидин кўп,
Ул ойни ишқида, ё Раб, мени мундин батар зор эт.

У буюк салафининг "Кўнглум ўртансун, агар ғайрингга парво айласа", "Не хуш бўлғай, икавлон маст бўлсак васл боғинда", "Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб", "Турра марғулин очиб, рухсори маҳсимоға соч", "Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил", "Висол тухмини эктим – фироқ бар топтим", "Оҳким, ишқ айлади шайдо мени" мисралари бошланадиган қатор ғазалларига мухаммас ҳам боғлаган.

Маълумки, у ёки бу шоирнинг муайян ғазалига тахмис боғламоқчи бўлган шоир ўша ғазалдаги мавзуни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, муаллиф фикрларини ривожлантириш ва тўлдириш, тимсолу ташбеҳларининг эса янгидан-янги қирраларини очишга ҳаракат қилади. Шу тариқа ҳар бир байт олдидан қўшиладиган уч мисра ғазал байти билан кўзга кўринмас ришталар билан боғланиб, яхлит бир бандни ҳосил қилиши керак. Зеро, тахмис икки шоирнинг маънавий иртиботидан ҳосил бўлган фарзандга

ўхшайди: ғазал муаллифи бу фарзанднинг онаси бўлса, тахмис боғлаган унинг отасидир. Иккала шоирга тегишли бўлганлиги учун ҳам кўпинча бундай мухаммаслар ҳар бир шоирнинг девонларига ҳам киритилаверади.

Мирий ҳам Навоий, Фузулий, Амирий, Вола каби қатор шоирларнинг бетакрор ғазалларидан илҳомланиб, уларга гўзал тахмислар боғлаган. Бу мухаммасларда унинг тахмис боғлаган шоир панжасига панжа ура олгани, ғазалларни бадиий баркамол мухаммасларга айлантира олганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Навоийнинг "Кўнглум ўртансун, агар ғайрингга парво айласа" мисраси билан боланадиган ғазалига боғланган тахмиснинг қуйидаги банди бунинг ёрқин мисолидир:

Сенсену ишқинг ҳавоси – ғайр ила йўқтур сўзум,
Ўзгалар ҳарфидин иншо айласам, синсун қўлум,
Ғайр фикрин айласам, ғам бошима солсун ҳужум,
Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳам сенинг ҳуснунг тамошо айласа.

Навоий ғазалида "Ўзгалар ҳуснига қарасам, кўзим чиқсин, айни пайтда, бошқалар сенга тикилса ҳам шундай бўлсин" деган гўзал бир фикр ифодаланган бўлса, Мирий салафининг бу фикр биносига муносиб пойдевор яратади: "Менинг кўнглимда фақат сенсану сенинг ишқинг орзуси – менинг бундан бошқа билан гаплашадиган сўзим йўқ. Агар бошқалар таърифида бирор нарса ёзгудай бўлсам, қалам тутган қўлларим синсин. Сендан бошқани ҳатто хаёлимга келтирсам ҳам бошим ғам ҳужумидан чиқмасин". Шу тариқа Мирий Навоий фикрларига замин тайёрлаб келади ва унинг мисралари узук бўлса, салафи байти унга қўйилган кўз каби бўлган.

Навоийнинг "Не хуш бўлғай, икавлон маст бўлсак васл боғинда" мисраси билан бошланадиган ғазалига боғлаган тахмисидаги қуйидаги мисралар ҳам ўзи қўшилган байт билан ялакат мағизга айланиб, ўзаро ажралмас бандни ҳосил қилганлигини кўриш мумкин:

Бийиклардин, бале, ожизга ойини карам хушдур,
Йигитлик мавсумин шукрини тутмоқ муғтанам хушдур,
Зиҳи фурсат, зиҳи дам – ёр васли, дам – шу дам, хушдур,
Не келса, тонгла келсун, бир тун усрук ётса ҳам хушдур,
Киши гул чоғи бир гул хирманин тортиб қучоғинда.

Мирий: "Улуғлардан ожизга мурувват расми гўзалдир, ёшлик фаслининг шукрини қилишни ғанимат билиш яхши, ёр васлига муяссар бўлиб ўтган дамдан яхши йўқ" деган маъносидаги мисраларни тизади ва улар Навоийнинг: "Киши гул мавсумида гул хирмонини қучоғига тортиб бир кеча масту сархуш ётганида унинг бошига ҳар нима келар бўлса, эртага келсин" мазмунидаги байти билан бир бутунликни ташкил этади.

Татаббу ва мухаммасларидан ташқари ҳам Мирийнинг қатор шеърларида навоиёна оҳангларни дарк этамиз, Навоий қўллаган тимсолу ташбеҳлардан ижодий фойдаланиб, уларнинг янги қирраларини кашф этганига гувоҳ бўламиз, устози фикрларини давом эттириб, ривожлантиргани ва маъно доирасини кенгайтирганини кўрамиз. Жумладан, Навоий севиб қўллаган "синган сафол", "раз қизи", "куюн" образларидан ҳам шоир ижодида кенг истифода этилади.

Аруси даҳрни афсуни бирла алданма,
Вафоси йўқтур ани, ўйла умри бебунёд, –

каби дунёнинг ўткинчи ва бевафолиги ҳақидаги фалсафий мазмунга эга қатор байтларида ҳам шоирнинг улуғ устозига ҳамоҳангликни кўрамиз.

Оҳорли тимсолу ташбеҳларга бой бетакрор байту ғазаллар ярата олганлиги учун ҳам Мирий фахрия йўсинида ўзини муҳаббат гулшанининг соҳибнавоси атаб, нола-фиғонларим ҳатто хушовоз қумрини ҳам ожиз қоларди деб лутф этган эди:

Биҳамдиллаҳ, муҳаббат гулшанин соҳибнавосимен,

Эшитгач қумри афғонимни, беҳол этти услубим.

Бошқа бир байтида эса мен энди ишқ водийсида жон бераман, сизлар эса шавқ дафтаримни қабрим бошига байроқ қилиб қаданглар дейди:

Ишқ водисида эмди жон берай, эй дўстлар,

Дафтари шавқимни Мирий қабриға айланг алам.

Ҳассос шоир ўз башоратида адашмади: шоирнинг кўнгил дафтари бўлмиш бебаҳо асарларини оташин мухлислари байроқ каби қўлларида тутиб келмоқдалар.

ТУРКЧА–ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ ХУСУСИДА

PhD. Саидбек Болтабаев
Туркия Карабук университети
Адабиёт факультети ўқитувчиси

Лексикография, яъни луғатчилик фани сўзларни кодлаш, уларнинг рўйхатини тузиш, луғат тайёрлаш илми ва санъатидир. Шу боис бу фан соҳасида яратилган асарлар ўша тилнинг хазинаси бўлиб, тилдаги лексик бойликларни келажакка етказиш борасида муҳим восита ҳисобланади.

Луғатларни замон нуқтаи назаридан икки қисмга ажратиш мумкин: тарихий ва замонавий луғатлар. Тарихий луғатлар сўзларнинг бир тартибдаги рўйхати ва бошқа тил ёки тиллардаги таржимаси, маъноси билан бир қаторда тилнинг грамматик хусусиятларини, баъзан талаффуз қоидаларини ҳам қамраб олади. Тарихий луғатларнинг бир тури ҳисобланадиган назмий луғатлар эса лексикография фанининг санъат ўлароқ таърифланишига сабаб бўлган.

Ислом муҳитидан аввалги даврларда яратилган баъзи луғат парчалари (масалан, Турфондан топилган Буддизм муҳитида ёзилган хитойча қадимги туркий луғатдан парчалар) ҳозирги кунгача етиб келгани ва олимлар томонидан аниқланиб, билим дунёсига тақдим этилгани туркий халқлар орасида лексикография фанининг илдизи қанчалик чуқур эканини кўрсатади. Туркий халқлар ислом динини қабул қилгандан кейин арабларнинг туркий тилни тушиниши ва ўрганиши учун Маҳмуд Кошғарий томонидан ёзилган «Девону луғати-т-турк» асари туркий тилда яратилган луғатлар орасида билим дунёси томонидан қабул қилинган катта ҳажмли илк луғат саналади. XVI асрда ҳозирланган «Абушқа» луғати эса икки туркий тил учун ёзилган илк луғат ўлароқ муҳим аҳамиятга эга. Эски ўзбекча ва усмонли туркчаси йўсинида тайёрланган «Абушқа» луғати эски ўзбек тилида ёзилган асарлар, айниқса Навоий асарларининг усмонли турк дунёси

томонидан тушинилиши мақсадида тайёрланган. Бу луғат масофавий жиҳатдан бир-биридан узоқда бўлиб қолган икки турк халқи орасида кўприк бўлиб хизмат қилган, натижада турли даврларда кўп сонли нусхалари кўчирилган.

Кейинги даврларда ёзилган Шайх Сулаймон Бухорий Афандининг «Луғати чиғатой ва туркийи усмоний» ҳамда В.В. Радловнинг «Опыт Словаря Тюркских Наречий» (Санкт Петербург, 1893-1911) номли асарлари туркий тиллар орасида қиёсий луғат экани нуқати назаридан аҳаммиятга молик.

Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон давлатларининг ўз мустақиллигини қўлга киритишидан кейин туркий тилларда қиёсий луғат яратиш фаолиятлари бутун давлатларда жадаллик билан тараққий топди. 1991 йилда Туркия Республикаси Маданият вазирлиги томонидан туркий тилларнинг қиёсий луғати (Karşılaştırmalı Türk Lehçeleri Sözlüğü I-II) чоп этилди.

Истиқлолимиздан кейин худди шунингдек туркча – ўзбекча, ўзбекча – туркча луғат тайёрлаш Ўзбекистон ва Туркия республикалари орасида кўприк бўлиб хизмат қилиши нуқтаи назаридан яна-да аҳаммияти ошди. Бу борада илк тадқиқотлардан Низомиддин Маҳмуд ва Эртуғрул Яман ҳаммуаллифлигида тайёрланган «Туркча – ўзбекча, ўзбекча – туркча луғат» (Тошкент 1993), Бердақ Юсуфнинг «Туркча – ўзбекча, ўзбекча – туркча луғат» (Тошкент 1993) асарларини кўрсатиш мумкин. 1994 йилда Бердақ Юсуф ва Меҳмет Маҳур Тулум томонидан тайёрланган «Ўзбекча – туркча, туркча – ўзбекча» луғат Истанбул шаҳрида чоп этилди. Кейинчалик Бердақ Юсуф «Ўзбекча – туркча, туркча – ўзбекча изоҳли луғат» (Тошкент 1997), «Туркча – ўзбекча алдоқчи сўзлар луғати» (Тошкент 2009) номли асарларини чоп этиб бу йўналишдаги тадқиқотларга улкан ҳисса қўшди. Эмек Ушенмез, Саидбек Болтабаев, Гулшаҳ Туғлажи томонидан тайёрлаб нашр қилиган «Ўзбекча – туркча луғат (Истанбул 2016) эса 23 мингдан зиёд сўзни ўз ичига олгани билан диққатга сазовор. Шу боис ушбу тадқиқот ўзбекча – туркча луғатлар орасида кенг ҳажмли илк нашр бўлган.

Шунган қарамай ҳозирги кунга қадар туркча – ўзбекча кенг миқёсли луғат йўқ эди. Насиба Юсупова томонидан тайёрланган ва яқинда нашрдан чиққан «Туркча – ўзбекча луғат»да 35 минг атрофида сўз мавжуд экани, бу соҳадаги улкан бўшлиқни тўлдириб бермоқда. 674 саҳифадан иборат мазкур луғат филология фанлари доктори, профессор Нодирхон Ҳасан таҳрири остида Туркиянинг етакчи муассасаси бўлган Турк тили қуруми томонидан Анқарада 2018 йилда чоп этилди.

Луғатнинг муқаддима қисмида қуйидагича ифодани кўрамиз:

«Туркча – ўзбекча луғат турк ва ўзбек халқи орасида маданият кўприги бўлиб хизмат қилиши мақсадида тайёрланди.

Ўзбекларнинг туркчани ўрганиши, турк тилида сўзлаша олиши, асарлар ўқиши, таржима фаолиятларида қўлланиши учун имкон яратади. Икки қардош давлат орасидаги иқтисодий, маданий ва ижтимоий алоқаларда қулайлик туғдиради.»

Луғатдаги туркча сўзларнинг сатр бошларидаги тизилиши Турк тил қуруми томонидан 2012 йилда чоп этилган «Имло лугати»нинг 27 нашри асосида тайёрланган. Китобнинг бош саҳифаларида «Турк ва ўзбек алифбоси», «Туркча ҳарфларнинг талаффузи» ва «Қисқартмалар» бўлимлари жой олган.

Сатр бошидаги туркча сўзлар қалин қора ҳарфлар билан турк алифбосига кўра тизиб чиқилган. Туркча сўздан кейин унинг қайси сўз туркумига оидлиги, қайси тилдан олингани, қўлланилиш соҳаси қавс ичида ётиқ ҳарфлар билан берилган. Кейин эса сўзнинг ўзбекча муқобили, маъноси келтирилган. Агар сўзнинг бир қанча маъноси бор бўлса, тартиб рақами билан ажратиб кўрсатилган. Мисол учун:

ab *(is., Far. esk.)* Ob, suv.

abanmak *(-e)* 1. Cho‘nqaymoq. 2. Cho‘kkalamoq, cho‘kka tushmoq. 3. Suyanmoq, yaslanmoq, yastanmoq.

açlık, -*ğı* *(is.)* Ochlik.

ada *(is., coğ.)* Orol (jug‘.).

boyun, -*ynu* *(1. is., anat., 2. is., coğ., 3. is., 4. is.)* 1. Bo‘yin (anat.). 2. Bo‘yin (jug‘.). 3. Bo‘yin, bo‘g‘iz (ba’zi asboblarning ingichka uzunchoq qismi). 4. Gardan, zimma, ust.

mutlaka *(zf. Ar.)* Mutlaqo, tamomila, batamom.

Асар муваффақиятли тайёрланган. Шу билан бирга баъзи техник хатоларни учратиш мумкин. Лекин бу техник хатолар китобнинг илмий аҳаммиятига асло путур етказмайди. Хулоса қилиб айтганда «Туркча – ўзбекча луғат» бу соҳада энг асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади ва илмий тадқиқотларга катта ҳисса қўшади. Ўзбекистон ва Туркия давлатлари орасидаги муносабатлар жадаллик билан ривожланаётган ушбу даврда луғатнинг чоп этилиши мазмундор бўлиб, икки қардош ўлка алоқаларининг тараққий топишига ҳисса қўшишига ишончим комил.

ÖZBEK ŞAİRİ RAUF PARFİ'NİN "KIRIM HAYALLERİ" ŞİİR DİZİSİ

Âlim Tölaboyev
Ali Şir Nevai Taşkent Devlet Özbek
Dili ve Edebiyatı Üniversitesi araştırmacısı

Özet: *Makalede Özbek şairi Rauf Parfi'nin günümüze kadar tam olarak yayınlanmamış ve bir araya toplanmamış* ***"Kırım Hayalleri"*** *Şiir Dizisi tahlil edilmiş, şairin şiir tekniklerinden ne derece maharetle yararlandığı üzerinde durulmuştur. Söz konusu dizi 1964-1965 yıllarında yazılmıştır. Dizideki şiirler Vatanından kitleler halinde sürgüne gönderilen ve yabancı ülkelerde yaşamak zorunda kalan Kırım Türklerinin acı kısmeti ve doğdukları yurda dönme yolundaki millî bağımsızlık hareketleri konusundadır. Dizideki şiirler ayrıntılı olarak incelenmiştir.*

Anahtar Kelimeler: *Şiir Dizisi, cedit, serbest nazım, poetik hulâsa, özel arşiv, Kırım sürgünü, hicret, el yazısı nüshalar, şiir varyantları, poetik kahraman, gelenek.*

Rauf Parfi birçok Şiir Dizileri yazmıştır. Bu diziler arasında **"Kırım Hayalleri"** ayrıca yer tutar.Bunun nedeni dizinin konusu, farklı bediiyeti, sosyal-politik coşkusu ve hümanizmidir. Dizideki şiirlerin tasvir merkezinden doğduğu yurdundan merhametsizlerce kovulmuş Kırım insanları yer almışlar.

Sürülmüş Kırımlılar konusu Özbek edebiyatinde ilk olarak Rauf Parfi tarafından kaleme alınmıştır. Bunun nedenini şöyle açıklayabiliriz: ilkönce şairin çocukluk yıllarını yurtdışı edilmiş Kırımlılar ile birlikte yaşadığını belirtelim. Bu dönemden bahsederken*: "Babamın birçok arkadaşları vardı. Tümü eski ceditler, ölümden kurtulanlardı. Hepsi aydın, okumuş insanlardı. Dünya çapında fikirlerlerdi. Edebiyatla ilgilenirlerdi. Ama hepsinin başına belâ gelmiş, devir onların ellerini kesmişti... Abdal diye birisi vardı. 1944 yılında Kırım'dan sürülmüştü. Dört yaşa geldiğimde o bana Rus alfabesini öğretmişti.Gördüklerim, bildiklerim beni oldukça etkilemişti. Şimdi anlıyorumki, kalbimde Vatan duygusunu coşturan etken bu insanların hayatı ve hikayeleri olmuştur."* demişti şair.[142]

İkinci sebebi şöyledir: öğrencilik yıllarında şair Kırım Türkleri ile daha sıkı ilişkiler kurdu*." Üniversitede okuyorduk. Grubumuzda tek Kırım Tatarı vardı: Ayder Osman. Her zaman son derece ciddîydi. Bir yerlere gidip geliyordu. Durmadan hareket ediyordu.Sonradan öğrendik: bu dönemde Kırımlıların yurda dönme çabaları başlamışken... 1963 yılından itibaren Kırım Türklerinin millî bağımsızlık hareketleri başladı.Ben de onlara katıldım. Vatan uğrunda, insanî haklar yolunda cesurca güreşmeyi bu halktan öğrendim. Toplantılarına katıldım. Konuştum. Büyük bir defterleri vardı.Kırım Türkleri kendi vatanına dönmeli , diyenler imza atıyorlardı bu deftere. İmza atanlar arasında Saharov, Şostakoviç, Yevtuşenko da vardı. Özbek yazarlarından yalnız ben imza atmıştım.İşte bu dönemde "Kırım Hayalleri" diye adlandırdığım Şiir Dizimi yazmıştım. Dizide yirmi şiir vardı.El yazısı halinde yaygınlaşmıştı.Bu şiirlerimin üçü "kurtuldu": "Bahçesaray Çeşmesi",[143] "Kırımlı Annenin Hicretteki Ninnisi"[144], "Hicret".[145] Başka şiirler kaybolmuştu. Bu dönemde bana "Kırım Tatar şairi" diyorlardı..."[146]*

---

[142] Раҳимжон Раҳмат. Шоир Рауф Парфи билан суҳбат // Адабиётдан чиқиш. – Т.: Академнашр. 2015. – Б.69.
[143] Aslında şiir "Bahçesaray Fıskiyesi" diye adlandırılmıştır.
[144] Mezkur şiir şairin dediği gibi 1965 yılında değil, 1973 yılında yazılmıştır. Kaynaklarda şiirin başlığı "Hicrette Anne Ninnisi" şeklindedir.
[145] "Hicret" şiiri 1990 yılına kadar hiçbir kitapta yayınlanmamıştır. Bize göre şair yayınlanmış başka bir şiirinden bahsediyor.
[146] "Ҳақ йўли, албатта, бир ўтулгуси..." (Шоир Рауф Парфи ва Аъзам Ўктам суҳбати) // "Муштум". 1990. № 22.

Rauf Parfi'nin özel arşivini incelerken, kaybolduğu zannedilen şiirlerin bazılarını bulduk.[147] Arşivde Rauf Parfi şiirlerinin daktiloyla yazılmış nüshaları da bulunmaktadır. Bunların arasında "Kırım Hayalleri" dizisindeki şiirler de var. 1965 yılında yazılmaya başlamış bu dizinin ilk sayfasından **"Rauf Parfi. Kırım Hayalleri"** ibaresi yer almıştır. Türk yazarı Sabahiddin Ali'nin *"Niçin, güzel yârim, niçin / Seni benden ayırdılar?"* mısraları sayfa ortasına yazıllmış ve epigraf olarak kullanılmıştır.

Düzensiz durumda bulunan daktilo nüshaları arasındaki **"Bayağı Kesirler", "Vatan", "Hicret", "Bahçesaray Fıskıyesi", "Haydi, Kalk, Haydi, Kalk...", "Arkadaş, Sendedir Hayalim... ", "Şefikâ, Sitemkâr Dansöz..."** gibi şiirlerin sonunda **"Kırım Hayalleri" Şiir Dizisinden"** kaydı vardır. Bu kayıtlar bazen daktiloyla, bazen el yazısıyla yazılmıştır. İncelediğimiz şiirlerin arasında sadece biraz önce saydığımız yedi şiirin sonunda **"Kırım Hayalleri"** kaydı bulunmaktadır.

"Vatan" şiiri *"Tüm insanlığın rızkı ve hakkı..."* mısraı ile başlayıp, *"Kucağında rahat ettiğim Vatanım"* mısraıyla bitiyor.Serbest şiirdir. Bu şiir hiçbir kitapta yayınlanmamıştır. Demekki, **"Vatan"**ı müstakil şiir olarak yayınlama imkanı olmamış. Rauf Parfi 1967 yılında **"Vietnam Hakkında Şiir"**ini yazmış ve "Vatan" başlıklı şiirini bu şiire ilave etmiştir.Böylece şiiri yayınlamayı başarmış.

Sovyetler Birliği Amerika'yı Vietnam'ı viran etmiş ve kana batırmış devlet olarak tanımlıyor ve suçluyor. (Bu konuda Rauf Parfi'nin fikri bambaşkadır.O şiirinde *"Vietnam ikiye bölünmüş bir ekmek"* diye güzel bir benzetme yapıyor ve ekmeğin bir parçasına Sovyetler Birliği'nin müddeî olduğunu kastediyor) ."**Vatan"** şiirindeki *"Kısmetleri tehdit eden tehlike"* kelimeleri SSCB'ne ait değilmiş gibi sanki. Şiirde Kırımlıların faciasından sözedilmemiş gibidir. Aslında, aşağıdaki mısralar vatanından kovulmuş Kırım Türklerinin feryatlarıdır:

Hey, yok / Yavuzluğa taşlar, kayalar alışsın , / Hey, yok / Göbek kanı dökülen yere / Yüreğinin kanı dökülsün adamın...

Bu mısralarda Kırımlıların derdi ve cesareti aksettirilmiştir. Halkı Vatanından ayırmak mümkün, ama halkın kalbinden Vatan sevgisini silmek imkansızdır.Böyle girişimler Vatan sevgisini daha da coşturur. Vatan uğrunda mücadele edenleri yenmek mümkün değil.

Bu meşum sürgünle ilgili bazi detayları inceleyelim. *"18 Mayıs, 1944 tarihinde Kırım Türkleri hafizalarından hiçbir zaman çıkaramayacakları, gelecek dönemlere de damgasını vuran bir insanlık dramı ile karşı karşıya kalmışlardır...*

Yarımada'da tanyerinin kanla bulanmış gibi ağardığı 18 Mayıs, 1944 tarihinde, tüm Kırım halkı vatanından kovulmuş ve katledilmiştir.İnsanlık tarihinin en gaddar, merhametsiz ve insanlık dışı soykırımı ile sürgünü gerçekleştirilmiştir."[148]

Bu facia Sovyet dönemi basınında biraz sonra şöyle açıklanmıştır:"*Gece saat ikide Kırım Türklerinin oturdukları yer NKVD tarafından kuşatıldı. Her eve girdiler ve Kırımlıların on dakika içerisinde kamyonlara binmelerini emrettiler. Gece yarısında ansızın uyandırılan, ne olduğunu anlayamayan zavallı insanlar kamyonlarla istasyona getirildi ve kimisi Ural'a, kimisi Orta Asya'ya gönderildi."*[149]

Rauf Parfi **"Hicret"** şiirinde (1964)[150] vatanından kovulmakta olan Kırım Türklerinin acılı durumunu şöyle ifade eder:

Gönderim, gönderim. / Kırım istasyonu. / Hicret./Vagonlara dolduruldu halk.
Sanki tonlarca et gibi, / Kapılar kapandı tak tak.

Peki, bu eziyetlerin nedeni neydi?Yurtdışı edilmiş halkın suçu neydi? Bakın, ne diyorlar? Bu halk hain imiş, ihanetçiymiş! Vatan savaşına altmış bin kişiyi göndermiş halkı şöyle

---

[147]Rauf Parfi'nin özel arşivine ait bu el yazısı nüshalar günümüzde Özbek şairi Çarşam Röziyev'de bulunmaktadır. "Kırım Hayalleri" Şiir Dizisindeki şiirlerin mevcut varyantları daktiloyla yazılmış nüshalardır (D.Y.N). Makalede sözkonusu kaynağı kısaca "Ö.A.[özel arşiv](Ç.R.)" ve(D.Y.N.) şeklinde işaretleriz.

[148] Ünver Sel. Kırım ve Kırım Türkleri.Ankara, 1997

[149] Пулатов Т. Къырымтатарлар натиджени сабырсызлыкънен беклейлер. // Йылдыз. 1989.№3.– S.7 (Bu makale «Московские новости» gazetasının 15-sayısından (9 nisan,1989) alınmıştır)

[150] Ö.A.(Ç.R.), (D.Y.N.)

suçlamak mümkün mü? Aslında bu sadece bir bahaneydi.Bunu hisseden şair "dâhi"ya şöyle soru soruyor:

Peki, söyle bana, dâhi! / Bu millletin suçu nedir?

Bu cevabı olmayan bir sorudur. Rauf Parfi bunu anlıyor. O yüzden cevabı kendisi verir, kendisi hükmeder*:"Kalk, dâhi, kalk / On harami / Belki de yüz hain olabilir, / Ama bütün halk hain olmaz.."*

İnsanlar Sovyetlerin vagonlarına "tonlarca et gibi" atılır. Şair Kırım Türklerinin vagonlardaki acılı durumunu şöyle tarif eder: *İnsanlar yatıyor / Sanki odun gibi / İzmaritler gibi yatıyor / Duman misalidir kalabalık.*

Şairin aşağıdaki mısraları da son derece ıstıraplıdır :

Bebegine ninni söylüyor kadın / Bebek minicik elleriyle arıyor memeyi / Ne yapabilir, zavallı kadın / Memesinde süt yoktur ama / Bebekler şaşkındır. / Şaşırıyorlar meşum kısmete, / Bakıyorlar can vermekte olan bebeğe, / Ölmekte olan yaşlıya bakıyorlar.

"Bu hakaret niçin?" diye soruyor şair. Bu sorunun cevabı yoktur...

"**Hicret"** şiiri şöyle başlıyor: "*Hitler... Cadı Hitler, / Acele edin... Acele edin...".* Bir bakımdan bu kelimeler şiirin muhtevasına uymamış gibi geliyor. Ama öyle değil.Bu kelimeler tırnak işaretiyle yazılmıştır. Burada tırnak işareti belli poetik görevi yerine getiriyor. Bu kelimeleri Kırım Türklerini yurdundan sürmek zorunda olanlar söylüyorlar. Onlar kendilerinin kötü işlerini gizlemek için Hitler'i sövüyorlar. Ama kendileri daha iğrenç işleri yapıyorlar: mert evlatları Vatanı korumak için can alıp, can vermekte olan insanları savaş devam eden bir şeraitte doğduğu yurdundan sürüyorlar, köpek gibi kovuyorlar...

Peki, bu facia ne zaman olmuştu? Şair şiirin sonunda bu tarihi şöyle belirtiyor: *"Lenin'in yüzyılı. 44.yıl."* Neden **"Lenin'in yüzyılı"**? Neden **"XX yüzyıl "** demiyor şair? Burada acı bir kinaye vardır. Çünkü bu facialar dünyaya adalet vadeden, bağırıp çağıran Lenincilerin yaptıklarıydı.

Facianın dehşetini daha iyi hissetmemiz için bazi tarihî delillere dikkat etmemiz yeterlidir. Özbekistan Sovyet Cumhuriyeti Disiplin Bakanlığı Bakan yardımcısı, general M. Beglov'a göre, Özbekistan'a yaşlılar, kadınlar ve çocuklardan ibaret **151 424** Kırımlı getirilmiştir. Bir ay sonra bunlardan sadece **40 000** kişi hayatta kalır.**110 000** den fazla Kırım Tatarı yabancı ülkeye, farklı ıklıma alışamadan, açlık ve hastalıklar yüzünden vefat eder.[151]

Özbek halkının misafirperver, konuksever olduğunu çok iyi bilen Sovyetlerce Özbeklerin soydaşları ve din arkadaşları olan Tatarlara yardım yolları kapatılmıştır. Bu durum Rauf Parfi'nin mısralarına da yansıyor :

Günler geçti. / Günler zehir içti, kan içre yürüdü... / Özbekistan. /
İndirildi tonlarca et. / Dedilerki:"Dikkatli olasınız, Özbekler!... /
Bunlar haindirler. / Bunlar çok kötü. / Bunları sevmeyin, /
Düşünün biraz, ekmek verirken..."

Mevcut yönetim sistemine böyle münasebet şairin **"Bayağı Kesirler"** (1965) [152] şiirinde de hissediliyor.Lirik kahramanın fikrine göre, onun yaşadığı yüzyılda büyük bir iş gerçekleştirilmiştir. "İnsanlığın asırlarca süregelmekte olan hastalığı, yani yarası var idi. Bunun adı "Kör bağırsak" tır", diyor şair. Şaire göre bu "kötü kesir"(lüzumsuz uzuv) dir. Bu yara insanlığa bu güne değin dert oldu. Onu kesmek, atmak gerek.Bunun için ise büyük " cerrah" gerekir.İşte "cerrah" geldi. Bu Vladimir Lenin idi. Evet, gerçekten:

Lâzım idi büyük bir cerrah, / Ta ki onu kese, / Ta ki özgür yaşaya Cihan.

Ama böyle yapmakla problem çözülmüş mü? Şiirde bu soruya olumlu cevap yoktur. " Ama hâlâ ağrıyor ipek ile dikilmiş yerler" diye yazıyor şair. Demekki, bir yarayı keserken, başka bir yara oluşmuştur. Bir de "ameliyat"tan sonra da problem çözümsüz kalmıştır.Şiirin sonundaki hulâsa böyle karar vermemize sebep oluyor*: "Ama problemdir. / Problem hâlâ. / Bayağı kesirler... "*

---

[151] Bak.:"Йылдыз" dergisi.№^3. s.8
[152] Ö.A. (Ç.R.), (D.Y.Ş.)

Ne demektir "Bayağı kesirler" ? Şair bunlardan bazılarını birer birer sayıyor:

Vietnam'da atılmış ok, / Türkiye'de çıplak bir çocuk. / Alambama' da koparılan çığlık. / ***Vatanından cüda olmuş halk,*** */ Stalin'i koruyan zamane...*

İlkönceki üç olay Lenin'in kurduğu rejimle ilgili değil diyebiliriz. Ya son ikisi? İşte şairin amacı bunu vurgulamaktır. Büyük "ameliyat"ın yapıldığı yurtta halk göbek kanı dökülmüş vatanından kovulmaktaydı. Bu işi yaptıran Stalin'i zamane koruyor, övüyor. Şiirdeki **"Stalin'i"** kelimesi el yazısı nüshalarda, yayınlarda **" O yavuzları"** şeklinde değiştirilmiştir.Demekki, Rauf Parfi Stalin'in cinayetlerinden bahsetmek istiyor. Şaire göre, böyle insanı himaye etmeye çalışma insanları hor görme, onların şahsına, hakkına, ırzına, vatanına tecavuz etmek demektir.Stalin "Büyük cerrah"ın devamcısıdır. Ama "ameliyat"tan önce problem olan dert "hâlâ problem"dir. Şairin poetik hulâsası böyledir.

Şiirdeki tek mısra Kırım Türkleri hakkındadır: **"Vatanından cüda olmuş halk".** Aslında, söylenmek istenen cümle budur. Yoksa Rauf Parfi bu şiiri **"Kırım Hayalleri"** Şiir Dizisine ilâve etmezdi. Hem de ilk şiir olarak. Bu ise şairin zamaneye nefreti Kırım sürgünüyle ilgili olduğunu kanıtlıyor.

"Bahçesaray Fıskıyesi" (1965) .[153] Rauf Parfi şiire Rus şairi Puşkin destanı başlığını vermekle kendi poetik amacını gizlemiştir.Bir de Bahçesaray fıskıyesi timsalinde çocuklarından ayrılarak ağlamakta olan Vatan sembolünü canlandırmıştır. Bahçesaray Fıskıyesi çocuklarından mahrum kalmış, karanlık gelecek kaygısıyla yüreği paramparça olmuş, yabancılar ayağı altında çiğnenmiş ve hor görülmüş ana yurt sembolüdür.O hasret kucağında , ama derdini kimseye söyleyemiyor. Sadece için için ağlıyor, durmadan yaşlarını akıtıyor. *"Gördüğünü söyleyemezsin, / Tek kelime söyleyebilseydin keşke..."* diye arzu ediyor şair. Bahçesaray fıskıyesi birilerini bekliyor, birilerinden necat, mutluluk istiyor . Sovyetler tarafından "kahırlı, şefkatsiz gedalar" tahttan indirildi. Ama vadedildiği gibi olmadı.*"Geçti asır, yıllar ve aylar, / Gerçek mutluluk gelmedi fakat",* diye yazıyor şair elemle el yazısı varyantların birinde. Daha da kötüsü 40'lı yıllarda tüm sevincinden de oldu*:"Kırklı yıllarının boranı / sevincinden ayırdı, heyhat!"* Burada o meşum faciaya işaret ediyor şair. Şu mısralardan sonra Sovyet dönemi yayınlarına alınmamış dört bent başlıyor.[154] Şiirin el yazısı şekli şöyledir:

Kırklı yıllarının boranı / Sevincinden ayırdı, heyhat! / Şu aziz, şu güzel dünyayı / Mecburen, bırakıp gittiler, heyhat.

Yine yıllar geçti, yine yerin üzerinde çok güzel elbise. / Aynı cennet, aynı gülüstan diyar, /Kırımlı yok Kırım'da fakat.

Aynı bahçe, aynı vadiler, / Aynı gülzar ve berrak gökyüzü, / Ama yoktur sevdiğin evladın, / Kırım var, ama Kırımlılar yok.

Yürekler yanıyor durmadan, / Kimler sürdüler bu halkı?! / Asla. Asla. Asla! / Ana toprak herkesin hakkıdır !

"Kırım var, ama Kırımlılar yok" mısraını okuduğumuz zaman ,belki, bu şiir Kırım'da yazılmıştır, diye tahmin ettik. Sonradan bu tahminimizin doğru olduğu anlaşıldı. Şiirin şimdi Özbek şairi Çarşam Röziyev'in elinde bulunmakta olan daktiloyla yazılmış nüshasında "Bahçesaray Fıskıyesi" ve "Şefikâ, Sitemkâr Dansöz" şiirlerinin altında "Kırım Hayalleri" Şiir Dizisinden" notundan sonra dolmakalemle "Kırım" kelimesi yazılmıştır. Bu not şiirin yazıldığı yere işaret demektir.Aşağıdaki mısralar şöyle hulâsa etmemize sebep oldu*: Elveda, Şefikâ, elveda, / Dayanıklıyım zaten siteme . / Beklemezse bile o Leylâ, / Döneceğim Özbekistan'a, / Elveda, Şefikâ, elveda.*

Bu mısralar Kırım Türkleri yanlısı olduğundan "Kırım Tatar şairi" diye suçlanmış şarin 1965 yılında Kırım'da bulunduğunu gösterir. Hem de yayınlarda mezkur diziye ait olduğu

---

[153] Ö.A.(Ç.R.) D.Y.N.

[154] Şair Azam Oktam'la sohbette Rauf Parfi Sovyet dönemi yayınlarında "Bahçesaray Fıskıyesi" şiirinden düşürülmüş parça olarak şu iki bendi okuyor: Göğe erdi özlem ağacı, / Ağla, Kırım, ağla şimdi gökyüzü. / Ne oluyor, insanlar, söyleyin... Kırım var, / Ama Kırımlılar yok./ Söyleyin bana, nerede adalet, / Söyleyin, nerede insanî hukuk. / Bu ne hâldir. Bu nasıl durum / Kırım var, ama Kırımlılar yok.

kaydedilmemiş yine bir şiirin ”Kırım Hayalleri“ dizisinden olduğunu kanıtlar. **“Sahipleri Bırakıp Giden Ev”** şiirini siz de okuyun, lütfen.Sizin fikriniz de öyle olacak, bizce:

Kim var? Bomboş ev, her taraf karanlık. / Yaslandığı semanın rengi solmuştur. / Kim var? Bomboş ev, her taraf karanlık. / Göçmüşler. Yıldızlar nereye göçmüşler?

Karanlık. Her taraf karanlık. Yok, yok. / Sonsuz çöl gibi kurumuş tamtakır. / Karanlık, her taraf karanlık. Yok, yok. / Zavallı bomboş ev, ey kimsesiz...[155]

Dördüncü mısraya dikkat edelim*: ”Göçmişler. Yıldızlar nereye göçmüşler?“*. Önce şair sadece *“Göçmüşler”* diyor. Sonra bu durumu tek kelimeyle ifade etmek imkansız olduğunu anlar ve *:”Yıldızlar nereye göçmüşler?“* sorusunu yönetir. Çünkü bu evin sahipleri yıldızlar gibi uçmuşlar. Kim bilir, dünyanın hangi tarafına uçmuşlar, belki bu dünyadan göçmüşlerdir? Bunu bilen yok. O yüzden şair mısrası soru ile bitirir.Çünkü Kırım halkı dağıtılmış, saçılmış idi. İşte, bu evin gerçek sahibi nerede? Bunu kimse bilmiyor. Şair ev sahiplerinin acı kısmetine işare ediyor.

Şairin **“Sen Uyuyorsun”** şiirindeki *”Hu! Taş duvarlı evini tanıdın mı delikanlı? / Orada sen üç ay yaşadın. / Üç ay tamı tamına./ Hem de annenin karnında ...“* [156] mısraları “Sahipleri Bırakıp Giden Ev”i hatırlatmıyor mu? Eğer cevabınız ”Evet“ ise bizimle aynı fikirdesiniz. Şiirin mazmununa göre “Bu şiir Kırım'da yazılmıştır” diyebiliriz. Ama incelediğimiz kaynaklarda buna işaret eden notu görmedik. Şiirde poetik fikir iyice gizlenmlştir. Bunun sayesinde Sovyet dönemi yayınlarında kolayca yayınlanmış. ”Bahçesaray Fıskıyesi“ , “Şefikâ, Sitemkâr Dansöz ”, ”Sahipleri Bırakıp Giden Ev“ şiirleri Rauf Parfi'nin Kırım'da bulunduğunun delilidir.

Peki, Rauf Parfi Kırım'a nasıl gidebildi? Kırımlılar oradan kovulmuşlar dı ya?! “Kırım Tatar şairi” diye suçlanan insanın Kırım'a gitmesine nasıl izin verdiler? Bu soruları cevaplamak için geçmişe dönmek mecburiyetindeyiz. 28 Nisan, 1956 yılında SSCB Yüksek Sovyet Prezidyumu Fermanı ile sürülmüş halklar affedilmiş, ama yurdundan kovulmuş her insana şöyle senet yazdırılmıştır: *”Ben (adı, soyadı) Yüksek Sovyet Prezidyumu Fermanı ile sürgünden âzat edildiğimi öğrendim. Sürgün zamanında benden alınanların geri verilmeyeceği ve önce yaşadığım yere dönmem yasak olduğu konusunda uyarıldım.“*

Sürgün edilenlerin çoğu bu senete imza atmaya razı olmamış. Bu insanlar Sovyet Komünist Partisi'nin XX syezdi (toplantısı)nden sonra adalet olacağını umuyorlardı. Üç sene sonra SSCB Yüksek Sovyeti'nin toplantısında Çeçen, İnguş, Kalmık, Karaçay ve Balkar halklarının vatanlarına dönmelerine izin verildi. Kırım Türklerinin dönmelerine izin yoktu. Bu haksızlık Kırım Türklerinin millî bağımsızlık hareketlerini başlatmalarına sebep olmuştu.[157] Şairin şiirlerine göre hükmedersek, bu hareket boşa gitmemiş, yurda dönme yolu açılmıştır. “Kırım Hayalleri” Şiir Dizisindeki bazi şiirleri okurken, bunu hissederiz:

Haydi, kalk, haydi, kalk, / Vatan ola gözüne hedef. / Hey, Kırımlı kardeş, sen sevin, / Kutsal günlerin geldiğine inan.

Üzengiye cesurca ayak koy,/ Rüzğar gibi uçsun ta ki atın./ Yollarına döşeyerek yaygı / Seni bekliyor ana toprağın.[158]

Şairin **”Sen uyuyorsun“** şiiri yirmi yıl önce sekiz aylık rüşeym halinde vefat etmiş bebeğe hitaben yazılmıştır:*”Sen uyuyorsun, / Şirin düşler görerek./ Zerre kadar topraklar altın...“* Merhum yabancı toprakta yatıyor, ama bu toprak altın kadar kıymetlidir. Çünkü o merhumu kucağına almış, dünyaya göz açıp kendi vatanını görme saadetinden mahrum edilmiş bir insana ebedî rahat verebildiği için altındır bu toprak. Bu mısraları yazan şair için de bu toprak altındır. Şiir mısralarında “zerre kadar toprak” kucağında “şirin düşler görmekte olan” bebek kısmetindeki acı sayfalar birer birer açılır. Bilindiği kadarıyla yirmi yıl önce anne rahminde üç aylık oğulcuk olan bu insanın babası “cenkte vicdanıyla şehit düşmüş”. Demekki, o Vatanını son nefesine kadar korumuştur. Ama sevdiğinin yanına dönmek, onun vücudunda

---

[155] Şiir **Dr. Hikmet Koraş** tarafından Türkçeye çevirilmiştir. Bakın**: Özbek Şairi Rauf Parfi**. Konya. Kömen Yayınevi. 1. Baskı. 2009. s.346

[156] Hikmet Koraş, age. s.358

[157] Bak.: Йылдыз.1989.№3.s.9

[158158] Ö.A.(Ç.R.). D.Y.N.

yaşamakta olan çocuğunu görmek kısmet değilmiş. Vatanı uğrunda, tek çocuğunu vücudunda taşımakta olan sevgili eşi ve doğacak bebeğinin parlak geleceği için seve seve can vermiştir o.

Peki, böyle kutsal arzular uğrunda savaşmış, şehit düşmüş insanın eşi ne durumdaydı? Maalesef, karısının kısmeti kocasınınkinden de korkunç, dehşetlidir. Zavallı kadıncağız hem eşinden cüda olmuş, hem yurdundan kovulmuş. *"Nefesler sönmekte olan karanlık vagon içinde"* Vatanından sürülmüştür. Hamile halinde, Sovyetlerin vagonunda tonlarca et gibi yatmış, birileri ölmekte olan kalabalığın arasında aç, uykusuz, yarını ne olacağı belli olmayan durumda, meyustur o. Trenden indikten sonra da bu işkenceler azalmaz. Yabancı ülkede hamile kadın için sakin bir sığınağın bulunmadığı, rahatsızlıklar, hor görücü bakışlar gibi problemler kadının kendisini unutmasına, karnındaki sekiz aylı bebeğini toprağa atmasına sebep olmuştur. Annenin bu durumu şair mısralarında şöyle açıklanır: *"Annen çıldırmıştır. / Vahşetten. / Haksızlıktan delirmiş./ Zavallı annen..."*.

Yirmi bir yıl geçti.Kırımlıların Kırım'a dönmesine izin verildi. Böyle bir durumda Rauf Parfi gurbetteki her insanın kendi Vatanına dönmesini istiyor. Hatta , sekiz ay anne karnında yaşayan, dünyaya gözlerini açamadan öldürülen bebeğin de. *"Altın toprakta yatıyor, şirin düşler görüyor"* olmasına rağmen...

Yurda dönme gurbetteki Kırımlıların kutsal amacıydı. İzin bile verildi . Ama başka bir problem vardı: geri dönenlere ikamet izni verilmedi. İkamet izni olmadıkça ne ev alabilirler, ne de iş bulacaklardı. Böylece vatanına dönmekte olan Kırımlılar durduruldu. (Bu yasa sadece Kırım Türkleri için yürürlükteydi. Edindiğimiz bilgilere göre son yirmi yılda SSCB'nin başka yerlerinden **600 000** kişi Kırım'a göçürülmüştür.)[159]

"Kırım Hayalleri" Şiir Dizisinin esas kahramanı kadınlardır. Şair sürülmüş Kırımlı kadını çeşitli durumlarda tasvir eder.Kırımlı kadının feci hayatını yansıtmak için türlü üslupları kullar. Örneğin, **"Türk Kadını İbadeti"**nde muellif nutku vasıtasıyla Kırımlı kadının yaşadıkları çok etkili olarak ifade edilmiştir. **"Şefikâ, Sitemkâr Dansöz"** şiirinde ise muellif nutku doğrudan doğruya kahramana yönetilmiştir. **"Hicrette Anne Ninnisi"** şiiri kahramanın nutku aracılığı yoluyla yaradılmıştır. Ninni söylemekte olan anne bebeğine yüreğini açar. Böylece gurbetteki annenin iç dünyası yansıtılır.

"Hicretteki Anne Ninnisi" şiiri[160] 1965 yılında düzenlenmiş "Kırım Hayalleri" Şiir Dizisinden yer almamıştır. Çünkü şiir 1973 yılında yazılmıştır. Anlaşılıyorki, Rauf Parfi'nin konuyla ilgili duyguları uzak sürmüştür. Şiir altı mısralı bentlerden oluşmuştur. *"Nida ettim, nidalar ettim, ninni, / Ben seni yoktan var ettim, ninni"* mısraları tarce olarak her bent sonunda tekrar edilmektedir. Şiirde Kırımlı annenin acı kısmeti ve dertleri her bentte daha güçlü ıstırapla tasvir edilmektedir:

Şeker kuzum, düşlerin olsun şirin, / Sen benim canımsın, sen benim tenim./

Annenin göğsünde gizlenmiş intikam, / Yüreğinde ok parçası – Vatanım. Diledim Allahtan, yalvardım, ninni, / Seni ben yokluktan apardım, ninni.[161]

Bu şiiri yazarken Rauf Parfi öyle yol tutmuşki, tasvir edilen annenin Leningrad'dan göçürülenlerden mi yoksa Kırım'dan kovulanlardan mı olduğunu anlamak imkansızdır. Çünkü her ikisi de vatanından ayrılmış, ikisinin yurdunu da "yavuz yıldırım" basmış, ikisi de eşinden kara haber almış.Bu sebeple Sovyet sansürü bu şiirin yayınlanmasına engel olamamış.Şiir şairin hep kitaplarında yayınlanmıştır. Aslında şiirin kime ithaf edildiğini anlatan ipucu var. Bu ipucu şiir başlığından sonraki **"(1944)"** hemde **"Ayder Osman'a"** notlarıdır.Bu konuda şair şöyle yazıyor*:" Bu şiir Kırım Türklerine ithaf edilmiştir.* ***"(1944)"*** *notu ve* ***"Ayder Osman'a"*** *cümlesini hicret etmiş Tatar kerdeşlerimize işare olarak yazmışım."*[162]

"Kırım Hayalleri" Şiir Dizisine dikkat edildiğinde yalnız bu şiirin değil, "Vatan" başlıklı bir başka şiirin de Ayder Osman'a ithaf edildiğini görürüz. Peki, Ayder Osman kimdi? Rauf

---

[159] Bak.: Йылдыз.1989.№3. s.10

[160] Ö.A.(Ç.R.)D.Y.N.

[161]Hikmet Koraş, age, s.456

[162]Рауф Парфи.Таржимаи ҳолим. // Ёшлик.1993.№1.–Б.13

Parfi Ayder'i nereden biliyor? Edebiyat bilgini Numan Rahımcanov' un verdigi bilgiler konuya ışık tutuyor*: "Biz akran öğrenciler yaşça biraz büyük olan (...) Ayder Bey'e "Osmanoğlu" diye sesleniyorduk. Ünlü yazar Ayder Osmanoğlu Kırım vilayetinin Beşkurt-Vakif köyünde doğmuştur. 1952-1956 yıllarında Mergilan Pedagoji Kolejinde okudu. Altıarık ilçesi okullarında öğretmen olarak çalıştı.1960-1965 yıllarında Taşkent Devlet Üniversitesi (TaşDÜ) Gazetecilik Fakültesinde okudu.*

60'lı yıllarda TaşDÜ'nün Filoloji Fakültesi Hadra'daydı.Fakülteye gidip gelmenin kolay olması için Rauf Parfi sınıftaş dostu Ayder Osman'la birlikte Eskişehrin Karadut, Sebzar semtlerinde kiralık evlerde oturmuştur".[163]

Rauf Parfi ve Ayder Osman'ın bu derece yakın münasebette olduklarını öğrenince şairin mısraları şu arkadaşına ithaf edildiğini kolayca anlamak mümkün:

Yurttaşım, ayrılmışsın yurdundan, / Ayrılmışsın yurdundan sen, yurttaşım./ Ben vatandan bir an ayrılır isem, / O lâhzada hemen ölürüm.

Hayalimde yanıma gelip, / Eşiğimde oturuyorsun sessizce. / Oturuyorsun yüzün asıktır, / Dert yazılı yüzünde kırışıklar.[164]

Bazı kaynaklarda **"Hicran"** başlığıyla yayınlanmış bu şiirin birkaç varyantları bulunmaktadır. Bazi varyantlar sekiz, bazileri on altı mısralıdır. On altı mısralı varyantlarda ilk kelime "Yurttaş" olduğu halde, sekiz mısralı varyantlar "Yurttaş", "Değerli", "Ey, misafir" kelimeleri ile başlıyor.Şiirin hiçbir nüshası yayınlanmamıştır. "Değerli" kelimesiyle başlamış bir nüshası "Kırım Hayalleri" Şiir Dizisinden yer almıştır. Varyantlar hangi kelimeyle başlasa başlasın, bize göre bu şiir Ayder Osman'a ithaf edilmiştir.

"Kırım Hayalleri" Şiir Dizisindeki şiirler türlü karakterdaki insanları tasvir ediyor. Hemde bu şiirlerde onlara muvafık yaradılmış poetik kahramanlar da var. Kuş böyle bediî vasıtalardandır. Rauf Parfi Kırımlı kahramanlarını belli durum ve şahsiyetine göre çeşitli kuşlara benzetiyor. Meselâ, yurdundan uzakta yaşamakta olan Şefikâ'yı **kuğu**ya (*"Kuğu gibi kanatlarını aç..."*) benzettiyse, "Hicrette Anne Ninnisi" şiirinde anne dilinden *"Bağlarda ötüyor kara kargalar, Bağlar bülbülünden ayrıldı, yavrum",* derken**, bülbül** ve **karga** gibi birbirinden çok farklı olan, çeşitli manâlar ifadesine hizmet eden kuşları karşılaştırır. Şairin *"Ufuk yaralanmış, kırmızı"* diye başlayan şiirinin ilk varyantlarından birinin başlığı **"Turnalar"**dır. Rauf Parfi bu şiirde Özbekistan'dan kendi vatanına dönmekte olan Kırım Türklerini **turna**lar sürüsüne benzetiyor:

Turnalar ufuklara yazdınız neleri, / Niçin yürek yandı sitemden? / Ah çekerek dedi bana turnalar:"Ayrılmak zorundayız Özbekistan'dan".

Bu mısralarda şair Kırım halkının Özbekistan'ı da kendi vatanıymış gibi sevdiğini vurgulamak istiyor. Ama Vatan Vatan neyse...

Kapağında **1968** yazılı bir defterinde Rauf Parfi **"Vatana dönmek"** başlığıyla 12 maddeden ibaret fikirlerini yazmıştır. Bu fikirler Vatan konusunda, vatanına dönmekte olan Kırımlılar hakkındadır. Bazi fikirleri şunlardır:**1.** Dünyada en büyük ve kudretli duygu Vatan sevgisidir**. Ölmekte olan gecede sanki yaşayan ışık, / Arkadaşlar, anne Vatan duygusu demek. 5.** Halkı kendi vatanından cüda etmek tüm insanlığa ihanet demektir. **10. Seni kovulanlar kovdular, / hain diye suçladılar seni hainler. 11.** *Bugün Vatanına dönmektedirsin, / Sağ olasın, ebedî ola ana Vatanın.* **12.** Ama candan sevdiğin o güzel yurdunda ikinci anneni, yani Özbekistan'ı asla unutma.[165] Rauf Parfi Kırımlı kardeşlerini böylece yolcu etmiştir. Maalesef, onların kendi vatanında kalıp kalmadığı konusunda bilgimiz olamadı.

Rauf Parfi'nin yurdundan sürülmüş Kırımlılar konusundaki son şiiri 1973'te yazılmıştır. Bundan sonra şair bu konuda şiir yazmamış. Ama Özbek edebiyatında Rauf Parfi'yle başlamış Kırım konusu devam etmiş, edebî gelenek haline gelmiştir. **Abdulla Şir**'in *"Bahçesaray Balladı", "Hangi Asır, Hangi Yıl, Aydan...", "Destandan Sonra", "Kızıl Şalonlar",*

---

[163] Рауф Парфи. Сакина. Тошкент, Муҳаррир, 2013. –Б. 323-324

[164] Ö.A.(Ç.R.) 19-defter, s.109

[165] Ö.A.(Ç.R.). 20.defter.s.1-3. Son maddeden sonra Rauf Parfi imza atmış, imzadan sonra yine iki cümle eklenmiştir:13.Lenin'in yüzyılında. 14.Meyus sevinç.

“Kırım'daki İcat Evinde”, ”İki Ok” şiirleri , **Hurşit Devran**'ın *“Karadağ Defteri”* Şiir Dizisi ve **Osman Koçkar**'ın *“Sürü”* şiirleri Özbek edebiyatının güzel örnekleri sayılır.

“Kırım Hayalleri” Şiir Dizisindeki şiirleri incelerken, Rauf Parfi'nin hayatı ve eserleri ile ilgili bazi detayları tespit ettik: **1**. Şairin özel arşivini esas alarak bugüne dek müstakil bir eser halinde yayınlanmamış “Kırım Hayalleri” Şiir Dizisi tertip edildi. **2.** Hiçbir kaynakta ‘Kırım Hayalleri” Şiir Dizisine mensup olduğu kaydedilmemiş **“Türk Kadını İbadeti”, “Sahipleri Bırakıp Gitmiş Ev”, “Turnalar”, “Sen Uyuyorsun...”** şiirlerinin bu Şiir Dizisine mensup olduğu kanıtlandı. **3.** Sovyet sansürü yüzünden kısaltılmış veya ciddî tahrir edilmiş şiirlerin ilk varyantları ilk defa araştırıldı. **4.** Şairin eserlerinde Kırım konulu şiirlerın yazılma sebepleri incelendi. **5.** Şiir Dizisindeki şiirlere göre Rauf Parfi'nin henuz öğrenciyken Sovyet mefkuresi ve dahilerine münasebeti olumsuz olduğu öğrenildi. **6.** Şairin ilmî biyoğrafisinde çok önemli olan etken, yani 1965 yılında Kırım'da bulunduğu tespit edildi. **7.**Şairce başlatılmış vatanından sürülmüş Kırımlılar konusu Özbek edebiyatinde Rauf Parfi'den sonra da devam ettirildiği izlendi.

Kaynaklar

1. Парфи Рауф. Хотирот. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 80.
2. Парфи Рауф . Қайтиш. – Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 192.
3. Парфи Рауф. Сакина. – Т.: Муҳаррир, 2013. – Б. 376.
4. Парфи Рауф. Таржимаи ҳолим // Ёшлик. 1993, № 1. – Б. 13.
5. Рауф Парфининг шахсий архивидаги қўлёзмалар.
6. ”Ҳақ йўли, албатта, бир ўтулгуси...” (Шоир Аъзам Ўктамнинг Рауф Парфи билан суҳбати) // Муштум, 1990, № 22. – Б. 16–17.
7. Раҳмат Р. Шоир Рауф Парфи билан суҳбат // Адабиётдан чиқиш. – Т.: Академнашр, 2015. – Б. 69.
8. Шер А. Гул йиллар, булбул йиллар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2012. – Б. 426.
9. Даврон Х. Баҳордан бир кун олдин. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 196.
10. Қўчқор У. Қувғин // Оғир карвон. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 126.
11. Пулатов Т. Кръымтатарлар натиджени сабырсызлыкънен беклейлер // Йылдыз, 1989, №3. – Б. 7–10.
12. Dr. Hikmet Koraş. Özbek Şairi Rauf Parfi. Konya. Kömen Yayınevi. 1. Baskı, 2009. s. 346.
14. Ünver Sel. Kırım ve Kırım Türkleri. Ankara: 1997. s. 214.

DÖNEMİN EDEBİYATINDA EMİR ÖMERHAN FENOMENİ

DAVR ADABIYOTIDA AMIR UMARXON FENOMENI

Doç. Dr. Atabek RUSTAMBEKOĞLU
Özbekistan İlimler Akademisi Alişir Nevai
Devlet Edebiyat müzesi ilmi müdürü

Otabek JO'RABOYEV
O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Alisher Navoi nomidagi Davlat adabiyot muzeyi
ilmiy ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari,
filologiya fanlari nomzodi, dotsent.

Özet:

Makalede XIX y.y. Çağatay klasik edebiyatında özel bir yer tutan, özgü bir dönemi başlatan Kokand hanlığı hakanı ve yeteneklı bir şair olan Muhammed Said Emir Ömerhan'ın (1787-1822) edebiyat alanındaki geniş faaliyeti ve edebiyattaki fenomeni söz konusu olmuştur. Ömerhan'ın kendi dönemi ve sonrakı dönem edebiyatının gelişimine katkısı fakt ve deliller ile açıklanmıştır. Bu hususta bilim adamları ve şairlerin eserlerinden örnekler getirilmiştir.

Anahtar kelimeler:

Emir Ömerhan, fenomen, edebi kaynaklar, divan, Kokand edebi çevresi.

Qisqacha bayon:

Maqolada XIX asr o'zbek mumtoz adabiyotida alohida bir davrni boshlab bergan Qo'qon xonligi hukmdori va iste'dodli shoir Muhammad Said Amir Umarxonning (1787-1822) adabiy sohadagi ulkan faoliyati va adabiyotdagi fenomeni haqida so'z yuritiladi. Uning o'z davri va keying davr adabiyotini rivojlanishiga qo'shgan hissasi fakt-dalillar yordamida ochib berilgan. Bu borada olimlar va shorlarning asarlaridan namunalar keltirilgan.

Kalit so'zlar:

Amir Umarxon, fenomen, adabiy manbalar, devon, Qo'qon adabiy muhiti.

"Fenomen" so'zi yunoncha (φαινόμενον) bo'lib – "paydo bo'lish", "hodisa" ma'nolarini anglatadi. Aniq fanlarda atama sifatida "kuzatiladigan hodisa" mazmunini bersa, ijtimoiyotda ko'proq "favqulodda paydo bo'lgan, odatiy bo'lmagan hodisa" tarzida ham ifoda etiladi [1].

Demak, badiiy adabiyotda ham har bir davr va davrlar uchun favqulodda iste'dodli va keng ko'lamdagi ijokorlarni fenomen deyish o'rinli. Yoki, boshqacharoq qilib aytganda, o'z davri uchun ideal ijodkor. Bunday ijodkorlarning asarlari keng miqyosda o'qilishi bilan birga, ularning shaxsi ham ma'lum ma'noda ardoqqa ega bo'ladi. Rus adabiyotshunosi M.Pozdnevga ko'ra: "Samoe shirokoe opredelenie tvorchestva – eto deyatelnost, v kotoroy skazыvaetsya lichnost" [2, 10]. (Tarjimasi: *Shaxsiyat bo'rtib turgan faoliyatda ijodkorlikning keng miqyosi aniqlanadi.*)

Zikr etilgan masalaga XIX asr Qo'qon adabiy muhitida ta'sir doirasi ko'proq va kuchliroq bo'lgan Amir Umarxon misolida to'xtalsak.

"Amir" ("Amiriy") taxalluslari bilan she'rlar ijod qilgan Qo'qon xoni Muhammad Said Amir Umarxonning (1787-1822) davr adabiyoti uchun fenomen bo'lmog'iga bir qancha sabablar bor edi. U o'z davrining eng yorqin ijodkori va ijodiy muhit tashkilotchisi bo'lgan.

Keng ko‘lamdagi va yorqin ijodkorlarga boy adabiy muhitning esa o‘z-o‘zidan paydo bo‘lib qolmasligi, sharoit va zaminning hozirligidan tashqari yana kuchli bir adabiy ta’sir yoxud ijodiy inersiya ham lozimligi ma’lum. Muhit uchun namunali ijodkorlarning asarlari ham o‘ziga xos ravishda tashviq qilinmog‘i va o‘rnak bo‘lmog‘i zarur.

Amir Umarxon nomi bilan bevosita bog‘liq Qo‘qon adabiy muhiti XIX asrning birinchi yarmida o‘ziga xos bo‘lib, bu ilmiy-madaniy muhit ko‘p jihatlari bilan boshqalardan ajralib turadi. Uning boshida shubhasiz ma’rifatparvar Umarxon bo‘lib, u ilm, madaniyat, san’at, adabiyot, turli kasb-hunarlarning rivojiga katta e’tibor berdi, madrasalarda o‘qish-o‘qitish ishlarini yaxshilanishi va turli hunar maktablarining ochilishiga diqqat qildi. U o‘z atrofiga 70 dan ortiq shoir yig‘ib, ularga ijod qilish imkoniyatini yaratgan. Saroyida esa tez-tez she’riy majlislar, nafis suhbatlar, ilmiy bahslar uyushtirib turgan. *“Umarxon asri Farg‘onaning eng obod, ilm va fazl taraqqiy etgan; atrof jonibdagi viloyat va mamlakatlardin Umarxonning avsofi hamidasini eshitgan ulamo va fuzalo va shuarolar jam’ bo‘lub, ilmu fazl rivoj topgan edi”* [3, 90].

Aniqlik uchun, Umarxon tashkil etgan adabiy muhit va uning ta’siri o‘zbek mumtoz adabiyoti rivojiga sezilarli ta’sir o‘tkazgani haqida o‘sha davrga nisbatan yaqinroq bo‘lgan ayrim olimlar fikriga quloq tutsak.

Professor Abdurauf Fitrat uni alohida *“Umarxon poetika maktabi”* desa [4, 11-88], Miyon Buzruk Solihov *“Oltin beshik davri adabiyoti”* deb ataydi [5, 74]; Sadriddin Ayniy esa *“turkiy she’riyat Navoiydan keyin Umarxon davrida ikkinchi marta yuqori cho‘qqiga chiqdi”* deya ta’kidlaydi. Vadud Mahmud “Bu kungi she’rlarimiz va san’atkorlarimiz” maqolasida Amir Umarxonni *“Ilohiy tarannumlar sohibi”* deya ta’rif etadi [6]. V.Mahmudgacha va undan keyin ham Umarxon she’riyatiga bunday ajib va balandmaqom baho berilmagan [7]. Unda V.Mahmud yangi o‘zbek she’riyatiga, to‘la ma’noda, mumtoz she’riyatimiz maktab bo‘la olishini uqdirgan va o‘z qarashlarini Amiriy nazmi bilan asoslashga tortinmagan. U *“SHarq turk she’rining ikkinchi oltun davri boshlig‘i bo‘lg‘on Umarxon”*, deya yuksak baho beradi.

Shu bilan birga, sobiq mustabid sovet davri adabiyotshunosligi ayni Umarxon va uning atrofidagi adabiyotni “feodal-klerikal” deya [8; 9; 10] ayovsiz tanqid qilayotgan paytlarda Kolumbiya universitetining olimasi Susanna S. Nettleton Umarxon Qo‘qonni o‘z davrining Markaziy Osiyodagi ham iqtisodiy, ham madaniy jihatdan ilg‘or o‘lkaga aylantirganini ta’kidlagan edi [11].

Vaqtlar o‘tib, istiqloldan so‘ng bu borada ahvol jiddiy o‘zgardi. [Ko‘plab tadqiqotlar: dissertatsiya va boshqa ilmiy kuzatishlar e'lon qilindi (A.Qayumov, M.Qodirova, A.Madaminov, O.Jo‘raboev, Z.Qobilova, E.Ochilov, A.Erkinov, Sh.Vohidov, Sh.Mahmudov kabi olimlarning ishlarini sanash mumkin).] Birgina, 2017 yil o‘tkazilgan “Amiriy va Qo‘qon adabiy muhiti” mavzusidagi ilmiy-amaliy anjumanda ham ko‘plab yaxshi e’tiroflar berilgan [12].

Ko‘p yillik kuzatishimiz va bu boradagi tadqiqotlardan xulosa qilib, Amir Umarxon adabiy fenomenini quyidagi faktorlarda ko‘rish mumkin [13]:

I. Amir Umarxonning bevosita topshirig‘i yoki taklifi bilan yaratilgan adabiy manbalar.

Xon topshirig‘i va homiyligi bilan bir necha nodir asarlar yaratilib, milliy tarixnavislik va adabiyotimiz xazinasidan munosib o‘rin oldi. Jumladan, Abdulkarim Fazliy, Mushrif va Xotifning birgalikda yaratgan “Majmuai shoironi Umarxoniy” tazkirasi, Fazliyning “Umarnoma” tarixiy masnaviysi, Mushrifning “SHohnomai Nusratpayom”, Gulxaniyning “Zarbulmasal” asari shular jumlasidandir. Ulardan “Majmuai shoiron” va “Zarbulmasal” alohida ajralib turadi.

“Majmuai shoironi Umarxoniy” tazkirasida yuzdan ortiq shoirning she’rlari, etmishdan ortiq ijodkor haqida ma’lumot va ularning Umarxon she’rlariga naziralari o‘rin olgan. Bu asar o‘zbek va fors tilida bo‘lib, nazm bilan yozilgan yagona tazkiradir. “Zarbulmasal” esa o‘zbek nasrining noyob namunalaridan bo‘lib, bu janrda yaratilgan jahondagi boshqa asarlar tenglasha oladigan unikal manbadir.

Ana shunday noyob manbalardan yana biri “Muhabbatnoma” qo‘lyozmasi hij. 1234 (mil. 1818-19) yil Amir Umarxonning buyrug‘i bilan to‘rt xattot (Tursun Muhammad, Mirzo Rahimqul, Muhammad Yusuf va Bobo Mir Mirzo) tomonidan Qo‘qon shahrida kitobat qilingan [14; 15]. Bu haqda va umuman qo‘lyozmaning yaratilishi, uning ustida kimlar ishlagani va kotiblaru lavhsoz rassomlar haqida batafsil ma’lumot qo‘lyozmaning 476ª-478ª varaqlaridagi xotima qismida bayon etilgan.

“Ul sulton-us-salotin olinishoni gardunmador va ul podshahi javonbaxt ma’dalatosor va shahriyori Jamjohi Sulaymonviqor va shahanshohi Skandarmakon hazrati Sayyid Muhammad Umar Bahodurxon domi iqbola va shavkata humoyun alqobida va sharafliq avsofi xitobidakim donishmand ulamolar va xiradmand fuzalo va shuarolar rasoilu qasoid tartibig‘a shug‘l etar erdilar. Behishtosor mahfilda va firdavsi oliymisol majlisida mo‘‘tabar devonlardin o‘zga va e’tibor safhalar g‘ayri nima o‘qulmas va bo‘lmas erdi. Ul hazratning kimyoasar nazarikim rahamatosorini masdaridur; anvori adolat matla’i va ayn-ul-kamol sarchashmasini manba’i erdi... shul soat farmoni oliy sudur topib davlati janobidag‘i bir necha munshiylarkim har birlari Mir Ali va Mir Imodi zamondurlar, alarning oralaridin to‘rt javohirraqam va atorudqalamkim davron dabiristonini sehrkor va mo‘‘jiznigoridurlar; intixob qilib buyurdikim bu to‘rt devoni mutafarriqa va murattabu marbut yozilib har qaysisi o‘z mahalida voqe’ bo‘lub anjom va intizom tobqay...

Nazm:

Amir-al-muslimin, Doroi davron
Ki, bordur barcha sultonlarg‘a sulton.
Turkiy shahlarni oliyqadr shohi,
Muxallad bo‘lg‘ay iqboli ilohi.
Zamona ahli insofig‘a foxir,
Xaloyiq adlidin osudaxotir.
Adolat mulkini farmonravosi,
Jalolat shahrini kishvarkushosi....
Yozildi to‘rt devoni Navoyi,
Ki bo‘ldi bir mujallad ichra joyi.
YAna ikisi Lutfiyu Fuzuliy,
Ki bo‘lmish ahli donishni qabuli.
Bale bu olti devoni kiromi,
“Muhabbatnoma” yanglig‘ bo‘ldi nomi...”

II. Amir Umarxonni ustoz va homiy sifatida ko‘rilishi.

Mazkur muhitda etishib chiqqan o‘nlab iste’dodli ijodkorlar mumtoz adabiyotimiz xazinasini o‘zlarining asarlari bilan boyitish bilan birga Umarxonni shoir sifatida o‘zlariga ideal yoki ustoz deya bilardilar.

Amiriyning devoni debochasida she’r yozishi va ularning yon-atrofdagilarga manzur bo‘lishi haqida kamtarlik bilan shunday yozadi: «*...Va chun har abyot xayol dafinasidin terib, har nazm javharin andesha xazinasidin chiqorib zohir qilur erdim. Fi-alhol, atorud qalam muharrirlari kitob silkina chekar erdilar. To andak fursatda varaq poralar yuzi to‘ldi va ul musavvadalarni yig‘ishtirub, ag‘yordin pinhon tutub, juzvdon ganjinasida yoshurur erdim. Va gohi bir oz g‘azalkim mulozimlar arosida mashhur bo‘lub qolur erdi, nohidnavo parital’atlar yod olib, nishod majlisinda o‘qub, sururi ohangi birla mutarannum bo‘lur erdilar. Va ushshoqlar ul navo zamzamasi samo’idin huzur topib, ruh g‘izosi aytar erdilar. Ammo ajzolarni jam’ qilmoq xayolim go‘shasida yo‘q erdi. Bir kun huzuri majlisda zakiytab’ zufununlarkim, so‘z guharlarin sarroflari erdilar, bir necha abyotlarimni bulbulnavo gulchehralar surudin istimo’ qilib, haz topib, o‘z joylaridin turub, qo‘l qovushturub iltimos qildilarkim, hazratlaridin ruxsati oliy muyassar bo‘lsa, bu shahvori guharlarkim ajzo sahfalarda parishondur, devon silkida muntazam bo‘lsa, qaysi g‘azal o‘z bahrida tartib birla bitilsa, lozimi bal-alzam ko‘runur.*

Nechukkim, kalom ul-mulk muluk ul-kalomdur. Mabodo, gul avroqlaridek havodis tundbodidin sochilib zoe' bo'lg'ay, deb tazarru' qildilar...» [16, 5-6]

Haqiqatan, Umarxon she'riyati o'zining salmog'i, mavzular ko'lami va badiiy jozibasi bilan nafaqat zamondosh balki, keyingi avlod ijodkorlarni ham o'ziga jalb etib kelgan. Akmal,Fazliy, Ado, Vazir, Xijlat, G'oziy, Mushrif, Maxmur, Xotif, Nola, Hoziq, Ma'dan,Nodira, Uvaysiykabi o'nlab shoirlar Amiriy g'azallariga taqlid qilib, nazira va tatabbu'lar qilishgan. "Majmuai shoiron" tazkirasining o'zida bunday naziralarning oltmishdan ortig'i keltiriladi. Misol uchun, *"Ey niholi sarvqaddi gulbuni bog'i safo..."* deya boshlanuvchi Amiriy g'azalining o'ziga yigirmadan ziyod tatabbu' qilingan. Bu esa o'z navbatida, Amiriy boshqa zamondoshlarga o'rnak va o'rganishga arzigulik asarlar yaratganidan dalolatdir. (To'g'ri, keyingi davr adabiyotshunosligida bu haqda biryoqlama munosabatdagi, g'alat talqinlar ham paydo bo'ldi [17].)

Umarxon she'riyatidagi o'ziga xoslik, original o'xshatishlar va ma'nolar rang-barangligidan ta'sirlangan ko'plab shoirlar qatori "malikush-shuaro" nomini olgan Fazliy "Majmuai shoiron"da yozadi:

Maoniy yuzidin ko'tardi g'ubor,
Haqiqatni qildi Amir oshkor.
Bu ma'niga el iktifo qildilar,
O'qub bu g'azalni duo qildilar...

Ya'ni, Amir she'rlari o'z haqiqiyligi bilan ma'nolar yuziga qo'ngan g'ubor (chang)larni ko'tardi va she'r qanday bo'lishi kerakligi haqidagi haqiqatini oshkor qildi. Bu ma'nolarni tushungan adabiyot ahliga uning duo bilan o'qiladigan g'azallari kifoya qildi.

Yoki, Xijlat Amirga bir nazirasida uning shoirona lutfini e'tirof qiladi:

Qamug' nozikado erdi Xijlat podshoh lutfi,
Aning nozuk xayolin fitrati idroka do'ndurdi.

Bu kabi ehtirom va samimiy e'tirof namunalarini boshqa ijodkorlarda ham ko'rish mumkin.

Umarxonning turmush o'rtog'i Nodira ijodiy merosini yuzaga kelishida ham bevosita uning xizmatini ta'kidlash lozim. Chunki, shoiraning xotirlashicha unga she'riyatning nozik jihatlari va qoidalarini Umarxonning o'zi o'rgatgan va ustozlik qilgan. Bu o'rinda Nodira devoni debochasidagi quyidagi parcha o'rinli:

"... Men ham alar (Umarxon) mutobaatida nazm uslubidin bahra topib "as-suhbatu muassiratun" (ta'sirli suhbat) natijasi birla kam-kam she'r qonunidin xabardor bo'lub, goho bir misra' va goh biror bayt taqlid birla aytur erdim. Hazrat (Umarxon) ba'zi nuqsonlarig'a isloh berib mavzun va murassa' qilur erdilar. To andak fursatda ash'or qoidalarig'a muvosanat paydo qildim, to nazm fununig'a mohir va mazmun sehrida sohir bo'ldim. Ersa goho hazrat (Umarxon) ba'zi toza mazmunlardin bir misra' birla savol tariqasida so'rar erdilar, filfavr oxiri misra' birla javob aytur erdim va tabiatlarini xush qilur erdim. Biri budurkim, bir kun savol qildilarki, misra':

- *Nega arbobi xirad ahli junundin ori bor?*

Javob aydimki, misra':

- *Kim bular uryon, alarning jubbau dastori bor..."* [18, 20-21]

Umarxonning bevaqt vafotidan so'ng Nodira ijodida Umarxonga bag'ishlangan she'rlar paydo bo'ldi. Ular turli janrlarda bo'lsa-da firoqnoma xarakteridagi asarlardir. Hattoki, alohida "Firoqnoma" nomli manzuma ham bor. Ularda Umarxon siymosi shavkatli xon, adolatli hukmdor va vafodor yor o'laroq tasvirlangan.

Jovidon jannatda bo'lg'ay hazrati sulton Umar,
Bor erdi Farg'ona mulkida amiri mo''tabar...

kabi misralarda Amir Umarxon yodga olingan va Nodira bir umr unga sadoqat saqlagan, o'z she'riyatida muhabbat va vafo ohanglari tarannum etgan.

Umarxon zamondoshlaridan bo'lmish Mahzun esa uning nomiga bir muvashshah-g'azal bitgan. Quyida u birinchi marta e'lon qilinmoqda:

Adadsiz umr bersun, bazmingga bizlarni shodob et,

Ko‘runsa har jigarpora tarahhum ila odob et.

Maqomi Umar bebunyoddur, o‘tgil tamonnodin,
Karam daryosig‘a oshiq elin lutf ila g‘arqob et.

Rivoji davlati husning ko‘rub zoil o‘lur aqlim,
Sariq guldek agar yalg‘on desam, bag‘rimni zardob et.

Xumori nargising ko‘rgach ki, jon ko‘ngluma zor aylab,
Demishmankim, ketarman ishqning bag‘rig‘a girdob et.

Asiring o‘lg‘ali qo‘ysam qadam oshub ila jono,
Bahaqqi sebi surxing, shum raqib ko‘ksini xunob et.

Nasime kelsa vaslingdin tarabdin degayman har dam
Kel ey, ahli muhabbat bu shahi o‘zinga ahbob et.

Qilibman bayt aro tavqe’ sani bir harf nomingni,
Umidi mo‘‘jiz Mahzun budur – zulmingni noyob et. [19]

G‘azalning olti bayti avvalidagi harflar yig‘idisidan “Umarxon” ismi kelib chiqadi. Qizig‘i shundaki, xonga nisbatan “odob et”, “ahbob et” va qolaversa “zulmingni noyob et” deya murojaat qilingan. Bu esa o‘z navbatida o‘sha davrdagi hukmdor (Umarxon) tarafidan shuaroga nisbatan demokratik yondashuvni ham ko‘rsatadi. Aks taqdirda, uning atrfida bo‘lgan shoirlardan hisoblanuvchi Mahzun bu tariqa yoza olmas edi.

Umarxon vafotidan so‘ng esa uning odil hukmdor va ezgu xislatli inson ekanligini ta’rif etgan yana boshqa ko‘plab she’riy ta’rixlar, manzumalar yaratildi. Masalan, Xijlat, Hoziq, Fazliy, Ado, Vazir, Xotif, Qori Qunduziy kabi shoirlarning ta’rixlari ma’lum. Abdurahmon Mirzo esa maxsus marsiya yozib Nodiraga taqdim etgan.

Sobiq mustabid sovet davrida go‘yoki Umarxonga qarshi qo‘yilgan oppozitsiyadagi shoirlardan bo‘lmish [20] Maxmurning saqlanib qolgan birgina majmuasida Umarxonga bag‘ishlangan sakkizta she’ri mavjud [21]. Birinchisi – “Dar madhi hazrati Umar Sulton” qasidasi shunday boshlanadi:

Bihamdillah Xalloqi kavni makon,
Qilib bizni mamluki sohibqiron.
Jahondor Said Umar podshoh,
Falak qadar Sulton getipanoh...

Yana “Qasida dar vasfi Umar Sulton”, “Madhi digar dar sifati xoqoni adolat...”, “Muxammasi dar madhi amiral-muslimin Said Umar Sulton”, “Qasidai bahoriy Umarxoniy”, “Muxammasi batarixi vafoti Said Umar Sulton”, “Dar madhi hazrati Said Umar Sulton”, “Dar madhi Said Amir Umarxoni behishiston” nomli she’rlar bor.

Shu kunga qadar bu asarlarning hech biri tadqiq etilmagan va e’lon qilinmagan. SHuningdek, yana aynan Maxmur tarafidan Umarxonga qaratilgan to‘rtta arznoma matni ham bor. Bular esa o‘z navbatida Maxmurning Umarxonni nafaqat xon, balki ulkan homiy va tayanch sifatida ko‘rganidan dalolat qitladi.

Shu bilan birga ta’kidlash lozimki, Maxmurning yuqorida eslangan qo‘lyozmasini manbashunoslik aspektidagi tahlili shuni ko‘rsatmoqdaki, Maxmur o‘z to‘plamini “majmuai shoironi Umarxon” qolipi tarzida tuzgan [22, 16-18]. Biroq, unda o‘ziga yoqmagan Umarxon davridagi kazo-kazolarni tanqid qilingan. Fikrimizcha, u o‘z o‘z to‘plamini aynan Umarxonga taqdim etish uchun tayyorlagan. Lekin, xonning vafoti tufayli buni amalga oshirish imkoni bo‘lmagan ko‘rinadi.

III. Amir Umarxon asarlarining badiiy ta'siri va ularni yuksak ijod namunasi sifatida ko'rsatish.

Adabiy muhitning o'ziga xos an'analari esa davom etibgina qolmay, keyingi davr ijodkorlari ham Amir Umarxonning devonidan bahramand bo'lgan holda uning she'riyatiga yuqori baho berib keldilar, undan o'rgandilar. Nodira, Uvaysiy, Ogahiy, Xon, Rojiy, Muhyi, Qoriy, Muhayyir, Muqimiy, Furqat, Tabibiy, Haziniy, Muhsiniy kabi ko'plab iqtidorli shoirlar Amiriyning she'riyatdagi yuksak mavqei va san'atkorligiga tahsin aytib kelganlar.

Aytaylik, Jahonotin Uvaysiy (1780-1845) devonidagi bir necha she'r Nodira va Muhammadalixonga bag'ishlab yozilgan. SHu bilan birga, Umarxonga qaratilgan yoki unga atalgan hamda uning she'riyatidan ilhomlanib yaratilgan ash'ori ham bor. Masalan shoiraning:

Bag'rimi so'rsang misoli lolagul yaprog'idur,
Vahki yaprog'i na o'lsun, bag'rin ichra dog'idur,
Ko'hkandek qozg'onim Homun aro g'am tog'idur,
Qo'ldagi teshamni so'rsang sabrning tirnog'idur,
Jismu jonim ostoni dargahing tuprog'idur,
Rahm qil davlatlisultonim, muruvvatchog'idur...

deya boshlanuvchi musaddasi Umarxonga bag'ishlov va murojaat ekanligi ikki jihatdan seziladi. Birinchidan, asar ohangi va uslubiga ko'ra hukmdorga qaratilgan; ikkinchidan bu Amiriyning tarje'-musaddasiga javobiya tarzidagi aynan musaddas janridagi she'rdir. Mana shu javobiyaga sababchi Umarxon she'rining ilk bandi:

O'tti ayyomi visol-u, etti furqat navbati,
Emdi yo'q sabr etgali birdan ko'ngulning toqati,
G'am hujumi, fitna torojiyu hijron ofati,
Muncha g'avg'odin parishondur ko'ngul jam'iyati,
Qolmadi bir zarra sandin ayru ko'nglum rohati,
Lutf chog'i, marhamat vaqti, muruvvat soati...

Misralardan ma'lum bo'ladiki, Uvaysiy ham Amiriy she'ridagi motivni davom ettirgan, ham badiiyatni go'zal saqlagan, ham javobni nuktadonlik bilan savol-murojaatga aylantirgan. Bu esa Umarxon she'riyati doimo zamondosh shoirlarga uslub, badiiyat va mavzu bobida o'rnak bo'lib kelganiga yaqqol dalildir.

Yana misol, mashhur va zabardast shoirimiz Mavlono Muqimiy (1850-1903) Amiriyning she'rlarini "nazokatli" deb hisoblagan va bir necha g'azallariga taxmislar bog'lagan. Muhammaslaridan biri "SHirin" radifli g'azalgadir. Uning so'nggi bandi shunday:

Ko'rub diydori Haq, bo'lsun maqoming jannatul-ma'vo,
Nazokat gul qilur har misraingdin, ey shahi dono,
Bu bahr ichra sadaf yanglig' Muqimiy, sen durri yakto,
Bu kun qaysi shakkarlab vasfini qilding Amir insho,
Dedi nazmingni ko'rgach har buti shirin: "zabon shirin"...

Taxmis qilingan misralardanoq Amir Umarxonni "shahi dono" ekanligi, keyingi davr ziyoli qatlamida esa "jannatmakon" tushunchasi bilan yashayotganini ilg'ash bilish.

Davrning zabardast shoirlaridan biri Muhyi (1836-1911) ham Umarxon ishe'riyati va ayniqsa shaxsiga katta hurmatda bo'lgan. Uning "Riyoz-ul-firdavsi kashkuli Muhyi" nomli qo'lyozma daftarining bir necha sahifalarida Umarxonni "jannatmakon" ekanligi va uning vafotiga ta'rixi o'rin olgan, she'rlaridan ko'chirgan [23]. Husaynquli Muhsiniy (1860-1917) devonida aynan esa Umarxon davrini shoirlar qadrlangan vaqtlar sifatida qumsash ohangidagi misralari bor.

Amiriy g'azallariga tatabbu' va taxmislar esa alohida mavzu bo'lib, bu o'rinda uning zamondoshlaridan tashqari keyingi davrda yashagan o'nlab mualliflar ham ko'p sonli nazira va muxammaslar qilganini aytoqchimiz. O'rnak uchun – Qoriy, Muhayyir, Muqimiy, Muhsiniy, Furqat, Haziniy kabi Qo'qon shoirlari, Ogahiy, Rojiy, Komil, Tabibiy kabi Xorazm shoirlari, hattoki Samarqand-Buxoro muhitidagi bir qancha shoirlar qatorida amir Abdulahad – Ojizning Amiriy g'azallariga taxmislarini sanashimiz mumkin.

Xulosa qilganda, Amir Umarxon davr she'riyatida bir fenomen o'laroq bo'y ko'rsatgan bo'lib, uning ijodidagi jozibador go'zallik, yorqin va ravon misralar, betakror badiiyat o'ziga xos ravishda zamondoshlari va albatta keyingi davr shoirlari uchun mahorat maktabi sifatida ko'rilgan.Hattoki, Xorazm shoirlari ijodida ham Umarxon va u yaratgan adabiy muhitning ta'sirini ko'rish mumkinligi ta'kidlandi (misol uchun: Muhammad Rahimxon Feruz tuzdirgan tazkiralar; Amirga muxammaslar). Bir so'z bilan aytganda, Amir Umarxonning o'zi davr adabiyoti uchun fenomen vazifasini to'laqonli bajargan bo'lsa, u yaratgan adabiy muhit o'z analogiga ega bo'lmagan alohida hodisa o'laroq jahon adabiyoti tarixiga kirdi. Bu borada faqat ulug' Alisher Navoiy boshchilik qilgan Hirot adabiy muhitigina oldinga chiqa oladi.

KAYNAKÇA:

1. https://ru.wikipedia.org/wiki/Fenomen#Literatura
2. M.Pozdnev. Zachem izuchat istoriyu literaturnoy misli? / Kniga sochinitelya. – S.Peterburg: Amfora, 2008.
3. Mirzo Olim Maxdum hoji. Tarixi Turkiston. –Toshkent: Yangi asr avlodi, 2008.
4. Abdurauf Fitrat. Adabiyot qoidalari. / Tanlangan asarlar. 4-jild. –Toshkent: Ma'naviyat, 2006.
5. M.Buzuruk. Orta Asja va ozbek өzbek ədəbijəti ta'rxĝa umumii qaraş. Birinci qsm. – Taşkent: Өznəşr, 1930.
6. Vadud Mahmud. Tanlangan asarlar. –Toshkent: Ma'naviyat, 2009.
7. O.Jo'raboyev. Ilohiy tarannumlar sohibi// O'zAS. 2009, 11 sentyabr.
8. A.Qayumov. Qo'qon adabiy muhiti (XVIII-XIX asrlar). –Toshkent: O'zbekiston Fanlar akademiyasi nashriyoti, 1961.
9. V.Abdullaev. O'zbek adabiyoti tarixi (XVII-XIX asr birinchi yarmi). –Toshkent: O'qituvchi, 1981.
10. O'zbek adabiyoti tarixi. Besh jildlik. 4-jild. –Toshkent: Fan, 1979.
11. Susanna S. Nettleton. Ruler, Patron, Poet: Umar Khan in the blossoming of the khanate of Qoqan, 1800-1820 // International journal of Turkish Studies. Winter 1981-82. Vol.2, No.2.
12. Amiriy va Qo'qon adabiy muhiti. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. Qo'qon, 2017 yil, 8-9 avgust. –Toshkent: Tamaddun, 2017.
13. O.Jo'raboyev. Amir Umarxon va Qo'qon adabiy muhiti // O'zbek tili va adabiyoti. 6-son. 2019.
14. O.Jo'raboyev. "Xazoyinul-maoniy"ning bir shohona qo'lyozmasi va uning matniy xususiyatlari // Adabiyot ko'zgusi. №12. –Toshkent, 2011.
15. O.Jo'raboyev. Matnning matnosti sirlari. Monografiya. –Toshkent: Tamaddun, 2011.
16. Devoni Amir. –Toshkent: Porsev matbaasi, 1898.
17. A.Erkinov. Temuriylar – Qo'qon xonligi sulolaviy legitimatsiyasi uchun model sifatida (XIX-XX asr boshi saroy bayozlari misolida)// Sharqshunoslik. 15/2011. 20-32-betlar.
18. Nodira-Komila. Devon. Nashrga tayyorlovchi: M.Qodirova. –Toshkent: Xalq merosi, 2001.
19. O'zR FA Davlat adabiyot muzeyi. Furqat arxivi, Furqat bayozi. 91a-b varaqlar.
20. Bu taxlit g'ayriilmiy yondashuv dastlab A.Qayumov ishlarida (Maxmur. –Toshkent, 1959), so'ngra "O'zbek adabiyoti tarixi" kitoblarida aks etgan (V.Abdullaev. –Toshkent, 1980; 4-tom. –Toshkent, 1980).
21. O'zR FA Davlat adabiyot muzeyi qo'lyozmalar fondi. 709 raqamli qo'lyozma.
22. O.Jo'raboyev. Devonchilik va majmuachilik xususida // O'zbekiston yosh adabiyotshunoslari va tilshunoslarining anjumani materiallari. –Toshkent, 2008.
23. O'zR FA ShI fondi. 11324 raqamli qo'lyozma.

ШЕЪРИЯТДА АНЪАНА ВА ВОРИСИЙЛИК
(Юнус Эмро шеърлари мисолида)

ŞİİRDE ANANE VE HALEF MESELESİ
(Yunus Emre şiirleri örneğinde)

Сирдарёхон ЎТАНОВА,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, ф.ф.н.

Doç. Dr. Sirderyahan UTANOVA,
Özbekistan Cumhuriyeti Bilimler Akademisi Özbek Dili, Edebiyatı ve Folkloru Enstitüsü

Резюме*: Мақолада Юнус Эмро лирикасидаги ранг билан боғлиқ ифодалар бадиий маҳорат нуқтаи назаридан ўрганилган. Шунингдек, Юнус Эмронинг Аҳмад Яссавийдан таъсирланиши, шоирнинг ўзидан кейинги ижодкорларга таъсири масалалари ҳам кенг тадқиқ этилган.*
Калит сўзлар: *Аҳмад Яссавий, Юнус Эмро, адабиёт, асар, китоб, шеър, ишқ.*

Özet*: Makalede Yunus Emre şiirlerinde renkle ilgili ifadeler sanatsal maharet açısından incelenmektedir. Yunus Emre'nin Ahmed Yesevî hikmetlerinden etkilenmesi, bununla birlikte sonraki dönemlerde yaşayan şairlere etkisine de değinilmektedir.*
Anahtar kelimeler*: Ahmed Yesevî, Yunus Emre, Edebiyat, Eser, Kitap, Şiir, Aşk.*

Хассос қалб шоир Юнус Эмро том маънода ишқ куйчиси, муҳаббатни минг бир сеҳру синоат билан, кўнгил жозибаси ва ўртанишлари билан шарҳлаган. Ҳар бир шеърида, аввало, Яратганга, сўнг инсон ва барча махлуқотга муҳаббатни ҳис қилиб турганингиз учун ҳам Сизни завқ ва ҳаяжон чулғаб олади. Шу сабабдан ҳам, ижодкор руҳиятининг мисраларга кўчган бадиий ифодалари ўқувчи кўнглини ром этади.

Қалби мустаҳкам исломий эътиқоди ила нурланган ижодкор тасаввуф ахлоқи ва мезонларини гўзал лирик асарлар қатига жо қилди. Юнус Эмро шеърларида илгари сурилган ваҳдати вужуд назарияси, ошиқнинг ҳолатлари, бу ўткинчи дунёнинг лаззатларидан воз кечиб, Оллоҳга юзланган дарвешнинг сифатлари ифодасида турк мутасаввифлари, хусусан, Аҳмад Яссавий ҳикматлари таъсири сезилади.

Ота-она қариндош, қаён кетти фикр қил,
Тўрт оёғлиқ чўбин от, бир кун санга етаро...

Қул Хожа Аҳмад тоат қил, умринг билмам неча йил,
Аслинг билсанг обу гил, бир кун гилга кетаро.

Зеро, Яссавийни ўзига улуғ салаф деб билган Юнус Эмронинг *“Келинг, бир назар қилинг”*(“*Gelin bir nazar eylen*”) шеърида юқоридаги шеърга уйғун мазмун ва оҳангни дарров англаш мумкин:

Gelin bir nazar eylen, n’oldu cihan içinde,
Niceler toprak oldu bu az zaman içinde.

O taze güller soldu, bülbüller ötmez oldu,
Ata-ana zar oldu, kaldı zindan içinde.

Ҳар икки шеър бу дунёнинг елдек ўтиб кетиши, унинг ҳеч кимга вафо қилмаслиги ҳақида. Ижодкорлар бу билан инсонни руҳан уйғоқликка, ҳавойи нафсга берилмасликка огоҳ этади.

Шоир шеърларида Оллоҳга бўлган ишқ ўтида ёнган, бу йўлда ҳатто жон бермоқни ўзига саодат деб билган хокисор, камсуқум дарвеш қиёфаси гавдаланади. Жумладан, “Sen derviş olamazsın”, “Bu dervişlik yoluna” каби қатор шеърларда дарвешликни маслак деб билган, Оллоҳга етишмоқ йўлида риёзат чекиб, тобланаётган ошиқ – дарвеш, унинг руҳий ҳолати содда ва равон услубда тасвир этилган:

Bu dervişlik yoluna aşk ile gelen gelsin,
Ya dervişlik neydiğin bir zerre duyan gelsin.

Hele biz işbu yola gelmedik riyâ ile,
Bu melâmetlik donun bizimle giyen gelsin.

Gözüyle gördüğünü örte eteği ile,
Bu yol key ince yoldur yüreği döyen gelsin.

Ulu kiçi erenler demiş bizi sevenler,
Kayıkmasın geriye ol şaha gelen gelsin.

Her kim sever Allah’ı rahmet kılar vallahi,
Dil sevgisiyle olmaz aşk ile göyen gelsin.

Юнус Эмронинг англатиши бўйича, Ишқ − Оллоҳга етиш, уни англаш воситаси. Шу сабабли ҳам дарвешлар учун ишқ бу − илм. Худди шундай, лирик қаҳрамон қалби ишққа макон эди, унинг вужуд лойи ишқ ўтида пишган. Унинг наздида дарвеш − етук илму донишни эзгу хулқу одоб билан омухта қилган комил инсон тимсоли, камтарлик, хоксорлик, мулойимлик, хушфеъллик, олижаноблик, сабр-қаноат, саховат, жўмардлик,

қўйингки, барча эзгу инсоний фазилатлар соҳиби. Дарвешликни мукаммал ахлоқ эгаси бўлиш, деб билгани учун ҳам шоир барчанинг дарвешлик хислатидан озми-кўпми баҳраманд бўлишини истайди.

Ёки шоирнинг “Işitin ey yârenler” номли бошқа бир шеърида ишқ қуёшга ташбеҳ этилади, қалбида ишқ бўлмаган юракнинг эса тошдан ҳеч фарқи йўқ. Билинадики, тош қалбда на кечинма бўлади, на изтироб ва на иштиёқ.

İşitin ey yarenler aşk bir ***güneşe*** *benzer,*
Aşkı olmayan gönül misâl-i ***taşa*** *benzer.*

Taş gönül*de ne biter dilinde ağu tüter,*
Nice yumsak söylese sözü savaşa benzer.

Aşkı var gönlü yanar yumuşanır muma döner,
Taş gönüller kararmış *sarp katı kışa benzer.*

Geç Yunus endişeden, gerekse bu bişeden,
Ere aşk gerek önden sonra dervişe benzer.

2006 yılında Cemal Kemal'in *Asrlar bilan Vidolashuv. She'rlar. Saylanma* ("Asırla Vedalaşma. Şiirler. Seçmeler") adlı kitabına *She'riyat – Dar va Umid Demak* ("Şiir, Dert ve Ümit Demek") ön sözünü yazmıştır.

2006 yılında N.Ramazanov'un Mevlana'dan derlediği parçaların yer aldığı *Hikmatlar* ("Hikmetler") adlı kitaba *Hikmat – Ko'ngil Chirog 'i* ("Hikmet, Gönül Işığı") ön sözünü yazmıştır.

Yine 2006 yılında Seyfeddin Rafiddin'in çeviridiği ve Nadirhan Hasan'ın hazırladığı Osman Nuri Topbaş'ın "Bir Testi Su" adlı kitaba *Qalb Ko'zasi* ("Kalp Testisi") ön sözünü yazmıştır.

2008 yılında Cemal Kemal tarafından, Farsçadan Özbek Türkçesi'ne çevirilen Molla Camî'nin hayatı ve şiirlerinin yer aldığı "Gulshaningda So'lmasin Gul" ("Gülşeninde Solmasın Gül") adlı kitaba *Ruh va Ma'no Sarboni* ("Ruh ve Mana Kervanbaşısı") ön sözünü yazar.

2008 yılında Cemal Kemal tarafında Farsçadan Özbek Türkçesine çevrilen Feridüddin Attar'in "Esrarname"sine *Attor Kash Etgan Asror* ("Attar'ın Keşfettiği Esrar") adlı ön sözü yazmıştır.

2014 yılında Nadirhan Hasan'ın hazırladığı Prof. Dr. Abdurahman Güzel'in, Ahmed Yesevî'nin Fakrnamesi üzerine yapmış olduğu çalışmaya *"Faqr Nuri – So 'nmas Nur"* ("Fakr Nuru – Sönmez Nur") adlı ön söz yazmışır.

2016 yılında Ali Şîr Nevâî'nin Şah Beyitlerinin yer aldığı kendi çalışmasına *Ma'no va Tafakkur Ziyo*si ("Mana ve Tefekkür Aydınlığı") adlı ön sözü yazmıştır.

2018 yılında Nadirhan Hasan ile birlikte hazırladığı Hoca Ahmed Yesevi'nin "Divan-ı Hikmet" adlı kitaba önsöz yazmıştır.

2020 yılında Nadirhan Hasan ile birlikte hazırladığı "*Ömrün Yel Gibi Geçer Ha*" Hoca Ahmed Yesevi adlı kitaba Nadirhan Hasan ile birlikte önsöz yazmıştır.

Sonuç

20.yüzyılda Özbekistan'da Aynî, Aybek, Maksuz Şehzade, Parsa Şemsiyev, Vahid Abdullayev, Hamid Süleyman, Alim Şerafiddin, Abdulkadir Hayıtmetov gibi Ali Şîr Nevâî yetişti; İ. Hakkul da bu isimlere dahil oldu. Ali Şîr Nevâî'yi yediden yetmişe herkesin anlaması gerektiğini düşünen araştırmacı, 1970'li yıllardan bu yana ilmi-sade makaleler yayınladı, kitaplar yazdı ve söyleşilere konuk oldu. Ali Şîr Nevâî'yi araştımalarının başköşesine koydu. Yine klasik edebiyatçılardan Babür, Gedaî, Üveysî, Ataî, Baba Rahim Meşrep, Rudeki, Hayyam, Avaz Otar, Molla Camî gibi kişileri ve eserlerini inceledi. Aynı zamanda yeni edebiyatı eski edebiyatın bir devamı olarak nitelendirerek ceditçi sanatçılar, Özbek Sovyet dönemi sanatçıları ve bağımsızlık döneminde kalem oynatan sanatkârlar hakkında çalıştı ve çalışmalarına halen de devam etmektedir.

Tasavvuf araştırmalarıyla da ilgilendi; tasavvuf tarihi, Özbek tasavvuf edebiyatının gelişimi, klasik şiirdeki tasavvufi görüşler, tasvvufi ıstılahların manaları, Ali Şîr Nevâî ve tasavvuf gibi birçok açıdan değerlendirmeler de bulundu. Tabii bu alan üzerine eğilmesinin neden olarak Sovyetler zamanında tahsil gören ve akademik hayata başlayan araştırmacının bu dönemde yapılan edebiyat araştırmalarındaki eksikliklere vakıf olması gösterilebilir. Mesela, o dönemde Özbekistan'da Divanı Hikmet araştırmaları yasaklanmıştı, Ali Şîr Nevâî'nin dini-tasavvufi içerikli eserleri yayınlanmıyordu; klasik şairlerin şiirleri esas manasına göre değil, Sovyet ruhuna göre yorumlanıyordu. Bundan dolayı İbrahim Hakkul; 1970'te başlayan siyasi

çözülme ile birlikte faaliyetlerini bu konular üzerine kurdu, 1991 yılındaki bağımzılıkla çalışmalarına hız verdi ve günümüze kadar da bu faaliyetlerine devam edegelmektedir.

Bağımsızlıktan sonra da metin şerhi, edebi eleştiri tarzında çalışmalarını sürdürdü. Yukarıda bahsedilen hususlara ek olarak bu dönemde farklı araştırmacılar tarafından her klasik şairin tasavvuflaştırıldığını saptayınca o yazıları tenkit edici yazılar yazdı ve metin araştırmalarına yön verici bilgiler sundu.

Aynı zamanda yeni edebiyatı eski edebiyatın bir devamı olarak algılayan araştırmacı, sanatıyla fikirleriyle ön plana çıkan yeni edebiyatın seçkin isimleri hakkında da çalışmalar yapmaktan geri durmamıştır.

Bugün Özbekistan Bilimler Akademisinde akademik çalışmalarına devam eden İbrahim Hakkul; Mehmed Fuad Köprülü, Zeki Velidi Togan, Mustafa Çokay gibi mütefekkir bir bilim adamıdır. Çağatay ve tasavvuf edebiyatı sahasında yapılan araştırmalarda ilmi kaynak olarak kullanılacak çalışmalar vücuda getirmiştir. Türkiye'de de bu çalışmaların tanınması ve onlardan yararlanılması gerektiğini düşünmekteyiz.

Kaynakça

AÇIK, Fatma (2007), Özbek Edebiyatı, Ankara: Alp yayınevi

AÇİLOV, Ergaş (2009), Filoloji Fenleri Doktoru İbrahim Hakkkul'un İlmi, Sanatı, Pedogojik ve İçtimai Faaliyeti Hakkında, Taşkent: ÖZRFA

AHMEDOVA, Şaira, QODİROVA Nasima (2012), Yoniq Qalb Harorati, Buhara: Buhara yayınları

DOĞANAY, Elif (2016), "Prof. Dr. İbrahim Hakkul'un 'Ali Şîr Nevâîyga Qaytiş-2' Adlı Eserinin Muhteva Açısından Tahlli", (Yayınlanmamış Yüksek Lisans Tezi), İstanbul.

HACI BEKTAŞI VELI: Makalat (200), (Çeviri: İ. Hakkul), Taşkent: "Abdulla Kadiri Halk Mirası" yayınevi

HAKKUL, İbrahim (1981), Özbek Edebiyatında Rubai, Taşkent: ÖzFA Puşkin Dil ve Edebiyat Enstitüsü, Özbekistan "Fen" Neşriyatı

HAKKUL, İbrahim (1987), Estetik Sözler Şükuhu. Taşkent: Gafur Gulam Edebiyat ve Sanat yayınları

HAKKUL, İbrahim (1989), Zincirbent Aslanin Huzurunda, Yıldızca neşriyat – Taşkent

HAKKUL, İbrahim (1990), Edebiyat Nesli, Taşkent: Yaş Gravdiya yayınları

HAKKUL, İbrahim (1990), Şiiriyet Ruhi Münasebet, Taşkent: "Gafur Gulam" Edebiyat ve Sanat yayınları

HAKKUL, İbrahim (1991), Tasavvuf ve Şiir, Taşkent: Taşkent: "Gafur Gulam" Neşriyat-Matbaa Birleşmesi

HAKKUL, İbrahim (Derleyen ve Çeviren) (1997), İlahi Kerametler Bibliyografik Metin. Taşkent: Yazuvçı yayınları

HAKKUL, İbrahim (2001), Ahmet Yesevî, Taşkent: Gafur Gulam Edebiyat ve Sanat yayınları

HAKKUL, İbrahim; HASAN, Nairhan; BEKTAŞ, Aziz (Derleyen ve Çeviren), Hoca Ahmet Yesevî: Hayatı, Eserleri, Tesirleri, Taşkent Özbekistan Yazarlar Birliği Vakfı Yayınevi, (2001)

HAKKUL, İbrahim (2006), Tasavvuf Dersleri, Buhara: Buhara yayınları

HAKKUL, İbrahim (2007), Abdulla Kahhar Cesareti, Taşkent: ÖZRFA "Fen" yayınları

HAKKUL, İbrahim (2007), İtikat ve Sanat, Taşkent: ÖZRFA Fen yayınları

HAKKUL, İbrahim (2007), Ali Şîr Nevâî'ye Dönüş – 1, Taşkent: ÖZRFA Fen yayınları

HAKKUL, İbrahim (2007), Takdir ve Tefekkür, Taşkent

HAKKUL, İbrahim (2008), Miras ve Mahiyet, Taşkent: Maneviyat yayınları,

HAKKUL, İbrahim (2009), Kim Neye Dayanır, Taşkent: Zerkalem yayınları

HAKKUL, İbrahim (2009), Sanat İklimi, Taşkent: ÖZRFA Fen yayınları

HAKKUL, İbrahim (2009), Müşahede Nuru, Taşkent: ÖZRFA Fen yayınları,

HAKKUL, İbrahim (2010), Divan-ı Hikmetin 20.yüzyılda Özbekistan'da Yayınlanması ve Tetkik Edilmesi, Uluslararası Hoca Ahmet Yesevi Sempozyumu (20 -21 Şubat)

HAKKUL, İbrahim (2011), Ali Şîr Nevâî'ye Dönüş – 2, Taşkent: ÖZRFA Fen yayınları

HAKKUL, İbrahim (2013), Sözdeki Özlük, Taşkent: Beyaz yayınları

HAKKUL, İbrahim (2016), Ali Şîr Nevâî'ye Dönüş – 3, Taşkent: ÖZRFA Fen yayınları

HASAN, Nadirhan, "Kubbet'ul İslam Buhara", Şefkat Dergisi, İstanbul, 2010: 76-79, sy:1

ÜŞENMEZ, Emek (2013), Yeni Özbek Edebiyatı, Ankara: Akçağ yayınları

www.ozdost.com.tr/FileUpload/ds383779/File/i.hakkul.pdf.

https://www.youtube.com/watch?v=xTuqz5KiO0E

https://www.youtube.com/watch?v=ve5J1mQoidY

https://www.youtube.com/watch?v=Hkz1j-IW0mo&list=PL474C4EB6BA5BFE63&index=1
https://www.youtube.com/watch?v=ic53qaK73ZY&list=PL474C4EB6BA5BFE63&index=2

ЎЗБЕК ВА ТУРК ТИЛШУНОСЛИГИДА СИФАТ СЎЗ ТУРКУМИГА ОИД ҚАРАШЛАР

ÖZBEK VE TÜRK DİL BİLİMİNDE SIFAT KELİME GRUBUYLA İLGİLİ GÖRÜŞLER

Муқаддас Абдураҳмонова
ЎзМУ доценти
Сабоҳат Бозорова
ТошДЎТАУ катта ўқитувчиси

Doç. Dr. Mukaddes Abdurahmanova
Özbekistan Millî Üniversitesi
Sabohat Bozorova
Ali Şir Nevaî Taşkent Devlet
Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi

Özet: Bu makalede Özbek ve Türk dil bilim adamlarının sıfat kelime grubu hakkındaki fikirleri incelenmiştir. Kelimeleri sınıflandırma konusundaki bilimsel tartışmalardan bahseden makale yazarları Özbek ve Türk dil bilimindeki benzer ve farklı yaklaşımlar hakkında bilgi vermişler.
Anahtar kelimeler: Özbek Dil bilimi, Türk Dil bilimi, sınıflandırma, kelime grubu, sıfat.

Abstract: In this article, the opinions of Uzbek and Turkish linguists about the adjective were examined. The authors of this article, who talked about the scientific debates on classifying words, gave information about the similar and different approaches in Uzbek and Turkish linguistics.
Keywords: Uzbek Linguistics, Turkish Linguistics, classification, word group, adjective.

Туркий тиллар таснифига кўра, ўзбек тили қарлуқ гуруҳига, турк тили эса ўғуз гуруҳига мансуб бўлса-да, бу тилларнинг айни пайтдаги ҳолатларини, айниқса, морфологик ва синтактик сатҳдаги ҳозирги хусусиятларини ўрганиш мазкур тиллар тараққиёти қонуниятларини аниқлаштиришга имкон беради. Нутқ механизми учун грамматик қонуниятларни ўрганиш, хусусан, сўз шаклларининг шаклий-вазифавий имкониятларидаги ўзгаришларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, тилларда сўзларни туркумларга ажратиш, яъни қайси тамойилларга кўра аниқлаш масаласи мунозарали бўлиб келмоқда.

Сўзларни туркумларга ажратишда, асосан, лексик маъно, шакл, вазифа, деривация (сўз ясалиши) назарда тутилади. Бу барча тилларга хос бўлса-да, бироқ ҳар бир тил қурилишида сўз туркумларининг таснифи алоҳида қарашни талаб этади. Чунки бир

тилдаги грамматик белги иккинчи тилда учрамаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар бир тилдаги сўз туркумларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, юқоридагилардан бири асосий, етакчи деб белгиланади. Ҳинд-Европа тилларида сўз туркумларини ажратишда, асосан, морфологик кўрсаткичлар инобатга олинади. Туркий тиллар оиласига мансуб ўзбек ва турк тилларида ҳам морфологик белги эътиборга олинса-да, сўзнинг лексик маъноси ва синтактик вазифаси асос ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида сўз туркумлари 12 та (от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, кўмакчи, боғловчи, юклама, модал сўзлар, ундов сўзлар, тақлид сўзлар). Турк тилшунослигида эса сўз туркумлари 8 та (от, олмош, сифат, равиш, феъл, кўмакчи, боғловчи, ундов сўзлар).

Турк тилшунослигида сўзнинг қайси туркумга мансублиги гап ичида, яъни бирикма ҳолатида намоён бўлади. Ўзбек тилшунослигида *қизил, чиройли* сифат ҳисобланса, турк тилшунослигида бу сўзлар нутқдаги вазифасига кўра от, равиш, ҳатто, ундов сўз бўлиши мумкин. Уларни сифат дейиш учун от билан биргаликда ифодалаш зарур. Масалан, *kırmızı elma(қизил олма), güzel kız (чиройли қиз).* Турк олими М.Эргин **“Sıfatlar, adla birlikte görev üstlenebilen sözcüklerdir. Cümle içinde ya da dışında hiçbir sözcük tek başınayken “sıfat” olamaz”** *(Сифатлар от билан биргаликда вазифа бажара оладиган сўзлардир. Гап таркибида ёки алоҳида ҳолда ҳеч қайси сўз сифат бўла олмайди)* деб таъкидлайди. Демак, турк тилшунослигида сифат фақат аниқловчи вазифасидагина сифатдир.

“Туркий туб сифатлар белгига ишора маъносини беради. У белгини тасвиран ифода этади”.[254] Ўзбек тилшунослигида, предметнинг, қисман ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сўзлар **сифат** дейилиб, **Қандай? Қанақа?** сўроқларига жавоб бўлади. Белгисининг хусусиятига кўра улар иккига бўлинади: *аслий* ва *нисбий* сифатлар.

Турк тилшунослигида предметнинг хусусиятини, ўрнини белгилаган ҳамда миқдорини аниқлаган сўзларга *сифатлар* дейилади ва **Nasıl? (Қандай?) Ne durumda? (Қандай ҳолатда?) Ne renk? (Қандай ранг?) Hangi? (Қайси?) Kaç? (Неча?) Ne kadar? (Қанча?)** сўроқларига жавоб бериб**,** маъно ва вазифасига кўра икки турга бўлинади: 1. **Niteleme Sıfatı** (хусусият билдирувчи сифатлар): а) niteleme sıfatı; б) renk sıfatı (ранг билдирувчи сифатлар); в) unvan sıfatı (унвон сифатлари). Масалан, *dar oda (тор хона), ak gül (оқ атиргул), çalışkan insan (меҳнаткаш инсон).Böyle (бундай), şöyle (шундай), öyle (ундай)* сифатлари отдан олдин келган ҳолатларда хусусият сифатлари; феълдан олдин ишлатилганида равиш бўлади. 2**. Belirtme Sıfatı** (Аниқловчили сифатлар): а) işaret sıfatı (кўрсатиш сифати); б) belgisiz sıfat (гумон сифати); в) sayı sıfatı (сон сифати); г) soru sıfatı

[254] Миртожиев М. Туркий туб сўзлар тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2017. – Б. 220.

(сўроқ сифати). Масалан, *şu kitaplar (шу китоблар), bazı öğrenciler (баъзи ўқувчилар) hangi çocuk? (қайси бола?), yedi kişi (етти киши*) каби. Мисоллардан кўриниб турибдики, турк тилшунослигидаги “niteleme sıfatı”га ўзбек тилшунослигидаги аслий ва нисбий сифатлар, “belirtme sıfatı”га эса олмош ва сон сўз туркумлари тўғри келади.

Қуйида ўзбек тилшунослигидаги сифат сўз туркумида мавжуд бўлмаган ҳолатларга тўхталамиз.

Unvan Sıfatı **(унвон сифатлари**)ни баъзи турк олимлари “Unvan adları” деб от сўз туркумига киритади. Бу сўзлар ўзидан кейин келган отларнинг мансаби, вазифаси, даражасини билдириб, ҳурмат маъносини ифодалайди. Масалан, *Doktor Hasan* (шифокор Ҳасан), *Öğretmen Selim* (ўқитувчи Салим) каби.

Işaret Sıfatı **(кўрсатиш сифати**) предметни ишорат (белгилаш) йўли билан аниқлайди. *Bu ev (бу уй), şu adam (шу одам), o kitap (у китоб).*

O genç, adama yaklaştı (У йигит одамга яқинлашди).

Belgisiz Sıfat **(гумон сифати**) аниқловчиси ноаниқ (гумон) бўлган сўзлар. Масалан, *Bazı günler canım sıkılır (Баъзи кунлар юрагим сиқилади). Birçok insan sizi anlamıyor (Бир қанча одам сизни тушунмаяпти).*

Sayı Sıfatı **(сон сифати**) борлиқларни миқдор йўли билан аниқлайди. Ўзбек тилшунослигида сон сўз туркумига эквивалент ҳисобланади. Масалан, *İki kişi (икки киши), birinci sınıf (биринчи синф), birer elma (биттадан олма), yüzde elli (юздан эллик*) каби. Турк тилшунослигида сон алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилмаган.

Soru Sıfatı **(сўроқ сифати**) сўроқ маъноли сўзлардир. Масалан, *Hangi kumaşı beğendin? (Қайси матони ёқтирдинг?) Ne kadar ekmek alayım? (Нечта нон олай(ин)?)* каби.Сўроқ сифатлари ҳар доим ҳам сўроқ маъносини ифодаламайди.Масалан*:Kaç defa uyardım, beni dinlemedi* (Неча марта огоҳлантирдим, менга қулоқ солмади). *Kaç yere gittiyse eli boş döndü*(Қанча жойга борган бўлса, қўли бўш қайтди).

Ne? сўроқ сифати турк тилида ҳар доим сўроқ маъносини ифодалайвермайди.Ундов сўз ўрнида ҳам ишлатилади: *Ne insan be!* (Қандай ажойиб инсон!) Худди шундай ҳолат ўзбек тилида ҳам кузатилади.Бундай ҳолатда ўзбек тилида ***қандай*** сўзи ишлатилади: *Қандай ажойиб кун!*

Қадимги тилларда ҳам от билан сифатнинг муносабати, кўпинча, икки отнинг бирикиб келиши билан ифодаланган, от маълум ўринда сифат вазифасида қўлланган: предметнинг белгиси, хусусиятлари икки отни бир-бири билан бириктириш орқали ифодаланган. Демак, ҳар қайси тилдаги сўз туркумлари тил билан бир вақтда пайдо бўлган ҳодисалар эмас. Шунинг учун бирор сўзнинг от, сифат туркумига хослиги масаласига нисбий ёндашиш мумкин. Жумладан, *чол, кампир* каби сўзларимиз қанчалик

от бўлса, шунчалик сифат ҳамдир.Масалан, *чол киши, кампир хотин* ёки *тахта кўприк, олтин соат* каби бирикмалардаги *тахта* ва *олтин* сўзлари қанчалик от бўлса, шунчалик сифатдир. Сўз туркумлари орасидаги бундай “ўтиш” ҳоллари “отлашиш”, “сифатлашиш” деб эмас, балки туркий тилларда сўз туркумлари фақат морфологик кўрсаткич асосида ажратилмаслиги, унинг “отлик” маъноси бирикма таркибида реаллашуви билан изоҳланади. Бирикма таркибида қайси маъно реаллашувига қараб, у ўзгарувчан (турланувчи) ва ўзгармас (турланмайдиган) бўлади. Бунда аниқловчи-аниқланмиш муносабати муҳим аҳамият касб этади. Аниқловчи (сифатловчи) турланмайди, аниқланмиш турланади.

Сифат от бирикманинг ишлатилиши мажбурий бўлмаган компоненти, аммо феъл бирикмада ишлатилиши шарт.Масалан: *Büyük bir ev almak istiyoruz. / Alacağımız ev büyük.*От бирикма таркибидаги *büyük* сўзи тушириб қолдирилса ҳам гап мазмуни ўзгармайди.Аммо феъл бирикмада бу сўзни тушириб қолдирсак, гап кесимсиз бўлиб қолади ва маъно англашилмайди.

Ўзбек ва турк тилларида сифат отдан олдин келади. Шунинг учун турк тилшунослигида **sıfat** атамаси билан бир қаторда **önad** (отдан олдин келувчи, олдинги от) атамаси ҳам ишлатилади.[255] Агар отдан олдин келмаса, гап маъноси аниқ бўлмайди. Масалан, *Катта уй олмоқчимиз / Büyük bir ev almak istiyoruz* жумлаларидаги *уй* ва *ev* сўзларини тушириб қолдирсак, гап тушунарсиз бўлиб қолади. Айни жумлаларда сифатлар ишлатилмаган ҳолатда ҳам мақсад тушунарли бўлади. Чунки гапнинг эга ва кесими бор.Бу таркибда сифат ёрдамчи компонент саналади.

Ўзбек тилида сифат даражалари масаласида тилшунос олимлар қарашлари орасида фарқ кузатилади.Сифатнинг 3 даражаси (оддий, орттирма, қиёсий) бор, деб ҳисоблайдиган тилшунос олимлар ва сифатнинг 4 даражаси (оддий, орттирма, қиёсий, озайтирма) мавжуд, деган фикрда бўлган мутахассисларнинг ҳар бири ўз қарашларини илмий жиҳатдан асослайди.

Турк тилшунослигида сифатларнинг 4 даражаси мавжуд, деб ҳисобланади. Булар:1) **eşitlik derecesi**(тенглик (оддий) даражаси); 2) **üstünlük derecesi** (қиёсий даража); 3) **aşırılık derecesi**(орттирма даража); 4) **en üstünlük derecesi** (энг устунлик даражаси).[256]

Ўзбек ва турк тилларида сифатнинг оддий даражаси ўртасида фарқ йўқ: *кенг уй-geniş ev; яхши инсон− iyi insan.*

Ўзбек тилида сифатнинг орттирма даражаси *ўта, жуда, ғоят, ниҳоятда, бағоят, ҳаммадан, зап, хўп, беқиёс, тим* каби сўзлар ёрдамида ҳосил қилинса, турк тилида *çok,*

[255] Koç, N.Yeni Dilbilgisi.(1990) Istanbul. S.189
[256] Korkmaz, Z.(2007),Türkiye Türkçesi Grameri (Şekil Bilgisi). Ankara.S.370

pek, çok fazla,çok az, pek çok, fazlasıyla, epey, fevkalade, gayet, hayli, harikulade сингари сўзлар воситасида ҳосил қилинади.Масалан: *Жуда ажойиб инсон экан. / Gördüğüm tezgâhlarda fevkalâde güzel halılar dokunuyor.(Мен кўрган дастгоҳларда ниҳоятда чиройли гиламлар тўқиляпти.)*

Бундан ташқари оддий даражадаги сифатларнинг биринчи бўғинини тўғридан-тўғри ёки турли товуш ўзгаришлари билан такрорлаш орқали ҳам орттирма даражани ҳосил қилиш мумкин:*тўппа-тўғри, кўм-кўк, бус-бутун / yemyeşil, sapsarı,tertemiz.*

Сифатнинг қиёсий даражаси ҳақида сўз борар экан, ўзбек тилида **-роқ** қўшимчаси воситасида ҳосил қилинган мазкур даража турк тилида *daha, biraz daha* сўзлари иштирокида ҳосил қилинишини таъкидлаш ўринлидир.

Озайтирма даражадаги сифатлар белгининг меъёрдан камлигини билдиради.Ўзбек тилида бу даража оддий даражадаги сифатдан олдин *ярим, хиёл, ним, бироз, оч, хийла, сал, пича* сўзларини келтириш билан ҳосил қилинса, турк тилида –CA, -CanA,-cAk, -cIk, -cUk, -cUk, -sI, -msI, -msU, -Imtırak, -rAk қўшимчалари ёрдамида ҳосил қилинади.

Белги-хусусиятнинг энг юқори даражада эканлигини билдирувчи сифатлар иккала тилда ҳам *энг / en* сўзи воситасида ифодаланади*: энг азиз инсон / en aziz insan.*

Ўзбек ва турк тилларидаги сифатлар тузилишига кўра **содда** (*сахий / cömert)* ва **қўшма** сифатлар (*софдил / safdil*)га ажратилади.Ўзбек тилида **жуфт** ва **такрор** сифатлар фарқланса, турк тилшунослигида улар бир атама билан (**Tekrar Grubu**) номланади ва *ayrı ayrı renkler* (бошқа-бошқа ранглар), *eğri büğrü dikiş* (қинғир-қийшиқ чок) типидаги сифатлар бир гуруҳга мансуб ҳисобланади.

Ўзбек ва турк тилларида сифат сўз туркумининг кўплаб муштарак жиҳатларини кузатиш мумкин.Шундай бўлса-да, таснифларда фарқли ёндашувлар учрайди.

Ўзбек ва турк тилларининг морфологияси ва синтаксиси ўртасига қатъий чегара қўйиш мушкул. Шу боисдан кейинги пайтларда турк тилшунослари сўзларни тил тизимидан ажратилган, якка ҳолда эмас, балки матн ичида, нутқий ҳодиса сифатида ўрганишга мойиллик билдирмоқда.

Фойдаланилган манбалар:

1. Abdushukurov B. Eski turkiy adabiy til leksikasi.− T.:Tafakkur bo‘stoni, 2015.
2. Ergin, M.(2004), Türk Dil Bilgisi.İstanbul.
3. Koç, N. (1990),Yeni Dilbilgisi.Istanbul.
4. Korkmaz, Z. (1992), Gramer Terimleri Sözlüğü.Ankara: TDK Yayınları.
5. Korkmaz, Z. (2007), Türkiye Türkçesi Grameri (Şekil Bilgisi). Ankara: TDK Yayınları.
6. Миртожиев М. Туркий туб сўзлар тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2017.
7. Сайфуллаева Р. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 2010.
8. Yüksel, G. (2014), Türkçe Dil Bilgisinin Yeni Tertibi.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ
ALİ ŞİR NEVAÎ'NİN KONUŞMA KÜLTÜRÜ HAKKINDAKİ FİKİRLERİ

Ибодат Бозорова
Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси
Ирода Шодиева
Навоий давлат педагогика институти талабаси
İbadet Bozorova
Nevaî Devlet Pedagoji Enstitüsü
İrade Şadiyeva
Nevaî Devlet Pedagoji Enstitüsü

Аннотация: Жаҳон адабиётининг забардаст намояндаларидан бири ҳисобланган Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди барча даврларда катта қизиқиш билан ўрганилган. Алишер Навоий ижодий меросининг аҳамиятини сўз билан таърифлаш қийин.Мутафаккир шоир ҳеч бир ижтимоий масалани эътиборсиз қолдирмаган. Бу эса унинг ниҳоятда кучли билим, тенгсиз тафаккур, кенг дунёқараш эгаси бўлганидан далолатдир. Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ҳақидаги мушоҳадалари ҳам фикримизнинг исботидир.

Калит сўзлар: ўзбек мумтоз адабиёти, Алишер Навоий, ижодий мерос, нутқ маданияти.

Özet: Dünya Edebiyatının önde gelen isimlerinden biri olan Ali Şir Nevaî'nın hayatı ve eserleri tüm zamanların insanları tarafından büyük ilgi görmüştür. Ali Şir Nevaî'nin bize bıraktığı edebî mirasın önemini anlatmaya kelimeler yetersizdir. Şairin dikkat etmediği hiç bir sosyal konu yoktur. Bu ise Ali Şir Nevaî'nın derin bilgi ve tefekkür, geniş dünyagörüş sahibi olduğunu gösteriyor. Ali Şir Nevaî'nin konuşma kültürü konulu düşünceleri de fikirlerimizi kanıtlamaktadır.

Anahtar kelimeler: Eski Özbek Edebiyatı, Ali Şir Nevaî, edebî miras, konuşma kültürü.

Беназир ижодкор Алишер Навоий “Хамса” достонларида, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Назм ул-жавоҳир” ва бошқа кўплаб рисолаларида сўзнинг буюк қудрати ва нутқ маданиятининг аҳамиятига оид беқиёс фикрларни баён этган.

Ҳайратга лойиқ воқеликлардан бири − сўз хусусида “Ҳайрат ул-аброр” достонида махсус тўхталинади. Сўз таърифига бағишланган XIV бобнинг илк байтида сўзнинг қадри хусусида фикр юритилади:

Сўз гуҳариға эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,
Етти фалак ахтарининг буржи ул.[257]

Шоир достоннинг XIV бобида сўз хусусида фикр билдирар экан, инсонга берилган тенгсиз имконият – сўзлаш саодати ҳақида тўхталади: *Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз, Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.*[1.18] Инсон бу имтиёздан ўринли фойдаланиши, тафаккур билан маъно гавҳарини териши лозим:*Ул киши сўз баҳрида ғаввос эрур, Ким гуҳари маъни анга хос эрур.*[1.22] Навоий маънога эга бўлган сўзгина қимматли эканлиги, фақат маъно гавҳари соҳиби сўз дарёсининг ғаввоси бўла олиши, нуктадонлар сўз дурларини теришга мушарраф бўлишини уқтиради. Туркий тилларда маъно ифодалаш имкониятининг кенглиги туюққа, яъни бир сўзнинг бир неча маънода кела олиши, сўз ўйинига ишора қилиш орқали ифодаланади. “*Лафзлари бемаза, таркиби суст, носара маънию адо нодуруст*” бўлса, бундай суҳбатдошдан узоқ турган маъқул, деб ҳисоблайди шоир.

---

[257]Навоий, Алишер.Ҳайратул-аброр.Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 17. Келтирилган парчалар шу манбадан олинди.

Навоийнинг фикрича, инсонлар, айниқса, сўз аҳли, яъни ижодкорлар сўзни юксак қадрлаши лозим. Замона шоирларининг аксарияти худбинлик сабаб фақат шон-шуҳрат илинжида бўлиши Навоийнинг дилини оғритади: *Кўнглима кўп тиғи жафо урдилар, Дема кўнгул, жонима текурдилар.*[1.24]

Навоийнинг тил ва нутқнинг аҳамияти ҳақидаги дурдона фикрлари акс эттирилган "Маҳбуб ул-қулуб"нинг учинчи қисмидаги 48-танбеҳ машҳур ҳикматли сўзга айланган *"Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз"* жумласи билан бошланади. Олдинги танбеҳдаги фикрларини давом эттирган Навоий одамларни ранжитувчи дилозорлар ўз бошига ҳам офат етказишини; сўз эзгу мақсадга хизмат қилиши лозимлигини, сўз воситасида Исо Масиҳ каби ўликка жон бағишлаш мумкинлигини таъкидлайди. Айниқса, тил билан энг яхши аъзолари эканини эътироф этади.Ушбу танбеҳдаги "*Одамий тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонга сарафроз бўлур"* [2.518] қайди шоирнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонидаги "*Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз, Сўз била ҳайвондин анга имтиёз"* [1.18] мисраларини ёдга солса, "*Сўздадур ҳар яхшилиқни имкони бор, мунда дебдурларки, нафаснинг жони бор.Масиҳоким, нафас била ўлукка жон берди, гўё бу жиҳатдин эрди"* [2.517] эътирофи "*Тирғузуб ўлганни каломи фасиҳ, Ўзига "Жонбахш" лақаб деб Масиҳ"* [1.18] мисраларини эслатади

Асардаги 60-танбеҳда рост сўзнинг қадрлилиги, сўзнинг яхшиси қисқа бўлгани экани, ўзи тўғрининг сўзи тўғри бўлиши, сўз ўз соҳибининг руҳий ҳолати ва маънавий даражаси ҳақида аён тасаввур бериши таъкидланади. Нутқ мазмунининг аҳамиятига эътибор қаратган Навоийнинг эътирофига кўра, чин сўз чиройли тарзда айтилмаса ҳам, чиройли қилиб айтилган ёлғондан яхшидир. Содда, ортиқча такаллуфсиз айтилган сўз учун афсусланишга ҳожат йўқ.Навоийнинг бу талқини "Ҳайрат ул-аброр"даги "*Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи, Йўқ сўзиким, ҳам сўзию ҳам ўзи"* [1.111] мисраларини хотирлатади.

Навоий кўп гапириш ва кўп ейишнинг бехосият эканлиги тўғрисида қайта-қайта тўхталади.76-танбеҳда кўп гапирадиган ва кўп ейдиган кишиларни "*Дўзах тўри томон ошиқаётганлар*" деб таърифлайди: "*Кўп дегувчи ва кўп егувчи – томуг тўрига ошуқуб кетгувчи".*[2.527] Кўп ейиш ва кўп дейиш ҳикмат шарафидан бебаҳралик, оғир хасталик сифатида баҳоланади.

Навоий ўқувчини тўғри йўлга бошлашни истайди: тил ва дилни бир қилишни, шундай кишиларга эргашишни маслаҳат беради. Ҳар бир сўзни чуқур мулоҳаза қилгандан кейин гапиришни тавсия қилади:" *Тилинг била кўнглунгни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтгон сўзга бут. Сўзни кўнглунгда пишқормағунча тилга келтурма, ҳарнаким кўнглунгда бўлса, тилга сурма. Агарчи тилни асрамоқ кўнгулга меҳнатдур, аммо сўзни сипамоқ бошқа офатдур...".* [2.543]

Навоийнинг дурдона асарлари қатидаги қимматли фикрлар бизнинг давримизда янада муҳим аҳамият касб этади. "Умумий маданият" ниқоби остидаги маънавий тажовуз таъсирида ўзлигимизни йўқотмаслигимиз учун Навоий асарларини, миллий қадриятларимизни, халқимизнинг асрий анъаналарини, мумтоз адабий меросимизни, маънолар хазинаси бўлган она тилимизни, аждодлар тафаккурининг юксак ифодаси − халқ оғзаки ижодини, шонли тарихимизни чуқур ўрганишимиз, қадрлашимиз, ёш авлод онгига сингдиришимиз лозим. Миллий ўзликни англаш туйғуси ёш авлод онгига сингдирилар экан, миллат даҳоларига эҳтиром ҳам ўргатилиши керак. Даҳо шоир Навоийни англаш учун унинг асарларини ўқиш, уқиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исламов Ў. Алишер Навоий асарларида нутқ маданияти талқини. Филол. фан. номз... дисс. автореф.− Т.: 2011.
2. Navoiy, Alisher. To‘la asarlar to‘plami:10 jildlik.− T.: G‘.G‘ulom nomidagi NMIU, 2013. J.9.
3.Навоий, Алишер. Ҳайрат ул-аброр.−Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1989.
4.Навоий, Алишер. Топмадим. Ғазаллар. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги АСН, 1988.

Перспективность развития методики интерактивного обучения
Prospects for the development of interactive learning methods

Доронина Ирина Николаевна
преподаватель,
Ферганский государственный университет,
Узбекистан, г. Фергана
e-mail: sgulshanoy@mail.ru

Doronina Irina Nikolaevna
teacher,
Fergana State University,
Uzbekistan, Fergana
e-mail: sgulshanoy @mail.ru

Аннотация

В настоящей работе рассматриваются вопросы перспективности развития методики интерактивного обучения. Интерактивное обучение позволяет сформировать мыслящего, творческого, активного, «здорового», креативного, высококвалифицированного человека на основе современных образовательных программ. При этом важно формировать не только глубокие и прочные знания, но и умения использовать их в различных ситуациях, самостоятельно добывать знания, формировать опыт решения проблем. Перспективным для данного этапа в развитии методики интерактивного обучения следует считать принцип развивающего обучения, обучение при ускоренных темпах подачи нового материала.

Ключевые слова: развитие методики, интерактивное обучение, формирование мысли, перспективность, развивающее обучение, ускоренные темпы, подача, новый материал

Annotation

This paper discusses the prospects for the development of interactive learning methods. Interactive training allows you to form a thinking, creative, active, "healthy", creative, highly qualified person based on modern educational programs. At the same time, it is important to form not only deep and solid knowledge, but also the ability to use it in various situations, independently obtain knowledge, and form experience in solving problems.
Promising for this stage in the development of interactive learning methods should be considered the principle of developing learning, learning at an accelerated rate of new material submission.

Keywords: methodology development, interactive learning, formation, thoughts, perspective, developing learning, accelerated pace, submission, new material

Одним из ключевых задач высшего и среднего специального образования на современном этапе выдвинуто положение – сформировать мыслящего, творческого, активного, «здорового», креативного, высококвалифицированного человека на основе современных образовательных программ.

Продуктивный урок должен формировать не только глубокие и прочные знания, но и умения использовать эти знания в различных ситуациях, а также умения самостоятельно добывать знания, формировать опыт решения проблем. В связи с этим остро стоит вопрос о целенаправленной работе по развитию у учащейся молодёжи интеллектуальных, физических, эмоционально-волевых, познавательных умений. Наилучшие результаты при решении этой проблемы можно получить только при наличии активной позиции учащихся в учебном процессе. Принцип активности учащегося в процессе обучения был и остается одним из основных в дидактике. Под этим подразумевается такое качество деятельности, которое характеризуется высоким уровнем мотивации, осознанной потребности в усвоении знаний и умений, результативности и соответствием социальным нормам. Такого рода активность сама по себе возникает не часто, она является следствием целенаправленного взаимодействия и организации педагогической среды,
т.е. применения педагогической технологии (системы работы).

Новые педагогические технологии, новые методы обучения должны быть новыми всегда. Безусловно, они могут быть и обновленными, и хорошо переработанными, и видоизменными, но не «списаны с чужого труда» (плагиат) или слепо скопированы. Но в

них будет всегда свое «индивидуальное, специфическое, особенное, авторское». Потому это и является творчеством, а творец преподаватель, который всегда в поиске. Бесспорно он обязан экспериментировать, исследовать, выдвигать свои новаторские идеи, мысли, дополнять своими собственными разработками из своей практики и личного опыта, осознавая многообразие методов, приемов, технологий и связывая их со своими личными методами обучения.

Перспективным для данного этапа в развитии методики интерактивного обучения следует считать принцип развивающего обучения, то есть обучение при ускоренных темпах подачи свежего и нового материала.

Для осуществления обучения с применением интерактивных методов преподаватель должен обладать педагогическим мастерством, которое должно быть доведено до высокой степени, уровня. Кроме всего этого он должен совершенствовать свою обучающую и воспитательную умелость, отражающую особую коррекцию методов и приемов.

Безусловно, применение интерактивных методов обучения позволяет решать многие проблемы: формировать интерес к изучаемому предмету; развивать самостоятельность учащихся; обогащать их социальный опыт путем переживания жизненных ситуаций; комфортно чувствовать себя на занятиях; проявлять индивидуальность в учебном процессе. Здесь важно уважать альтернативное мнение, моделировать различные ситуации, способствовать оздоровлению психологического климата, создавать доброжелательную обстановку. Подобная методика принципиально меняет традиционную схему коммуникации учебного процесса.

Спектр интерактивных методов чрезвычайно широк. По целевой ориентации среди них могут быть выделены: дидактические, воспитывающие и контролирующие, ориентированные на реализацию контрольно-оценочной функции.

В педагогической практике рекомендуем использовать следующие интерактивные технологии:

«Шаг за шагом» — используется для активизации полученных ранее знаний; «Послушать — сговориться — обсудить» — данный метод способствует активному усвоению знаний, вовлекая в работу учащихся с любыми уровнями подготовки; «Письмо литературному персонажу» - выразить свое отношение к его поступкам; «Встреча литературных героев» - любимых литературных героев, представляют о чём бы они говорили друг другу.

Интерактивные методы обучения, при условии их правильной подачи, являются одними из самых успешных педагогических технологий, активизирующих учебно-воспитательный процесс, обеспечивающих не только формирование коммуникативной компетенции, но и воспитывающих языковую личность, способную к профессионально-деловой межкультурной коммуникации, стремящуюся к саморазвитию и самообразованию, умеющую творчески мыслить и находить эффективные пути решения в различных ситуациях будущей деятельности.

Итак, интерактивные методы позволяют создавать учебную среду, в которой теория и практика усваиваются одновременно, а это даёт возможность формировать характер, развивать мировоззрение, логическое мышление, связную речь, критическое мышление, выявлять и реализовать индивидуальные возможности.

Список использованной литературы:

1. Коротаева Е.В. Обучающие технологии в познавательной деятельности школьников. – М.: Сентябрь, 2003.
2. Решеткина И. В. Интерактивное обучение в контексте современных тенденций развития школьного и вузовского образования. – Самара: Наука, 2000.
3. Кобзарь-Фролова М. Н. О применении интерактивных технологий при преподавании юридических дисциплин магистрам //Финансовое право. -2013. — № 7. — С. 21–23.

Перспективы развития лингвистической герменевтики
Prospects of development of linguistic hermeneutics

Юлбарсова Умида Муратовна
преподаватель,
Ферганский государственный университет,
e-mail: rmusyn@mail.ru

Yulbarisova Umida Muratovna
teacher,
Fergana State University,
e-mail: rmusyn@mail.ru

Аннотация

В работе раскрываются вопросы лингвистической герменевтики, её развитие на современном этапе образовательного процесса. В данной статье рассматриваются различные точки зрения лингвистов на эту проблему и выявление наиболее оптимального варианта для исследования герменевтики на современном этапе развития текстологии, её описания и анализа.

Ключевые слова: лингвистическая герменевтика, развитие, современный этап, образовательный процесс, различные точки зрения, оптимальный вариант, наука, дискурс, термин, лингвистический анализ, интерпретация, текст

Annotation

The work reveals the issues of linguistic hermeneutics, its development at the present stage of the educational process. This article examines the various points of view of linguists on this problem and identifying the most optimal option for the study of hermeneutics at the present stage of development of textual criticism, its description and analysis.

Keywords: linguistic hermeneutics, development, modern stage, educational process, different points of view, the best option, science, discourse, term, linguistic analysis, interpretation, text

Процессы глобализации привели к нарастанию контактов межнационального общения. Интенсификация международного сотрудничества, значительное расширение поля межкультурных контактов стали мощным стимулом развития теории и практики различных видов филологической деятельности. Сегодня необходимо говорить об усилении интереса к проблемам герменевтики - истолковании, интерпретации и понимании в практической жизни, политике, морали, праве, искусстве, религии, коммуникативной деятельности, образовании. Таким осознанием значимого социального вызова стало формирование лингвистической герменевтики, которая возникла на пересечении философии языка, лингвистики и философской герменевтики, различающихся как в масштабности применяемой методологии, так и в предметной области данных наук. Безусловно, лингвистика через лингвистическую герменевтику исследует многообразие генетических, типологических взаимодействий мышления, языка, речи в контексте текстового общения. При этом, «текст, как правило, - по мнению А. М. Камчатного, - многоаспектен и может быть истолкован философски, исторически, богословски или эстетически. Однако, «текст не существует вне языка, потому во всякое истолкование и вплетается, так сказать, лингвистическая составляющая» [1, 20].

Характерной чертой развития научного направления «лингвистика текста» на рубеже XX-XX1 веков является актуализация герменевтического подхода к изучению текста (Ф. Шлейермахера, М Хайдеггера, Г. Гадамера, П. Рикера, Бабкина А.С., Сахарный Л.В., Иванов П.А., Евстафиади М.Д., Каримова Э.И., Пащенко И.В. и др.). Важно отметить, что герменевтика с конца XIX века ассоциировалась, в первую очередь, с интерпретацией, углубленным пониманием светской литературы (и любого текста вообще). Как научный метод герменевтика формируется с развитием филологии и других гуманитарных наук. «Все носители языка... говорят только текстами, а не словами и не предложениями» [2, 18].

Герменевтика (от греческого слова hermeneutike) - искусство разъяснения, толкования, которую понимают в широком смысле как теорию и практику толкования текстов [3, 52]. Однако, в современной науке существуют различные трактовки термина «герменевтика». Нами были рассмотрены различные точки зрения на данную проблему, в частности, герменевтика как «искусство интерпретации (толкования) текстов (любые литературные произведения: художественные, исторические, философские, религиозные и проч.)»; как «теория понимания, постижения смысла в некоторых современных философских контекстах; как толкование текста, но и понимание устной речи (или близкого к ней по стилистике текста сетевого общения или музейного дизайна), которая может употребляться наравне с экзегетикой и понимается как раздел богословия, т.е. как научная дисциплина, которую длительное время было принято избегать (поскольку ассоциировалась с интерпретацией, прежде всего, библейских текстов), так как было неактуально. В литературоведении, - поскольку при исследовании любого памятника литературы необходимо его максимально объективное толкование (например, в трудах литературоведов, исследующих художественные тексты в контексте исторической эпохи).

Бесспорно, герменевтика необходима и востребована там, где смысл как бы "скрыт" от субъекта познания (слушателя, читателя), который необходимо дешифровать, понять, истолковать. По утверждению исследователей, «интерпретатор исследует текст и как языковое явление, и как человеческое творение, учитывая исторически обусловленное знание языка, условия жизни и быта автора, своеобразие его личной судьбы, исторический характер эпохи, особенности стиля и т.п.» [4, 9] Искусство интерпретации состоит в умении увидеть то, что не лежит на поверхности, ментальное, а также определенные черты идеостиля автора текста, которые связаны как с внешними обстоятельствами его существования, а также внутренними чертами его личности (характер, темперамент, сила воли, талант, политические взгляды, мировоззренческие установки и пр.), влияющими на характер произведения.

Считаем, важным и необходимым выявление наиболее оптимального варианта для исследования герменевтики на современном этапе развития текстологии, её описания и анализа, особенно в сопоставительном плане.

Изучение разных видов текстов на разных языках (в частности, художественных) с целью выявления в них герменевтических отношений в текстологии, на наш взгляд, поможет выявить сходство и различия в речевом дискурсе контактируемых народов в целом, русского и узбекского народов, в частности, что даёт возможность по-другому взглянуть на национальные языковедческие проблемы в иностране, познакомиться с особенностями менталитета её народа, нравами, традициями, обычаями, стилем жизни в контексте герменевтики, дать объективную оценку герменевтическому подходу в системе современного контрастивного лингвистического знания.

Полученные в ходе исследования результаты анализа, по-нашему мнению, позволят углубить представления о вопросах лингвистической герменевтики и филологической декодировки текста, а также особенностях герменевтического дискурса речи в сравнительном плане.

Безусловно, художественный текст отражает языковую и национальную картину мира, как конкретного автора, так и народа, говорящего на данном языке. Наше миропонимание частично зависит как от языковой картины мира, основу которой составляет концептуальная картина мира, так и посредством её - сама действительность. В результате взаимодействия человека с миром складываются представления о мире, формируется некоторая текстовая модель мира, которая в философско-лингвистической литературе именуется картиной мира [4, 23]. Нас интересует именно процесс выражения картины мира через язык, через посредство текстов, способных выразить мировоззренческие потенции читателя-индивида.

Надо сказать, что герменевтика нужна там, где существует непонимание, т.е., когда смысл как бы “скрыт” от читателя - субъекта познания и его надо дешифровать, понять, истолковать, интерпретировать. Данные понятия в определённой степени синтезируются в категорию “понимание”, которая в гуманитарных науках приобретает особое методологическое звучание: на первый план здесь выдвигаются интерпретационные методы получения знания. Именно они в большинстве случаев обеспечивают «прирост знания» в области гуманитарных наук. Но, в то же время перед исследователями возникают сложнейшие проблемы обоснования истинности гуманитарных теорий и их методологического обеспечения[5,]. Одной из таких проблем является проблема герменевтического подхода к системе современного лингвистического знания, в том

числе и с точки зрения контрастивистики, которая недостаточно разработана и ждёт своего решения.

Таким образом, лингвистическая герменевтика – это новая научная дисциплина, обладающая специфичностью, предметной самобытностью в исследовании смысла текстового общения конкретной речевой деятельности в любом языке.

Список литературы:

1. Камчатнов А. М. Теоретические основы лингвистической герменевтики и опыт ее приложения к изучению языка славяно-русских переводов Библии: автореф. дисс. д. филол. н. - М.: МПГУ, 1996. - 23 с.

2. Гадамер Х.-Г. Истина и метод: основы философской герменевтики. - М.: Прогресс, 1988. - 704 с.

3. Кузнецов В. Герменевтика и ее путь от конкретной методики до философского направления. - Москва, 2001.

4. Богин Г. И. Филологическая герменевтика. - Калинин: КГУ, 1982. - 86 с.

5. Шпет Г. Г. Герменевтика и её проблемы. – Москва, 1999.